ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ

қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан «Ёнғин хавфсизлиги» мутахассислиги бўйича ўқув қўлланмаси сифатида тавсия этилган

Техника фанлари номзоди, доцент А.Д.Худоев таҳрири остида

Тошкент - 2007

ТАҚРИЗЧИЛАР: Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ бошлиғи А.И.Исломов

МУАЛЛИФЛАР: А.Д.Худоев, М.А.Азизов, М.М.Бекбаум, Д.Х.Исраилов, Р.Э.Қосимов, Н.А.Мансурходжаев

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ: Фанлараро якуний Давлат аттестациялари синовларига тайёргарлик кўриш юзасидан ўқув қўлланмаси;

Техника фанлари номзоди, доцент А.Д.Худоев таҳрири остида - Тошкент, 2006.

Ўқув қўлланмаси "Ёнғин хавфсизлиги" мутахассисини тайёрлаш бўйича тасдиқланган ўқув дастури ва режасига мувофиқ яратилган.

Қўлланмада "Ёнғин хавфсизлиги" мутахассислиги бўйича тингловчилар билиши лозим бўлган барча масалалар атрофлича ёритилган бўлиб, у бўйича тайёргарлик кўриш жараёнида эътиборни қаратиш талаб қилинадиган асосий ҳолатлар юзасидан услубий кўрсатмалар берилган. Асосий мавзуларни ёритишда керакли формулалар, чизмалар, расмлар ва жадваллар ҳам берилган бўлиб, улар мавзуни тўлароқ ёритиш, тингловчининг тасаввурини янада кенгайтириш, шу билан бир қаторда ҳозирда амалда бўлган меъёрий ҳужжатларга мос равишдаги ҳисоб-китобларни бажариш учун зарур маълумотларни олишда қулайлик туғдиради.

Ўқув қўлланмасида Ўзбекистон Республикасида ҳозирда амалда бўлган меъёрий ва йўриқнома тариқасидаги материаллардан, шунингдек буйруқ ва кўрсатмалардан фойдаланилган.

Ўқув қўлланмаси Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабининг битирувчилари, шунингдек, ёнғин муҳофазаси хизмати, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотларининг муҳандис-техник ходимлари, ишлаб чиқариш корхоналарининг техника хавфсизлиги масалалари билан шуғулланувчи мутахассислари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари учун мўлжаллаб ёзилган.

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХОТМ, 2006 й.

700047, Тошкент, Тўйтепа кўчаси, 2а уй
Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг «PATENT-PRESS»
TEZKOR NASHR QILISH MARKAZI SHO'BA KORXONASI да чоп этилди
Тел.: 136-00-88, 132-00-17
e-mail: pp@patent.uz

МУНДАРИЖА

Сўз боши 25
I.БОБ. ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ
1.1. ЁНҒИНЛАРНИ СУРИШТИРИШ 29
1.ДЁН органларининг ёнғинларни суриштириш бўйича процессуал асосдаги ваколатлари. 30
2.Ёнғинлар билан боғлиқ бўлган жиноятларни таснифлаш. 30
3.Ёнғинлар билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг таркибий қисмлари. 31
4.ДЁН органлари суриштириш органи сифатида. 32
5.ДЁН органларининг дастлабки тергов жараёнидаги иштироки. 33
6.ДЁН органларининг ёнғинлар билан боғлиқ жиноятлар сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари тартиби. 35
7.Ёнғин ҳақидаги аризани рўйхатга олиш тартиби. Ариза олингандан кейинги процессуал ҳаракатлар. 36
8.Ёнғинларни суриштириш бўйича тезкор-тергов гуруҳининг таркиби ва унинг олдига қўйилган вазифалар. 37
9.Тергов-тезкор гуруҳи (ТТГ) аъзоларининг ёнғин ҳақида хабар олгандаги ҳаракатлари. 38
10.Тергов-тезкор гуруҳи (ТТГ) аъзоларининг ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш ва бошқа тезкор-тергов ҳаракатларини амалга ошириш чоғидаги ҳаракатлари. 39
11.Бинонинг ёнғин-техник характеристикаси. Содир этилган ёнғиннинг сабабини аниқлашда унинг аҳамияти. 39
12.Бинонинг ёнғин-техник характеристикаси. Содир этилган ёнғиннинг сабабини аниқлашда маҳаллий ўйилишлар ва вайроналарнинг пайдо бўлишига таъсир қилувчи қўшимча шароитларни эътиборга олиш. 41
13.Ёнғин ҳудудида жойлашган предмет ва материалларнинг тавсифи, миқдори, ҳолати ва ўзаро жойлашувининг ёнғин сабабини аниқлашдаги аҳамияти. 43
14.Технологик жараён, ускуналарнинг жойлашуви, ҳолати ва улардан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари. 44
15.Ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш турлари: динамик кўздан кечириш ва унинг аҳамияти. 45
16.Гувоҳлар ва шоҳидларнинг кўрсатмалари орқали маълумотлар йиғиш. Ҳужжатларни олиб қўйиш тартиби. 47
17.Ёнғин ўчоғини тўғри аниқлашнинг аҳамияти. 48
18.Ёнғин ўчоғи белгиларининг пайдо бўлиши сабаблари. 49
19.Ёнғин ўчоғи белгилари пайдо бўлмайдиган ҳолатлар. 50
20.Ёнғин бўлган жойнинг тепасида пайдо бўладиган ўчоқ белгилари. «Ўчоқли конус». 51
21.Ёнғин ўчоғининг бетон ва ғишт конструкцияларидаги белгилари (излари). 52
22.Ёнғин ўчоғининг металл конструкциялар ва иншоотлардаги белгилари (излари). 53
23.Ёнишнинг йўналтирилганлиги белгилари. 54
24.Ёнғин ўчоғи ҳақида тушунча. 57
25.Ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш ҳақида тушунчалар. 58
26.Ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш учун асослар. Кўздан кечириш тўғрисидаги умумий қоидалар (ЎзР ЖПК 135-141 моддалари). 59

27.Ёнғин бўлган жойни кўздан кечиришда иштирок этувчилар, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари. 61
28.Ёнғин бўлган жойни кўздан кечиришга тайёргарлик кўриш. Кўздан кечириш объектлари. 63
29.Ёнғин бўлган жойдаги мавжуд ҳолатни сақлаб қолиш ҳақида тушунчалар. 64
30.Ёнғин бўлган жойни кўздан кечиришнинг асосий зоналари, босқичлари ва турлари. 66
31.Ёнғин бўлган жойни кўздан кечиришни ташкил қилиш. 67
32.Ашёвий далилларни олиб қўйиш, ўраш ва идишларга солиш ҳамда уларни сақлаш қоидалари. 68
33.Ёнғин бўлган жойни суратга олиш. 70
34.Ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш чоғида кўриладиган асосий хавфсизлик чоралари. 71
35.Ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш Баённомаси. Уни тузиш тартиби ҳамда унинг таркибий қисмлари. 71
36.Тергов тусмоли (эҳтимоли, тахмини) ҳақида тушунча. Ёнғин сабабини аниқлаш учун тергов тусмолларини тузиш. 72
37.Ёнғин сабаби ҳақидаги тусмолни (эҳтимолни) текшириш услуби. 74
38.Ускуналардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ёнғин сабаби ҳақидаги тусмолни текшириш учун асосий саволлар рўйхати. 76
39.Электр ускунасининг тузилиши ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ёнғин сабаби ҳақидаги тусмолни текшириш учун саволлар. 78
40.Хонани иситиш электр асбобларидан ёнғин чиққанлиги тусмолини текширишнинг ўзига хос жиҳатлари ва асосий аломатлари. 79
41.Иситиш печларидан ёнғин чиққанлиги тусмолини текширишнинг ўзига хос жиҳатлари ва асосий аломатлари. 80
42.Материалларнинг ўз-ўзидан алангаланганлиги тусмолини текшириш учун асосий саволлар ва белгилар (аломатлар). 82
43.Қуёш нурларининг фокусланиши натижасида ёнғин чиқиши эҳтимолини кўриб чиқиш шарт-шароитлари. 82
44.Учқун таъсири натижасида ёнғин чиқиши эҳтимолини кўриб чиқиш шарт-шароитлари. 82
45.Чекиш ва ёритиш пайтида олов билан эҳтиётсиз муомалада бўлиш натижасида ёнғин чиқиши эҳтимолини текшириш учун асосий саволлар рўйхати. 83
46.Қасддан ўт қўйганлик тўғрисидаги тусмолни текшириб чиқишнинг асосий қоидалари. 84
47.Қасддан ўт қўйишни амалга ошириш гуруҳлари. 85
48.Ёнғин-техник экспертизасини тайинлаш тартиби. Дастлабки маълумотларни тайёрлаш. 87
49.Ёнғин-техник экспертизаси ҳақида тушунчалар, унинг аҳамияти ва вазифалари. 88
50.Ёнғинлар билан боғлиқ жиноятларни очишда тайинланадиган айрим экспертиза турлари. 89
51.Ёнғин-техник экспертизаси томонидан ҳал қилинадиган масалаларнинг тахминий рўйхати. Экспертиза ўтказишнинг техник тартиби. 89
52.Ёнғин-техник экспертизасини тайинлаш учун асослар. Ёнғин-техник экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги Қарорнинг тузилиши (таркибий қисмлари). 91
53.Ёнғин-техник экспертининг ваколатлари 92

54.Экспертнинг жавобгарлиги. 94
55.Ёнғин-техник экспертининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари. 95
56.Экспертни сўроқ қилиш ва уни рад этиш. 96
57.Мутахассиснинг тергов ҳаракатларида қатнашиш учун процессуал асослар. 98
58.Ёнғин-техник мутахассисининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари. 100
59.Ёнғин-техник мутахассисининг тергов кўздан кечиришида иштирок этиши. 100
60.Ёнғин-техник мутахассисининг тергов ҳаракатларида иштирок этиши. 102
61.Ёнғин бўлган жойни кўздан кечиришнинг асосий объектлари. 103
62.Ашёвий далиллар ва қиёсий тадқиқот қилиш учун зарур намуналар ҳақида тушунчалар. 104
63.Ёнғин ўчоғини тадқиқот қилиш. 105
64.Енгил ёнувчан ва ёнувчан суюқликларни тадқиқот қилиш усуллари. 106
65.Электротехникага оид объектларни тадқиқот қилиш усуллари. 107
66.Ёнғин сабабини аниқлаш бўйича экспертнинг ёзма хулосасининг таркибий қисмлари. 109
67.Эксперт хулосасини расмийлаштириш тартиби. 111
68.Ёнғин бўйича «рад этиш иши» ичида йиғиладиган ҳужжатларнинг рўйхати ва уларнинг қисқача мазмуни. 112
69.Ёнғиндан олдинги ҳолат ҳақида тушунчалар. 112
70.Ёнғин сабабини аниқлашда ёнғиндан олдин бўлган воқеалар ва ҳолатларни тиклаш ва уларнинг аҳамияти. 113
71.Ёнғинларга оид ишлар бўйича ўтказиладиган экспериментлар ҳақида тушунчалар. 115
Адабиётлар 116

1.2. ХИЗМАТ ВА УНГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ 117
1.Ёнғин хавфсизлиги хизмати гарнизони ҳақида тушунча. 117
2.Ёнғин хавфсизлиги хизмати гарнизонининг куч ва воситалари, ҳамда улардан фойдаланиш тартиби. 118
3.Ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмаларининг бошқа махсус хизматлар билан ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатлари. 120
4.Катта ва мураккаб ёнғинлар содир бўлганда гарнизон хизматини ташкил этиш. 120
5.Гарнизон тезкор хизматлари. 121
6.Ёнғин хавфсизлиги гарнизони мансабдор шахслари. 121
7.Ёнғин хавфсизлиги гарнизони бошлиғи ва унинг хизмат мажбурияти. 122
8.Ёнғин хавфсизлиги гарнизони тезкор навбатчиси ва унинг хизмат мажбурияти. 123
9.Гарнизони техника хизмати бошлиги ва унинг хизмат мажбурияти. 124
10.Гарнизони ГТХХ бошлиғи ва унинг хизмат мажбурияти. 125
11.Гарнизон алоқа хизмати бошлиғи ва унинг хизмат мажбурияти. 126
12.Ёнғин хавфсизлиги марказий диспетчерлик хизмати диспетчери ва унинг хизмат мажбурияти. 126
13.Ёнғин хавфсизлиги хизмати гарнизонининг хизмат мажбурияти. 127
14.Смена хизмати. Смена хизматини ташкил қилиш. 129
15.Ёнғин хавфсизлиги қисми смена бошлиғининг хизмат мажбурияти. 130
16.Қисм диспетчерлик хизмати диспетчерининг хизмат мажбурияти. 132
17.Экипаж командирининг хизмат мажбурияти. 133
18.Ёнғин ўчириш автомобили ҳайдовчисининг хизмат мажбурияти. 134

19.Катта ёнғин ўчирувчининг хизмат мажбурияти. 135
20.Ёнғин хавфсизлиги қисми шахсий таркибини жойлаштириш тартиби. 136
21.Навбатчи сменада вақтнинг тақсимланиши ва кун тартиби. 136
22.Навбатчи сменанинг навбатчилик алмашиш тартиби. 137
23.Навбатчи смена ички хизмати. 139
24.ЁХК навбатчи сменасининг хавф белгиси пайтида ҳаракатланиш тартиби. 140
25.Навбатчи сменанинг хизмат ҳужжатлари. 141
26.Навбатчи смена хонасига қаратилган хавфсизлик техникаси талаблари. 142
27.Автомобиллар сақланадиган жой (гараж)га қаратилган хавфсизлик техникаси талаблари. 143
28.Ёнғин ўчириш автомобилларига техник хизмат кўрсатиш жойига қаратилган хавфсизлик техникаси талаблари. 144
29.Ёнғин хавфсизлиги гарнизонининг марказий диспетчерлик хизмати ва қисм диспетчерлик хизмати хоналарига қаратилган хавфсизлик техникаси талаблари. 144
30.Ўқув ва кузатиш минорасига қаратилган хавфсизлик техникаси талаблари. 145
31.Газ ва тутундан ҳимоя қилиш хизматининг базасига қаратилган хавфсизлик техникаси талаблари. 146
32.Иссиқ тутунхоналарга қаратилган хавфсизлик техникаси талаблари. 146
33.Ёнғинларни ўчиришни машқ қилиш майдони ва руҳий тайёргарликнинг оловли йўлакчаларга қаратилган хавфсизлик техникаси талаблари. 147
34.Ўқув машғулот ва спорт хоналарига қаратилган хавфсизлик техникаси талаблари. 148
35.Ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари томонидан қўриқланаётган корхоналарда хизматни ташкил қилиш тартиби. 148
36.Масканларни қўриқловчи ёнғин хавфсизлиги қисмларидаги ёнғинни олдини олиш гуруҳининг вазифалари. 149
37.Ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари томонидан қўриқланаётган корхоналарда соқчилик хизмати ва унинг вазифалари. 150
38.Ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари томонидан қўриқланаётган корхоналарда кузатув хизмати ва унинг вазифалари. 151
39.Катта ва мураккаб ёнғин ўчириш таянч маскани ишини ташкиллаштириш. 152
40.Катта ва мураккаб ёнғин ўчириш таянч масканининг асосий вазифалари. 153
41.Таянч масканининг моддий техника таъминоти. 153
42.Таянч масканига куч ва воситаларнинг жалб қилиш тартиби. 154
43.Катта ва мураккаб ёнғин ўчириш таянч масканинг хизмат ҳужжатлари. 154
44.Катта ва мураккаб ёнғин ўчириш таянч масканинг бошлиғи ва ўринбосарининг хизмат вазифалари. 155
45.Катта ва мураккаб ёнғин ўчириш таянч маскани смена бошлиғи, таянч маскани катта техниги ва таянч комендантининг хизмат вазифалари. 156
46.Ёнғин хавфсизлиги қисми ёнғин ўчирувчиларининг бошланғич тайёргарлиги. 157

47.Ёнғин хавфсизлиги қисми диспетчерлар (радиоалоқачилар)нинг бошланғич тайёргарлиги . 158
48.Ёнғин учириш автомобили ҳайдовчиларини, экипаж командирлари ва кичик инспекторларнинг бошланғич тайёргарлиги. 159
49.Бошланғич тайёргарликка якун ясаш тартиби. 160
50.Ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари шахсий таркибининг касб тайёргарлиги. 160
51.Касб тайёргарлигининг асосий вазифалари. 163
52.Касб тайёргарлигини режалаштирувчи асосий ҳужжатлар. 164
53.Ёнғин хавфсизлиги қисми диспетчерлар (радиоалоқачилар)нинг касб тайёргарлиги 165
54.Ёнғин ўчириш автомобили ҳайдовчиларининг касб тайёргарлиги. 165
55.Экипаж командирларининг касб тайёргарлиги. 166
56.Кичик инспекторларнинг касб тайёргарлиги. 166
57.Жанговар ва касбий тайёргарликни бошқариш тартиби. 167
58.Касб тайёргарлигига якун ясаш. 168
59.Ўрта ва катта бошлиқлар таркиби билан хизмат тайёргарлиги ўтказишнинг асосий вазифалари. 170
60.Катта ва мураккаб ёнғинларни ўчириш таянч маскани ҳисобидаги ёнғин ўчириш қисми шахсий таркиби билан касб тайёргарлиги машғулотлари ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари. 171
61.Жанговар ва касбий тайёргарлик амалий машғулотларини ўтказиш мобайнида риоя қилиниши лозим бўлган техника хавфсизлиги қоидалари. 172
62.Ёнғин ўчириш штабининг асосий вазифалари. 172
63.Ёнғин ўчириш штабининг ишини ташкил қилиш. 173
64.Ёнғин ўчириш гуруҳларида хизмат вазифаларининг тақсимланиши. 174
65.Биринчи даражали ёнғин ўчириш гуруҳи ходимларининг хизмат вазифалари. 175
66.Иккинчи даражали ёнғин ўчириш гуруҳи ходимларининг хизмат вазифалари. 177
67.Учинчи даражали ёнғин ўчириш гуруҳи ходимларининг хизмат вазифалари. 178
68.Ёнғин ўчириш штабининг тезкор-хизмат ҳужжатлари. 179
69.Моддий бойликларни сақлаш ва уларни ҳисобга олиш тартиби. 180
70.Гарнизон ва смена хизматини текшириш. 181
71.Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларида текширув натижаларини ҳужжатлаштириш тартиби. 183
72.Ёнғинларни ўрганишнинг асосий вазифалари. 183
73.Ёнғинни текшириш тартиби. 184
74.Ёнғин ўчириш бўлинмаларининг жанговар ҳаракатлари таҳлили. 185
Адабиётлар 186

1.3. ДАВЛАТ ЁНҒИН НАЗОРАТИ 187
1.Давлат ёнғин назоратининг тузилиш тизими. 187
2.ДЁН органларининг мақсади, ҳуқуқлари ва вазифалари. 187
3.ДЁН иш фаолиятини белгиловчи қонуний ва меъёрий ҳужжатлар. 190
4.Давлат ёнғин назорати органларининг турлари. 190
5.ДЁН органларининг мансабдор шахслари. 190
6.ДЁН органларининг мансабдор шахсларига берилган ҳуқуқлар. 191
7.Давлат ёнғин назорати органларининг ишини режалаштириш. 194
8.Давлат енгин назорати ходимларининг функционал вазифаларини тузиш тартиби. 196
9.Кўнгилли ўт ўчириш ташкилотлари. Уларнинг вазифаси ва мақсади. 197

10.Ўзбекистон Республикасида ёнғинлар ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш тартиби. 198
11.Кўнгилли ўт ўчириш жамоалари аъзоларини тайинлаш ва уларнинг моддий таъминланишини ташкиллаштириш. 199
12.Ёнғинга қарши тарғибот тушунчаси, вазифаси ва мақсади. 201
13.Ёнғин техник текширувига тайёргарлик кўришнинг асосий элементлари. 202
14.ДЁН органларининг фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. 202
15.Аҳолига ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўргатишни ташкиллаштириш, шакллари ва усуллари. 203
16.Комплекс текширувларни тайёрлаш ва ўтказиш. 204
17.Қишлоқ туманларида ёнғинларни олдини олиш ишларини ташкиллаштириш. 204
18.Корхоналарнинг ёнғинга қарши ҳолатини текширишнинг бригада ва якка тартибдаги усуллари. 205
19.Аҳоли кўп йиғиладиган жойларда ёнғин назоратни ташкиллаштириш. 206
20.Якка тартибда одамларни қутқариш ишларини ташкиллаштириш тартиби. 206
21.ДЁН органлари томонидан олиб бориладиган тарғибот ишларини ўтказиш йўллари шакллари ва услублари. 207
22.Кўнгилли ўт ўчириш жамоаларининг фаолиятини белгиловчи асосий ҳужжатлар. 208
23.Аҳоли кўп йиғиладиган жойларда ёнғинга қарши профилактик ишларни ташкиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. 208
24.ДЁН ёзма кўрсатмасини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар. Ёзма кўрсатмани бажарилиши юзасидан назорат ўрнатиш. 209
25.Ёнғин – техник минимум тизимида муҳандис техник ходимларга ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларини ўргатиш тартиби. 210
26.Литер объектларни комплекс текширувини ўтказиш учун тайёргарлик кўриш тартиби. 211
27.Ёнғин келтирган моддий зарарларни аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби. 212
28.Ёнғинларни таҳлил қилиш учун уларни асосий гуруҳларга бўлиниши. 213
29.Ёнғинларни статистик ҳисоботи ва таҳлили. 214
30.Қишлоқ туманларидаги ДЁН органларини ишини ташкиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. 215
31.Маҳаллий ДЁН органларининг иш фаолиятини текшириш ва амалий ёрдам кўрсатиш. 216
32.Аҳоли турар жойларида ёнғинларнинг олдини олиш ишларини ташкиллаштириш тартиби. 216
33.Ишлаб чиқариш корхоналарида ёнғинларни олдини олиш ишларини ташкиллаштириш 217
34.Ёнғин–техник текширувларнинг турлари, мақсадлари ва ўтказиш вақтлари. Ёнғинларни олдини олишда унинг тутган ўрни. 218
35.Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан маъмурият томонидан тузиладиган ҳужжатлар турлари ва уларнинг мазмуни. 219
36.Лойиҳалаштирувчи ташкилотлар томонидан лойиҳалаштириш даврида ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларини бажарилишини назорат қилиш тартиби. 219
37.ДЁН органларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлиги (ЎзР ИИВнинг махсус буйруқлари). 220
38.ДЁН фаолиятида ёнғинларнинг олдини олиш бўйича ахборот – услублар таъминоти. 221
39.Давлат енгин назоратининг асосий йўналишлари. 222

40.Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш қоидаларини ишлаб чиқариш, стандарт лойиҳалари, техник шартлар ва бошқа меъёр-амалиёт ҳужжатларини кўриб чиқиш тартиби. 224
41.Ёнғин техник комиссияларининг ҳуқуқлари. 224
42.Ёнғин-техник комиссиялари ишини ташкил этиш тартиби. 225
43.ЎзР ИИВнинг ХЁХК ва КЁХКлари томонидан қўриқланаётган масканларда ёнғин назоратининг фаолиятини ташкиллаштириш. 225
44.Ёш ўт ўчирувчилар дружиналари. Ҳуқуқлари ва мажбуриятлари. 226
45.Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг қуйи тизимларини текширишни ташкиллаштириш. Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг қуйи тизимларига амалий ёрдам кўрсатиш. 228
46.Қўриқланаётган масканлар ёнғин хавфсизлиги қисмларининг профилактика ходимларининг мажбуриятлари. 228
47.ДЁН хизмат фаолиятидаги ҳисоботлар турлари (ЎзР ИИВ махсус буйруқлари). 229
48.Ёнғинга қарши йўриқнома. Ёнғин – техник минимумларини ўтказиш тартиби. 230
49.Ёнғинга қарши автоматика лойиҳа ҳужжатларини текшириш тартиби. 231
50.Республика ёки тармоққа тааллуқли ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ишлаб чиқиш тартиби. 232
51.Лойиҳаларни кўриб чиқиш усули. 233
52.Қурилиши тугалланган объектларни қабул қилиш. 234
53.ДЁХ органларининг маъмурий мажбурлов чораларини қўллаш бўйича ваколатларининг манбалари. Уларнинг мазмуни. 235
54.Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишнинг вазифалари. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик тўғрисида баённома тузиш ваколатига эга бўлган шахслар. 235
55.Маъмурий иш юзасидан қарор чиқариш. Қарорни эълон қилиш ва топшириш тартиби. Қарорни ижро этиш муддати. 236
56.Маъмурий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор устидан шикоят бериш ва протест билдириш тартиби. Билдирилган шикоят ёки протестни кўриб чиқиш муддатлари. 236
57.Турар жойларда ёнғин–техник текширувларни ўтказишнинг тартиби ва ўзига хос хусусиятлари. 236
58.Назорат органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни текширишни мувофиқлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар. 237
59.Назорат органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни текширишни мувофиқлаштириш тартиби. 238
Адабиётлар 240

1.4. ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ 241
1.Ички ишлар идораларида хизматни ўташ тартибини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар, уларнинг мазмуни ҳамда ички ишлар идораларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида тушунтириб беринг. 241
2.Ички ишлар идораларининг кадрлари қандай мезонлар бўйича таснифланадилар ва уларга қандай талаблар қўйилади? 243
3.Ўзбекистон Республикаси ИИВ да қандай хизматлар мавжуд, уларнинг таркибий тузилиши ва асосий вазифалари тўғрисида тушунтириб беринг. 244
4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тадбирлари

тўғрисида»ги 2001 йил 25 июндаги 267/44-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати қайси базада ташкил этилди, унинг таркибий тузилиши қандай ва уларнинг олдига қандай асосий вазифалар қўйилган. 245
5.Фавқулодда вазиятлар қандай ҳодисалар туфайли юзага келади, фавқулодда вазиятларда ички ишлар идоралари босқичма-босқич бажарадиган вазифаларни айтиб беринг. 246
6.Оммавий тартибсизликлар, авиация ҳалокатлари, катта ёнғинлар шароитида ички ишлар идораларини бошқаришнинг хусусиятларини айтиб беринг. 248
Адабиётлар 249

1.5. ДАВЛАТ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИДА БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ 250
1.Ёнғин ўчириш деполар сонини аниқлаш формуласи ва меъёрий ҳужжатларини ёзиб, кўрсаткичларни тушунтириб беринг. 250
2.Мавжуд меъёрлар асосида асосий ёнғин ўчириш автомобиллар сонини ҳисоблаш усулларини, меъёрий ҳужжатини ва кўрсаткичларни тушунтириб беринг. 251
3.Ёнғин хавфсизлиги хизматлари фаолиятини баҳолашдаги тавсифловчи омиллар. ДЁН аппаратлари фаолиятини тавсифловчи омиллар. Бўлинмалар фаолиятини натижаларини тавсифловчи омиллар. Ёнғин ўчириш қисми фаолияти натижаларини тавсифловчи омиллар. 252
4.Ёнғин хавфсизлиги гарнизонлари фаолиятини комплекс баҳолаш. Ёнғин хавфсизлиги хизматининг фаолиятини умумий баҳолашда асосий кўрсаткичлар ва унинг умумий формуласи. 253
5.Сув сарфи бўйича ёнғин ўчириш автомобилларни ҳисоблаш усуллари. Меъёрий ҳужжат, формуласи ва асосий кўрсаткичларни тушунтириб беринг. 253
6.Халқ хўжалиги объектларида ИИВ ДЁХХни ташкил қилиш тартиби. Меъёрий ҳужжати ва тузиладиган ҳужжатлари. 254
7.Халқ хўжалиги масканларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш билан боғлик бўлган асосий илмий-тадқиқот ишлар йўналишлари. 255
8.Ёнғин хавфсизлиги хизмати муаммолари бўйича тадқиқотлар ўтказувчи илмий муассасалар тузилиши. Илмий тадқиқотларни ёнғин хавфсизлиги хизматида кимлар олиб боради, қайси меъёрий ҳужжатда ўз аксини топган, республикада нечта ёнғин техник лабораториялари мавжуд? 256
9.Ёнғин хавфсизлиги хизматларида бошлиқ ва ходимларнинг ишларини режалаштириш ва ташкиллаштириш. 257
10.ДЁХХда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш. 259
11.Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматида режалар тизими. Меъёрий ҳужжати, турлари ва ким томонидан тузилади. 261
Адабиётлар 263

II.БОБ. ФУҚАРО ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БИНОЛАРНИНГ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ
2.1. ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ 267
1.Сатҳи ўзгармас суюқликли аппаратлардаги фазонинг ёнувчанлигини баҳолаш. Ёнғин хавфсизлиги чоралари. 267
2.Сатҳи ўзгарувчан аппаратлардаги фазонинг ёнувчанлигини баҳолаш. Ёнғин хавфсизлиги чоралари. 268
3.Ёнувчи газ билан ишлайдиган аппаратларнинг ичидаги фазонинг ёнувчанлигини баҳолаш. Ёнғин хавфсизлиги чоралари. 269

4.Ёнувчи чанг ажралиб чиқадиган аппаратлар ичидаги муҳитнинг ёнувчанлигини баҳолаш. Ёнғин хавфсизлиги тадбирлари. 270
5.Буғланиш юзаси очиқ аппаратларнинг ёнғин хавфи. Ёнғин хавфсизлиги чоралари. 271
6.Нафас олувчи аппаратларнинг ёнғин хавфи. Ёнғин хавфсизлиги чоралари. 272
7.Даврий ишлайдиган аппаратларнинг ёнғин хавфи. Ёнғин хавфсизлиги чоралари. 272
8.Авария ҳолатининг тавсифи. Аппаратларнинг шикастланиш турлари. Шикастланган аппаратларда чиқадиган моддаларнинг миқдорини аниқлаш. 273
9.Мустаҳкамлик асослари ва жиҳозларни шикастланиш сабабларини синфларга бўлиниши. 274
10.Технологик жиҳозларнинг механик таъсир натижасида шикастланиши. Хавфсизлик чоралари. 275
11.Технологик жиҳозларни ҳарорат таъсири натижасида шикастланиши. Хавфсизлик чоралари. 276
12.Технологик жиҳозларни кимёвий таъсир натижасида шикастланиши. Хавфсизлик чоралари. 277
13.Ёндириш манбаи ҳақида тушунча. Ишлаб чиқаришдаги ёндириш манбаларининг синфларга бўлиниши. 277
14.Очиқ аланга, қизиган ёниш маҳсулотлари ва улар таъсирида қизиган юзалар ёндириш манбаи сифатида. Хавфсизлик чоралари. 279
15.Учқун ушлагич ва учқун ўчиргичлар. Тузилиши ва ишлаш принципи. 280
16.Механик энергиянинг иссиқлик кўриниши ёндириш манбаи сифатида. Хавфсизлик чоралари. 281
17.Кимёвий реакцияларнинг иссиқлик кўриниши ёндириш манбаи сифатида. Хавфсизлик чоралари. 282
18.Электр энергиясининг иссиқлик кўриниши ёндириш манбаи сифатида. Хавфсизлик чоралари. 283
19.Технологик жиҳозларни лойиҳалаштириш ва эксплуатация қилиш даврида ёнувчи моддаларнинг миқдорини камайтириш. 284
20.Авария ҳолатида суюқликларни тўкиб олиш. Тўкиб олиш тизимига бўлган талаблар. 285
21.Авария ҳолатида газ ва буғларни чиқариб юбориш. Чиқариб юбориш тизимига бўлган талаблар. 285
22.Ишлаб чиқариш коммуникацияларидаги ёнғинни ушлаб қолувчи мосламалар. Қуруқ алангатўсқичлар. Тузилиши ва ишлаш принципи. Қуруқ алангатўсқичларни текшириш муддатлари. 286
23.Ишлаб чиқариш коммуникацияларидаги ёнғинни ушлаб қолувчи мосламалар. Гидравлик қулфлар. Тузилиши ва ишлаш принципи. 287
24.Ишлаб чиқариш коммуникацияларидаги ёнғинни ушлаб қолувчи мосламалар. Автоматик тўсқич ва сурма қопқоқлар. 288
25.Технологик жиҳозларни портлашда шикастланишдан ҳимоялаш. Сақловчи мембранали клапанлар. Уларнинг турлари ва ишлаш принципи. 289
26.Металларга механик ишлов бериш жараёнларининг ёнғин хавфсизлиги. Оддий металларга ишлов бериш. Магний, титан, цирконий ва уларнинг қотишмаларига ишлов бериш жараёнлари. Ёнғин хавфсизлиги. 290
27.Қаттиқ моддаларни майдалаш жараёнларининг ёнғин хавфсизлиги. Майдалаш жараёнларининг турлари. Ёнғин хавфсизлиги чоралари. 291
28.Ёғоч пластмассаларга механик ишлов бериш жараёнларининг ёнғин хавфи. Хавфсизлик чоралари. 292
29.Ёнувчи суюқликларни узатиб бериш қурилмаларининг ёнғин хавфсизлиги. Ёнғин хавфи. Хавфсизлик чоралари. 293

30.Қаттиқ моддаларни узатиб бериш воситаларининг ёнғин хавфсизлиги. Узатиш воситаларининг турлари. Ёнғин хавфи ва хавфсизлик чоралари. 295
31.Модда ва материалларини иситиш ва совитиш жараёнларининг ёнғин хавфсизлиги. Сув буғи билан иситиш жараёнларининг ёнғин хавфи ва хавфсизлик чоралари. 296
32.Модда ва материалларни иситиш ва совитиш жараёнларининг ёнғин хавфсизлиги. Аланга ва тутун газлари билан иситиш жараёнларининг ёнғин хавфи. Хавфсизлик чоралари. 297
33.Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган иссиқлик ишлаб чиқарувчи қурилмаларнинг ёнғин хавфсизлиги. 298
34.Юқори ҳароратли иссиқлик ташувчилар ёрдамида иситиш жараёнлари. Ёнғин хавфи. Хавфсизлик чоралари. 299
35.Ректификация жараёнларининг ёнғин хавфсизлиги. Ректификацион колонкаларининг ёнғин хавфи ва хавфсизлик чоралари. 299
36.Абсорбция жараёнлари. Абсорберларнинг тузилиши. Ишлаш принципи. Ёнғин хавфи. Хавфсизлик чоралари. 303
37.Адсорбция жараёнлари. Адсорберларнинг тузилиши. Ишлаш принципи. Ёнғин хавфи. Хавфсизлик чоралари. 304
38.Лак-бўёқ материаллари. Уларнинг ёнғин хавфи. 306
39.Бўёқлаш жараёнлари. Бўёқни ҳаво ёрдамида чанглатиш йўли билан бўёқлаш жараёнининг ёнғин хавфсизлиги. 308
40.Бўёқлаш жараёнлари. Жисмни ботириб олиш йўли билан бўёқлаш жараёнининг ёнғин хавфсизлиги. 309
41.Бўёқлаш жараёнлари. Юқори кучланишли электр майдонида бўёқлаш жараёнининг ёнғин хавфсизлиги. 310
42.Қуритиш жараёнлари. Конвектив қуритгичлар. Ёнғин хавфи. Хавфсизлик чоралари. 311
43.Қуритиш жараёнлари. Терморадиацион қуритгичлар. Ёнғин хавфи. Хавфсизлик чоралари. 312
44.Қуритиш жараёнлари. Юқори частотали қуритгичлар. Ёнғин хавфи. Хавфсизлик чоралари. 313
45.Кимёвий реакторларнинг ёнғин хавфсизлиги. Кимёвий реакторларнинг турлари. Ёнғин хавфи. Хавфсизлик чоралари. 315
46.Лойиҳа материалларини ёнғин техник экспертизаси. Экспертизанинг вазифалари ва ўтказиш услуби. Лойиҳалаштириш жараёнида ишлаб чиқиладиган асосий масалалар. 317
47.Технологик жараёнларнинг ёнғин-техник текшируви. Текширишни ташкиллаштириш ва асосий вазифалар. 318
48.Пахта хомашёси ва ундан олинадиган маҳсулотларнинг ёнғин хавфи. 319
49.Пахта хомашёсини сақлаш жараёнининг ёнғин хавфсизлиги. Пахта хомашёсини сақлаш майдонларига бўлган талаблар. 320
50.Пахта толасини сақлаш жараёнининг ёнғин хавфсизлиги. 321
51.Пахтани бирламчи қайта ишлаш жараёнлари. Пахтани қуритиш, тозалаш цехларининг ёнғин хавфсизлиги. 322
52.Пахтани бирламчи қайта ишлаш жараёнлари. Джин-линтер цехларининг ёнғин хавфи. Ёнғин хавфсизлиги чоралари. 323
53.Ацетилен ажратиб олиш жараёнининг ёнғин хавфи ва хавфсизлик чоралари. 324
54.Газларни газгольдерларда сақлаш. Газгольдерларнинг ёнғин хавфи ва хавфсизлик чора-тадбирлари. 325
55.Суюлтирилган углеводородли газларни резервуарларда сақлаш. Ёнғин хавфи ва хавфсизлик чоралари. 326

56.Текстил ишлаб чиқариш жараёнлари. Ёнғин хавфи ва хавфсизлик чоралари. 327
57.Тикувчилик ишлаб чиқариш. Ёнғин хавфи ва хавфсизлик чоралари. 329
58.Текстил ишлаб чиқаришда қўлланиладиган модда ва материалларнинг ёнғин хавфи. 331
59.Портлаб ёниш ва ёнғин хавфи бўйича хоналарнинг тоифаларга бўлиниши. 334
60.Биноларнинг портлаб ёниш ва ёнғин хавфи бўйича тоифалари. 336
61.Ёнувчи газлар, енгил алангаланувчи суюқликлар буғларининг портлашдаги ортиқча босимини аниқлаш услуби. Ҳисоблаш учун технологик блокнинг герметизация ҳолати бузилиши вариантини аниқлаш. 338
62.Нефть ва нефть маҳсулотлари омборлари. Нефть ва нефть маҳсулотларини сақлаш парклари. Меъёрий ҳужжат талаблари. 339
63.Нефть ва нефть маҳсулотлари омборларидаги оқизиш-қуйиш қурилмаларига бўлган меъёрий ҳужжат талаблари. 341
64.Нефтни қазиб олиш жараёнлари. Пармалаш жараёнларининг турлари. Пармалаш, қудуқлардан фойдаланиш жараёнларининг ёнғин хавфи. Хавфсизлик чоралари. 342
65.Олов билан боғлиқ таъмирлаш ишларини ташкиллаштириш. Газ ва электр пайвандлаш ишларини олиб бориш жараёнларининг ёнғин хавфсизлиги. 343
66.Бошоқли дон маҳсулотлари ва уларнинг ёнғин хавфи. 344
67.Қишлоқ хўжалик машиналари. Ёнғин хавфи. Хавфсизлик чоралари. 345
68.Дон маҳсулотларини қуритиш жараёнларида ишлатиладиган агрегатларнинг ёнғин хавфи. Хавфсизлик чоралари. 347
69.Донни сақлаш. Донни сақлаш жараёнларининг ёнғин хавфи ва хавфсизлик чоралари. 349
70.Техник газлар ва уларнинг ёнғин хавфи. 350
Адабиётлар 352

2.2. ҚУРИЛИШДА ЁНҒИН ПРОФИЛАКТИКАСИ 354
1.Иситиш тизимлари ҳақида умумий маълумотлар. Вазифаси, турлари. 354
2.Қиздиргич печларининг ёнғиндан хавфлилиги. 355
3.Чорвачилик масканларини иситишдаги иссиқлик-энергетик ускуналари ҳақида умумий маълумотлар. 357
4.Шамоллатиш тизимларининг вазифаси. Ишлаб чиқариш жараёнидаги бўлиниб чиқадиган зарарли чиқиндилари ва уларнинг ёнғиндан хавфлилиги. 359
5.Қурилиш конструкцияларнинг оловга бардошлилиги. 360
6.Бино ва иншоотларнинг оловга бардошлилиги. 361
7.Маҳаллий сўрма қурилмалар ва уларнинг ёнғин хавфлилиги. 362
8.Қаттиқ жисмларни пневмотранспорт тизимларида ҳаво оқими ёрдамида ҳаракатга келтириш. 364
9.Аспирация ва пневмотранспорт тизимларининг ёнғиндан хавфлилиги 365
10.Оловни тутиб қолувчи клапанлар ва уларни ўрнатиш жойлари. 368
11.Тутунга қарши ҳимоя тизимларининг вазифаси. Тутун тарқалишини чегаралашга қаратилган ҳажмий-режалаштириш ечимлари. 369
12.Тутун тарқалишини чегаралашга ва оқимларни бошқаришга қаратилган конструктив ечимлар. 370
13.Функционал ёнғин хавфи бўйича биноларнинг таснифи. 371
14.Биноларнинг эвакуация йўл ва чиқиш йўлакларига тутунни тарқалишини чеклашга қаратилган ҳажмий-режалаштириш, конструктив ечимлар. Тутунга қарши ҳимоянинг йўналишлари. 373

15.Ёғоч конструкцияларнинг оловга бардошлилик чегарасини ошириш. Оловдан ҳимоялаш усуллари. 374
16.Металл конструкцияларнинг оловга бардошлилик чегарасини ошириш. Оловдан ҳимоялаш усуллари. 376
17.Биноларнинг тутунланмайдиган зинапоя ва катакларидаги, ертўла ҳамда цокол қаватларидаги ҳаво алмашув тизимларига қуйиладиган талаблар. 379
18.Ёнғинга қарши тўсиқлар вазифаси ва турлари, уларни жойлаштириш ва лойиҳасини тузиш. 381
19.Ёнғинга қарши тўсиқлар эшик ўринларини ҳимоя қилиш. 382
20.Меъёрий ҳужжатларнинг ёнғинга қарши деворларга қўйиладиган талаблари. 383
21.Ёнғинга қарши парда. 384
22.Саноат корхоналари бош режалари. 384
23.Меъёрий ҳужжатларнинг ёнғинга қарши ораёпмаларга қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари. 386
24.Қишлоқ хўжалик корхоналари бош тарҳлари. 387
25.Ёнғинга қарши оралиқлар (узилишлар): вазифалари ва уларнинг меъёрлаш асослари. 388
26.Одамларнинг хавфсиз эвакуациясини таъминлайдиган асосий шарт шароитлар. 389
27.Одамлар оқими ҳаракатининг параметрлари 390
28.Одамлар кўп йиғиладиган масканларнинг бино, иншоот, хоналарига ва ҳудудни тутишга қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг талаблари. 391
29.Эвакуациянинг мўлжалланган (амалий) вақти: умумий қоидалар, асос қилиб олинган тенгламалар, ҳисоблаш усуллари. 392
30.Эвакуация йўлларига меъёрий ҳужжатлар томонидан қўйиладиган талаблар. 393
31.Турли вазифа бажарадиган хоналарда эвакуация йўллари сони ва ўлчамининг лойиҳалаш тартиби. 395
32.Аҳоли кўп йиғиладиган хоналарда ўринлар жойлашувини лойиҳалаш. 396
33.Бино йўлаклар ва ўтиш йўллари орқали одамлар бехатар эвакуация қилинишининг таъминлайдиган конструктив-лойиҳалаш ечимлари. 397
34.Болалар муассасалари биноларининг эвакуация йўлларига қўйиладиган меъёрий талаблар. 399
35.Эвакуация йўлларидаги зинапоя ва зина катакларига қуйиладиган талаблар. 399
36.Захирадаги чиқиш йўллари тушунчаси. 402
37.Аҳоли кўп йиғиладиган масканларда (мактаб ёшигача бўлган муассаса,) ёнғин содир бўлган ҳолда одамларни эвакуация қилиш режаси, унинг тузилиши ва мазмуни. 403
38.Ёнғин ҳақида хабар бериш тизимлари. 405
39.Ёнғин содир бўлганда маъмуриятнинг ҳаракати. 407
40.Осон ташлаб юбориладиган ҳимоялаш конструкциялари. 408
41.Асосий қурилиш конструкциялари учун йўл қўйиладиган ортиқча босим. 409
42.Ишлаб чиқариш биноларининг ички тузилишига меъёрий ҳужжат талаблари. 409
43. 10 қаватли жамоат ва баланд турар жой биноларини лойиҳалаш ишларига ҚМҚ 2.08.01-94. «Турар жой бинолари» томонидан қўйиладиган талаблар 412
44.Маданият-томоша кўрсатиш муассасаларда оммавий тадбирларни ўтказишда қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари. 414
45.Бино ва иншоотларни пахтани қайта ишлаш заводлари майдонида

жойлаштиришга қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари. 417
46.Жониворларни муваффақиятли эвакуация қилинишини таъминлашга қаратилган лойиҳалаш, техник ва ташкилий ечимлар. 418
47.Жониворлар эвакуациясининг ўзига хос хусусиятлари. 420
48.Лойиҳа ташкилотлари назорат қилинишини ташкил этиш. 421
49.Янги қурилишлар назорат қилинишини ташкил этиш. 422
50.Хорижий инвестициялар ва (ёки) технологиялар жалб қилинган қурилиши тугалланган объектларни давлат комиссияси томонидан фойдаланишга қабул қилиб олиш. 423
51.Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бино ва иншоотларининг ҳажмий - режавий ҳамда қурилмавий ечимлари. 424
Адабиётлар 425

2.3. ЭЛЕКТР МОСЛАМАЛАРИНИНГ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ 427
1.ЭМТҚ (ПУЭ) нинг 1-бобига асосан хоналар қандай синфларга бўлинади. 428
2.Портлаш хавфи бўлган аралашмалар деб нимага айтилади ва уларни гуруҳларга ажратишга нима асос қилиб олинган. ЭМТҚ, ПҲЭМТҚ, ПҲКЭМТҚ (ПУЭ, ПИВЭ ва ПИВРЭ) бўйича қандай белгиланади. 428
3.Портлаш хавфи бўлган аралашмалар деб нимага айтилади ва уларни тоифаларга ажратишга нима асос қилиб олинган. ЭМТҚ, ПҲЭМТҚ, ПҲКЭМТҚ (ПУЭ, ПИВЭ ва ПИВРЭ) бўйича қандай белгиланади. 429
4.Портлаш хавфи бўлган ҳудуд деб нимага айтилади ва қайси ҳужжатнинг нечанчи бобига асосан нечта синфга бўлинади. 430
5.Ёнғин хавфи бўлган ҳудуд деб нимага айтилади ва қайси ҳужжатнинг нечанчи бобига асосан нечта синфга бўлинади. 430
6.Портлаш хавфи бўлган ҳудуд деб нимага айтилади. В-I ҳудуд синфи қандай ҳудуд. Мисоллар келтиринг. 430
7.Портлаш хавфи бўлган ҳудуд деб нимага айтилади. В-Iа ҳудуд синфи қандай ҳудуд. Мисоллар келтиринг. 431
8.Портлаш хавфи бўлган ҳудуд деб нимага айтилади. В-Iб ҳудуд синфи қандай ҳудуд. Мисоллар келтиринг. 431
9.Портлаш хавфи бўлган ҳудуд деб нимага айтилади. В-Iг ҳудуд синфи қандай ҳудуд. Мисоллар келтиринг. 432
10.Портлаш хавфи бўлган ҳудуд деб нимага айтилади. В-II ҳудуд синфи қандай ҳудуд. Мисоллар келтиринг. 432
11.Портлаш хавфи бўлган ҳудуд деб нимага айтилади. В-IIа ҳудуд синфи қандай ҳудуд. Мисоллар келтиринг. 432
12.Ёнғин хавфи бўлган ҳудуд деб нимага айтилади. П-I ҳудуд синфи қандай ҳудуд. Мисоллар келтиринг. 433
13.Ёнғин хавфи бўлган ҳудуд деб нимага айтилади. П-II ҳудуд синфи қандай ҳудуд. Мисоллар келтиринг. 433
14.Ёнғин хавфи бўлган ҳудуд деб нимага айтилади. П-IIа ҳудуд синфи қандай ҳудуд. Мисоллар келтиринг. 433
15.Ёнғин хавфи бўлган ҳудуд деб нимага айтилади. П-III ҳудуд синфи қандай ҳудуд. Мисоллар келтиринг. 433
16.Портлашдан ҳимояланган электр жиҳоз деб нимага айтилади. Уларни танлаш, ишлатиш ва таъмирлашда қўйиладиган асосий талаблар. 434
17.ЭМТҚ, ПҲКЭМТҚ (ПУЭ, ПИВРЭ) асосан электр жиҳозлари қандай портлашдан ҳимоялаш даражаларига бўлинади ва белгиланади. 435
18.ЭМТҚ, ПҲКЭМТҚ (ПУЭ, ПИВРЭ) асосан электр жиҳозлари қандай портлашдан ҳимоялаш турларига бўлинади ва белгиланади. 435
19.Электр ёритиш мосламаларининг ёнғин хавфсизлиги ва уни олдини олиш.

Электр ёритгичларни танлашда, монтаж қилишда ва ишлатишда қўйиладиган асосий талаблар. 436
20.Электр ёритгичларнинг турлари. Портлашдан ҳимояланган электр ёритгичларнинг меъёрий ҳужжатлар асосида белгиланиши (маркировкаланиши). 437
21.Ишчи, авария ва эвакуация ёритгичлари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар. 438
22.Ерга улаш (заземления) ва нолга улаш (зануления) деб нимага айтилади ва уларга қўйиладиган асосий талаблар. 438
23.Статик электр зарядларининг ҳосил бўлиши ва унинг ёнғин хавфи. Статик электрдан ҳимояланиш усуллари. 439
24.Яшин нима? Яшиннинг бирламчи, иккиламчи таъсири деб нимага айтилади ва унинг хавфли оқибатлари. 440
25.Электр мосламаларининг қайси қисмлари ерга уланади ёки нолга уланади ва қандай холларда ерга улаш ёки нолга улаш албатта амалга оширилиши шарт. 441
26.Яшин қайтаргичнинг ҳимоя ҳудуди деб нимага айтилади ва ҳимояланган ҳудуд ишончлилиги даражасига қараб хиллари. 442
27.Яшиндан ҳимояланиш қурилмаларига қўйиладиган асосий талаблар ва улар қайси ҳужжатда кўрсатилган. 442
28.Яшиндан ҳимояланиш қурилмаларига қараб бино ва иншоотларнинг тоифалари. 442
29.Яшин қайтаргичларнинг тузилиши. Яшин қабул қилувчи мосламасига қараб яшин қайтаргичларнинг хиллари. 443
30.Лойиҳаларнинг электротехник қисмларини текшириш тартиби ва усуллари. 443
31.Масканларда электр мосламаларининг ёнғин хавфсизлиги текширувининг тартиби ва усуллари. 444
32.Электр мосламаларидан ёнғин келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш чоралари. 445
33.Электр мосламаларида қисқа туташув ҳодисаси. ҚТ нинг келиб чиқиши ва унинг олдини олиш чоралари. 446
34.Электр мосламаларида ортиқча юкланиш. Ортиқча юкланишнинг келиб чиқиши ва унинг олдини олиш чоралари. 446
35.Электр мосламаларида катта ўтиш қаршилиги. Катта ўтиш қаршилигининг келиб чиқиши ва унинг олдини олиш чоралари. 447
36.Электр мосламаларини ҳимояловчи аппаратлар. Тузилиши, ишлаш принципи, хиллари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар. 447
37.Электр симлари, кабелларининг истеъмолчиларга улаш ва ётқизиш усуллари. Уларни танлашда, монтаж қилишда ва ишлатишда қўйиладиган асосий талаблар. 450
38.Функционал вазифаларига қараб саноат электр мосламаларининг бўлиниши. 451
39.Электр энергиясининг ишончли таъминоти бўйича электр қабул қилувчиларнинг тоифалари. 452
40.Портлашдан ҳимояланган электродвигателлар. Тузилиши, вазифаси, хиллари ва белгиланиши. Портлашдан ҳимояланган электродвигателларни ёнғин хавфлиги тартибида ишлаши. 452
41.Электрли бошқарув аппаратлари ва уларнинг ёнғин хавфсизлиги. Электрли бошқарув аппаратларига қўйиладиган асосий талаблар. 453
42.Электр тақсимлаш қурилмалари. Тузилиши, вазифаси ва хиллари. Электр тақсимлаш қурилмаларини танлаш, монтаж қилиш ва ишлатиш қоидалари.

454
43.Электр симлари ва кабеллари деб нимага айтилади. Тузилиши, вазифаси ва белгиланиши. 455
44.Электр тармоқлари ҳақида тушунча. Тузилиши, вазифаси ва ҳар хил белгиларига қараб бўлиниши. 456
45.Эрийдиган сақлагичлар. Тузилиши, ишлаш принципи ва хиллари. 456
46.Ҳаволи ўчиргичлар (автоматлар). Тузилиши, ишлаш принципи ва хиллари. 457
47.Иссиқлик релели магнит ишга туширгичлар. Тузилиши, вазифаси, ишлаш принципи ва хиллари. 458
48.Трансформатор подстанцияларининг вазифаси ва унинг асосий қурилмалари. Трансформаторларнинг ёнғин хавфсизлиги ва унинг олдини олиш чоралари. 458
49.Статик электрдан ҳимояланишнинг ҳаво намлигини ошириш, кимёвий ишлов бериш, ҳавони ионизациялаш ва антистатик моддаларни қўллаш усуллари. 459
50.Электр токи уришининг хавфи ва унинг олдини олиш чоралари. 459
Адабиётлар 460

2.4. ГИДРАВЛИКА ВА ЁНҒИНГА ҚАРШИ СУВ ТАЪМИНОТИ 461
1.Гидравлик қаршилик турлари. Қувурлар ва ёнғин ўчириш енгларида босим йўқолиши. 461
2.Оқим реакцияси. Сочилган оқимлар ва уларнинг олиниш усуллари.. 462
3.Оқимнинг шаклланишида насадканинг таъсири ва оқим сифатини яхшилаш. 464
4.Насадка турлари ва уларнинг ёнғин ўчириш амалиётида қўлланилиши. 465
5.Марказдан қочма насослар ишлаш принципи ва асосий параметрлари. 466
6.Марказдан қочма насосларнинг сўриш баландлиги ва уларда кавитация ҳодисаси. 467
7.Оқимчали насосларнинг (гидроэлеваторнинг) ишлаш принципи ва уларнинг қўлланиш соҳалари. 468
8.Насосларнинг тармоққа параллел ва кетма-кет ишлаши. 469
9.Қўл дастаклари орқали ёнғинга сув узатиш схемалари ва уларда ечиладиган масалалар. 470
10.Лафет дастаклари орқали ёнғинга сув узатиш схемалари ва уларда ечиладиган масалалар. 472
11.Сув таъминоти тизимларининг вазифаси бўйича тоифаси (классификацияси). 473
12.Ёнғинга қарши сув таъминоти тизимларининг босим бўйича классификацияси. Эркин босим. 473
13.Аҳоли маскани ва саноат корхоналарида бир вақтда бўлиши мумкин бўлган ҳисобий ёнғинлар сонини меъёрий ҳужжатлар асосида аниқлаш. 474
14.Меъёрий ҳужжатлар асосида ёнғин ўчиришга керак бўладиган ҳисобий сув сарфини аниқлаш. Ёнғин ўчириш давомийлиги. 475
15.Ташқи сув узатиш тармоқларида гидрантларнинг жойлашишига ва жиҳозланишига ҚМҚ томонидан қўйиладиган талаблар. 476
16.Насос станцияларининг вазифасига кўра тоифалари. II-кўтарув насос станцияси иш режимини танлаш. 477
17.Босим ростлаш сиғимлари ва уларнинг асосий вазифалари. 478
18.Тоза сув резервуари (тср) даги тегилмайдиган захира сув миқдори ва уни қайта тиклашнинг меъёрий муддати. 479
19.Юқори босимли ташқи ёнғинга қарши сув таъминоти тармоқлари ва

уларнинг қўлланиш соҳалари. 480
20.Ички сув узатиш тармоғи тоифалари ва асосий элементлари. 482
21.Ички сув узатиш тармоғи схемалари. 482
22.Ички сув узатиш тармоқларида ёнғин ўчириш жўмракларининг жойлашиши ва жиҳозланиши. 484
23.Ўта кўп қаватли биноларнинг ёнғинга қарши сув таъминоти тизими. 485
24.Одамлар кўп йиғиладиган биноларнинг ёнғинга қарши сув таъминоти тизими. 487
25.Ёнғинга қарши сув таъминоти тизими лойиҳаларини экспертиза қилиш. 488
26.Паст босимли ташқи ёнғинга қарши сув таъминоти тармоғининг сув бериш қобилиятини текшириш. 489
27.Ички ёнғинга қарши сув таъминоти тармоғининг сув бериш қобилиятини текшириш. 492
Адабиётлар 493

III.БОБ. ЁНҒИН ТЕХНИКАСИ ВА ЁНҒИН ЎЧИРИШ
3.1. ЁНҒИН ЎЧИРИШ ТЕХНИКАСИ 497
1.Жанговар кийимнинг вазифаси ва турлари. Ёнғин ўчирувчининг анжомларига нималар киради? 498
2.Ёнғин ўчиргичларнинг вазифаси ва тавсифи ҳақида маълумот беринг. 501
3.Кўпик ҳосил қилувчи асбоб ва ускуналари ҳақида маълумот беринг. 502
4.Ёнғин ўчириш кўпиги ҳақида асосий тушунчаларини беринг. 503
5.Марказдан қочма ёнғин ўчириш сув ҳайдагичлари ҳақида умумий маълумот беринг. 507
6.Ёнғин ўчириш қўлли нарвонларининг турлари ва қисқача таснифи ҳақида маълумот беринг. 510
7.Енглар жиҳозларнинг турлари ва вазифаси ҳақида маълумот беринг. 512
8.Оқимли ва ҳажмли туридаги ёнғин ўчириш сув ҳайдагичлари ҳақида маълумот беринг. 514
9.Ёнғин ўчириш дастакларнинг тавсифи ва қисқача таснифи ҳақида маълумот беринг. 516
10.Ёнғин ўчириш енгларининг тавсифи ва қисқача таснифи ҳақида маълумот беринг. 518
11.Механизациялашган ёнғин ўчиришда ишлатиладиган қўл асбобларининг тавсифи ва қисқача таснифи ҳақида маълумот беринг. 522
12.Механизациялашмаган ёнғин ўчиришда ишлатиладиган қўл асбобларининг тавсифи ва қисқача таснифи ҳақида маълумот беринг. 526
13.Ёнғин ўчириш енгларига техник хизмат кўрсатишнинг асосий этаплари ҳақида маълумот беринг. 529
14.Кўпикли ёнғин ўчиргичларининг вазифаси ва таснифи ҳақида маълумот беринг. 534
15.Кукунли ёнғин ўчиргичларининг вазифаси ва таснифи ҳақида маълумот беринг. 538
16.Углекислотали ёнғин ўчиргичларининг вазифаси ва таснифи ҳақида маълумот беринг. 539
17.Аэрозолли ёнғин ўчиргичларининг вазифаси ва таснифи ҳақида маълумот беринг. 543
18.Аралашма ёнғин ўчириш воситали ёнғин ўчиргичларининг вазифаси ва таснифи ҳақида маълумот беринг. 546
19.Ёнғин ўчириш автомобилларини фойдаланиш жараёни ва қўллаш частотаси ҳақида маълумот беринг. 547
20.Цистернали ёнғин ўчириш автомобилларининг вазифаси ва таснифи

ҳақида маълумот беринг. 550
21.Ёнғин ўчириш автомобилларининг тавсифи ва турлари ҳақида маълумот беринг. 550
22.Мотопомпаларнинг вазифаси, тавсифи ва техник талаблари ҳақида маълумот беринг. 552
23.Ёнғин ўчириш автомобилларининг ёнғин хавфсизлиги қисмларида сақланиши ҳақида маълумот беринг. 554
24.Ёнғин ўчириш автомобилларининг юриш қисмининг умумий хусусиятлари ҳақида маълумот беринг. 556
25.Ёнғин автомобиллари бажарувчи механизмларининг трансмиссияси ҳақида маълумот беринг. 558
26.Ёнғин ўчириш машиналари бажариш механизмларининг бошқариш узатмалари ҳақида маълумот беринг. 560
27.Ёнғин ўчириш автомобилларининг қўшимча электр тармоғи ҳақида маълумот беринг. 562
28.Ёнғин ўчириш автомобилларининг кузов ва кабиналари ҳақида маълумот беринг. 563
29.Ёнғин ўчириш автомобилининг компановкаси ҳақида маълумот беринг. 564
30.Ёнғин ўчириш автомобилларнинг вакуум тизими ҳақида маълумот беринг. 564
31.Ёнғин ўчириш автомобилларнинг бир жойда ўрнатилган кўпик аралаштиргичлари ҳақида маълумот беринг. 566
32.Ёнғин ўчириш автомобилларнинг қўшимча совитиш тизими ҳақида маълумот беринг. 567
33.Ёнғин ўчириш машиналарида иситиш тизими ҳақида маълумот беринг. 569
34.Ёнғин ўчириш автомобилининг ёнғин ўчириш воситалари сақланадиган идишлари ҳақида маълумот беринг. 570
35.Ёнғин ўчириш автомобилларининг юрувчанлиги ҳақида маълумот беринг. 572
36.Ёнғин ўчириш автомобилининг юриш мобайнида турувчанлиги ҳақида маълумот беринг. 576
37.Замонавий ёнғин ўчириш автомобилларининг конструктив хусусиятлари ҳақида маълумот беринг. 578
38.Ёнғин ўчириш автомобилининг техник ҳолатини ташхис қилиш ҳақида маълумот беринг. 580
39.Ёнғин ўчириш автомобилларидан фойдаланиш жараёнида механизмларининг техник ҳолати ўзгариши ҳақида маълумот беринг. 581
40.Ёнғин ўчириш поездларнинг вазифаси ва таснифи ҳақида маълумот беринг. 584
41.Ёнғин хавфсизлиги қисмининг ер майдонини аниқлашда қайси тенглама ёрдамида аниқланади? 585
42.Ёнғин хавфсизлиги хизмати гарнизонида ёнғин ўчириш автомобилларини капитал таъмирлашининг сонини аниқлашда қайси тенглама ёрдамида аниқланади? 585
43.2-сонли техник хизмат кўриги ёнғин ўчириш автомобиллари учун қачон ва қаерда ўтказилади. 586
44.Ёнғин хавфсизлиги хизмати гарнизонида ёнғин ўчириш автомобилларини ўрта таъмирлашининг сонини аниқлашда қайси тенглама ёрдамида аниқланади? 586
45.1-сонли техник хизмат кўриги ёнғин ўчириш автомобиллари учун қачон ва қаерда ўтказилади. 587
46.Ёнғин хавфсизлиги хизмати гарнизонида ёнғин ўчириш автомобилларини 2-сонли техник хизмат кўрсатишининг сонини аниқлашда қайси тенглама

ёрдамида аниқланади? 587
47.Мавсумий техник хизмат кўриги ёнғин ўчириш автомобиллари учун қачон ва қаерда ўтказилади? 588
48.Ёнғин хавфсизлиги хизмати гарнизонида ёнғин ўчириш автомобилларини капитал таъмирлаш ишларига ажратилган меҳнат вақтини қайси тенглама ёрдамида аниқланади? 588
49.Ёнғин хавфсизлиги хизмати гарнизонида ёнғин ўчириш автомобилларини кундалик таъмирлаш ишларига ажратилган меҳнат вақтини қайси тенглама ёрдамида аниқланади? 588
50.Ёнғин хавфсизлиги хизмати гарнизонида ёнғин ўчириш автомобилларининг агрегатларини таъмирлаш ишларига ажратилган меҳнат вақтини қайси тенглама ёрдамида аниқланади? 589
51.Ёнғин хавфсизлиги хизмати гарнизонида ёнғин ўчириш автомобилларини 2-сонли техник хизмат кўрсатиш ишларига ажратилган меҳнат вақтини қайси тенглама ёрдамида аниқланади? 589
52.Ёнғин хавфсизлиги хизмати техник хизмат кўрсатиш бирикма (қисми)нинг ишчининг бир йиллик вақт фонди қайси тенглама ёрдамида аниқланади? 589
53.Ёнғин хавфсизлиги хизмати техник хизмат кўрсатиш бирикма (қисми)нинг ишчиларини сони қайси тенглама ёрдамида аниқланади? 589
54.Ёнғин хавфсизлиги хизмати техник хизмат кўрсатиш бирикма (қисми)нинг ёрдамчи ишчиларининг сони қайси тенглама ёрдамида аниқланади? 589
55.Ёнғин хавфсизлиги хизмати техник хизмат кўрсатиш бирикма (қисми)нинг техник хизмат кўрсатиш пости сони қайси тенглама ёрдамида аниқланади? 589
56.Ёнғин хавфсизлиги хизмати техник хизмат кўрсатиш бирикма (қисми)нинг техник хизмат кўрсатиш постларининг умумий сони қайси тенглама ёрдамида аниқланади? 590
57.Ёнғин хавфсизлиги хизмати техник хизмат кўрсатиш бирикма (қисми)нинг 2-сонли техник хизмат кўрсатиш пости сони қайси тенглама ёрдамида аниқланади? 590
58.Ёнғин хавфсизлиги хизмати гарнизонида ёнғин ўчириш автомобилларини капитал таъмирлаш ишларига ажратилган меҳнат вақтини қайси тенглама ёрдамида аниқланади? 590
Адабиётлар 591

3.2. ЁНҒИН ЎЧИРИШ ТАКТИКАСИ 592
1.Қаттиқ моддаларни сув билан ёнғин ўчиришда куч ва воситаларни ҳисоблаш услуби. 592
2.Ҳажм бўйича кўпик билан ёнғин ўчиришда куч ва воситаларни ҳисоблаш услуби. 593
3.Пахта хом ашёси ҳудудида ёнғинни ўчириш учун керак бўладиган куч ва воситаларни ҳисоблаш услуби. 594
4.Ёнғинларни кўпик билан ўчиришда куч ва воситаларни ҳисоблаш методикаси. 595
5.Ёнғин ўчириш бўлинмаларининг ёнғиндаги жанговар ҳаракатлари. 596
6.Асосий ёнғин ўчириш автомобилларидаги бўлинмаларнинг тактик имкониятлари. 597
7.Махсус ёнғин ўчириш автомобилларидаги бўлинмаларнинг тактик имкониятлари. 598
8.Ёнғин хавфсизлиги гарнизони хизмати. 600

9.Катта ёнғинларни ўчириш таянч масканларини тузиш, уларни жиҳозлаш ва жалб этиш тартиби. 601
10.Шаҳарларда ёнғин ўчиришни ташкил қилиш хусусиятлари. Ёнғин ўчириш тезкор режа ва варақаларни тузиш тартиби. 602
11.Қишлоқ жойларида ёнғин ўчиришнинг хусусиятлари. Куч ва воситаларни жалб этиш режасини тузиш тартиби. 604
12.Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг тактик тайёргарлик шакли ва услублари. 605
13.Тактик машқларни тайёрлаш ва ўтказиш тартиби. Машқларни турлари, уларнинг мақсади ва вазифалари. 606
14.Ёнғин ўчириш тактик машғулотлари. 607
15.Ёнғин ўчириш тактик машғулотларини ўтказиш учун режа конспект ишлаб чиқиш. 609
16.Чиқиш ҳудуди ва корхоналарни ўрганиш. 611
17.Ёнғин ўчиришда хавфсизлик техникаси чоралари. 613
18.Қутқарув ишларини ўтказишнинг асосий тактик қоидалари. 614
19.Ёнғиннинг ривожланиш ва ўчириш қўшма жадвалини тузиш усули. 616
20.Ёнғинда тезкор штаб иши. 617
21.Ёнғин ҳолатини ўрганиш. Ёнғинда алоқани ўрнатиш. 618
22.Ёнғин ўчиришда таъминот хизматини ташкил қилиш. 620
23.Ёнғин ўчиришда жанговар жойларни ташкил қилиш. 621
24.Ноқулай шароитларда ёнғин ўчиришни ташкиллаштириш. 622
25.Тез аланга олувчи ва ёнувчан суюқликлар сақланадиган резервуар паркларида ёнғин ўчиришни ташкил этиш. 623
26.Юқори қаватли биноларда ёнғин ўчиришни ташкил этиш. 624
27.Электр қуввати корхоналарида ва электр қурилмалари ўрнатилган хоналарда ёнғин ўчириш. 625
28.Маданий томоша масканларда ёнғин ўчириш. 626
29.Темир йўл транспортида ёнғин ўчиришни ташкил этиш юзасидан меъёрий ҳужжатлар талаблари. 628
30.Якка тартибдаги қурилган турар жойларда ёнғинларни ўчиришни ташкиллаштириш. 629
31.Элеватор, тегирмонларида ёнғин ўчиришни ташкиллаштириш. 630
32.Шифохона, болалар муассасаларида ва мактабларда ёнғин ўчириш. 631
33.Пахтани қайта ишлаш жабҳаларида ёнғин ривожланиши ва ўчириш хусусиятлари. 632
34.Музхоналарда ёнғинларни ўчириш. 634
35.Самолёт ҳамда аэропортларда ёнғинларни ўчиришни ташкил қилиш. 635
36.Метрополитенда ёнғинларни ўчириш. 636
37.Чўл, ғаллазорларда ёнғин ўчириш. 638
38.Заҳарли, портловчи ва реактив моддалар бўлган корхоналарда ёнғин ўчириш. 639
39.Автомобил, троллейбус ва трамвай турар жойларида ёнғинларни ўчириш. 640
40.Музейлар, архив, кутубхоналарда ёнғин учириш. 641
41.Тўқимачилик саноати корхоналарида ёнғинларни ўчириш. 642
42.Очиқ технологик ускуналарда ёнғин ўчиришни ташкиллаштириш. 644
43.Нефт ва газ фонтанларида ёнғин ўчиришни ташкиллаштириш. 645
Адабиётлар 646

3.3. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЁНҒИНГА ҚАРШИ АВТОМАТИКА

1.Автоматик ёнғин ўчириш ускуналарининг қандай турлари мавжуд. 647
2.Ёнғиннинг сув ёрдамида ўчирувчи автоматлаштирилган спринклер ускуналари. 648
3.Автоматик ёнғин ўчириш дренчер ускуналарининг ишлаш тарзлари. 650
4.Сув билан ишлашга мослаштирилган спринклер ускуналарининг бошқарув тизимлар. 650
5.Кўпикли спринклерли ва дренчерли қурилмалар уларнинг ишлаш тартиблари. 651
6.Кўпикли автоматик ёнғин ўчириш тизимларининг ўрнатиш тартиблари. 652
7.Кўпикли автоматик ёнғин ўчириш қурилмаларининг асосий вазифаси. 653
8.Кўпикли автоматик ёнғин ўчириш қурилмаларнинг дозаловчи мосламалари вазифаси. 654
9.Кўпикли автоматик ёнғин ўчириш қурилмаларини ишлатиши ва уларга техник хизмат кўрсатиш тартиблари. 655
10.Кўпикли автоматик ёнғин ўчириш қурилмаларида қўлланилувчи кўпик ҳосил қилувчиларининг турлари ва таркиблари. 656
11.Нефт ва нефт сақлаш резервуарларида кўпикли автоматик ёнғин ўчириш қурилмаларини қўллаш. 657
12.Кукунли ёнғин ўчириш қурилмалари. 658
13.Кукунли ёнғин ўчириш қурилмаларининг жабҳаларимизда ёнғинни автоматик тарзда ўчириш учун танланиши. 658
14.Кукунли ёнғин ўчириш қурилмаларининг ишлатилиши. 660
15.Газ ва аэрозолли ёнғин ўчириш воситалари. 660
16.Газ ва аэрозолли тизимларда, УФМ-14 М русумли электр ишга туширилувчи қурилманинг ишлаш тарзлари. 662
17.Ёнғинга қарши автоматик ҳимоянинг олдига қўйилган асосий талаблари. 663
18.РИД-6 радиоизотопли тутун хабарловчисининг ишлаш тартиблари ва ўрнатилиши. 664
19.Ёнғинни аниқловчи ёки хабарловчи техник воситалари. 665
20.Дастакли ёнғин хабарловчилари. 666
21.РИД-1 русумли радиоизотопли тутун хабарловчиси. 667
22.ИДФ-1М русумли оптик-электрон тутун хабарловчисининг тутунни аниқлаш тарзлари. 668
23.Хабарловчиларнинг ташқи таъсирлардан ҳимояланганлиги. 668
24.Иссиқлик хабарловчиларининг ишлаш принциплари, иссиқлик таъсирида кенгайиши. 669
25.ДИП-1 русумли мужассамланган ёнғинга қарши хабарловчиси, ҳимоя қилинаётган хонада тутун ёки ҳарорат ортиши. 670
26.ТРВ-2 иссиқлик термохабарловчиси, у нималардан иборат. 670
27.ДПС-038 иссиқлик ёнғин хабарловчиси, унинг ишлаш тартиблари. 671
28.Тутун хабарловчилари. 671
29.Автоматик мосламаларнинг турлари ва вазифалари. 672
30.Автоматик ҳимоя тизимларини қурилишнинг асосий принциплари. 673
31.Автоматик ёнғин ўчириш қурилмаларининг тармоқ ва элементлари мустаҳкамлигини оширишдаги бир неча йўналишлари. 674
32.Ёнғин автоматик қурилмаларини ишчанлигини таъминлашда техник хизмат кўрсатишнинг аҳамияти. 675
33.Ёнғин ўчириш автоматикаси қурилмаларининг ишончлилигини ва самарадорлигини таъминлаш. 676
34.Автоматик ёнғин ўчириш қурилмаларини текшириш ва лойиҳалаш экспертизасининг умумий тамойили. 678

35.Ёнғин ўчириш қурилмаларини фойдаланишга қабул қилиш ва кўрикдан ўтказиш услубининг умумий масалалари. 680
36.Автоматик ёнғин ўчириш қурилмаларини текшириш ва ишга қабул қилиш. 681
37.Автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари ва қўриқлаш-ёнғин хабарловчиларини текшириш ва лойиҳалаш экспертизасининг умумий хусусиятлари. 681
38.Автоматик ёнғин хабарловчиларини қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг ўзига хос масалалари. 683
39.«Такрорловчи» нуқтада қабул қилинган спринклер пуркагич учун талаб қилинган босимни аниқлаш формуласини ёзиб беринг. 683
40.Ҳар қандай спринклер пуркагичининг сарфи қандай формула асосида аниқланади: 683
41.Ҳар бир спринклерли пуркагичнинг босимини олдинги ва кейинги ҳудудларининг нуқталарини топиш формуласини ёзиб беринг. 684
42.Сув таъминотининг талаб қиладиган босими қандай формула асосида топилади: 684
43.Талаб қилинган қоришманинг қабул қилинган тенглиги нима тенг деб олинади: 684
44.Ёнғин чиқиш вақтини аниқлаш ва тутун хабарловчисининг тутунни аниқлаш жадаллиги қайси формула асосида аниқланади: 684
45.Сувли спринклерли қурилмаларни лойиҳалашда қабул қилинган самарали тарқалган, содир бўлишнинг олдини оладиган жараённи аниқлаш формуласини ёзиб беринг. 685
46.Дренчер қурилмасидаги сув сарфи ва бир вақтда ишлаши бир ва бир қанча секцияларда ишга тушиши қандай изоҳланади. 685
47.Ёнғин ўчириш қурилмаларидаги босимнинг йўқолишини аниқлаш формуласини ёзиб беринг. 685
48.Аралашма воситаларнинг ҳар хил шароитда сарфланишини қандай аниқлашимиз мумкин бўлади. 685
49.Берилган модулларнинг сонини берилган хоналар бўйича аниқлаш формуласини ёзиб беринг. 686
50.Ёнғин хабарловчиларининг сони ва ишлаш турлари қайси формула асосида ҳисобланади?. 686
Адабиётлар 687

3.4. ГАЗ ВА ТУТУНДАН ҲИМОЯ ХИЗМАТИ 688
1.Нафас олиш жараёнида газ ва тутунларнинг одам организмига таъсири қандай? 688
2.Қайси формула ёрдамида ГТҲХ гуруҳининг орқага қайтиш кислород босимини аниқлаш мумкин? 692
3.ГТҲХ хизматида ишни юритиш учун қандай ҳужжатлардан фойдаланилади? 692
4.ГТҲХ базасида қандай ҳужжатлар бўлиши керак? 693
5.ГТҲХ базаси. ГТҲХ базаси қандай ташкил этилади? 694
6.ГТҲХ назорат ўтиш жойлари. ГТҲХ назорат ўтиш жойлари қандай ташкил этилади? 696
7.Жанговар текширувлар: 1-3-жанговар текширувларнинг вазифаси ва улар қандай тартибда амалга оширилади? 698
8.Текширувларни ўтказиш учун керак бўлган асбоб-анжомларнинг номларини келтиринг. 699
9.ГТҲХ гуруҳи шахсий таркиби ишлаганда қандай техник анжомлар

қўлланилади? 699
10.Газниқобларда ишлаганда ГТҲХ гуруҳ бошлиғининг вазифаси нимадан иборат? 700
11.ГТҲХ гуруҳининг (бўлинмасини) иши ёнғинда ким томондан бошқарилади? 702
12.Инсон нафас олиш органларини газ ва тутундан ҳимоя қилиш воситаларига нималар киради? 703
13.АСВ-2 аппаратининг вазифаси нимадан иборат? Ишлаш принципи қандай? 704
14.Инсон нафас олиш органларининг газ ва тутундан ҳимоя қилиш воситаларига нималар киради? 705
15.Сиқилган газ ҳолатидаги кислород билан ишлайдиган газниқобларнинг вазифаси нимадан иборат? 706
16.Сиқилган ҳаволи аппаратларнинг вазифаси нимадан иборат? 708
17.«Дрегер» фирмасининг РА-90 ва РА-92 газниқобларининг вазифаси нимадан иборат? 709
18.Кислород ва ҳаво компрессорларининг вазифаси нимадан иборат? 710
19.КИП-8 газниқоби асосий вазифаси, қандай қисмлардан тузилган? Ишлаш тамойили ва техник кўрсаткичлари қандай? 713
20.Ҳимоя газниқоблари. 714
21.Ҳимоя газниқобларга техник хизмат кўрсатиш. 715
22.Ҳимоя газниқобларини ишлатишда техника хавфсизлигини ўтказиш кимнинг талаби бўйича амалга оширилади? 716
23.Шахсий таркибнинг ҳимоя газниқобларида ишлаганда вазифалари. 717
24.КИП газниқобининг ёнғинда ишлаш вақти қайси тенглама орқали аниқланади? 720
25.АСВ газниқобининг ёнғинда ишлаш вақти қайси тенглама орқали аниқланади? 720
26.Газниқобнинг босим тушгандаги ёки вакуум ҳолатидаги зичлиги қандай аниқланади? 721
27.Вақт бирлиги ичида КП-2 (текшириш асбоби) орқали оқиб ўтаётган кислород сиғими қандай аниқланади? 721
Адабиётлар 721

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби томонидан МДҲ давлатлари ёнғин-техник ўқув юртлари ичида биринчи бўлиб "Ёнғин хавфсизлиги" мутахассислиги бўйича комплекс давлат имтиҳонлари киритилган эди.

Ўқитиш муддатининг 5 йилликка ўтказилиши муносабати билан бизнинг томонимиздан "Ёнғин хавфсизлиги" мутахассислиги бўйича янги таълим стандарти ва намунавий ўқув режаси ишлаб чиқилди.

Бу ҳужжатларга асосан курсантлар қуйидаги учта фанлараро якуний аттестация давлат синовларидан ўтишлари керак бўлади:

- Ёнғин хавфсизлиги хизматлари фаолиятини ташкиллаштириш;
- Фуқаро ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган биноларнинг ёнғин хавфсизлиги;
- Ёнғин техникаси ва ёнғин ўчириш.

Юқоридаги аттестация синов тестларининг мазмунига махсус фанларнинг боблари мос келади.

Аттестация синовлари икки қисмдан ташкил топади: компьютер тестлари ва ёзма назорат иши.

Ушбу ўқув қўлланмаси ҳар бир фан бўйича аттестация синовларига киритилган курсантларга қўйиладиган малакавий талабларни ўз ичида акс эттиради, шунингдек унда қўйилган саволларга ўқув адабиётига ишора кўрсатилган ҳолда жавоблар келтирилган.

Аттестация синовларига тайёргарлик жараёнларида курсантларда ўзлари эгаллайдиган мутахассисликнинг хусусиятлари тўғрисида аниқ тасаввур шаклланади, бундан ташқари бу даврда курсантлар турли сабабларга кўра илгари махсус ёки касбга йўналтирувчи фанлардан яхши ўзлаштира олмаган жойларнинг ўрнини тўлдириш имкониятига ҳам эга бўладилар. Барча касбга йўналтирувчи фанлардан олинган билимларни битириш олдидан бундай тартибда тизимлаштириш ўқув юртида тингловчиларни тайёрлашнинг юқори кафолатланган даражасини таъмин этиш имконини беради.

Келтирилган малакавий талаблар, тақдим этилган савол ва жавобларнинг тузилиши, аттестация синовидан ўтаётганларнинг амалдаги меъёрий ва йўриқнома тарзидаги материаллар, буйруқлар ва кўрсатмалар, шунингдек мутахассисликка мос келадиган хизмат доирасидаги мансаб ваколатлари, профилактика ва ёнғинларни ўчириш бўйича масалаларга алоҳида эътибор беришларига йўналтиради.

Саволларга жавоб беришнинг мажбурий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- кўриб чиқилаётган объект, технология ва ускуналарнинг ёнғин хавфсизлигининг ўзига хос хусусиятлари;
- турли аҳамиятга эга бўлган объектларда ёнғинлар ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва характеристикаси;
- ёнғин ўчириш ускуналари ва техникасининг оператив-тактик ва техник характеристикалари;
- ёнғин ўчириш ва авариявий ҳолатларни бартараф этишда қўлланиладиган усуллар ва услублар;
- ёнғинларни бартараф этишда, хизматни олиб боришда ва ёнғин-техник қуролларни синовдан ўтказишда техника хавфсизлиги қоидалари;
- халқ хўжалиги объектлари, технологик жараёнларда ёнғин профилактикаси бўйича бажариладиган аниқ чоралар ва бошқалар.

Қўйилган малакавий талаблар, қисқача методик кўрсатмалар ва саволларга жавоблар ўқитувчига ҳам, курсантга ҳам жавобларнинг мазмунини тўғри талқин қилишда ягона талаблар доирасида фикр юритишни талаб қилади. Бунда билимларни баҳолашдаги субъективизм минималлаштирилади. Давлат аттестация синовларининг натижалари бўйича аниқланган курсантлар тайёргарлиги даражаси кафедралар томонидан ўқув жараёнларини такомиллаштириш бўйича қарорлар қабул қилишда асос бўлиб хизмат қилади.

Ўқув қўлланмаси материалларини ишлаб чиқишда Х.С.Арипов, С.М.Махмудов, В.Н.Рахимов, В.Ф.Стецюк, И.Х. Қодиров, Х.А.Қурбонов, С.З.Эргашев, А.Д.Яхияев, У.А.Ёқубов, Қ.Ғ.Каттаев, Д.А.Иргашев, Б.Т.Ибрагимов, У.У.Норқўзиев, Т.Э.Нурматов ва нашрга тайёрлашда Ш.Шамуратов, Б.А.Муслимов, Д.Д.Бахронов, Р.С.Реимбаев, Ш.А.Мансурходжаев, Г.Н.Алимухамедова, М.Ю.Бадалбаева, Ў.А.Холиқовлар фаол қатнашдилар.

I.БОБ

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

1.1. ЁНҒИНЛАРНИ СУРИШТИРИШ

Тингловчиларнинг билимлари, амалий ишлари ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар

«Ёнғинларни суриштириш» фани бўйича якуний давлат аттестацияларига тайёргарлик кўришнинг **асосий мақсади** бу – тингловчилар томонидан ёнғинларни суриштириш ишларининг услубияти ва ёнғин-техник экспертизасини ўтказиш масалалари бўйича назарий билимларни эгаллаш ҳисобланади. Унинг **асосий вазифаси** бўлиб эса тингловчилар томонидан ёнғинларни суриштириш пайтида лозим бўлиш эҳтимоли бўлган жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг нормаларини тўғри тушунтириб бера олишлари учун зарур бўлган билимларни ўзларида шакллантириш, шунингдек конкрет ёнғиннинг сабабини аниқлаш бўйича кўникмалар ҳосил қилиш хизмат қилади.

Ушбу услубий қўлланмани ўзлаштириш натижасида ҳар бир тингловчи:

қуйидаги тасаввурларга эга бўлиши лозим:

- ёнғинлар билан боғлиқ ишларда экспериментлар ўтказилиши ҳақида;
- ёнғинлар бўйича амалга оширилиши мумкин бўлган барча тергов ҳаракатлари ҳақида;

қуйидагиларни билиши ва бажара олиши зарур:

- ёнғинларни суриштириш услубиятининг мазмуни ва моҳиятини очиб берувчи асосий қоидалар ва тушунчаларни;
- ёнғинларнинг келиб чиқиши, тарқалиши ва оқибатлари билан боғлиқ бўлган сабаблар ва шарт-шароитларнинг кўп хиллигини (турларини);
- ёнғинларнинг техник сабаларини аниқлаш услубларини;
- суриштирув органи томонидан олиб борилиши лозим бўлган барча ҳаракатлари ва тузиладиган ҳужжатларни;
- жиноят-процессуал қонунчилигининг кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларига оид талабларини;
- ёнғин-техник экспертизасини тайинлаш ва ўтказишнинг асосий принципларини;

қуйидаги кўникмаларни эгаллаши зарур:

- ёнғин бўлган жойдан топилган ашёвий далилларни тадқиқот қилиш;
- ёнғинлар бўйича процессуал ҳужжатларни расмийлаштира олиш;
- ёнғинлар бўйича қўзғатилган жиноят ишларининг материаллари билан ишлай олиш;
- ёнғинлар билан боғлиқ бўлган жиноятларни таснифлай олиш;

«Ёнғинларни суриштириш» фани бўйича ишлатилган айрим таянч сўзлар, атамалар, тушунчалар ва қисқартирилган сўзларнинг қисқача изоҳи

1. ДЁН – Давлат ёнғин назорати органлари.
2. ЎзР ЖК - Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси.
3. ЎзР ЖПК - Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодекси.
4. ЎзР МЖТК - Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси.
5. ТТГ – тезкор-тергов гуруҳлари;
6. ИИВ - Ўзбекистон ёки Қорақалпоқистон Республикалари Ички ишлар вазирликлари;
7. ИИББ – Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси;
8. ИИБ – вилоятлар, шаҳарлар, туманлар, Тошкент шаҳридаги туманлар, туманлардаги шаҳарлар, нақлиётдаги Ички ишлар бошқармалари ёки бўлимлари;
9. ЁХБ – ёнғин хавфсизлиги бошқармалари ёки бўлимлари ёхуд бўлинмалари;

10. ЎзР ИИВ ЁХББ ЁТЛ - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси Ёнғин-техник лабораторияси.
11. Тусмол – тергов тусмоли (синонимлари: тахмин қилиш; чамалаш, эҳтимол қилиш ва бошқалар).

1. ДЁН органларининг ёнғинларни суриштириш бўйича процессуал асосдаги ваколатлари /2; 3; 4; 6/

ЎзР да ДЁН тўғрисидаги Низомнинг 10 бандига ва ЎзР ЖПК нинг 38-моддаси 5 –бандига асосан ДЁН органлари ёнғинлар бўйича ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик бўйича суриштирув органлари ҳисобланади.

ЎзР ИИВ томонидан 1993 й. 22 сентябрида 344-сонли Буйруқ билан тасдиқланган «ДЁН фаолиятини ташкиллаштириш Қўлланмаси» нинг 10-бўлимида ёнғинларни суриштиришнинг умумий қоидалари ва тартиби ёритилган.

Жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига асосан маҳаллий ёки ҳудудий ДЁН органи раҳбари суриштирув органининг бошлиғи сифатида жиноят ишини қўзғатишга, бу ишни ўзининг иш юритишига қабул қилиш ва суриштирувни бошлашга ёки ўзига бўйсунувчи бошқа ходимга суриштирув юритишни топширишга ёхуд иш қўзғатишни рад этишга ёки аризани, хабарни терговга тегишлилигига кўра ўтказишга ҳақлидир.

Суриштирув органлари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, жиноят-процессуал қонунчилигининг қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларини қўллаган ҳолда зарур чораларни кўриш юклатилган. Ички ишлар хизмати органлари бу мақсадда тезкор қидирув чораларини кўришга ҳақлидир.

Суриштирувчи зиммасига, шунингдек терговчи юритаётган иш бўйича унинг айрим тергов ва қидирув ҳаракатларини ўтказиш тўғрисидаги топшириқларини бажариш ҳамда терговчига унинг тергов ҳаракатларини бажаришда кўмаклашиш мажбурияти юклатилади. Ёнғинларга доир жиноят ишлари бўйича суриштирувчи сифатида ДЁН органи инспекторлари ҳам қатнашишлари мумкин.

Суриштирувни амалга ошираётганда, худди шунингдек терговчининг топшириғини бажараётганда суриштирувчи дастлабки тергов ўтказиш учун белгиланган қоидаларга амал қилиб, тергов ҳаракатларини олиб боради ва қарорлар чиқаради. Суриштирув органининг бошлиғи ҳам башарти у суриштирувчи сифатида жиноят ишида иштирок этаётган бўлса, худди шу қоидаларга амал қилади.

2. Ёнғинлар билан боғлиқ бўлган жиноятларни таснифлаш /2; 5/

ЎзР Жиноят Кодексида кўзда тутилган ёнғинлар билан боғлиқ бўлган жиноятларни таснифлаб беринг.

Ёнғинлар билан боғлиқ бўлган жиноят турлари ва уларни содир этишда кўрилиши мумкин бўлган жазо турлари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида белгиланган.

Эҳтиётсизлик орқасида ёки қасддан ўт қўйиш йўли билан содир этиладиган жиноятлар сони ўндан ортиқ бўлиб, уларнинг айримлари қуйидагилар:

1) 132-модда. Тарих ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш;

2) 161-модда. Қўпорувчилик;

3) 173-модда. Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш;

4) 198-модда. Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш;

5) 207-модда. Мансабга совуққонлик билан қараш;

6) 244-модда. Оммавий тартибсизликлар;

7) 250-модда. Портлаш хавфи бўлган моддалар ёки пиротехника буюмларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш;

8) 256-модда. Тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш;

9) 258-модда. Тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш;

10) 259-модда. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш;

11) 263-модда. Темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаси ёки алоқа йўлларини яроқсиз ҳолга келтириш.

3. Ёнғинлар билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг таркибий қисмлари

/2; 5/

Ёнғинлар билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг таркибий қисмлари: объекти; объектив томони; субъекти; субъектив томони.

173-модда 2-қисмининг "б" банди. «*Ўзганинг мулкини қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш атрофдагилар учун хавфли усулда содир этилган бўлса, - энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади*».

Аслида бу модда уч қисмдан иборат, лекин унинг фақат иккинчи қисмининг "б" бандида кўзда тутилган жазогина ёнғинларга боғлиқ.

Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимида «хавфли усул» атамасининг ҳуқуқий маъноси қуйидагича шарҳланган: «кўпчилик учун хавфли усул - ўт қўйиш, портлатиш, сув бостириш ва одамлар ҳалок бўлиши ёки кўп миқдорда зарар етказиш хавфини туғдирадиган бошқа усуллар».

Бу жиноят ҳам унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига киради. Амалиётда бу жиноят тури, яъни бегоналарнинг мол-мулкини қасддан ўт қўйиб юбориши кўп учраб туради. Жиноят объекти сифатида фуқароларнинг мол-мулки қаралади, объектив томони сифатида эса уларга етказилган моддий ва маънавий зарардир. Агар жиноят содир этган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва шундай қилмишни содир этишни истаган бўлсагина, бу жиноят қасддан содир этилган деб топилади. Агар бундай қилмиш эҳтиётсизлиги орқасида содир этилган бўлса, бу жиноят ҳисобланмайди. Жиноятнинг субъекти ўн тўрт ёшга тўлган шахс ҳисобланади.

259-модда. «*Ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг шу қоидалар бажарилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, - энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача жарима солиш ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

Ўша қилмиш:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Жиноятнинг бевосита объекти жиноят хавфсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир.

Бу жиноятнинг объектив томони ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишга жавобгар шахснинг мазкур қоидаларни бузишидир. Қонун оғир ёки ўртача оғир даражада тан жароҳатлари етказишни мазкур жиноятнинг зарурий белгиси каби баҳолайди. Жиноий оқибатлар мазкур жиноятни тугалланган деб топиш учун асосдир. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш кўп сонли меъёрий ҳужжатларда мавжуд бўлган ДЁН органларининг ёзма кўрсатмаларидаги талабларни бажармаслигида намоён бўлади. Шу боисдан муайян шахснинг бу жиноят тури бўйича жавобгарлиги масаласини ечиш учун мазкур шахс риоя қилиши зарур бўлган қоидалар ва кўрсатмаларга мурожаат қилиши зарур. Бу шахснинг айнан қайси қонунда кўрсатилган қоидаларни бузиши қонундаги оқибатлар бошланишига олиб келганлигини белгилаб олиш учун муҳимдир.

Ўн олти ёшга тўлган ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш учун жавобгар шахс жиноят субъекти бўлиши мумкин.

Субъектив томондан мазкур жиноят айбнинг жиноий ўзбошимчалик ёки жиноий совуққонлик билан содир этиладиган эҳтиётсизлик шакли билан тавсифланади. Агар шахс одамларнинг ҳалок бўлиши ва қонун нормасида кўрсатилган бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишини хоҳлаб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини қасддан бузса, унда қилмиш сабаблар ва мақсадлар мазмунига қараб одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига ёки Ўзбекистон Республикасига қарши содир этилган жиноят сифатида баҳоланади.

Оғир оқибатлар деганда (2-қисмнинг «б» банди), икки ва ундан ортиқ шахсларнинг ҳалок бўлиши, икки ва ундан ортиқ кишига ўртача оғир ёки оғир тан жароҳатлари етказиш, мол-мулкни нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш ёки жуда кўп миқдорда зарар етказиш тушунилади.

4. ДЁН органлари суриштириш органи сифатида /2; 6/

ДЁН органларининг ёнғинларни суриштириш бўйича иш фаолиятининг асосини ташкил қилувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (Кодексларнинг моддалари ва шу кабилар). ДЁН органи мансабдор шахсининг ёнғин ҳақидаги хабарни олганидан сўнг бажарадиган ишлари, яъни бажариши керак бўлган ишларнинг айнан рўйхати.

Давлат ёнғин назорати органлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг (ЖПК) 38-моддасига биноан ёнғинларга ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганликка доир ишлар бўйича суриштирув органи ҳисобланадилар.

Ушбу қонунчилик бўйича (ЖПКнинг 39-моддаси) ДЁН органининг бошлиғи жиноят ишини қўзғатишга, бу ишни ўзининг иш юритишига қабул қилиш ва суриштирувни бошлашга ёки ўзига бўйсинувчи бошқа ходимга суриштирув юритишни топширишга ёхуд иш қўзғатишни рад этишга ёки аризани, хабарни терговга тегишлигига кўра етказишга ҳақлидир.

Суриштирувнинг вазифалари қуйидагилардан иборат (339-модда):

1) жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик;

2) далилларни тўплаш ёки сақлаш;

3) жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш;

4) жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритиш.

Суриштирув органлари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, жиноят-процессуал қонунчилигининг қоидаларига

мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларини қўллаган ҳолда зарур чораларни кўриш юклатилган. Ички ишлар хизмати органлари бу мақсадда тезкор қидирув чораларини кўришга ҳақлидир.

Суриштирувчи зиммасига, шунингдек терговчи юритаётган иш бўйича унинг айрим тергов ва қидирув ҳаракатларини ўтказиш тўғрисидаги топшириқларини бажариш ҳамда терговчига унинг тергов ҳаракатларини бажаришда кўмаклашиш мажбурияти юклатилади. Ёнғинларга доир жиноят ишлари бўйича суриштирувчи сифатида ДЁН органи инспекторлари ҳам қатнашишлари мумкин.

Суриштирувни амалга ошираётганда, худди шунингдек терговчининг топшириғини бажараётганда суриштирувчи дастлабки тергов ўтказиш учун белгиланган қоидаларга амал қилиб, тергов ҳаракатларини олиб боради ва қарорлар чиқаради. Суриштирув органининг бошлиғи ҳам башарти у суриштирувчи сифатида жиноят ишида иштирок этаётган бўлса, худди шу қоидаларга амал қилади.

Суриштирувчининг қарори ДЁН органларининг бошлиғи томонидан тасдиқланиши лозим. Унинг ёзма кўрсатмаси суриштирувчи учун мажбурийдир. Суриштирувчи кўрсатмага норози бўлса, кўрсатмани бажаришни тўхтатмай туриб, бу кўрсатма устидан прокурорга шикоят қилишга ҳақлидир. Прокурорнинг эса ёзма кўрсатмаси суриштирув органининг бошлиғи ва суриштирувчи учун мажбурийдир. Агар суриштирувчининг қарори прокурор рухсати (санкцияси) билан тасдиқланган бўлса, ДЁН органи бошлиғи бу қарорни бекор қила олмайди.

ДЁН органининг ходими (суриштурувчи) амалдаги қонунчилик бўйича, ёнғин содир этилганда, воқеа содир этилган жойни кўздан кечириб гувоҳларни, жабрланувчиларни, гумон қилинувчиларни ҳамда ўт ўчиришда қатнашганларни сўроқ қилиб, керак бўлган ҳолларда ёнғин бўлган масканга тегишли хизмат ҳужжатларини синчиклаб ўрганиб чиқиши шарт. Сўроқ қилишлар натижаси ёзма тушунтириш хатлари орқали амалга оширилади.

Ёнғинлар бўйича суриштирувнинг асосий мақсадлари ёнғиннинг келиб чиқиш сабабини, айбдорларни, ёнғин оқибатида етказилган моддий зарар ва унинг миқдорини ҳамда жиноят аломатлари бор-йўқлигини аниқлашдир. Агар текширувлар натижасида ёнғин бўйича жиноят аломатлари аниқланган бўлса, суриштирув ўн кун муддат ичида «Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақидаги Қарор»ни чиқаради ва бу қарор ДЁН органи бошлиғи томонидан тасдиқланади. Унинг қарор қилувчи қисмида, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш учун асос бўлган изоҳдан ташқари, айбдорни қайси жавобгарлик тури билан жазолаш керак эканлиги ҳам кўрсатилади (оғзаки огоҳлантириш, маъмурият томонидан интизомий жазо чорасини қўллаш, маъмурий жавобгарлик ва бошқалар).

5. ДЁН органларининг дастлабки тергов жараёнидаги иштироки /2; 6/

Дастлабки тергов ҳақида тушунча ва унда ДЁН органларининг иштирок этиш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида дастлабки тергов ҳаракатларининг икки тури мавжуд: суриштирув ва дастлабки тергов. Суриштирув ҳам дастлабки терговга ўхшаб, қонунда белгиланган тартибда процессуал формада (кўринишда) амалга ошириладиган фаолиятдир. Бу икки тур дастлабки тергов ҳаракатларининг орасидаги фарқи ушбу тергов ҳаракатларини юритадиган органларнинг ваколати доирасидадир.

Катта ёнғинлар, ўт қўйиб юбориш орқасида содир этилган оғир оқибатларга олиб келган ёнғинлар ҳақида ДЁН органи мансабдор шахси тезкор гуруҳнинг етиб

келишини таъминлаш мақсадида дарҳол туман ички ишлар бўлими ва прокурорини хабардор қилиши лозим.

Тезкор гуруҳнинг етиб келиши билан ДЁН ходими мутахассис сифатида уларга «Ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси»ни тузишда ва маълумотлар йиғишда ёрдам беради.

Ёнғин сабабини ва айбдорларни топиш мақсадида ДЁН ходими дастлабки тергов ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида корхона ёнғин хавфсизлигини тавсифловчи ҳужжатларни ўрганади ва гувоҳлардан бирламчи ўт-ўчириш воситаларининг, ёнғин автоматик даракчиларининг, сув таъминотининг кўнгилли ўт-ўчириш жамоат ташкилотларнинг корхонада бор-йўқлигини ва ёнғингача бўлган бошқа ҳолатларни сўроқ қилиш йўли билан аниқлайди.

Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигига асосан (ЖПКнинг 38, 339-моддалари) ёнғин бўлиб ўтган жойни кўздан кечиришни ўтказган ДЁН ходими (суриштурувчи) жиноят аломатлари бор бўлган тақдирда, агар жиноят жойида терговчи бўлмаса, жиноят ишини қўзғатиб, уни ўз иш юритувига қабул қилади ва жиноят изларини топиш, уларни қайд қилиш учун барча тезкор қидирув ишларини амалга оширади (ёнғин бўлиб ўтган жойини кўздан кечириш, тинтув қилиш, олиб қўйиш, гувоҳлантириш, ушлаб туриш ҳамда жабрланувчи, гувоҳ, ва гумон қилинувчиларни сўроқ қилиш ва бошқалар).

Аниқланган жиноят ва шу иш юзасидан бошланган суриштирув бўйича суриштирув органи дарҳол прокурорни хабардор қилади (қўзғатилган қарорнинг нусхасини жўнатиш йўли билан).

ЖПК 345-моддасининг талабига биноан ёнғин билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг барчаси бўйича дастлабки тергов олиб бориш мажбурийдир ва улар жиноятнинг турига қараб турли орган терговчилари томонидан олиб борилади. Масалан, юқорида кўрсатиб ўтилган Жиноят Кодексининг 198, 207, 244, 256, 258-моддаларида кўзда тутилган жиноятлар бўйича прокуратура терговчилари, 161-модда бўйича миллий хавфсизлик хизмати терговчилари ва 132, 173, 250, 259, 263-моддалар бўйича эса ички ишлар органлари терговчилари дастлабки тергов олиб борадилар.

ДЁН мансабдор шахси (суриштурувчи) томонидан барча кечиктириб бўлмайдиган дастлабки тергов ҳаракатлари бажарилганидан сўнг, жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб ун кундан кеч бўлмаган муддатда ЖПК 342, 345-моддаларига асосланган ҳолда дарҳол ишни терговчига қарор чиқариш орқали ўтказиш лозим, суриштирув эса шу билан якунига етади.

Қуйидаги ҳолларда суриштирув юритиш муддати ўтишини кутмасдан суриштирувчи ишни дарҳол терговчига ўтказиши лозим, башарти:

1. Оғир ёки ўта оғир жиноят аниқланган бўлса;
2. Муайян шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш учун асослар аниқланган бўлса;
3. Ишни тугатиш учун асослар аниқланган бўлса;
4. Терговчи ишнинг ўз юритувига берилишини талаб қилган бўлса.

Жиноят иши терговчига ўтказилгандан кейин суриштирувчи дастлабки тергов ҳаракатларини фақат терговчининг топшириғига биноан амалга оширади. ЖПК 343-моддаси талаби бўйича эса суриштирувчи терговчининг топшириқларини бажаришга мажбурдир. Терговчи эса ўзининг барча топшириқ, кўрсатма ва талабларини суриштирувчига ёзма равишда ДЁН органи бошлиғи орқали юборади.

Агар суриштирув давомида ДЁН ходими айбдор шахс, ёнғин сабабини исботловчи далиллар кабиларни аниқлай олмаган бўлса, у ҳолда уларни қонун талабларини бузмай терговчини хабардор қилган ҳоллар аниқлашда давом этади.

ДЁН органлари ЖПК 321-моддасига асосан ёнғинлар бўйича жиноят содир этилганлиги тўғрисида сабаб ва етарли асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда жиноят ишини қўзғатиши шарт.

Жиноят ишини қўзғатиш учун қуйидагилар сабаб бўла олди:

1) шахсларнинг аризаси;

2) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар;

3) оммавий ахборот воситалари берган хабарлар;

4) жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирув органи ёки суриштирувчининг бевосита ўзи аниқлаши;

5) айбни бўйнига олиш ҳақидаги арз сабаблар.

Жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар эса жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўла олади.

ДЁН органи мансабдор шахси ёнғинларга доир жиноятга оид маълумотлар ёки бундай маълумотларни бевосита ўзи аниқлаган ҳар бир ҳолда қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

1) жиноят ишини қўзғатиш ҳақида;

2) ишни қўзғатишни рад қилиш ҳақида;

3) ариза ёки хабарни терговга тегишлигига қараб юбориш ҳақида;

Чиқарилган қарор ҳақида дарҳол аризачи хабардор қилинади.

Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол ёки уч суткадан кечиктирилмасдан, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёки суриштирув органи ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда ўн суткадан кечиктирилмасдан кўриб чиқилиши лозим. Ушбу муддатлар жиноятга оид хабар олинган пайтдан бошлаб то ишни қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарор чиқарилгунга қадар бўлган вақтни ўз ичига олади. Кўрсатилган муддатлар ичида қўшимча ҳужжатлар, изоҳлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкин. Иш қўзғатилгунга қадар бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман этилади.

6. ДЁН органларининг ёнғинлар билан боғлиқ жиноятлар сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари тартиби /2; 6/

Дастлабки тергов ҳақида тушунча ва унда ДЁН органларининг иштирок этиш тартиби.

Жиноят-процессуал қонунчилиги талаблари бўйича (296-модда) жиноят ишларини юритишда суриштирувчи ёнғиннинг келиб чиқиш сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаши шарт. Терговчи ёки суриштирувчи уларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитлар бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида **тақдимнома** киритади. Тақдимноманинг нусхаси эса ишга қўшиб қўйилади.

Тақдимнома юборилган давлат органи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахс зарур чораларни кўриши ва кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ойлик муддат ичида тегишли суриштирувчини, терговчини, прокурорни ёки судни хабардор қилиши шарт. Тақдимнома бажарилмаган ёки виждонан бажарилмаган тақдирда корхона,

муассаса ёки ташкилотнинг айбдор раҳбари қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилади.

Ёнғиннинг келиб чиқиш ва тарқалиши сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганиб чиққан ДЁН ходими айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш масалаларини, агар керак бўлса ўз мансабига совуққонлик билан қараган мансабдор шахсларни вазифаларидан четлатиш масалаларини ҳам қўйиши мумкин.

Ёнғинлар ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш бўйича суриштирув ишлари ДЁН органлари аппаратлари фаолиятида ҳам муҳим рол ўйнайди. Нега деганда, корхоналар ва бошқа халқ хўжалиги жабҳаларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун тадбирларни ишлаб чиқишда, бўлиб ўтган ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини, қайси ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини билиш шартдир. Булар эса суриштирувнинг қайси даражада сифатли олиб борилишига боғлиқ.

7. Ёнғин ҳақидаги аризани рўйхатга олиш тартиби. Ариза олингандан кейинги процессуал ҳаракатлар /2; 6/

Ёнғин ҳақидаги ариза, хабарни дастлабки текширишни амалга ошириш тартиби. Текшириш пайтида ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар.

Текшириш учун асос бўлиб ёнғин ҳақидаги *ариза* ёки *хабар, ёнғин ҳақидаги далолатнома* хизмат қилиши мумкин.

ДЁН органлари ҳар бир ёнғин бўйича изчил текширувлар олиб бориши шарт ва бу текширишнинг асосий мақсади эса – ёнғин келиб чиқиш сабабини ва унга айбдор шахсларни ҳамда жиноят белгиларининг бор-йўқлигини аниқлаш.

Текшириш ишлари ёнғин содир этилган объект бириктирилган ДЁН инспектори томонидан ёки суриштириш ишларига мутахассислашган махсус инспектор томонидан олиб борилади. ЎзР ЖПК нинг 329 моддасига асосан текшириш ишлари ёнғин ҳақидаги ариза ёки хабар олинган вақтдан бошлаб **3 кун** ичида, айрим ҳолатларда эса, истисно сифатида **10 кундан ошмаган** муддат ичида олиб борилади.

Ёнғинларни текшириш чоғида қуйидагилар аниқланиши лозим:

1. Ёнғиннинг содир этилган вақти, жойи, унинг ривожланиши ва ўчирилиши ҳақидаги маълумотлар.
2. Ёнғиннинг келиб чиқиш сабаби ва унга айбдор шахслар, уларнинг жавобгарлиги характери ва жавобгарлик даражасига таъсир кўрсатувчи ҳолатлар (омиллар) (маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш керакми ёки йўқлиги).
3. Моддий зарарнинг миқдори, ҳалок этганлар ва жароҳат олганларнинг мавжудлиги, ёнғиннинг бошқа оқибатлари.
4. Масканнинг ёнғин чиқишга қадар бўлган ёнғин хавфсизлиги ҳолати ва бу ҳолатнинг ёнғин чиқишига, унинг тарқалишига ва ёнғин оқибатларига бўлган сабабий боғлиқлиги ёки алоқадорлиги (ёзма кўрсатмалар ва бошқа ҳужжатлардаги маълумотларни ўрганиб чиқиш, мансабдор шахсларни сўроқ қилиш ва шу кабилар).
5. Жиноят таркиби белгиларининг бор-йўқлигини аниқлаш (жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томонлари).
6. Ушбу ишни юритишни тўхтатиб қўйиш учун қонунчиликда белгиланган ҳолатларнинг мавжудлиги (айбдорнинг вояга етмаганлиги, вафот этганлиги ва бошқалар)
7. Ёнғин келиб чиқишига ва унинг тарқалиб кетишига сабаб бўлган шарт-шароитларни аниқлаш.

Ёнғинни текшириш қуйидагиларни аниқлаш орқали амалга оширилади:

-ёнғин бўлган жойни батафсил кўздан кечириш;

-гувоҳлар, жабрланувчилар, айбдор шахслар, ўт ўчиришда қатнашган шахслар, масканнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатига ва уни қўриқлашга масъул (жавобгар) шахслардан тушунтириш хатлари олиш (сўроқ қилиш);
-корхона маъмурияти томонидан ёнғинни текшириш бўйича тузган далолатномасини, тегишли техник ва хизмат ҳужжатларини, мутахассисларнинг (электриклар, химиклар, технологлар ва ш.к.) ёзма хулосаларини талаб қилиб олиш;
-шунингдек охирги ўтказилган инвентаризация ва ревизия далолатномаларини, корхона раҳбари ва бош ҳисобчи имзо қўйган моддий зарар тўғрисидаги маълумотномани талаб қилиб олиш.

Ёнғинни текшириш якунида ДЁН органлари томонидан белгиланган муддат ичида қуйидаги қарорлардан бири қабул қилиниши керак:

1. Жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги Қарор.
2. Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги Қарор.
3. Текширув материалларини тегишли органларга ошириш тўғрисидаги Қарор.

8. Ёнғинларни суриштириш бўйича тезкор-тергов гуруҳининг таркиби ва унинг олдига қўйилган вазифалар /2/

Ёнғинларни суриштириш учун тезкор-тергов гуруҳи қайси мақсадда ва кимнинг кўрсатмасига (қайси ҳужжат талабига) биноан ташкил қилиниши кўрсатиб ўтилади. Тезкор-тергов гуруҳи таркибига айнан қайси ходимлар киритилиши зарурлиги ва уларнинг бажарадиган ишлари қисқача айтиб ўтилсин.

Ёнғинлар билан боғлиқ жиноят ишлари энг мураккаб ишлардан ҳисобланади, негаки ёнғин содир этилган жойни тўғри кўздан кечириш, ашёвий далилларни излаб топиш, олиб қўйиш ва уларни тадқиқот қилиш каби тергов ҳаракатларини амалга ошириш учун терговчи ёки суриштирувчида маълум техник тайёргарликни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасида ёнғинларни суриштириш бўйича ИИВ, ИИББ, ИИБ буйруқлари билан тезкор-тергов гуруҳлари ташкил қилинади. Бу гуруҳлар йирик ва мураккаб ёнғинларга чиқишади.

Бу буйруқларда тезкор-тергов гуруҳи аъзоларининг ёнғинда бажарадиган вазифалари ёритилади.

Тезкор-тергов гуруҳи таркибига қуйидаги шахслар киритилади:

- ёнғинларни суриштиришга мутахассислашган терговчи;
- жиноят-қидирувининг тезкор вакили;
- иқтисодий жиноятларга қарши кураш хизматининг тезкор вакили;
- ДЁН ходими (суриштирувчи);
- ЎзР ИИВ ЁХББ ЁТЛ ходими (Навоий, Фарғона шаҳарларидаги бўлимлари ходимлари);
- милициянинг участка профилактика инспекторлари (жойларда);
- эксперт-криминалист.

Тезкор-тергов гуруҳига қуйидаги вазифаларни амалга ошириш юклатилади:

- ёнғин сабабини аниқлаш;
- ёнғиннинг тарқалишига имкон берган ҳолатларни аниқлаш;
-ёнғиннинг келиб чиқишига бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш.

Тезкор-тергов гуруҳига юклатилган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишга қуйидагиларни амалга ошириш орқали эришилади:

-ҳодиса бўлган жойга ўз вақтида етиб келиш;

-кечиктириб бўлмайдиган тезкор-тергов ҳаракатларини амалга ошириш;
-замонавий илмий-техник воситаларидан моҳирона фойдаланиш;
-тезкор-қидирув ишларини ўз вақтида амалга ошириш;
-кенг жамоатчиликни бу ишларга фаол жалб этиш ва бошқалар.

9. Тергов-тезкор гуруҳи (ТТГ) аъзоларининг ёнғин ҳақида хабар олгандаги ҳаракатлари /2/

Катта ёнғинлар, ўт қўйиб юбориш орқасида содир этилган оғир оқибатларга олиб келган ёнғинлар ҳақида ДЁН органи мансабдор шахси тезкор гуруҳнинг етиб келишини таъминлаш мақсадида дарҳол туман ички ишлар бўлими ва прокурорини хабардор қилиши лозим.

Тезкор гуруҳнинг етиб келиши билан ДЁН ходими мутахассис сифатида уларга «Ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси»ни тузишда ва маълумотлар йиғишда ёрдам беради.

Ёнғин сабабини ва айбдорларни топиш мақсадида ДЁН ходими дастлабки тергов ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида корхона ёнғин хавфсизлигини тавсифловчи ҳужжатларни ўрганади ва гувоҳлардан бирламчи ўт-ўчириш воситаларининг, ёнғин автоматик даракчиларининг, сув таъминотининг кўнгилли ўт-ўчириш жамоат ташкилотларнинг корхонада бор-йўқлигини ва ёнғингача бўлган бошқа ҳолатларни сўроқ қилиш йўли билан аниқлайди.

Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигига асосан (ЖПКнинг 38, 339-моддалари) ёнғин бўлиб ўтган жойни кўздан кечиришни ўтказган ДЁН ходими (суриштурувчи) жиноят аломатлари бор бўлган тақдирда, агар жиноят жойида терговчи бўлмаса, жиноят ишини қўзғатиб, уни ўз иш юритувига қабул қилади ва жиноят изларини топиш, уларни қайд қилиш учун барча тезкор қидирув ишларини амалга оширади (ёнғин бўлиб ўтган жойини кўздан кечириш, тинтув қилиш, олиб қўйиш, гувоҳлантириш, ушлаб туриш ҳамда жабрланувчи, гувоҳ, ва гумон қилинувчиларни сўроқ қилиш ва бошқалар).

Аниқланган жиноят ва шу иш юзасидан бошланган суриштирув бўйича суриштирув органи дарҳол прокурорни хабардор қилади (қўзғатилган қарорнинг нусхасини жўнатиш йўли билан).

ДЁН ходими (суриштурувчи) ёнғин ҳақидаги хабарни олиши биланоқ ҳодиса бўлган жойга керакли илмий-техник воситалар билан дарҳол етиб келиши шарт. Ёнғин бўлган жойни кўздан кечиришда мутахассисларни (криминалист, электрик, химик, технолог ва бошқалар) жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Шуни эсда тутиш керакки, суриштирувчининг (терговчининг) ўз вақтида ҳодиса жойига етиб бориши кўздан кечиришнинг самаралигини, ёнғин бўлган жойдаги ҳолатнинг, ашёвий далиллар ва изларнинг сақланишини таъминлайди, негаки уларгина ёнғин келиб чиқиш сабабларининг аниқланишини таъминлаб берадиган асосий шартлардир. Ёнғин бўлган жойни (ўчоғини) аниқламасдан туриб, ёнғин сабабини аниқлаш жуда қийин, айрим ҳолларда умуман имкони ҳам йўқ. Шунинг учун ҳам ёнғин бўлган жойни кўздан кечиришнинг катта амалий аҳамияти бор.

Кўздан кечириш қатнашчиларининг таркиби ёнғиннинг оқибатига ва ҳолатига қараб аниқланади. Одатда қуйидагилар кўздан кечиришда қатнашишади: суриштирувчи (терговчи), мутахассислар (криминалист, электрик, химик, технолог ва бошқалар), тезкор жиноят қидирув инспектори, милиция участка инспектори, инспектор-кинолог ва холислар.

10. Тергов-тезкор гуруҳи (ТТГ) аъзоларининг ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш ва бошқа тезкор-тергов ҳаракатларини амалга ошириш чоғидаги ҳаракатлари /2/

Суриштирувчи кўздан кечиради, унинг натижаларини қайд қилади, ашёвий далилларни олиб қўяди.

Мутахассислар изларни ва бошқа ашёвий далилларни топишда, қайд қилишда, олиб қўйишда ёрдам берадилар, ўзларининг мутахассислигидан келиб чиққан ҳолда малакали тушунтиришларини (маслаҳатларини) берадилар.

Тезкор жиноят қидирув инспектори тезкор қидирув тадбирларини амалга оширади.

Милиция профилактика (участка) инспектори ёнғин бўлган жойнинг қўриқланишини таъминлайди, гувоҳларни аниқлашда ёрдам беради.

Холислар кўздан кечириш жараёнида қатнашадилар ва унинг натижаларини кўздан кечириш баённомасида тўғри ёзилишига ва қайд қилинишига гувоҳлик берадилар.

Дастлабки тергов ҳаракатларини амалга оширишда терговчига ёрдам бериш мақсадида корхона ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари, кўнгилли ўт ўчириш дружина аъзолари ва бошқа жамоат намояндаларини ҳам жалб этиш мумкин.

Ёнғин бўлган жойга етиб келган суриштирувчи қуйидагиларни амалга ошириши керак:

- ёнғин бўлган жой ҳолати билан танишиш, бегона одамларни ҳодиса жойидан узоқлаштириш ва уни қўриқлаш, изларни сақлаб қолиш;
- иссиқ излар бўйича жиноятчини ушлаш учун зарурий чораларни кўриш;
- холис одамларни таклиф қилиш, кўздан кечириш қатнашчилари орасида уларнинг вазифаларини бўлиб бериш;
- кўздан кечириш жараёнининг кетма-кетлигини аниқлаш;
- ёнғин ва ундан олдинги ҳолатлар ҳақида биладиган одамларни ва бошқа шахсларни сўроқлаш.

Ёнғин бўлган жойни кўздан кечиришда қуйидаги масалалар ечилади:

- ёнғин қачон аниқланган (йил, ой, кун, соат) ва ёнғин қанча вақт давом этган;
- ёнғин оқибатлари, нималар куйган ёки шикастланган;
- ёнғин қаерда бўлган (манзилгоҳи) ва унинг ўчоғи;
- ёнғин қандай ривожланган ва тарқалиш йўллари;
- ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари, қасддан ўт қўйиш (ўт қўйиш воситалари);
- қасддан ўт қўйиш қайси мақсадда амалга оширилган, унинг сабаблари;
- ким ўт қўйган ёки ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган (ПУЭ, ҚМҚ ва шу кабилар).

Бу масалалар объектив ҳал қилинган тақдирдагина жиноятнинг очилишига имкон туғилади.

11. Бинонинг ёнғин-техник характеристикаси. Содир этилган ёнғиннинг сабабини аниқлашда унинг аҳамияти /2; 7/

Бинонинг қурилиш-конструктив жиҳатларини ўрганиб чиқиш жуда муҳим, негаки улар кўпинча ёнғин тавсифига бевосита алоқадор бўлади. Кўпинча ёнғиннинг сабабини аниқлашда бинонинг батафсил тавсифи, унинг материаллари ва таркибий қисмларининг, шунингдек унинг алоҳида элементлари ҳақидаги имкон қадар кўпроқ маълумотларнинг мавжудлиги жуда зарур аҳамиятга эга. Ёнғин натижаларини эътиборга олган ҳолда, мутахассисларга ёнғин ўчоғини аниқлашда, ёнғинни пайқашга қадар бўлган вақт давомида ёнғиннинг ривожланиши ва

тарқалишига боғлиқ бўлган шарт-шароитларни аниқлашда бундай маълумотлар ас қотиши мумкин.

Бинонинг ёнғин-техник тавсифини, унинг алоҳида қисмларини, конструкциялари ва элементларини баҳолаш чоғида қуйидагиларни аниқлаб олиш зарур:

-бинонинг ўзига хос меъморий-қурилиш муҳим жиҳатларини;

-қурилиш конструкцияларининг ёнғинга чидамлилик даражасини ва материалларнинг ёнувчанлик даражасини;

-қурилиш элементларининг конструктив ва шу каби бир қатор бошқа муҳим жиҳатларини;

-олов таъсири остида рўй бериши мумкин бўлган жойлардаги ўпирилишлар ва ўйилишлар.

Иншоотнинг меъморий-қурилиш жиҳатлари. Бу ерда бинонинг режаси, унинг контурлари ва ўлчамлари, бино қисмларининг вертикал бўйича ва режадаги ўзаро алоқадорлиги, шахталар, каналлар, ёруғлик фонарлари, тешиклар, галереялар, бўшлиқлар ва шу кабиларнинг мавжудлиги назарда тутилмоқда. Бу меъморий-қурилиш жиҳатлар бинода рўй берган ёнғиннинг йўналишини, тезлигини ва бошқа белгиларини аниқлашда имкон беради. Бинонинг меъморий-қурилиш жиҳатларини била туриб, ёнғин жойини аниқ белгилаш мумкин, ёнғин тарқалишининг ўзига хослигини тушунтириб бериш (агар ёнғин бинонинг турли қисмлари бўйлаб тарқалган бўлса), одамларни қутқариш шароитини баҳолаш, ёнғинни пайқаш имконини берган кўрсаткичларни тушунтириб бериш мумкин.

Агар бино меъморий-қурилишининг ўзига хос жиҳатлари ёнғиннинг иншоот бўйлаб бемалол тарқалишига имкон туғдириб берадиган бўлса, унда ёнғин оқибатида энг кўп талафот етказилган жойлар ёнғин ўчоғининг атрофида эмас, балки ундан жуда узоқда, айрим пайтларда эса умуман кутилмаган қарама-қарши томонда бўлиши ҳам мумкин. Буни ёнғин ўчоғини аниқлашда ва ёнғин сабабини аниқлаш бўйича тусмоллар тузилганда эътиборга олиш керак бўлади.

Конструкциянинг оловга қаршилик кўрсата олиши ҳамма вақт ҳам материалнинг ёнувчанлигига боғлиқ бўлавермайди. Маълумки, ёнғинларда айрим пайтларда, ёғоч конструкцияларга нисбатан металл конструкциялар тезроқ қулаб тушади. Ёғоч конструкциялар критик зўриқиш фазасига етмагунча, яъни кўндаланг кесимигача ёниб тугамагунга қадар ўзининг вазифасини бажараверади. Металл конструкциялар эса 400-500^{0}С ҳарорат таъсири остида ҳам ўзининг мустаҳкамлигини йўқотади. Бу ҳароратда асосан юкланган металл конструкциялар деформацияланади (эгилади) ва ўзининг вазифасини бажармай қўяди, натижада конструкциялар бузилади ва қулаб тушади. **Қурилиш элементларининг конструктив ва айрим бошқа муҳим жиҳатлари.** Қурилиш элементларининг кесими, профили, юзаси, уларда мавжуд бўлган бўшлиқлар, каналлар, тешиклар ва шу каби муҳим жиҳатлар ёнғин пайтида конструкциялар алоҳида элементларининг оловга қаршилик кўрсата олишида катта рол ўйнайди ва ёнғиннинг тарқалиб кетишида ҳал қилувчи вазифани ҳам бажариши мумкин. Конструкция элементининг кесими қанчалик кичик ва устки юзаси катта бўлса, у кесими катта ва юза қатлами кичик бўлган элементларга нисбатан шунча тез қизийди, деформацияланади, бузилади ва ёниб кетади.

Қурилиш элементларининг муҳим жиҳатлари ҳақидаги маълумотлар гувоҳларнинг кўрсатмаларини тўғри баҳолашда, ёнғиннинг одатдагидек бўлмаган тарқалиши сабаблари ва унинг оқибатларининг сабабларини тушунтириб беришда катта имкон беради. Айрим ҳолатларда эса бу маълумотлардан ўт ўчириш

бўлинмаларининг бажарган ишлари ҳақида объектив хулоса чиқаришда фойдаланишади, ҳатто ёнғин-техник экспертизасини тайинлаш орқали бўлса ҳам.

Алоҳида қурилиш элементлари ёнган пайтда улардаги бўшлиқлар, тешиклар ва каналлар худди бутун бино ҳажмида рўй берган ёнғиндагидек бир хил аҳамиятга эга. Улар мавжуд бўлганда ёнғиннинг тарқалиши эҳтимоли кўпаяди, ҳавонинг бинога кириши яхшиланади, ёниш маҳсулотларининг конвекцияси ва ҳаво алмашиш енгиллашади. Бўшлиқлар, тешиклар ва каналлар ёнишни тезлаштиради, ёнғиннинг янада тарқалиб кетишига имкон яратиб беради. Ва аксинча, бундай шароитларнинг йўқлиги ёнғин чиқишига тўсқинлик қилади, ёниш жараёнининг янада ривожланишига халал беради.

12. Бинонинг ёнғин-техник характеристикаси. Содир этилган ёнғиннинг сабабини аниқлашда маҳаллий ўйилишлар ва вайроналарнинг пайдо бўлишига таъсир қилувчи қўшимча шароитларни эътиборга олиш

/2; 7/

Маҳаллий ўйилишлар ва вайроналарнинг пайдо бўлишига ҳамма вақт ҳам конструкция элементларининг ёнувчанлик даражаси ва қурилиш материалларининг муҳим жиҳатлари таъсир қилавермайди. Бунда бошқа хусусий шароитлар ўзининг катта таъсирини кўрсатиши мумкин. Гоҳида улар унчалик катта бўлмаган участкаларда алоҳида қурилиш материалларининг ёнғинга чидамлилик чегарасини ўзгартириб юборишади. Агар бундай ўйилиш ва ўпирилишларнинг сабаби аниқ бўлмаса, бу ҳолатларда маҳаллий ўйилишлар бўлган жойларни ёнғин ўчоғи билан адаштириб юбориш мумкин.

Бундай шароитларга биринчи навбатда қуйидагиларни киритиш лозим: материалнинг ҳолати, тасодифий тешикларнинг мавжудлиги, жуда ёнувчан участкаларнинг мавжудлиги, изоляцияларнинг бўшаганлиги, тезда исиб кетадиган металл элементлар ва деталлар билан алоқалар, қурилиш ишларининг сифати ва шу кабилар. Қурилиш элементлари кўтарадиган юкларнинг мавжудлиги, уларнинг тавсифи ва бўшлиқдаги жойлашган ҳолатининг ҳам аҳамияти анчагина. Ёнғин шароитида қолиб кетган ёғоч ёки бошқа ёнувчан материалнинг ҳолати ҳам албатта ўз-ўзидан алангаланиш мойиллигига ва ёниш характерига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Ўз-ўзидан аёнки, нам материал қуруғига нисбатан юқори ҳароратга яхшироқ бардош бера олади. Ёнғин энди бошланган шароитда, кичкина импульс таъсири остида, масалан, тушириб юборилган сигарета қолдиғи, нам материаллар ё умуман ёнмайди, ёки қийин ёнади. Худди ушбу материал, лекин қуруқ ҳолатда, арзимаган олов манбасидан осонлик билан ёниб кетиши мумкин, асосан ўз тузилиши бўйича унинг элементларининг юза қатлами олов ривожланадиган кўринишда бўлса.

Ёнғинда материалларнинг нотекис ёниши сабабини ўрганишда алоҳида участкалардаги материалларнинг намлиги ва юқори даражада қуруқлиги эҳтимолларини ҳам эътиборга олиш лозим.

Ёнғиннинг ўта тез тарқалишига, маҳаллий ўйилишлар ва вайроналарнинг пайдо бўлишига ҳамма вақт ҳам материалларнинг ўта қуруқлиги сабаб бўлавермайди. Кўпгина ҳолатларда ёғоч материалларнинг қулаб тушишига ва ўйилиб кетишига уларнинг чириб кетганлиги ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Бу ҳолат кўпинча томи ёғочдан бажарилган эски биноларда, асосан ташқи деворлар яқинида, чакка ўтган жойларда кузатилади. Худди шунга ўхшаш ҳолат бино ораёпмаларида, масалан санитар қувурлари ўтган жойларда ҳам кузатилади. Чириб кетган конструкциялар тезроқ ёниб тугайди.

Қайрағоч узунасига иссиқликни энига нисбатан 2 маротаба кўпроқ ўтказади (0,3 ва 1,15 ккал/м×соат×град). Шунинг учун ҳам бир хил шароитда ёғоч элементлари икки уч томонидан ёнларига нисбатан анча чуқурроқ куяди.

Олов таъсирида у ёки бу чуқурликдаги ўйилишларнинг ва вайроналикларнинг ҳосил бўлишига қурилиш элементларидаги, ускуналарнинг ёнувчан материаллардан ишланган деталларидаги унчалик катта бўлмаган тешиклар (каваклар)нинг мавжудлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бунда яна бажарилган қурилиш ишларининг сифати ҳам рол ўйнайди. Бу биринчи навбатда конструкцияларнинг алоҳида элементларини ўрнатганда (бириктириш, ёпиштириш ва бошқалар) оралиқларнинг пайдо бўлишига тегишли.

Ҳар қандай, ҳатто аввалига арзимагандай кўринган тешикча оловнинг тарқалиб кетиши учун йўл хизматини бажариши ёки оловнинг янада яхшироқ ёниши учун ҳаво билан таъминлаб туриши мумкин. Маълумки, ушбу тешикка қараб оловнинг ёки ёниш маҳсулотларининг интилиши сари ёнувчан материалнинг ушбу жойи бошқа жойига нисбатан фаолроқ ёна бошлайди ва тешик янада кенгаяди, натижада эса маҳаллий ўйилишлар ва вайроналиклар пайдо бўлади. Ёнғин натижалари тадқиқот қилинганда ушбу ҳодисаларнинг сабаблари тўғри тушунтириб берилиши зарур, бўлмаса жуда жиддий хатоликларга йўл қўйиш мумкин, натижада эса ёнғин ўчоғи нотўғри аниқланади.

Қурилиш элементларини ёмон бириктириш, тешиклар ва кавакларнинг мавжудлиги ёнғиннинг янада жадалроқ ёнишига, тезроқ ўйилишлар ва вайроналикларнинг келиб чиқишига кўмак беради. Қурилиш элементларининг бир-бирига яхши уланиши, деталларнинг мустаҳкам бириктирилиши ёнғин тарқалишини сезиларли даражада чеклаб қўйиши мумкин. Бундай ҳолатларда ёнғин фақат ёнувчан материаллар ўйилиб кетганидан ёки ёнмайдиган элементлар анча қизиб кетганидан кейингина тарқалиши мумкин.

Нотекис юкланиш (нагрузка) ҳам шунингдек, маҳаллий ўйилишлар ва бузилишларга олиб келиши мумкин. Агар олов ёнғин пайтида ҳамма элементларга бир хил таъсир қилган тақдирда биринчи навбатда энг кўп нагрузка тушган элементлар бузилади. Бундай ҳолларда уларнинг кесимида критик кучланиш аввалроқ пайдо бўлади.

Ҳали ёнғингача ҳар жойда сувоқларнинг тўкилиб кетиши, шунингдек ёнғин натижасида ёнувчан материаллар орасидан ўтган металл элементларнинг (болтлар, қувурлар ва ҳатто михлар) қизиши кабилар ҳам шунга ўхшаш салбий оқибатларга олиб келади.

Бундай маълумотларни тўплаш кўпинча конструкциянинг ёнғиндан кейин қайси ҳолатда сақланиб қолганлигига боғлиқ. Агар конструкциянинг қолдиқларига қараб унинг илгариги ҳолатини (тавсифини) тиклашнинг имкони бўлмаса, унда маҳаллий хизматчилар ёки аҳолининг ёрдамидан ва техник ҳужжатлардан фойдаланилади. Лекин техник ҳужжатлар ҳамма вақт ҳам мавжуд бўлавермайди ёки ундаги маълумотлар аниқ бўлмайди, маҳаллий хизматчилар ёки аҳоли эса деталларни яхши эслай олишмайди, чунки кундалик ҳаётда уларнинг ҳар бирига диққат билан разм солинмайди. Бундай маълумотлар имкон қадар кўпроқ одамларни сўроқ қилиш орқали қайта-қайта изчиллик билан текширилиши лозим, нега у ёки бу детал айнан мана шундай тавсифланади, бошқача эмас. Айрим ҳолларда ёниб кетган конструкцияларнинг муҳим жиҳатлари тўғрисидаги маълумотларни худди ушбу бино типидаги бошқа бино конструкциялари билан таққослаш орқали ёки ёнган бинода унинг сақланиб қолган қисмлари ва деталларига солиштириш орқали тўплаш мумкин. Бундай ҳолатлар бўйича маълумотларнинг

эксперт ихтиёрида бўлмаслиги эксперт хулосасининг нақадар аниқлигига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

13. Ёнғин ҳудудида жойлашган предмет ва материалларнинг тавсифи, миқдори, ҳолати ва ўзаро жойлашувининг ёнғин сабабини аниқлашдаги аҳамияти /2; 7/

Ёнғин зонасида мавжуд бўлган нарсалар ҳақидаги аниқ маълумотлар ёнғин сабабини аниқлашда жуда катта аҳамиятга эга. Энг аввало уларнинг алангаланиши қобилияти ва ёнувчанлигини, маълум шароитларда пайқалмайдиган даражада секин тутаб ёниши ёки фаол алангаланиб ёниши қобилияти, алоҳида бўлакларга бўлиниб ёниш хусусияти ва шу кабилар ҳақида билиш зарур.

Ёнувчан материалларнинг ёнғин зонасида мавжудлиги ёки уларнинг йўқлиги, уларнинг муҳим жиҳатлари ва миқдори ҳақидаги маълумотлар маълум ҳолатларда ёнғиннинг қуйидаги сабаблардан пайдо бўлишини текшириш чоғида асқотади: тўсатдан тушириб юборилган олов (ўчирилмаган сигарета, гугурт донаси ва бошқалар), учқунланиш, ўз-ўзидан ёниб кетиш, бир жойда сақлаб бўлмайдиган кимёвий моддаларни сақлаш қоидаларини бузиш, қуруқ ишқаланиш, қизиб кетиш, қуёш нурларининг бир жойга тўпланиши (фокусланиши), қасддан ўт қўйиш ва бошқалар.

Бундай маълумотлар жуда кўп ҳолатларда ёнғин пайтида кузатилган ҳодисаларни, ёнғин тарқалишининг муҳим жиҳатлари ва унинг оқибатларини баҳолаш чоғида, ёнғин ўчоғи ҳолати ҳақидаги масалани ечишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Пакетларда, яшикларда, коробкаларда, қопларда ва шу кабиларда донали материаллар ва предметлар сақланаётган участкада ёнғин содир этилган чоғда унинг сабабини тадқиқот қилиш учун уларнинг ўзаро жойлашиш тартибини, оралиқларнинг ўлчамларини, баландлигини, зичлигини ва тахлашнинг бошқа муҳим жиҳатларини, маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда, ҳаммасини аниқлаб олиш зарур. Бундай маълумотларни ёнғин ўчоғи ҳолати ва унинг оқибатлари билан таққослаганда ёнғин сабабини ишончли аниқлаш имкони туғилади.

Транспортировка қилинадиган юкларни нотўғри тахлаш натижасида уларнинг таралари, упаковкалари шикастланиши мумкин. Шунинг учун ёнғин сабабини тадқиқот қилиш чоғида, масалан транспортда (нақлиётда), ёнғин зонасида бўлган юклар ва бошқа нарсаларнинг тавсифини, жойлашиш ҳолатини, муҳим хусусиятларини ва бошқа жиҳатларини синчиклаб текшириш зарур. Масалан, бочкалар ҳаммаси ҳам оғзи тепага қаратилган ҳолда тахланганми ёки битта-иккитасининг оғзи пастга қараган ҳолда қолиб кетганми, акс ҳолатда эса унинг ичидаги мавжуд ёнғиндан хавфли суюқлик тўқилиши ва атрофдаги моддалар билан реакцияга киришиб, ўз-ўзидан алангаланиб кетган бўлиши мумкин.

Айрим пайтларда ёнғин участкасида қандай нарсалар, предметлар ва материаллар сақланганлиги аниқ билиб олинса, ёнғин ўғрилик содир этилишига уринганлик натижасида содир этилганлиги тусмолини тадқиқот қилишда ёрдам беради.

Маълум модда ва материаллар ёниш пайтида ўзига хос белгиларга эга бўлиб, ёнғин пайтида уларнинг мавжудлиги ёки бўлмаслиги ёнғиннинг ҳақиқий сабабини аниқлаш чоғида у ёки бу тусмолнинг ўз тасдиғини топишида ёки унинг инкор қилинишида керак бўлади Ёнғин ўчоғини аниқлаш билан боғлиқ бўлган ёниш зонасида жойлашган ёнувчан материалларни ҳисобга олишнинг муҳим ўз ўрни бор.

Маълум ёнувчан предметлар, ускуналар ва материалларнинг қандай жойлашганлиги тўғрисидаги ишончли маълумотларнинг мавжудлиги ёнғинда

етказилган талафот ва вайроналикларнинг, ўйилишларнинг ҳақиқий сабабларини аниқлашга имкон беради. Бўлмаса, тахмин қилинаётган ёнғин ўчоғидаги бундай белгиларни тушунтириб беришда катта хатоликларга йўл қўйиш, ёнғин ўчоғи ҳолати тўғрисида эса нотўғри хулоса чиқариш мумкин. Бу эса ўз навбатида ёнғин сабабини аниқлашда хатоликларга йўл қўйишга олиб келади.

Тўқилиш ва эриш хусусиятига эга бўлмаган материаллар ёнган чоғда полда ўчоқ талафотларининг ҳосил бўлиши бир қатор қўшимча ҳолатлар билан аниқланади.

Ёнғин бўлган бино ва иншоотлар қурилишининг муҳим жиҳатларини эътиборга олган ҳолда ёнишнинг шарт-шароитлари аниқланади, шунингдек бошқа алоқадор ҳолатлар, масалан, эшик ва дераза тешиклари, форточка ёки синган ойналар орқали ҳавонинг хонага кириши ва шу кабилар.

Агар ёнғиндан кейин хона сақланиб қолган бўлса, унда пол, девор, токчалар ва товарларнинг ёниш тавсифи ва дудланганлиги даражасига кўра, шунингдек маълум предметлар ва материалларнинг қолдиқлари мавжудлиги ёки уларнинг умуман йўқлигига қараб, ечилиши керак бўлган масалани ҳал қилиш имкони туғилади, яъни ёнғингача ушбу хонада мавжуд бўлиши лозим бўлган нарсалар аслида ёнғин пайтида бўлганми ёки йўқ.

Унчалик катта бўлмаган, яъни ривожланиш ва тарқалишга улгурмаган ёнғинларда сақланаётган моддий бойликлар бутунлай ёниб кетмайди. Ёнмай қолган қисмларига қараб уларнинг бор-йўқлигини, айрим ҳолатларда эса уларнинг миқдорини аниқласа бўлади. Тахланган предметлар билан юқори ҳароратдан ҳимояланган участкалар очиқ жойларга нисбатан анча яхши сақланиб қолади. Бундай участкалар деворлар, поллар ёки токчалар бўлишлари мумкин ва унда тахланган предметлар, газламалар бўлаклари ва шу кабилар ёнғинда ўзларининг «муҳр»ларини қолдиришади. Деворлар, токчаларнинг юқори қисмлари ва шифтлар эса у ерда сақланган предметларнинг куйиши натижасида ўйилишлар ва ўпиришларни юзага келтиради.

Барча ҳолатларда ҳам ёнғингача хонада жойлашган барча жиҳозларнинг ўзаро жойлашуви кўрсатилган хона схемасини тузиш жуда муҳимдир. Бунда имкон қадар масштабга риоя қилиш зарур.

Нақлиётда ва омборларда рўй берган ёнғинлар сабабини тадқиқот қилишда ёнғин зонасида мавжуд бўлган юклар ва товарларнинг миқдорини кўрсатувчи ҳужжатлар билан танишиб чиқиш лозим. Ундан ташқари юкларни ташиш, сақлаш ва тахлаш қоидалари, бир жойда сақлаш мумкин бўлган юклар, материал ва моддалар ҳақидаги маълумотлар билан ҳам танишиб чиқиш шарт.

14. Технологик жараён, ускуналарнинг жойлашуви, ҳолати ва улардан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари /2; 7/

Махсус ускуналардан фойдаланиладиган саноат корхоналари ва муассасаларида рўй берган ёнғинларни суриштириш чоғида уларнинг келиб чиқиш сабаблари ишлаб чиқариш ва бошқа жараёнлар билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда, бу жараёнларнинг тавсифини, шунингдек уларнинг батафсил жойлашувини, ҳолатини ва ускунадан фойдаланишнинг ўзига хос муҳим жиҳатларини аниқлаб олиш муҳим.

Ёнғинларнинг «кўп тарқалган» сабаблари билан бир қаторда, саноат корхоналари, илмий-тадқиқот ва шу каби муассасаларда ёнғин сабаблари бундай масканларнинг ўзига хослигидан ҳам келиб чиқади. Ўзига хос бу муҳим жиҳатлар қуйидагилардан келиб чиқиши мумкин:

- қурилмалар, ускуналарнинг ёки уларни қандай ўрнатилганлигининг муҳим ёнғин хавфсизлиги жиҳатларидан;

- ускуналардан техник жиҳатдан фойдаланиш қоидаларини бузиш ёки уларнинг носозлигидан;

- технологик ва бошқа жараёнларнинг муҳим жиҳатлари ва уларни бузишдан.

Бундай ҳолатларда, ёнғиннинг келиб чиқиш сабаби тадқиқот қилинар экан, аввалам бор қуйидагиларни аниқлаш зарур:

- ёнғин содир этилган хонада нима ўрнатилган эди;

- ускуна қайси мақсадда ишлатиларди, унинг тузилиши нималардан иборат ва қандай ишлар эди;

- ёнғиндан олдин у ишлардими, агар ишласа, унда унинг созлиги қайси даражада эди;

- тегишли ускуналар қайси жойда ва қандай ҳолатда ўрнатилган эди;

- уларнинг алоҳида қисмлари ёки пойдевори ёнувчан материаллардан бажарилмагандими;

- ускуна ўрнатилишининг бириктирилиш усули қандай бажарилган (крепление);

- агар ускуна иссиқлик ажратиш билан боғлиқ бўлса, унда унинг иссиқликдан изоляция қилувчи қисми қандай бажарилган ва шу кабилар.

Ундан ташқари, технологик жараён айнан нималардан иборатлигини ҳам аниқлаш зарур:

- унинг ёнувчан, ёнғиндан хавфли материаллар ишлаб чиқариш ёки уларни қўллаш билан боғлиқлигини;

- технологик жараённи, ишлаб чиқаришни ва ускуналарнинг ҳолатини тавсифловчи ҳарорат режими, босим, тезлик ва бошқа параметрлар қандай бўлиши керак эди ва амалда қандай бўлганлигини.

Бунинг учун эса технологик йўриқномалар билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, назорат-ўлчаш асбоблари, сақлагич қурилмалари ва шу кабиларнинг мавжудлиги ва уларнинг ишончли ишлашини ҳам текшириш зарур. Ишчилар ва хизматчиларга бериладиган тавсифномалар билан танишиб чиқиш ҳам ўринлидир. Илгари ускунанинг носоз ишлаш ҳолати, масалан, оқизиш, қуруқ ишқаланиш, исиб кетиш, қотиб қолиш ва шу каби белгилар кузатилганлиги, шунингдек ишлатилаётган қурилмаларнинг ишлаши билан боғлиқ бўлган ёнғин (олов) чиқиш ҳолатлари рўй берганлиги ҳақидаги маълумотларни ҳам аниқлаш керак. Шундай маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, тегишли участкаларда ўчоқ талафотларининг излари текшириб кўрилади. Унда ёнғин сабаби ҳақидаги тусмолни ҳолатнинг барча ҳолатларини эътиборга олган ҳолда янада чуқурроқ тадқиқот қилиш керак бўлади.

Технологик жараёнда бир қарашда унчалик эътиборсиз ўзгаришлар ёки бир детални иккинчисига алмаштириш кабилар ҳам ёнғинга олиб келиши мумкин.

Ускуналарнинг материаллари ва уларнинг конструкциялари ҳам арзимаган очиқ оловдан, қизиб кетишдан, чақнашдан, қасддан ўт қўйиш ва шу кабилардан чиққан ёнғиннинг тарқалиб кетишига яхши шароит туғдириб бериши ҳам мумкин.

15. Ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш турлари: динамик кўздан кечириш ва унинг аҳамияти /2; 7/

Динамик кўздан кечириш – кўздан кечириш тури бўлиб, унинг жараёнида хоналарни, буюмларни, ускуналар ва бошқа жиҳозларни синчиклаб кўздан кечириш мақсадида, улар турган жойларга бориш учун йўлаклар тозаланади, бино элементлари очилади ва ўринларидан қўзғатилади. Динамик кўздан кечириш жараёнида хоналарда ёнган буюмлар олиб ташланади, буюмлар зарурат туғилса,

ўринларидан силжитилади. Динамик кўздан кечиришда қуйидагилар амалга оширилади:

- белгиланган тартибда олдинма-кетин ёнғин бўлган жойнинг ҳамма қисмлари тадқиқот қилиниб, ёнғин ўчоғини аниқлаш мақсадида унинг аломатларини излаш;

- аниқланган ёки эҳтимол қилинаётган ёнғин ўчоғида ашёвий далилларни топиш мақсадида қазиш ишлари ва кулларни ковлаш (тинтиш);

- ёнғин бўлган жойнинг алоҳида қисмларини, топилган буюмларни ва изларни, агар ашёвий далил сифатида хизмат қилса - суратга олиш;

- зарурат туғилганда ва имкони бўлган ҳолларда ёнғин бўлган жойнинг айрим участкаларини илгариги ҳолатига тиклаш ёки моделлаштириш;

- барча топилган ашёвий далиллар ва изларни ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш баённомасида қайд қилиш.

Динамик кўздан кечириш жараёнида ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида тусмоллар қилинади ва улар текшириб чиқилади.

Аниқланган ёки эҳтимол қилинаётган ёнғин ўчоғи жойлашган жойда қазиш (ковлаш) ишларини амалга ошириш ҳам кўпинча ўзининг яхши натижасини беради. Бу ёнғин ўчоғининг жойлашган жойини ва унинг сабабини аниқлашда қўшимча исботловчи ёки уни инкор этувчи далилларни топишда ёрдам беради.

Кўздан кечиришнинг бу босқичида фақат суратга олиш эмас, балки видеокамерага тушириш ишлари йўлга қўйилиши ҳам тавсия этилади. Видеокамерадан алоҳида тергов ҳаракатларини қайд қилиш билангина чекланиб қолмасдан, балки унинг имкониятларидан ёнғин бўлган жойдаги ҳолатларни қайд қилишда ҳам кенг фойдаланиш зарур.

Шундай ҳолатлар ҳам вужудга келиши мумкинки, кўздан кечириш жараёнида тозалаш ва ковлаш ишларини фақатгина ёнғин ўчоғи атрофида эмас, балки ёниш зонасининг барча ҳудуди бўйлаб олиб боришга тўғри келади.

Айрим ҳолатларда бир қарашда ёнғин ўчоғининг ҳолати билан боғлиқ бўлмаган жойлардаги куйиндиларни тозалаш ишлари ҳам ўзининг яхши самарасини бериши мумкин. Ёнғин ўчоғининг ҳолати билан боғлиқ бўлган ҳеч бир тусмол (эҳтимол), ҳатто энг кам эҳтимоллиси ҳам, у текширилиб бўлмагунга қадар инкор этилмаслиги зарур. Аввалига исботловчи далиллар кам бўлади. Шунинг учун бир қарашдан ҳақиқатга ўхшаб кўрилган, лекин ўз исботини ҳали топмаган тусмолга кўпроқ эътибор бериш ҳақиқий тусмолни топишда чалғиб кетишга олиб келади.

Ковлаш ёки тозалаш ишларини амалга ошириш чоғида ҳатто айрим бир ҳидларга ҳам эътибор бериш лозим, негаки улар ёнғиннинг сабабини аниқлашда бир туртки бўлиши ҳам мумкин. Кўздан кечириш ишларини амалга оширишда маҳаллий ишчилар ва хизматчиларнинг хизматини ҳам рад этмаслик зарур, лекин терговчи бунда уларнинг кимлигини ва ёнғин пайтида ёки ёнғиндан олдин қаерда бўлганликларини ва нима ишлар билан шуғулланганликларини ҳам эътиборга олиб, уларнинг ҳатти-ҳаракатларини зимдан кузатиб бориши зарур. Бу одамлар орасида ёнғин ҳолатларини яхши биладиган ва ёнғин сабабини аниқлашда яқиндан ёрдам бера олиши мумкин бўлган ё бўлмаса умуман ёнғин чиқишида айбдор бўлган шахслар ҳам бўлиши мумкин. Лекин улар буни яшириб, терговчи ёки суриштирувчидан уларнинг бу ҳақдаги фикрларини билиб олиш учун секин турли саволлар бериш орқали қизиқиб қолишлари мумкин. Шунинг учун ҳам кўздан кечириш пайтида терговчи ёки суриштирувчи ўз фикрини билдиришга шошмаслиги ва атрофдагиларга билдирмаслиги лозим. Барча фикр-мулоҳазаларни эътиборга олиш лозим, ҳатто маҳаллий ходимлар томонидан шунчаки билдирилган эътирозларни ҳам, масалан ёнғин ўчоғида мавжуд бўлиши эҳтимоли бўлган ускуна ва унинг жойлашиши, бу корхонада илгари ҳам содир этилган ёнғин ҳақидаги

маълумотлар ёнғин сабабини аниқлашда ҳал қилувчи вазифани бажариши ҳам мумкин.

16. Гувоҳлар ва шоҳидларнинг кўрсатмалари орқали маълумотлар йиғиш. Ҳужжатларни олиб қўйиш тартиби /2; 7/

Гувоҳлар-шоҳидларнинг кўрсатмалари – энг кенг тарқалган исботлаш манбаларидан биридир. Жиноят-процессуал қонунчилиги исботлашнинг бу турини бошқа исботлаш турлари билан бир қаторга қўяди. Шунинг учун ҳам гувоҳлар-шоҳидларнинг кўрсатмалари ёнғинлар бўйича ишларни олиб боришда ҳам ҳақиқатни рўёбга чиқариш учун жуда кенг тарқалган воситалардан ҳисобланади.

Ёнғин ўчоғини аниқлашда гувоҳларнинг кўрсатмалари асосан улар ёнғинни бошланғич жараёнда аниқлаган бўлсалар – катта аҳамиятга эга. Гувоҳларга маълум бўлган тутун ва олов ҳиди, уларнинг ранги, товушлар, пақиллаш ва портлаш овозлари, уй ҳайвонларининг безовталаниши ва шу кабилар ҳақидаги маълумотлар ёнғин бўлган жойнинг муҳим жиҳатига, вақтига ва ишнинг бошқа ҳолатларига солиштириб кўрилиши лозим. Аввалига ёнишнинг барча белгилари ҳам тўғри қабул қилинавермайди, масалан, қуйидагилар: қуруқ ёғоч конструкцияларнинг жадал ёниши қаттиқ ёмғир ёки дўл овозига ўхшаб кетади; энди бошланган ёнғин тутунининг ҳидини иситиш асбобларининг носозлиги билан боғлашади, бирор-бир ишлар амалга оширилмоқда деб ўйлашади, лекин ҳеч қачон ёнғин бошланган дейишмайди. Бундай маълумотларни ҳисобга олиш ва тадқиқот қилиш чоғида уларнинг вақти, пайқалган жойи, қаердан туриб сезилган жойи, давомийлиги аниқланиши лозим, шунингдек бу белгилар ёнғин аниқлангандан кейин айнан қандай кўринганлиги (эшитилганлиги) ҳақидаги маълумотлар ҳам.

Гувоҳларни сўроқ қилаётган терговчи шоҳидлар ёнғин пайтида айнан қайси ҳолатни кузатганликларини яққол кўз олдига келтира олиши лозим. Ушбу мақсадда, агар ёнғин бўлган жойда зарур ишларни амалга оширишнинг ёки фотосуратлардан, режалардан ва бино чизмаларидан фойдаланишнинг имкони бўлмаса, унда ёнғин бўлган бинонинг фасадини, қисмларини, хона режасини оддийгина қилиб чизма кўринишида тасвирлаш жуда фойдалидир. Чизмада эса гувоҳ қайси жойдан (эшиклар, деразалар, дарвозалар) тутун ёки олов чиққанлигини, қарсиллаш ва бошқа овозлар қайси хонадан ёки конструкциялардан чиққанлигини кўрсатади.

Ишга киришган терговчи кўпинча маҳаллий хусусиятлардан хабари бўлмайди, ёнғин бўлган объектнинг чизмаси ва бошқа деталларини унчалик яхши билмайди. Ёнғин натижасида бирламчи ҳолат умуман сақланмай қолиши ҳам мумкин. Чизмалар билан бириктирилмаган тушунтиришлар эса объектнинг барча деталларини кўз олдига келтириши қийин бўлган одам томонидан тўғри қабул қилиши мушкулдир. Бу эса жуда муҳим.

Гувоҳлар томонидан ёнғиннинг бошланғич босқичи тўғрисида берган маълумотларини ёнғин чиққан ва тарқалган ҳолат билан синчиклаб таққослаб чиқиш зарур. Бунда қуйидагилар эътиборга олинади: вақтга боғлаган ҳолда маълум ҳодисаларнинг рўй берганлигини (ёки уларнинг рўй бермаганлигини), хоналарнинг режаси, конструкцияларнинг ўзига хослиги; ўзига хос тутун ёки ҳидга эга бўлган ва портлаш, ёниш, деформацияланиш қобилиятига эга бўлган предметлар ва материалларнинг тавсифи ва жойлашган жойлари, шунингдек бошланган ёнғиннинг дастлабки белгиларини гувоҳлар томонидан ростдан ҳам кўра олиш, эшитиш имкониятлари.

Ёнғиннинг шоҳидлари томонидан берилган маълумотларнинг катта аҳамиятга эга эканлиги билан бир қаторда, ҳатто уларнинг кўпчилиги терговга чин кўнгилдан ёрдам беришга интилишларига қарамасдан, барибир, бу маълумотларни

идеаллаштириш нотўғри бўларди. Адашиш одамларга хос хислатдир. Масалан, жуда кўп ҳолатларда худди битта ёнғинда турли одамлардан қуйидаги айнан бир мазмунда бўлган фикрни эшитиш мумкин: «биринчи бўлиб мен етиб келдим». Одам ростдан ҳам адашиши мумкин ёки у бу фикрни ғараз ниятда билдирмаслиги ҳам мумкин. Барча ҳолатларда ҳам шоҳидларнинг кўрсатмаларини қайта текшириб кўриш шарт. У ёки бу кузатишларнинг фақат вақтини аниқлашгагина эмас, балки уларни асослаб беришларини талаб қилишга ҳам интилиш керак. Гувоҳ-шоҳид кузатган у ёки бу далилини нима учун айнан айтаётган вақтига боғлаётганлигини тушунтириб бериши керак. Шундан кейингина бундай маълумотларнинг ишончлилигини баҳоласа бўлади.

Гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳисобга олинаркан, бунда нафақат ҳолатнинг у ёки бу муҳим жиҳатлари, балки бошланаётган ёнғиннинг дастлабки белгиларини ростдан ҳам ҳис қила олиш ёки эшита олиш имкониятлари, шунингдек гувоҳларнинг ҳис қилиш органлари ҳолатидаги дефектларнинг мавжудлиги ҳам эътиборга олиниши зарур.

Амалиётда ёнғин келиб чиқишига алоқадор бўлган шахслар томонидан берилган кўрсатмалар улар томонидан атайлаб бузиб кўрсатиш фактлари ҳам учраб туради. Бундай ҳолатларда кўпчилик фақат уларнинг сири очилиши билан боғлиқ бўлган маълумотларнигина бузиб кўрсатишади ёки охиригача айтишмайди. Худди ўша ҳолатларни, агар уларнинг фикрича уларга қарши қаратилмаган бўлса, тўғри ёритиб беришади.

Гувоҳларнинг айнан битта фактга тегишли кўрсатмаларини, хусусан ёнғин ўчоғининг ҳолатига, гоҳида бу маълумотларни ўзаро таққослаш орқали аниқ текширса бўлади.

17. Ёнғин ўчоғини тўғри аниқлашнинг аҳамияти /2; 7/

Ёнғин ўчоғини аниқлаш ёнғин сабабини тадқиқот қилишда ҳал қилиниши шарт бўлган асосий учта саволлардан бири ҳисобланади.

Ёнғинни суриштириш материаллари орасида ёнғин ўчоғи ҳақида маълумотларнинг мавжуд бўлмаслиги, одатда, ёнғиннинг келиб чиқиш сабаби тўғрисидаги қилинадиган хулосаларнинг хом бўлишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида шикоятларнинг келиб чиқишига, протест эълон қилинишига ва ишларнинг қайта кўриб чиқилишига сабаб бўлади.

Ёнғинлар билан боғлиқ бўлган жиноят ишларида айбланувчилар кўпинча ёнғин сабаби ҳақидаги хулосага ўзларининг норозиликларини билдиришади. Шу сабабли суд жараёнида катта баҳс-мунозаралар туғилади ва ёнғин сабаби бўйича янги тусмоллар тузила бошлайди. Баҳслар кўпинча ёнғин ўчоғи ҳолати ҳақидаги исботланган ишончли хулоса билан ҳал қилинади. Ёнғин ўчоғини аниқлаш билан боғлиқ бўлмаган тусмоллар кўриб чиқилмаслиги керак.

Шунинг учун ҳам ёнғин ўчоғини суриштиришнинг дастлабки босқичидаёқ тез ва аниқ белгилаш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Агар у шундай қилинмаса, суриштириш чўзилиб кетади ёки умуман ўзининг натижасини бермаслиги ҳам мумкин.

Гоҳида ёнғин ўчоғини аниқлаш жуда мураккаб вазифалардан ҳисобланади. Лекин, шу билан биргаликда, бу мураккаб вазифани ечиш ёнғин сабабини аниқлаш бўйича масъулиятли ва ўз ечимини топиши шарт бўлган босқичдан иборатдир. Ёнғин ҳудудидаги маълум бир жойни «ёнғин ўчоғи» дейишнинг ўзи етарли эмас. Бундай хулосани ҳар томонлама асослаб бериш керак, исботлар ва далиллар етарли даражада тўплангандагина суриштириш ишининг барча кейинги босқичлардаги мувозанати таъминланган бўларди.

Ёнғин сабабининг ўзи ҳали жуда тушунарли бўлмаган ҳолатларда унинг ўчоғини аниқлаш ишлари суриштирувчидан катта вақт сарфлашини, қатъиятли бўлишини, ҳамма вақт ҳам кузатувчан бўлишини, умумлаштира олишни ва ўз вазифасига виждонан ёндашишни талаб қилади. Бу ерда махсус билимларга ва амалий тажрибага эга бўлиш ҳам жуда муҳимдир.

Ёнғин ўчоғи ҳолати ҳақида якуний хулосани фақат қуйидаги барча имкониятлар тугаганидан кейингина чиқариш керак: ёнғин бўлган жой синчковлик билан кўздан кечирилган; гувоҳларнинг кўрсатмалари йиғилган ва таҳлил қилинган; ёнғинда олдинги ҳолатнинг ва ўт ўчириш жараёнининг ўзига хос муҳим жиҳатлари ҳисобга олинган; зарурат туғилганда илмий-техникавий воситалар ва шу кабиларнинг барчаси.

18. Ёнғин ўчоғи белгиларининг пайдо бўлиши сабаблари /2; 7/

Ёнғин пайтида олов ва юқори ҳарорат таъсири остида материаллар, конструкциялар, ускуналар ва алоҳида предметлар турли даражада талафот кўришади, деформацияланади ёки бутунлай нобуд бўлишади – ёниб кетади.

Одатда, талафот етказиш нотекис рўй беради ва ёнғин ўчоғини аниқлашда худди ушбу ҳолатдан фойдаланишади. Кўпинча ёнғин ўчоғининг жойлашишини энг кўп куйган, талафот етказилган жой билан боғлашади. Бундай ҳолатларда энг кўп талафот етказилиш сабабини узоқ ёниш ва узоқ вақт давомида юқори ҳароратнинг таъсир қилиши билан, яъни вақт омили билан тушунтиришади. Худди ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, ёнғин айнан ушбу жойда пайдо бўлган, деган хулосага келишади. Кўпинча бу тўғри бўлиб чиқади ҳам.

Ўз-ўзидан аёнки, узоқ муддат давомида ёниш катта талафотларга (бузилишларга) олиб келади, бу эса ёнғин ўчоғида юқори ҳароратни келтириб чиқаради ва у ўз навбатида эса талафот етказишнинг суръатига ва даражасига ўз таъсирини кўрсатади. Бироқ, ёнишнинг вақти каби ҳолат (тушунча) ёлғизгина омил эмас, айрим ҳолатларда эса у ёнғиннинг бирор-бир участкасида, шу жумладан ёнғин ўчоғидаги конструкциялар ва материалларнинг катта зарар кўрганлигига умуман алоқадор бўлмаслиги ҳам мумкин.

Ёнғинда етказиладиган талафотлар фақат вақт омилигагина боғлиқ бўлмай, балки ёнғиннинг ривожланиши бир қатор бошқа омиллар ва шароитларга ҳам, биринчи навбатда эса ёнғин зонасидаги ҳарорат режимига боғлиқдир. Ҳароратнинг кўтарилиши эса, албатта, фақат вақт омилига боғлиқ эмас. Ёнғиннинг алоҳида участкаларидаги ҳарорат шунингдек ушбу жойда жойлашган ёнувчан материалларнинг миқдори ва тавсифига, уларнинг ёниш шароитига, жумладан ҳаво алмашинуви шароитига, конвекциянинг ривожланишига, ўт ўчиришнинг ўзига хослиги кабиларга боғлиқдир. Буларнинг ҳаммаси нарсаларнинг нотекис ёниши ва шароитларига, ёнишнинг маҳаллий ёки алоҳида ўчоқлари пайдо бўлишига, ёнғин зонасида алоҳида участкаларнинг яхши сақланиб қолишига ўз таъсирини кўрсатишади. Энг кам талафот етказиш, ҳатто ёнғин ўчоғида ҳам, бизга маълумки, иншоотнинг ўзига хос меъморий-қурилиш жиҳатларига боғлиқдир.

Буни ёнғинни суриштириш чоғида эътиборга олиш жуда муҳимдир. Акс ҳолда, ёнғин ўчоғи ва ёнғин сабабининг тўғри аниқланганлигига жиддий қараш керак бўлмайди.

Шундай қилиб, ёнғинда умуман ёки унинг алоҳида участкаларида талафот етказувчи ва ўчоқ белгиларини ҳосил қилувчи асосий шарт-шароитлар ва омиллар қаторига биринчи навбатда қуйидагиларни киритиш керак:

- иншоотнинг, унинг алоҳида қисмларининг, конструкцияларнинг, предметлар ва материалларнинг ёнғин-техник тавсифи, қурилиш элементларига тушадиган юкламанинг текис ёки нотекис тарқалиши ва унинг катталигини;

- ёнишнинг давомийлиги ёки оловнинг ёки юқори ҳароратнинг таъсир этиш вақти;

- ёниш зонасидаги ҳарорат режими (ўт ўчириш воситаларининг ҳароратни туширишини эътиборга олган ҳолда);

- ёниш зонасидаги газ алмашинуви;

- ёнғинни ўчириш учун кўрилган чоралар.

Ёнғинда айтиб ўтилган шарт-шароитлар ва омиллардан бир нечтаси ҳам бўлиши мумкин. Вақт ўтиши билан уларнинг бир-бирига ўзаро таъсир ўтказиши (боғлиқлиги) ёнғиннинг ривожланиши характерини ва унинг якуний натижасини, шу жумладан ёнғин ўчоғи белгиларининг ҳосил бўлишини ва уларнинг сақланиб қолишини белгилаб беради.

Бундай белгилар хилма-хилдир. Улар ёнғинда кечаётган ёниш жараёнининг конкрет шарт-шароитлари билан белгиланади ва иссиқлик импулсининг тавсифи ва таъсир кўрсатиш муддатига, ёнаётган материалларнинг ўзига хос жиҳатларига, уларнинг ўзаро жойлашувига ва шу кабиларга боғлиқдир.

Биноларнинг ёнувчан қисмлари, конструкциялари, предметлар ва материаллар учун ёнғин ўчоғи белгилари қуйидагиларга боғлиқ: куйиш даражасига (бутунлай, қисман, атрофларининг ёниши); кўмирга айланиш, дудланиш тавсифига; айрим органик материаллар деформацияланиши, эриши, рангини ўзгартириши, қуриб қолиши мумкин.

Металл элементлар ва материаллар учун ёнғин ўчоғининг белгилари деформацияланишнинг даражаси ва характери билан, тобланиши, рангининг ўзгариши, коррозия, эриши, исиши ёки қизиши, дудланганлик характери ва шу кабилар билан аниқланади.

Силикат (тош, бетон) материаллар, конструкциялар ва биноларнинг қисмларида ёнғин ўчоғи ҳолати ҳақида хулоса қилса бўладиган умумий белгиларга рангнинг ўзгариши ва дудланиш, қатламларга бўлиниш ва ёриқларнинг пайдо бўлиши, исиш ва қизиб кетиш, маҳаллий бузилишлар (талафотлар)ни киритса бўлади.

Бироқ, бу белгиларнинг жуда турли бўлишига қарамасдан, уларнинг кўпчилиги орасида ўхшашликлар мавжуд бўлиб, у энг аввало ёнғин ўчоғининг белгилари иссиқлик жараёнларига боғлиқ бўлганлиги билан асосланади. Улар умумий бўлишлари ҳам мумкин, масалан, материаллар, конструкциялар ва биноларнинг қисмлари учун.

19. Ёнғин ўчоғи белгилари пайдо бўлмайдиган ҳолатлар /2; 7/

Ёнғин содир этилган жойда ўчоқ белгилари пайдо бўлмайдиган ҳолатлар.

Айрим ёнғинларда ўчоқ жойлашган жойда талафотлар минимал даражада бўлади ёки улар сақланмай қолади. Ёнғин ўчоғининг белгилари умуман ҳосил бўлмаслиги ҳам мумкин.

Масалан, агар ёнғин жуда жадал ва тез тарқалаётган бўлса ва ёниш учун жуда қулай шароит туғилса, ёнғин пайдо бўлган жойда ўчоқ белгилари вужудга келишга улгурмайди.

Агар ёниш ўчоқдан тарқала бошласа, масалан, бирор-бир толали материалнинг юзаси бўйлаб (пахта, пахта толаси, ипак ва ш.к.), унда ёнғин ўчоғида етказилган талафот бу материалнинг бошқа жойларидагидан фарқ қилмаслиги мумкин. Бунда агар материал горизонтал ҳолатда сақланган бўлса, ёнғиннинг

қандай тарқалганлигига қараб унинг ўчоғини аниқлаш жуда қийин бўлади, кўпинча эса унинг имкони ҳам бўлмайди. Агар материал вертикал ҳолатда сақланаётган бўлса, унда ёнғин ўчоғи кўпинча қуйида жойлашган бўлади.

Яна шу нарсани ҳам эътиборга олиш лозимки, бундай материалларни ўчириш кўпинча уларни сочиб ташлаш билан боғлиқ бўлади, негаки айрим кичик ўчоқчалар толали материалнинг ичига чуқурлик бўйлаб сингиб кетган бўлади. Шунинг учун ҳам агар бундай ўчоқлар аввалам бор мавжуд бўлган тақдирда ҳам, ёнғиннинг ўчирилиши ва толали материалнинг титилиб ташланиши натижасида улар сақланмай қолади. Бундан фақатгина ёнғинни устки қатламли фаол (сингувчи) моддалар ёрдамида ўчириш ҳолатлари мустасно бўлиши мумкин холос. Толали материалларнинг ичига сингиб кетувчи ўт ўчириш моддалари қўлланилганда материаллар унчалик титиб ташланилмайди, айрим ҳолларда эса бунга ҳожат ҳам қолмайди. Шундай қилиб, толали материаллар ёнганда, ёнғиннинг ўчоғини сақлаб қолиш учун уларни ўчиришда устки қатламли фаол ўчирувчи (ҳўлловчи) моддалар қўллаш мақсадга мувофиқ.

Албатта, сув устига тўкилган ёнувчан суюқликлар ёнганда ёнғин ўчоғини аниқлашга ҳатто уринмаслик ҳам керак, бундай ҳолатларда гувоҳларнинг кўрсатмаларидан тўғри фойдаланиш зарур.

20. Ёнғин бўлган жойнинг тепасида пайдо бўладиган ўчоқ белгилари. «Ўчоқли конус» /2; 7/

Ёнғин пайдо бўлган жойнинг тепасида ёнғин ўчоғи белгиларининг вужудга келиши сабаблари ва уларнинг тавсифи. «Ўчоқли конус» ҳақида тушунчалар.

Ёнғин ўчоғини аниқлашда ас қотадиган белгилардан бири бу ёнғин ўчоғининг бевосита тепасида иссиқликнинг кескин таъсир қилиши натижасида юзага келадиган махсус белгилардир. Бундай белгининг юзага келишини ёнғин ўчоғидан чиқиб келаётган конвекциянинг юқорига қараб ҳаракатланиши орқали тушунтирса бўлади.

Ёниш маҳсулотлари юқорига қараб ҳаракатланаркан, ўзлари билан бир қанча иссиқлик миқдорини олиб чиқиб конвекцияли оқим йўлида учраган турли конструкциялар ва материалларни исита бошлайди. Натижада ўчоқ тепасида турли ўйилишлар, бузилишлар, деформацияланиш ва бошқа талафотларни юзага келтиради. Бундай белгиларнинг тавсифи ва кўриниши ёнғин қайси шароитда юзага келган ва қандай ривожланганлигига ҳамда унинг айнан қайси жойда ва нима устида юзага келганлигига боғлиқ.

Агар ёнғин бино ичида юзага келган ва ўчирилган бўлса, шунингдек бино конструкциялари у ёки бу даражада сақланиб қолган бўлса, унда ёнғин ўчоғининг бундай белгиларини аниқлаш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Ёнғин ўчоғининг тепасида жойлашган деворлар, перегородкалар, шифтлар ва бошқа конструкцияларнинг жойлашуви ва хусусиятларига, шунингдек ёнғиннинг қандай ривожланганлигига қараб ёнғин ўчоғининг белгилари гулқоғозлар (обой) ва бошқа турли қопламаларнинг куйиши, сувоқлар рангининг ўзгариши ёки ҳар жой-ҳар жойларининг кўчиши каби кўринишларда юзага келиши мумкин. Ёнмайдиган материаллардан бажарилган конструкциялар анча қизиб кетади, металл конструкциялар эса деформацияланади.

Вертикал ҳолатда жойлашган конструкциялар (деворлар) ва материалларда ёнғин ўчоғи тепасида ажралиб чиққан ёниш маҳсулотларининг изларини кўрса бўлади. Бироқ бу каби белгилар, албатта, агар ўчоқ тепасидаги ёнувчан конструкциялар бутунлай ёниб кетган бўлса ёки ўт ўчириш пайтида конструкцияларни очиш натижасида ташқарига чиқариб ташланган бўлса, улар

сақланмай қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатларда иссиқлик оқимининг излари бино конструкциялари ёки элементларининг янада юқорироқ жойлашган қисмларида сақланиб қолиши мумкин.

«Ўчоқли конус»нинг пайдо бўлиш сабаблари ва унинг белгиларининг тавсифи. Ёнғин бўлган жойда яна бир белги пайдо бўлиши ва унга қараб ёнғин ўчоғини аниқлаш мумкин. У ҳам шунингдек, ёнғин ўчоғининг тепасида ўчоқдан чиқаётган ёниш маҳсулотларининг оқими ҳисобидан пайдо бўлади. Бу белгининг жуда кўп тарқалганлиги ва ўзига хос шаклга эга бўлганлиги учун уни ёнғин ўчоғи белгиларининг орасида алоҳида гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Ёнғин излари кўпинча ёнғин бошланган жойда учбурчаксимон шаклда бўлади. Бу учбурчакнинг бир учи пастга, яъни ёнғин ўчоғига қараган бўлади. Бу белгининг пайдо бўлишига иккита сабаб ўз таъсирини кўрсатади.

Аввалига бу ёниш жараёнида ажралиб чиқаётган маҳсулотларнинг табиий алангаси (машъаласи) сингари бўлиб, тепага кўтарилган сари кенгайиб боради. Ўчоқдан узоқлашган сари эса ёниш зонаси ҳам кенгайиб боради. Агар ёнғин биноларда ёки у ёки бу ҳажмдан иборат бўшлиқларда рўй берса, ёнғин ривожланган сари ажралиб чиқаётган ёниш маҳсулотлари ўз йўлида тўсувчи (ажратувчи) конструкцияларни учратади, масалан, шифтни. Унда оқим атрофга ёйилиб кетади, агар ўчоқ пастда жойлашган бўлса, асосан девор ёнида ёки бирор баланд жойлашган материалларнинг яқинида, унда бу ҳолатда ҳам иссиқлик таъсирининг излари учбурчак, конус шаклини эслатади. Конуснинг ўткир учи, чўққиси пастга - ўчоққа қараган бўлади. Бу белги жуда кўп тарқалган. Уни шартли равишда «ўчоқли конус» деб атаса бўлади.

Маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда «ўчоқли конус» яққол билиниб туради, унинг шакли ва элементларининг пропорцияси эса турлича бўлиши мумкин. Унчалик баланд бўлмаган хоналарда, асосан ҳарорат баландлик бўйича нисбатан бир текис тарқалган ҳолатларда, «конус»нинг белгилари силлиқланиб, унчалик назарга ташланмаслиги ҳам мумкин.

«Конус»нинг элементлари шунингдек ушбу ўчоқ ҳудудида ҳосил бўлган ҳаво сўрилиши натижасида ҳам ўзгариши мумкин. Бундай ҳолатлар ўт ўчириш жараёнида томнинг қоплама қисмини, эшик ва деразаларни очганда вужудга келади. Бироқ бу ҳолатларда ҳам «конус»нинг тўнтарилган учи ёнғин ўчоғига қараган бўлади.

«Ёнғин ўчоғи»нинг пайдо бўлиши фақат ёнувчан конструкциялар, материаллар ва ускуналардагина кузатилмайди, балки улар ўчоқдан чиқаётган иссиқлик ёнмайдиган конструкциялар, биноларнинг ёнғинга чидамли қисмлари ва металл юзаларга ўз таъсирини ўтказган чоғда ҳам пайдо бўлади.

Бундан ташқари, ёнғин чиққан жойнинг тепасидаги ўчоқ белгилари ҳам «конус»нинг ўрнашган ҳолатига мос келади ҳамда уни тўлдириб туради.

21. Ёнғин ўчоғининг бетон ва ғишт конструкцияларидаги белгилари (излари) /2; 7/

Бетон ва ғиштин конструкцияларда ёнғин ўчоғини қайси белгиларга қараб аниқлаш мумкинлигини, шунингдек, уларнинг қайси сабабдан пайдо бўлишини айтиб ўтиш лозим.

Ёнғин бўлган жойнинг тепасида ёнмайдиган шифтларда вужудга келган ёнғин ўчоғининг белгилари. Омборларда содир этилган ёнғинларнинг ўчоғини аниқлашга гоҳида шу нарса ҳам халал берадики, ёнғинни ўчириш пайтида ёнган ёки ёнаётган нарсаларни қутқариш билан бир қаторда омбордан ёниш зонасида мавжуд бўлмаган ва ёнмаган нарсалар ҳам ташқарига олиб чиқилади.

Ёнмаган нарсалар қайта тахланиши, сараланиши, куритилиши ва ҳисобга олиниши каби заруратларга эҳтиёж туғилиши сабабли ҳам ташқарига олиб чиқилиши мумкин. Бу эса ўз навбатида ёнғин чиққан жойда етказилган талафотларнинг тавсифига қараб ёнғин ўчоғини аниқлашда қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун ҳам бундай ҳолатларда ёнғин ўчоғи тепасида ҳосил бўладиган талафотлар изларини ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Кўпгина ҳолатларда омборларда содир этилган ёнғинлардан сўнг кўздан кечириш пайтида шифтдаги ўчоқ излари ҳисобланмиш «доғ»лардан ташқари омборда бошқа ҳеч нарса сақланиб қолмайди.

Агар ёнғин ўчоғи тепасида ёнмайдиган конструкциялар мавжуд бўлса, уларда иссиқлик таъсири остида пайдо бўлувчи махсус белгилар билан бир қаторда ёки бундай белгилар ҳатто мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам, бундай конструкцияларнинг анчагина қизиб кетиши кузатилади. Бундай иссиқлик қўл билан ёки махсус асбоблар ёрдамида аниқланиши мумкин. Агар ёнган жойларда бундай ўлчаш ишларини амалга оширишнинг имкони бўлмаса, уни қизиши эҳтимол қилинган конструкциянинг тескари, яъни ёнғин бўлган жойга қарама-қарши томонида ҳам амалга ошириш мумкин. Ушбу тарзда, масалан, қуйи қаватда жойлашган хона шифтининг тагида жойлашган ёнғин ўчоғини «силаб» топиш мумкин.

Бетон ва ғиштли конструкцияларда қуйидаги белгиларга қараб ёнғин ўчоғини аниқлаш мумкин:

- табиий рангининг ўзгарганлиги ва дудланган жойлари;
- устки қатламнинг кўчиши ва ёриқлар пайдо бўлиши;
- айрим жойларнинг қўпорилиши.

Ёнғин ўчоғи зонасида олов излари кўпинча қирраси пастга караган - «ўчоқли конус» деб аталадиган учбурчак ҳосил қилади. У олов излари, дудланган, деформацияланган, ҳимоя қатламлари кўчган жойларда бўлади.

22. Ёнғин ўчоғининг металл конструкциялар ва иншоотлардаги белгилари (излари) /2; 7/

Ёнғин ўчоғи тушунчасига изоҳ беринг. Биноларда ва металл конструкцияларда айнан қайси белгиларга қараб ёнғин ўчоғини аниқласа бўлади? Бу белгиларнинг қайси сабабдан пайдо бўлишини кўрсатиб ўтинг.

Ёнғин бўлган жойнинг тепасида металл элементларида вужудга келган ёнғин ўчоғи белгилари. Ўчоқ тепасидаги металл конструкциялар деформацияланиб, оқимтир тусга киради.

Ёнғин ўчоғининг бевосита тепасида жойлашган ва кесими унчалик йўғон бўлмаган очиқ металл конструкциялар ўчоқнинг иссиқлик таъсирига жуда «сезгир» бўлади. Бунга пўлат фермалар мисол бўла олади. Маълумотларга кўра уларнинг ёнғинга қарши чидамлилик чегараси 15-20 *дақиқани* ташкил қилади. Бундай фермаларнинг бевосита тагида ёнғин ўчоғи жойлашган ҳолатларда металл конструкциялар кўпинча деформацияланади, айрим ҳолатларда эса улар қулаб тушади.

Ёнғин бўлган жойнинг тепасидаги конструкциялар сақланмай қолган ҳолатлардаги ёнғин ўчоғининг белгилари. Амалиётда шу нарса ҳам маълумки, ёнғин бўлган жойни ҳатто ўчоқ тепасида жойлашган конструкциялар сақланмай қолган тақдирда ҳам аниқласа бўлади. Лекин бунинг учун бир қатор шартларга риоя қилиш талаб этилади. Масалан, ёнғин натижасида талафот кўрган ёнувчан конструкциялар: том, шифтлар бундай ҳолатларда айрим ёнмайдиган металл элементлардан ҳам таркиб топиши лозим (йирик михлар, болтлар, бириктирувчи деталлар ва шу кабилар). Ёнғин пайтида ёнувчан конструкциялар ёниб кетганидан

сўнг бундай металл деталлар ерга тўкилиб тушади. Ёнғин ўчоғидан ташқаридаги ёниш зонаси тепасидаги конструкциялар ҳам ёниб қулаб тушишади, лекин бунда улар бутунлай ёниб кетмайди. Шундай қилиб, бир жойда тўпланиб қолган деталлар, масалан михлар, айрим ҳолатларда ёнғин ўчоғининг ҳолати ҳақида тусмол тузишда қўшимча белги (аломат) сифатида хизмат қилиши мумкин.

23. Ёнишнинг йўналтирилганлиги белгилари /2; 7/

Ёнғин тарқалишининг йўналтирилганлиги белгилари ҳақида тушунчалар беринг.

Ёнишнинг йўналтирилганлиги белгилари ёнғиннинг ўчоқдан ёки ёниш зонасидан тарқалиши йўлларида пайдо бўлади.

Бевосита ёнғин ўчоғида ёки унинг тепасида чекланган ҳудудда пайдо бўладиган белгилардан фарқли ўлароқ ёнишнинг йўналтирилганлиги белгилари ўчоқдан анча нарироқ жойларда ҳам, айрим ҳолатларда эса бутун ёниш зонасида ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Ёнғин ўчоғининг ҳолати одатда у ёки бу белгиларнинг барчасини ҳам эътиборга олган ҳолда аниқланади.

Ёнғин ўчоғининг вужудга келишига имкон яратиб берувчи ёниш йўналтирилганлиги белгиларининг пайдо бўлиши ҳам, шунингдек ёниш қонуниятларига боғлиқ. Конструкциялар, материаллар ва предметларнинг янада қизиб кетиши ва талафот кўриши (шикастланиши) кўпинча ёнғин чиққан жойга яқинроқ бўлади. Бу биринчи навбатда вақт омили билан боғлиқ: ўчоқдан узоқроқ жойлашган жойларда ёниш жараёни нисбатан кечроқ вужудга келади, шунинг учун ҳам ёниш учун бир хил шарт-шароит туғилганда бу жойлардаги талафотлар ҳам нисбатан камроқ бўлади. Энг узоқ ёниш эса ўчоқда бўлиши керак.

Бундан ташқари, конструкциялар, предметлар ва материалларнинг нисбатан бир томонлама анча қизиб кетиши ва талафот кўриши кўпинча ўчоққа қараган томонидан рўй беради. Ёнғин ўчоғига қараган юза кўпроқ талафот кўриши ёки шикастланиши мумкин, яъни бу ҳолат у ёки бу жойдаги оловнинг қайси томонга қараб ҳаракатланганлигини (йўналтирилганлигини) аниқлашда ёрдам бериши мумкин.

Бундай белгиларнинг ташқи қиёфаси турличадир. Ёнғинларда оловнинг тарқалиши учун яратилган шарт-шароитлар ҳам шунингдек кўп қиррали. Ёнғин пайтида бир хил шароитда ёнаётган, лекин турли хусусиятга эга бўлган бино қисмлари, материаллар, предметлар ва уларнинг деталлари ўзларини турлича тутишади, яъни турлича талафот кўришади. Улардан баъзилари куйиб кетса, иккинчилари юқори ҳарорат таъсирида ўз рангини ўзгартиришади, учинчилари эса эрийди ва ҳоказо. Бундай белгиларнинг ташқи қиёфаси шунингдек ёнғиннинг қанча вақт давом этганлигига ва бинонинг қайси даражада талафот кўрганлигига ҳам боғлиқдир. Шу билан бирга айтиб ўтилган талафотлар ва уларнинг излари юқори ҳарорат таъсири натижаси бўлиб, улар ёнғиндаги иссиқлик жараёни қонуниятларини акс этади.

Ёнғиндаги шарт-шароитларнинг, ёнғин миқёсининг катталиги ва муҳим жиҳатларининг турли-туманлигига қарамасдан, барибир, бундай белгиларга тўғри баҳо бериш орқали ёнғиннинг қайси йўналишда тарқалганлигини аниқласа бўлади.

Бироқ шу нарсани ҳам эсда тутиш муҳимки, бундай белгиларнинг пайдо бўлиши фақат ёнғин ўчоғидан тарқалаётган оловгагина хос эмас, балки улар оловнинг иккиламчи ўчоқдан тарқалишида ҳам вужудга келади.

Ёниш тарқалишининг (йўналтирилганлигининг) айрим белгилари ёниш участкаларида «конус» контурини ҳосил қилиши ҳам мумкин. Лекин унинг пайдо

бўлиши учун бинонинг маълум бир қисмлари сақланиб қолиши зарур. Нисбатан кўпроқ талафот етказилган ҳолатларда эса бундай белгилар конструкцияларнинг қулаб тушиши натижасида ёки ўт ўчириш пайтидаги конструкцияларни очишда бузилади ёки улар унчалик кўзга ташланмайди. Ёниш йўналтирилганлигининг кўпгина белгилари, албатта, «ўчоқ конуси»га умуман ҳеч қанақа алоқадор бўлмаслиги ҳам мумкин.

Ўтказилган ёнғин-техник экспертизаларининг амалиётига (тажрибасига) қараганда бундай белгиларни излаб топиш ва уларга тўғри баҳо бериш жуда катта аҳамиятга эга. Криминалистикада «майда-чуйда» деган тушунча йўқ, балки уларнинг ҳар бири аҳамиятлидир. Агар суд жараёнининг исботлаш назариясига қарайдиган бўлсак, унда ёнғиннинг йўналтирилганлиги белгилари ўчоқ талафотларининг бошқа белгилари билан бир қаторда исботловчи омилга эга.

Ёнғиннинг йўналтирилганлиги белгилари жуда турли-туман бўлиши мумкин. Бу эса ўз навбатида маълум ёнғинларда уларни ўрганишда, шунингдек, уларни излаб топишда ва тўғри баҳолашда анча қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун ҳам, агар далилларни илмий томондан умумлаштириш чоғида риоя қилинадиган умумий қоидаларга биз ҳам риоя қиладиган бўлсак, унда ёнишнинг йўналтирилганлиги белгиларининг энг кўп тарқалганларини бир тизимга келтирсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Тавсия қилинаётган бу таснифлаш (классификация) ёнғин-техник экспертизаси амалиётидан келиб чиққан бўлиб, у ушбу амалиётни умумлаштирган ва у экспертларга асқотади.

Ёнғин рўй берган муҳитнинг хусусиятлари ва тавсифига кўра ёнишнинг йўналтирилганлиги белгиларини 1.1.-суратда тасвирлангандек таснифласа бўлади.

Ёнғин рўй берган муҳитда ёнишнинг йўналтирилганлиги белгилари турлича бўлиши ва ҳатто уларнинг ҳаммаси ҳам бир вақтнинг ўзида пайдо бўлиши (вужудга келиши) мумкин, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам яққол бўлмайди.



1.1-сурат. Ёнғин тарқалиши йўналтирилганлиги белгиларининг классификацияси чизмаси

24. Ёнғин ўчоғи ҳақида тушунча /2; 7/

Ёнғин ўчоғи ва ёнишнинг иккиламчи ўчоғи. Дастлаб ёниш бошланган жойни одатда «ёнғин ўчоғи» деб аташади, айрим пайтларда эса «ёнғин чиққан жой» деб ҳам аташади. Ҳар икки тушунча ҳам тўғридир. Бироқ, биринчиси янада аниқроқ ва сўзлашишда қулайроқ, деб қабул қилинган. Шунинг учун биз ҳам кўпроқ **ёнғин ўчоғи** атамасини ишлатамиз ва шу маънода ёнғиннинг дастлабки **(бирламчи)** ёнган жойини тушунамиз.

Ёнғинда ёнғин ўчоғи (ёнғин чиққан жой) билан бир қаторда ёнишнинг **иккиламчи** ўчоғи ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Агар бу ўчоқларда ҳам ёниш анча ривожланган бўлса, унда ўт ўчириш тактикаси нуқтаи назаридан уларни ҳам кўпинча ёнғин ўчоғи деб аташади. Ёнғин хавфсизлиги хизматининг жанговар низомида «ёнғин ўчоғи» деб, ёнғин зонасидаги энг жадал ёнаётган жой тушунилади. Бу ўринда «ёнғин ўчоғи» атамасига қуйидаги маъно жавоб беради: ёнғин чиққан жой эмас, балки ёнғинда энг фаол ёниш мўлжалланган жой. Бу тушунчани эътиборга олган ҳолда ёнғин хавфсизлиги хизмати куч ва воситаларининг позициялари аниқланади (белгиланади).

«Ёнғин ўчоғи» атамасини у ёки бу маънода қўллашнинг ҳар иккаласи ҳам бир хил асосланган. Икки атама ҳам бир-бирига зид келмайди.

Ёнғин криминалистикаси нуқтаи назаридан ёнишнинг иккиламчи ўчоқлари ёнғин ўчоғи деб қаралмайди, негаки улар ёниш жараёнида маълум шарт-шароитлар туғилганлиги сабабли айрим участкаларда янада жадалроқ ёниш туфайли пайдо бўлишади. Ёнғин чиққан жойдаги дастлабки ёнғин ўчоғи ҳамма вақт ҳам бирор-бир сабабли жадал ёниш сифатида пайдо бўладиган (иккиламчи) ёнғин ўчоғи билан мос тушавермайди. Икки тушунча орасидаги фарқ шубҳасиздир: «ёнғин ўчоғи» ва «ёниш ўчоғи». Ёнғинда эса бир нечта ўчоқлардан, одатда, фақат биттаси ёнғин ўчоғи ҳисобланади. Лекин ҳамма вақт ҳам эмас. Бизга маълумки, ёниш жараёни кечаётган жойдаги шарт-шароитлар ҳамма вақт ҳам ёнғин ўчоғидаги ёнишнинг жадаллашига имкон туғдирмайди. Албатта, жуда кўп ҳолатларда айнан бирламчи ёнғин ўчоғи жойлашган жойларда олов жадалроқ ёнади ва кўпинча жадал ёниш ўчоғи пайдо бўлади. Бироқ, биз юқорида қайд қилгандек, жадал ёниш ўчоғи ҳамма вақт ҳам ёнғин ўчоғида юз беравермайди. Шунинг учун бизга кейинчалик ҳам тушунарли бўлиши учун шартли равишда келишиб оламизки, ёнғин ўчоғи деганда, биз ёнғиннинг чиққан жойини (бирламчи ўчоқ), ёниш ўчоқлари деганда эса – жадал ёниш натижасида пайдо бўлган иккиламчи ўчоқларни, ёки унинг ҳосиласини тушунамиз.

Маҳаллий ва айрилган (алоҳида) иккиламчи ёниш ўчоқлари. Иккиламчи ёниш ўчоқларини икки гуруҳга бўлиб кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Иккиламчи ўчоқларнинг биринчи гуруҳига **маҳаллий ўчоқлар**, деб аталувчиларини, иккинчисига эса – **айрилган (алоҳида) ўчоқлар,** деб аталувчи ўчоқлар киради.

Ёнишнинг маҳаллий иккиламчи ўчоқлари ёниш ҳудудига тегишли жойларда маълум ёнувчан материалларнинг бир жойга тўпланиб қолиши ва ёниш учун яхши шароит яратилганлиги ҳисобидан вужудга келади (масалан, яхши ҳаво алмашинуви ҳисобидан). Шунингдек, улар ёнғин яхши ўчирилмаган (ноқулай) жойларда ёки барча бу шароитларнинг мужассам топган жойларида ҳам вужудга келиши мумкин. Бир неча шароитнинг бирваракайига вужудга келиши ҳолатлари жуда хилма-хил бўлади.

Ёнишнинг айрилган (алоҳида) иккиламчи ўчоқлари асосий ёниш зонаси билан бевосита боғланмаганлар. Улар ён иморатлар, бинолар, бино қисмлари,

предметлар ва материалларга иссиқликнинг узатилиши, радиация, конвекция ва иссиқлик ўтказиш натижасида, шунингдек ёниш зонасидан ташқаридаги ёнувчан материалларга ёнаётган чўғ, учқун ва шу кабиларнинг тушиши натижасида пайдо бўлишади. Олдинроқ бундай ҳолатларга хос бўлган бир нечта мисоллар келтириб ўтгандик. Ёнишнинг айрилган (алоҳида) иккиламчи ўчоқлари, ундан ташқари, ёнғин пайтида ёнувчан суюқликлар ва газларнинг оқиши натижасида уларнинг йўлида бир жойда сақлаб бўлмайдиган нарсалар билан учраганда ҳам ҳосил бўлади.

Ёнишнинг айрилган (алоҳида) иккиламчи ўчоқлари амалиётда кам учрайди, лекин уларнинг пайдо бўлиш эҳтимолини ҳамма вақт эътиборга олиш керак. Бу турдаги ўчоқлар кўпинча конвектив иссиқлик узатиш ва радиация ҳисобидан пайдо бўлишади.

Маълум шароитларда ёнғиннинг ривожланиб бориши сари айрилган (алоҳида) ўчоқлар бирлашиб ёнишнинг умумий, янада кенгроқ зонасини ташкил қилиши мумкин.

Албатта, ёнғинда бир нечта ўчоқлар ҳам бўлиши мумкин. Ёнғин ўчоғининг бир нечта бўлиши кўпинча қасддан ўт қўйганда, учқунланиш чоғида, жуда камдан-кам ҳолатларда эса – олов билан эҳтиётсизлик билан муомалада бўлганда вужудга келиши мумкин. Бунақа ҳолатлар шунингдек электр тармоғининг алоҳида участкаларида ўтказгичларнинг қобиғи қониқарсиз ҳолатга келиб қолган жойларида қисқа туташув рўй берганида ёки кучланишнинг меъёридан ошиб кетиши натижасида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бу электр кучланишининг бирор-бир қурилмалар, биноларнинг конструкциялари устига тушган пайтларда ҳам вужудга келиши мумкин.

Бир неча ўчоқ ҳосил бўлиши ҳолатлари нисбатан камроқ учраб туради. Қасддан ўт қўйишлар бундан мустасно**.**

25. Ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш ҳақида тушунчалар /2; 7/

Ҳар қандай ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ишлари дастлабки тергов ҳаракатларига киради ва у Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 135-141 моддалари талаблари асосида амалга оширилади.

Кўздан кечиришнинг энг асосий вазифаларидан бири бу жиноятни очиш учун имкон берувчи излар ва бошқа ашёвий далилларни аниқлашдир. Терговчи, жиноятга алоқаси бўлиши эҳтимоли бўлган бундай излар, предметлар ва ҳужжатларни излаб топар экан, уларни қайд қилади ва ишга қўшиб қўйиш учун олиб қўяди. Йиғилган ашёвий далиллар терговчи ва бошқа мутахассислар ҳамда экспертлар томонидан кейинчалик амалий хулосалар чиқаришда асос бўлиб хизмат қилади.

Кўздан кечиришнинг яна бир муҳим вазифаларидан бири бу жиноят ҳолатларини ўрганишдир. Жиноят содир этилган ҳолатни ўрганиш асосида терговчи воқеанинг моҳиятини, айбдор шахсларни аниқлашга интилади ва кўздан кечириш натижаларидан кечиктириб бўлмайдиган тезкор тадбирларни уюштиришда фойдаланади. Кўздан кечириш натижалари тусмоллар тузиш ва уларни текшириб чиқиш учун имкон яратиб беради, кўпгина ҳолатларда эса тергов йўналишини кўрсатиб беради ва ишнинг тезда якун ясалишига ҳам шароит туғдиради.

Терговчи ёки эксперт томонидан жиноят ҳолатини шахсан тасаввур қилишини, унинг тадқиқот қилиниши керак бўлган айрим деталларини бевосита кўздан кечириш имкониятлари ўрнини ҳеч қандай гувоҳларнинг батафсил кўрсатмалари қоплай олмайди. Ҳодиса бўлган жойни кўздан кечириш кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракати бўлибгина қолмасдан, балки у ўрнини ҳеч қандай

ҳаракат қопламайдиган тергов ҳаракати ҳам ҳисобланади. Ёнғин бўлган жойни кўздан кечиришда ҳам бу асосий принциплар сақланиб қолинади. Ёнғинларни суриштиришда ёнғин сабабини аниқлаш ва айбдор шахсларни излаб топиш учун исботлаш занжирини аниқлаш бўйича ишлар ҳам айнан ана шу кўздан кечиришдан бошланади. Бу ҳолатда ҳам терговчининг олдида турган вазифалар ҳодиса содир этилган жойни кўздан кечиришнинг умумий қоидаларига риоя қилишдан фарқ қилмайди. Бироқ ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш ўзига хос хусусиятларга эгадир. Ёнғинларни суриштиришнинг мураккаблиги ҳам айнан мана шу хусусиятларга боғлиқ бўлиб, ижрочилардан махсус малакага эга бўлишларини, юқори даражада объективли ва ишни амалга оширишда синчков бўлишларини талаб қилади.

Ёнғин бўлган жойни кўздан кечиришнинг муҳим хусусиятлари ёнғиннинг вайронгарчилик жараёни характерига эга бўлганлиги билан, унинг оқибатлари сирларини очиш учун эса махсус билимлар талаб қилиниши билан белгиланади. Бунинг учун эса ҳатто ёнғин хавфсизлиги хизматининг у ёки бу соҳасида умумий тажрибага эга бўлиш ёки энг юқори даражада ёнғин-техник тайёргарликка эга бўлганлик ҳам етарли бўлмаслиги мумкин. Бунинг учун махсус тажриба ва тайёргарлик, шунингдек ёнғинларда маълум шароитлар учун ёниш жараёнининг конкрет қонуниятларини билиш ҳам талаб қилинади.

Ёнғин бўлган жойни кўздан кечиришда одатда қуйидаги вазифалар қўйилади:

- ёнғин ўчоғининг белгиларини излаб топиш ва қайд қилиш;
- ёнғин сабабига алоқадор бўлиши эҳтимоли бўлган шахсларнинг изларини (хатти -ҳаракатларини, оёқ изларини) излаб топиш ва қайд қилиш;
- иш бўйича ашёвий далил бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган предметларни излаб топиш, олиб қўйиш ва уларнинг сақланишини таъминлаш;
- ёнғин сабабининг вужудга келиши ва ёнғиннинг пайдо бўлиши, ёнғиннинг пайқалиши ва ўчирилиши ҳолатларини ёритиб берадиган маълумотларни тўплаш;

Ёнғин бўлган жойда ёнғин ўчоғининг ҳолати ҳақида хулоса қилиш учун зарур маълумотларни тўплаш имконияти ёнғинларда ёнишнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб берадиган белгиларнинг (аломатларнинг) вужудга келиши қонуниятларига боғлиқдир. Ўчоқ белгилари (аломатлари), ёнишнинг йўналтирилганлиги ўзига хос исботловчи омиллардан ҳисобланади. Уларни излаб топиш ва қайд қилиш кўздан кечириш жараёнининг асосини ва энг мураккаб қисмини ташкил қилади. Бир қарашда бу вазифани ҳатто муваффақиятли ҳал қилингандек кўринган тақдирда ҳам кўздан кечириш жараёнида ёнғин ўчоғи ҳолати ҳақидаги хулосани унинг етказган талафотларига қараб шошма-шошарлик билан хулоса қилиш ярамайди, бу катта хатога йўл қўйишга олиб келиши мумкин. Ишга бундай ёндашиш натижасида ҳатто катта тажрибага эга бўлган суриштириш ишларига мутахассислашган ходимлар томонидан ҳам хатоликларга йўл қўйилади. Шунинг учун ҳам кўздан кечириш жараёнида бирламчи вазифа деб, ёнғин ўчоғини аниқлашни эмас, балки ёнғин чиққан жойнинг белгилари (аломатлари)ни излаб топиш ва уларни қайд қилишни белгилаш зарур, кейинчалик тўпланган маълумотларга натижасида якуний хулосалар чиқарилади.

26. Ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш учун асослар. Кўздан кечириш тўғрисидаги умумий қоидалар (ЎзР ЖПК 135-141 моддалари) / 2; 6/

Кўздан кечириш қайси ҳужжатнинг талабига кўра ўтказилиши кўрсатиб ўтилади. Тегишли қонунчиликнинг қайси моддаларига асосан кўздан кечириш амалга оширилиши ҳам шунингдек кўрсатиб ўтилади.

Ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 135-141 моддалари талабларига асосан амалга оширилади.

135-модда. Кўздан кечириш учун асослар.

Жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечиради.

Одам баданини кўздан кечириш гувоҳлантириш ёки экспертиза ўтказиш қоидаларига асосланган ҳолда (ушбу Кодекснинг 142-147 ва 172-187-моддалари) амалга оширилади. Почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш ушбу Кодекснинг 167-моддасида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

Нарсаларни олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш чоғида топилган нарса ва ҳужжатлар шу тергов ҳаракатларини ўтказиш учун белгиланган қоидаларга риоя қилган ҳолда кўздан кечирилиши лозим.

136-модда. Кўздан кечириш тартибининг умумий қоидалари.

Суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида кўздан кечириш холислар иштирокида ўтказилади. Жиноят иши кўрилаётган вақтда кўздан кечиришга зарурат туғилса, суд бу ҳақда ажрим чиқаради ва кўздан кечиришни тарафлар иштирокида ўтказади.

Зарур ҳолларда суриштирувчи, терговчи ёки суд кўздан кечириш чоғида ўлчов ўтказади, фотосуратга, кинотасвирга, видеоёзувга туширади, режалар, схемалар, чизмалар тузади, излардан қолиплар ва нусхалар олади. Бу ишларни бажаришга ёрдам бериш учун кўздан кечиришга мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

Куздан кечириш чоғида топилган ва олиб қўйилган барча нарсалар холисларга, тарафларга ва кўздан кечиришнинг бошқа иштирокчиларига кўрсатилиши лозим.

Кўздан кечиришда иштирок этаётган шахслар суриштирувчи, терговчи ва суднинг эътиборини ўзларининг фикрича иш ҳолатларини ойдинлаштиришга ёрдам бериши мумкин бўлган барча ҳолларга қаратишга ҳақлидирлар.

137-модда. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш айнан ана шу жойда жиноят содир этилганлиги ёки унинг излари борлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирда ўтказилади.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ҳодиса содир бўлган жой жиноят иши қўзғатилишидан олдин ҳам кўздан кечирилиши мумкин. Бу ҳолда кўздан кечириш ўтказилганидан сўнг кечи билан **етмиш икки** соатда, алоҳида ҳолларда эса, **ўн кун** ичида жиноят ишини қўзғатиш ҳақида ёки қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши лозим.

Катта майдонларни ва биноларни кўздан кечириш бир неча суриштирувчи ёки терговчи томонидан амалга оширилиши мумкин, бунда уларнинг ҳар бири камида икки нафар холис иштирокида кўздан кечириш лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган нарсалар, ҳужжатлар ва излар ўралади ва муҳрланади. Катта ҳажмдаги нарсалар олинмайди ва муҳрланмайди, лекин суриштирувчи ёки терговчи уларни сақлаш чораларини кўриши лозим.

139-модда. Теварак-атроф ва биноларни кўздан кечириш.

Суриштирувчи, терговчи ва суд теварак-атроф ва биноларни қуйидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда кўздан кечирадилар.

Фуқаронинг уйини ёки хизмат жойини кўздан кечириш зарурати бўлса, суриштирувчи ёки терговчи бу ҳақда қарор, суд эса ажрим чиқаради. Турар жойни кўздан кечирилаётган шахс ёки тегишли корхона, муассаса, ташкилотнинг вакили чақирилган қарор ёки ажрим билан таништирилиб, бу ҳақда имзо чектирилади.

Кўздан кечириш корхонада, муассасада, ташкилотда ўтказилса – маъмурият вакилининг, зарур ҳолларда эса, моддий жавобгар шахснинг қатнашиши шарт. Биноларни кўздан кечиришда ушбу Кодекснинг 160 ва 161-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилиниши лозим.

140-модда. Нарса ва ҳужжатларни кўздан кечириш.

Суриштирувчи, терговчи ва суд нарса ва ҳужжатларни улар топилган жойда, башарти кўздан кечириш кўп вақт ёки қўшимча техник воситалар талаб қилса, кейинчалик суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилаётган жойда кўздан кечирадилар.

Кўздан кечириш техник воситалардан фойдаланилган ҳолда, башарти нарса ёки ҳужжатларнинг йўқолишига ёхуд шикастланишига олиб келмаса, ўтказилиши мумкин.

141-модда. Кўздан кечириш баённомаси. (Бунинг жавоби алоҳида саволда кўриб чиқилади).

27. Ёнғин бўлган жойни кўздан кечиришда иштирок этувчилар, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари / 2; 6/

Ёнғин бўлган жойни кўздан кечиришда иштирок этиши керак бўлган одамлар тоифалари кўрсатиб ўтилади. Уларни кўздан кечириш учун ким таклиф этишга ваколатли? Кўздан кечиришда иштирок этувчи мутахассис, холис ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари қисқача айтиб ўтилади.

Суриштирувчи кўздан кечиради, унинг натижаларини қайд қилади, ашёвий далилларни олиб қўяди.

Мутахассислар изларни ва бошқа ашёвий далилларни топишда, қайд қилишда, олиб қўйишда ёрдам берадилар, ўзларининг мутахассислигидан келиб чиққан ҳолда малакали тушунтиришларини (маслаҳатларини) берадилар.

Тезкор жиноят қидирув инспектори тезкор қидирув тадбирларини амалга оширади.

Милиция участка инспектори ёнғин бўлган жойнинг қўриқланишини таъминлайди, гувоҳларни аниқлашда ёрдам беради.

Холислар кўздан кечириш жараёнида қатнашадилар ва унинг натижаларини кўздан кечириш баённомасида тўғри ёзилишига ва қайд қилинишига гувоҳлик берадилар.

Дастлабки тергов ҳаракатларини амалга оширишда терговчига ёрдам бериш мақсадида корхона ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари, кўнгилли ўт ўчириш дружина аъзолари ва бошқа жамоат намояндаларини ҳам жалб этиш мумкин.

Ёнғин бўлган жойга етиб келган **суриштирувчи** қуйидагиларни амалга ошириши керак:

- ёнғин бўлган жой ҳолати билан танишиш, бегона одамларни ҳодиса жойидан узоқлаштириш ва уни қўриқлаш, изларни сақлаб қолиш;
- иссиқ излар бўйича жиноятчини ушлаш учун зарурий чораларни кўриш;
- холис одамларни таклиф қилиш, кўздан кечириш қатнашчилари орасида уларнинг вазифаларини бўлиб бериш;
- кўздан кечириш жараёнининг кетма-кетлигини аниқлаш;

- ёнғин ва ундан олдинги ҳолатлар ҳақида биладиган одамларни ва бошқа шахсларни сўроқлаш.

Ёнғин бўлган жойни кўздан кечиришда қуйидаги масалалар ечилади:

- ёнғин қачон аниқланган (йил, ой, кун, соат) ва ёнғин қанча вақт давом этган;

- ёнғин оқибатлари, нималар куйган ёки шикастланган;
- ёнғин қаерда бўлган (манзилгоҳи) ва унинг ўчоғи;
- ёнғин қандай ривожланган ва унинг тарқалиши йўллари;
- ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари, қасддан ўт қўйиш (ўт қўйиш воситалари);
- қасддан ўт қўйиш қайси мақсадда амалга оширилган, унинг сабаблари;
- ким ўт қўйган ёки ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган (ПУЭ, ҚМҚ ва шу кабилар).

Бу масалалар объектив ҳал қилинган тақдирдагина жиноятнинг очилишига имкон туғилади.

ЎзР ЖПК нинг 6 5 – м о д д а с и. **Гувоҳ**. Жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида кўрсатув бериш учун чақирилиши мумкин.

ЎзР ЖПК нинг 6 6 – м о д д а с и. **Гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

Гувоҳ: сўроқ юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида кўрсатувлар бериш ва бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; унинг сўроқ қилинишида иштирок этувчи таржимонни рад этиш; кўрсатувларини ўз қўли билан ёзиб бериш; сўроқ баённомаси билан танишиш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш; кўрсатувлар беришда ёзма белгилар ва ҳужжатлардан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоялаш ва суриштирувчи, терговчи, прокурор қарори ва суд ажрими устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эгадир.

Гувоҳ: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; иш бўйича ўзига маълум ҳамма нарса ҳақида ҳаққоний сўзлаб бериши; берилган саволларга жавоб қайтариши; иш бўйича ўзига маълум бўлган ҳолатларни сўроқ қилувчининг рухсатисиз ошкор этмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Гувоҳ узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда ушбу Кодекснинг 261-264 моддаларида назарда тутилган тартибда мажбурий равишда олиб келиниши мумкин.

Гувоҳ кўрсатув беришдан бош тортганлик, шунингдек била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади.

ЎзР ЖПК нинг 7 3 – моддаси. **Холислар**

Холислар суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда чақирилади.

Тергов ҳаракатларини юритишда иштирок этиш учун ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмаган, камида икки нафар вояга етган фуқаро чақирилиши лозим. Тергов ҳаракатини бошлашдан олдин суриштирувчи, терговчи ёки прокурор холисларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

ЎзР ЖПК нинг 74 – моддаси. **Холисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

Холис: тергов ҳаракатида иштирок этиш; тергов ҳаракати бўйича баённомага киритилиши лозим бўлган арз ва мулоҳазалар бериш; ўзи иштирок этган тергов ҳаракатининг баённомаси билан танишиш; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят келтириш ҳуқуқига эгадир.

Холис: суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; тергов ҳаракатини юритишда иштирок этиши; тергов ҳаракати ўтказилгани, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тергов ҳаракати баённомасида имзо чекиб тасдиқлаши; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг рухсатисиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор қилмаслиги шарт.

Холис узрсиз сабабга кўра ўз вазифасини бажаришдан бош тортганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади.

Холис ўзи иштирок этган тергов ҳаракатини юритиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин. У бундай ҳолларда ушбу Кодекснинг 66-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

28. Ёнғин бўлган жойни кўздан кечиришга тайёргарлик кўриш. Кўздан кечириш объектлари / 2; 6; 7/

*Кўздан кечиришга тайёргарлик кўриш чоғида қайси масалаларга эътибор бериш кераклиги, айнан қайси нарсалар ва объектлар кўздан кечирилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилади***.**

Кўздан кечиришга тайёргарлик кўриш жараёнида қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

1. Ёнғин бўлган объектда ёнғингача ва ёнғиндан кейинги ҳолатларни аниқлаш мақсадида керакли маълумотларни йиғиш (гувоҳлар, жабрланувчилар ва бошқа шахслардан; зарурат туғилганда эса уларни сўроқ қилиш учун мутахассис жалб қилиш зарур). Бунда қуйидагилар аниқланади:

а) ёнғиндан олдинги ҳолатлар:

- объектнинг номи, нима хизмат қилиши, манзили (ҳолати);
- унинг меъморий-режавий тузилиши, қурилиш ва бошқа муҳим жиҳатлари;
- объектда бажарилган ишларнинг тури (ишлаб чиқариш, таъмирлаш, профилактик, хўжалик ва ш.к.), вақти ва бошқа муҳим жиҳатлари ва бунда ускуналарнинг ишлатилганлиги (иситиш, ёритиш, пайвандлаш ва бошқалар);
- моддалар, материаллар ва буюмларнинг (қурилиш, безаш, мебел, иситиш, ашё, ем, идишлар ва бошқалар) номланиши, жойлашуви, миқдори, хусусиятлари, улардан фойдаланиш усуллари, сақланиш режими ва бошқа муҳим жиҳатлари;
- ёнғин чиқиш ҳолатини вужудга келтириш эҳтимолини кўрсатувчи воқеалар, жараёнлар ва далилларнинг мавжудлиги (масалан, пайвандлаш ишлари, чекиш ва бошқалар) ёки ёнғин чиқишига билвосита алоқадор ҳолатлар (масалан, қимматбаҳо буюмларнинг ташқарига олиб чиқилганлиги, кутилмаганда тайинланган ревизия, моддий бойликларни бошқа ходимга топширилишидан олдин ва ш.к.);
- қўриқлаш режими, қулфловчи воситаларнинг мавжудлиги (қаерда жойлашганлиги, ҳолати), шунингдек ёнғин хавфсизлиги воситалари билан таъминланганлиги (аниқлаш, хабар берувчи, ўчирувчи);

б) ёнғин пайтидаги ҳолатлар:

- ёнғиннинг аниқланган жойи, вақти ва белгилари (аломатлари); объект алоҳида участкаларининг ёнғин пайқалган вақтдаги ҳолати (ойналар, эшиклар ва бошқа тешиклар, бино томи ва ш.к.); ускуналарнинг ишлаганлигини кўрсатувчи белгилар;
- ёнғиннинг ривожланиши тавсифи: тезлиги, йўналиши, тарқалишининг кетма-кетлиги (жумладан бошқа объектларга); ёнишнинг ва тутун ажралиб чиқишининг жадаллиги, объектда алоҳида элементларнинг қулаб тушишига қадар қанча вақт давомида ёнганлиги, олов ва тутуннинг ранги;

- ёнғиндаги вазиятнинг муҳим жиҳатлари: чақнашлар, портлашлар, ҳидлар, товушлар; алоҳида шахсларнинг ўзларини тутиши (жабрланувчилар, гувоҳлар, ўт ўчиришда қатнашувчилар ва ш.к.);
- ёнғин чиққан (пайқалган) ва ривожланган пайтдаги об-ҳаво шароити: шамолнинг йўналиши ва тезлиги, ёғинларнинг тури ва жадаллиги, бошқа атмосфера ҳодисалари;
- ўт ўчириш воситаларининг берилиш вақти, жойи ва кетма-кетлиги, ёнғинни бартараф этиш пайтда объектдаги мавжуд ҳолатнинг ўзгариши (қулфланадиган нарсаларнинг бузилиши, тўсиқларнинг шикастланиши, конструкцияларнинг очилиши, предметларнинг силжитилиши ва ш.к.) ва бошқалар.

2. Кўздан кечириш ишига судмедэксперт, криминалист, ёнғин хавфсизлиги бўйича мутахассислар ва шу кабиларни жалб этиш юзасидан қарор қабул қилиш.

3. Ҳодиса жойи билан танишиб чиқиш, кўздан кечиришни бошлаш пайтидаги ҳолатни қайд қилиш ва кейинчалик қилинадиган ишларни режалаштириш:

а) тан жароҳати олганларнинг бор-йўқлигини аниқлаш, зарурат туғилса уларга тезкор ёрдам кўрсатиш;

б) таваккал қилинадиган хавфли ҳудудларни аниқлаш ва кўздан кечириш чоғида ходимларнинг ҳаётига хавф-хатар туғилишининг олдини олиш чораларини кўриш (электр токини манбасидан ўчириш, қизиган конструкцияларни совитиш, заҳарли тутунларни хонадан шамоллатиш орқали ҳайдаш ва ш.к.);

в) ҳодиса жойидан бегона одамларни ҳайдаш ва унинг қўриқланишини таъминлаш;

г) тергов-тезкор гуруҳи аъзоларига йўриқномалар бериш ва улар орасида бажариладиган ишларни тақсимлаш;

д) излар ва предметларнинг сақланиши бўйича керакли чораларни кўриш, биринчи навбатда тез йўқоладиган: эрийдиган (масалан, қордаги оёқ излари), тўкилувчан ёки сочилиб кетувчи (масалан, куйиб кетган ҳужжатнинг қолдиғи), совийдиган ва бошқалар;

е) содир этилган воқеа ҳақида маълумотга эга бўлган шахсларни аниқлаш ва уларнинг келишини таъминлаш;

ж) «қайноқ излар» бўйича гумон қилинаётган шахсларни таъқиб қилиш ва уларни ушлаш бўйича чоралар кўриш;

з) ёнғинни ўчириш пайтидаги ҳолатга қандай ўзгартиришлар киритилганлигини аниқлаш (гувоҳлар, жабрланувчилар, ўт ўчирувчилар ва бошқалар ёрдамида);

и) ҳодиса ва ёнғин жойини суратга олишни ташкиллаштириш, чизмалар чизиш ва уларнинг баённини тузиш.

29. Ёнғин бўлган жойдаги мавжуд ҳолатни сақлаб қолиш ҳақида тушунчалар / 2; 7/

Ёнғин бўлган жойда ҳолатни сақлаб қолишнинг асосий мақсади, сақлаб қолиниши зарур бўлган объектлар.

Ёнғин бўлган жойда сақланиб қолиши зарур бўлган объектлар. Ёнғин бўлган жойда бизни ёнишнинг шарт-шароитларини ва муҳим жиҳатларини акс эттириши мумкин бўлган кўп сонли белгилар (аломатлар) ва предметлар, кўпинча эса ёнғин сабаблари қамраб олади. Уларни эса илғай олиш (кўра билиш) ва тушуниб етиш зарур. Лекин биринчи навбатда уларни сақлаб қолиш керак. Шунинг учун ҳам ёнғин бўлган жойда вужудга келган ҳолатни имкон қадар бутунлилигича сақлаб қолишга барча чоралар кўрилиши зарур.

Ёнғин бўлган жойда қуйидагиларни сақлаб қолиш лозим:

- ёнғин бўлишидан олдинги ҳолатни ёритиб бериши мумкин бўлган белгилар ва ашёвий далилларни;

- ёнғин пайтидаги ёнишнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб берадиган белгилар (аломатлар)ни;

- ёнғин сабабининг ашёвий далилларини;

- ёнғиндан олдин содир этилган ёки қасддан ўт қўйиш орқали содир этилган бошқа жиноятларнинг исботларини.

Ёнғиндан олдинги воқеаларнинг белгилари худди воқеаларнинг ўзлари каби турлича бўлиб, улар ёнғиннинг келиб чиқиши билан боғлиқ ва ҳолатни тавсифлаб беради.

Ёнғин содир этилган жойда топилган ашёвий далиллар қандай топилган бўлса, худди ўша ҳолатда қайд қилиниши ва сақланиши лозим, ундан кейин тўғри олиб қўйилиши ва тадқиқот қилиш учун ишга қўшиб қўйилиши лозим. Бироқ амалиётда бундай ашёвий далилларни сақлаш учун тавсиялар бериш осон эмас. Кўздан кечиришнинг бошланғич жараёнида ҳали қайси нарсалар ашёвий далил сифатида хизмат қилиши номаълум бўлади. Бундай ҳолатларда эса кўпинча қимматли ашёвий далиллар қўл остида бўлиб, улар аниқланмасдан, олиб қуйилмасдан ва сақланмай ҳам қолишлари мумкин.

Ёнғин содир этилган жойдаги ҳолатнинг ўзгариши сабаблари ва уларни сақлаб қолиш чоралари. Ёнғин содир этилган жойда ҳолат ўзгаради ва у қуйидаги сабабларга кўра бузилиши мумкин:

- ёниш ва унинг натижасидаги талафотлар оқибатида;

- ёнғинни ўчириш пайтида;

- метеорологик сабабларга кўра;

- ёнғиндан кейинги тиклаш ишлари натижасида;

- қасддан содир этилган изларни ва ашёвий далилларни атайлаб йўқотиш мақсадида.

Ёнғин содир этилган жойдаги ҳолатни сақлаб қолишда кечиктирилмасдан кўрилиши керак бўлган чора бу ёнғинни суриштиришга, ўчиришга алоқаси бўлмаган шахсларни, шунингдек корхона маъмуриятидан ташқари барча шахсларни ёнғин бўлган жойдан узоқлаштириш. Кўздан кечирилиши кутилаётган зонани ўраб олиш ва бу ерга милиция ходимлари ёки жамоатчилик фаолларидан махсус постлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу жойни қўриқлашни қандай ташкил этиш масалалари эса вужудга келган ҳолатга қараб жойида аниқланади.

Бундай чораларни инкор этиш ёки тезкорликда ҳаракат қилмаслик оқибати кўпинча муҳим ашёвий далилларни йўқотишга олиб келади. Фармойишкорликнинг йўқлиги оқибати эса мавжуд ҳолатни сақлаб қолишда кўпинча муваффақиятсизликларга олиб келади. Бунда ашёвий далил бўлган ёки бўлиши эҳтимоли бўлган қуйидаги нарсалар кўпинча «йўқолиб» қолади: электр ускуналарининг деталлари (шитлар, рубилниклар, магнит пускателлари, розеткалар), тармоқ участкалари, ҳимоя қурилмалари, асбоблар ва бошқалар. Бу каби электр ускуналарини ишлатишга масъул шахслар кўп ҳолатларда ёнғин пайтининг ўзидаёқ тезкор ҳаракатлар қилиб қолишади. Бундай ҳолатларда фақат ёнғиннинг келиб чиқишига сабабчи бўлган ашёвий далилларнинг ўзинигина эмас, балки «ҳар эҳтимолга қарши» ёнғин сабабига алоқаси бўлмаган электр ускуналарининг деталлари ва асбобларини ҳам олиб қўйишади, негаки ёнғин пайтида ҳали унинг сабаби номаълум бўлади. Бу эса ўз навбатида эксперт томонидан ёнғиннинг электр ускуналаридан келиб чиққанлигини тадқиқот қилишда ишончли хулоса чиқаришга халал беради.

Тегишли участкаларни қўриқлаш топширилган шахсларга махсус йўриқнома бериш зарур.

Ускуналарни кўздан кечириш, қазиш ишлари (ковлаш) ва ҳатто қўриқланаётган участкага суриштириш (тергов) олиб бораётган шахсларнинг рухсатисиз кириш қатъиян ман этилиши керак.

Ҳар қандай ашёвий далилни ҳам дарров олиб қўйиш ва ишга қўшиб қўйишнинг имкони бўлавермайди. Айрим ҳолатларда эса бунинг имкони умуман бўлмайди, лекин уни қайд қилиш учун (кўздан кечириш баённомасини тузиш, суратга олиш ва шу кабилар) маълум бир муддат талаб қилинади. Бундай пайтда тайинланган постнинг аниқ вазифаси: тегишли предметни қўриқлашни таъминлашдан иборат бўлади.

Ёнғин содир этилган жойдаги ҳолатни сақлаб қолишнинг энг радикал чораларидан бири бу ёнғинни конструкцияларни очмасдан ўчиришни ташкил қилиш. Конструкцияларни очиш оловнинг етказган талафотларидан ҳам кўпроқ мавжуд ҳолатни бузади. Ёнғинларда ёниш қонуниятларини билган мутахассис қолдиқларга ҳам қараб унинг ривожланиш ҳолати қандай кечганлигини тиклай олади. Лекин конструкцияларнинг қолдиқлари ташқарига олиб чиқиб ташланган бўлса, унда бундай масалани ечишнинг уддасидан чиқиш мураккаб бўлади, айрим ҳолатларда эса унинг имкони ҳам бўлмайди.

Агар у ёки бу участкани кўздан кечириш ишлари чўзилиб кетадиган бўлса, унда бундай жойларнинг атрофи ўралиши керак бўлади.

30. Ёнғин бўлган жойни кўздан кечиришнинг асосий зоналари, босқичлари ва турлари / 2; 7/

Ёнғин бўлган жойни кўздан кечиришнинг иккита асосий зонаси мавжуд:

- ёнғин бўлган жой атрофидаги ҳудуд;
- ёниш зонаси.

Биринчи зонага ёниш зонасига қўшилиб кетган, лекин ёнмаган бино қисмлари, шунингдек терговчи кўздан кечирилиши лозим деб топган ёнғин бўлган жой атрофидаги бошқа жойлар ҳам киради. Бу жойларни кўздан кечиришда терговчи ёки суриштирувчидан ёнғиннинг ўзига хос оқибатларини тушуниб етиш учун махсус билимларга эга бўлиш сифатлари талаб қилинмайди.

Ҳар бир зонани кўздан кечириш ўзига хос хусусиятларга эга. Кўздан кечиришнинг кетма-кетлиги эса ёнғиннинг оқибатлари ва ҳолатларига қараб аниқланади.

Шу нарсани қайд қилиб ўтиш лозимки, ёниш зонасидан ташқарида жойлашган ҳудудларни, бино қисмларини, хоналарни кечиктирмасдан – «қайноқ излар» бўйича кўздан кечириш жуда муҳимдир. Фақат бир ҳолатдагина, яъни тунда кўздан кечирилганда уни юзаки ўтказиб, батафсил текширишни эрталабга қадар қолдириш мумкин, лекин тонг отиши биланоқ уни синчковлик билан қайтадан кўздан кечириб чиқиш зарур бўлади.

Агар ёнғин қасддан ўт қўйиш оқибатида содир этилганлиги ҳақида қанақадир маълумотлар мавжуд бўлса, унда жиноятчи томонидан қолдириб кетилган бўлиши мумкин бўлган нарсаларни излаб топиш зарур бўлади: унинг кирган ёки чиққан излари, бузиш асбоблари, ўт қўйиш воситалари, енгил ёнувчан ёки ёнувчан суюқликлар солиниши эҳтимоли бўлган идишлар, уларнинг қолдиқлари ёки аломатлари (белгилари) ва шу кабилар. Бу қоидалар ёнғин бўлган жойни кўздан кечиришга ҳам тааллуқлидир.

Барча ҳолатларда ҳам, сутканинг қайси пайтидан қатъий назар, ёниш зонаси атрофидаги теварак-атроф ва хоналарни кўздан кечиришнинг кетма-кетлиги аниқ бўлиши, режа асосида ва маълум бир тизим асосида ўтказилиши шартдир. Агар бевосита ёнғин бўлган жойда ўт ўчириш ишлари, одамлар, ҳайвонлар ва моддий бойликларни қутқариш ишлари олиб борилганлиги бизга маълум бўлса, унда бу жойда ашёвий далиллар ва изларнинг сақланмай қолиши эҳтимолини эътиборга олган ҳолда у ерни янада синчиклаб кўздан кечириш зарурати туғилади.

Кўздан кечиришнинг босқичлари. Ҳодиса жойини кўздан кечириш кўпинча икки босқичда амалга оширилади: статик ва динамик**.**

Статик кўздан кечириш – кўздан кечиришнинг тури бўлиб, унинг давомида одатда, кўздан кечириш хавфсизлигини таъминлаш чораларидан ташқари, ёнғин зонасида ҳеч нарса ўзгартирилмай аввалги ҳолидек сақланиб қолади. Бинонинг ёнган қисмлари очилмайди, буюмлар ва ускуналар ўринларидан силжитилмайди.

Статик кўздан кечиришнинг асосий вазифаси ёнғиннинг кўзга ташланган белгилари, йўналишлари, ускуна ва буюмларнинг ўзаро жойлашиши ва қолдиқларига қараб ёнғин зонасини қайд қилишдир. Бу ҳолда ёнғин сабабига алоқадор бўлган шахсларнинг излари, ашёвий далилларни топиш эҳтимоли бўлади.

Статик кўздан кечириш ёнғин бўлган бинонинг қисмларини очишда, ёнган буюмлардан хонани тозалашдан кейин сақланиб қолиши мумкин бўлмаган исботлар ва аломатларни қайд қилиш имконини беради.

Омборхоналарда, дўконларда ва шу каби моддий бойликлар сақланадиган биноларда ёнғин бўлганда моддий бойликлар (буюмлар, асбоб-ускуналар) ёнғинни ўчириш ва уларни сақлаб қолиш мақсадида ўринларидан қўзғатилиши, ташқарига олиб чиқишлари мумкин бўлган ҳолларда асосан статик кўздан кечиришнинг роли жуда катта. Бундай ҳаракатлар ёнғин сабабларини аниқлашда ва унинг аломатларининг сақланиб қолишида ўзининг салбий таъсирини кўрсатади, айрим далилларнинг бузилишига ёки умуман йўқолишига ҳам олиб келади. Бундай ҳолларда, ёнғин зонасида кўздан кечириш имкони туғилди дегунча, дарҳол уни амалга оширишга киришилади.

Статик кўздан кечириш натижаларини воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасида қайд қилиш керак, уларни суратга олиб, чизмаларда кўрсатилади. Статик кўздан кечириш жараёнида ҳолат ўзгаришсиз ва тегилмасдан қолдирилиши керак.

31. Ёнғин бўлган жойни кўздан кечиришни ташкил қилиш / 2; 7/

Воқеа жойига чиқиш ва дастлабки ҳаракатлар. Ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш дастлабки ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларининг комплекс таркибига киргани сабабли айнан мана шу ишларни амалга оширишни тўғри ташкил қилиш ва ўтказиш жуда кўп ҳолатларда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Кўздан кечиришни тўғри ташкил қилишнинг энг биринчи шартларидан бири сутканинг қайси вақтидан ва об-ҳавонинг ҳолатидан қатъий назар кечиктирмасдан ҳодиса жойига чиқиш ҳисобланади. Афсуски, кўпинча терговчи ҳодиса жойига нисбатан кечроқ етиб келади, шунинг учун ҳам кўздан кечириш барча зоналар бўйлаб амалга оширилади ва дарров жуда кенг миқёсдаги кечиктириб бўлмайдиган ва ҳал қилиниши зарур бўлган саволлар туғилади.

Агар ҳодиса жойига етиб келиш учун анча вақт сарфланиши керак бўлса, унда бўлинмаларнинг ҳали чиқиши давридаёқ ёнғин жойидаги ҳолатни имкон қадар ўзгартирмасдан сақлаб қолишлари учун зарур кўрсатмалар бериш лозим, етиб келгандан кейин эса бу йўналишда яна қўшимча чоралар кўриш керак. Аввалига

батафсил ҳал қилиниши бўлган саволлар билан чалғимасдан, тезкор равишда жойдаги ҳолат билан танишиш лозим. Бунда қисқача қилиб маҳаллий ишчилар, яшовчилар, шоҳидлар, ўт ўчирувчилар сўроқ қилинади, шунингдек қачон, қаерда, ким томонидан, қайси белгилар бўйича ёнғин пайқалганлиги ва ёнғиннинг сабаблари сўралади. Лекин бунда бу маълумотларга асосланиб хулосалар қилишга ҳеч қачон шошмаслик керак. Шунинг учун шундай ҳолатлар ҳам бўлиши мумкинки, агар тажрибали мутахассис томонидан кўздан кечириш амалга оширилаётган бўлса, унда у ҳеч кимни ҳали сўроқ қилмасдан зудлик билан юзаки равишда ҳодиса жойини кузатиши ва ёнғин ўчоғи ва сабаби ҳақида ўзининг тахминий фикрига эга бўлиб, ундан кейингина гувоҳларни сўроқ қилиши мумкин. Бунинг ижобий томони шундан иборатки, терговчи бундан кейин гувоҳларни сўроқ қилишда уларга йўналтирилган конкрет саволлар бериши мумкин.

Ёнғин бўлган жойни кўздан кечиришни ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни амалга оширишни ташкиллаштириш. Дастлабки ҳаракатлардан сўнг мавжуд мутахассисларнинг ёрдамидан фойдаланган ҳолда фикран кўздан кечиришнинг режасини тузиш зарур. Агар ёнғин содир этилган жойга тажрибали ёнғин хавфсизлиги хизмати, милиция ва прокуратура ходимлари ҳам чиқишган бўлсалар, унда улар биринчи навбатда ёнғин бўлган жойнинг теварак-атрофини кўздан кечиришлари мумкин. Буларнинг орасидан тажрибали ходимлар ёнғин зонасини ҳам кўздан кечиришга ўз амалий ёрдамларини кўрсатишлари мумкин. Агар ходимлар сони етарли бўлмаса, унда кўздан кечиришни биринчи навбатда излар сақланмай қолиши (бузилиши) мумкин бўлган жойлардан бошлаш зарур.

Бу даврда терговчидан ёки кўздан кечиришни бошқараётган бошқа шахсдан максимал равишда ташаббускорлик ва фармойишкорлик қобилияти талаб қилинади.

Кўздан кечириш ишлари кўпинча ўзининг амалга оширилиши вақти билан бошқа кечиктириб бўлмайдиган тергов тадбирлари вақтига тўғри келади, масалан, топилган излар ва ашёвий далиллардан жиноятчини тезда излаб топиш учун фойдаланиш лозим бўлади. Бунинг учун эса жиноятчини қидириб топиш учун у ҳақда керакли тезкор маълумотларни тўплаш ва қидириш ишларини ташкил қилиш керак.

Маҳаллий ҳолатни ўрганиш ва гувоҳларни сўроқ қилиш ишлари ҳам кўпинча кўздан кечириш вақтига тўғри келади.

Катта ва ўзига хос ёнғинларни суриштиришни бригада усулида ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ички ишлар идораларининг қарийб барча бўлимларида (бошқармаларида) тергов-тезкор гуруҳи тузилган бўлиб, у навбатчилик асосида амалга оширилади. Барча мураккаб ёнғинларга ҳам бу гуруҳ чиқади ва гуруҳ аъзолари орасида уларнинг бажарадиган ишлари мутахассисликларига қараб бўлиб берилади.

32. Ашёвий далилларни олиб қўйиш, ўраш ва идишларга солиш ҳамда уларни сақлаш қоидалари /2; 7; 8/

*Ашёвий далил деганда нимани тушунасиз? Ёнғин бўлган жойда ашёвий далилларни олиб қўйишнинг асосий мақсадлари. Ашёвий далилларни олиб қўйиш, ўраш, ташиш ва ўрашнинг асосий қоидаларини айтиб ўтинг***.**

Бу борада терговчининг асосий вазифаси ашёвий далилларни излаб топиш ва қайд қилиш билан чекланибгина қолмасдан, балки уларни олиб қўйиши ва бутун тергов давомида сақлай олишидан иборат.

Ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш чоғида терговчи ашёвий далил бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган турли предметлар ва уларнинг қолдиқларини, оёқ излари, қўл бармоғи излари, қасддан ўт қўйиш воситалари, қон доғлари ва шу кабиларни излаб топади. Бу турли предметлар ёнғин гувоҳлари, жабрланувчилар, маҳаллий ишчилар томонидан олиб келиниши мумкин ва улар бу далилларнинг топилган жойини ҳам аниқ кўрсатишлари мумкин. Барча ҳолатларда ҳам терговчи бу далилларни олиб қўйиши, уларни баённома орқали, ишга қўшиб қўйиш учун эса – процессуал нормаларда кўрсатилганидек қарор орқали расмийлаштириши шарт.

Ёнғин бўлган жойдан ашёвий далилларни олиб қўйиш қуйидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади:

- излар ва ашёвий далиллар олиб қўйишдан олдин суратга олинади ва кўздан кечириш баённомасида батафсил ёзилади;
- олиб қўйиладиган нарсаларни қўл билан бармоқ изларини қолдирмайдиган қилиб ушлаш керак ва унда жиноятчи қолдирган изларга шикаст етказмаслик керак;
- излар нарсалар билан биргаликда олиб қўйилади (ёки из қолдирган нарсанинг бир қисми билан).

Из қолдирган нарсани олиб қўйишнинг имкони бўлмаган тақдирда излардан нарса билан биргаликда қолиплар олинади.

Ҳамма топилган ва олиб қўйилган излар ва ашёвий далиллар холисларга кўрсатилиши шарт.

Ҳамма олиб қўйилган ашёвий далиллар ўралади ва муҳрланади. Енгил ёнувчан ва ёнувчан суюқликларнинг қолдиқлари бўлган нарсалар оғзи мустаҳкам ёпиладиган шиша идишларга солинади ва полиэтилен халтачаларга ўралади. Нам ва тўкиладиган нарсалар ҳам (тупроқ, куйган нарсалар, кул) шиша идишларга солинади ёки полиэтилен халтачаларга ўралади.

Олиб қўйилган нарсалардаги излар улар солинган идишлар билан ишқаланмаслиги керак. Олиб қўйилган барча нарсалар ўралади ва муҳрланади, идишларнинг устида эса ашёвий далилларнинг номлари, жойи, санаси ва олиб қўйган шахснинг фамилияси, исми-шарифи кўрсатилади.

Олиб қўйиш, ўраш, ташиш қоидалари бузилган чоғда ашёвий далиллар ўзининг исботлаш моҳиятини йўқотиши мумкин.

Жойланган ашёвий далилларнинг идишлари сурғуч билан тамғаланади ёки пломбаланади. Жойланганидан сўнг идишларга этикеткалар ёпиштирилади. Этикеткаларда қуйидаги ёзувлар бўлади: олинган нарсанинг номи (агар маълум бўлса), миқдори, қаердан олинган, сана, манзили.

Ушбу тарзда жойланган ашёвий далиллар тадқиқот қилиш учун жўнатилади.

Ашёвий далиллар (суюқликлар) жуда кўп ҳолатларда фақат ҳодиса жойидангина олинмайди, балки улар илгари сақланган идишлардан, жойлардан ҳам олинади.

Кўздан кечириш чоғида ашёвий далилларни олиб қўйиш учун терговчининг (суриштирувчининг) ёнида қуйидаги жиҳозлар ва материаллар бўлиши тавсия этилади:

- суюқликлар ва майда предметларни олиш учун оғзи яхши ёпиладиган пробирка ёки шиша идишлар;
- доғлар мавжуд бўлган йирикроқ нарсаларни солиш учун 0,5-1 *л* шиша банкалар;
- майда деталлар ва изларни кўриш учун лупа;
- чўнтак фонари;
- пичоқ;

- хокандоз;
- долото;
- болғача;
- пластикат, полиэтилен, пергамент ёки оддий қалин қоғоз.

Бошқа ашёвий далилларни олиб қўйиш ва бир қатор турли ишларни амалга ошириш учун яна қуйидаги нарсаларнинг бўлиши ҳам мақсадга мувофиқдир: темир ёки ёғоч аррачалари, қаттиқ метр, рулетка, циркул ва штангенциркул, бўр, гипс, планшет, чақнагич лампали фотоаппарат. Умуман олганда, бу нарсаларнинг барчаси терговчиларнинг ёки ёнғинларни суриштиришга мутахассислашган ходимларнинг махсус жомадонида бўлиши керак.

33. Ёнғин бўлган жойни суратга олиш /2; 7; 8/

Ёнғин бўлган жойни суратга олишнинг асосий мақсади. Расмга олиш турларининг мақсади: деталлаштирувчи, мўлжалловчи, боғловчи ва кенгайтирилган (ёйилган).

Ёнғин бўлган жойни суратга олишнинг қуйидаги тўрт тури мавжуд:

- мўлжалловчи - ёнғин бўлган жойни ва унинг теварак атрофини қайд қилиш;

- умумлаштирувчи - ёнғин бўлган жойнинг умумий кўринишини қайд қилиш;

- боғловчи - ёнғин бўлган жойдаги алоҳида нарсалар ва жойларни қайд қилиш;

- деталлаштирувчи - алоҳида излар ва ашёвий далилларни масштаб билан суратга олиш қоидаларига асосан қайд қилиш.

Фотосуратга туширишнинг ҳамма турларидан фойдаланган чоғдагина ёнғин бўлган жой ҳолати ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Ёнғин бўлган жойни суратга олиш қонун талаблари бўйича расмийлаштириши зарур.

Фотосуратга тушириш қўлланилганда ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

-нима ва қайси нуқтадан суратга олинган;

-суратга олиш тури ва усули;

-ким суратга олган;

-суратга олиш шарт-шароитлари (объектив ва камера тури, ёруғлик, плёнка тури, светофильтр ишлатилган-ишлатилмаганлиги).

Кўздан кечириш баённомасига илова қилинадиган сурат жадвалига қуйидагилар ҳақида ёзувлар бўлиши керак:

-суратга олинган объект номи;

-ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш санаси;

-сурат илова қилинаётган баённомаси;

-суриштурув (тергов) олиб бораётган ва суратга олаётган шахсларнинг имзолари.

Агар суратларни тайёрлаш имкони бўлмаса, унда бу ҳақда суриштурувчи маълумотнома ёзиб, имзо қўяди.

Ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш баённомасига, шунингдек ёнғин бўлган жойнинг чизма-харитаси (оддий ёки ёйилган) ёки масштабли харитаси (оддий ёки ёйилган) ҳам илова қилинади. Харитада қуйидагилар кўрсатилади: нима кўрсатилган (номи); масштаб (масштабли харита учун); ер шари томонларининг мўлжали (ўқ чизиғи билан кўрсатилади); шартли белгилар; терговчи (суриштурувчи) ва холисларнинг имзоси.

Ёнғин бўлган жойнинг хариталари ҳам худди суратга олиш каби мўлжалловчи, умумлаштирувчи, боғловчи ва деталлаштирувчи турларга бўлинади.

Чизма-харитада акс эттирилган объектларнинг ўзаро ўлчамлари қаттиқ риоя қилинган ҳолда чизилмайди, масштабли харитада эса аксинча, объектлар ўлчамлари ҳақиқий катталигидан бир неча марта кичрайтириб, масштабга риоя қилган ҳоллда чизилади.

34. Ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш чоғида кўриладиган асосий хавфсизлик чоралари /2; 7; 8/

Ёнғин бўлган жойда ёниш зонасини кўздан кечиришни амалга ошириш чоғида хавфсизлик чораларини кўришни ҳам эсдан чиқармаслик зарур. Бино конструкцияларининг ёнғин натижасида ўз мустаҳкамлигини йўқотиши ҳамда конструкциялар орасидаги ўзаро бириктирилган жойларнинг бўшаб қолиши эҳтимоли мавжудлиги, шунингдек уларнинг кутилмаганда ағнашлари, поллардаги ўйилишларнинг мавжудлиги эҳтимоллари ҳам эҳтиёт чораларини кўришга ундайди. Ағнаб кетиши эҳтимоли бўлган жойларни кўздан кечириш чоғида уларнинг ағанамаслигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида қуйидаги эҳтиёт чоралари кўрилиши лозим: уларни вақтинчалик мустаҳкамлаб қўйиш ёки вақтинчалик йўлакчалар қуриш (ясаш), зарурат туғилганда эса атайин уларни ағдариб ташлаш. Асосан темир-бетон конструкцияларининг, шунингдек ёнғин зонасида жойлашган тутун чиқиш мўриларининг (трубаларининг) ёнғиндан кейинги совуши пайтида эҳтиёт чораларини кўриш лозим. Агар кўздан кечиришни бошлашга қадар ушбу трубаларни ағдариб ташлаш имкони бўлмаган бўлса, унда махсус битта одамни унга қараб туришга тайинлаш тавсия этилади ва у хавф туғилиши биланоқ келишилган тартибда ҳаммани бу ҳақда хабардор қилади. Ағнаб кетиши эҳтимоли бўлган конструкцияларнинг (трубаларнинг) қайси томонга ағнаши эҳтимоли имкон қадар олдиндан аниқлаб олинади ва хавфли ҳудудда кўздан кечиришни амалга ошираётган ходимларнинг хавф чоғида қайси томонга чекинишлари ҳам ўйлаб чиқилади. Кўздан кечириш чоғида эҳтиёт чораларини кўриш ва унга жавобгарлик мажбуриятлари терговчи ёки кўздан кечиришга раҳбарлик қилаётган бошқа ходимга юклатилади.

Агар кўздан кечириш ёнғинни ўчириш жараёнида амалга оширилаётган бўлса, унда ўт ўчириш раҳбари билан кўздан кечиришга халал бериши мумкин бўлган тутун ёки пар чиқаётган ўчоқларни бостириш чораларини кўриш келишиб олинади.

35. Ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш Баённомаси. Уни тузиш тартиби ҳамда унинг таркибий қисмлари /2; 6; 7; 8/

Ёнғин бўлган жойни кўздан кечириб бўлгандан сўнг бу ҳақда баённома тузилади (у бир вақтнинг ўзида ҳам тузилиши мумкин), ашёвий далиллар олиб қўйилади ва ўралади (кўздан кечириш жараёнида ҳам олиб қўйилиши мумкин), кўздан кечириш жараёни қатнашчилари томонидан билдирилган эътирозлар кўриб чиқилади, ёнғин бўлган жойнинг чизмалари ва хариталари тузилади. Ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, қоидага кўра, ҳодиса бўлган жойда тузилади ва ҳамма қатнашчилар томонидан имзоланади. Кўздан кечириш баённомаси уч қисмдан иборат: *кириш*, *баён қилиш* ва *хулоса* қисмлари.

Кўздан кечириш баённомасининг ҳар бир қисмида қўйдагилар баён қилинади:

Кириш қисми: баённоманинг тузилган жойи ва санаси (йил, ой, кун); баённомани тузган шахснинг мансаби, махсус унвони ва фамилияси, исми-шарифи; холис одамлар ва бошқа қатнашчиларнинг манзилгоҳлари ва фамилияси, исми-

шарифлари; кўздан кечиришни амалга ошириш учун бўлган асос (фармойиш, хабар бериш, ариза); кўздан кечириладиган объект номи, манзилгоҳи, кўздан кечиришнинг бошланиш ва тугалланиш вақтлари; кўздан кечириш қайси шароитда олиб борилганлиги (ёруғлик, об-ҳаво); кўздан кечириш учун процессуал асослар (УзР ЖПК 136, 137 ва 141-моддалари).

Баён қилиш қисми: ёнғиндан зарар кўрган объектнинг тавсифи, ўлчамлари, нимага хизмат қилиши; хоналар, эшиклар ва деразаларнинг ўзаро жойлашуви ва уларнинг ҳолати; печлар, электр ускуналари, электр шчитларининг жойлашуви, электр ҳимояловчисининг ҳолати; олов ва юқори ҳароратнинг конструкция ва нарсаларга таъсири, уларнинг ҳолати ёнғин ўчоғи белгиларининг жойлашиши ва ҳолати; ушбу ёнғиннинг ўзига хослиги (енгил ёнувчан ва ёнувчан суюқликлар ҳиди, конструкциялар ва нарсаларнинг қизиганлик даражаси ва шу кабилар); ўт қўйиш воситалари ва асбобларнинг баёни, уларнинг ёнғин келиб чиқариш эҳтимоли ва жойлашган ҳолати; жиноят воситалари ва изларининг, синдирилган эшик ё деразаларнинг (қулфларнинг) баёни; одамлар ва ҳайвонлар мурдаларининг баёни; жиноятчи томонидан қолдирилган нарсалар ва излар (шакли, ўлчамлари, жойлашиши ва бошқа муҳим томонлари) баёни.

Уларни топиш усуллари (оддий нигоҳ, лупа, ультрабинафша ёритгичлар ёрдамида ва экспресс-усулни қўллаш ва шу кабилар), топилган изларни қайд қилиш ва олиб қўйиш.

Хулоса қисми: ёнғин бўлган жойдан олиб қўйилган нарсалар ва излар, уларни ўраш усуллари кўрсатилади; фотосуратга олинган-олинмаганлиги, чизмалари ва хариталари чизилган-чизилмаганлиги кўрсатилади; холислар ва бошқа қатнашчиларнинг эътирозлари ва таклифлари ёзилади.

Баённома кўздан кечириш қатнашчилари томонидан имзоланади.

36. Тергов тусмоли (эҳтимоли, тахмини) ҳақида тушунча. Ёнғин сабабини аниқлаш учун тергов тусмолларини тузиш / 2; 6; 7/

Тергов тусмоли деганда нимани тушунасиз? Тусмол ким томонидан ва қайси тартибда тузилади?

Тусмол деб, жиноий ҳодисага ёки унинг алоҳида ҳолатларига нисбатан тахминлар қилишга айтилади. Тусмоллар тузиш ва уларни текшириш ишлари жиноятни очишдаги энг умумий усуллардан ҳисобланади.

Ёнғинни суриштириш чоғида унинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисидаги тусмолларни тадқиқот қилиш ёнғиннинг ҳақиқий сабабини аниқлашга, ёнғин факти билан одамларнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) орасидаги сабабий алоқаларнинг мавжудлиги ва тавсифини аниқлашга, ёнғиннинг келиб чиқишидаги айбдорларни аниқлашга имкон беради. Тусмолни асосланган ҳолда тузиш ёнғин факти бўйича жиноят ишининг қўзғатилган ёки қўзғатилмаганлигидан қатъий назар ёнғиннинг сабабини аниқлаш бўйича ишларни тўғри ташкиллаштиришга ва режалаштиришга ёрдам беради.

Ёнғин ҳодисаси бўйича бир қарашдан жиноят ишини қўзғатишга асос бўлмаган ҳолатларда, яъни кичик ёнғинлар бўйича, унинг сабабини аниқлаш учун махсус тусмоллар тузиб, уларни текшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деган фикрлар ҳам мавжуд. Ҳақиқатдан ҳам, гоҳида бундай ёнғинларда на ёнғин ўчоғи ва на унинг манбаи бир қарашдан ҳаммаси аёндай кўринади ва ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Бироқ, ҳатто бу ҳолатларда ҳам ёнғин сабаби бўйича хулосалар чиқаришга шошилмаслик керак. Ёнғин чиқишига сабаб бўлган ёндириш манбаси, деб кўрилаётган нарса (масалан, гўёки эҳтиётсизлик орқасида ток манбасига уланган

ҳолда қаровсиз қолдирилган электр плитаси), аслида балки махсус қасддан ўт қўйиш режасини амалга ошириш воситаси бўлиши ҳам мумкин. Бунақа ёнғинлар бўйича шошма-шошарлик билан хулоса чиқариш жиноятчини жазосиз қолдиришга ва қонунчилик принципларининг (масалан, жазонинг барқарорлиги принципи) бузилишига олиб келади. Ёнғин сабабини аниқлаётган мансабдор шахс буни ҳеч қачон унутмаслиги керак. Ёнғин сабабини аниқлашнинг мураккаблиги кўпинча ёнғинларнинг катта-кичиклигига боғлиқ эмас, балки у ишнинг конкрет ҳолатларига боғлиқдир.

Қоидага кўра, ҳар қандай ҳолатда ҳам, ёнғин факти маълум шахсларнинг ёнғин оқибатида зарар етказганлиги учун жавобгарликка тортилишларига олиб келади. Ҳатто унчалик катта бўлмаган ёнғинлар сабабини аниқлаш чоғида ҳам жиддий баҳс-мунозаралар вужудга келади ва қарши тусмоллар тузилади, бу эса кўпинча ёнғин хавфсизлигига жавобгар шахсларнинг ўз айбини инкор этиш натижасида вужудга келади. Баҳс дарҳол вужудга келмайди, балки у ёнғин бўйича қилинган хулоса натижасида тусмолдан келиб чиққан ҳолда айбдор деб топилган шахснинг етказилган зарарни қоплаши ҳақида қарор чиқарилгандан сўнг вужудга келади.

Агар барча тусмоллар ўз вақтида текширилмаса, ҳатто аввалига унчалик аҳамиятсиздек кўринган кичик тусмол ҳам, сўнгра ҳақиқий сабабни аниқлашнинг имкони ҳам бўлмай қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам ёнғиннинг сабабини аниқлашда бунақанги юзаки иш тутиш ярамайди, ҳатто унчалик катта бўлмаган «жуда оддий» ёнғинлар учун ҳам.

Ёнғин сабаби ҳақидаги эҳтимоллар у пайқалган вақтдан бошлаб маҳаллий ишчилар, яшовчилар, жабрланувчилар ва ўт ўчирувчиларда вужудга кела бошлайди. Шунинг учун ҳам ёнғин бўлган жойга етиб келган ва унинг сабабини аниқлаши зарур бўлган ходимни у ерда бир нечта тусмоллар кутади.

Ишга киришишдан олдин, ёнғин гувоҳлари ва бошқа шахсларда вужудга келган эҳтимолларни ҳозирча суриштирмасдан туриб, худди шу ёнғинга ўхшаш бўлган бошқа ҳолатларга таққослаган ҳолда бир нечта тусмол тузиш керак бўлади.

Ёнғин яшаш уйида, шаҳарда, қишлоқда, савдо масканида, маъмурий бино, ишлаб чиқариш ва шу каби объектларнинг қайси бирида рўй берганлигига қараб, худди ушбу ҳолатда йўл қуйилиши мумкин бўлган эҳтимоли энг юқори бўлган бир нечта сабабни (тусмолни) кўз олдига келтириш керак. Бу шунинг учун керакки, кейинчалик бу тусмолларни аниқ маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолдаги эҳтимоллар билан тўлдириб, уларнинг ҳар бири таҳлил қилиниши зарур. Бўлмаса бир қарашдан ишончли кўринган, лекин алдоқчи тусмол билан чалғиб кетиш мумкин, бу ҳолатда эса ҳеч бўлмаганда қимматли вақт йўқотилади.

Тусмоллар рўйхатини тузишда ҳеч кимнинг фикрини четда қолдирмаслик керак, ҳатто бу фикр бир қарашда маълум фактлар билан ҳеч қандай боғлиқлиги бўлмаса ҳам. Бу фикрларнинг ҳаммасини шунинг учун ҳам эътиборга олиш зарурки, фикрлар кўпайгани сари маълумотлар ҳам кўпайиб боради ва уларга таяниб айрим тусмоллар истисно қилинса, айримлари эса ўз тасдиғини топишда ёрдам беради. Суриштириш жараёнида ёнғин содир этилган жойни кўздан кечириш натижаларига, тўпланган қўшимча материалларга, жумладан ашёвий далилларни тадқиқот қилиш натижаларига ва ёнғин-техник экспертизасининг хулосаларига асосланган янги тусмоллар ҳам вужудга келиши мумкин.

Тусмоллар тузиш ҳақиқатни аниқлаш жараёнидаги муҳим воситалардан ҳисобланади. Ёнғин сабаби тўғрисидаги тузилган тусмоллар доираси ёнғинни суриштирувчи шахсларнинг ихтиёрига кўра торайиб боришига йўл қўйилмайди.

Агар иш ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ёнғиннинг келиб чиқиш сабаби бўйича тузилган энг аҳамиятсиз тусмол ҳам тушунтириб берилиши талаб қилинса, унда бундай тусмолларнинг барчаси эътиборга олиниши ва кейинчалик текширилиши шарт. Ёнғиннинг бундай сабабдан келиб чиқиш эҳтимоли у фақат ҳар томонлама виждонан текширилиб чиқилгандан сўнг ва қониқарсиз натижа олингандан кейингина истисно қилинади. Бу шарт қасддан ўт қўйиш тусмолини текшириш чоғида асосан принципиал характерга эга.

37. Ёнғин сабаби ҳақидаги тусмолни (эҳтимолни) текшириш услуби

/ 2; 6; 7/

Тусмолларни текшириб чиқиш тартиби, тусмолни бирин-кетин истисно этиш услуби.

Ёнғин сабаби ҳақидаги тусмолни тадқиқот қилиш чоғида истисно қилиш усули. Ўтказилган ёнғин-техник экспертизаларининг тажрибаларини умумлаштириш натижасига қараганда, бу усулни кенг қўллаш ёнғинларнинг сабабини аниқлашдаги ўзига хос хусусиятлардан бири ҳисобланади. Ишнинг маълум ҳолатларига жавоб бермайдиган тусмолларни ёнғин сабаби билан боғлаш мумкин эмас.

Гоҳида ёнғинларни суриштириш чоғида истисно қилиш усулининг қўлланилиши жуда содда ҳолда тушунилади ва бунда ушбу тадқиқотнинг бошқа жиҳатлари ҳисобга олинмайди. Ёнғиннинг ҳақиқий сабаби ишнинг ҳолатларига мос келмайдиган барча тусмоллар истисно қилиниши билан бир қаторда, қолган тусмолларнинг барчаси ҳар томонлама таҳлил қилингандан кейингина, истисно қилинмай қолган биттаси ҳақиқий маълумотлар (далиллар) билан ўз тасдиғини топмоғи лозим.

Агар ёнғингача бўлган маҳаллий ҳолатлар тўлиқ ва аниқ бўлмаса ҳамда ёнғин ўчоғининг тўғри аниқланганлигига ишонч бўлмаса, унда истисно қилиш усули ўзининг ижобий натижасини бермаслиги мумкин. Ёнғин сабаби ҳақидаги тусмоллар ва хулосаларни ҳар томонлама текшириб чиқиш учун маълумотларнинг маълум ҳажми зарур бўлади.

Тусмолларни истисно қилиш ва тасдиқлаш учун уларни текшириш йўллари жуда кўп бўлиши мумкин. Улар тусмол қилинаётган ёнғин сабабининг характерига ва хусусиятларига, ишнинг ҳолатларига ва маълум шароитларга боғлиқ бўлади.

Лекин кўпинча ёнғиннинг келиб чиқиши сабаби ҳақидаги тусмоллар қуйидаги асосларга таянган ҳолда инкор қилинади ёки тан олинади:

- аниқланган ёнғин ўчоғининг ҳолатига ва ёнғин ривожланишининг ўзига хос хусусиятларига;
- ёнғиндан олдинги ва ёнғин бошланган пайтдаги ҳолатнинг ўзига хос хусусиятларига;
- эҳтимол қилинаётган ёндириш манбасининг тавсифи ва ҳолатига;
- ёнғиннинг специфик сабаблардан келиб чиқиш эҳтимолига;
- ёнғин чиққан пайт (вақт)га;
-ёнғин сабабига алоқадор бўлиши эҳтимоли бўлган шахсларнинг ўзларини қандай тутишлари.

Ёнғин сабаби ҳақидаги тусмолни ёнғин ўчоғининг ҳолати ва ёнғин ривожланишининг ўзига хос хусусий жиҳатларига қараб текшириш. Агар текшириш чоғида маълум ёнғин ўчоғининг ҳолати мавжудлиги талаб қилинсаю, лекин ўчоқ бошқа жойда жойлашган бўлса, унда бундай тусмол

истисно қилинади. Ёнғиннинг бирламчи аломатлари (белгилари) аниқланган жой билан унинг пайдо бўлган жойи ҳамма вақт ҳам бир-бирига мос келавермайди.

Ёнғин сабаби ҳақидаги тусмолни ёнғин пайдо бўлган вақтдаги ҳолатнинг ўзига хос хусусий жиҳатларига қараб текшириш. Ёнғиндан олдинги ва ёнғин пайтида вужудга келган турли ҳолатларнинг ва шарт–шароитларнинг ўзига хос хусусий жиҳатлари жуда кенг кўламда ҳисобга олиниши мумкин. Хусусан бунга метеорологик (об-ҳаво) шароитларни ҳам киритиш мумкин. Масалан, том қисмида мўриси ёки бошқа учқун чиқарувчи мосламаси мавжуд бўлган объектдаги ёнғин сабабининг учқундан чиққанлиги тусмолини текшириш учун шамолнинг йўналишини албатта эътиборга олиш шарт.

Ёнғиннинг эҳтиётсизлик орқасида сигарета чекишдан келиб чиққанлиги тусмолини текшириш учун ёнғин бўлган жойда чекувчи шахслар умуман бўлганларини, айнан қайси пайтда, сигаретанинг айнан қайси тури чекилганлиги, ушбу жойда тутаётган сигарета қолдиғи ёки ўчирилмаган гугурт донаси каби импулсдан ёниб кетадиган енгил ёнувчан материалларнинг мавжудлиги ва шу каби маълумотларни йиғиш зарурдир. Бундай маълумотлар сигарета чекиш пайтида эҳтиётсизлик орқасида ёнғин чиқишига йўл қуйилганлиги эҳтимолига мос келувчи ёки зид ҳолатни тавсифлаб беради.

Ёнғин сабаби ҳақидаги тусмолни ёндириш манбасининг ҳолатига қараб текшириш. Эҳтимол қилинаётган ёндириш манбаси маълум шароитларда умуман олов чиқаришга олиб келиши ёки келмаслигига қараб, гоҳида тегишли сабабдан ёнғин чиққанлиги тусмоли текширилади.

Агар печканинг мўриси соз ҳолатдалиги ва унинг қизиш даражаси ёнғин хавфини туғдирмаслиги аниқланса, унда иситиш тизимидан ёнғин чиққанлиги тўғрисидаги тусмол ҳеч қачон ўз тасдиғини топмайди. Бунинг тескарисини ҳам кузатса бўлади, яъни агар иситиш асбобларининг носозлиги аниқланган чоғда бу сабабнинг эҳтимоли янада ишончлироқ тус олади.

Ёнғин сабаби ҳақидаги тусмолни ёнғиннинг специфик сабаблардан келиб чиқиш эҳтимолига қараб текшириш. Масалан, таркибига мой сингиб кетган материалларнинг ўз-ўзидан алангаланиши олдидан улар мойларнинг термик парчаланиши маҳсулотларига хос бўлган ҳид чиқаради. Агар ёнғиндан олдинроқ унчалик катта бўлмаган шамоллатилмайдиган хонада ушбу ҳид сезилмаган бўлса, унда ёнғиннинг ўз-ўзидан алангаланиш эҳтимолини шубҳа остига олиш керак бўлади. Бет ва қўлларнинг куйиши жабрланувчи томонидан енгил ёнувчан суюқлик ишлатганлиги, масалан, печга олов ёқиш ҳақида гувоҳлик беради.

Электротехник сабаблардан ёнғин чиққан пайтларда гоҳида қуйидаги тегишли электр ҳодисаларини кузатиш мумкин: масалан, ёнғин бўлган хона деразаларидан қисқа туташув натижасида ёрқин оқ тусдаги рангни, электр ёритгичларининг ёниб-ўчишини, электр кучланишининг металл конструкциялар ёки ускуналарга тушиши ва шу кабилар. Ёнғиндан олдин сезилган тутаётган резинанинг ҳиди, шунингдек электротехник сабабдан чиққан ёнғиннинг энди бошланаётганлиги ҳам специфик белгиларидан бири ҳисобланади.

Ёнғин сабаби ҳақидаги тусмолни ёнғиннинг келиб чиққан вақтига қараб текшириш.

Бундай ҳолатларда, у ёки бу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, ёнғиннинг маълум даражада ривожланиши учун зарур бўлган вақтни аниқлаб олиш принципиал муҳимдир. Бу эса турли шароитларда материаллар ёнишининг ўзига хос хусусиятларини тавсифлаб берадиган илмий жиҳатдан асосланган маълумотларнинг мавжуд бўлмаслиги сабабли ҳам жуда мураккаб ишдир. Ёнғин бошланган пайтдаги шарт-шароитларни аниқ билиб олишнинг эса гоҳида имкони бўлмайди. Шунинг учун ҳам ёнғинларда вақт омилига боғлиқ бўлган масалаларнинг амалий ечими мутахассисларнинг тажрибасига ва гувоҳларнинг кўрсатмаларига боғлиқдир. Гоҳида бу масалани ечишга ёнғин пайтида тўхтаб қолган соат миллари, шунингдек у ёки бу билвосита аломатлар – негатив ҳолатлар ҳам ёрдам беради.

38. Ускуналардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ёнғин сабаби ҳақидаги тусмолни текшириш учун асосий саволлар рўйхати / 2; 6; 7/

Бу саволлар рўйхатини қуйидагича тузса бўлади:

- ёнғин чиққан хонанинг умумий тавсифи, бу хонада нималар мавжуд эди, ускуналар қандай жойлашган эди;
- ускуналардан қайси мақсадларда фойдаланишган, унинг тузилиши қанақа эди ва у қанақа ишлар эди;
- ускуна неча йилдан буён ишлатилиб келинган ва унинг техник ҳолати;
- бевосита ёнғиндан олдин (ёки илгари) ускунанинг ишида тўхташлар ёки унинг носоз ҳолати пайқалганми (масалан, айланадиган деталларнинг нотекис айланиши, қотиб қолишлари ҳолати, бўш айланиши, қуруқ ишқаланиш, қизиб кетиш, маҳсулотларнинг оқиб (тошиб) кетиши ва шу кабилар;
- носозликлар қандай қилиб ва ким томонидан таъмирланган;
- хизмат кўрсатувчи ходимларнинг тавсифномаси: малакаси, ишга виждонан ёндашиши, ускунада бевосита ёнғиндан олдин ишлаган одамларнинг ҳолати;

- хизмат кўрсатувчи ходимлар томонидан ускунани бир-бирига ўзаро топширишларини қандай ташкил қилинганлиги тартиби;
- ускунанинг иш якунида қаерда сақланиши, ишламаётган ускунани назорат қилиш тартиби, иш бўлмаган пайтда хонани кўздан кечириш масалалари қандай ташкил қилинганлиги;
- ускунага техник жиҳатдан хизмат кўрсатиш ҳақидаги ҳужжатлар (масалан, носозликлар, бузилишлар ва уларни бартараф этишни қайд қилиш журнали, шунингдек ускуналардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳужжатлар);
- ускунанинг иш режими (тезлиги, босими, ҳарорати ва шу кабилар), ускуна бевосита ёнғиндан олдин ишлаганми ва қанча вақт давомида, ускуна назорат остида ишлаганми ёки у назоратсиз қолдириб кетилганми;
- назорат асбоблари, сақлагичлар ва ҳимоя воситаларининг, шунингдек иссиқликдан ҳимоялаш (агар ускуна иссиқлик ишлаб чиқарса ва бинонинг ёки ускунанинг ёнувчан элементлари билан боғлиқ бўлса) воситаларининг мавжудлиги, уларнинг ҳолати ва ишончлилиги;
- технологик жараёнда ёки ускунадан фойдаланиш чоғида ёнғиндан хавфли концентрация ҳосил қила оладиган, ўз-ўзидан алангаланишга мойил бўлган, статик электрлигини ҳосил қила оладиган ёнғиндан хавфли моддалар ва материалларнинг ишлатилиши (шу жумладан хом ашё, маҳсулот); ишлаб чиқариш жараёнида ёнғиндан хавфли чиқиндиларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг тўпланиб қолиши имконияти;
- ускуналарга тўғри техник хизмат кўрсатишни ташкил қилиш учун яратилган шароитлар (эҳтиёт қисмлар, материаллар, таъмирлар асбоблари ва шу кабилар билан таъминланганлиги), шунингдек ускуна ва унинг қисмларига хизмат кўрсатиш учун имконнинг мавжудлиги, хизмат кўрсатувчи ходимлар сони;
- профилактика-таъмирлаш ишларининг режа асосида амалга оширилиши учун иш жадвалининг тузилганлиги, унга риоя қилиниши, сўнгги таъмирлаш иши ёки кўздан кечиришнинг санаси, ускунага жорий хизмат кўрсатишнинг сифати ва у нима билан исботланади;
- ускунада ёнғин ўчоғи белгиларининг (аломатларининг) мавжудлиги, ёнғин чиқишига олиб келиш эҳтимоли бўлган ускуналарнинг ўзаро жойлашуви ҳолати, ёнғин чиққан жойнинг белгилари (аломатлари);
- гувоҳларнинг кўрсатмаларига оид, назорат-ўлчаш асбоблари ёки ҳимоя қурилмаларининг ҳолатига қараб ускунани бошланғич авария ҳолатига ва ёнғинга олиб келувчи дастлабки белгилар;

- ускунадан техник жиҳатдан фойдаланиш қоидаларига, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ва хавфсизлик техникасига риоя қилинганлиги.

Келтирилган саволларни таҳлил қилиш чоғида ёнғин билан ускуналар, қурилмаларнинг муҳим хусусиятлари орасидаги шунингдек, ускунадан техник фойдаланиш қоидаларини бузиш ёки унинг носозлиги, технологик жараённинг бузилиши ва унинг муҳим хусусиятлари ёки барча айтиб ўтилган ҳолатлар орасидаги сабабий боғлиқликнинг мавжудлигини аниқлаш муҳимдир.

39. Электр ускунасининг тузилиши ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ёнғин сабаби ҳақидаги тусмолни текшириш учун саволлар

/ 2; 6; 7/

Бу саволлар қуйидагилардан иборат:

- юқори волтли ва паст волтли тармоқларнинг схемаси, тармоқ нейтралининг иш режими;
- тарқатувчи шчитларнинг тавсифи (материали, ҳимоя тури ва шу кабилар);
- электр энергиясининг асосий истеъмолчилари (ёритиш тизими, агрегатлар, электр печлари, двигателлар ва шу кабилар), улар якка тартибда ёки тармоқ участкалари бўйича истеъмол қилаётган қувват;
- электр тармоғи ва электр ускуналарининг ушбу ишлаб чиқариш хоналари тоифасига мос келиши;
- электр тармоғи ўтказгичлари ва кабелларининг кесим юзасининг юклама катталигига мос келиши;
- ҳимоя турининг ҳимоя участкасидаги кабел ёки ўтказгич кесимига мос келиши;
- сақлагич ва тарқатувчи шчитлардаги контактларнинг ҳолати (эриганлиги, дудланганлиги, контактнинг ёмонлиги ва шу кабилар);
- ерга улаш қурилмасининг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар ва унинг бутунлиги;
- ўтказгичларнинг ҳимоя қобиқлари қаршилигини ўлчаганлик ҳақидаги маълумотлар;
- тармоқларнинг конструктив жиҳатдан қандай ишланганлиги (ётқизиш санаси ва усули, уларнинг тўсиқлар оша қандай бажарилганлиги, тармоқнинг алоҳида участкаларидаги ўтказгичларнинг маркалари ва материали, уларни бир-бирига ўзаро улаш усули).

Электр ускуналарининг хусусиятларини ҳисобга олувчи айтиб ўтилган саволлардан ташқари, яна барча ускуналар учун умумий бўлган саволлар ҳам тадқиқот қилинади (бу ҳақда юқорироқда айтиб ўтилганди). Бу саволлар воқеанинг аниқ (конкрет) ҳолатларига боғланиши зарур, жумладан авария ҳодисаларининг белгилари ҳам, масалан, ўтказгичларда,. кабелларда қисқа туташув изларининг мавжудлиги.

40. Хонани иситиш электр асбобларидан ёнғин чиққанлиги тусмолини текширишнинг ўзига хос жиҳатлари ва асосий аломатлари / 2; 6; 7/

Бу аломатлар (белгилар) ва уларнинг ўзига хос хусусий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- ёнғин ўчоғи хонадаги предметларнинг (мебелларнинг) маълум бир жойда ёниши орқали тавсифланади ва ҳатто бино конструкцияларидаги ўчоқ ҳам асбоб қолдирилган жойда мўлжалланади; ёнғиннинг бошланғич босқичида ажралиб чиқаётган тутун хонани тўлдиради ва фаол ёнишга халал беради; ёнғин ўчоғида жадал туташ бошланади;
- ёнғин ўчоғидан ёнғин чиқишига сабабчи бўлган асбобни топиб олиш керак; асбобда юқори ҳарорат таъсирининг белгилари (аломатлари) бўлиши зарур (рангининг ўзгариши, деформацияланиш). Ўчоқ ҳудудида асбобнинг уланган жойини, яъни розеткани топиш зарур;
- шнур излаб топилади ва у текширилади; агар асбоб электр манбасига уланган ҳолда қолдирилган бўлса, унда албатта шнурда қисқа туташув излари мавжуд бўлади; унинг белгилари излаб топилиши зарур;
- электр тармоғи ёнғиндан олдин кучланиш остида бўлганми ёки йўқлиги текширилади (шу жумладан ўчирилиб яна қайта ёқилганлиги ҳам);
- электр ҳимоясининг ҳолати текширилади, шунингдек у ишладими ёки йўқлиги, негаки шнурда қисқа туташув бўлганда ҳимоя ишлаши керак эди. Ёнғиндан олдин ёруғликнинг қайси хоналарда ёниб ўчиши (хиралашиши, милтиллаши) кузатилганлиги аниқланади. Бу ҳолат ҳимоянинг носозлигидагина кузатилиши мумкин;
- ёнғиннинг сув қуйиладиган асбоблардан (чойнаклар, кофе қайнатгичлар, стерилизаторлар ва шу кабилар) келиб чиқиш вақти уларга қуйилган сув миқдорига, шунингдек асбоб тагигига қўйилган тагдонларнинг ва ёнувчан материалларнинг тавсифига боғлиқ. Ҳар қандай тагдон ҳам ёниб кетишдан сақлавермайди. Бу

маълумотларни шунингдек, асбоб тагидаги ҳароратни эксперимент йўли орқали текшириб кўриш мумкин;

- электр асбоби одатда қайси тагдон устида турардию ва ёнғиндан олдин қаерда турган. Тагдоннинг ўзи ёки унинг қолдиқлари ёнғин ўчоғидан излаб топилиши зарур ва унинг юқори ҳарорат таъсири остида бўлганлигига ишонч ҳосил қилиш учун ундаги излар (аломатлар) ҳам излаб топилади. Агар тагдон шикастланмаган ҳолда топилса, унда у ушбу асбобда ёки худди шунақа бошқа асбобда иссиқлик ўтказишга қаршилик кўрсата олиши учун синаб кўрилади;
- асбобнинг уланган ҳолда қолдирилганлигининг сабаби ва шарт-шароитларини аниқлаш мақсадида ёнғиндан олдинги ҳолатни текшириб кўриш зарур. Приборни қасддан (кўра била туриб) уланган ҳолда қолдирилганлиги эҳтимоли (тусмоли) ҳам текширилади.

41. Иситиш печларидан ёнғин чиққанлиги тусмолини текширишнинг ўзига хос жиҳатлари ва асосий аломатлари / 2; 6; 7/

Бу аломатлар (белгилар) ва уларнинг ўзига хос хусусий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- иситиш печининг конструкцияси ва унинг ҳамда мўриси тузилишининг ўзига хос жиҳатлари;
- печни ёқилиши вақтининг бошланиши ва тугалланиши, унинг давомийлиги;
- ёнғиндан олдин ишлатилган ёқилғининг тавсифи, миқдори ва сифати;
- печнинг қизиб кетганлиги ҳақидаги маълумотлар;
- иситиш печи ва унинг мўриси билан уланган жойлардаги бино конструкцияларининг тузилиши ва уларнинг ҳолати;
- ёнғиннинг бирламчи ўчоғида иссиқликнинг аккумуляциялаш шароитининг ва ёнишининг эҳтимоли (иситиш печининг хонадаги бино конструкциялари ёки материаллар ва предметлар билан алоқаси мавжуд бўлганда).

Ёнғин сабаби ҳақида конкрет тусмоллар тузилганда ва уларни текшириб кўришда иситиш печларидан чиққан ёнғинларнинг қуйидаги таснифланиши (классификациялари) эътиборга олинади (қаранг: 1.1.-жадвал).

Печ билан иситишда чиқадиган ёнғинлар сабабларини таснифлаш

1.1.-жадвал

Гурух	Носозликлар, бузилишлар	Таъсир этиш тавсифи	Таъсир этиш объекти	Ёнишнинг вужудга келиш жараёни	Қоидаларнинг бузилиши
I	Ёриқлар, бўш уланган жойлар, ғишт қаловида ва мўридаги тасодифий тешиклар	Олов, ёқилғи газлар, учқунларнинг таъсири	Бино қисмлари	Ёниш	Печлар, мўрилар, бино иншоотларининг тузилиши
II	Мўри разделкаси ва бошқа хавфсиз оралиқлар ўлчамларининг етарли даражада бўлмаганлиги	Қизиш (ўта қизиш)	Бино қисмлари	Ёниш ва ўз-ўзидан алангаланиш	Печлар ва мўриларнинг тузилиши ва улардан фойдаланиш
III	Ёриқлар, бўш уланган жойлар, тасодифий тешиклар, мўри разделкаси ва бошқа хавфсиз оралиқлар ўлчамларининг етарли даражада бўлмаганлиги	Олов, ёқилғи газлар, учқунларнинг таъсири: қизиш (ўта қизиб кетиш)	Хоналардаги мавжуд предметлар ва материаллар	Ёниш ва ўз-ўзидан алан-галаниш	Хоналарда ускуналар ва материалларнинг жойлашуви ва уларни тутиш тартиби; гоҳида – печлар, тутун мўриларидан фойдаланиш
IV	Соз ҳолатдаги печлар ва мўриларнинг ишлатилаётган тешиклари орқали иссиқликнинг ўтиши	Олов, ёқилғи газлар, учқунлар, нурли иссиқликнинг таъ-сири	Бино қисмлари ва материаллар	Ёниш	Печлар, мўрилар, хоналар ва бинолардан фойдаланиш

42. Материалларнинг ўз-ўзидан алангаланганлиги тусмолини текшириш учун асосий саволлар ва белгилар (аломатлар) / 2; 6; 7/

Материалларнинг ўз-ўзидан алангаланганлиги тусмолини текшириш учун асосий саволлар ва белгилар (аломатлар) қуйидагилардан иборат:

1) ёнғин ўчоғи жойлашган жойда қанақа материаллар мавжуд эди, унинг миқдори ва муддати;

2) ёнғин ўчоғида иссиқликнинг аккумуляциаланиши учун мавжуд шарт-шароитлар (материалнинг оғирлиги), атроф-муҳитнинг ҳарорати;

3) ёнғин бўлган жой (хона) қанча вақт давомида қаровсиз қолдирилган;

4) ёнғин пайқалгунга қадар ўз-ўзидан алангаланишнинг ўзига хос аломатлари бўлганлиги (ўз-ўзидан алангаланган материалнинг термик парчаланиши маҳсулотларининг ҳиди, тутун аломатлари ва шу кабилар), улар қачон, ким томонидан ва айнан қайси жойда сезилган;

5) ўчоқ талафотининг хусусиятлари, материалнинг таркибий қисмларидаги чуқур ўйилишларнинг мавжудлиги ёки унинг йўқлиги, ёнғин ўчоғи билан алоқада бўлган конструкцияларнинг ёнган жойлари ёки қизиб кетган қисмларининг мавжудлиги;

6) ушбу объектда илгари ҳам ўз-ўзидан алангаланиш ҳолатлари рўй берилганлиги ёки худди шундай материалларнинг бошқа объектларда ўз-ўзидан алангаланганлиги ҳолатлари;

7) олиб қўйилган ашёвий далилларнинг ўз-ўзидан алангаланишга мойиллигини текшириш устидан олиб борилган тадқиқот натижалари;

8) тегишли материалларни қадоқлаш (ўраш), ташиш, сақлаш қоидалари бўйича давлат стандартлари, қоидалар, йўриқномалар ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг мавжудлиги. Ушбу ҳолатда бу ҳужжатларнинг талабларига қайси даражада риоя этилганлиги аниқланади.

43. Қуёш нурларининг фокусланиши натижасида ёнғин чиқиши эҳтимолини кўриб чиқиш шарт-шароитлари / 2; 7/

Қуёш нурларининг фокусланиши натижасида ёнғин чиқиши эҳтимолини кўриб чиқиш учун қуйидаги шарт-шароитлар бўлиши зарур:

1) қуёш нурларининг мавжудлиги; шу нарсани ҳам эътиборга олиш зарурки, ҳатто кам булутли ҳаво ҳам, атмосферанинг чангланганлиги ҳам ердаги қуёш радиациясини бирдан камайтириб юборади. Деразалардаги тоза ойналар хонадаги радиация миқдорини сезиларли даражада камайтиради, чанг ойналар эса – кўпайтиради. Энг кўп радиацияланиш ҳолатлари йилнинг баҳорги-ёзги ойларида куннинг биринчи ярмида кузатилади. Ушбу сабабдан содир бўлган ёнғинларнинг асосий қисми ҳам шу пайтга тўғри келади.

2) қуёш нурларини бир нуқтада тўплай оладиган предметнинг мавжудлиги (ичида рангсиз суюқлик солинган шиша идиш, телевизор линзаси ва шу кабилар);

3) фокусланган қуёш нурларидан алангаланадиган материалларнинг мавжудлиги;

4) фокусланган қуёш нурларининг тегишли материаллар устига тушиши учун қуёш ва фокусловчи предметнинг ўзаро жойлашуви ҳолати.

44. Учқун таъсири натижасида ёнғин чиқиши эҳтимолини кўриб чиқиш шарт-шароитлари / 2; 6; 7/

Учқун таъсири натижасида ёнғин чиқиши эҳтимолини кўриб чиқиш учун қуйидаги шарт-шароитлар бўлиши талаб қилинади:

1) учқунланиш факти, унинг вақти ва давомийлиги, шунингдек унинг хусусиятлари аниқланиши зарур;

2) учқунлар тегишли объектга етиб бора олиши зарур. Ёнғиннинг келиб чиққан жойига учқуннинг тушиши учун қулай имконият туғдирган шароитнинг мавжудлигини ёки бундай шароитнинг йўқлигини, шунингдек учқуннинг ёнғин ўчоғига етиб боришига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган шарт-шароитлар тадқиқот қилинади;

3) материаллар, моддалар, иншоот қисмлари ёки буғ- ва газ-ҳаво аралашмалари бундай учқун таъсири остида алангалана олиши зарур.

Айтиб ўтилган шартлардан ҳеч бўлмаганда биттасининг мавжуд бўлмаслиги ҳам ёнғиннинг учқундан келиб чиққанлиги тусмолини истисно қилади.

Ёнғиннинг учқундан пайдо бўлганлиги эҳтимолини баҳолаш чоғида вақт омилини эътиборга олиш катта аҳамиятга эга. Ёнғиннинг келиб чиқиши ва ундан олдинги ҳолатларни таҳлил қилиб, ёнғин тахминан қайси вақт оралиғида ривожланганлигини, яъни учқуннинг ёнувчан материалга тушганидан бошлаб унинг пайқалган пайти оралиғидаги вақт ҳам аниқланиши зарур. Бу тусмолнинг фойдасига ҳал қилинган хулосалар ёки уни инкор этган ҳолатларнинг барчаси эътиборга олиниши керак.

Ёнғин ўчоғи ёки у пайдо бўлган ҳудуд аниқланганидан кейин учқунланиш тусмолини бошқа эҳтимоллар билан бир қаторда таҳлил қилиш керак.

45. Чекиш ва ёритиш пайтида олов билан эҳтиётсиз муомалада бўлиш натижасида ёнғин чиқиши эҳтимолини текшириш учун асосий саволлар рўйхати / 2; 6; 7/

Чекиш ва ёритиш пайтида олов билан эҳтиётсиз муомалада бўлиш натижасида ёнғин чиқиши эҳтимолини текшириш учун қуйидаги саволларга жавоб топиш зарур бўлади:

Эҳтиётсизлик орқасида сигарета чекиш натижасида:

1) ким, қаерда, қачон, айнан нима ва қайси вақт давомида чекди;

2) чекувчининг шахси ва унинг чекиш пайтидаги руҳий ҳолати;

3) чекувчи ва ёнғин ўчоғининг ўзаро жойлашуви ҳолатлари (чекувчига нисбатан: тахминий, эҳтимолий аниқликда, аниқ);

4) ёнувчан муҳитнинг тавсифи ва аниқланган ёнғин ўчоғида ёниш учун шарт-шароитнинг мавжудлиги;

5) ёнғинни пайқаш учун шарт-шароитлар, чекиш пайтида ва ундан кейин бошқа одамларнинг у ерда мавжуд бўлишлари ёки йўқлиги, яширин тутаб ёниш эҳтимоли ва унинг давомийлиги, ёнғиннинг ташқаридан пайқалиши имкониятлари (дераза ва бошқа тешиклар, тутун чиқадиган йўллар ва тешиклар);

6) қачон, қаерда, ким томонидан ва қайси аломатлар (белгилар) бўйича ёнғин пайқалди.

Ёритиш учун очиқ оловдан фойдаланган чоғда:

1) эҳтимол қилинаётган ёнғин чиққан пайтда ўша жойнинг қайси даражада ёритилганлиги;

2) ёритиш учун очиқ оловдан фойдаланишнинг сабаби нима билан боғлиқ бўлган;

3) ёнғин ўчоғи ҳудудида ёритиш учун очиқ оловдан ким ва қачон фойдаланган;

4) аниқ нима ёрдамида ёритилган (аланга ҳосил қилувчи манба, учқунлар, ёнувчан ёки тутайдиган нарсалар ва шу кабилар).

46. Қасддан ўт қўйганлик тўғрисидаги тусмолни текшириб чиқишнинг асосий қоидалари / 2; 6; 7; 8/

Қасддан ўт қўйиш учун сабаблар жуда кўп. Ҳар бир алоҳида ҳолатда бундай оғир жиноятнинг сабаблари уни содир этиш учун туғилган қулай шарт-шароитларнинг конкрет ҳолатларидан келиб чиқади.

Бундай жиноятларни суриштириш чоғида ёнғиннинг қасддан ўт қўйилганлигини исботлаб беришнинг ўзи етарли эмас, балки жиноятчини аниқлаш, ушлаш ва унинг бўйнига қуйиш каби мураккаб ишларни ҳам амалга ошириш зарур бўлади. Қасддан ўт қўйилган ёнғинларни суриштириш ишларининг бошқа сабаблардан келиб чиққан ёнғинларни суриштиришдан принципиал фарқи ҳам шундан иборат, негаки бошқа ёнғинларда айбдор шахсларни аниқлаш учун махсус тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш талаб қилинмайди. Бу хусусиятлар эса терговчи, суриштирувчи ва бошқа ходимлардан катта маҳорат талаб қилади.

Ёнғиннинг қасддан ўт қўйганлиги тусмолини тузиш учун қуйидагилар асос бўла олади:

1) қасддан ўт қуйилганлиги ҳақида ёки унга тайёргарлик кўрилганлиги ёки уни амалга ошириш тўғрисида шоҳидларнинг кўрсатмалари;

2) жабрланувчиларни ёнғинга қадар уни содир этиш орқали ёки бошқа усул орқали қўрқитилганлиги далиллари;

3) ёнғин содир этилишидан олдин бинодан (хонадан) моддий бойликларнинг олиб чиқиб кетилганлиги ҳақидаги маълумотлар;

4) қасддан ўт қўйишга ундайдиган ҳолатларнинг (сабабларнинг) мавжудлиги ёки эҳтимоли (масалан, бўлажак тафтиш, ҳужжатларни бошқа шахсга бериб юбориш, моддий жавобгар шахсдаги камомадлар ёки унинг ҳаёт (яшаш) тарзи, жабрланувчи ва қасддан ўт қўйишда гумон қилинаётган шахс орасидаги ўзаро салбий муносабатлар ва шу кабилар);

5) қасддан ўт қўйиш ва ёнғиннинг тарқалиши учун қулай шароитнинг туғилганлиги ва унинг имконияти (масалан, агар ёнғин қўриқланмаётган масканда содир этилса, ёки уни қўриқлаётган шахснинг ўзи шубҳали бўлса; агар ёнғин қаттиқ шамол пайтида бинонинг шамол эсаётган томонидан чиққан бўлса ва шу кабилар);

6) объектга ёки унинг айрим участкаларига бегона шахсларнинг рухсатсиз (яширин) кирганлиги белгилари;

7) ёнғиннинг жадал ривожланишига олдиндан тайёргарлик кўрилганлиги белгиларининг мавжудлиги (ёнувчан материалларнинг бир жойга тўпланганлиги, ёнғин тарқалишининг олдини тўсиши эҳтимоли бўлган тўсиқларнинг олиб ташланганлиги ёки унинг тарқалиши учун қулай шарт-шароитларнинг яратилганлиги, ёнғин ҳақида хабар берувчи ва уни ўчирувчи воситаларнинг атайин бузиб қўйилганлиги ва шу кабилар);

8) ёнғиннинг тўсатдан пайдо бўлганлиги ва унинг жуда тез тарқалганлиги;

9) қасддан ўт қўйишда фойдаланиши эҳтимоли бўлган нарсалар ва воситаларнинг топилиши;

10) бир нечта ёнғин ўчоғининг аниқланиши;

11) битта туманда (ҳудудда) бирданига бир нечта ёнғин содир этилиши ёки ўхшаш ёнғинларнинг такрорланиши;

12) ёнғин бўлган жойда бошқа жиноят изларининг топилиши;

13) ёнғин содир этилишидан олдин объектда вужудга келган ҳолатнинг ва объектнинг ўзининг хусусиятлари;

14) қолган барча тусмолларнинг асосланган равишда истисно қилинганлиги.

Маълум шароитларда ёнғиннинг қасддан ўт қўйилганлиги тусмолини тузиш учун бошқа асослар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Бундай тусмол тузиш учун

бирданига бир нечта белги ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳолатда ҳам ёнғин қасддан ўт қўйилганлик натижасида содир этилганлиги тўғрисида якуний хулоса барча фактлар ва ҳолатлар синчиклаб текширилиб чиқилгандан кейингина қилинади.

47. Қасддан ўт қўйишни амалга ошириш гуруҳлари / 2; 6; 7; 8/

Қасддан ўт қўйишлар амалга оширилиш усули бўйича 5 та асосий гуруҳга бўлинади.. Шунинг учун ҳам қасддан ўт қўйилганлик бўйича тузилган тусмолни текшириш чоғида ҳар бир гуруҳнинг ўзига хос жиҳатларини ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Қасддан ўт қўйишнинг биринчи гуруҳи. Унга мавжуд шароитда унчалик яхши тайёргарлик кўрмасдан туриб ёниши учун кучли ёндириш манбаси талаб қилинмайдиган енгил ёнувчан ёки ёнувчан материалларни ёқиб юбориш кабилар киради (масалан, толали материаллар, хашаклар, ишлаб чиқаришнинг енгил ёнувчан чиқиндилари ва шу кабилар сақланадиган жойлар).

Бундай ҳолатларнинг конкрет ўзига хос жиҳатлари қуйидагилар:

- ўт қўйиш вақти билан ёнғин пайқалиши вақтлари оралиғи жуда кичик бўлиши мумкин, негаки енгил ёнувчан муҳитнинг фаол ёниши унга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди;
- транспорти мавжуд бўлмаган жиноятчи жиноят жойидан узоққа кета олмайди, шунинг учун ҳам уни излаб топиш нисбатан енгилроқ бўлади;
- ўчоқ белгилари енгил ёнувчан материаллар мавжуд бўлган тақдирда сақланмай қолиши мумкин, шунинг учун ҳам уни аниқлаш чоғида бошланаётган ёнғинни кўрган гувоҳларнинг кўрсатмалари янада муҳим аҳамият касб этади;
- очиқ оловдан фойдаланиш ва учқуннинг ташқаридан тушганлиги оқибатида ёнғин содир этилганлиги тусмолини синчиклаб текшириш ва уни истисно қилиш жуда муҳим аҳамиятга эга;
- техник тадқиқот усулларидан фойдаланиш (ёнғиннинг техник сабаблардан пайдо бўлганлиги эҳтимоли бундан мустасно) чекланган характерга эга бўлади.

Жиноятни очишда асосий рол тезкор-тергов тадбирларига тегишлидир.

Қасддан ўт қўйишнинг иккинчи гуруҳи. Бу гуруҳ ўт қўйиладиган объектнинг ёниб кетиши кафолатланиши мақсадида у ерга қўшимча ёнувчан материаллар ва моддаларни ташқаридан олиб кириш ёки ўша жойдан тўплаш орқали амалга ошириш билан тавсифланади. Бу турдаги ўт қўйиш усули энг кўп тарқалганлардан ҳисобланади.

Бу гуруҳдаги ўт қўйишнинг ва уни тадқиқ қилишнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилар:

- ўт қўйиш учун енгил ёнувчан суюқликлардан (нефт маҳсулотлари ва бошқалар) фойдаланган чоғда ёнғиннинг бошланғич босқичида у ерда ушбу маҳсулотга хос бўлган белгиларни кузатса бўлади (тутун ва оловнинг тавсифи ва бошқалар);
- ёниш жадал сурат олишини кафолатлаш мақсадида енгил ёнувчан материаллар қўлланилганлиги сабабли ёнғин чиққан вақт билан унинг пайқалган вақти оралиғи ҳам шунингдек жуда қисқа бўлиши мумкин;
- жиноятчи қўшимча моддалар ва материалларни қўллаш орқали ўт қўйишга тайёргарлик кўриш ёки уни амалга ошириш чоғида сезилиб қолиши ёки ушланиши ҳам мумкин. Унинг жиноий ҳаракатларини исботловчи далиллар ёки излар жиноят жойида, унинг кийимларида ва қўлларида сақланиб қолиши мумкин; жиноятчи томонидан ўз ҳатти-ҳаракатларини тушунтириб бериши қийинлашиб қолади;
- ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш чоғида қуйидагиларга эътибор қаратилади:

1) ёнғин ўчоқларининг сони (ривожланган ва ривожланмаган);

2) ўчоқларнинг жойлашиши (ўт қўювчи учун энг қулай ва хавфсиз жойда бўлиши эҳтимоли);

3) қасддан ўт қўйганликни ва унинг амалга ошириш усулини исботловчи ашёвий далилларнинг мавжудлиги (енгил ёнувчан суюқликлар излари мавжуд бўлган идишлар, унинг қолдиқлари, ўт қўйиш учун ишлатилган модданинг белгилари, ёнувчан материалларнинг махсус бир жойда тўпланганлигининг белгилари ва шу кабилар);

4) ўт қўювчи томонидан қолдирилган бошқа излар, жумладан оёқ ва бармоқ излари, ёнғин ўчоғи жойлашган жойга яширин кирилганлиги белгилари;

5) бошқа жиноят белгилари;

- ёнғин содир этилган жойни кўздан кечириш чоғида қайд қилинган ҳолат у содир этилишидан олдинги ҳолат билан солиштириб кўрилади; нима йўқолганлиги, ҳолатини ўзгартирилганлиги, бошқа жойга кўчирилганлиги, шунингдек ёнғин ўчоғи жойлашган жойда ёнувчан материалларнинг ёнғингача мавжуд бўлганлиги ёки йўқлиги кабилар аниқланади;

- излар излаб топилади ва қайд қилинади, ашёвий далиллар тадқиқ қилиш, ишга қўшиб қўйиш ва кимга тегишлилигини аниқлаш учун олиб қўйилади. Бармоқ излари мавжуд бўлиши эҳтимоли бўлган нарсаларни олиб қўйишда ва уларни сақлашда жуда эҳтиёт бўлиш шарт;

- жиноят жойида қўлга тушган жиноятчининг ўз қилмишига иқрор бўлишидан қатъий назар қасддан ўт қўйишни исботловчи барча далилларни қайд қилиш ва расмийлаштириш шартдир (жиноятчи дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатмаларни суд жараёнида инкор этиши ҳам мумкин);

- ёнғин содир этилган объектнинг қўриқланиши ҳолати таҳлил қилинади, жумладан батафсил: қўриқлаш ходимлари ёнғиндан олдин соат нечада хизматни қабул қилиб олганлар, уларга қандай тавсифнома берилади, ёнғин бошланган пайтда қаерда бўлишган, хизматни қандай олиб боришган, қўриқлаш хизмати ходимларининг хизматни қандай олиб боришларини охирги марта ким текширган ва унинг натижалари қанақа ва қайси ҳужжатда қайд этилган; калитларни сақлаш, бир-бирига узатиш тартиби, ёнғин бўлган хонанинг калити кимда ва қайси жойда сақланган, шу каби калитлар илгари йўқотилмаганми ва бошқалар;

- ўт қуйган шахс (ёки гумон қилинувчи) ёнғинга қадар, ёнғин пайтида ва ундан кейин қаерда бўлганлиги ва ўзини қандай тутганлиги ҳақидаги маълумотлар;

- ўт қўювчи шахс айрим ҳолатларда ўзини гувоҳ сифатида кўрсатиб ёнғинга оид шундай маълумотларни ҳам бериши мумкинки, уни фақат ўт қўювчининг ўзигина кўриши ёки билиши мумкин (қаерда, нима ва қандай ёнган).

Қасддан ўт қўйишнинг учинчи гуруҳи. Бу гуруҳ техник воситаларни, ёнғиннинг катта ишонч билан содир этилишини таъминловчи ва жиноятни содир этишда ўзини узоқда тутишга мўлжалланган олдиндан тайёрланган махсус ёндирувчи мосламаларни қўллаш, шунингдек ёнғиннинг олдиндан белгиланган вақтда содир этилишини таъминлаш кабилар билан тавсифланади.

Айтилган тусмолни текширишнинг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқишда қуйидаги саволларга алоҳида эътибор бериш зарур:

1) ўт қўйиш воситаси объектга тахминан ёки аниқ қачон киритилганлигини аниқлаш мақсадида ёнғиндан олдин вужудга келган ҳолатни синчковлик билан таҳлил қилиш зарур;

2) ёнғин ўт қўйишга мўлжалланган мосламаларнинг ўрнатилганлигидан сўнг анча вақтдан кейин ҳам содир этилиши мумкин (бир неча соат ва суткалардан кейин ҳам). Ўт қўйиш мосламалари эса ўт қўйилиши мўлжалланган жойга яширин равишда киришга эҳтиёж бўлмаган вақт давомида ўрнатилиши мумкин. Бунинг

ҳаммаси жиноятчининг ёнғин бўлган жойда мавжуд бўлмаслигини ва терговнинг чигаллашишини таъминлайди;

3) қурилманинг (мосламанинг) ишлаб кетиши ёки ҳаракатланиши даврида унга хос бўлган белгиларни сезиш мумкин (енгил ёнувчан суюқликнинг чақнаб кетиши, ўзига хос товуш, маълум моддалар ва материалларга хос бўлган ёниш ҳидлари ва шу кабилар);

4) ёнғин чиқишига олиб келган мосламаларнинг қолдиқларини, бунда ишлатилган моддаларнинг белгиларини, бу моддалардан ёниш натижасида ажралиб чиққан маҳсулотларни ва уларнинг белгиларини ёнғин ўчоғидан синчковлик билан излаб топиш зарур.

Қасддан ўт қўйишнинг тўртинчи гуруҳи. Бу гуруҳга кирувчи ўт қўйишлар ёнғин гўёки ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билмасдан бузиш орқали ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган деб кўрсатиш учун олдиндан махсус шарт-шароит яратиш орқали содир этилиши билан тавсифланади.

Бундай тусмолни текшириб кўришда қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

1) маҳаллий шароитнинг хусусиятлари; ёнғиннинг қасддан содир этилганлиги эҳтимоли бундай хусусиятларга қайси даражада мос келиши. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бундай усуллардан кўпинча маҳаллий шарт-шароитлар билан яхши таниш бўлган шахслар фойдаланишади, энг биринчи навбатда ушбу объектда ишловчи шахслар;

2) ёнғин ўчоғида жойлашган ўт қўйишда фойдаланилган буюмнинг, асбобнинг қандай жойлашганлиги, унинг ҳолати, унинг ёнғингача қаерда ва қайси ҳолатда жойлашганлиги ҳақидаги маълумотлар;

3) ёнғин чиққан вақтнинг ёнғин оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш ёки электр асбобининг қаровсиз қолдирилиши натижасида чиққанлиги эҳтимолига қайси даражада мос келиши. Ёнғин қайси белгиларга (аломатларга) қараб аниқланганлиги;

4) қаровсиз қолдирилган асбобнинг ундан одатдагидек фойдаланишда ёнғин чиқиши эҳтимоли (масалан, агар электр плиткаси тагдон устида ва оёқларида турганда).

Ёнғин ускунадан техник фойдаланиш қоидаларини бузиш ёки унинг носозлиги оқибатида, технологик режимдан оғиш натижасида содир этилган бўлса ва ёнғин ушбу зайлда қасддан яширинча содир этилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлса, унда носозликнинг сабабини, хизмат кўрсатувчи шахснинг малакаси даражасини ва шахсини, йўл қўйилган оғиш сабабларини аниқлаш ва ускунадан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ёнғин сабабини аниқлаш учун юқорида айтиб ўтилган саволларни тадқиқот қилиш лозим бўлади.

Бундай тусмолни текшириш чоғида тезкор-тергов тадбирлари ва малакали экспертиза ўтказиш муҳим ўрин эгаллайди.

Қасддан ўт қўйишнинг бешинчи гуруҳи ўз ичига юқорида айтилган тўрт гуруҳни қамраб олади.

48. Ёнғин-техник экспертизасини тайинлаш тартиби. Дастлабки маълумотларни тайёрлаш / 2; 6; 7; 8/

Зарур ҳолларда экспертиза жиноят иши қўзғатилишидан олдин ҳам тайинланиши мумкин. Лекин, жиноят иши қўзғатилганидан кейин ҳам у фақат унга зарурат туғилган ҳоллардагина тайинланиши шарт.

Ёнғин-техник экспертизаси тайинланиши заруратини билдирувчи асосий нарса бу – терговчи ихтиёрида уни қизиқтираётган саволларга тадқиқот қилиш орқали жавоб бера оладиган маълумотларнинг мавжудлиги ва етарлилиги.

Экспертизанинг сифатли ўтиши учун эксперт ихтиёрига барча керакли ҳужжатларни тақдим қилишади:

- ёнғин ҳақидаги Далолатнома;
- назорат органлари (касаба уюшмалари, давтоғтехназорат ва ш.к.) техник инспекторларининг Хулосалари;
- ДЁН органининг ёзма кўрсатмаси;
- ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш Баённомаси;
- тергов экспериментлари баённомалари;
- чизмалар, схемалар, фотосуратлар ва ш. к..

Агар эксперт ўтказилиши эксперт муассасасида ишламайдиган шахсга топширилаётган бўлса. Унда терговчи уни ўзининг ҳузурига чақириб олади ва унинг шахсини, мутахассислигини ҳамда ваколатдорлиги даражасини аниқлайди, шунингдек уни четлатиш учун (отвод бериш) асосларнинг мавжудлигини, хусусан унинг айбланувчи (гумон қилинувчи) ва жабрланувчи ораларидаги мавжуд муносабатларини ҳам аниқлайди. Терговчи экспертга Қарорни тақдим қиларкан, унинг мавжуд ҳуқуқлари ва мажбуриятларини (ЎзР ЖПКнинг 68-моддаси) тушунтириб беради ҳамда уни хулоса беришдан бўйин товлаш (ЎзР ЖКнинг 240-моддаси) ёки қасддан ёлғон хулоса берганлиги учун (ЎзР ЖКнинг 238-моддаси) жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида хабардор қилади ва бу ҳақда Қарорга махсус белги қўяди, жумладан эксперт ҳам бу ҳақда таъкидланганлиги тўғрисида ўз имзосини қўяди. Агар ишнинг материаллари экспертиза ўтказилиши учун эксперт муассасасига юборилаётган бўлса, унда бу ҳақда эксперт муассасасининг раҳбари таъкидланади. Экспертнинг жавобгарлик ҳақида таъкидланганлиги тилхати қарорнинг кириш қисмида ёки қарорга илова қилинаётган махсус тилхатда расмийлаштирилади.

49. Ёнғин-техник экспертизаси ҳақида тушунчалар, унинг аҳамияти ва вазифалари / 2; 6; 7/

Ёнғин-техник экспертизаси ким томонидан ва қайси ҳолатларда тайинланади. Экспертиза ўтказиш чоғида ким томондан ва қайси масалалар ҳал қилинади?

Экспертиза – бу терговчи ёки суд томонидан у ёки бу соҳада махсус билимларга эга бўлган шахс (эксперт) ёрдамида маълум фактларни аниқлашлари учун ўтказиладиган махсус тадқиқот туридир.

Ёнғинлар билан боғлиқ бўлган жиноятларни суриштириш чоғида кўпинча шундай муаммолар ҳам туғиладики, унинг ечимини топиш учун махсус билимлар талаб қилинади.

Бундай ҳолатларда ЎзР ЖПКнинг 172-моддасига асосланган ҳолда суриштирувни олиб бораётган шахс, терговчи, прокурор ёки суд ёнғин-техник экспертизасини тайинлашади.

Ёнғин-техник экспертизаси – бу амалдаги процессуал қонун талаблари асосида ёнғин материаллари (ҳолатлари) ни ёки ёнғин хавфсизлиги қоидаларини қасддан бузганлик ҳақидаги ҳолатларни махсус билимга эга бўлган шахс (эксперт) томонидан ёнғиннинг чиққан жойини ва вақтини, унинг сабаблари ва тарқалиши йўлларини, ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилганлиги ҳолатларини ҳамда бошқа техник масалаларни ҳал қилиш мақсадида ўтказиладиган махсус тадқиқотдир.

Ёнғин-техник экспертизасининг вазифаси – ҳар қандай бошқа суд экспертизалари сингари мавжуд илмий билимларга ва амалиётда тўпланган

маълумотларга асосланган ҳолда терговчи ёки суд томонидан тақдим этилган фактлар ва предметларни тадқиқ қилишдир.

50. Ёнғинлар билан боғлиқ жиноятларни очишда тайинланадиган айрим экспертиза турлари / 2; 6; 7; 8/

Ёнғин-техник экспертизасининг турлари. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ёнғинлар билан боғлиқ бўлган жиноятларни суриштириш чоғида экспертизанинг жуда кенг турларини тайинлашади:

- *хатшунослик* (почерковедческие) экспертизалари;
- *техник* экспертизалар – ёнғинда зарар етказилган ёки бутун қолган ҳужжатларнинг асллилигини аниқлаш ёки уни ўрганиш учун, шунингдек пул, моддий бойликлар ёки ҳужжатларни ўғирлашда мавжуд изларни яширишга интилганлиги каби эҳтимолларни текшириш учун тайинланади;
- *трассологик* – қасддан ўт қўйишда гумон қилинганда ёнғин бўлган жойда (унинг атрофида) қолдирилган оёқ ёки бармоқ изларини, шунингдек бузилган қулфлар ёки эшикларда қолдирилган изларни тадқиқ қилиш учун тайинланади;
- *криминалистик экспертизалар* – материаллар, нарсалар ва буюмларни тадқиқ қилиши учун тайинланади. Масалан, металлар ва металл қотишмалар учун (кабелларнинг мис ёки алюмин симлари) рентгенотузилмалари таҳлил ва металлография қўлланилади.
- *суд-бухгалтерия экспертизалари;*
- *муҳандислик-транспорт* – автотехник, авиацион-техник, темир йўл-техник ва бошқалар;
- *суд-тиббиёт экспертизаси;*
- *муҳандислик-техник экспертизалари* – масалан, хавфсизлик техникаси қоидалари бузилганда;
- *электротехник экспертизалари;*
- *ёнғин-техник экспертизалари* – ёнғинлар бўйича энг асосий экспертиза тури сифатида тайинланади.

Ёнғин-техник экспертизаси бошқа экспертиза турлари каби қуйидагиларга бўлинади:

- бирламчи; (ЎзР ЖПКнинг 173-175 моддалари);
- қўшимча; (ЎзР ЖПКнинг 176-моддаси);
- қайта (такрорий); (ЎзР ЖПКнинг 176-моддаси);

уни ўтказувчи субъектлар бўйича эса:

- якка тартибда ўтказиладиган;
- комиссиявий; (ЎзР ЖПКнинг 177-моддаси)
- комплекс (ЎзР ЖПКнинг 178-моддаси).

51. Ёнғин-техник экспертизаси томонидан ҳал қилинадиган масалаларнинг тахминий рўйхати. Экспертиза ўтказишнинг техник тартиби / 2; 6; 7; 8/

Экспертиза ўтказиш чоғида эксперт томонидан ҳал қилиниши зарур бўлган масалаларнинг тахминий рўйхатини келтиринг. Экспертиза ўтказишнинг техник тартибини айтиб ўтинг.

Ёнғин-техник экспертизасини тайинлашда эксперт олдига қўйиладиган саволларнинг тўғри тузилганлиги жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу саволлар махсус атамалардан тўғри фойдаланган ҳолда тузилган бўлиши зарур. Шунинг учун ҳам терговчи бу саволлар рўйхатини тузишдан олдин тегишли соҳадаги мутахассислар маслаҳатидан фойдаланса фойдадан холи бўлмайди (жумладан экспертизани

ўтказиши мўлжалланаётган шахс), бу эса амалдаги қонунлар талабларига зид келмайди.

Эксперт олдига қўйиладиган саволлар унинг ваколати доирасидан четга чиқмаслиги ҳамда аниқ, лўнда ва тушунарли бўлиши керак.

Экспертиза тезроқ ўтиши учун қўйилган саволларнинг кетма-кетлигини тўғри танлаш ҳам катта аҳамиятга эга.

Энг аввал ёнғин ўчоғини ва унинг содир этилган вақтини, шунингдек тарқалиши йўналишларини аниқлашга оид саволлар қўйилади, масалан:

- ёнғин қаерда ва қачон пайдо бўлди ва қайси йўллар бўйлаб тарқалди;
- ёнғин қандай қилиб тарқалди (пастдан юқорига қараб, юқоридан пастга, горизонтал йўналишда, қиялаб ва шу кабилар);
- конструктив элементлари ёки бошқа ёнувчан материалларнинг маълум бир жойдаги жуда кескин ёниб кетганлиги қандай тушунтирилади;
- энг аввал нима ёнишни бошлаган ва шу кабилар.

Ундан кейин содир этилган ёнғиннинг ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўладиган техник маълумотларга оид саволлар қўйилади:

- маълум модданинг ўз-ўзидан алангаланиш ҳарорати қанча;
- агар олов (аланга)нинг ранги қанақадир тусга эга бўлган бўлса, унда айнан қайси материаллар ёки моддалар ёнган;
- қайсидир аниқ бир материал ёнганида унинг максимал ҳарорати қанчани ташкил қилади;
- қайсидир предметларнинг бир-бирига ўзаро текканида (ишқаланганлигида, урилганида) учқун пайдо бўладими, агар шундай бўлса, унда у ёнғин келиб чиқишига сабаб бўла оладими;
- маълум бир материал ёки модда бошқа маълум бир ёндириш манбаси таъсиридан ёна оладими;
- маълум бир ёнувчан материаллар ёки предметлар маълум бир шароитда ўз-ўзидан алангаланиб кетиши мумкинми (масалан, пар билан иситиш тизими қувурининг ҳарорат остида);
- ёнғин содир этилишидан олдинги ҳолат шароитида маълум бир модда ёки материал ўз-ўзидан алангаланиши мумкинмиди ва шу кабилар.

Ундан кейин ёнғин хавфсизлиги қоидаларини қўпол бузганлик билан боғлиқ бўлган далилларни аниқлашга оид саволлар қўйилади, масалан:

- ёритиш ёки кучланиш электр ускуналарининг, иситиш асбобларининг ёки шамоллатиш тизимининг электр ўтказгичларини ўрнатиш (монтаж қилиш) чоғида техник шартлар талаблари бузилганми; агар бузилган бўлса, унда улар қайсилар. Аниқланган бузилишлар (камчиликлар) нинг ёнғин келиб чиқишига ёки унинг тарқалишига бевосита алоқаси борми;
- қайсидир маълум бир ишни бажаришда (масалан, газ пайвандлаш чоғида) ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг барча талабларига риоя қилинганми; агар йўқ бўлса, унда улар айнан қайсилар;
- маълум бир ҳолатда (шароитда) маълум бир шахснинг ҳатти-ҳаракатлари тегишли техник ҳужжатлари талабларига мос келганми (масалан, йўриқномалар, қоидалар талабларига) ва шу кабилар.
- Ундан кейин ёнғиннинг бевосита (техник) сабабини аниқлашга қаратилган саволлар қўйилади, масалан:
- ёнғиннинг келиб чиқишига бевосита нима (техник) сабаб бўлди;
- аниқланган ёнғин ўчоғида жойлашган материаллар ва моддаларнинг ўз-ўзидан алангаланиши натижасида ёнғин содир этилмаганми;

- ёнғин электр тармоғида рўй берган қисқа туташув, ортиқча юкланиш, катта ўтувчан қаршилик натижасида содир этилмаганми;
- ёнғин содир этилган портлаш натижасида рўй бердими ёки портлаш ёнғин натижасида содир этилдими ва шу кабилар.

Энг охирги навбатда ёнғинга қарши техник воситаларининг техник ҳолатига оид саволлар қўйилади, масалан:

- ушбу ёнғинда ёнғинга қарши автоматик восита қайси сабабдан ишлаб кетди (хабарловчилар, спринклер ёки дренчер ускуналари);
- ушбу ёнғинни ўчиришда ёнғинга қарши техникани ишлатишда улардан тўғри фойдаланилганми ва шу кабилар.

52. Ёнғин-техник экспертизасини тайинлаш учун асослар. Ёнғин-техник экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги Қарорнинг тузилиши (таркибий қисмлари) / 2; 6; 8/

Қайси қонунчиликка асосан экспертиза тайинланади? У ким томонидан тайинланади ва бу қарорнинг таркибий қисмлари нималардан иборат?

Ёнғин-техник экспертизасини қайси ҳолатларда тайинлаш кераклиги қонунлар томонидан белгиланмаган.

Лекин шу билан бир қаторда шуни ҳам эслатиб ўтиш зарурки, ёнғинлар билан боғлиқ айрим жиноятларни суриштириш чоғида қуйидаги ҳолатларни аниқлаш учун экспертиза тайинланиши ва ўтказилиши шартдир (ЎзР ЖПКнинг 173-моддаси):

1) ўлимнинг сабабини, етказилган тан жароҳатларининг хусусияти ва оғирлик даражасини;

2) жинсий алоқада бўлганликни, ҳомиладорлик ҳолатини ва ҳомилани сунъий йўл билан тушириш белгиларини;

3) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг ёшини, агар бу ҳақда ҳужжатлар бўлмаса ёки ҳужжатлар шубҳа туғдирса;

4) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг, устидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга доир иш юритилаётган шахснинг руҳий ва жисмоний аҳволини ҳамда уларнинг ғайриҳуқуқий қилмишни содир этаётган пайтда ўз ҳаракатларини идрок этиш ва идора қилиш лаёқатини, шунингдек жиноий жавобгарликнинг аҳамиятини тушуниш, жиноят процессида кўрсатувлар бериш ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини;

5) жабрланувчининг, гувоҳнинг руҳий ва жисмоний ҳолатини ҳамда улар иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни идрок қилиш, эсда сақлаш ва сўроқ қилганда ифодалаб бериш лаёқатига эга эканликларини, шунингдек жабрланувчининг жиноят процесси чоғида ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини;

6) таносил ва бошқа юқумли касалликларга чалинган, сурункали ичкиликбозликка ва гиёҳвандликка дучор бўлган шахсларни даволаш зарурлигини ва имкониятларини;

7) гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг турлари мавжудлигини;

8) пул белгилари, қимматли қоғозлар ва бошқа ҳужжатлар қалбакилаштирилганлигини;

9) портлашлар, ҳалокатлар ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг техникавий сабабларини.

Иш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлашда ҳам, агар бунинг учун махсус билимларни қўллаш зарур бўлса ва бу ҳолатлар исботлашнинг бошқа воситалари билан пухта аниқланмаган бўлса, экспертиза ўтказиш шарт.

Экспертиза тайинланиши жиноят ишларининг дастлабки тергов босқичида махсус қарор орқали расмийлаштирилади.

1 8 0 – м о д д а. Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим

Экспертиза тайинлаш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Унда:

- экспертиза тайинлаш учун асос бўлган сабаблар;
- экспертизага юборилаётган ашёвий далиллар ва бошқа объектлар, уларнинг қачон, қаерда ва қайси ҳолатда топилганлиги ва олинганлиги;
- иш материаллари бўйича экспертиза ўтказишда эса эксперт хулосаси асосланиши лозим бўлган маълумотлар;
- эксперт олдига қўйилган саволлар;
- экспертиза муассасасининг номи ёки экспертиза ўтказиш топширилган шахснинг фамилияси кўрсатилиши лозим.

Зарур ҳолларда экспертиза жиноят иши қўзғатилишидан олдин ҳам тайинланиши мумкин.

Экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим унга тааллуқли шахслар учун мажбурийдир.

Экспертиза тайинлангунга қадар терговчи экспертнинг мутахассислиги ва қўйиладиган саволлар унинг ваколатига оидлиги бўйича керакли маълумотларни аниқлайди.

Ёнғин-техник экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги Қарор қуйидаги қисмлардан иборат:

- кириш қисми;
- баён қилиш (ёзма) қисми;
- резолютив қисми.

Кириш қисмида қуйидагилар кўрсатилади:

- қарор тузилган кун, ой, йил ва жой (аҳоли пункти);
- қарорни ким тузганлиги (мансаби, махсус унвони, фамилияси);
- қайси жиноят ёки фуқаролик иши бўйича.

Баён қилиш (ёзма) қисмида қисқача қилиб ишнинг моҳияти кўрсатиб ўтилади, шунингдек экспертиза тайинланиши шартлигини кўрсатувчи асослар ва қонуннинг қайси нормаларига асосланиб тайинланаётганлиги**.**

Резолютив қисмида эса қуйидагилар кўрсатилади:

- қайси сабабдан экспертиза тайинланиши ҳақида қарор қабул қилинганлиги, нимани тадқиқ қилиниши ва экспертиза тури (ёнғин-техник, криминалистик, бухгалтерлик ва ш.к.) ҳамда унинг процессуал кўриниши (бирламчи, қайта, якка тартибда, комиссиявий, комплекс);
- экспертиза ўтказилиши топшириладиган экспертнинг фамилияси ёки эксперт муассасасининг номи;
- эксперт (экспертлар) ёзма равишда *Хулоса* бериши керак бўлган саволлар рўйхати;
- тадқиқот учун юборилаётган материаллар рўйхати.

53. Ёнғин-техник экспертининг ваколатлари / 2; 6; 8/

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 68-моддасига асосан эксперт ўзи ўтказаётган тадқиқот ишларида ва чиқараётган хулосасида ўз илмий доираси ваколатидан ташқарига чиқмаслиги керак.

Экспертнинг ўз ваколати доирасидан четга чиқиш ҳолатлари амалиётда қуйидагиларда кузатилади:

а) қилмиш таркибида жиноий ҳаракатларнинг ёки унинг субъектив томонларининг бор-йўқлигини ҳал қилади.

б) тадқиқ қилиш учун мустақил равишда керакли исботловчи материалларни йиғишга (тўплашга) киришади (унга тақдим қилинган материаллардан ташқари).

Эксперт тадқиқотини янги материаллар билан тўлдириш зарурати туғилган барча ҳолатларда эксперт хат орқали экспертиза тайинлаган органга мурожаат қилишга мажбурдир. Эксперт ўз аризасини хат орқали экспертиза тайинлаш қарори унга тақдим қилинган пайтда ёки эксперт тадқиқотини ўтказиш чоғида ҳам бериши мумкин. Бу ариза оғзаки (унда бу ариза баённомага киритилиши лозим) ёки ёзма равишда қилинади. Бу аризада эксперт қўшимча тадқиқот ўтказиш учун унга айнан қайси материаллар зарурлигини кўрсатиб ўтиши керак;

в) экспертиза учун тақдим қилинган материалларда ўз хоҳишига кўра фақат айримларини ажратиб олади, қолганларини эса эътиборсиз қолдиради, яъни ўзи ўзига исботловчи органнинг ваколатларини олади.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида терговчи экспертиза тайинлангунга қадар иш материалларида эксперт хулосаси лозим бўлган қарама-қаршиликларни бартараф этиш учун барча чораларни кўриши лозим. Агар бунинг уддасидан чиқишнинг имкони бўлмаса, унда экспертиза тайинлаш қарорида ишнинг айнан қайси материаллари тадқиқ қилиш учун тақдим қилинаётганлиги айтиб ўтилади.

Ёнғин келиб чиқишининг фақат бевосита (техник) сабабини аниқлаш. Ёнғиннинг келиб чиқиши ҳамма вақт ҳам қуйидаги бевосита ёндириш манбасига (техник сабаб) боғлиқдир: электр тармоғидаги қисқа туташув, моддалар ва материалларнинг ўз-ўзидан алангаланиши, турли машиналарнинг трубасидан чиққан учқун, гугурт олови ва шу кабилар. Экспертнинг ваколатига ёнғин келиб чиқишининг фақат ана шу техник сабабларини аниқлаш киради, негаки буни аниқлаш учун махсус ёнғин-техник билим талаб қилинади. Ёнғиннинг келиб чиқиш сабабини юридик жиҳатдан баҳолаш экспертнинг ваколатига кирмайди, шунинг учун ҳам у маълум бир шахснинг айбдорлик даражасини, қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этганини аниқлашга ҳақли эмас.

Ёнғиндаги алоҳида воқеалар билан ҳолатлар орасидаги сабабий боғлиқликларни аниқлаш. Ёнғинлар билан боғлиқ ишларни суриштириш чоғида сабабий боғлиқлик тўғрисидаги масала қуйидаги икки кўринишда юзага келади: шахснинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан унинг ушбу ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида содир этилган ёнғин орасидаги сабабий боғлиқлик; бири (сабаб сифатида) иккинчисидан (оқибат сифатида) келиб чиқадиган техник кўринишдаги ҳодисалар орасидаги сабабий боғлиқлик объектив қонуният сифатида.

Ёнғин-техник эксперти фақат техник кўринишдаги воқеалар (ҳодисалар) орасидаги иккинчи сабабий боғлиқлик масаласинигина ҳал қилишга ҳақли, масалан ёнғин келиб чиққан жойни ва унинг тарқалиши йўлларини; маълум бир жойдаги ёғоч материалларининг нисбатан кўпроқ куйганлиги сабабини; кўрсатилган шарт-шароитда тадқиқот учун тақдим этилган материалларнинг (ёғоч уни, мой сингиган латта) ўз-ўзидан алангаланиш эҳтимолини; маълум бир предметларнинг труба ёки тутун мўрисидан чиққан учқун таъсири остида ёки машиналарнинг қизиб турган қисмларига тегиб туриши натижасида алангаланиши эҳтимоли ва шу кабилар.

Агар ёнғин-техник эксперти махсус олий маълумотга эга бўлса, унда у электр токининг, ёниш кимёсининг, оксидланиш назариясининг, ўз-ўзидан

алангаланишнинг, қурилиш ишларининг ва шу кабиларнинг ёнғин хавфига оид масалаларни ҳам ҳал қилишга ҳақи бор.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик фактларини (ҳолатларини) аниқлаш. Жуда кўп ҳолатларда ёнғин-техник экспертининг олдига айнан қайси ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлиги масаласи қўйилади. Бундай масаланинг қўйилиши ҳуқуқий жиҳатдан асосли ҳамдир. ЎзР Жиноят Кодексининг 259-моддаси жиноят таркибининг икки тавсифий мезонини кўзда тутади – юридик ва техник. Ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларини, масалан, қурилиш-монтаж қилиш ишларини амалга ошириш қоидаларини бузиш факти юридик тавсифга эга, бироқ бу қоидаларнинг мазмуни ва уларни бажариш - техник тавсифга эгадир. Эксперт, қоидаларни бузганлик ҳақида ёзма хулоса берар экан, у бунга фақат техник нуқтаи назардан ёндашиши лозим, юридик жиҳатларига эса эътибор бермаслиги лозим.

Қилмишда жиноят таркибининг мавжудлигини юридик жиҳатдан аниқлаш учун (терговчининг ваколати) энг аввало, техник жиҳатдан қоидабузарлик ҳолати мавжудлигини аниқлаш лозим (экспертнинг ваколати). Бунинг учун эса эксперт техник хулоса бериши учун техник меъёрлар ва қоидаларни яхши билиши лозим, жумладан қурилиш меъёрлари ва қоидаларини (ҚМҚ), электр ускуналарини ўрнатиш қоидаларини (ПУЭ), ёнғин хавфсизлиги қоидаларини (ЁХҚ) ва шу кабиларни. Эксперт ўзининг махсус маълумотига оид техник меъёрлар ва қоидаларнинг мазмунини тушунтириб беришга ва ўзининг ишида уларга асосланишга ҳақлидир. У шунингдек техник меъёрлар ва қоидаларнинг у ёки бу жойларини маълум бир ҳолатга нисбатан қандай қўлланилишини, унинг мазмунини тушунтириб беришга, маълум шахс ҳаракатларининг (масалан, электр пайвандловчи) ушбу ҳолатда техник талабларга жавоб бериши масалаларини ҳам ҳал қилишга ҳақлидир. Бунда эксперт шахснинг ҳатти-ҳаракатларини ҳуқуқий жиҳатдан баҳолай олмайди, қўлидаги материалларга қараб фақат техник жиҳатдан баҳо беради. Агар иш бўйича тақдим қилинган материаллар орасида бир-бирига қарама-қаршиликлар мавжуд бўлса, унда эксперт терговчига (судга) бу масалани ечиш бўйича бир неча вариант таклиф этиши мумкин.

54. Экспертнинг жавобгарлиги / 2; 6; 8/

Эксперт қасддан ёлғон хулоса берганлиги, хулоса беришдан бош тортганлиги, дастлабки тергов ёки суриштирувга оид маълумотларни прокурор, терговчи ёки суриштирувни олиб бораётган шахснинг рухсатисиз сир сақламай ошкор этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилади. Қасддан ёлғон деганда, олдиндан кўра била туриб ёлғон хулоса берганлик тушунилади. Қасддан ёлғон хулоса берганликка экспертнинг суд, тергов ёки суриштирув органларидан тадқиқот ўтказиш чоғида унга маълум бўлган иш бўйича жиддий аҳамиятга молик бўлган маълумотларни яшириш киради. Қасддан ёлғон хулоса беришнинг сабаблари турлича бўлиши мумкин.

Экспертнинг жиноий жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг қуйидаги моддаларида ёритилган:

238 - м о д д а. Ёлғон гувоҳлик бериш.

Ёлғон гувоҳлик бериш, яъни суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёки ишни судда кўриш вақтида гувоҳ ёки жабрланувчининг била туриб, ёлғон кўрсатув бериши ёхуд экспертнинг била туриб нотўғри хулоса бериши, шунингдек бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёхуд ишни судда кўриш вақтида гувоҳ ёки жабрланувчининг ёлғон кўрсатув бериши ёки экспертнинг ёлғон хулоса бериши ёхуд таржимонни нотўғри таржима қилиши учун пора эвазига оғдириб олиш, шунингдек, уларга ёки уларнинг яқин қариндошларига руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказиш орқали ёлғон кўрсатув беришга мажбур қилиш –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, -

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

239 - м о д д а. Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш.

Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг рухсатисиз ошкор қилиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

240 - м о д д а. Жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши.

Суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов вақтида ёки судда гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатув беришни ёхуд экспертнинг хулоса беришни рад этиши ёки бу ишдан бўйин товлаши –

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

55. Ёнғин-техник экспертининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари / 2; 6; 8/

Экспертнинг мажбуриятлари. Суд, прокурор, тергов ва суриштирув органлари - бир томондан, иккинчи томондан эса – эксперт, улар орасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг энг жиддийси бу - айтилган органларнинг экспертдан эксперт тадқиқотларини ўтказиш ва унинг олдига қўйилган саволлар бўйича асосланган хулоса чиқаришни талаб қилиш ҳисобланади. Шунинг учун экспертнинг энг асосий мажбурияти бу тадқиқот ўтказиш ва асосланган ёзма хулоса чиқариб бериш ҳисобланади. Эксперт хулоса чиқараркан, у бунда жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига риоя қилган ҳолда ишларни амалга ошириши шарт. Суриштирув олиб борувчи шахс, терговчи, прокурор, суд экспертга унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беришлари шарт, асосан экспертиза ўтказилиши агар эксперт муассасаси ходимига топширилмаган бўлса. Экспертнинг қолган барча процессуал мажбуриятлари юқорироқда айтилган унинг асосий мажбуриятларидан келиб чиқади ва уни амалга оширишнинг энг яхши воситаси ҳам.

ЎзР ЖПКнинг 68-моддасига асосан экспертнинг мажбуриятлари қуйидагича:

- суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши;
- олдига қўйилган саволлар бўйича ёзма хулосалар бериши;
- ўзи томонидан ўтказилган экспертиза бўйича кўрсатувлар бериши ва хулосаларни тушунтириш учун қўйилган қўшимча саволларга жавоб бериши;
- суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг рухсатисиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор этмаслиги;
- ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Экспертнинг ҳуқуқлари. Қонун экспертга, жумладан ёнғин-техник экспертига ҳам у томонидан сифатли тадқиқот ўтказиш, эксперт ёзма хулосасининг ҳаққоний ва тўлиқ бўлиши учун бир қатор ҳуқуқлар яратиб берган.

Экспертнинг ҳуқуқлари ЎзР ЖПКнинг 68-моддасида ёритилган бўлиб, улар қуйидагилар:

- экспертиза қилиш учун тегишли иш материаллари билан танишиш ва ундан керакли маълумотларни ёзиб олиш;
- ўзига қўшимча материаллар тақдим этилиши ҳақида илтимоснома бериш; башарти ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар унинг мутахассислигига оид бўлмаса ёки хулоса бериш учун унга тақдим этилган материаллар етарли бўлмаса, хулоса беришнинг иложи йўқлиги ҳақида ҳужжат тузиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг рухсати билан тергов ҳаракатлари юритилишида иштирок этиш ва тергов ҳаракатида иштирок этувчи шахсларга экспертизага оид тегишли саволлар бериш;
- экспертизага оид далилларни текширишда суд муҳокамасида иштирок этиш ва суднинг рухсати билан сўроқ қилинаётган шахсларга саволлар бериш;
- ашёвий далилларни ва ҳужжатларни кўздан кечириш;
- ўз хулосаларида фақат унинг олдига қўйилган масалалар ҳақида эмас, балки экспертизага оид бошқа масалалар бўйича ҳам фикр билдириш;
- башарти иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хулоса ва кўрсатув бериш ва бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш;
- суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар бериш.

56. Экспертни сўроқ қилиш ва уни рад этиш / 2; 6; 8/

Рад этиш (отвод бериш) ҳақида қисқача тушунча. Эксперт ким томонидан ва қайси мақсадда рад этилади?

Экспертни сўроқ қилиш. ЎзР ЖПКнинг 186-моддасига биноан агар экспертнинг хулосаси етарли даражада аниқ бўлмай, камчиликларни тўлдириш учун қўшимча текшириш ўтказишга зарурат бўлмаса ёки эксперт фойдаланган усулларга аниқлик киритиш зарур бўлиб қолса, суриштирувчи, терговчи ёки суд экспертни ушбу Кодекснинг 98-108 моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя этган ҳолда сўроқ қилиш ҳуқуқига эга.

Экспертни сўроқ қилиш натижасида терговчи қўшимча ёки такрорий экспертиза тайинлаш зарурати туғилганлиги ҳақидаги фикрга ҳам келиши мумкин.

Экспертни сўроқ қилиш учун чақириш қуйидагича амалга оширилади: экспертни терговчи олдига унга чақириқ қоғози тақдим этиш ва ундан тилхат олиш орқали, агар у вақтинчалик уйда бўлмаса, унда оила аъзоларидан бирига ёки эксперт ишлайдиган муассасанинг маъмурияти, маҳалла қўмитаси ва шу кабиларга чақириқ қоғозини тақдим этиш орқали чақирилади. Чақириқ қоғозида қуйидаги маълумотлар бўлиши шарт: эксперт сифатида ким чақирилмоқда; кимнинг олдига ва қайси манзилга; эксперт ҳозир бўлиши керак бўлган вақтнинг куни, соати ва ҳозир бўлмаслигининг оқибатлари. Эксперт шунингдек, телефонограмма ёки телеграмма орқали ҳам чақиртирилиши мумкин.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар мавжуд бўлишидан ташқари эксперт дам олиш ёки байрам кунлари чақиртирилмайди. Агар эксперт экспертиза муассасасида ишласа, унда у муассаса раҳбари орқали чақиртирилиши зарур.

Экспертни сўроқ қилишдан олдин терговчи унга унинг ЎзР ЖПКнинг 68-моддасида берилган ҳуқуқларини тушунтириб бериши ва бу ҳақда баённомада махсус белги қўйиши шарт (ҳуқуқларни такроран тушунтириб беришнинг ҳожати

йўқ). Ундан кейин терговчи экспертга баённомага киритиш орқали саволлар беради. Экспертни маълум кўрсатмалар беришга қўрқитиш ёки бошқа ноқонуний чоралар кўриш орқали мажбурлаш мумкин эмас, бунинг учун ЎзР Жиноят Кодексининг 235-моддасида («Кўрсатув беришга мажбур қилиш») жиноий жавобгарлик чораси белгиланган. Шунингдек, бундай усул билан тўпланган маълумотлар исботлаш кучига эга эмас, деб топилади. Эксперт томонидан ёзма хулоса тузилмагунга қадар у сўроқ қилинмаслиги керак, негаки ЎзР ЖПКга асосан унинг берган кўрсатувлари ёзма хулосанинг таркибий қисми (давоми) деб қаралади. Экспертнинг барча кўрсатувлари баённомага киритилиши шарт. Сўроқ пайтида унга берилган саволлар ҳам сўзма-сўз баённомага киритилади. Эксперт ўзининг кўрсатувларини ўз қўли билан ёзма равишда ҳам беришга ҳақлидир.

Суд пайтида эксперт ўз ёзма хулосасини ўқиб эшиттирганидан сўнг сўроқ қилинади. Суд пайтида экспертни сўроқ қилишнинг асосий мақсади, унинг илгари берган хулосасининг тўғрилигини яна бир марта текшириш ҳисобланади. Унга саволлар унинг хулосасидаги маълумотларни тушунтириб бериши ёки аниқлик киритиши учун ҳам берилиши мумкин. Унга саволлар қуйидаги кетма-кетликда берилади: аввал судьялар, кейин айбловчи (прокурор), жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва унинг вакиллари, ҳимоячи ва судланувчи. Экспертнинг кўрсатувлари суд мажлисининг баённомасига киритилади, бу кўрсатувлар суд хулосасининг таркибий қисмига киради.

Агар берилган саволларга жавоб қўшимча тадқиқотларни талаб қилса, суд экспертга бунинг учун қўшимча вақт бериши мумкин. Бундай ҳолатда эксперт судга қўшимча ёзма хулоса тузиб бериши керак бўлади.

Агар экспертизада бир нечта эксперт қатнашган бўлса ва уларнинг хулосаси бир хил маънога эга бўлса, унда суд ўз ихтиёрига кўра фақат улардан бирини сўроқ қилиши мумкин. Бордию экспертлар хулосаси турли (қарама-қарши) маънога эга бўлса, унда суд уларнинг ҳар иккаласини ҳам сўроқ қилади.

Экспертни рад этиш учун асослар. ЎзР ЖПКнинг 76, 78, ва 80-моддаларига асосан, эксперт қуйидаги ҳолларда жиноят процессида иштирок этишга ҳақли эмас ва уни рад қилиш лозим, башарти:

1) у шу иш бўйича жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, мутахассис, таржимон, холис, гувоҳ, ҳимоячи сифатида, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг қонуний вакили ёки жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этаётган ёки илгари иштирок этган бўлса;

2) у ушбу ишни юритиш учун масъул бўлган бирор мансабдор шахснинг ёки 1-бандда кўрсатилган ўзга шахсларнинг қариндоши бўлса;

3) унинг холислигига ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган ҳолатлар мавжуд бўлса;

4) ишда иштирок этаётган шахслардан бирортасига хизмат юзасидан ёки бошқа жиҳатдан тобе бўлса. Бу ерда «бошқа жиҳатдан» деган иборада экспертнинг манфаатдорлигини, хизмат юзасидан унга бўйсунишини ва шу кабиларни тушуниш керак. Жиноят процесси иштирокчиларидан бирининг экспертга тобе бўлган ҳолларда ҳам эксперт рад этилиши керак.

5) у шу иш бўйича тармоқ (соҳа) ёки нозирлик тафтиши (текшируви) ўтказган бўлса ва текширув материаллари жиноят ишини қўзғатишга асос бўлган бўлса ёки кейинчалик ишга ҳужжат сифатида илова қилинган бўлса (масалан, ёнғин хавфсизлигига қаратилган ишларни текшириш натижасида тузилган ёзма кўрсатма);

6) унинг ўз касбига нолойиқлиги аён бўлиб қолса.

Юқорида айтиб ўтилган барча ҳолатларда эксперт жиноят процессида иштирок этишда ўзини ўзи рад этиши керак. Агар у ўзи бундай қилмаса, у шу асосга кўра гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, ҳимоячи томонидан, суд мажлисида эса, бундан ташқари давлат айбловчиси, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг вакили томонидан рад этилиши мумкин.

Ишни тергов қилиш чоғида рад этиш масаласи прокурор, терговчи, суриштирувчи томонидан, суд мажлисида эса, суд томонидан ҳам қўйилиши мумкин.

Ишни тергов қилиш чоғида қўйилган рад қилиш масаласи суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан йигирма тўрт соат ичида ҳал этилади. Рад қилиш суд мажлисида қўйилган бўлса, бу масала шу мажлисда дарҳол ҳал этилади.

57. Мутахассиснинг тергов ҳаракатларида қатнашиш учун процессуал асослар / 2; 6; 8/

ЎзР ЖПКнинг 69-моддасига асосан тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва мустаҳкамлашда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш учун мутахассис чақирилади. Тергов ҳаракатларини амалга оширишда мутахассиснинг бевосита иштирок этишидан асосий мақсад – терговнинг тўлалиги ва ҳар томонлама бўлишини таъминлаш.

Мутахассис мустақил процессуал фигура ҳисобланади ва унинг фаолияти экспертникига нисбатан олдига қўйилган вазифаси билан, унинг мазмуни, мақсадлари ва махсус билимлардан фойдаланиш услублари, процессуал ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларининг ҳажми ва тавсифи бўйича ҳам анчагина фарқ қилади.

Мутахассис хизматидан фойдаланишнинг асосий мақсади – терговчига исботловчи воситаларни (далилларни) излаб топишда, уларни мустаҳкамлашда ва олиб қўйишда ёрдам кўрсатиш. Унинг фаолияти тергов ҳаракатларининг таркибий қисми ҳисобланиб, қўшимча тавсифга эга ва у тергов ҳаракати доирасидан четга чиқмаслиги керак. Мутахассис маълум бир тергов ҳаракатида (масалан, ҳодиса содир этилган жойни кўздан кечиришда, тергов экспериментида) иштирок этар экан, у ўзининг махсус билими ва малакасига асосланиб, терговчининг эътиборини исботловчи далилларни излаб топиш, мустаҳкамлаш ва олиб қўйишга қаратади, улар амалга ошираётган ҳаракатларнинг мазмунини терговчига тушунтириб беради ва шу орқали терговчига илмий-техник ёрдам кўрсатади, ўтказилаётган тергов ҳаракатининг барча ҳолатларини янада кенгроқ ва ҳар томонлама аниқлаш бўйича кўмаклашади. Мутахассиснинг фаолияти у қатнашган тергов ҳаракатининг баённомасида ёритилади.

Мутахассис сифатида чақирилаётган шахс зарур билимлар ва малакага эга бўлиши ва ишнинг муваффақиятсиз якун топишига манфаатдор бўлмаслиги керак. Бунда мутахассиснинг билимлари ҳуқуқ соҳасига ҳамда кенг оммага маълум бўлган соҳага доир бўлмаслиги керак.

Шахс мутахассис сифатида ишда бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлганлиги учун қатнаша олмайди.

Тергов ҳаракатини амалга оширишда мутахассисни жалб этиш – бу терговчининг мажбурияти эмас, балки унинг ҳуқуқидир (бундан қонунда тўғри кўрсатилган педагог ёки врачни жалб этиш ҳолатлари мустасно). Бироқ гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи тергов ҳаракатларида мутахассиснинг иштирок этишини талаб қилишлари мумкин.

Тергов ҳаракатига мутахассисни жалб этиш учун махсус қарор чиқариш талаб қилинмайди.

Тергов ҳаракатини бошлашдан олдин терговчи жалб этилаётган мутахассиснинг шахсини аниқлаши, шунингдек, унинг нолойиқ эмаслигини, айбланувчи ва жабрланувчига нисбатан муносабатларини, унинг бу ишда манфаатдор эмаслигини аниқлаши лозим. Бундан кейин терговчи мутахассисга унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириб бериши, ўз вазифасини бажаришда бўйин товлаганлиги учун жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида таъкидлаши ва бу ҳақда тергов ҳаракати баённомасида тилхат орқали қайд қилиши лозим.

Жиноят-процессуал қонунчилиги бўйича мутахассис қуйидаги тергов ҳаракатларида қатнашиши мумкин: ҳодиса (воқеа) содир этилган жойни, теварак-атрофини, хоналарни, предметлар ва ҳужжатларни кўздан кечиришда; тинтув ўтказиш, почта-телеграф корреспонденцияларини олиб қўйишда; тергов экспериментида; таққослаш учун тадқиқотга керак бўладиган намуналарни олишда.

Ёнғинлар бўйича тергов ишларида ёнғин-техник мутахассислари кўпинча ёнғин содир этилган жойни кўздан кечиришда иштирок этишади (жалб этишади).

Ёнғин-техник мутахассиси терговчига қуйидаги йўналишлар бўйича ўз ёрдамини кўрсатади:

- кўздан кечириш вақтида изларни ва бошқа ашёвий далилларни излаб топишда ва уларни кўздан кечиришда;
- изларни танлашда ва ишга алоқаси бўлмаган тўсатдан пайдо бўлган изларни истисно қилишда;
- ёнғин бўлган жойдаги ҳолатни ва объектнинг ўзаро жойлашувини қайд қилишда (чизмалар ва схемаларда);
- излар ва бошқа ашёвий далилларни баённомада тўғри ёзилишида;
- излар ва бошқа ашёвий далилларни олиб қўйиш ва ўрашда;
- тергов эксперименти ўтказиш учун зарур бўлган материаллар, моддалар ва бошқа объектларни танлашда;
- ишнинг ҳал бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни ва ёнғиннинг келиб чиқиши учун сабаб бўлган шарт-шароитларни аниқлашда.

Мутахассиснинг ишда иштироки экспертиза ўтказилишини истисно этмайди, балки кўпгина ҳолларда уни назарда тутади ҳам. Лекин бунда ҳар доим шуни эътиборда тутиш керакки, тергов ҳаракатларида иштирок этган ёнғин-техник мутахассиси, кейинчалик бу ишда эксперт сифатида қатнаша олмайди.

Ёнғин-техник мутахассиси суд мажлисига ҳам ҳодиса жойининг атрофини, хоналарни ва ашёвий далилларни кўздан кечириш учун чақирилиши мумкин. Бунда унинг бу иш бўйича илгари тергов ҳаракатларида мутахассис сифатида қатнашганлиги суд муҳокамасида ўз мажбуриятини бажариш учун тўсиқ бўла олмайди. Шу билан бирга шуни ҳам эсда тутиш лозимки, илгари шу иш бўйича эксперт сифатида қатнашган шахс судга мутахассис сифатида чақирилиши мумкин эмас.

Мутахассис суд муҳокамасида қатнашар экан, у ўзининг билими ва малакасини суд томонидан изларни ва бошқа ашёвий далилларни излаб топишга, мустаҳкамлашга ва олиб қўйишга қаратиши керак. Ёнғин-техник мутахассисининг барча ҳаракатлари суд аъзоларига ва суд муҳокамасининг бошқа иштирокчиларига тушунарли бўлиши керак. Ўз ҳаракатлари натижасини у намойиш этиши ва тегишли тушунтиришлар бериши керак. Бироқ мутахассисни сўроқ қилишмайди.

Мутахассиснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини унга судда раислик қилувчи тушунтириб беради. Худди шу раис унинг бўйин товлаши ёки рад этиши учун жавобгарлик даражаси ҳақида ҳам таъкидлайди ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида қайд қилади.

58. Ёнғин-техник мутахассисининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари / 2; 6; 8/

Мутахассис жиноят иши юритилишида, жиноят процессининг иштирокчиси сифатида маълум ҳуқуқларга ва мажбуриятларга эга бўлиб, у ЎзР ЖПКнинг 70-моддасида батафсил баён қилинган.

Мутахассис қуйидаги **ҳуқуқларга** эгадир:

- ўзининг қандай мақсадда чақирилганлигини билиш;
- башарти тегишли билимларга эга бўлмаса, иш юритишда иштирок этишдан бош тортиш;
- ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга оид иш материаллари билан танишиш;
- ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга алоқадор арз ва мулоҳазалар билдириш;
- тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасида иштирок этаётган шахсларга суриштирувчининг, терговчининг, прокурор ва суднинг рухсати билан саволлар бериш;
- суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари устидан шикоятлар келтириш.

Унинг **мажбуриятлари** эса қуйидагича:

- суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши;
- тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасини юритишда далилларни топиш ва мустаҳкамлаш учун илмий-техника воситалари, махсус билим ва малакасидан фойдаланган ҳолда иштирок этиши;
- иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг эътиборини қаратиши;
- ўзи бажараётган ҳаракатлар бўйича тушунтиришлар бериши;
- жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, содир қилинишига имкон берган шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериши;
- суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг рухсатисиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор этмаслиги;
- ишнинг тергови ва суд мажлисида тартибга риоя этиши шарт.

59. Ёнғин-техник мутахассисининг тергов кўздан кечиришида иштирок этиши / 2; 6; 8/

Тергов кўздан кечириши терговчи томонидан жиноят изларини ва бошқа ашёвий далилларни излаб топиш, қайд қилиш ва тадқиқ қилиш, шунингдек, воқеа ҳолатларини, иш учун аҳамиятга молик бўлган бошқа ҳолатларни бевосита тасаввур қилиш ва ўрганиш мақсадида турли объектларни кўздан кечиришдан иборат.

Ёнғин-техник мутахассиси тергов кўздан кечиришида иштирок этиш жараёнида терговчига қуйидаги масалалар бўйича ёрдам бериши мумкин:

-кўздан кечиришнинг энг тўғри тактикасини танлашда;

-жиноят излари ва бошқа ашёвий далилларни излаб топиш, қайд қилиш ва олиб қўйишда;

-уларни баённомада тўғри ёзишда (баён қилишда);

-воқеа содир этилган жойнинг чизма ва схемаларини чизишда.

Воқеа содир этилган жойни кўздан кечиришга тайёргарлик кўриш чоғида ёнғин-техник мутахассиси терговчининг таклифи билан ёнғин ҳақидаги хабарни ва кўздан кечириш тартибини маслаҳатлашиб олишда иштирок этади. У бошқа

мутахассисларни ҳам жалб этиш лозимлиги, кўздан кечириш чоғида у ёки бу илмий-техника воситаларидан фойдаланиш кераклиги ҳақида ўз таклифларини бериши мумкин. У кўздан кечириш раҳбари томонидан тезкор гуруҳ аъзоларига бераётган йўриқномада ва шоҳидлар ва жабрланувчиларни сўроқ қилиш чоғида қатнашади, бунда олинган маълумотларни эса ёнғиннинг келиб чиқиши ва тарқалишига оид ҳолатларни ҳамда излар ва бошқа ашёвий далилларни излаб топиш имкониятларини аниқлашга қаратади. Агар кўздан кечиришга бошқа мутахассислар ҳам таклиф қилинган бўлса (суд врачи, криминалист, муҳандис-электрик, технолог ва бошқалар), унда ёнғин-техник мутахассиси улар билан алоқа ўрнатиб, биргаликда ҳаракат қилиш тартибини белгилаб олиши зарур.

Кўздан кечиришни амалга ошириш вақтида ёнғин-техник мутахассиси терговчига кўздан кечиришнинг кетма-кетлигини аниқлашда, изларни ва ашёвий далилларни излаб топиш усулларини белгилашда, бу ишларни амалга ошириш учун зарур илмий-техника воситаларини танлашда ёрдам беради. Мутахассис ўзининг махсус билимларига таянган ҳолда ёнғин бўлган жойдаги умумий ҳолатни қайд қилиш усуллари ва кетма-кетлигини белгилаш юзасидан, унинг алоҳида участкалари, аниқланган излар ва бошқа ашёвий далиллар юзасидан ўз фикр-мулоҳазасини билдиради. Ёнғин-техник мутахассиси терговчига зарур ўлчашлар, режа ва чизмалар тузишда ҳам ёрдам бериши мумкин. Ёнғин-техник мутахассисининг терговчига излар ва бошқа ашёвий далилларни излаб топиш, мустаҳкамлаш ва олиб қўйиш бўйича кўрсатган ёрдамининг барчаси унинг махсус билими доирасида турли маслаҳатлар бериш билан кузатилиши керак. У ўзининг фикрини аниқланган ашёвий далилларнинг бир-бирига боғлиқлиги ҳақида ҳам билдириб, шу билан бирга у терговчи томонидан содир этилган воқеанинг моҳияти ва ҳолатларини тушуниб етишига ҳам ёрдам берган бўлади. Масалан, ёниш чуқурлигига қараб мутахассис ёғоч конструкция ёки предметнинг қанча вақт давомида ёнганлигини айтиб бериши мумкин. Лекин унинг барча фикр-мулоҳазалари тезкор тавсифга эга бўлиб, баённомага киритилмайди.

Мутахассис терговчи бошчилигида ишлайди, бироқ бу унинг ашёвий далилларни излаб топиш бўйича ташаббус кўрсатишига халал бермаслиги керак.

Кўздан кечиришнинг якуний босқичида ёнғин-техник мутахассиси терговчига топилган ашёвий далилларни олиб қўйишда ва ўрашда ҳам ёрдам кўрсатади. Кўздан кечириш баённомасини тузиш вақтида у терговчига кўздан кечириш чоғида учраган ҳодиса жойининг баёнини, унинг алоҳида участкаларини, шунингдек излар ва ашёвий далилларга боғлиқ махсус техник атамаларнинг қандай ёзилиши бўйича ҳам маслаҳатлар беради.

Кўздан кечириш баённомасининг кириш қисмида ёнғин-техник мутахассисининг иштирок этганлиги ҳақида ҳам маълумот бўлиши шарт, шунингдек унинг фамилияси, исми-шарифи, иш жойи, лавозими, мутахассислиги ва иш стажи; баённоманинг ёзма (баён қилиш) қисмида эса – исботловчи далилларни излаб топиш бўйича мутахассиснинг қилган ҳаракатлари.

Кўздан кечиришнинг барча иштирокчилари сингари, ёнғин-техник мутахассиси ҳам терговчидан унинг кўздан кечириш жараёнида қилган нотўғри ҳаракатларига оид билдирган арз ва мулоҳазаларини баённомада махсус қайд қилишни талаб қилишга ҳақли. Кўздан кечириш баённомасига терговчи, холислар ва мутахассис ўз имзоларини қўйишади.

Амалиётда кўпгина ҳолларда терговчилар ёнғин-техник мутахассисига ҳодиса жойининг чизмасини миқёсга (масштабга) риоя қилган ҳолда чизишини ёки муҳим объектлар орасидаги масофаларни кўрсатган ҳолдаги чизмасини чизишни

топширишади. Шунингдек, мутахассис терговчи томонидан унга фотожадвал тузишга ёрдам беришини ҳам сўраши мумкин.

60. Ёнғин-техник мутахассисининг тергов ҳаракатларида иштирок этиши / 2; 6; 8/

ЎзР ЖПКнинг 153, 155-моддаларига таянган ҳолда терговчи тергов экспериментини ўтказиш учун мутахассисни чақиришга ҳақлидир.

Ёнғинлар билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг дастлабки терговида зарур бўлган тергов экспериментини ўтказиш учун ёнғин-техник мутахассиси анча ёрдам кўрсатиши мумкин. У терговчига ўзининг маслаҳатларини ушбу эксперимент учун қайси шароит кўпроқ қулайлиги, уни амалга ошириш учун нималар қилиш кераклиги, экспериментни бир неча марта ўтказиш зарурлиги, эксперимент чоғида улардан ташқари яна қайси мутахассислар зарурлиги (муҳандис-электрик, муҳандис-технолог ва бошқалар) бўйича бериши мумкин. Терговчи воқеанинг ёнғингача бўлган шарт-шароитлар ва ҳолатларини тиклаш учун мутахассисга мурожаат қилишга ҳақли.

Тергов экспериментининг баённомасини тузиш вақтида ёнғин-техник мутахассиси терговчига эксперимент натижаларини баён қилишда махсус техник атамаларни танлашда ва уларнинг қандай ёзилиши зарурлиги ҳақида ҳамда бошқа зарур маслаҳатлар беради.

Тергов эксперименти баённомасининг кириш қисмида ёнғин-техник мутахассисининг иштирок этганлиги ҳақида ҳам маълумот бўлиши шарт, шунингдек, унинг фамилияси, исми-шарифи, иш жойи, лавозими, мутахассислиги ва иш стажи. Тергов экспериментининг барча иштирокчилари сингари, ёнғин-техник мутахассиси ҳам терговчидан унинг кўздан кечириш жараёнида қилган нотўғри ҳаракатларига оид билдирган арз ва мулоҳазаларини баённомада махсус қайд қилишни талаб қилишга ҳақли. Тергов эксперименти баённомасига терговчи, холислар ва мутахассис ўз имзоларини қўйишади.

Маълумки, эксперт тадқиқоти натижалари, унинг сифати ва ўтказиш муддатлари кўп томондан экспертиза учун тайёрланган материалларга боғлиқ, шунинг учун ҳам терговчи ёнғин-техник экспертизасини тайинлаш чоғида кўпинча мутахассиснинг ёрдамига муҳтож бўлади.

Ёнғин-техник экспертизасини тайинлашда мутахассиснинг терговчига кўрсатган ёрдами кўпинча қуйидаги маслаҳатлар бўйича бўлади:

- экспертиза тайинланишининг зарурлиги ва уни ўтказиш вақти;
- экспертизага жўнатилиши лозим бўлган объектлар ва материалларни танлаш;
- ёнғин-техник эксперти ҳал қила оладиган ва ҳал қилиши зарур бўлган саволлар (масалалар) доираси;
- ёнғин-техник экспертизаси тайинланиши муносабати билан боғлиқ бўлган айбланувчининг (ёки процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан) арзини ҳал қилиш.

Ёнғин-техник экспертизаси тайинланишининг зарурати ва вақти муҳим аҳамиятга эга бўлиб, терговчи бу масалани ҳал қилишда кўпинча қийналади, натижада эса у экспертизани ё кечиктириб тайинлайди, ёки умуман эксперт тадқиқоти зарур бўлмаган масалалар бўйича ҳам тайинлайверади, бу эса ўз навбатида, исботловчи далилларни нотўғри баҳолашга олиб келади. Ёнғин-техник мутахассисининг малакали маслаҳати бу хатоликларга йўл қўймасликка имкон беради. Мутахассис терговчига қайси объектлар ва материалларни экспертизага тадқиқот учун жўнатилишида ёрдам беради.

Ёнғин-техник мутахассиси ёнғин-техник экспертизасининг турини аниқлашда ҳам маслаҳат бериши мумкин. Агар комплекс экспертизаси (комиссия таркибида) танланган бўлса, унда ёнғин-техник экспертидан ташқари қайси экспертларни комиссия таркибига киритилиши лозимлиги бўйича маслаҳатлар беради.

Экспертиза тайинлаш қарорида мутахассиснинг бу тергов ҳаракатида иштирок этганлиги ҳақида махсус белги қўйилмайди, негаки унинг бундаги иштироки маслаҳатчи кўринишида бўлади.

Бир қатор ҳолатларда, ёнғинлар билан боғлиқ бўлган жиноятлар терговида, айбланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилишда терговчи ёнғин-техник билимлар зарур бўлган саволлар билан тўқнашади. Уларни ҳал қилиш учун ҳамма вақт ҳам экспертиза тайинланавермайди. Кўпинча, бундай муаммоларни ҳал қилишда ёнғин-техник мутахассисининг маслаҳати билан чекланса бўлади. Ёнғин-техник мутахассиси терговчига у ёки бу асбобнинг тузилиши ва ишлаш принципига боғлиқ махсус техник саволлар, ёнғинга қарши ускуналар, у ёки бу технологик жараённинг ёнғин хавфсизлиги масалалари ва бошқа техник муаммолар бўйича маслаҳатлар бериши мумкин..

Ёнғин-техник мутахассисининг ёрдами терговчига корхоналарда иш учун аҳамиятга молик бўлган ёнғин хавфсизлигини тавсифловчи ҳужжатларни танлашда ва олиб қўйишда ҳам ас қотади. Бундай ҳужжатларга ДЁН органларининг ёзма кўрсатмалари, корхона раҳбариятининг ёнғин хавфсизлигини таъминлашга оид буйруқлари, фармойишлари ва бошқалар кириши мумкин.

61. Ёнғин бўлган жойни кўздан кечиришнинг асосий объектлари / 2; 6; 8/

Ёнғин бўлган жойни **кўздан кечиришнинг асосий объектлари** қуйидагилар: электр симлари; аппарат ва механизмлар, бинолар, хоналар ва улардаги жиҳозларнинг жойлашуви; ишлаб чиқариш ускуналари; иситиш тизимлари ва асбоблари; одамлар ва ҳайвонларнинг мурдалари; ўз-ўзидан ёниб кетишга мойил бўлган енгил ёнувчан ва ёнувчан суюқликлар, моддалар ва материалларнинг жойлашган ўринлари; тахмин қилинаётган ёки аниқланган ёнғин ўчоғи; ёнғин бўлган жойда айбдор қолдирган излар ва нарсалар; ёнғиннинг келиб чиқишига сабабчи бўлиши мумкин бўлган нарсалар; ёнғин бўлган жойнинг теварак-атрофи.

Ёнғин бўлган жойнинг қайси ҳажмда кўздан кечирилиши ишнинг ҳолатларига ва аниқланган ёки эҳтимол қилинаётган ёнғин сабабига боғлиқ.

Электр ускуналарини кўздан кечиришда қуйидагилар текширилади: ҳамма электр жиҳозлари ва контакт қурилмалари; ҳимояловчи, олдини олувчи ва ерга уланувчи ускуналар; электр кабеллари ва симлари (маркаси, материали, юзаси ва бошқалар), пўлат қувурлар симлари билан, уларнинг уланиши ва бириктирилиши; кабеллар ва симларнинг тўсиқларни кесиб ўтган жойлари; шикастланган ва эриган электр ускуналарининг бўлаклари.

Ишлаб чиқариш ускуналарини кўздан кечиришда қуйидагилар текширилади: дастгоҳлар, механизмлар ва бутунлай агрегатлар; механизмларнинг шикастланган ва яроқсиз деталлари; ишқаланадиган қисмлар, ҳимоя асбоблари ва тўсиқлари. Асосий эътиборни ускуналарга техник хизмат кўрсатиш ва режа-профилактик таъмирлаш ҳужжатларини ўрганишга қаратиш керак.

Печни кўздан кечиришда қуйидагилар текширилади: ғишт қаланмаси; мўри, мўрининг шифт билан кесишган жойи (разделка); ўтин (ёқилғи) соладиган ва ҳаво кирадиган дарчалар (очиқ-ёпиқ ҳолати, соз-носозлиги); ўтин (ёнилғи) ёнадиган жойи ва унда нима борлиги; печнинг ўрнатилган жойи (пойдевори) ва қурилмаси;

печ билан ёғоч конструкцияларининг бир-бирига теккан жойлари; печнинг яқин атрофидаги ёнувчан моддалари ва нарсалар; девор сувоғининг кўчган-кўчмаганлиги ва шикастланганлиги, ёриқлар пайдо бўлганлиги ва уларнинг қорайганлиги, мўридаги куянинг ҳолати (ранги, қуруқлиги); ёқилғи.

62. Ашёвий далиллар ва қиёсий тадқиқот қилиш учун зарур намуналар ҳақида тушунчалар / 2; 6; 8/

ЎзР ЖПКнинг 203-моддасини қўллаган ҳолда ёнғинлар билан боғлиқ жиноят ишларида ашёвий далиллар қуйидагилар ҳисобланади:

- қасддан ўт қўйиш воситаси ҳисобланган ёки ўзида унинг изларини қолдирган моддалар, материаллар ва буюмлар;
- ўт қўйиш объекти ҳисобланган нарсалар;
- ёнғин бўлган жойни (ўчоғини), ёнғиннинг сабабини, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини, айбдор шахсларни аниқлай оладиган воситалар.

Фақат предметлар эмас, балки излар (предметлар ва конструкциялардаги енгил ёнувчан ва ёнувчан суюқликларнинг доғлари, куяси, рангининг ўзгариши, ёриқларнинг пайдо бўлиши, каваклар, бармоқ излари ва бошқалар) ҳам ашёвий далил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Лекин предметлар ва излар фақат қонунда кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда олиб қўйилган бўлсагина, ашёвий далил ҳисобланиши мумкин.

Эксперт мустақил равишда ашёвий далилларни олиб қўйишга ҳақли эмас. Агар эксперт ёнғин бўлган жойни кўздан кечиришда иштирок этаётган бўлса ва у кўрилаётган иш бўйича аҳамиятга молик ашёвий далилларни топса, унда у кўздан кечиришни бошқараётган шахсга уларни кўрсатиши лозим, зарурат туғилганда эса уларни мустаҳкамлаш, олиб қўйиш ва ўраш ишларида унга маслаҳатлар ва ёрдам бериши керак.

Ашёвий далилларни олиб қўйилгунга қадар ва олиб қўйиш жараёнида суратга тушириш ва кўздан кечириш ёки олиб қўйиш баённомасида ташқи белгилари бўйича батафсил баён қилиш зарур. Ашёвий далилларни қўлга эҳтиётлик билан шундай олиш керакки, ундаги изларга шикаст етказмаслик ёки излар ўз ҳолатини ўзгартирмаслиги керак. Изларни ашёвий далил билан бирга олиб қўйишнинг имкони бўлмаганда, уларнинг қириндиси (масалан, электр ўтказгичи ўтган жойда девордаги қора куя) ёки изнинг нусхаси (қолип ёки изи нусхаси) ҳам ашёвий далил ҳисобланади.

Олиб қўйилган ашёвий далилларни ўраш ва ташиш уларнинг бутунлигини тўла таъминлай олиши керак, яъни уларнинг тавсифий белгилари ва сифатларини йўқотмаслик зарур. Қуйидаги ўраш қоидаларига риоя қилиш лозим:

- енгил ёнувчан ва ёнувчан суюқликлар излари (доғлари) мавжуд бўлган предметларни оғзи маҳкам ёпиладиган шиша идишларга ёки ҳаво кирмайдиган плёнкага ўраш (худди шу талаб бошқа нам ва тўкилувчан предметларга ҳам тааллуқли);
- предметлардаги излар идиш билан ишқаланмаслиги керак;
- олиб қўйилган предметлар мустаҳкам идишларга ўралиши ва улар ташиш пайтида қимирламаслиги керак;
- ўралган предметлар муҳрланади ва унда қуйидаги ёзувлар бўлиши лозим: предметнинг номи, унинг топилган жойи, олиб қўйиш вақти, олиб қўйган шахснинг лавозими, фамилияси;
- суюқлик шиша идишга қуйилиб, оғзи мустаҳкам бекитилиши керак.

Ашёвий далиллар ва намуналарни таққослаш тадқиқоти чоғида эксперт турли техник воситалардан фойдаланиши мумкин. Бу воситаларнинг рўйхати бир қатор ҳолатларга, тадқиқот объектига, тадқиқотнинг мақсадларига боғлиқдир.

Моддалар ва материалларни тадқиқот қилиш чоғида, қоидага кура, қуйидагилар аниқланади:

- ёнувчанлик гуруҳини, бунинг учун ТЭП-1 электр тигел печидан, «олов трубаси» асбобидан, «керамик трубасидан», РП (оловнинг тарқалиши усули), ВНИИПО калориметрик ускунасидан, ИСО печидан фойдаланилади;
- чақнаш ҳароратини - ПВНЭ асбобидан фойдаланган ҳолда;
- алангаланиш ҳароратини - ТВ ВНИИПО асбоби орқали;
- ўз-ўзидан алангаланиш ҳароратини - СТС ВНИИПО, МакНИИ тешикли печи асбоблари орқали;
- ёниб тугаши тезлигини - СВ асбоби, «камера-тарози» ускунаси ва муфел печи ёрдамида;
- ўз-ўзидан қизиш ва ўз-ўзидан ёниб кетиш ҳароратини - термостатлар орқали;
- ёндиришнинг минимал ҳароратини – ВНИИПО таклиф этган ускуна орқали;
- рефракция (синиш) коэффициентини – рефрактометр орқали;
- предметлар ва материалларда қолдирилган енгил ёнувчан ва ёнувчан суюқликларнинг қолдиқлари ёки изларини – ультрабинафша ёритгичлар, турли индикатор кукунлари, мой ва спирт эритувчилари, хроматография ва бошқалар ёрдамида.

Электротехник қурилмаларини тадқиқот қилиш учун турли ўлчаш асбоблари, ҳимоя ва бошқарув аппаратлари, куч ва бошқа ускуналардан фойдаланилади.

Экспертнинг олдига терговчи қўйган масалага қараб, эксперт содир этилган воқеанинг (жиноятнинг) ҳолатларини энг тўғри ва тўлиқ таъминлаб берадиган қайси техник воситалар ва асбоб-анжомлар зарурлигини ўзи аниқлайди.

63. Ёнғин ўчоғини тадқиқот қилиш / 2; 6; 8/

Ёнғиннинг аниқ келиб чиқиш техник сабабини ёнғин дастлаб бошланган жой аниқланганидан сўнг билса бўлади. Ёнғин ўчоғи ҳақида тасаввурга эга бўлмасдан туриб, ҳеч бўлмаса тахминий, унинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш жуда мураккаб, айрим ҳолларда эса унинг имкони ҳам йўқ. Ёнғиннинг пайдо бўлган жойини ва сабабини аниқлаш учун ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш катта аҳамиятга эгадир.

Ёнғин ўчоғини аниқлаш учун барча ҳолатларни ва улар орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш зарур. Ҳолатлардан қайси бири ёнғин сабаби, қайси бири эса унинг оқибати эканлигини ҳам аниқлаш керак (масалан, электр ўтказгичининг қобиғи қисқа туташув натижасида ёки электр тармоғидаги ортиқча юкланиш натижасида ёки унинг ёнғин натижасида куйганлигини аниқлаш).

Ёнғинларда энг кўп куйган ва энг кўп талафот кўрган жойни кўпинча ёнғин чиққан жой билан боғлашади, чунки энг кўп куйиш вақт омили билан боғлиқдир. Лекин ёнғин ўчоғини аниқлашга бундай ёндашиш хатоликларга йўл қўйишга ҳам олиб келиши мумкин. Ёнғин ўчоғини аниқлашда ёнишнинг тезлиги ва жадаллигига оид, шунингдек ёнғингача бўлган барча ҳолатларни ҳисобга олиш зарур. Буни аниқлашда ёнғиннинг ривожланиши қонуниятларини яхши билиш зарур бўлади.

Ёнғин-техник эксперти нима илгарироқ ёнганини аниқлай олиши зарур – деворларми ёки шифт, пол, ускуналар, мебеллар ва бошқа жиҳозларми. Агар ёнғин деворда бошланган бўлса, унда деворга осилган барча жиҳозлар ва нарсалар пол куйиб кетишидан илгарироқ тушиб кетиши керак.

Ёнғиннинг талафот етказиш натижалари кўпинча қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

- бинонинг, иншоотнинг ва алоҳида элементларининг меъморий-қурилиш жиҳатларига;
- қурилиш элементларига тўғри келган юкланишларнинг катталигига;
- ёнишнинг давомийлиги ва оловнинг ҳамда юқори ҳароратнинг таъсир этиш вақтига;
- ёниш зонасидаги ҳарорат режимига (ўт ўчириш воситаларининг совитиш таъсирини эътиборга олган ҳолда);
- газ алмашинуви даражасига;
- ёнғинни ўчириш бўйича кўрилган чораларга ва бошқа жиҳатларга.

Ёнғинларда шарт-шароитларнинг турли-туман бўлишига қарамасдан, ёнишнинг ўзига хос муҳим жиҳатларидан қатъий назар, аниқланган ёнғин ўчоғи белгиларини тўғри баҳолаш орқали ёнғиннинг қайси йўналишда тарқалганлигини аниқласа бўлади. Ёниш зонасининг турли участкаларидаги талафотларнинг ўзига хосликларини бир-бирига таққослаган ҳолда, шунингдек ёнишнинг йўналтирилганлигини эътиборга олган ҳолда ёнғин ўчоғи аниқланади.

64. Енгил ёнувчан ва ёнувчан суюқликларни тадқиқот қилиш усуллари

/ 2; 6; 8/

Хоссалари ёнғин чиқишига ва унинг тарқалишига мойил бўлган моддалар ва материалларни ёнғиндан хавфли деб аташади. Буларнинг сафига биринчи навбатда енгил ёнувчан (ЕЁС) ва ёнувчан (ЁС) суюқликларни киритса бўлади, асосан нефт маҳсулотларини (НМ). Халқ хўжалигида ва маиший муҳитда нефт маҳсулотлари жуда кенг қўлланилиб, ёнғиннинг келиб чиқишига жуда кўп ҳолатларда сабабчи бўлади.

Тадқиқот қилинаётган суюқликларнинг ёнғиндан хавфли жиҳатларини аниқлашда унинг кимёвий табиатини чуқур ўрганишнинг ҳожати йўқ, балки суюқликни енгил ёнувчан ёки ёнувчан гуруҳларга ажратадиган уларнинг бир қатор ўзгармас катталикларини билиш кифоядир. Қарийб барча суюқликларни тадқиқот қилиш учун услубий қўлланмаларнинг мазмуни бир хилдир.

Бошқа томондан, физик-кимёвий инструментал усуллар ёрдамида амалга оширилган таҳлиллар ёрдамида ўтказиладиган эксперт тадқиқотларининг энг асосий натижаси бўлиб тадқиқот қилинаётган суюқликнинг кимёвий табиатини аниқлаш ҳисобланади (кимёвий таркибининг сифат ва миқдори, тузилишининг ўзига хослиги, аралашманинг таркибий компонентлари ва бошқалар). Суюқликнинг ёнғин хавфсизлиги даражаси кимёвий идентификациялаш воситаси орқали аниқланади. Бу ҳолатларда турли суюқликларни тадқиқот қилиш бўйича услубий тавсияларнинг турлича ўзига хос тавсифий жиҳатлари мавжуд.

ЕЁС ва ЁСларни тадқиқот қилиш услубини тадқиқот учун олинган модданинг миқдорига қараб аниқлашади. Агар модда етарли даражада бўлса (100 *мл* ва ундан кўпроқ), унда ГОСТлар ва махсус адабиётларда келтирилган тегишли модда ва материалларга хос бўлган уларнинг деярли барча ўзгармас катталикларини аниқласа бўлади. Суюқлик 10 *мл* дан кам бўлмаган миқдорда, ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан унинг қуйидаги энг асосий тавсифлари (ўлчамлари) аниқланади: зичлиги, қуюшқоқлиги, рефракция коэффициенти, фракциявий таркиби, чақнаш ҳарорати, алангаланиш ва ўз-ўзидан алангаланишнинг ҳарорат чегаралари, ёнувчанлик гуруҳи ва шу кабилар.

ЕЁС ва ЁС бир неча томчи ёки доғ кўринишида бўлганида уларни тадқиқот қилиш жуда мушкул. Бу ҳолатда Москва, Ленинград ёнғин-тадқиқот

лабораториялари ва бошқа бир қатор тадқиқот муассасаларининг тавсияларидан фойдаланса бўлади.

ЕЁС ва ЁСларни тадқиқот қилишнинг энг кенг тарқалган усуллари қуйидагилар:

Экспертиза учун берилган катта миқдордаги ЕЁС ва ЁСларни тадқиқот қилиш:

а) ташқи кўздан кечириш;
б) суюқликларнинг зичлигини аниқлаш;
в) суюқликларнинг рефракция (синиш) коэффициентини аниқлаш;
г) суюқликларнинг қуюшқоқлигини аниқлаш;
д) нефт маҳсулотларининг фракциявий таркибини аниқлаш;
е) чақнаш ҳароратини аниқлаш;
ж) алангаланиш ҳароратини аниқлаш;
з) ўз-ўзидан алангаланиш ҳароратини аниқлаш.

Экспертиза учун кам ва доғ кўринишидаги миқдорда олиб келинган ЕЁС ёки ЁС ларни тадқиқот қилиш.

Моддаларнинг қайси гуруҳларга ва турларга тегишлилигини аниқлаш учун, оз миқдордаги ёки доғ кўринишидаги суюқликларни таққослаш тадқиқотларини амалга оширишда юқори сезувчан физик-кимёвий таҳлил усулларидан фойдаланилади. Уларнинг орасида кенг тарқалганларидан хроматографик ва спектрал таҳлил ҳисобланади.

Нефт маҳсулотлари таркиби бўйича турли кимёвий бирикмаларнинг мураккаб кўп компонентли аралашмаларидан иборат. Уларнинг асосини парафинли, нафтенли, ароматик (моно-, би- ва полициклик) ва олефинли углеводородлар ташкил қилади. Нефт маҳсулотлари таркибида углеводородлардан ташқари тўлдирувчи сифатида уларга қўшилган органик ва анорганик тузилишли бирикмалар, шунингдек нефтни қайта ишлаш натижасида унинг таркибида қолиб кетган турли қолдиқлар (чиқинди ёки чўкинмалар) ҳам мавжуд. Аралашма таркибидаги компонентларнинг мавжудлиги ва уларнинг миқдори нефт маҳсулотининг табиатини ва нимага мўлжалланганлигини билдиради.

Улар қуйидаги усуллар орқали тадқиқот қилинади:

- Хроматографик усуллар таҳлили ёрдамида нефт маҳсулотларини таҳлил қилиш.
- ЕЁС ва ЁС ларни бўёвчи ва индикатор кукунлари ёрдамида тадқиқот қилиш.
- ЕЁС ва ЁС ларни ултрабинафша нурларида тадқиқот қилиш.

65. Электротехникага оид объектларни тадқиқот қилиш усуллари

/ 2; 6; 8/

Ашёвий далил сифатида тадқиқот қилиш учун одатда қуйидагилар тақдим этилади: электр ўтказгичлари ва кабеллар, коммутация аппаратлари (ўчиргичлар, ишга туширувчилар, штепсел улагичлар ва бошқалар), электр иситиш ва ёритиш асбоблари (плиткалар, дазмоллар, чойнаклар, сув қайнатгичлар, иситиш асбоблари, торшерлар, ёритгич чироқлари ва шу кабилар), ҳимоя аппаратлари (автоматлар, сақлагичлар ва бошқалар), электр двигателлари, трансформаторлар ва бошқалар.

Агар ашёвий далил сифатида электротехник ускуналари қаралаётган бўлса, унда эксперт дастлаб ёритиш ва куч электр тармоғининг схемаси билан, шунингдек электр ускуналарининг ёнғингача ва ёнғиндан кейинги ҳолати билан танишиб чиқиши лозим (уларнинг тўғри ўрнатилганлиги ва ПУЭ, ПТЭ ва ПТБ талабларига мос ҳолда ишлатилаётганлиги). У шунингдек ёнғин бўлган жойдан олиб қўйилган ашёвий далилларнинг воқеа жойини кўздан кечириш ёки олиб қўйиш баённомасига мос келишини ҳам аниқлаши зарур.

Ўтказгичларда ёки электр тармоғининг ток ўтказувчи бошқа элементларида эриган излар мавжуд бўлган тақдирда уларнинг пайдо бўлиши сабабларини аниқлаши керак (уларнинг ташқи кўриниши бўйича). Масалан, уларга қисқа туташув таъсир этганида ўтказгичларнинг эриганлиги шакли ва тавсифи турлича бўлади: шар шаклида, тухумсимон (овал), силлиқ чўзинчоқ ёки нотекис юзали томчисимон ва бошқа кўринишларда.

Ўтказгичларнинг ва турли электр ускуналарининг эриб кетиши уларга ёнғиндаги юқори ҳароратнинг таъсири натижасида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бироқ бу ҳолатдаги металларнинг эриганлиги тавсифи қисқа туташувдагига нисбатан анча фарқ қилади. Қоидага кўра, бу ҳолатдаги металларнинг эриши натижасида пайдо бўлган томчисимон доғларнинг ўлчамлари анча каттароқ бўлиб, улар ўтказгичнинг узунлиги бўйича кўпроқ масофага чўзилиб кетган бўлади.

Эриш изларининг пайдо бўлиш сабабларини тадқиқот қилишда, биринчи навбатда улар қайси сабабдан вужудга келганлиги аниқланади: қисқа туташув натижасида, ортиқча юкланиш, ўтувчан қаршилик, электр токининг бошқа кўринишлари ёки ёнғинда вужудга келган юқори ҳарорат натижасида. Агар улар, масалан, қисқа туташув натижасида пайдо бўлган бўлса, унда уларнинг пайдо бўлган вақти аниқланиши зарур, яъни қисқа туташув ёнғиннинг келиб чиқишига сабабчи бўлганми ёки у ёнғин натижасида вужудга келганми. Қисқа туташувни аниқлаш учун мис симларни тадқиқот қилишда металлографик, рентгеноструктурали ва бошқа усуллардан фойдаланишади. Алюмин симларидаги қисқа туташувларнинг пайдо бўлган вақтини аниқлаш усуллари ҳозирча узил-кесил ҳал қилинмаган.

Коммутация аппаратларини (ўчиргичлар, ишга туширувчилар, штепсел улагичлар ва бошқалар) тадқиқот қилиш чоғида қуйидагиларга эътибор бериш лозим: қизиганлик изларининг мавжудлигига; бузилишлар ва эриш изларига; истеъмолчи ўтказгичларнинг уланиши сифатига; штекер, клеммалар ва бошқаларнинг контакт юзаларининг ҳолатига. Ёнғин жойидан топилган коммутация аппаратларининг (бошқарув аппаратларининг) ёки уларнинг алоҳида элементларининг ёқилган ёки ўчирилганлиги ҳолатларига қараб ҳам анча маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Электр иситиш ва электр ёритиш асбобларини (плиткалар, дазмоллар, чойнаклар, сув қайнатгичлар, иситиш асбоблари, торшерлар, ёритгич чироқлари ва шу кабилар) тадқиқот қилишда ёнғиндан олдин бу асбоблар электр манбасига уланганлиги ҳолатини аниқлаш зарур. Бунда бу электр асбоби уловчи шнурининг қобиғи ҳолатига алоҳида эътибор бериш лозим (соз ҳолатда, қисман куйган, бутунлай куйган, эриганлик изларининг мавжудлиги ва бошқалар). Ёнғин бўлган жойдан олиб қўйилган иситиш ва ёритиш асбобларини тадқиқот қилиш натижаси жуда кўп ҳолларда ёнғиннинг бу асбобларидан чиққанлиги тўғрисидаги саволларига жавоб беради.

Ҳимоя аппаратларини (автоматик ва бошқа сақловчилар) тадқиқот қилишда улар электр тармоғи тизимининг айнан қайси участкаларини ҳимоя қилганлигини, шунингдек ҳар бир аппаратнинг қайси йўналишни ҳимоя қилиши ва уларнинг ҳолатини (ёқилган, ўчирилган) ҳам эътиборга олиш лозим. Сақловчининг номинал токи ва ҳимоя қилинаётган участкадаги ўтказувчи ёки кабелнинг кесимлари юзасини билган ҳолда электр тармоғидаги ток юкланишининг меъёрига сақловчининг мос келиши ҳақида хулоса қилиш унчалик мураккаб бўлмайди. Электр тармоғи ёнғин пайтида кучланиш остида бўлган ё бўлмаганлигини кўпинча сақловчиларнинг ҳолатига қараб ҳам аниқласа бўлади. Агар ҳимоя сақловчилари бутун бўлса, қобиқлари куйган электр ўтказгичларининг симлари бир-бирига тегиб

турган бўлса, аммо уларда эриш излари мавжуд бўлмаса, демак электр тармоғида кучланиш бўлмаган.

Агар сақловчилар меъёрдагидек бўлса, унда қисқа туташув қарийб ҳамма вақт сақловчиларнинг эрувчан ток ўтказувчи қисмлари ниҳоятда юқори тезликда эриб кетиши билан кузатилади. Бунда кўпинча сақловчининг эрувчан қисми атиги битта жойидан узилади (куяди), қолган қисмининг кесими эса илгариги ҳолидек қолаверади. Агар ҳимоя қурилмаси сифатида автоматик ўчирувчидан фойдаланилган бўлса, унда автоматнинг ишлаган ёки ишламаганлиги ҳамда автоматнинг эрувчан қисмидаги (вставкасидаги) токнинг катталиги аниқланади.

66. Ёнғин сабабини аниқлаш бўйича экспертнинг ёзма хулосасининг таркибий қисмлари / 2; 6; 8/

Ўтказилган тадқиқотлар натижаси бўйича ёнғин-техник эксперти томонидан унинг ёзма хулосасини тузиши керак. Бу хулоса – эксперт олдига қўйилган саволларга унинг махсус билимларига асосланган ҳолда унга тақдим этилган материалларни ҳар томонлама ва объектив жиҳатдан тадқиқот қилиши натижасида берган ёзма жавобидир.

Экспертнинг хулосаси ЎзР ЖПКнинг 184-моддаси талабларига мос келиши керак. Унга асосан эксперт зарурий текширишларни ўтказиб бўлганидан кейин ўз номидан ёзма хулоса тузади ва уни имзолаб тасдиқлайди.

Экспертнинг хулосасида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- унинг фамилияси, исми ва отасининг исми, маълумоти, ихтисоси, ушбу ихтисослик бўйича стажи, илмий даражаси ва илмий унвони, эгаллаб турган лавозими;
- хулоса беришдан бўйин товлаганлик ва била туриб ёлғон хулоса берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги экспертнинг огоҳлантирилганлиги;
- экспертиза қайси процессуал қарорга асосан ва қачон ўтказилганлиги;
- уни ўтказиш вақтида ким ҳозир бўлганлиги;
- эксперт ишнинг қайси материалларидан фойдаланганлиги, қайси ашёвий далиллар, намуналар ва бошқа объектлар текширувдан ўтказилганлиги;
- хусусан қандай текширишлар ўтказилганлиги, қандай усуллардан фойдаланганлиги ва уларнинг ишончлилик даражаси;
- қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлган ва эксперт ўз ташаббуси билан аниқлаган ҳолатлар.

Эксперт хулосасининг шакли деганда эксперт томонидан жиноят процесси иштирокчиларига ушбу хулосанинг мазмунини етказиш, яъни уни расмийлаштириш ва ундаги маълумотларни баён қилиш тавсифи тушунилади.

ЎзР ЖПКнинг 184-моддасига асосан хулоса шаклига қўйиладиган талаблар шундан иборатки, у ёзма шаклида бўлиши ва уни ўтказган эксперт (экспертлар) томонидан имзоланган бўлиши шарт.

Эксперт хулосаси уч қисмдан иборат: кириш, тадқиқот қилиш ва хулоса (якуний).

Хулосанинг **кириш қисмини** тузиш. Хулосанинг кириш қисмига эксперт тадқиқотининг натижаларига кирмайдиган маълумотлар киради.

Кириш қисмида қуйидагилар кўрсатилади:

- экспертизанинг номи (тури), у қайси экспертизага кириши (қўшимча, қайта, комплекс ёки комиссиявий);
- эксперт (экспертлар ҳақидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, маълумоти, ихтисоси (умумий ва эксперт бўйича), илмий даражаси ёки илмий унвони, эгаллаб турган лавозими;

- экспертиза тайинлаган органнинг номи ва экспертизани ўтказиш учун асослар (қарор ёки суд ажрими, у қачон ва ким томонидан имзоланган);
- экспертизага тадқиқот қилиш учун юборилган материалларнинг олинган санаси;
- экспертизага келиб тушган материалларнинг номланган рўйхати, уларни олиб келиш (ташиш) ва ўраш усули, шунингдек қайси жиноят иши бўйича ашёвий далиллар тақдим қилинаётганлиги, таққослаш тадқиқоти учун жўнатилган намуналар, ҳужжатлар, қоидалар, меъёрлар ва йўриқномалар;
- эксперт томонидан тадқиқот ўтказиш учун қўшимча материаллар зарурлиги ҳақидаги хатига олинган жавобларнинг мазмуни;
- экспертиза ўтказиш чоғида иштирок этган шахслар ҳақида маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, процессуал ҳолати);
- эксперт ҳал қилиши лозим бўлган саволлар рўйхати (экспертизани тайинлаган орган қандай қўйган бўлса, худди ўша кетма-кетликда ёзилади);
- хулоса бериш учун жиддий аҳамиятга молик бўлган ҳолатлар бўлса, улар ҳақида маълумотлар.

Агар эксперт ёнғин бўлган жойни тадқиқот қилган бўлса ёки тергов ҳаракатлари жараёнида иштирок этган бўлса, унда бу ҳақдаги маълумотлар ҳам кириш қисмида кўрсатилиши керак. Ашёвий далиллар ҳисоблаб ўтилганда уларнинг ташқи кўриниши ҳамда қандай ўралганлиги ҳолатлари ҳам ёзилади. Экспертизани ўтказишнинг бошланган ва тугалланган вақтлари ҳам кўрсатиб ўтилади.

Хулосанинг **тадқиқот қилиш қисмини** тузиш. Тадқиқот қилиш қисмида тадқиқот жараёнининг кетма-кетлиги ва унинг натижалари ёзилади, шунингдек аниқланган фактлар юзасидан илмий тушунтиришлар берилади.

Ечилиши талаб қилинаётган ҳар бир алоҳида савол учун тадқиқот қилиш қисмининг бир бўлими ажратилиши керак. Бирданига бир-бирига боғлиқ бўлган икки ёки ундан ортиқ саволни кўриб чиқишга зарурат туғилганда, уларнинг натижаларини битта бўлимда ҳам ёритиш мумкин.

Ёзма қисмда қуйидагилар баён қилинади:

- эксперт тадқиқоти объектларининг ҳолати;
- қўлланилаётган эксперт тадқиқотининг усуллари;
- қўйилган саволларга жавоб бериш чоғида эксперт томонидан қўлланилган маълумот-меъёрий ҳужжатлар рўйхати (реквизитлари кўрсатилган ҳолда қарорлар, буйруқлар, йўриқномалар, меъёрлар ва қоидалар);
- тадқиқот ўтказиш чоғида фойдаланган адабиёт манбалари ҳақидаги маълумотлар (муаллифлари, ишнинг номи, нашриёт, нашр этилган йили ва жойи, бетлари);
- агар хулосаларни асослаб бериш учун аҳамиятга молик бўлса, унда ўтказилган тергов ҳаракатларининг натижалари (сўроқ қилиш, кўздан кечириш, экспериментлар ва бошқалар).

Тадқиқот қилиш қисми ҳатто экспертиза соҳасида ҳеч қандай билимга эга бўлмаган шахслар учун ҳам тушунарли тилда баён қилиниши керак. Махсус атамаларга изоҳ берилиши керак. Агар экспертиза қайта ўтказилаётган бўлса, унда тадқиқот қилиш қисмида, шунингдек бу ўтказилган тадқиқот натижалари билан бирламчи экспертиза тадқиқоти натижалари орасидаги мавжуд фарқлар ҳам тушунтириб берилиши керак.

Тадқиқот қилиш қисмини расмийлаштириш чоғида қуйидаги бўлимларга алоҳида эътибор бериш зарур: ёнғин чиққан жойни ва ёнғин тарқалишининг

(ривожланишининг) ўзига хос жиҳатларини аниқлаш; ёнғин келиб чиқиш сабабларини тадқиқот қилиш; ёнғин келиб чиқиш сабаби билан ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш ҳолатлари орасидаги сабабий боғлиқликларнинг мавжудлиги.

Ҳар бир тадқиқот эксперт олдига қўйилган саволларга жавоб излашнинг бир оралиқ босқичи ҳисобланади, шунинг учун ҳам ўтказилган тадқиқотни баён қилишнинг якунида у ёки бу хулоса қилиш учун аниқланган белгиларнинг етарли эканлиги ҳақидаги махсус ёзувлар бўлиши шарт. Ўтказилган тадқиқот тўғрисида ёзма равишдаги хулосанинг мавжуд бўлмаслиги эксперт хулосасининг исботловчи кучини йўқотади.

Хулосанинг **якунловчи қисмини** тузиш. Экспертнинг хулосаси жавоб шаклида бўлиб, унинг кетма-кетлиги ҳал қилиниши керак бўлган саволлар кириш қисмида қандай баён этилган бўлса, худди ўша кетма-кетликда бўлиши керак.

Қўйилган ҳар бир саволга алоҳида жавоб берилиши зарур. Агар уни тадқиқот қилишнинг ёки ўтказилган тадқиқот натижасида етарли жавоблар олишнинг имкони бўлмаган бўлса, унда унинг сабаблари кўрсатилади.

Ҳар бир савол бўйича алоҳида қилинган асосли хулосалар тадқиқот қилиш қисмида келтирилиши керак.

Хулосалар жуда аниқ ва равон тилда ёзилган бўлиши, турли маъноларда тушунишга йўл қўйилмайдиган даражада ёзилиши керак.

67. Эксперт хулосасини расмийлаштириш тартиби / 2; 6; 8/

Эксперт хулосаси қуйидаги талабларга риоя қилган ҳолда расмийлаштирилиши зарур:

а) ёзма хулоса ёзув машинкасида ёки компьютерда стандарт ёзув қоғозида терилган бўлиши керак. Қоғоз четларида уни ишга тикиб қўйиш учун ва ҳошиялар қолдирилиши зарур;

б) ёзма хулоса ва унга қилинадиган иловалар икки нусхада бажарилади, биринчи нусха экспертиза тайинлаган органга жўнатилади, иккинчиси эса экспертнинг ўзида қолади;

в) ёзма хулосанинг матни қўлдан ўзгартирилса ёки унга қўшимча ёзувлар киритилса, унда бу ҳақда ушбу бетнинг қўйи қисмида у тузатилганлиги ёки унга қўшимча киритилганлиги ҳақида махсус белги бўлиши керак. Бунақа тузатиш шахсан эксперт томонидан қилиниши ва имзоланиши шарт;

г) техник ва бошқа махсус адабиётлардан фойдаланган ҳолатларда матннинг якуний қисмида бу ҳақда маълумотлар бўлиши керак (муаллиф, манбанинг тўлиқ номи, нашриёт, нашр этилган йил ва бетлар);

д) агар қилинган айрим хулосалар меъёрий ҳужжатлар ва қоидаларга асосланган бўлса, унда уларнинг тўлиқ номлари, тасдиқланган йили ва кучга кирган вақти, асосланаётган бандлар, параграфлар ёки моддалар, шунингдек уларнинг матнлари ҳам келтирилиши керак;

е) иллюстрациялар, чизмалар, схемалар, жадваллар, графиклар ва шу кабиларни тадқиқот қилиш қисмининг уларга асосланган жойларида келтириш ва тегишли имзолар билан тасдиқланиши тавсия этилади;

ж) ёзма хулоса тадқиқот ўтказган эксперт томонидан имзоланади. Агар хулоса бир варақдан ортиқ жойни эгалласа, унда эксперт ҳар бир варақка алоҳида имзо чекади.

68. Ёнғин бўйича «рад этиш иши» ичида йиғиладиган ҳужжатларнинг рўйхати ва уларнинг қисқача мазмуни /2/

Ёнғин ҳақидаги хабарни олган пайтдан бошлаб ушбу ёнғин бўйича иш ёпилгунга қадар суриштирувчи томонидан қайси ҳужжатлар тузилиши зарурлиги ва бу ҳужжатларнинг қисқача мазмуни кўрсатиб ўтилади.

Агар ёнғин натижасида етказилган моддий зарар миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари ва ундан ортиғини ташкил қилса, бундай ҳолларда ушбу ёнғинни текшириш якуни бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш Қарори тузилади. Лекин ушбу қарорни қабул қилгунга қадар суриштирувчи қуйидаги бир қатор ҳужжатларни йиғиши ва ишга тикиб қўйиши зарур:

1. ёнғин ҳақида Далолатнома;
2. воқеа жойини кўздан кечириш Баённомаси;
3. гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчи ва бошқа шахслардан олинган тушунтириш хатлари ёки сўроқ қилиш Баённомаси;
4. моддий зарар миқдори тўғрисидаги Маълумотнома;
5. ёнғин чиқишда айбдор бўлган шахсга нисбатан маъмурий жазо чораси қўллаш тўғрисидаги материаллар;
6. ёнғинни ҳисобга олиш варақаси;
7. текшириш якуни бўйича қабул қилинган қарор тўғрисида манфаатдор шахсларга жўнатилган Хабарнома нусхаси ва бошқалар;

Иш ҳолатларига қараб бошқа ҳужжатлар ҳам йиғилиши мумкин, масалан ашёвий далиллар бўйича ва экспертизага оид ва шу кабилар.

69. Ёнғиндан олдинги ҳолат ҳақида тушунчалар. / 2; 7/

Ёнғиндан олдинги ҳолат деганда нимани тушунасиз? Бу ҳолат қайси мақсадда тикланади ва унинг ёнғин сабабини аниқлашдаги аҳамияти.

Ёнғинларнинг сабабини аниқлаш услубиятида ёнғиндан олдинги ҳолат тушунчаси кенг маънога эга. Бунда ёнғин чиқишига бевосита имкон яратиб берган шарт-шароитлар, шунингдек ёнғиннинг кейинчалик тарқалишига ва ёнғинни ўчиришни қийинлаштиришга қайсидир бир даражада ўз таъсирини кўрсатган барча масалалар ҳисобга олинади. Ёнғин зонасида жойлашган қурилиш конструкциялари, предметлар ва материаллар ҳақидаги тасаввурлар, маҳаллий шароитларни, ёнғингача бўлган ҳолатнинг ўзига хос хусусиятларини, воқеаларни яхши билиш - ёнғин ўчоғини аниқлашда, ёнғин сабаби ҳақида тусмоллар тузиш ва уларни текшириб чиқишда анча енгилликлар яратиб беради. Бунақа маълумотлар кўпинча ҳатто бевосита ёнғиннинг сабабини аниқлаш учун ҳам етарли бўлади.

Шундай қилиб, ёнғингача бўлган ҳолат нималардан иборат бўлиши мумкин?

Ёнғин пайдо бўлгунга қадар бўлган ҳолатни ҳар томонлама ўрганиб чиқиш учун ҳар бир алоҳида ҳолатда қуйидагиларни амалга ошириш керак:

- ёнғин бўлган иншоотнинг ёки ёнғин зонасида бўлган унинг алоҳида қисмларининг ёнғин-техник тавсифини аниқлаш;
- ёнғин ҳудудида бўлган ёнувчан материалларнинг тавсифини, миқдорини, ҳолати ва қандай жойлашганлигини аниқлаш;
- технологик жараённинг тавсифини, ускуналарнинг жойлашиш тартибини, уларнинг ҳолатини ва улардан фойдаланиш тартибининг хусусиятларини аниқлаб олиш;
- маҳаллий аҳолининг шароитини, урф-одатлари ва қонун-қоидаларини эътиборга олиш;
- ёнғингача бўлган воқеалар ва ҳолатларни аниқлаб олиш.

Бу маълумотлар, албатта, иш ҳолатининг хусусиятларига қараб ўрганилади. Шу билан биргаликда шуни ҳам айтиб ўтиш жоиздирки, ишнинг бошланишида «ҳамма нарса шундай ҳам ўз-ўзидан маълум», деган фикрга бориш жуда катта хато ҳисобланади. Ортиқча ўзига ишониш ва бундай хато фикрга боришнинг сабабларидан бири ёнғинни юзаки текшириш, ёнғин сабаби ҳақида нотўғри хулосалар чиқариш ва асоссиз айблов эълон қилиш кабилар ҳисобланади.

Ёнғин чиқишига олиб келган сабабни ва унинг оқибатларини, бошқача қилиб айтганда, ёнғинга олиб келган ва у етказган талафотлар миқдори ва оқибатларига ўз таъсирини кўрсатган барча шарт-шароитлар ва ҳолатларни аниқлаш учун, дастлаб, имкон қадар жуда аниқлик билан маҳаллий ҳолатни ўрганиб чиқиш керак. Фақат шундан кейингина, ёнғин чиқиши учун шарт-шароит туғилишида айбдор бўлган у ёки бу шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсиз ҳолати), ёнғиннинг ҳолатлари ва ёнғиннинг қандай пайдо бўлганлиги ҳақидаги объектив фикрга эга бўлиш мумкин. Фақат шундан кейингина ёнғин факти билан айрим шахсларнинг ҳаракатлари орасидаги сабаб бўлган боғлиқликлар тавсифи янада аниқроқ ўрнатилиши мумкин.

Ёнғин-техник экспертизасини тайинлаш чоғида терговчи буларнинг ҳаммасини эътиборга олиши шарт. Иш материаллари ичида ёнғин ҳолатини тавсифловчи маълумотлар мавжуд бўлмаган чоғда эксперт хулосасини беришнинг имкони бўлмай қолиши ёки экспертнинг ёнғин сабаби юзасидан берган хулосаси тахминий бўлиб қолиши мумкин. Ёнғин-техник экспертизасини ўтказишга имкон туғдириш учун ёнғингача бўлган ҳолатни аниқлашга ёрдам берувчи юқорида айтиб ўтилган бешта шартдан биринчи учтасига риоя қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

70. Ёнғин сабабини аниқлашда ёнғиндан олдин бўлган воқеалар ва ҳолатларни тиклаш ва уларнинг аҳамияти / 2; 7/

Бевосита ёнғиндан олдинги фактлар. Ёнғин келиб чиқиш сабабининг шаклланишига таъсир қилувчи ўзига хос ҳолатлар унча-мунча узоқроқ муддат давом этувчи маҳаллий омилга (факторга) эга бўлиб, уни ёнғин сабабини аниқлаш чоғида иш ҳолатига боғлиқ ҳолда ҳисобга олиш керак.

Ёнғиндан олдин вужудга келган ва ёнғиннинг келиб чиқишига сабаб бўлган ҳар бир ҳолат жуда хилма-хил бўлиши мумкин.

Қасддан ўт қўйиш оқибатида содир этилган ёнғинлардан олдинги маълум ҳолатлар ҳам ёнғиннинг сабабини аниқлашга йўналтириши мумкин.

У ёки бу асосда чиқиб турадиган маҳаллий жанжаллар ҳам ёнғин сабабини суриштирганда эътиборга олиниши шарт.

Шу билан биргаликда шуни ҳам қайд қилиш зарурки, бевосита бўлмаган далиллар билан чалғиб кетиш ёнғиннинг сабабини ва айбдор шахсларни аниқлашда катта хатоликларга олиб келиши мумкин.

Ёнғинларни суриштириш амалиётида бевосита ёнғиндан олдинги воқеалар билан кўпинча сабабли алоқаларни, айбдорликни ва шу каби масалаларни боғлашади. Бу ўзини оқлаши мумкин ва мантиқан тўғри. Масалан, мастер электр пайвандловчисига тешик деворнинг ёнидаги эшикка ушлагични пайвандлашни буюрган чоғда ва тешикнинг нариги томонида пахталар мавжудлигини била туриб ҳеч қандай хавфсизлик чоралари кўрилмагани ёки ўз-ўзидан алангаланиш хусусиятига эга бўлган қумқоғозларни нотўғри тахланганлиги оқибатида ёнғин келиб чиқиши ҳолатларида ёнғин сабабининг ундан олдинги ҳолатга боғлиқлиги бевосита равшандир. Ваҳоланки, ушбу ҳолатларда ёнғиннинг келиб чиқиш имконияти аста-секинлик билан (девордаги эшик ўрнатилиши зарур бўлган жойни сувоқ қилмасдан қолдириш, омборда радиолампаларни пахта орасида сақлаш,

пайвандлаш ишлари) вужудга келган. Бу умумий кетма-кет воқеалар (занжир) орасида пайвандлаш факти криминалли ҳисобланади.

Маълумки, сабабий алоқа ва жавобгарлик масалалари ишнинг барча ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда, дастлабки тергов жараёнида ва судда ҳал қилинади. Бу эса ёнғин сабабини аниқлашда терговнинг барча босқичларида ёнғиндан олдинги ҳолатни аниқ тиклашга ундайди, айрим ҳолатларда ҳатто унинг ўтган муддатидан қатъий назар.

Ёнғин сабабига бевосита алоқадор бўлган ёнғиндан олдинги ҳолат ёнғин жойидаги мавжуд ҳолатларни ўзгартириш натижасида келиб чиқади, масалан, ўрнатилган технология ва ускуналар ишлаши режимининг, уларда ишлаётган мутахассислар малакасининг, ишлатилаётган хом ашёнинг, назорат ва кузатув сифатининг ўзгариши (ўзгартирилиши) ва шу кабилар. Ўзгартирувчи ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин, масалан материаллар, моддалар ва маҳсулотларнинг ёнғин хавфсизлигини кўпайтирувчи.

Корхонада ишлатилаётган ускуна билан боғлиқ бўлган ёнғин сабабини тадқиқот қилиш чоғида ёнғиннинг келиб чиқиш эҳтимолини ускунанинг илгариги носоз ҳолатлари, авариялар билан боғлаш керак бўлади, негаки кўпинча худди ушбу сабаблар бевосита ёки анча муддатдан сўнг ёнғин чиқишига сабаб бўлади.

Бироқ фақат ускунанинг носоз ҳолатигина эмас, балки гоҳида уни кейинчалик таъмирлаш ишлари ёнғин келиб чиқиш ҳолатини туғдириши ҳам мумкин.

Агар суриштирув жараёнида ёнғин участкасида ёнғингача бирор бир ёнғиндан хавфли ишлар амалга оширилганлиги ҳолати аниқланса, ҳатто бир қарашда хавфсиз бўлсада, унда бундай ишлар қандай ҳолатларда амалга оширилганлиги ва унинг амалга оширилиш техникаси синчковлик текширилиши зарур. Текширишдан эса асосий мақсад – ёнғин сабабини бутунлай очиш ёки бу тусмолни истисно қилиш.

Юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари, ёнғин сабабини тадқиқот қилишда имкон берувчи ва шунинг учун ҳам объектда ёнғин келиб чиқиш ҳолатларини баҳолашда ҳисобга олиниши керак бўлган маълумотлар ва масалаларга қуйидагиларни ҳам киритиш мумкин:

- корхонада бажарилиши талаб қилинган ёнғин хавфсизлиги тадбирларини ва уларнинг бажарилганлиги даражасини ўрганиб чиқиш;
- ушбу объектда илгари содир этилган ёнғинларни ўрганиш;
- объектни қўриқлаш қандай ташкил қилинганлиги ҳолатини, шунингдек қўриқлаш хизматининг шахсий таркиби томонидан хизматни қандай олиб боришлари сифатини ва уни текшириш тизими ҳолатини;
- ёнғин хавфсизлиги хизматининг ташкил қилинганлиги ва унинг жанговар ҳолатини;
- ёнғин хавфсизлиги воситаларининг, сув манбаларининг, алоқа хабарловчи автоматика воситаларининг мавжудлиги, ҳолати ва етарли даражадалиги.

Айтиб ўтилган масалалар объектнинг ёнғин хавфсизлиги даражасини тавсифлаб беради ва шунингдек ёнғин чиқишидан олдин ёки бевосита ёнғин пайтидаги ҳолатни ҳам белгилаб беради. Гоҳида бу масалалар тергов томонидан у ёки бу шахсларнинг ҳаракатида (ҳаракатсизлигида)ги сабабий алоқанинг ёнғин сабаби ва унинг оқибатлари билан боғлиқлигини аниқлаш чоғида ёнғин-техник экспертизасининг махсус тадқиқот предметига айланиб қолади. Масалан, терговнинг ёнғин-техник экспертизаси олдига ечиш учун қўйган қуйидаги масалалар ҳам маълум: завод ёнғин хавфсизлиги хизмати шахсий таркибининг касбий тайёргарлиги қайси даражада; тактик нуқтаи назардан ёнғин завод

ишчилари, ёнғин хавфсизлиги хизматчилари томонидан тўғри ўчирилганми; у ёнғин оқибатида етказилган моддий зарарнинг миқдорига ўз таъсирини қандай ўтказди; сув таъминоти манбалари, ўт ўчириш ва алоқа воситаларини тутишда қоидабузарликларга йўл қўйилганми, агар шундай бўлса, унда улар айнан нималардан иборат ва ёнғинни ўз вақтида аниқлаш ва ўчиришга қандай таъсир кўрсатди ва шу кабилар. Шунинг учун ёнғин сабаби эҳтимолига алоқадор бўлиши мумкин бўлган биринчи учта банддаги маълумотлар билан бир қаторда, кейинги икки банддаги маълумотлар ёнғинни суриштириш чоғида айрим махсус масалаларни ечишда зарур бўлиб қолиши мумкин.

Ёнғин бўлган жойда ёнғингача ҳосил бўлган ҳолатни, уларни ўрганишнинг кетма-кетлигини ва конкрет ҳолатдаги ишларни ташкил қилиш тартиби билан боғлиқ бўлган тадқиқот қилиниши керак бўлган саволлар рўйхати конкрет ҳолатларда ишнинг ҳолатларига кўра белгиланади.

Ёнғиннинг сабабини у чиққан ва ривожланган шарт-шароитлардан айри ҳолда ишончли ва муваффақиятли равишда аниқлаш мумкин эмас.

Ёнғингача бўлган ҳолат ҳақидаги аниқ маълумотларга эга бўлиш - ёнғинни суриштиришда ҳал қилувчи шартли омилдир.

71. Ёнғинларга оид ишлар бўйича ўтказиладиган экспериментлар ҳақида тушунчалар / 2; 7/

Гоҳида терговчилар, экспертлар маълум сабаблардан ёнғин келиб чиқиш эҳтимолини аниқлаш мақсадида экспериментлар ўтказишади ва бу орқали тегишли тусмолларнинг асосли эканлигини текшириб кўришади.

Бироқ ёнғин ишлари бўйича ёниш эҳтимолини текшириш учун ўтказилиши зарур бўлган экспериментлар катта таваккалчилик билан боғлиқ бўлиб, уларни ўтказишга ҳамма вақт ҳам рухсат берилавермайди. Кўпинча ёниш учун яратилиши керак бўлган шарт-шароитлар ҳақидаги маълумотлар номаълумлигича қолиб кетаверади. Ёндириш манбаси импульсининг тавсифини ва ҳаво алмашинувининг шароитини аниқ билишнинг иложи йўқ. Агар ёнғин чиқиш эҳтимоли ёнғиндан хавфли суюқликлар билан боғлиқ бўлса, унда бундай тусмолни эксперимантал усул билан текшириш учун ҳарорат шароитлари ҳақидаги маълумотлар, ёнғин чиқишига олиб келган алангаланиш пайтида ҳаво таркибидаги хавфли суюқлик парларининг концентрациясини билиш зарур бўлади. Бу эса ўз навбатида ҳисобга олинмайдиган ҳаво ҳаракатининг муҳим жиҳатлари ва бир қатор бошқа кўрсаткичлар билан боғлиқдир.

Ўз-ўзидан алангаланиш орқали ёнғин чиққанлиги тусмолини текшириш учун, масалан, мой сингиган материаллардан, бу материалларга сингиб кетган мойнинг миқдори ва юзаси ҳақидаги маълумотларнинг ўзигина етарли бўлмайди, балки ёнғин чиқишга олиб келган айнан ўша мойнинг алангаланишга мойиллиги ҳақидаги маълумотлар ҳам зарур бўлади. Агар тергов ихтиёрида бу каби маълумотларнинг барчаси мавжуд бўлса, унда мойнинг миқдори билан материал орасидаги муносабат, ёнғин чиққан жойдаги бўлган ҳарорат, иссиқликнинг аккумуляцияланиш шароитлари каби маълумотлар номаълум бўлиб қолади. Бу эса эксперимент ўтказишга имкон бермайди. Агар ўтказилган тақдирда ҳам, унинг натижалари исботловчи аҳамиятга эга бўлмайди ва ёнғин ҳақида хулоса чиқарилаётганда эътиборга олинмаслиги керак.

Стандарт қурилмаларнинг ўрнатилган иш режими жараёнида учқунланишининг характерини аниқлаш, ўзгармас техник характеристикага эга бўлган серияли асбобларда энергия манбасининг маълум параметрлари аниқ бўлган

бир пайтда улардаги ҳароратнинг қанчага кўтарилишини аниқлаш мақсадида экспериментларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Эксперимент ҳақида тушунча, унинг моҳияти ва турлари. Ёнғинлар билан боғлиқ бўлган жиноят ишларининг дастлабки тергови, ёнғин-техник экспертизалари ва суд муҳокамалари амалиётида исботловчи далилларнинг бири сифатида тергов, эксперт ва суд экспериментларидан кенг фойдаланишади.

Эксперимент (лотинчадан *exsperimentum* – синаш, тажриба) – бу фандаги ҳис қилиш-предмет фаолияти; тор маънода – тажриба, ўрганилаётган объектни рўёбга чиқариш, гипотезани текшириб кўриш ва шу кабилар.

Экспериментнинг мақсади тергов, суд ёки эксперт томонидан ёнғиннинг келиб чиқиш сабаби ҳақида илгари сурилган тусмолларни текшириш, унинг чиққан вақтини, унинг жойини ва тарқалиш йўлларини аниқлаш юзасидан ҳолатни, ҳаракат шароитларини, жараёнларни тўлиқ ва аниқ тиклаш (имкон қадар).

Эксперимент натижалари ёнғин сабаби ҳақидаги тусмолни тасдиқлаш ёки инкор этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Айтиб ўтилган эксперимент турларини ўтказишни ташкил қилиш, ўтказиш ва расмийлаштиришда жуда кўп умумийликлар мавжуд бўлиб, лекин улар орасида фарқлар ҳам бор. Бу фарқлар жиноят-процессуал жараёнининг мустақил босқичлари бўлмиш ишнинг дастлабки тергови, эксперт тадқиқотини ўтказиш ва суд муҳокамасининг мақсадлари ва вазифаларининг ўзига хослигига боғлиқдир.

АДАБИЁТЛАР

1 «Ёнғинларни суриштириш» фанидан маъруза матнлари тўплами (1-қисм), ЎзР ИИВ ЁХОТМ, 2006 й.
2 «Ёнғинларни суриштириш» фанидан электрон вариантидаги маърузалар тўплами.
3 Ўзбекистон Республикасида Давлат ёнғин назорати тўғрисидаги Низом (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 227-сонли қарори билан 1993 йилнинг 17 майида тасдиқланган).
4 Давлат ёнғин назорати органларининг ишини ташкиллаштириш Қўлланмаси (ЎзР ИИВнинг 344-сонли буйруғи билан 1993 йилнинг 22 сентябрида тасдиқланган).
5 ЎзР Жиноят Кодекси, 2001 й.
6 ЎзР Жиноят-процессуал Кодекси, 2001 й.
7 Мегорский Б.М. "Методика установления причин пожаров" – М. : Стройиздат, 1966.
8 Федотов А.И. , Ливчиков А.П. , Ульянов Л.Н. "Пожарно-техническая экспертиза" - М. : Стройиздат, 1986.

1.2. ХИЗМАТ ВА УНГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

«Хизмат ва унга тайёргарликни ташкиллаштириш» фани бўйича якуний давлат аттестацияларига тайёргарлик кўриш учун мўлжалланган ушбу услубий қўлланмани ўзлаштириш натижасида ҳар бир тингловчи:

қуйидаги тассавурларга эга бўлиши лозим:

- гарнизон хизматини ташкиллаштириш ҳақида;
- гарнизон хизматини текширишни ташкиллаштириш услублари ҳақида;
- ёнғин ўчириш штаби хизмати ҳақида;
- ёнғин хавфсизлиги гарнизонининг алоқа хизматини ташкиллаштириш ҳақида.

қуйидагиларни билиши ва бажара олиши зарур:

- ёнғин хавфсизлиги шахсий таркиби тайёргарлигини ташкиллаштиришни;
- ёнғин хавфсизлиги қисмида навбатчи смена хизматини ташкиллаштиришни;
- навбатчи сменанинг лавозимли шахсларининг умумий вазифаларини;
- ёнғин хавфсизлиги бўлимлари томонидан муҳофаза қилинаётган ўта муҳим ва тоифаланган объектларда хизматни ташкил қилишнинг алоҳида хусусиятларини;
- марказий диспетчерлик ва қисм диспетчерлик хизматини ташкиллаштиришни;
- ёнғин хавфсизлиги шахсий таркибини бошланғич, жанговар ва касб тайёргарлигини ташкиллаштиришни;
- катта ва мураккаб ёнғинларни ўчиришда таянч маскани хизматини ташкиллаштиришни.

қуйидаги кўникмаларни эгаллаши зарур:

- ёнғин хавфсизлиги ва навбатчи смена хизмати ҳужжатларидан фойдалана олиши ва расмийлаштира олиши;
- ёнғинни ўчириш, хизмат ва унга тайёргарликни ташкиллаштириш, тезкор хизмат фаолиятини ҳисоботини ўтказишни;
- ёнғин хавфсизлиги хизматида шахсий таркиб билан дарс ўтиш жадвалини, жанговар ва касб тайёргарлиги дастурини тузишни;

ёнғинларни ўрганиш бўйича ҳужжатлар билан ишлашни;

1. Ёнғин хавфсизлиги хизмати гарнизони ҳақида тушунча /1/

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг республика, вилоят, шаҳар ва туман маъмурий ҳудудида жойлашган ёнғин хавфсизлиги бошқарма, бўлим, бўлинма (гуруҳ)лари, ўқув ва илмий текшириш идоралари, билим юртлари, уларнинг қайси ташкилотга бўйсунишидан қатъий назар - ҳудудий ёнғин хавфсизлиги гарнизонларини ташкил қилади.

Ёнғин хавфсизлиги гарнизонларининг ҳар бирида гарнизон ҳамда смена (қоровул) хизмати ташкил қилинади.

Гарнизон хизмати - ёнғин хавфсизлиги қисмлари шахсий таркиби хизматини яхши ташкил этилишини ва уларнинг интизомлилигини, гарнизоннинг ёнғинга қарши курашга, авария ва қутқарув ишларини бажаришга доимо тайёр туришини, бошқа хизматлар (тиббиёт, сув хўжалиги, энергетика, газ тузатиш ва бошқ.) билан ўзаро ҳамкорликдаги алоқани ўрнатишни, ёнғинни бартараф этиш вақтида ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларига якка ҳолда малакали раҳбарликни таъминлашни олдига мақсад қилиб қўяди.

Смена хизмати - ёнғин хавфсизлиги қисмлари навбатчи сменаларининг доимо жанговар ҳолатда туришини таъминлаш, ёнғин хавфсизлиги қисмлари

муҳофаза қилаётган туман (маскан)ларда содир бўлган ёнғинларни муваффақиятли бартараф этиш ҳамда ёнғиннинг олдини олиш ишларини бажариш учун хизмат қилади.

Гарнизон хизмати ташкил қилинадиган ҳудудлар чегараси республика Ички ишлар вазири, вилоят ва туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси бошлиғининг буйруғига асосан белгиланади.

2. Ёнғин хавфсизлиги хизмати гарнизонининг куч ва воситалари, ҳамда улардан фойдаланиш тартиби /1/

Ёнғин хавфсизлиги гарнизонининг кучларини - ИИВ ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари, маҳкамаларга қарашли ёнғин хавфсизлиги хизматлари, кўнгилли ёнғин ўчирувчилар гуруҳи ва бошқа ёнғинга қарши тузилмалар ташкил қилади.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати гарнизонининг воситаларини - ИИВнинг ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларига тегишли ёнғин ўчириш техникалари, алоқа воситалари, ёнғин ўчирувчи моддалар, шунингдек белгиланган тартибда фойдаланиладиган маҳкамалар ёнғин хавфсизлиги хизматига ва масканларни ёнғиндан муҳофаза қилувчи ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларига тегишли ёнғин ўчиришга мослаштирилган ва ёрдамчи техникалар ташкил этади.

Мураккаб ёнғинларни ўчиришда ёнғин ўчириш воситаларининг самарадорлигини ошириш, етарли миқдорда сув узатиш, махсус ёнғин ўчириш техникаларидан фойдаланиш имкониятини ошириш мақсадида гарнизонларда ҳарбийлаштирилган ва касбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмлари базасида мураккаб ва катта ёнғинларни ўчириш таянч масканлари тузилади.

Таянч масканларининг ишларига раҳбарлик қилиш, улар ташкил қилинган туман (шаҳар) ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиқларига, отряд командирлари ҳамда қисм бошлиқларига юклатилади.

Республика, вилоят (шаҳар) таянч масканларининг умумий сонини, жойлаштирилишини барча аҳоли турар жойлари, халқ хўжалиги корхоналарини ёнғиндан муҳофаза қилиш учун куч ва воситаларини тенг миқдорда жойлаштирилишини инобатга олиб, жойларнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ИИВ, ИИББ ЁХБ бошлиқлари белгилайди.

Таянч масканининг катта ёнғинларни ўчиришга хизмат кўрсатиш майдони радиуси энг узоқ жойга ёнғин ўчиришга керакли куч ва воситаларни тўплаш учун 1,5 соатдан ошмайдиган ҳисобдан олиниши керак.

Таянч масканларининг ҳужжатлари жойларнинг шароитини ҳисобга олган холда ишлаб чиқилади.

Ёнғин хавфсизлиги марказий диспетчерлик хизмати (МДХ) да:

-таянч масканлари ва хизмат кўрсатиш майдонлари жойлаштирилган вилоят харитаси, харитада таянч масканининг даражаси, ёнғин ўчириш техникасининг тури ва сони, ёнғин ўчириш воситаларининг эҳтиёт миқдори кўрсатилган бўлиши керак.

Қисм диспетчерлик хизмати (ҚДХ) да:

-гарнизон ёнғин хавфсизлиги қисмларининг чиқиш жадвали, туман (шаҳар) куч ва воситаларини жалб қилиш режаси;

-таянч маскани хизмат кўрсатадиган аҳоли турар жойларининг сув билан таъминлаш манбалари, ўта муҳим масканлар ва уларга бориш йўллари кўрсатилган харита;

-таянч маскани хизмат кўрсатадиган майдонга кирадиган шаҳар ва аҳоли турар жойларининг сув манбалари тўғрисида маълумот;

-таянч маскани хизмат кўрсатадиган майдонига кирадиган ёнғин хавфсизлиги экипажларининг, радиотармоқларнинг чақириш рақамлари рўйхати, радио ва симли алоқани ташкил қилиш чизмаси, қўшни таянч маскани алоқа жойларининг рўйхати;

-таянч маскани хизмат майдонига кирувчи шаҳар ва аҳоли турар жойларининг АТТ (АТС) телефон маълумотлари;

-шахсий таркибга хабар бериш ва йиғиш чизмаси бўлиши керак.

Катта ва мураккаб ёнғинлар, авария ва табиий офат юз берганда қутқарув ишларини ўтказишни таъминлаш мақсадида авария–қутқарув ишларини ўтказиш бўйича махсус ёнғин ўчириш бўлинмалари тузилади.

Ёнғин хавфсизлиги гарнизони таркибига кирувчи куч ва воситалардан фойдаланиш тартиби ёнғин хавфсизлиги қисмларининг чиқиш жадвали (1-илова) да белгиланади, қишлоқ жойларда эса куч ва воситаларни жалб қилиш режаси (2-илова) да белгиланади.

Куч ва воситаларнинг чиқиш жадвали, режаси гарнизон бошлиғи томонидан ишлаб чиқилади ва маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланади ҳамда ички ишлар идоралари бошлиқларининг буйруғи билан эълон қилинади.

Ички ишлар идоралари бошлиқларининг буйруғида қуйидагилар кўрсатилади:

-гарнизон хизмати ташкил қилинган майдон чегараси, отрядлар, ёнғин хавфсизлиги қисмлари, ёнғин-техник лабораторияси, алоҳида постлар, катта ёнғинларни ўчириш бўйича таянч масканлари ҳамда ёнғин ўчириш автомобиллари бор бўлган масканларни муҳофаза қилувчи ёнғин хавфсизлиги қисмлари чиқадиган туман чегаралари;

-ёнғин, авария ва табиий офатларда ёнғин ўчириш штабининг навбатчилик гуруҳи, гарнизон бошлиқлар таркиби, ёнғин хавфсизлиги отряд ва қисмлари, тезкор тергов гуруҳлари ҳамда асосий, махсус ва ёрдамчи ёнғин ўчириш автомобилларининг чиқиш тартиби;

-масканларни муҳофаза қилаётган ёнғин хавфсизлиги қисмларининг навбатчи сменалари маскан атрофидаги ёнғинлар, авария ва табиий офатларга чиқиш тартиби;

-шахсий таркиб ҳаракати ва ёнғин ўчириш техникасининг алоҳида шароитларда қўлланилиш тартиби;

-ёнғин ва бошқа фавқулодда ҳолат ҳақида ҳамда юқори чақириқ тўғрисида маълумот олинганда куч ва воситалар юборилиши керак бўлган масканлар рўйхати;

ёнғин хавфсизлиги МДХ навбатчи ходимларига юклатилган вазифалар рўйхати ва уларнинг ёнғинлар, авария, табиий офатларга асосий, махсус ва ёрдамчи ёнғин ўчириш автомобилларини юбориш, самолётлар (учиш мосламалари)нинг мажбурий қўниши ва портлаши ёки ёнғин хавфи бўлган ҳолда ҳамда ёнғинга алоқаси бўлмаган бошқа ҳолларда одамларни қутқариш ишлари бўйича ҳаракатлари;

-захира техникаларни жанговар ҳисобга киритиш тартиби.

Ҳар бир гарнизон учун чақириқ рақами ва рақам бўйича юбориладиган ёнғин ўчириш техникаларининг сони ёнғин хавфсизлиги гарнизони бошлиғи томонидан қўл остидаги куч ва воситаларни ҳамда уларнинг гарнизонда жойлашишини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Гарнизон бўлинмаларида жанговар вазифаларни бажариш учун штат ҳисобида кўзда тутилган барча захира ёнғин ўчириш автомобиллари доимо жанговар ҳолатда бўлиши керак. ИИВ, ИИБларда махсус белгиланган режалардан ташқари ёнғин хавфсизлиги хизмати куч ва воситаларини ўз вазифаларидан бошқа ишларга жалб қилиниши қатъиян тақиқланади.

Вилоятлараро қўшни бўлган ёнғин хавфсизлиги гарнизонларига ёнғин ўчиришда ўзаро ёрдам бериш тартиби Ички ишлар идоралари бошлиқлари тасдиқлаган куч ва воситаларни биргаликда жалб қилиш режасига асосан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги хизматининг махсус отрядларини фалокат-қутқарув ишларини бажариш учун қўшни бўлган суверен республикаларга жалб қилиш, республика ички ишлар вазирларининг ўзаро келишувига асосан ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари вақтинча хизмат кўрсатиш чегарасидан ташқарига ҳамда республиканинг бошқа ҳудудларига чиқиши Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ бошлиғининг қарорига асосан амалга оширилади.

3. Ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмаларининг бошқа махсус хизматлар билан ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатлари /1/

ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари бошқа вазирликлар, идоралар ҳамда шаҳар (маскан)ларнинг махсус хизматлари билан ёнғин ўчиришда ва бошқа табиий офатлардаги ўзаро ҳаракатлари, биргаликда қабул қилинган йўриқномалар асосида белгиланади.

Махсус хизматлар билан ўзаро ҳаракат йўриқномасида қуйидагилар бўлиши шарт:

-куч ва воситаларни бошқариш тартиби;

-техника ва махсус хизмат гуруҳларини сони ва жалб қилиниш тартиби;

-ёнғин хавфсизлиги ва махсус хизмат навбатчи ходим (диспетчер)ларининг ҳаракатлари;

-махсус хизматлар бошлиқларининг бурчлари;

-ёнғин ва табиий офатларни бартараф қилишда ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларини сони, жалб қилиниши ва улардан фойдаланиш тартиби;

-ёнғинни бартараф этишда ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари ва махсус хизмат гуруҳларини бўйсуниш тартиби.

Ўзаро ҳаракат йўриқномаси ҳамкорликдаги хизматлар раҳбарлари билан келишилиб, маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланади. Ёнғин ўчириш, табиий офат ва фалокат оқибатларини бартараф этишдаги ўзаро ҳаракатнинг амалий машғулотлари, ёнғин-тактик машқ, машғулот.

4. Катта ва мураккаб ёнғинлар содир бўлганда гарнизон хизматини ташкил этиш /1/

Ёнғин хавфи ортган шароитда маҳаллий ҳокимликлар қарори билан ушбу ҳудудда ёнғин хавфсизлиги гарнизони бўлинмаларининг хизмати кучайтирилган ҳолатга ўтказилиши мумкин. Кучайтирилган ҳолатда хизматни ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар Вазири, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ бошлиқлари томонидан белгиланади.

Хизмат кучайтирилган ҳолатга ўтказилганда қуйидаги асосий тадбирлар амалга оширилади:

-жадвалга биноан шахсий таркибни ва раҳбар ходимларни кеча-кундуз (суткали) навбатчилигини ташкил этиш;

-масканларнинг ёнғинга қарши ҳолати ҳамда хизматнинг ташкил этилиши бўйича қўшимча кундузги ва тунги текширувларни амалга ошириш;

-шахсий таркиб ўртасида тарбиявий-тушунтириш ишлари ўтказиш;

-захирадаги куч ва воситаларни жанговар ҳисобга киритиб, шахсий таркибни жамлаш чораларини кўриш, керак бўлса хизматдан бўш бўлган барча шахсий таркибнинг умумий йиғилишини ташкил этиш;

-масканларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича кучайтирилган чоралар кўриш;

-вазиятдан келиб чиққан холда гарнизон бўлинмаларининг куч ва воситаларини жойлашишини ўзгартириш;

-ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари, ҳарбий бўлинмалар, фавқулодда вазиятлар ва табиий офатларни бартараф этиш штаблари билан ўзаро ҳамкорлик ҳаракатларини белгилаб олиш;

-гарнизон ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг биноларини ва уларнинг ҳудудий чегараларини қўриқлашни кучайтириш;

-етарлича ёнилғи-мойлаш ва ёнғин ўчиргичлар захирасини яратиш;

-қўшимча равишда пост ва дозор хизматларини ташкил этиш.

5. Гарнизон тезкор хизматлари /1/

Ёнғин хавфсизлиги гарнизонларида тезкор хизматларда ёнғин ўчириш, бузилишлар ва табиий офат оқибатларини бартараф қилишда куч ва воситаларни фойдали қўллаш, смена ва гарнизон хизматларининг вазифаларини муваффақиятли бажаришга йўналтирилган чораларни ўз вақтида бажариш учун тузилади. Ёнғин хавфсизлиги гарнизонининг тезкор хизматларига қуйидагилар киради:

-ёнғин ўчириш штаби;

-техника хизмати;

-газ ва тутундан ҳимоялаш хизмати;

-алоқа хизмати.

Ёнғин ўчириш штаби смена ва гарнизон хизматига раҳбарлик қилиш, гарнизон куч ва воситаларини биргаликдаги тайёргарлигини таъминлаш ва ёнғин ўчириш ёки бузилиш ва табиий офат оқибатларини бартараф қилишдаги жанговар ҳаракатлар ўтказишда уларни бошқариш учун ;

Техника хизмати бўлинмаларнинг моддий-техник таъминлаш учун ҳамда ёнғин ўчириш техникаси ва ёнғин ўчириш воситаларини доимий жанговар тайёргарлигини таъминлаш учун;

Газ тутундан ҳимоя хизмати нафас олишга яроқсиз муҳитда одамларни қутқаришда, ёнғин ўчиришда ва фалокатлар оқибатларини тугатишда ИИВ Ёнғин хавфсизлиги хизмати шахсий таркибининг жанговар ҳаракатларини таъминлаш учун;

Алоқа хизмати алоқа тармоғини ташкил қилиш, алоқа воситаларини доимий тайёрлигини сақлаш ва бўлинмаларни бошқаришни таъминлаш учун тайинланган.

6. Ёнғин хавфсизлиги гарнизони мансабдор шахслари /1/

Ёнғин хавфсизлиги гарнизонининг мансабдор шахсларига қуйидаги лавозимлар киради:

-ёнғин хавфсизлиги гарнизонининг бошлиғи;

-ёнғин хавфсизлиги гарнизони тезкор навбатчиси (ёнғин ўчириш гуруҳи бошлиғи, гуруҳ бошлиғининг ўринбосари ва ёнғин ўчириш фаолиятини таъминлаш муҳандиси);

-ёнғин хавфсизлиги гарнизонининг техника хизмати бошлиғи;

-ёнғин хавфсизлиги хизматининг газ ва тутундан ҳимоялаш хизмати (ГТҲХ) бошлиғи;

-ёнғин хавфсизлиги хизматининг алоқа хизмати бошлиғи;

-ёнғин хавфсизлиги марказий диспетчерлик хизмати (МДХ) диспетчери (катта диспетчери, радиоалоқачиси).

7. Ёнғин хавфсизлиги гарнизони бошлиғи ва унинг хизмат мажбурияти /1/

Республика ИИВ ЁХББ бошлиғи Ўзбекистон Республикаси ёнғин хавфсизлиги гарнизонининг катта тезкор бошлиғи ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ ЁХБ бошлиқлари бир вақтнинг ўзида республика, вилоят ҳамда республика ва вилоят марказлари ёнғин хавфсизлиги гарнизонининг тезкор бошлиқлари ҳисобланадилар. Республика, вилоят маркази бўлмаган туман, шаҳар ёнғин хавфсизлиги гарнизонининг бошлиғи этиб ИИВ, ИИБ буйруғи билан ёнғин хавфсизлиги хизматининг лавозими катта бошлиғи тайинланади. Гарнизон ва смена хизмати масалалари бўйича ёнғин хавфсизлиги гарнизонининг бошлиғига гарнизон таркибига кирувчи барча тезкорлик хизмати, ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари, ёнғин хавфсизлиги хизматининг ўқув ва илмий муассасалари бўйсунади.

Ёнғин хавфсизлиги гарнизони бошлиғи гарнизоннинг ёнғинга қарши курашини ташкил қилади, барча ёнғин хавфсизлиги экипажлари ва махсус хизматларнинг ўзаро ҳаракатларини ҳамда уларнинг техник қуроллардан ёнғин ўчириш учун фойдаланиш тартибини белгилайди. Бошқа вазирлик маҳкамаларига қарашли ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг ўзаро ҳаракати, ёнғин хавфсизлиги гарнизони бошлиғи билан келишилади, зарур ҳолларда шу вазирлик маҳкамаларининг мувофиқ ташкилотлари билан ҳам келишилади.

Ёнғин хавфсизлиги гарнизонининг бошлиғи қуйидагиларга мажбур:

-гарнизондаги ёнғин хавфсизлиги қисмларини қандай жойлашганлигини, навбатчи сменаларнинг тезкор-тактик имкониятларини ҳамда шахсий таркибнинг ёнғинда қай даражада ишлашга тайёрлигини билиши;

-муҳим масканларнинг жойлашган ўрнини ҳамда уларнинг ёнғин содир бўлиши жиҳатидан хавфлилигини, асосий бино ва иншоотларнинг тузилиш хусусиятларини, гарнизоннинг ёнғинга қарши сув билан қандай таъминланганлигини ҳамда алоқанинг қай тартибда ўрнатилганлигини билиши;

-гарнизон ёнғин хавфсизлиги қисмлари шахсий таркибининг ўта уюшқоқ ва интизомли бўлишини таъминлаши;

-ёнғин хавфсизлиги марказий диспетчерлик хизмати шахсий таркибини ва ёнғин хавфсизлиги қисмлари навбатчи сменалари хизматини уюштириши ҳамда назорат қилиб туриши;

-муҳим ва ёнғин чиқиш хавфи кучли бўлган масканларда ҳамда шаҳарнинг сувсиз туманларида ёнғин ўчириш тезкор режасини тузишни ташкил қилиши ва ишлаб чиқиши;

-ёнғин хавфсизлиги хизмати билан туман (шаҳар)нинг бошқа хизматлари (сув таъминоти, энергетика, газ ва бошқалар), шунингдек ҳарбий қисмлар билан ёнғин чиққанда ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш тадбирларини ишлаб чиқиши;

-ёнғинга қарши сув таъминоти, ўтиш жойларини, алоқани яхшилаш тадбирларини тайёрлаши ва уни маҳаллий ҳокимиятлар ва хўжалик корхона эгалари ва раҳбарларига кўриб чиқишлари учун топшириши;

-зарур бўлган ҳолларда смена ҳамда гарнизон хизматини кучайтириши;

-ёнғин хавфсизлиги қисмларининг ёнғинни ўчиришга чиқиш жадвалини тузиши ва ёнғин ҳақида берилган биринчи хабардаёқ кучайтирилган чақириш рақамли кучлар юбориладиган масканлар рўйхатини аниқлаши;

-ёнғинга қарши сув таъминоти, ўтиш жойлари ва барча турдаги алоқанинг ҳолатини назорат қилиб туришни ташкил қилиши;

-гарнизондаги ёнғин ўчириш техникасининг ҳолатини ва улардан тўғри фойдаланилишини назорат қилиши;

-илмий ишлаб чиқиш усулларини, республикадаги мавжуд ва чет эл илғор тажрибаларини ўрганиши, уларни амалий фаолиятда қўллаши;

-шахсий таркибнинг хизмат тайёргарлигини ташкил этиши, катта ва мураккаб ёнғинларни таҳлил қилиши, ёнғин-тактик масалаларни ҳал этиш бўйича ёнғин-тактик ўқув машқ ва машғулотларини ўтказиши;

-катта ва мураккаб ёнғинларни ўчириш бўйича таянч масканларини ишини ташкил қилиши ва бошқариши;

-гарнизон бошлиқлар таркибидаги шахсларга ёнғинни ўчиришга раҳбарлик қилишга рухсат берилиши имконияти борлигини аниқлаши;

-ёнғин ва табиий офат юз берган жойларга шахсан бориши ва ёнғин хавфсизлиги хизмати Низоми талабларига ҳамда юз берган вазиятга қараб ёнғинни ўчиришга раҳбарлик қилиши;

-гарнизон куч ва воситалари ишларини, ёнғинлар ҳолатини таҳлил қилиши, ёнғинлар сони ва унинг оқибатларини камайтириш ва хизмат фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши;

-гарнизонда ёнғин хавфсизлиги тезкорлик хизматини ҳамда уларнинг шахсий таркибини тайёрлаш ишларини ташкил қилиши;

-ёнғинга кучайтирилган рақамли чақирув бўлганда туман (шаҳар) ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиқларининг ёнғинга чиқишини ва гарнизон раҳбар ходимларини йиғиш тартибини белгилаши;

-гарнизон бошлиғи ўринбосарларини, тезкор хизматлар бошлиқларини тайинлаши, гарнизон лавозимли шахслари учун йўриқномалар (хизмат бурчлари) ишлаб чиқиши;

-ёнғин хавфсизлиги гарнизони хизмат ҳужжатларини ишлаб чиқишни ташкил қилиши.

8. Ёнғин хавфсизлиги гарнизони тезкор навбатчиси ва унинг хизмат мажбурияти /1/

Ёнғин хавфсизлиги гарнизони тезкор навбатчиси (ёнғин ўчириш гуруҳи бошлиғи, гуруҳ бошлиғининг ўринбосари ва ёнғин ўчириш фаолиятини таъминлаш муҳандиси) ёнғин хавфсизлиги гарнизони бошлиғига бўйсунади. Республика, вилоят марказларида гарнизон бўйича тезкор навбатчига барча ёнғин ўчириш штаби тезкор гуруҳлари, вилоят (республика) ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг навбатчи сменалари, тезкор навбатчилари ҳамда ёнғин хавфсизлиги МДХ, ЁТЛ навбатчилари тезкор хизмат юзасидан бўйсунадилар.

Гарнизон тезкор навбатчиси вазифасини ёнғин ўчириш гуруҳининг катта лавозимли шахси ёки гарнизон бошлиғи тайинлаган ёнғин хавфсизлиги хизмати бошлиқлар таркибидан бири бажаради.

Гарнизон тезкор навбатчиси:

-ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг барча бошлиқлар таркиби ва смена бошлиқларининг ёнғин ўчириш ишига тайёргарлик даражасини билиши;

-энг муҳим ва ёнғин чиқиши жиҳатдан хавфли масканларнинг рўйхатини ҳамда уларнинг қаерда жойлашганлигини, кўчаларнинг ўтиш жойларини, ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг жанговар шайлигини, сув манбаларининг қандай жойлашганлиги ва ҳолатини, алоқа тармоғини, ёнғин ўчириш техникасини, кўпик ҳосил қилувчи воситаларни, ҳимоя газниқобларининг борлигини билиши;

-ёнғин хавфсизлиги гарнизони бошлиғи белгилаган тартибга асосан ёнғин ҳамда табиий офат оқибатларини бартараф қилишда сменаларнинг ишига раҳбарлик қилишни ўз зиммасига олиши;

-ёнғин хавфсизлиги қисмлари навбатчи сменаларининг, шунингдек муассасага тегишли ёнғин хавфсизлиги хизматининг, шайлигини, шу билан бирга сменаларнинг техникавий қуроллланганлигини, хизмат хоналарининг батартиблигини ва уларнинг ёнғинга қарши ҳолатини текшириши;

-ёнғин хавфсизлиги қисми бошлиқлар таркибининг сменалар шахсий таркиби билан ўтказаётган машғулотларининг сифатини текшириши, шунингдек ёнғин-тактик масалаларини ҳал қилиши ҳамда ёнғин тактик машғулотларини шахсан ўзи ўтказиши;

-гарнизонда ёнғин ўчириш тезкор режаларини тузишда шахсан қатнашиши, улар билан амалий иш бажаришни, ўз вақтида хатоларни тузатишни ташкил қилиши, қисмларда тезкор ёнғин ўчириш режалари мавжудлигини ва уларнинг тўғри тўлдирилганлигини текшириши;

-гарнизонда алоқа хизматини назорат қилиши;

-муҳофаза қилинаётган масканда ёнғин хавфсизлиги ҳолати бўйича ёнғинни олдини олиш инспекторларининг хизмат олиб боришларини текшириши;

-муҳофаза қилинаётган масканда ёнғин хавфсизлиги ҳолати бузилганида, уларни бартараф қилиш учун навбатчи сменаларга амалий ёрдам бериши;

-ГТҲХ бўлинмалари шахсий таркибининг нафас олишга яроқсиз муҳитда ишлашга тайёргарлигини текшириши, ҳимоя газниқобларининг техник ҳолатини, назорат жойлари ҳамда ГТҲХ базаларининг қай аҳволда эканлигини текшириши;

-ёнғин хавфсизлиги қисмлари сменаларининг хизматини ва жанговар ишини умумлаштириши ва таҳлил қилиши ҳамда натижаларини ёнғин хавфсизлиги гарнизони бошлиғига маълум қилиши;

-ёнғин хавфсизлиги ҳолати мураккаблашганлиги ҳақида маълумот олинганда (масканларда ёнғин чиқиш хавфи кучайганда, сув ўтказиш жойларида узилиш бўлганда, ўтиш жойлари ёпиб қўйилганда, телефон алоқаси ишдан чиққанда ва бошқ.) қўшимча чора ва тадбирлар белгилаши, олинган хабар ҳамда белгиланган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ёнғин хавфсизлиги гарнизони бошлиғига хабар бериши, зарурият туғилганда сменаларнинг хизматни ўташ тартибига ўзгартиришлар киритиши;

-гарнизон бошлиғининг кўрсатмаларига асосан ёнғин хавфсизлиги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда гарнизон ва сменалар хизматини кучайтириш учун чоралар кўриши;

-ташқи сув ўтказиш тармоқларида сувнинг оқишини текширилишини ташкил қилиши;

-гарнизон ёнғин хавфсизлиги марказий диспетчерлик хизмати навбатчилари хизматини текшириши;

-ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари шахсий таркиби ходимларидан техника хавфсизлиги, хизмат кийимини кийиш қоидаларини бузган, машғулотларга тайёрланмаган ва хизмат бурчини билмайдиганларини хизмат қилишдан ва ёнғинда ишлашдан четлаштириши;

-ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларида бирор тасодиф юз берса, дарҳол гарнизон бошлиғига хабар бериши, тасодиф юз берган жойга зудлик билан етиб бориши ҳамда зарур чоралар кўриши лозим.

9. Гарнизон техника хизмати бошлиги ва унинг хизмат мажбурияти /1/

Гарнизон техника хизмати бошлиғи этиб ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари бошлиқлар таркибидан тажрибага эга бўлган шахс гарнизон бошлиғи буйруғига асосан тайинланади.

Гарнизон техника хизмати бошлиғи:

-гарнизонда бор бўлган ёнғин ўчириш техникасини тактик-техник хусусиятларини ва уларни ишлатишда меъёрий ҳужжатларни билиши;

-ёнғин ўчириш ва махсус техникалардан фойдаланишни, техник қаров, таъмирлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва ишлатишни ташкил қилиши;

-ёнғин ўчириш ва махсус техникаларни жанговарлигини, техник ҳолатини ва сақланишини назорат қилиши;

-ёнғин хавфсизлиги гарнизони бўлинмаларини таъминлаш учун керакли моддий техник маҳсулотлар миқдорини аниқлаши;

-ёнғин ўчириш енгларидан тўғри фойдаланишни назорат қилиши, ёнғин ўчириш енгларини таъмирлаш учун енглик базаси ишини ташкил қилиши ва уларни асбоб-анжомлар ва керакли материаллар билан таъминлаши;

-йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш учун чоралар белгилаши ва тадбирлар ўтказиши, ҳайдовчиларнинг касб маҳоратини ошириш учун тадбирлар белгилаши;

-ёнғин ўчириш ва табиий офатларни бартараф қилишда ёнғин ўчириш ва махсус техникалардан фойдаланиш тажрибаларини умумлаштириши ва амалда қўллаши;

-ёнғин ўчириш ва махсус техникалар билан содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларини ва уларнинг ишини таҳлил қилиши, кўрсатилган техникалар ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаши ва амалга ошириши;

-гарнизон бўлинмаларидаги ёнғин ўчириш ва махсус техникаларни синовдан ўтказишни ташкил қилиши ва унинг қандай бажарилаётганини назорат қилиши лозим.

10. Гарнизон ГТХХ бошлиғи ва унинг хизмат мажбурияти /1/

Гарнизон газ ва тутундан ҳимоялаш хизмати бошлиғи этиб, ёнғин хавфсизлиги гарнизони бошлиқлар таркибидан тажрибали шахс тайинланади.

ГТҲХ бошлиғи ёнғин хавфсизлиги гарнизони бошлиғига бўйсунади.

ГТҲХ бошлиғи:

-ГТҲХ базалари ва назорат жойлари ишларини бошқариши, ГТҲХ катта усталарини тайёрлашни амалга ошириши, шахсий таркибни нафас олишга яроқсиз жойларда ишлашга тайёргарликларини, газниқобларини, алоқа воситаларини, хавфсизликни таъминловчи бошқа воситаларни ва махсус ҳимоя воситаларини ҳамда ГТҲХнинг бошқа қуроллари ҳолатини назорат қилиши;

-ГТҲХ иссиқ тутунхоналари ва базалари, назорат жойлари қандай жиҳозланганлигини билиши;

-ГТҲХ шахсий таркибини нафас олишга яроқсиз жойларда машқ қилишларини ташкил қилиши, бошланғич тайёргарликдан ўтаётган ёнғин ўчирувчиларни ҳимояловчи газниқобларда ишлашга ўргатишни ва улардан имтиҳонлар қабул қилинишини назорат қилиши;

-энг яхши ГТҲХ базасини ва аълочи ГТҲХ ходимини аниқлаш мақсадида кўрик-танловлар ташкил қилиб ўтказиши;

-ҳимояловчи газниқоблар билан қуролланган бошқа вазирлик ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳаракат қилиш йўриқномаси асосида йилида камида бир марта амалий машқ ўтказиши ва тузатишлар киритишни ташкил қилиши;

-хавфсизлик кузатувчилари вазифасини бажарувчи шахсларни тайёрлашни ташкил қилиши, ГТҲХ гуруҳларини хавфсизлик кузатиш жойлари билан алоқа қилиш белгиларини ишлаб чиқиши;

-ГТҲХ шахсий таркибининг тиббий кўрикдан ўтказилишини ҳамда шахсий таркибни амалий ишга ўргатишни ташкил қилишда гарнизон ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари бошлиқларига ёрдам кўрсатиши;

-ГТҲХ ишини яхшилаш ва материал-техник базаларини кенгайтириш ҳамда такомиллаштириш бўйича чоралар ишлаб чиқиши лозим.

11. Гарнизон алоқа хизмати бошлиғи ва унинг хизмат мажбурияти /1/

Гарнизон алоқа хизмати бошлиғи этиб, гарнизон бошлиғи буйруғига асосан махсус тайёргарликдан ўтган малакали мутахассис ходим тайинланади.

Ёнғин хавфсизлиги гарнизони штатида алоқа бўйича мутахассисларга ўрин бўлмаса, алоқани ташкил қилиш ҳамда уни бетўхтов ишлаб туриши масалалари марказий диспетчерлик хизмати бошлиғи томонидан ёки бошлиқ буйруғи билан тайинланган шахс томонидан ҳал қилинади.

Гарнизон алоқа хизмати бошлиғи:

-гарнизоннинг барча турдаги алоқа воситаларини узлуксиз, мустаҳкам ишлашини ташкил қилиши (бошқарув, хабарлаш алоқалари);

-алоқа воситаларини ишлатиш ва алоқа ташкил қилиш масалалари бўйича меъёрий ҳужжат ва буйруқларни билиши;

-ёнғин хавфсизлиги гарнизонининг эҳтиёжи учун зарур бўлган алоқа воситаларининг техник хизматини билиши;

-ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари билан марказий диспетчерлик хизмати (МДХ) ўртасида, ёнғин хавфсизлиги қисмлари ўртасида, МДХ билан ўта муҳим корхоналар ўртасида, МДХ билан шаҳарнинг бошқа хизматлари ўртасида алоқани ташкил қилиши;

-ёнғин ва табиий офат оқибатларини тугатишда бўлинмаларнинг жанговар ҳаракатларини бошқариш алоқа чизмаларини ишлаб чиқиши;

-МДХ, ҚДХ ва ёнғин ўчириш автомобилларида ўрнатилган алоқа воситаларини ишга яроқлилигини таъминлаши ва назорат қилиши;

-МДХ шахсий таркиби билан махсус тайёргарлик машғулотларининг ўтказилишини ва алоқа воситалари билан ишлашга ўргатишни ташкил қилиши;

-ёнғин хавфсизлиги хизмати (ЁХХ) эҳтиёжини қаноатлантириши, алоқани яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва бу ҳақида гарнизон бошлиғига ахборот бериши;

-ЁХХ алоқа воситаларини таъмирлаш устахоналарининг ишини, алоқа воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш жадвалларини, режаларининг бажарилишини назорат қилиши лозим.

12. Ёнғин хавфсизлиги марказий диспетчерлик хизмати диспетчери ва унинг хизмат мажбурияти /1/

МДХ диспетчери ёнғин хавфсизлиги гарнизони бошлиғига ва тезкор навбатчига, алоқа воситаларини ишлатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш масалалари бўйича эса МДХ бошлиғи (алоқа воситалари бўйича катта омилкор)га бўйсунади.

МДХ диспетчери хабарни қабул қилиш ва бўлинмаларни ёнғин ва табиий офат юз берган жойга ўз вақтида юборишга, барча ҳамкорликда ҳаракат қилувчи хизматлар билан доимий алоқада бўлишга, МДХ бошлиғи, ёнғин ўчириш раҳбари ва гарнизон бўйича тезкор навбатчининг буйруқларини қабул қилишга ҳамда гарнизондаги куч ва воситаларни керакли жойларга етказишга ва уларнинг тезкор ҳисоботига жавобгардир.

МДХ диспетчери:

-гарнизондаги вазиятни, ёнғин хавфсизлиги қисмларининг чиқиш туманларини, ёнғин ўчириш таянч масканларини, юқори чақириққа киритилган ўта муҳим корхоналарни, сувсиз ҳудудларни, гарнизон техник қуролларини ва уларнинг тактик имкониятларини, ёнғин ўчирувчи моддалар сақланадиган жойларни ҳамда гарнизон бўлинмаларини қаерда жойлашганлигини билиши;

-гарнизон алоқа воситаларини, ёзиб олувчи ва маълумот асбобларини назорат қилиши ҳамда улардан фойдаланиш тартибини билиши;

-МДХ (ҚДХ) журналини шахсан олиб бориши (4-илова), журналнинг тўлдирилиб борилишини назорат қилиши, ёнғинга қарши носоз сув тармоқларини, кўчаларни, тор кўчаларни, бузилган алоқа воситалари рўйхатини ҳисобга олиши ва радиоалоқа журналини тўлдирилишини назорат қилиши;

-ёнғин ва табиий офат юз берганлиги ҳақидаги хабарларни қабул қилиб олишни таъминлаши, хабарларни текшириш ҳамда ёзиб олиб уларни аниқлаш учун магнитофондан фойдаланиши;

-ёнғин ва табиий офат юз берган жойларга гарнизон ёнғин хавфсизлиги қисмларини чиқиш жадвали асосида ҳамда ёнғин ўчириш раҳбари, тезкор навбатчи ва МДХ бошлиғининг буйруғига кўра ёнғин ўчириш бўлинмаларини юбориши;

-агарда ёнғин содир бўлган корхонага юқори чақириқ назарда тутилган бўлса, ёнғиндаги ҳолатга қараб қўшимча куч ва воситалар юбориши;

-ЁХХ билан биргаликда ҳаракат қилувчи хизматлар билан алоқа боғлаб туриши, агарда зарурият туғилса, ушбу хизмат ходимларини ёнғин (табиий офат) содир бўлган жойларга белгиланган тартибда юбориши;

-ЁХХ бўлинмалари ишлаётган жойдаги вазият ҳақида хабар олиб туриш учун зарур бўлган барча чораларни кўриши;

-керакли хизматлар орқали ёнғин содир бўлган корхонадаги вазиятни, газ тарқалиш даражасини, радиация ҳолатини аниқлаши ва қўшимча маълумотлар олганида уларни зудлик билан ёнғин ўчириш раҳбарига хабар қилиши;

-ёнғинга қарши ҳолат ўзгарганлиги ҳақида хабар олинганда, гарнизон тезкор навбатчисига хабар бериши;

-навбатчи сменалар юқори чақириқ билан ёнғин ўчиришга чиққан бўлсалар, гарнизонда ўрнатилган тартиб асосида ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларини вақтинча қайтадан жойлаштириши;

-радиоалоқа ўрнатиш қоидаларига риоя қилиши ва назорат қилиши;

-вақти-вақти билан (бир кунда камида 2 марта) ҚДХ, шаҳарнинг навбатчи хизматчилари билан телефон ва радиоалоқани текшириб туриши, шунингдек алоқа тармоқларидаги соатларнинг бир-бирига мос юришини текшириб кўриши лозим.

Республика, вилоят марказларидаги МДХ диспетчери республика, вилоят ҳудудида содир бўлган ёнғинлар ҳақида хабарларни қабул қилиши, агарда зарурият туғилса, ёнғин ўчириш таянч маскани техникасини, қўшни шаҳар ва туманларнинг ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларини юбориши лозим.

13. Ёнғин хавфсизлиги хизмати гарнизонининг хизмат ҳужжатлари /1/

Ёнғин хавфсизлиги гарнизонининг хизмат ҳужжатлари рўйхати

	Ҳужжатларнинг номланиши	Ўзгартириш ва тўлдириш вақти	Сақлаш Жойи	Сақлаш Муддати
1	**2**	**3**	**4**	**5**
1	Шахсий таркибни тайёрлаш ва ёнғин ўчиришни ташкил қилиш бўйича асосий ҳужжатлар	-	Гарнизон бошлиғида ЁЎШ да	Янгисига алмашти-рилгунга

	(буйруқлар, қуролли кучлар низомлари, кўрсатмалар, қўлланмалар ва бошқ).			қадар
2	Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг чиқиш туманлари, сув манбалари, ўта муҳим ва тоифаланган объектлар, катта ва мураккаб ёнғинларни ўчириш таянч масканларининг чиқиши кўрсатилган вилоят (республика, шаҳар) режа-харитаси.	Керак бўлганда	ЁХМДХ ва ЁЎШ хонасида	Янгисига алмашти-рилгунга Қадар
3	Ёнғин хавфсизлиги МДХ журнали	Навбатчилик давомида	ЁХМДХ да	3 йил
4	Вилоят (республика, шаҳар) гарнизонидаги куч ва воситаларни ҳисобга олиш журнали	Смена алмашгандан сўнг	ЁХМДХ да	3 йил
5	Вилоят (республика, шаҳар) да содир бўлган ёнғинларни ҳисобга олиш журнали	Навбатчилик давомида	ЁХМДХ да	3 йил
6	Вилоят (республика, шаҳар) гарнизонидаги сув олиш гидрантларининг сони, жойлашиши, манзили (диаметри) ҳамда ҳовузлар ҳақида маълумотнома.	Зарурият бўлганда	ЁХМДХ да	Янгисига алмашти-рилгунга қадар
7	Вилоят (республика, шаҳар) бўйича уйларнинг тартиб рақамлари кўрсатилган кўчалар, йўллар, шаҳар майдонлари ҳақида режа-харита маълумотномаси.	Зарурият бўлганда	ЁХМДХ, ҚДХ ва барча тезкор автомобилляр-да	Янгисига алмашти-рилгунга қадар
8	ИИВ ЁХББ, вилоят ИИБ телефонлари, вилоят (шаҳар)нинг ҳамкорликдаги хизматларининг телефонлари рўйхати, ҳарбий комендатура телефони ва бошқалар.	Зарурият бўлганда	ЁХМДХда	Янгисига алмашти-рилгунга қадар
9	Ёнғин ҳақида хабар олинганда куч ва воситаларни юбориш тартибини, махсус хизматлар билан ўзаро ҳамкорлик ташкил қилишни белгиловчи ЁХМДХ лавозимли шахсларнинг бурч йўриқномалари.	Зарурият бўлганда	ЁХМДХда	Янгисига алмашти-рилгунга қадар
10	Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг ҳамкорликдаги хизматлар, вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш йўриқномаси	Зарурият бўлганда	ЁХМДХда	Янгисига алмашти-рилгунга қадар

11	Гарнизон жанговар тайёргарлиги режа-жадвали (ЁЎТМ чиқиш туманини ўрганиш, иссиқ тутунхонада шахсий таркиб билан машқ, оловли йўлакда руҳий тайёргарлик).	Ўқув йили учун ишлаб чиқилади (тузилади)	ЁХМДХда, ЁЎШ хонасида	Янгисига алмашти рилганда н сўнг 1 йил
12	Гарнизон ёнғин ўчириш автомобилларининг техник қаров ўтказиш жадвали.	Ҳар йили ишлаб чиқилади (тузилади)	ЁХМДХда ЁЎШ хонасида	Янгисига алмашти-рилгунга қадар
13	Телефонограммаларни қайд этиш китоби		-	1 йил

Эслатма: Гарнизон бошлиғи ёки унинг топшириғига биноан бирор шахс ҳар чоракда камида бир марта ёнғин хавфсизлиги хизмати гарнизонининг хизмат ҳужжатларининг сақланишини, юритилишини ва ундан фойдаланилишини текшириши ва ўз вақтида керакли тузатишлар киритиши лозим.

14. Смена хизмати. Смена хизматини ташкил қилиш /1/

Смена (қоровул) хизмати – ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари навбатчи сменалари томонидан олиб борилади ҳамда шахсий таркибдан жанговар вазифаларни аниқ бажаришни, сергакликни, жасурликни ва ташаббускорликни талаб қилади.

Смена хизматининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

-навбатчи сменаларни ёнғин ўчиришга, одамларни қутқаришга, фалокат, табиий офат содир бўлганда шаҳар (корхона)нинг керакли навбатчи хизмати ходимларига ёрдам беришга доимий тайёргарлигини таъминлаш;

-ёнғинга қарши сув тармоқларини, алоқа воситаларининг яхши ишлашини ва кўчаларнинг ҳолатини назорат қилиш;

-муҳофаза қилинаётган масканларнинг ёнғинга қарши ҳолатини навбатчилик давомида назорат қилишни таъминлаш.

Ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмларида навбатчилик хизмати уч сменада, касбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмларида эса тўрт сменада амалга оширилади. Ҳар қайси смена навбатчилиги 24 соат давом этади.

Смена жанговар ҳисобига бемор ва иш жойида алоҳида тайёргарликдан ўтмаган шахсларни киритиш ман этилади.

Ёнғин хавфсизлиги қисмининг жанговар ҳисобида ва захирасида турган барча автомобиллари ёнғин ўчириш ҳамда одамларни қутқариш учун зарур асбоб-анжомлар билан жиҳозланган ҳолатда смена ихтиёрида бўлади. Смена ихтиёридаги ёнғин ўчириш автомобилларининг, ёнғин ўчириш қуролларининг доимо жанговар ҳолатда бўлишини ва озода тутилишни таъминлаш сменанинг барча шахсий таркибига юклатилади.

Смена шахсий таркиби жанговар кийим, асбоб-анжом ва ҳимояловчи газниқоб билан таъминланиши керак. Жанговар кийим ва асбоб-анжомлар ҳар бир ёнғин ўчирувчига бириктирилган бўлиши ва бўй-бастига қараб тайинланган бўлиши лозим.

Носоз ёнғин ўчириш автомобиллари ва ёнғин ўчириш қуроллари қуйидаги тартибда зудлик билан алмаштирилади:

-захирада ёнғин ўчириш техникаси бўлса, туман (шаҳар) ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиғи буйруғига асосан алмаштирилади, захирада техника бўлмаса, ёнғин хавфсизлиги гарнизони бошлиғи буйруғига асосан алмаштирилади;

-ёнғин ўчириш қуроллари смена бошлиғининг буйруғига асосан алмаштирилади ва қисм бошлиғига ахборот берилади.

Ёнғин ўчириш автомобилига 1-2-техник хизмат кўрсатишда автомобил жанговар ҳисобдан чиқарилади ва захирадаги автомобил жанговар ҳисобга қўйилади. Ёнғин ўчириш автомобилларига техник хизмат кўрсатиш учун жанговар ҳисобга қўйиш тартиби жойлардаги шароитга қараб гарнизон бошлиғи томонидан белгиланади. Жанговар ҳисобда турган техника сонини штатда эълон қилингандан камайтириш тақиқланади.

Ёнғин хавфсизлиги қисми навбатчи сменасининг асосий лавозимли шахслари қуйидагилар ҳисобланади:

-смена бошлиғи;

-қисм диспетчерлик хизмати диспетчери (радиоалоқачиси);

-экипаж командири;

-ёнғин ўчириш автомобили ҳайдовчиси;

-катта ёнғин ўчирувчи, ёнғин ўчирувчи.

Ёнғин хавфсизлиги қисми жанговар ҳисобида турган ёнғин ўчириш техникасининг турига ва штатига қараб смена таркибига мансабдор шахслар кириши мумкин. Уларнинг хизмат вазифалари қисм бошлиғи томонидан ишлаб чиқилади.

15. Ёнғин хавфсизлиги қисми смена бошлиғининг хизмат мажбурияти /1/

Смена бошлиғи ёнғин хавфсизлиги қисми бошлиғига бўйсунади. У смена шахсий таркибининг бошлиғи ҳисобланади.

Смена бошлиғи қуйидагиларга жавобгардир:

-ёнғин хавфсизлиги сменасининг доимий жанговар тайёрлиги ва хизматни яхши олиб боришига;

-унга бўйсунадиган шахсий таркибни жанговар ва хизмат тайёргарлигига, тартиб-интизомли бўлишига ва руҳий-ахлоқий ҳолатига;

-ёнғин ўчириш автомобилларини ва ёнғин ўчириш қуролларининг яхши сақланишига, созлигига;

-шахсий таркибнинг техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишларига;

-шахсий таркиб томонидан кун тартибига риоя қилинишига ва смена хизматида тартиб-интизом бўлишига.

Смена бошлиғи:

-шахсий таркибининг ишчанлик ҳамда руҳий-ахлоқий қобилиятларини билиши ва тарбия ишларини олиб бориши;

-смена шахсий таркиби билан жанговар ва хизмат тайёргарлиги машғулотлари ўтказиши ва экипаж командирларининг машғулот ўргатаётганликларини кузатиб бориши;

-ёнғин хавфсизлиги қисмининг чиқиш туманларини, муҳим ва ёнғин чиқиш хавфи бўлган масканларнинг жойлашган ўрнини, биноларнинг тузилиш хусусиятларини, муҳофаза қилинаётган туманнинг сув таъминотини ва ўтиш йўлларини, ёнғин хавфсизлиги гарнизонидаги ёнғин ўчириш автомобилларига оид тактик-техник маълумотларни билиши;

-смена шахсий таркибининг сафга тизилиш малакасини, белгиланган кийим турини кийиш қоидаларини бажарилишини ва кийим-кечак ҳамда қуролларнинг мос танланганлигини қатъий кузатиб бориши;

-навбатчиликни қабул қилиб олаётганида муҳофаза қилинаётган тумандаги шароит билан танишиб чиқиши, шунингдек ёнғин хавфсизлиги қисмининг бошлиғидан туманни муҳофаза қилишга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида кўрсатмалар олиши;

-навбатчилик вақтида мавжуд шароитга қараб, туманни ёнғиндан муҳофаза қилишда кучайтирувчи қўшимча тадбирлар ишлаб чиқиши ва уларни амалга ошириши, соқчилар, кузатувчилар ва бошқа шахслардан туман (маскан)да ёнғин чиқиш хавфи бўлган шароит вужудга келганлиги ҳақида хабар келса, ёнғин хавфсизлиги ҳолати бузилиш оқибатини бартараф қилиш тадбирларини кўриши ва зарур бўлса, ёнғин хавфсизлиги қисми бошлиғига хабар қилиши;

-тун пайтида, дам олиш ва байрам кунларида қўшимча йўналишлар бўйича сменалар шахсий таркибидан маълум топшириқ билан кузатувчилар юбориб, муҳофаза қилинаётган масканларнинг ёнғинга қарши ҳолатини назорат қилишни кучайтириши;

-шахсан (экипаж командирлари орқали) соқчилар, кузатувчилар, ёнғиннинг олдини олиш ишлари назоратчилари ва ички навбатчиликда ишлайдиган шахслар хизматини қандай ўтаётганликларини текшириб туриши, барча смена таркибининг хизмат вазифаларини тўғри, аниқ бажаришларини доимо кузатиб бориши;

-ёнғин хавфсизлиги қисми муҳофаза қилаётган маскандаги энг муҳим цехлар, қурилмалар, лабораториялар, омборлар ва биноларни иш кунининг охирида уларни ёпишдан олдин яхшилаб кўздан кечиришларини ташкил этиши ва назорат қилиши;

-ёнғин ўчириш автомобиллари, техник қуроллари, асбоб анжомлари, сув ҳавзалари, бинолар ва сув манбаларига ўтиш йўлларининг доимо қониқарли бўлишини кузатиб туриши;

-шахсий таркибни соқчиликка, кузатувчиликка ўз вақтида юбориб туриши, бунда уларга йўл-йўриқлар кўрсатиши ҳамда уларнинг ўз вазифаларини қанчалик билишларини текшириб туриши;

-ёнғин ўчиришга ва табиий офат юз берган жойга сменага бошчилик қилиб бориши (ёнғин ўчириш ва табиий офат оқибатларини бартараф қилишда смена шахсий таркибининг фақат бир қисми борадиган бўлса, гарнизон бошлиғи томонидан олдиндан белгиланган тартибда смена бошлиғи қисмда қолиши мумкин);

-ёнғин хавфсизлиги қисмида мавжуд бўлган алоқа воситалари, техник қуроллар ва асбоб-анжомлар билан ишлашни билиши;

-муҳофаза қилинаётган масканда телефон алоқаси ишдан чиқса, қўшимча кузатувчилар юбориб ёнғин хавфсизлиги назоратини кучайтириши, цех бошлиқлари ва кўнгилли ёнғин ўчирувчилар аъзоларининг ёнғин хавфсизлигига риоя қилинишини назорат қилиб туришларини корхона маъмуриятидан талаб қилиши;

-тунги пайтда фаолият кўрсатадиган болалар муассасалари, даволаш масканларида одамлар борлиги ҳақидаги маълумот йиғишни назорат қилиши;

-ёнғинга қарши сув таъминотини созлигини текшириш ва ўрганиш ишларини ташкил қилиши;

-фуқаро муҳофазаси хабарлаш белгиларини билиши ва улар ҳақида хабар олинганда аниқ ҳаракат қилиши;

-тасодифан касал бўлиб қолган тақдирда зудлик билан бу ҳақда қисм бошлиғига ёки гарнизон бўйича тезкор навбатчига хабар бериши ва уларнинг кўрсатмаси бўйича иш кўриши лозим.

Навбатчи смена бошлиғига қуйидагилар тақиқланади:

-мазкур Низомда кўрсатилган ҳолатдан ташқари қисмдан кетиб қолиши;

-смена таркибидан бирор кишига жавоб бериши ва алмаштириши, соқчилик жойларини ва назоратчиларнинг секторларини очиқ қолдириши, жанговар ҳисобдан ёнғин ўчириш автомобилини чиқариб юбориши;

-соқчиликка ҳамда кузатиш жойларига бошланғич тайёргарликдан ўтмаган, шунингдек соқчилик билан кузатиш ҳудудларини ўзига хос хусусиятлари билан таништирилмаган ёки соқчи ва кузатувчиларнинг вазифаларини яхши ўзлаштириб олмаган ёнғин ўчирувчиларни хизмат ўташга тайинлаши.

Смена бошлиғини алмаштириш учун ёнғин-техник билим юрти маълумотига эга ўрта ва катта бошлиқлар таркибига, ёнғин ўчиришда катта тажрибага эга бўлган ва белгиланган тартибда смена бошлиғи сифатида мустақил равишда навбатчиликка қўйилган шахсларга рухсат берилади.

16. Қисм диспетчерлик хизмати диспетчерининг хизмат мажбурияти /1/

Қисм диспетчерлик хизмати (ҚДХ) диспетчери (радиоалоқачиси) смена бошлиғига, тезкорлик жиҳатидан МДХ диспетчерига бўйсунади. У ҚДХ га келаётган хабарларни аниқ қабул қилишга, ёнғин ва табиий офат содир бўлган жойларга бўлинмаларни ўз вақтида юборишга ҳамда ҚДХ ҳужжатларини тўғри тўлдириб боришга жавобгардир.

Қисм диспетчерлик хизмати диспетчери:

-муҳофаза қилинаётган туманнинг ёнғинга қарши ҳолатини, тезкорлик режа ва варақалари тузилган корхоналар сонини, юқори чақириқ орқали ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари юборилиши лозим бўлган корхоналарни, сувсиз ҳудудларни, сув манбаларини, шунингдек ёнғин хавфсизлиги гарнизонида мавжуд ёнғин ўчириш автомобилларининг асосий тактик-техник имкониятларини билиши;

-ҚДХ нинг хизмат (маълумот) ҳужжатларидан фойдалана олиши, ёнғин содир бўлганлиги тўғрисидаги хабарни тез қабул қилиб олиши;

-ҚДХ даги алоқа воситаларини навбатчилик давомида текшириб туриши, уларни ишлатишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиши;

-техника воситаларини озода ва соз тутиши, ҳар қандай носозликлар аниқланганда бу ҳақида смена бошлиғига ахборот бериши;

-ЁХХ билан ҳамкорликда ҳаракат қилувчи хизматлар билан доимо алоқада бўлиб туриши, агарда зарурият туғилса ушбу хизматларни белгиланган тартибда ёнғин (табиий офат) содир бўлган жойга юбориши;

-йўлларнинг беркитилганлиги, ёнғинга қарши сув тармоғининг, алоқа воситаларининг ишдан чиққанлиги ҳақида хабар олганда ва ёнғинга қарши ҳолат ўзгарганда зудлик билан смена бошлиғига ёки МДХ га хабар бериши;

-ёнғин ўчириш техникаларининг (ёнғин ўчиришга мослаштирилган) сони ва уларни ишга яроқлилиги ҳақида ҳар кунги маълумотларни тўплаши;

-ёнғин ҳақида хабар тушганда алоқани узмай туриб жанговар қўнғироқни ёқиши, ёнғинга чиқаётган автомобиллар сонига қараб йўл варақасини (5-илова) тўлдириши, ёнғин содир бўлган манзил, хабар берган шахснинг фамилиясини ва ёнғин ҳақида қўшимча маълумотларни билиб олиши;

-йўл варақасини навбатчи смена бошлиғига бериши, ёнғин содир бўлган маскан ва ёнғин ҳақидаги бор маълумотларни айтиши, йўл варақаси нусхасини ўзида қолдириши;

-йўл варақаси билан бирга ёнғин ўчириш тезкор режасини (варақасини) бериши;

-фуқаро муҳофазаси хабар (сигнал)ларини билиши ва улар бўйича ҳаракат қилиши, катта ёнғин содир бўлганда шахсий таркибни хабарлаб йиғиш чизмасидан тез ва тўғри фойдалана олиши;

-автоматик хабарлаш қурилмалари ёки бошқа манбалардан содир бўлган ёнғин ҳақида хабарлар олинганда ҳам худди телефон орқали олинган хабарлардагидек ёнғин ўчириш экипажларини чиқариши;

-ёнғин ўчириш экипажлари ёнғинга (табиий офат юз берган жойга ёки амалий машғулот ўтказишга) чиққанлиги, юборилган қўшимча куч ва воситалар ва жойдан олинган хабарлар ҳақида ҳамда ёнғин ўчириш экипажларининг қисмга қайтиб келганлиги тўғрисида МДХга ва ўрнатилган тартибда мансабдор шахсларга хабар бериши;

-ёнғин ўчиришга (табиий офат юз берган жойга ёки амалий машғулот ўтказишга) чиққан экипажлар билан доимий алоқада бўлиши, керакли хизматлардан маскан бўйича тезкор-тактик хусусиятларини сўраб билиши, агарда қўшимча маълумотлар олса улар ҳақида зудлик билан МДХга ва ёнғин ўчириш раҳбарига хабар бериши;

-ёнғин ўчириш экипажлари ишлаётган жойдан вазият ҳақида ўз вақтида маълумот олиш учун барча чораларни кўриши ва зудлик билан олган фармойиш ва маълумотларни МДХга етказиши;

-ёнғин хавфсизлиги қисмининг чиқиш ҳудудидан ташқарида содир бўлган ёнғин ҳақида хабар олинса, ушбу ҳақида дарҳол МДХга ёки ёнғин содир бўлган ҳудудга чиқувчи ёнғин хавфсизлиги қисми диспетчерлик хизматига хабар бериши ва навбатчи смена раҳбарига ахборот бериши;

-ҚДХ журналига хабар келган вақти ва унинг мазмуни ҳамда мансабдор шахслардан қайси бирига, қачон ва нима ҳақида маълумот берганлигини, хабарлар бўйича қандай чоралар кўрилганини ва олинган буйруқларни бажариш учун нималар қилинганини батафсил ёзиб бориши;

-кеча-кундуз одамлар бўладиган (болалар уйи, интернат, боғча) муассасалардан келадиган маълумотларнинг ҳисобини олиб бориши ва смена бошлиғига хабар бериб туриши;

-алоқа маскани хонасига смена бошлиғи ва унинг бевосита бошлиқлари, смена бўйича навбатчи, шунингдек, алоқа воситаларига техник хизмат кўрсатишга жавобгар шахсларни киритиши.

ҚДХ диспетчерига:

-хизматга алоқаси бўлмаган ишлар билан машғул бўлиши;

-навбатчи смена бошлиғининг рухсатисиз, ҚДХ да ишлаш учун рухсат этилган шахс томондан алмаштирмасдан туриб алоқа тармоғини ташлаб кетиши;

-шахсан ўзи ва бошқаларни хизматга тааллуқли бўлмаган мавзуларда телефон орқали сўзлашиши, белгиланган радио алоқа тартибини бузиши тақиқланади.

Навбатчи диспетчерни вақтинча алмаштириб турувчи шахс, диспетчер вазифасини бажаради ва ўзининг барча хатти-ҳаракатларига жавоб беради.

17. Экипаж командирининг хизмат мажбурияти /1/

Ёнғин хавфсизлиги қисмининг экипаж (бўлинма) командири смена бошлиғига бўйсунади ва экипаж шахсий таркибининг бевосита бошлиғи ҳисобланади.

Экипаж командири:

-экипаж шахсий таркибининг руҳий-ахлоқий ҳолатига, тарбиясига, интизомига ва ташқи кўринишига;

-экипаж шахсий таркибини ўқитишга ва жанговар тайёргарлигига;

-ёнғин ўчириш автомобили, техник қуроллари ва асбоб-анжомларни тўғри ишлатилишига ҳамда озодалигига жавоб беради.

Экипаж командири:

-экипаж шахсий таркибидаги ҳар бир шахснинг ишчанлик ва шахсий сифатларини билиши;

-экипаж шахсий таркибини ўқитиши, тарбиялаши ва ўз касбига садоқат уйғотиши;

-ёнғин ўчирувчиларда сафга тизилиш малакасини ҳамда жисмоний чидамлилик кўникмаларини ҳосил қилиши, ёнғин ўчириш ва саф тайёргарлиги бўйича меъёрларни бажаришларига эришиши, белгиланган кийим кийиш қоидаларига риоя қилишларини таъминлаши;

-қўл остидаги ходимларнинг турмуш шароити тўғрисида ғамхўрлик қилиши ва уларнинг эҳтиёжларидан хабардор бўлиб туриши;

-қўл остидаги ходимларнинг касал бўлиб қолганларини ҳамда уларнинг шикоят ва илтимосларини, уларга бириктирилган ёнғин ўчириш техник қуроллари ва асбоб-анжомларини ишдан чиққанлиги ёки йўқолганлиги, шу билан бирга жанговар иш бажараётганда, хизмат ўташда кўрсатган ташаббускорликлари ва фидойиликлари ҳақида смена бошлиғига ахборот бериб туриши;

-экипаж шахсий таркибининг эҳтиёжлари, соғлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиши, ёнғин ўчиришда, амалий машғулот ўтказишда ва хўжалик ишларини бажаришда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилишларини назорат қилиши;

-қисмнинг чиқиш туманини, сув манбаларини ва ўта муҳим корхоналарни жойлашишини ҳамда қисмда мавжуд бўлган ёнғин ўчириш автомобиллари ва бошқа ёнғин ўчириш техникасининг тактик-техник имкониятларини билиши;

-соқчиликка, кузатувчиликка, ички хизматга ва жанговар ҳисобга кирувчи ёнғин ўчирувчиларни тайёрлаши, уларнинг хизмат бурчларини билишларини синаб кўриши ва жанговар кийимларини, асбоб-анжомларининг тайёрлигини текшириши;

-ёнғин ўчириш автомобилларини, техник қуролларини ҳамда шахсий таркибнинг ҳимояловчи газниқобларининг созлиги ва сақланишини текшириши;

-экипаж билан ёнғин ўчиришга, фалокат ёки табиий офат оқибатларини тугатишга чиқиши ва раҳбарлик қилиши;

-смена бошлиғи буйруғига биноан соқчи ва кузатувчиларнинг хизматни қандай ўтаётганликларини текшириши;

-смена бошлиғи корхонада юрган бўлса ёки бошқа сабабларга кўра қисмда бўлмаса, унинг ишини вақтинча бажариб туриши;

-ёнғин ўчириш автомобилларининг махсус агрегатларида ишлашни билиши;

-навбатчиликка якун ясалаётганда экипаж шахсий таркибининг ишига баҳо бериши лозим.

18. Ёнғин ўчириш автомобили ҳайдовчисининг хизмат мажбурияти /1/

Ёнғин ўчириш автомобили ҳайдовчиси экипаж командирига бўйсунади ва ўзига бириктирилган техниканинг, шунингдек унга ўрнатилган механизмларнинг доимо жанговар шай туришига ҳамда ёнғин ўчириш вақтида тўхтовсиз ишлаб туришига жавобгардир.

Ёнғин ўчириш автомобили ҳайдовчиси:

-ёнғин ўчириш автомобилларининг техник-тактик имкониятларини ва уларга техник хизмат кўрсатиш тартибини ҳамда ёнғин хавфсизлиги қисмининг чиқиш ҳудуди, у ердаги йўллар ва сув манбаларининг жойлашишини билиши;

-йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бажариши, ёнғин хавфсизлиги қисмида мавжуд ҳамма ёнғин ўчириш автомобилларини (ҳайдовчилик гувоҳномасида рухсат этилганларни) бошқара олиши;

-бириктирилган автомобилнинг барча махсус агрегат ва механизмларида, шунингдек радиоалоқа воситаларида ишлай олиши, ёнғин ўчиришда уларнинг тактик-техник имкониятларидан тўла фойдалана олиши;

-хизматни ўташ вақтида, ёнғин ўчириш техникасини ишлатишда, ёнғин ўчириш автомобилларига техник хизмат кўрсатишда ҳамда таъмирлашда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиши;

-бириктирилган автомобилларнинг техник ҳолатини текшириши, уларга техник хизмат кўрсатишни ўз вақтида сифатли бажариши;

-ёқилғи мойлаш ва бошқа материалларни тежамкорлик билан ишлатиши, уларни сақлаш қоидаларига ҳамда тартибига риоя қилиши;

-гаражда асбоб-ускуналардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиши, ёнғин ўчириш автомобилларини ишлатиш техник ҳужжатларини тўғри тўлдириб бориши;

-смена ички хизмати вазифаларини бажариши;

бириктирилган ёнғин ўчириш техникасидаги барча носозликлар ҳақида экипаж командирига ахборот бериши ва зудлик билан созлаш чораларини кўриши лозим.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси ва ёнғин ўчириш автомобилини бошқариш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатномаси ўзида бўлмаган ҳайдовчиларга навбатчиликка туришга рухсат берилмайди.

Ҳайдовчига ўзи бўйсунадиган шахсларга ва бошқаларга транспорт воситасини бошқариш учун бериш тақиқланади.

19. Катта ёнғин ўчирувчининг хизмат мажбурияти /1/

Катта ёнғин ўчирувчи (ёнғин ўчирувчи) экипаж командирига бўйсунади ва ўзининг бурчини, олдига қўйилган вазифаларни ўз вақтида, аниқ бажаришга ҳамда бириктирилган ёнғин ўчириш техник воситаларини, асбоб-анжомларининг ҳолатига жавоб беради.

Катта ёнғин ўчирувчи:

-ёнғин хавфсизлиги қисмининг чиқиш туманини, ўта муҳим ва ёнғин чиқиш хавфи юқори бўлган корхоналарни, сув манбаларининг жойлашишини ҳамда қисмдаги ёнғин ўчириш автомобиллари ва бошқа ёнғин ўчириш техникасининг тактик-техник имкониятларини билиши;

-ёнғин ўчириш ишини сидқидилдан ўрганиши, махсус техник билимларини, ёнғин ўчириш техник қуролларида ишлаш маҳоратини доимий такомиллаштириб бориши;

-Низом ва қўлланмалар, хавфсизлик техникаси қоидалари талабларини пухта билиши ҳамда уларга доимо риоя қилиши;

-қўрқмас ва интизомли бўлиши, нолойиқ хатти-ҳаракатлар қилмаслиги ҳамда бошқа ҳамкасбларини ҳам шундай ишлар қилишларига йўл қўймаслиги;

-давлат мулкини асраши, ёнғин ўчириш техник қуролларини, асбоб-анжомларини доимо тоза ва жанговар ҳолатда сақлаши, ёнғинга қарши тартибнинг сақланишини назорат қилиб туриши;

-экипаж бошлиғига ёш ёнғин ўчирувчиларни ўргатишда ёрдам бериши;

-ёнғин ўчириш автомобили жанговар ҳисобидаги барча ёнғин ўчирувчиларнинг вазифаларини бажара олиши;

-экипаж бошлиғи йўқ вақтларда вақтинча унинг вазифаларини бажариши лозим.

20. Ёнғин хавфсизлиги қисми шахсий таркибини жойлаштириш тартиби /1/

Ёнғин хавфсизлиги қисмининг шахсий таркиби одатда ёнғин хавфсизлиги қисмидаги ётоқхоналарда ёки қисм атрофидаги уйларда яшашлари керак.

Навбатчи смена учун ёнғин хавфсизлиги қисмида қуйидаги хоналар бўлиши зарур:

-ёнғин ўчириш автотехникаси учун гараж;

-шахсий таркибни тунда дам олишлари учун зарур буюмлар билан жиҳозланган хона;

-касб маҳоратини ошириш учун керакли кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган маърифат ва жанговар тайёргарлик ўқув хонаси;

-кийимларни ювиш ва қуритиш хонаси;

-ошхона, агар овқат пишириладиган қозонлар йўқ бўлса, овқатни иситиш ва овқатланиш учун керакли асбоблар ўрнатилган хона;

-ёнғин ўчириш автомобилларига техник хизмат кўрсатиш жойи;

-ювиниш (душ) хонаси;

-ёнғин ўчириш енгларини сақлаш, ювиш ва қуритиш хонаси;

-захирадаги кийим-бошларни, ёнғин ўчириш техник воситаларни, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқаларни сақлаш хонаси;

-спорт иншоотлари (хоналари) ва спорт шаҳарчаси (майдони), ўқув минораси ва тўсиқлардан иборат 100 метрлик йўлак, иссиқтутунхона, шахсий таркибни руҳий тайёрлаш йўлаги;

-устки ва жанговар кийимлар сақланадиган алоҳида жавонлар ёки алоҳида хона;

-смена бошлиғи учун дам олиш хонаси ва телефон ўрнатилган хона;

-алоқа воситалари, зарур жиҳозлар ва буюмлар қўйилган қисм диспетчерлик хизмати хонаси ва диспетчернинг дам олиш хонаси;

-ҳимояловчи газниқобларни сақлаш, таъмирлаш, текшириш ва кислород ҳамда ҳаво баллонларини қайта тўлдириш хонаси.

Ҳамма хизмат хоналарига тартиб рақамлари ёзилган бўлиши ва жиҳозлар рўйхати бўлиши керак.

21. Навбатчи сменада вақтнинг тақсимланиши ва кун тартиби /1/

Ёнғин хавфсизлиги қисмининг кун тартибини жойлардаги шароитлардан келиб чиққан ҳолда ёнғин хавфсизлиги гарнизони бошлиғи белгилайди.

Кун тартибига эрталабки жисмоний тарбия ва ювиниш, ўқув машғулотларини ўтказиш, овқатланиш, техникага қараш ва тарбиявий ишлар ўтказиш учун вақт ажратилган бўлиши керак (6-илова).

Овқатланиш кун тартибида кўрсатилган вақтда бўлиши керак. Шахсий таркиб ошхонага тоза кийимда кириши керак.

Смена таркибидан ҳеч ким смена бошлиғининг рухсатисиз кетмаслиги керак. Смена бошлиғи смена шахсий таркибидан бирор киши касал бўлиб қолса ёки хизматга тааллуқли вазифаларни бажариш учунгина ёнғин хавфсизлиги қисмидан чиқишга рухсат бериши мумкин.

Кун давомида хизматда бўладиган смена бошлиқларига, диспетчерларга тунда 4 соатгача дам олишга (ухлашга) рухсат этилади (улар навбат билан дам олишлари керак). Бу вақтда уларни тайёргарликдан ўтган шахслар алмаштириб туришлари керак. Смена бошлиғи дам олаётганда уни смена бўйича навбатчи алмаштириб туради.

Смена шахсий таркиби жойлашган ҳамма хизмат хоналари тунда доимо ёритилган бўлиши керак. Тунги дам олиш вақтида бу хоналарда фақатгина навбатчи чироқларни ёқиб қолдиришга рухсат этилади, агарда хавф белгиси берилса ҳамма чироқлар ёқилади.

Ёнғин ўчириш техникасини, ёнғин ўчириш техник қуролларини тоза тутиш, хизмат хоналарида ва қисм ҳудудида тозаликни сақлаш ҳамда бошқа хўжалик ишлари смена шахсий таркибига юклатилади. Хоналар ўз вақтида дезинфекция қилиниши зарур.

22. Навбатчи сменанинг навбатчилик алмашиш тартиби /1/

Навбатчи сменаларнинг алмашиш вақти вилоят (шаҳар, республика) ёнғин хавфсизлиги гарнизони бошлиғи томонидан белгиланади. Бунда навбатчи сменаларнинг алмашиши ёнғин хавфсизлиги қисмларининг барчасида бир вақтда ўтказилиши керак.

Корхоналарни муҳофаза қилаётган ёнғин хавфсизлиги қисмларида навбатчи сменаларнинг алмашиши ЁХБ ва корхона раҳбарлари билан келишилган ҳолда бўлим (отряд, қисм) бошлиқлари томонидан белгиланади, лекин навбатчи сменаларнинг алмашиш вақти корхона ишчи ва хизматчиларининг навбатчилик алмашиш вақти билан бир вақтда бўлмаслиги керак.

Навбатчи сменаларнинг алмашиши 30 дақиқадан ошмаслиги керак. Навбатчиликни қабул қиладиган смена шахсий таркиби қисмга навбатчилик қабул қилишдан 10 дақиқа олдин етиб келиши зарур.

Кун тартибида белгиланган вақтда навбатчиликни қабул қилувчи смена бошлиғи «Навбатчиликка» командасини беради. Ушбу команда бўйича диспетчер учта қисқа сигнал беради. Иккала смена шахсий таркиби жанговар кийимларда белгиланган жойда сафланадилар.

Навбатчиликни қабул қилувчи смена бошлиғи навбатчилик алмашишда:

-шахсий таркибни хизмат ўташга тайёрлигини, сонини, уларнинг ташқи кўринишини ва белгиланган кийимга риоя қилишларини, ёнғин ўчирувчиларнинг жанговар кийимлари ва асбоб-анжомлари ҳолатини текшириши ва камчиликларни тугатиш чораларини кўриши;

-ёнғин ўчирувчиларни ёнғин ўчириш автомобилларига жанговар ҳисоб рақамлари бўйича бириктириши, кузатувчиларни, ички хизмат навбатчиларини тайинлаши ва уларга вазифаларини тушунтириши;

-шахсий таркибнинг хизмат вазифаларини билишларини текшириши;

-ҳайдовчиларнинг ҳайдовчилик ва ёнғин ўчириш автомобилларини бошқариш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳномаларини текшириши;

Навбатчиликни топшираётган смена бошлиғи хизматга якун ясайди, шахсий таркибнинг бажарган ишларига баҳо беради, камчиликларини кўрсатади, уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб беради.

Смена шахсий таркиби хизматни ўташ учун қуйидаги тартибда тақсимланади:

-ёнғин ўчириш автомобилларига жанговар ҳисоб жадвали асосида тайинланади;

-ҳар бир кузатиш жойига 2 тадан одам тайинланади, буларнинг бири кузатиш жойида турса, иккинчиси жанговар ҳисобда бўлади;

-кузатувчиликка (дозорга) экипаж бошлиқлари, катта ёнғин ўчирувчилар ва ички хизматга ҳамда кузатиш жойларига киритилмаган шахсий таркиб тайинланади.

-Кузатувчиликка тайинланган шахсий таркиб кузатувчиликка кетгунча ва қайтиб келгандан сўнг жанговар ҳисобда туради. Жанговар ҳисоб тартиб рақами бўйича кузатиш жойи ва кузатувчиликка бўлишда шахсий таркиб сменани сафга туриш чизмасига асосан (7-илова) жойлашади.

Навбатчиликни қабул қилувчи смена бошлиғи навбатчиликни топширадиган смена бошлиғига навбатчиликни қабул қилишга тайёрлиги ҳақида хабар беради.

Навбатчиликни топшираётган смена бошлиғи қабул қилувчи сменанинг тайёрлигини билгач, смена шахсий таркибини жанговар кийимларини кийган ва асбоб-анжомларини таққан ҳолда, навбатчиликни қабул қилувчи смена олдида сафлайди.

Навбатчиликни қабул қилувчи смена бошлиғи қисм бошлиғига ёки унинг ўринбосарига (унвонига қараб) «ўртоқ майор, 1-смена навбатчиликни қабул қилишга тайёр, смена бошлиғи лейтенант Шукуров» деб ахборот беради. Сўнгра сменалар сафланган жойга келиб унинг ўнг томонига туради. Қисм бошлиғи сафнинг олдига келганда навбатчиликни топшираётган смена бошлиғи: «Ростлан, текисланиш ўртага!» дейди ва унга ахборот беради: «Ўртоқ майор, 3-смена навбатчиликни топширишга тайёр. Смена бошлиғи лейтенант Каримов». Қисм бошлиғи сменалар шахсий таркиби билан саломлашиб, «Эркин» деб буйруқ беради. Сўнгра навбатчиликни қабул қилувчи смена шахсий таркибини хизматни ўташга тайёрлигини текширади, навбатчиликни топшираётган сменанинг хизматига баҳо беради ва тумандаги (корхонадаги) ёнғинга қарши ҳолатга қараб смена олдига жанговар вазифа қўяди, шундан сўнг: «Ростлан! Давлат ва шахсий мулкни муҳофаза қилиш учун 1-смена ўнгга (чапга) қадам бос!» деб буйруқ беради. Сўнгра сменалар шахсий таркиби навбатчиликни топширишга, қабул қилишга киришадилар. Навбатчиликни қабул қилувчи смена бошлиғи шахсан ва экипаж бошлиқлари орқали ёнғин ўчириш автомобилларини (мотопомпаларни) ва ёнғин ўчириш техник қуролларини, алоқа воситаларининг ишга яроқлилигини, хизмат хоналарини ва қисм ҳудудини текширади, шахсий таркибни ҳимояловчи газниқобларини текширишларига раҳбарлик қилади. Ўзининг газниқобини текширади ва сменанинг хизмат ҳужжатларини қабул қилади.

Навбатчиликни топшираётган смена бошлиғи навбатчиликни топшириб, аниқланган камчиликларни тугатиш чораларини кўради.

Навбатчиликни қабул қилувчи смена шахсий таркиби жанговар ҳисоб рўйхати ва автомобилдаги асбоб-анжомлар рўйхати бўйича навбатчиликни топшираётган сменадан барча ёнғин ўчириш қуролларини, алоқа ва хабарлаш воситаларини, хизмат хоналари ҳолатини, хизмат ҳужжатларини, қисм ҳудуди тозалигини текшириб қабул қилиб олишлари лозим. Захирадаги ёнғин ўчириш техникасини смена бошлиғи тайинлаган экипаж командири, ҳайдовчи ва ёнғин ўчирувчилар қабул қилиб олишади. Навбатчиликни қабул қилиш жараёнида навбатчиликни қабул қилувчи смена шахсий таркиби ҳимояловчи газниқобларини 1-сон текширувидан ўтказадилар.

Навбатчиликни қабул қилиш ва топшириш натижалари ҳақида ҳайдовчилар ва ёнғин ўчирувчилар экипаж командирларига, диспетчерлар, кузатув жойларидан келган ва ички хизмат навбатчилари смена бошлиқларига ахборот берадилар.

Смена бошлиқлари навбатчиликни бири топшириб, иккинчиси қабул қилиб олганларидан кейин хизмат китобига қўл қўйишади (8-илова) ва қисм бошлиғига ахборот беришади.

Смена бошлиқларининг навбатчиликни топширганликлари ва қабул қилиб олганликлари ҳақида ахборотни эшитгач, қисм бошлиғи хизмат рўйхатини текшириб чиқади ва «Якунлансин» буйруғини беради. Бу буйруқни эшитгач, диспетчер иккита қисқа қўнғироқ чалади. Навбатчиликни топширган смена шахсий таркиби автомобиллардан ҳимояловчи газниқобларини олади, навбатчиликни қабул қилганлар эса жанговар ҳисобга қўядилар. Шу вақтдан бошлаб навбатчиликни топширган сменанинг шахсий таркиби навбатчиликдан бўшаган ҳисобланади.

Навбатчиликка тушгандан кейин смена бошлиғи ЁХХ МДХга смена таркиби тўғрисида ёнғин хавфсизлиги гарнизони бошлиғига белгилаган тартибда ахборот беради.

Агарда навбатчилик алмашиш вақтида «Якунлансин» буйруғи берилгунга қадар «Ёнғинга» белгиси берилса, ёнғин ўчиришга навбатчиликни топшираётган смена чиқади, навбатчиликни қабул қилиб олувчи смена эса ёнғин хавфсизлиги қисмининг бошлиғидан кўрсатма олгунига қадар қисм ҳудудида қолади.

Навбатчилик алмашиш, агарда навбатчиликни топширадиган смена хавф белгиси билан чиқиб кетса ёки ёнғин ўчиришда ишлаётган бўлсагина кечиктирилиши мумкин (бунда соқчилар ва кузатувчилар ўз вақтида алмаштирилиши керак). Агарда навбатчилик алмашиш вақтида навбатчиликни топширадиган смена ёнғин ўчиришда бўлса ва бу ёнғинни ўчириш учун бир соатдан кўп вақт зарур бўлса, навбатчиликни қабул қилувчи смена ёнғин содир бўлган жойга олиб борилади ва шу ернинг ўзида ишлаётган сменани алмаштиради.

23. Навбатчи смена ички хизмати /1/

Ички хизмат навбатчилари хизмат хоналарини, техник воситаларни ва қисм ҳудудини қўриқлаш ҳамда тозаликни сақлаш мақсадида, навбатчи смена шахсий таркибидан тайинланади. Ички хизматдаги шахслар смена бошлиғига бўйсунади.

Ички хизмат навбатчилиги ёнғин хавфсизлиги гарнизони бошлиғи томонидан белгиланади ва одатда қуйидагилардан иборат бўлади:

-навбатчи смена бўйича масъул навбатчидан;

-ёнғин хавфсизлиги қисмининг гаражи бўйича навбатчидан;

-қисм биноси олди томонидаги соқчидан.

Ички хизмат навбатчилари хавф белгиси бўйича смена билан бирга чиқадилар. Ёнғин хавфсизлиги қисмининг хизмат хоналарини смена хавф белгиси бўйича чиқиб кетган вақтда қўриқлаш тартиби қисм томонидан белгиланади.

Навбатчи смена бўйича масъул навбатчи, экипаж командирларидан бири тайинланади ва у:

-смена бошлиғининг ва ички хизмат навбатчиларининг вазифаларини билиши;

-смена бошлиғи бўлмаганда ёки у дам олаётган вақтда унинг вазифасини бажариши;

-сменаларни навбатчилик алмашишида хизмат хоналарини, жиҳозларни ва асбоб-ускуналарни қабул қилиши;

-шахсий таркибни ўз вақтида овқатланишини ташкил қилиши;

-ички хизмат навбатчиларини алмаштириши ва уларнинг хизматни қандай ўтаётганларини текшириши;

-смена бошлиғининг буйруғи бўйича соқчи ва кузатувчиларни алмаштириш учун навбатчиларни жўнатиши ва уларни хизматни қандай ўтаётганликларини текшириши;

-смена шахсий таркибининг кун тартибига риоя қилишларини, жиҳозларни, асбоб-анжомларни ишга яроқли холда сақлашларини, хизмат хоналарида ва қисм ҳудудида техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини ҳамда хоналардаги ҳаво ҳароратини ва хоналарни ёритилишини кузатиб бориши лозим.

Ёнғин хавфсизлиги қисмининг гаражи бўйича навбатчиси:

-ҳайдовчиларни ва смена шахсий таркибини бириктирилган автомобилларга фақатгина хизмат вазифаларини бажариш учун чиқишларига рухсат бериши;

-гаражда ёнғинга қарши белгиланган тартибга риоя қилинишини, тозалик ва тартиб бўлишини таъминлаши;

-гаражда ҳаво ҳароратини белгиланган даражада бўлишини кузатиб туриши, тунда навбатчи чироқларни ёқиши;

-ёнғин ўчириш техникасида, иситиш тармоғида ва бошқаларда аниқланган носозликлар ҳақида зудлик билан смена бошлиғига хабар бериши лозим.

Ёнғин хавфсизлиги қисми биносининг олди томонидаги соқчи:

-фуқаролардан ёнғин, фалокат ҳақидаги хабарларни қабул қилиши, ёнғин (табиий офат) содир бўлганлиги ҳақида хабар олганда хавф белгисини ёқиши ва хабар олиб келган шахсни смена бошлиғи билан учраштириши;

-кўриш имконияти бўлган жойларни доимо кузатиб туриши, агарда ёнғин содир бўлганини аниқласа, дарҳол бу ҳақида диспетчер ёки смена бошлиғига хабар бериши;

-гараж дарвозалари олдида барча турдаги транспорт воситаларини ва қисм ҳудудида хизматга алоқадор бўлмаган автомобилларнинг тўхтаб туришига йўл қўймаслиги;

-шахсий таркибни хизмат заруриятисиз қисм биноси олди томонида бўлишларига йўл қўймаслиги;

-шахсий таркибга алоқадор бўлмаган шахсларни қисм ҳудудига киритишнинг белгиланган тартибига қатъий риоя қилиши лозим.

24. ЁХҚ навбатчи сменасининг хавф белгиси пайтида ҳаракатланиш тартиби /1/

Ёнғин хавфсизлиги қисмининг навбатчи сменаси хавф белгиси бўйича ҳаракат қилишга доимо тайёр туриши керак.

Хавф белгиси қуйидаги ҳолатларда берилади:

-ёнғин ва табиий офат содир бўлганлиги ҳақида хабар олинганда;

-фуқаро муҳофазаси хабари олинганда;

-машқ ва машғулотлар ўтказиш пайтида;

-сменанинг жанговарлигини текшириш вақтида.

Хавф белгиси берилганда:

-сменанинг жанговар ҳисобидаги шахсий таркиб жанговар кийимларини киядилар;

-жанговар ҳисоб рўйхатига асосан ёнғин ўчирувчилар гараж дарвозаларини очадилар;

-ҳайдовчилар автомобиллар двигателини ишга туширадилар, шахсий таркиб автомобилда ўз ўринларини эгаллайди.

Навбатчи сменанинг жанговар ҳисобидаги шахсий таркибни ёнғин ўчириш автомобилларига чиқишларини хавфсизлик шартларидан келиб чиқиб, қисм бошлиғининг ихтиёрига кўра гараж дарвозаларидан ташқарида амалга ошириш

мумкин. Смена бошлиғи диспетчердан чиқиш йўлланмасини, ёнғин ўчириш тезкор режаси (варақаси)ни олади, чиқиш йўлланмасини экипаж командирларига беради ва бош автомобилга чиқиб юришга буйруқ беради.

Ёнғин хавфсизлиги қисмининг чиқиш тумани ёнғин хавфсизлиги гарнизони бошлиғи томонидан белгиланади. Саноат корхоналарини муҳофаза қилувчи ёнғин хавфсизлиги қисмларининг чиқиш радиуси қурилиш меъёри ва қоидалари билан ҳамда корхонада ёнғин чиқиш хавфи даражасига қараб белгиланади.

Гарнизон ёнғин хавфсизлиги қисмларининг чиқиш жадвали, ёнғин содир бўлганлиги тўғрисида биринчи хабар берилгандаёқ куч ва воситалар юқори чақириқ билан юбориладиган корхоналар рўйхати навбатчи ёнғин ўчириш штаби хонасида ва ҚДХ да бўлиши керак (9-илова).

Махсус ёнғин ўчириш автомобилларининг чиқиши ёнғин хавфсизлиги гарнизонлари томонидан белгиланади. Корхоналарни муҳофаза қилувчи ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларини корхона ҳудудидан ташқарида содир бўлган ёнғинларни ўчиришга ёки табиий офат оқибатларини тугатишга чиқиш тартиби гарнизон ёнғин хавфсизлиги қисмларининг чиқиш жадвалига асосан белгиланади.

Ўта муҳим ва тоифаланган объектларни муҳофаза қилаётган бўлинмалар корхона ҳудудидан ташқарига чиқиб кетганда, ёнғин хавфсизлиги қисми бошлиғи корхонада хизматни кучайтириши лозим, агарда шу вақтда ёнғин содир бўлса, корхонада мавжуд бўлган куч ва воситалар ёрдамида кўнгилли ёнғин ўчириш тузилмаларини жалб қилган ҳолда ёнғинни ўчириш чора-тадбирларини кўриши керак.

Ёнғин хавфсизлиги қисмининг хизмат ҳужжатлари қисм бошлиғи (отряд командири) томонидан ишлаб чиқилади (Ўз Р ИИВ №117-сонли буйруқ, 10-илова).

25. Навбатчи сменанинг хизмат ҳужжатлари /1/

Смена бошлиғининг хизмат ҳужжатлари				
1.	Ёнғин хавфсизлиги қисми хизмат китоби	Навбатчилик мобайнида	Смена бошлиғида	Тўлгандан сўнг 3 йил
2.	Ўқув журнали (ҳар бир смена учун)	Ўқув даврида	Смена бошлиғида	Ўқув йили тугагандан сўнг 1 йил
3.	Ёнғин хавфсизлиги қисми шахсий таркиби билан хавфсизлик техникаси бўйича йўриқ ўтказиш ва синов имтиҳонлари қабул қилишни ҳисобга олиш журнали	Ўқув даври мобайнида	Смена бошлиғида	Тўлгандан сўнг 3 йил
4.	Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси ҳолатини уч поғонали назорат қилиш журнали	Ҳар куни	Смена бошлиғида	Тўлгандан сўнг 3 йил
5.	Ҳимоя газниқобларини 1-сонли текширув ўтказиш журнали.	Навбатчиликка тушганда ва зарурият бўлса	ГТХХ назорат жойида	Тўлгандан сўнг 1 йил
6.	Ҳимоя газниқобларини 2-сонли текширув ўтказиш журнали.	Газниқобларда ишлагандан сўнг ва керак бўлса	ГТХХ назорат жойида	Тўлгандан сўнг 1 йил

7.	Газ-тутун ҳимоячиларининг шахсий варақалари	Газниқобларда ишлагандан сўнг	ГТХХ назорат жойида	Тўлгандан сўнг 1 йил
8.	Қисм чиқиш туманидаги сув манбалари ва ёнғин ўчириш сув олгичларининг текширилишини ҳисобга олиш журнали	Йилига 2 марта (баҳор ва кузда) ва керак бўлса	Смена бошлиғида	Тўлгандан сўнг 1 йил
9.	Ёнғин ўчириш автомобилларидан фойдаланиш варақалари	Навбатчилик даврида	Навбатчи смена бошлиғида	3 йил
10.	Ёнғин ўчириш техник қуролларининг синовдан ўтказилишини ҳисобга олиш журнали	Хавфсизлик техникаси қоидалари талабларига асосан	Навбатчи смена бошлиғида	Тўлгандан сўнг 3 йил
11.	Қисм сменаларининг ёнғинда жанговар ҳаракатлари варақаси (ёнғинларни ўрганиш йўриқномасидан)	Суриштирув натижаларига кўра 10 кун ичида тузилади	Навбатчи смена бошлиғида	1 йил
12.	Босимли ва сурувчи ёнғин ўчириш енгларининг паспортлари	Хар 10 кунда бир марта енгларнинг ишлаши солиштирилади	Навбатчи смена бошлиғида	Енглар яроқсиз деб ҳисобдан чиқарилгунча
13	Содир бўлган ёнғинни бартараф этишга 2 та дастакдан кўп берилган ёнғинларни таҳлил қилиш журнали (жилди)	Белгиланган тартибда	Навбатчи смена бошлиғида	Тўлгандан сўнг 3 йил

Эслатма:

1. Ҳар бир ёнғин хавфсизлиги қисмида 2 та хат жилд юритилади бунда ушбу иловадаги рўйхат бўйича ҳужжатлар сақланади: 1-жилдда хабарлаш ҳужжатлари, 2-жилдда режалаш хизмат ҳужжатлари.

2. Иккала жилд ҳамда ФМ ҳужжатлари ёнмайдиган металл қутида қисм диспетчерлик хизматида ёки смена бошлиғи хонасида сақланади, қути калити навбатчи смена бошлиғида ёки ҚДХ диспетчерида бўлиши керак.

3. Отряд командири, қисм бошлиғи ва унинг ўринбосари ҳар ойда бир марта қисм хизмат ҳужжатларининг юритилишини, сақланишини назорат қилишлари ва керакли тузатишларни ўз вақтида киритишлари шарт.

26. Навбатчи смена хонасига қаратилган хавфсизлик техникаси талаблари /5/

Навбатчи смена хонаси автомобил турар жойи яқинида жойлаштирилиб, ҳар бир ёнғин ўчириш автомобилига ўлчами 1,2 х 2 м бўлган битта икки тавақали эшик ҳисобидан, бевосита чиқиш йўли бўлиши керак. Автомобиллар турар жойдан хонага ишланган газлар ва бензин буғлари киришидан ҳимоялаш учун эшиклар

зичлагич мосламалар билан жиҳозланади. Хонада навбатчи смена таркиби тунда дам олиши ва хизматнинг кучайтирилишини ҳисобга олиб, керакли миқдорда захира жойлар учун енгил тахланадиган курсилар ёки каравотлар ўрнатилади.

Навбатчи смена хонасини ёнувчан-синтетик қатламлар билан қоплаш, улар юқорисида санитария тизимлари, хона орқали ўтиш йўллари, эшикларга ойна солиш, «хатар» хабари бўйича навбатчи смена йиғинига тўсқинлик қилувчи мебел жойлаштириш тақиқланади.

27. Автомобиллар сақланадиган жой (гараж)га қаратилган хавфсизлик техникаси талаблари /5/

Автомобиллар турар жойида жанговар ҳисобда турувчи ёнғин ўчириш автомобиллари орасида қуйидаги масофа сақланиши керак:

-автомобиллар орасидаги масофа-2м. дан кам эмас;

-ўнг томондаги охирги автомобилдан деворгача-2м. дан кам эмас;

-чап томондаги охирги автомобилдан деворгача-1,5м. дан кам эмас;

-автомобилдан устун бурчакларигача-1м. дан кам эмас;

-автомобилдан олд ёки орқа томондаги деворгача:

а) 1-3 автомобилга мўлжалланган жойларда-2м. дан кам эмас

б) 4 ва ундан ортиқ автомобилларга мўлжалланган жойларда-3м дан кам эмас;

-автомобиллар сақланадиган жой умумий ҳаво-алмашинув тозалаш қурилмаларидан ташқари, ёнғин ўчириш автомобилларининг двигателлари ишлаб чиққан газларни ташқарига чиқариб юбориш учун қурилма билан жиҳозланиши керак.

-автомобиллар сақланадиган жойдаги дарвозанинг кенглиги 4 м дан кам бўлмаслиги керак. Ҳар қандай ҳолларда дарвозанинг кенглиги ёнғин ўчириш автомобилининг кенглигидан 1 м ортиқ бўлиши керак. Ҳар бир дарвозанинг ўз-ўзидан очилиб ёки ёпилиб қолишининг олдини олиш учун, улар механик ёки автоматик тамба ва муайян ҳолатда маҳкамлаб қўйиладиган мослама билан жиҳозланган бўлиши керак. Дарвозанинг юқори қисмига 30% дан кам бўлмаган майдонига ойна солинади. Қисм алоқа таянчи томонидан биринчи дарвозанинг тавақасида ўлчами 0,7х2,0 м бўлган эшик ўрнатилади. Автомобиллар сақланадиган жой ёнидаги хоналарнинг эшиклари автомобиллар сақланадиган жой томон очилиши керак.

Ҳар бир ёнғин ўчирувчининг жанговар кийим-боши ва анжомлари махсус жиҳозланган токчаларда ёки таг курсиларда алоҳида тахланади. Бу токчалар (таг курсилар) ёнғин ўчириш автомобилларининг орқа томонига жойлаштирилиши керак. Агар токчалар (таг курсилар)дан автомобилларгача бўлган масофа 1,5 м дан ортиқ бўлса, уларни автомобилнинг ён томонига жойлаштириш мумкин.

Ҳар бир ёнғин ўчириш автомобиллари сақланадиган жойларда, автомобилларни кўрикдан ўтказиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш учун, кучланиши 36В дан ошмаган кўчма электр чироқ бўлиши ва у темир панжара ҳамда шиша қопқоқ билан ҳимояланган бўлиши керак.

Кўрик ўтказиш зовурига 2 та туриш жойи бўлиши, уларнинг бирига поғонали нарвон, иккинчисига зовур деворларига маҳкамланган ҳалқалар ўрнатилган бўлиши керак. Устки қисм доираси 12 мм дан кам бўлмаган чивиқли панжара билан ёпилади ва у бўялади, автомобил зовурга тушиб кетишининг олдини олиш учун, у, томонлари баландлиги 8-10 см бўлган эҳтиёт гардишлар билан жиҳозланади, автомобилнинг кириш томонида, гардиш айлана шаклида бўлиши керак. Зовурнинг ички томони сопол тахтачалар билан қопланади ва кучланиши 36 В. дан ошмаган, таг қисмига тахта панжара қўйилган, доимий ўрнатилган ёритгич билан

жиҳозланади, деворларидан асбоб-ускуналар учун токчалар жойлаштирилади. Иш бошлашдан олдин зовур шамоллатилади, иш тугаганидан кейин эса мойли латталар ва тўкилган ёқилғи-мой маҳсулотларидан тозаланади.

Автомобиллар турар жойи кенглиги ўлчами 10 см бўлган оқ чизиқ билан белгиланади. Автомобил сақланадиган жой об-ҳаво шароитини кўрсаткич таблоси билан жиҳозланади. Олд томонидаги деворда ҳар бир дарвозанинг икки ёнига орқа томонни кўриш учун ўлчами 1,0х0,4 м дан кам бўлмаган кўзгулар ўрнатилади. Автомобиллар сақланадиган жойнинг олд деворига ёки дарвозаларига шахсий таркибининг чақирув бўйича автомобилга ўтириш тартиби ёзиб қўйилади.

28. Ёнғин ўчириш автомобилларига техник хизмат кўрсатиш жойига қаратилган хавфсизлик техникаси талаблари /5/

Ёнғин ўчириш автомобилларига техник хизмат кўрсатиш жойида устахона, ҳаракат хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги хоналари, кўрик ўтказиш зовури, ёқилғи қуйиш жойи ва ёқилғи-мой маҳсулотлари омбори бўлиши керак. Техник хизмат кўрсатиш жойининг деворлари сопол тахтачалар билан қопланади, ускуналар эса меҳнат хавфсизлиги намуналари тизимининг талабларига асосан бўялади.

а) техник хизмат кўрсатиш жойи:

-аккумуляторларни тўйинтиришда қўлланиладиган сўриб чиқарувчи жавон;

-таянч мослама ва муҳофаза қалқони билан жиҳозланган чархлаш дастгоҳи;

-пармалаш дастгоҳи;

-кўчма лампалар учун ғалтакли электрсим;

-асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва фойдаланиш маҳсулотлари учун жавон;

-тоза ва ифлос латталар учун металл қутилар;

-сим тўр парда билан жиҳозланган ва исканжа ўрнатилган тунукасозлик дастгоҳи;

-ускуналарда ва электролитлар билан ишлаш учун муҳофаза кўзойнаклари, резина қўлқоплар, этиклар, брезент этаклар;

-электророзеткалар билан жиҳозланади.

б) техник хизмат кўрсатиш жойида:

-ҳар бир ускунада ишлашда хавфсизлик техникаси бўйича қўлланма;

-дастгоҳларда ишлаш учун шахсларга рухсатнома тўғрисида (хавфсизлик техникаси бўйича имтиҳон топширганларидан сўнг) қисм бошлиғининг буйруғи ва уларнинг рўйхати бўлиши шарт.

Устахона ёнғин ўчириш автомобилидан фойдаланиш қўлланмасидаги намунали рўйхатга асосан асбоб-ускуналар ва мосламалар билан тўлдириб қўйилади.

29. Ёнғин хавфсизлиги гарнизонининг марказий диспетчерлик хизмати ва қисм диспетчерлик хизмати хоналарига қаратилган хавфсизлик техникаси талаблари /4 /

Ёнғин хавфсизлиги қисмининг диспетчерлик хизмати хонаси автомобиллар сақланадиган жойдан чиқиш йўналиши бўйича ўнг томонда жойлаштирилади. Автомобиллар сақланадиган жой билан чегарадош деворда, чиқишга йўлланма бериш учун ўлчами 1х1 м дан бўлмаган дераза ўрнатилади.

Ёнғин хавфсизлиги гарнизонининг марказий алоқа маскани ва қисм алоқа тармоғи хоналарининг шип ва деворларига товуш ютувчи қоплама ўрнатилади. Алоқа тармоғи хонасида навбатчи алоқачилар учун дам олиш хонаси бўлиши керак

Радиостанция ва унинг пультларининг симлари ерга уланган бўлиши шарт.

МДХ ва ҚДХ хоналарини сунъий ва табиий ёруғлик билан таъминлаш кўзда тутилган бўлиши керак. Диспетчернинг иш жойи люминесцентли лампалар учун 400 лк дан кам бўлмаган ва чўғлик лампалар учун 100 лк дан кам бўлмаган ёруғлик билан таъминланган бўлиши керак.

Марказий диспетчерлик хизмати хонасининг кўринадиган жойларида хавфсизлик техникаси ва ёнғин хавфсизлигига жавобгар шахсларнинг исми, фамилияси ёзилган жадвал ва хавфсизлик техникаси қўлланмаси осиб қўйилган бўлиши зарур.

30. Ўқув ва кузатиш минорасига қаратилган хавфсизлик техникаси талаблари /5/

Ўқув минораси ёнғин хавфсизлиги қисми биносига қўшиб ёки қисм ҳудудида махсус жиҳозланган майдонга қурилади. Қисм биносига қўшиб қурилган минора бинонинг ёнғинга чидаш қобилияти даражасига лойиқ бўлиб, унга кириш жойи алоҳида бўлади.

Ўқув миноралари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

а) тўрт қаватли, деразалар икки қатордан кам эмас, сатҳнининг юзаси тахталар билан қопланади ва унда:

-ҳар бир қаватда ўлчами 1,1х1,87 м. бўлган икки ва ундан ортиқ юқори палласи ўрнатилмаган дераза ўринлари;

-деразадан девор четигача 65 см дан кам бўлмаган масофа;

-оралиқ деворнинг кенглиги 60 см дан кам бўлмаслиги, дераза токчасининг кенглиги-40 см (±2см), полдан дераза токчасигача бўлган баландлик-80 см, ер сатҳидан 2 қаватнинг дераза тагчасигача бўлган баландлик 4,25 м, 2,3 ва 4 қаватлардаги дераза токчалари орасидаги масофа-3,3 м. бўлиши шарт;

-2,3,4 қаватлардаги дераза тагчалари минора сатҳи юзасидан 3 см чиқиб туриши лозим, 2 қаватдаги дераза токчасининг юза қисмига бир қатлам резиналанган мато қоқилади.

Ўқув минорасининг олд томонида дераза ўринларидан ташқари тешиклар ва бўртиқ қисмлар (дераза токчаларидан ва миноранинг пастки қисмидаги чекловчи тўсиндан ташқари) бўлмаслиги лозим. Миноранинг пастки қисмида, ишғол қилиш нарвонининг учинчи поғонаси даражасидан 1-2 см пастки кесими 6х6 см бўлган тўсин қоқилади. Иккинчи қават деразаси остидан ергача сатҳ қисми тунука ёки резина билан қопланади.

Ўқув минорасида қуритиш учун осиб қўйилган енглардан ташқари, ускуналар ва ҳар хил буюмлар сақлаш тақиқланади.

Ўқув минорасининг олд томонидаги ерда қалинлиги 1м. дан кам бўлмаган эҳтиёт таглик ўрнатилади.

Эҳтиёт таглик миноранинг ўлчамидан камида 1м га чиқиб туриши керак. Тагликнинг 0,5 қалинликдаги шох-шаббалар ёки бошқа қайишувчан нарсалардан тузилган асосига қум ва ёғоч қириндилардан (1:1) тузилган аралашма 0,5 м қалинликда тўкилади. Ўқув минорасида машғулот ўтилганда эҳтиёт тагликнинг юқори қатлами юмшатилган бўлиши шарт. Эҳтиёт таглик ҳар икки йилда янгиланади.

100 метрлик тўсиқли йўлакдан ўтиш машғулоти учун майдон, унда асбоб-аслаҳаларни жойлаштириш ва уларнинг ўлчамлари ёнғин ўчириш амалий спорти бўйича мусобақалар ўтказиш қоидаларига асосланган бўлиши керак. Майдон исталган тупроқ, резина, битум, асфалт) қатламли ёки қопламали бўлиши мумкин, йўлакларда тахта қоплама ётқизишга рухсат этилмайди.

31. Газ ва тутундан ҳимоя қилиш хизматининг базасига қаратилган хавфсизлик техникаси талаблари /5/

Газ-тутундан ҳимоя қилиш хизматининг базаси учун қуйидаги хоналар ажратилади:

а) аппаратхона;

б) кислород тўлдириш тармоғи;

в) газниқобни таъмирлаш устахонаси;

г) газниқобни ювиш ва қуритиш тармоғи;

д) тикловчи патронларни сақлаш ва тўлдириш;

е) кислород ва ҳаво баллонларини синаш.

Керакли миқдорда хоналар етишмаса, газниқобни сақлаш ва текшириш хонасида уларни ювиш ва қуритишга рухсат этилади.

Тикловчи патронларни ва кимёвий газларни ютувчи моддани сақлаш хонасидаги температура 5-20^{0}С атрофида бўлиши керак.

Назорат ва ўлчаш асбоблари

Кислород тўлдирилган транспорт баллонларини сақлаш учун махсус металл жавонларнинг бино ташқарисида ўрнатилишини ҳисобга олиб, кислород тўлдириш тармоғи бинонинг ташқи девори ёнига жойлаштирилади.

Кислород тўлдириш тармоқ хонасининг ташқи ойналари қуёш нурларини ўтказмаслиги лозим.

Захирадаги кислород баллонлари ва тикловчи патронлар ҳаво температураси +20^{o}С гача бўлган хонада, иситгич асбобларидан камида 1 м нарида ўрнатилган жавонларда сақланади.

Кимёвий газларни ютувчи модда тўлдирилган тунука сиғимлар иситгич асбобларидан 1,5 м нарида сақланиши лозим. Яроқли ва ишлатилган кимёвий газларни ёнувчи модда тўлдирилган тунука сиғимлар иситгич асбобларидан 1,5 м. нарида сақланиши лозим. Яроқли ва ишлатилган кимёвий газларни ютувчи модда тўлдирилган тунука сиғимларни ҳамда яроқли ва ишлатилган тикловчи патронларни биргаликда сақлаш тақиқланади.

Назорат қилиш тармоғи хонасининг майдони 10-12 м^2 бўлиб, совуқ ва иссиқ сув билан таъминланади ва сув йўналтириш жўмраклари билан жиҳозланади.

Электр қуритиш жавони, кислород сиқувчи машина, пармалаш ва бошқа дастгоҳ ва ускуналар ерга уланган ҳамда хавфсизлик техникаси бўйича қўлланмалар билан таъминланган бўлиши керак

Сиқилган ҳаводан нафас олиш аппаратларини сақлаш, тозалаш, зарарсизлантириш, текшириш ва таъмирлаш базаларига талаблар газ-тутундан ҳимоялаш хизмати Низомида кўрсатилган

32. Иссиқ тутунхоналарга қаратилган хавфсизлик техникаси талаблари /5/

Иссиқ тутунхона алоҳида турган бинода жойлаштирилади ва икки томонига эшик ўрнатилади. Сўриб олувчи ва чиқарувчи шамоллатиш мосламаси, газ-тутундан ҳимояланган хизматчиларни кузатиш автоматикаси ва ёнғин омилларини тақлидловчи мосламалар билан жиҳозланади.

Тутунхонани тутун билан тўлдириш учун ёғоч чиқиндиларидан фойдаланилади, тутун чўкмаслиги учун эса унга канифол қўшилади.

Нефт маҳсулотлари, кўп хилли кимёвий моддалардан тайёрланган ёнувчан маҳсулотларни қўллаш тақиқланади. Иссиқ тутунхона қуйидаги хоналардан ташкил топади:

а) ички деворлари ўзгартирилувчан хона;

б) қийинчилик ва температура даражаларини яратиш учун жиҳоз ва мосламалар тўплами бўлган иссиқтутунхона;

в) бошқарув тармоқ хонаси;

г) ажратувчи газниқобларнинг жанговар текширувини ўтказиш ва уларни кийиш учун олд бўлма;

д) хавфсизлик пости;

е) тиббиёт пости;

ж) чўмилиш ва ювиш хоналари;

з) санитария қисми;

и) тоза ҳавода машғулот ўтиш учун жиҳозлар ўрнатилган майдон.

Ички деворлар ва поллар ёнмас материаллардан бажарилиши шарт. Эшик ўринларида, деворлар ва бошқа тузилмаларда бўртиқ ўткир қисмлар бўлмаслиги керак. Эшиклар хоналардан ташқарига очилиши керак.

Бошқарув тармоғи электрлаштирилган режа, ҳаво тозалаш қурилмаси ва ёритгичларни қўшиш тугмачалари, иссиқлик ўлчамини назорат қилиш асбоби билан жиҳозланади. Иссиқтутунхонада машғулот ўтиш вақтида шахсий таркиб бўлиши мумкин бўлган барча хоналар, ҳаво тозалаш қурилмасини улаш тугмалари билан жиҳозланади. Шахсий таркибининг ҳолатини назорат қилиш учун бошқарув тармоқ хонасида ўлчами 1х1м дан кам бўлмаган дераза ўрнатилиши шарт.

Машғулотлар ўтказиш вақтида уларнинг раҳбари газ-тутундан ҳимоялаш хизмати Низомига амал қилиши керак ва тутунли муҳитда машқ ўтказишдан олдин:

а) шахсий таркибнинг саломатлик ҳолатини текшириши;

б) машқни эълон қилиши, машқ бажаришда хавфсизлик техникасига диққатларини алоҳида қаратиб, вазифа қўйиши;

в) эшиклардан қулфларни ечиши;

г) чиқиш ёритгичларини ёқиши, ҳаво температурасини, (тутунхона 40^0С, иссиқтутунхона учун 50^0С), радиокарнайли алоқанинг, хабарловчининг, сўриб ҳаво тозаловчи қурилмаларининг ҳолатини текшириши мажбурийдир.

33. Ёнғинларни ўчиришни машқ қилиш майдони ва руҳий тайёргарликнинг оловли йўлакчаларга қаратилган хавфсизлик техникаси талаблари /5/

Ёнғин хавфсизлиги хизмати шахсий таркибининг машқ қилиш майдонларида ва оловли йўлакчаларда руҳий тайёргарлик машғулотлари, ёнғин ўчиришда вужудга келадиган шароитларга яқин ҳолатларда ўтилади.

Машқ майдонларида ва оловли йўлакчалардаги машғулотларга бошланғич тайёргарлик ҳажмида таълим олган ва имтиҳон топширган шахслар қўйилади.

Шахсий таркиб барча турдаги машқларни жанговар кийимда ва анжомларда , алоҳида ҳолларда эса–иссиқ қайтаргич камзулларда ва айирма газниқобларда бажаради.

Машғулот раҳбари этиб катта амалий бошлиқ тайинланади ва у машғулотини бошлашдан олдин:

а) шахсий таркибга жиҳозларда машқларни бажариш тартиби ҳақида йўл-йўриқ кўрсатиши;

б) одамларга хавф-хатарни билдирувчи ягона хабарловчи ўрнатиши;

в) таълим олувчиларнинг саломатлик ҳолатини сўраши;

г) машқ майдонидаги технологик ускуналарнинг ва оловли йўлакчадаги жиҳозларнинг созлигини текшириши мажбурийдир.

Ёнғин рўй бераётганини ўхшатиш учун, заҳарсиз ёнғиндан хавфли суюқликларни қўллашга рухсат этилади. Ёниш ва туташ воситалари сифатида

ёнувчи суюқлик сингдирилган латталар, увадалар ва бошқа чиқиндилардан фойдаланилади. Суюқликларни шахсий таркибнинг ҳаракат йўлларига оқиб кетишига йўл қўймаслик шарт.

Шароитни назорат қилиш ва шикастланганларга шошилинч ёрдам кўрсатиш учун жанговар участкаларда хавфсизлик таянчи тайинланади, сув йўналтириш енгликлари ишчи босим остида сув билан тўлдирилади.

Шахсий таркиб оловли ва юқори температурали зоналарни тезлик билан, бир-бирини кўздан йўқотмасдан, чуқур нафас олмасдан ўтиши зарур, гуруҳнинг энг охирида бўлинма сардори ўтади.

Руҳий тайёргарликнинг оловли йўлакчалари, жиҳозларнинг ўлчамлари ва уларни йўлакчаларда жойлашишини руҳий тайёргарликнинг намунавий оловли йўлакчалари талабларига жавоб бериши керак.

Машқ майдонларида ва руҳий тайёргарликнинг оловли йўлакчаларида тунги вақтда машғулот ўтиш тақиқланади.

34. Ўқув машғулот ва спорт хоналарига қаратилган хавфсизлик техникаси талаблари /5/

Йўл-йўриқ кўрсатиш хоналари, ўқув синфи ва спорт хоналари шундай ҳисобда жойлаштирилиши керакки, автомобиллар турадиган жойга навбатчи шахсий таркибнинг тез ва ўз вақтида етиб келиши таъминлансин.

Эшиклари икки тавақали бўлиб, йўл-йўриқ кўрсатиш хоналари, ўқув – машғулот ўтказиш ҳамда спорт хоналари ёритиш, тозалик ва соғлиқни сақлаш меъёрига тўғри келмоғи керак. Спорт хонасидан бадиий, ҳужжатли, ўқув фильмларини кўрсатиш учун фойдаланганда хона амалдаги қоида ва меъёрга мос равишда жиҳозланиши шарт.

35. Ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари томонидан қўриқланаётган корхоналарда хизматни ташкил қилиш тартиби /1/

Ҳар бир ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминловчи бўлинмалар объектнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини доимий назорат қилиб бориш учун ишлаб чиқариш жараёнини алоҳида хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, соқчилик ҳамда кузатув хизматларини ташкил қилишлари лозим.

Навбатчи смена бошлиғи хизмат ўташ вақтида объект бўйича навбатчи ва бошқа махсус хизматлар билан алоқада бўлиши, улар орқали объектдаги ёнғин хавфсизлиги ҳолатни аниқлаши ва керакли чора-тадбирлар кўриши керак.

Муҳофаза қилинаётган объект бинолари ва иншоотлари ёнғин хавфсизлиги қисми биносидан 1 км ва ундан ортиқ масофада жойлашган бўлса, тунги вақтда ёки объектдаги ёнғин хавфсизлиги ҳолатига қараб йўлланма бўйича хизмат ўташга жанговар ҳисобни ёнғин ўчириш автомобилида юборишга рухсат этилади, бунда МДХ ёки ҚДХ билан доимий ва мустаҳкам алоқа боғланган бўлиши керак.

Ёнғин ўчириш техникаси бўлмаган ёнғин хавфсизлиги қисмлари муҳофаза қилинаётган объектларни доимий назорат қилишни навбатчи инспекторлар томонидан амалга оширадилар. Навбатчи инспекторлар гуруҳига қисм бошлиғи масъул ходим тайинлайди, у ушбу Низомнинг хизматни ташкил қилиш бўйича тегишли бандлари талабларини бажарилишини таъминлайди.

Навбатчи инспекторлар гуруҳи жанговар кийим, асбоб-анжомлар, алоқа воситалари билан тўлиқ таъминланган бўлишлари керак. Ҳимояловчи газниқобларда ишлашга рухсат этилганлар эса, нафас олиш органларини ҳимоялаш воситалари билан таъминланишлари лозим.

Ёнғин хавфсизлиги қисми шахсий таркибининг иш фаолияти хизмат китобига қайд қилиб борилади (11-илова).

36. Масканларни қўриқловчи ёнғин хавфсизлиги қисмларидаги ёнғинни олдини олиш гуруҳининг вазифалари /1/

Объектларни муҳофаза қилаётган ёнғин хавфсизлиги қисми катта муҳандиси, катта инспектори, муҳандиси, инспектори ёнғин хавфсизлиги қисми бошлиғига бўйсунади. Инспекторлар таркиби ёнғинни олдини олишга, меъёр-техник экспертизага, ёнғинга қарши ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боришга ҳамда ўзларига бўйсунувчи шахсий таркибнинг ахлоқий-руҳий ҳолатига, уларни тарбиялашга ва интизомига жавобгардирлар.

Катта муҳандис, катта инспектор, муҳандис, инспектор, кичик инспектор:

-объектнинг технологик жараёнини, объектнинг ёнғинга қарши ҳолатини билиши;

-цехларда, устахоналарда ва шу каби жойларда қурилиш меъёрлари, ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва бошқа асосий ҳужжатлар талабларини, шунингдек давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг ёзма кўрсатма ва фармойишларида, ёнғин техник ҳайъати актларида таклиф қилинган ёнғинга қарши чора-тадбирларни бажарилишини назорат қилиши;

-объектнинг ёнғин хавфсизлиги, ёнғин ўчириш қурилмаларининг ҳолати ва бошқа ўзгаришлар ҳамда кўрилган чора-тадбирлар ҳақида ёнғин хавфсизлиги қисми бошлиғига ахборот бериши;

-ишлаб чиқариш қурилмалари ва бошқа технологик тизимларнинг режа бўйича таъмирланишини, уларда ёнғин чиқиш хавфини камайтириш бўйича чора-тадбирлар белгилаш ва бажарилишини назорат қилиши;

-пайвандлаш ва оловли ишларни ҳамда ёнғин чиқиш хавфи бўлган бошқа ишларни доимий назорат қилиши;

-бириктирилган объектда бирламчи ёнғин ўчириш воситалари ва ёнғиндан ҳимоялаш қурилмалари мавжудлигини ва объект маъмуриятидан уларни соз ва доимий жанговар ҳолатда бўлишини талаб қилиши ҳамда уларнинг ишга яроқлилигини текшириши;

-аниқланган камчиликлар бўйича ёзма таклифномалар тузиши ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган шахсларга нисбатан маъмурий чоралар қўллаши, объектнинг ёнғинга қарши ҳолатини таъминлашда раҳбарларнинг жавобгарлигини ошириши;

-бириктирилган ҳудудда ёнғин хавфсизлиги ҳолатини назорат қилиши, тунги вақтларда ва дам олиш кунларида қўшимча текширишларни ташкил қилиши;

-цехлар, қурилмалар, лабораториялар, омборлар маъмурияти билан биргаликда ишчи ва хизматчиларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўргатиши, кўнгилли ёнғин ўчириш дружиналари билан ҳамкорликда иш юритиши;

-ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ёнғин-техник ҳайъати ва жамоатчилик ташкилотлари мажлисларида кўриб чиқиш учун кун тартибига киритиши;

-мутахассислиги бўйича маълум йўналишда олиб борилаётган ёнғиннинг олдини олиш ишларини умумлаштириши ва таҳлил қилиши лозим.

Кичик инспектор ҳудуд бўйича бириктирилган инспекторга, агарда у бўлмаса смена бошлиғига бўйсунади.

Кичик инспектор ўзига бириктирилган секторда:

-ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича буйруқ ва йўриқномаларни, қоидаларни, меъёрий ҳужжатлар талабларини, ишлаб чиқариш

технологик жараёнининг ёнғин хавфини, секторнинг ёнғинга қарши ҳолатини, алоқа ва ёнғин ўчириш воситалари ҳолатини, шунингдек кўнгилли ёнғин ўчириш дружиналари таркибини билиши;

-белгиланган рўйхат бўйича ёнғин хавфи юқори бўлган цехларни, лабораторияларни ва омборларни қабул қилишдан олдин, уларнинг ёнғинга қарши ҳолатини текшириб чиқиши;

-пайвандлаш ва оловли ишлар олиб бориладиган жойларни билиши ва уларни бажаришда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини назорат қилиши;

-ёнғин ўчириш воситалари борлигини ва автоматик қурилмалар ҳолатини билиши, уларнинг ишга яроқлилигини текшириши;

-ишчи ва хизматчиларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини, ёнғин ўчириш ва алоқа воситаларидан фойдаланиш тартибини ўргатиши;

-кўнгилли ёнғин ўчириш жамоалари аъзолари билан доимо алоқада бўлиши, уларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш бўйича тадбирлар ўтказиши;

-объект маъмурияти ва қисм раҳбарияти эътиборига ёнғин хавфсизлиги талабларини бузувчи шахсларни жавобгарликка тортиш масалаларини қўйиши;

-ўзига бириктирилган секторнинг ёнғинга қарши ҳолати, сув тармоқлари, алоқа воситалари, ёнғин ўчириш автоматик қурилмаларидаги ўзгаришлар ҳақида инспекторга ҳамда катта инспекторга ахборот бериши лозим.

Хизмат вақтида инспекторлар таркибига ўзларига бириктирилган ҳудуд ва секторда қуйидагилар тақиқланади:

-ҳудудни, секторни назоратсиз қолдириб кетиш;

-хизмат бурчига кирмайдиган ишлар билан машғул бўлиш.

37. Ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари томонидан қўриқланаётган корхоналарда соқчилик хизмати ва унинг вазифалари /1/

Соқчилик хизмати ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларининг бажарилишини назорат қилишни кучайтириш, ёнғинни ўз вақтида аниқлаб хабар бериш, ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари етиб келгунга қадар содир бўлган ёнғинни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мақсадида ташкил қилинади.

Соқчилик жойларини ташкил қилиш ҳақидаги қарорни отряд, қисм раҳбари ёки ёнғин хавфсизлиги гарнизони бошлиғи қабул қилади. Соқчиларнинг хизмат ўташ жойлари, соқчилик ҳудудининг ёнғин хавфи, ёнғин ўчириш техник қуроллари ва алоқа воситаларининг рўйхати ҳамда соқчиларнинг вазифалари соқчилик журналида (12-илова) кўрсатилади. Бунда соқчиларнинг уларга бириктирилган ҳудудни доимо кузатиб тура олишлари ҳисобга олинади.

Смена шахсий таркибини соқчилик жойларига бириктириш смена бошлиғи томонидан амалга оширилади, бунда ишлаб чиқариш технологик жараёнининг мураккаблиги ва зарарлилиги ҳисобга олиниб, 1 ойдан ошмаслиги керак.

Ёнғин хавфсизлиги қисми бошлиғига соқчилик жойининг хавфсизлик ҳолатига қараб, соқчиларни 3 суткадан ошмайдиган муддатга ёнғин ўчириш автомобилида қўйишга рухсат этилади. Узоқ муддатга соқчилик хизматини ташкил этиш ёнғин хавфсизлиги хизматининг юқори бошлиқлари томонидан ҳал этилади.

Навбатчи смена ёнғин ўчиришга чиққанда соқчиларнинг чиқиши ёки чиқмаслиги соқчилик жойлари бўйича варақани ишлаб чиқишда аниқланади.

Соқчи ёнғин ўчирувчи (катта ёнғин ўчирувчи)лар таркибидан тайинланади. У смена бошлиғига бўйсунади, агарда у бўлмаса смена бўйича навбатчига бўйсунади ва фақат унинг буйруғи билан соқчиликни қабул қилади ва топширади.

Соқчи:

-соқчилик жойининг чегарасини, ёнғин хавфсизлиги ҳолатини, цех маъмурияти ва кўнгилли ёнғин ўчириш дружинасига кирувчи шахсларнинг иш жойларини билиши;

-белгиланган ёнғин хавфсизлиги тартибга риоя қилинишини назорат қилиши, аниқланган камчиликларни қисқа муддат ичида бартараф қилинишига эришиши, бу ҳақда смена бошлиғига ахборот бериши;

-ёнғин ўчириш, алоқа ва хабарлаш воситаларининг созлигини ва доимо тайёр туришини кузатиб туриши, зарур ҳолларда уларни ишлата билиши;

-технологик жараёнлар ўзгарганда ёнғин чиқиши мумкин бўлган асосий кўрсаткичларини билиши;

-ёнғин содир бўлганини аниқлаганда зудлик билан ёнғин хавфсизлиги қисмига хабар бериши ва кўнгилли ёнғин ўчириш дружинаси аъзоларини, ишчи ва хизматчиларни жалб қилган ҳолда жойлардаги ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиб, ёнғинни ўчиришни ташкил қилиши;

-муҳофаза қилинаётган ҳудудни кузатишни давом эттириб, ишчи ва хизматчиларга ёнғинга қарши хавфсизлик чоралари бўйича тушунтириш ишларини олиб бориши;

-объект ҳудуди, қурилма, цех ишчилари учун техника хавфсизлиги қоидаларини билиши ва уларга риоя қилиши лозим.

38. Ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари томонидан қўриқланаётган корхоналарда кузатув хизмати ва унинг вазифалари /1/

Кузатув хизмати смена шахсий таркиби ҳисобидан ташкил қилинади ва ёнғиннинг олдини олиш ишларини, айниқса тунги вақтда, байрам ва дам олиш кунлари кучайтириш учун мўлжалланган.

Кузатувчилар белгиланган йўналишлар бўйича ҳамда объектнинг ёнғинга қарши ҳолатини, хабарлаш ва ёнғин ўчириш воситаларини, ёнғин хавфи бўлган жойларни текшириш учун ва бошқа ҳолатларда хизмат зарурияти туфайли юборилади. Кузатув хизматининг ҳар бир йўналишига кузатувчиларнинг алоҳида вазифалари белгиланади. Текширилиши лозим бўлган хоналар рўйхати, у ёки бу хонага етиб келиш вақти кўрсатилиб йўналиш варақалари тузилади. Йўналиш бўйича текшириш вақти 2 соатдан ошмаслиги керак.

Кузатув хизматига юбориш вақти объектдаги ҳолатга, навбатчи смена шахсий таркибининг сонига ҳамда навбатчи сменанинг олдига қўйилган вазифаларга қараб қисм бошлиғи томонидан белгиланади.

Кузатувчи:

-кўрсатма берилгандан сўнг йўналиш варақасида кўрсатилган барча жойлар орқали юриши ва ёнғин хавфсизлиги тартиб ҳолатини мукаммал текшириши;

-ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлиги ва ёнғин ўчириш қурилмаларидаги носозликларни аниқлаганда, объект маъмурияти ва жавобгар шахслардан ушбу камчиликларни бартараф қилишни талаб қилиши ва бу ҳақда смена бошлиғига ахборот бериши;

-ёнғин содир бўлганлигини аниқлаганда, зудлик билан ҚДХга хабар бериши ва одамларни ҳамда моддий бойликларни хавфли жойдан олиб чиқиши, ишчи хизматчиларни жалб қилиб мавжуд ёнғин ўчириш воситалари билан ёнғинни ўчиришни ташкил қилиши.

39. Катта ва мураккаб ёнғин ўчириш таянч маскани ишини ташкиллаштириш /3/

Катта ва мураккаб ёнғин ўчириш таянч маскани ҳокимият тасдиқлаган қарор билан Ўзбекистон қонунчилиги асосида шаҳарларда ва туман марказларида ташкил қилинади.

Катта ва мураккаб ёнғин ўчириш таянч маскани гарнизоннинг бирон-бир ёнгин хавфсизлиги негизида ташкил қилинади, қайсики қисм жанговар ҳисобида ёнгин ўчириш таянч масканининг 50% дан кам бўлмаган техникаси кириши керак.

Ёнғин ўчириш таянч масканини шакллантириш ва асбоб-ускуна билан қуроллантириш вилоят ва шаҳар ёнғин хавфсизлиги бошқармалари ва бўлимларига юклатилади.

Ёнғин ўчириш таянч масканига раҳбарлик қайси ёнғин хавфсизлиги қисми негизида ташкил қилинганига қараб шу қисм бошлиғига юклатилади. Таянч маскани ишини таянч маскани бошлиғининг ўринбосари бевосита уюштиради. Таянч маскани ишларини ЁХБ раҳбарлари ва ёнғин ўчириш тезкорлик штаби назорат қилади.

Вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармалари ва бўлимлари таянч маскани сони, жойлашиши, хизмат кўрсатиш ҳудуди қуйидаги шарт-шароитларга қараб аниқланади:

а) вилоят ҳудудида хавфли ёнадиган, портлайдиган ва бошқа алоҳида муҳим корхоналарнинг жойлашиши;

б) хизмат кўрсатиш ҳудудида 1-2 соат ичида энг кўп сонли ёнғин ўчириш кучи ва воситасини тўплаш имкони;

в) таянч маскани тузиладиган жойда ёнғин ўчириш техникаси ва воситаси жойлашадиган моддий-техника базаси, қўшимча туриш гаражи, омборхона, тутунхона ва спорт майдончалар қуриш имкони борлиги, ёнғин ўчиришда ишлатилиши мумкин бўлган корхона ва муассасаларнинг машина ва механизмлари борлиги.

Таянч маскани даражаси ва тузиш режасини Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг ЁХБси аниқлайди.

I-даражали катта ва мураккаб ёнғин ўчириш таянч маскани вилоят ва Республика марказида ташкил қилинади ҳамда алоҳида ва хавфли ёнадиган, портлайдиган, шунингдек нефт, нефтни қайта ишлайдиган кимё ва бошқа шунга ўхшаш корхона тармоқлари туманида жойлаштирилади.

II-даражали катта ва мураккаб ёнғин ўчириш таянч маскани бошқа катта халқ хўжалиги корхоналари туманида ҳамда Республика ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда ташкил қилинади.

III-даражали катта ва мураккаб ёнғин ўчириш таянч маскани ҳудудий, (зонал) принципда туманларда, шаҳарлар ва алоҳида яшаш жойларида ташкил қилинади.

Таянч маскани хизмати учун ёнғин хавфсизлиги қисмлари штатларига қуйидагилар киритилади;

-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги хизматида ёнғин хавфсизлиги қисм бошлиғи ўринбосари, омбор мудири ва катта техник;

-касбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги хизматида I ва II даражали қисмга отряд ва қисмга –қисм (отряд) бошлиғи ўринбосари ва омбор мудири;

I-II даражали касбийлаштирилган ёнғин ўчириш таянч масканида ёнғин ўчириш автомобили, махсус асбоб-ускуналарни техник хизмат кўрсатиш учун муҳандис вазифаси киритилади.

III- даражага эса- техниклар киритилади.

Мансабдор шахслар иш вазифаларини таянч маскани раҳбари аниқлайди ва ЁХБ томонидан тасдиқланади.

40. Катта ва мураккаб ёнғин ўчириш таянч масканининг асосий вазифалари /3/

Катта ва мураккаб ёнғин ўчириш таянч масканларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) навбатчи сменаларнинг ҳар доим ёнғинга қарши тайёргарлигини таъминлаш;

б) ёнғинни ўчириш, фалокат ва табиий офат вақтида шаҳар ва туманда шунга тегишли хизматга ёрдам кўрсатиш;

в) ёнғинга қарши сув хўжалиги, алоқа воситалари ва машиналар ўтадиган йўлларнинг созлигини назорат қилиш;

г) шаҳар (корхона) ва туманни қўриқлайдиган бошқа махсус хизмат билан доимо алоқада бўлиш;

д) қўшни вилоят ва республикаларда рўй берган ёнғинни ўчиришга ёрдам бериш.

Хизмат кўрсатиш ҳудудида ўз вақтида ва тезкорлик билан керакли куч ва воситаларни тўплаш мақсадида таянч маскани ташкил қилинади ва қуйидагиларни таъминлайди:

а) таянч маскани ва хизмат кўрсатадиган ҳудуд бўлинмаларидаги ёнғин ўчириш техникаси, моддий техник воситаларни жанговар ҳолатда тутиш;

б) таянч масканининг тезкор ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

в) хизмат кўрсатиш ҳудудида жойлашган ёнғиин хавфсизлиги қисмлари шахсий таркибини махсус автомобилларда ишлатишга ўргатиш;

г) шахсий таркибни тўплаш, захирадаги автомобилларни, жанговар ҳисобини тўлдириш;

д) барча шахсий таркиб билан жанговар ҳаракат режасини ишлаб чиқиш;

е) ёнғин ўчиришга жалб қилинадиган бошқа махсус хизматлар билан биргалашиб ҳаракат режасини ишлаб чиқиш.

41. Таянч масканининг моддий техника таъминоти /3/

Белгилаб қўйилган жадвалга биноан таянч маскани ёнғин ўчириш техникаси ва моддий техника воситалари билан таъминланади. (ИИВнинг №467 сонли буйруғи, 2-илова.)

Таянч масканининг моддий техника базасини қуйидагилар ташкил қилади:

а) ҳаракатдаги захира ва жанговар ҳисобдаги асосий ва махсус ёнғин ўчириш техникаси;

б) гарнизондаги моддий-техника ва радиотехника воситалари.

Махсус автомобиллар (автонарвон, кўпикли ёнғин ўчириш автомобили ва бошқалар) жанговар ҳисобда туриши керак.

Қайси гарнизон негизида таянч маскани ташкил қилинган бўлса, (диспетчер) алоқа маскани хизмати билан алоқа тармоғи тузилади, вилоят ёнғин хавфсизлиги марказий алоқа тармоғи, ҳудуд хизматидаги қисмлар ва қўшни таянч маскани билан доимо телефон ва радиоалоқа қилиб турилади ҳамда халқ хўжалигининг энг муҳим корхоналари билан бевосита телефон алоқаси ўрнатилади.

Таянч маскани негизида газ ва тутундан ҳимоялаш хизмати ташкил қилинади, ўқув-машғулот полигони (майдони) жиҳозланади.

Белгиланган жадвалга мувофиқ таянч масканида бор бўлган ёнғин ўчириш техникаси, асбоб-ускуна ва моддий-техника воситалари таянч масканининг дахлсиз

базаси ҳисобланади, белгиланган жойда сақланади ва ушбу Низомда кўрсатилган тартибда фойдаланилади.

42. Таянч масканига куч ва воситаларнинг жалб қилиш тартиби /З/

Таянч маскани куч ва воситалари хизмат ҳудудида ёнғин ўчириш учун жалб қилинади ҳамда ундан вилоятнинг қўшни таянч маскани хизмат ҳудуди ва бошқа вилоятда қуйидаги тартибда фойдаланилади:

а) таянч маскани жойлашган гарнизондаги ёнғинларда гарнизондаги ёнғин хавфсизлиги қисмларининг чиқиш жадвалига асосан;

б) хизмат ҳудудида аҳоли яшайдиган жойдаги ёнғинда ИИБ ва ЁХБ раҳбарларининг буйруғига биноан;

в) вилоятнинг қўшни таянч маскани хизмат ҳудудидаги ёнғинда ИИБ ва ЁХБ раҳбарларининг буйруғига биноан.

Таянч масканининг жанговар ёйилиши ЁХБ бошлиғи тасдиқлаган ёйиш режасига ва марказий ёнғин ўчириш алоқа масканининг (қисм алоқа маскани) «Таянч масканини эшитиш» хабарига биноан бажарилади.

Бу кўрсатилган хабарни ИИБ ва ЁХБ бошлиқлари беришга ҳақлидир.

Таянч маскани захирасида турган керакли автотехника ва моддий-техника воситаларининг ёнғин ўчиришга жўнатиш тартиби қуйидагича:

а) таянч масканини қаерда жойлашишига қараб, гарнизон хизмат ҳудудида – жанговар ҳисобини тўлдиришига қараб, зудлик билан;

б) хизмат ҳудудидан ташқарида – уюшқоқлик билан саф тортиб.

Вилоят марказидан ташқарида жойлашган таянч маскани, хизмат ҳудудида бўлган ёнғин ҳақида зудлик билан ёнғин хавфсизлиги марказий алоқа тармоғига ёки вилоят ИИБнинг навбатчисига ахборот беради.

Таянч маскани омборидан моддий техника воситаларини омбор мудири беради, унинг йўқлигида эса таянч маскани раҳбарининг ўрнатган тартибига биноан берилади.

43. Катта ва мураккаб ёнғин ўчириш таянч маскани хизмат ҳужжатлари /З/

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг ЁХ хизмати тизимининг талабларидан ташқари таянч масканининг ҳужжатлари қуйидагилардан иборат:

-таянч масканида жанговар ва захирада турган куч ва воситаларни ҳисобга олиш журнали;

-таянч маскани куч ва воситаларни ёйиш режаси;

-таянч маскани хизмат қиладиган ҳудудида маъмурий туман чегараси, йўллар, табиий сув хўжаликлари, алоҳида корхоналар ва бор ёнғин учириш техникалари кўрсатилган харита;

-таянч масканининг қисм (гарнизон) шахсий таркибини хабарлаш режаси;

-таянч маскани хизмат ҳудудида жойлашган алоҳида муҳим ва хавфли ёнадиган корхоналар рўйхати;

-таянч маскани хизмат ҳудудига жойлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмлари рўйхати ва уларнинг техник қуролланиши;

-гарнизон хизмат ҳудудидаги қисмлар алоқа тармоғи вилоят марказий диспетчерлик хизмати ва қўшни таянч маскани алоқа тармоқларининг радиостанция алоқа чақириғи рўйхати;

-таянч масканининг хизмат ҳудудидаги телефон маълумотлари;

-хизмат ҳудудидаги куч ва воситаларни жалб қилиши туман режаси;

-таянч масканидаги мансабдор шахсларнинг иш вазифалари;

-шахсий таркибни жанговар тайёрлов дастури (3-илова) ва жадвали.

-Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХБнинг ёнғин ўчириш штаби.

44. Катта ва мураккаб ёнғин ўчириш таянч маскани бошлиғи ва ўринбосарининг хизмат вазифалари /3/

Таянч маскани бошлиғи.

Таянч маскани бошлиғи – таянч масканининг ҳамма шахсий таркибига бевосита раҳбар ҳисобланади:

-шахсий таркибни қабул қилиш ва жойлаштиришга, жанговарлигига, маънавий ҳолатига, тарбия ва ҳарбий интизомига шахсан жавоб беради;

-ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларини жанговарлигини ошириш мақсадида чорак ва ойлик иш режалари ишлаб чиқади ва кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш бўйича чоралар кўради;

-хизмат тайёргарлиги системасида ўрта ва кичик бошлиқлар таркиби билан раҳбарлик ҳужжатлари, хизматга тайёргарлик, ёнғин ўчириш бўйича кўрсатмаларни ўрганишни ташкил қилади;

-таянч маскани тезкорлик хизмат ҳужжатларини тузади ва ўз вақтида тузатиш киритиб боради;

-маъмурий чегара, туманлар, йўллар, табиий сув хўжалиги, бор ёнғин ўчириш техникаси ва аҳоли яшайдиган жойлардаги бориш йўналишларини кўрсатадиган харита тайёрлайди;

-алоҳида муҳим корхоналарга ёнғин ўчириш тезкорлик режаларини тайёрлайди;

-таянч маскани жанговарлигини ошириш ва уни техник жиҳозлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқади;

-таянч маскани шахсий таркиби билан ҳар чоракда камида бир марта таянч ҳудудига кирган шаҳар ва туманларни тезкорлик ва тактик ўрганиш бўйича машғулот ўтказади: асосий транспорт магистраллари халқ хўжалигининг муҳим корхоналари, сув хўжалиги манбалари ва шу кабилар;

-ёнғин ҳалокати ва табиий офат бўлган жойга шахсан боради ва таянч маскани ишига раҳбарлик қилади;

-таянч маскани хизмат ҳужжатларини олиб борилишини ва сақланишини назорат қилади.

Таянч маскани бошлиғининг ўринбосари.

-шахсий таркибнинг хизмат ҳолати, жанговар тайёргарлиги, тарбияси ва оммавий спорт ишларига шахсан жавоб беради;

-таянч маскани хизмат ҳудудида ёнғинга қарши сув таъминоти, алоқа ва йўлларни яхшилаш тўғрисида тадбирлар ишлаб чиқади;

-таянч маскани шахсий таркиб орасида тарбия ишлари ҳамда ёнғинда, фалокат, табиий офат ва машғулотда навбатчи смена ишларини таҳлил қилади;

-таянч маскани хизмат ҳудудида ёнғин ўчиришни яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқади;

-таянч масканининг газ ва тутундан ҳимоялаш хизмати ҳолати учун жавоб беради. Шахсий таркибни кислородли ажратгич газ ниқобда ишлаш учун тайёргарлигини ташкил қилади;

-ёнғин ўчириш автомобилларининг техник ҳолати ёнғин ўчириш техник асбоб ускуналари ва алоқа воситалари учун жавоб беради;

-таянч маскани ҳужжатларини ишлаб чиқади ва ўз вақтида тузатиш киритади;

-таянч маскани хизматдан ташқари бўш шахсий таркибни йиғиш ва жанговар ҳисобни тўлдириш учун жавобгар бўлади.

45. Катта ва мураккаб ёнғин ўчириш таянч маскани смена бошлиғи, таянч маскани катта техниги ва таянч комендантининг хизмат вазифалари /3/

Таянч маскани смена бошлиғи

Катта ва мураккаб ёнғинни ўчириш таянч маскани смена бошлиғи Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг ёнғин хавфсизлиги хизмати буйруқларида баён қилинган вазифага қўшимча қуйидагиларни билиши шарт:

-таянч маскани хизмат ҳудудида ёнғин хавфсизлиги қисмларини жойланишини ва уларнинг тезкорлик – тактик имкониятини;

-таянч маскани хизмат ҳудудида жойлашган қисмда ёнғин ўчириш техникаси, кўпик ҳосил қилувчи модда ва газ ниқобининг борлигини;

-таянч маскани бошлиғига ҳайдовчиларни сменаларга жойлаштиришда таклиф киритади;

-жадвалга мувофиқ автомобилларни ўз вақтида таъмирлашга топширади ва қабул қилади.

Таянч маскани катта техниги

У таянч маскани ҳайдовчилари таркибини тайёрлаш, автомобилларнинг техник созлиги, уларга ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатиш учун жавоб беради ҳамда унинг иш вазифаси;

-таянч масканидаги ҳамма автомобилларни тузилишини, уларни асосий таъмирлаш ва ишлатиш қоидаларини билиш;;

-бўлинмаларда автомобилларнинг эҳтиёт моторесурсларини борлигини ва техник ҳолатини билиш;

-таянч маскани қуролланган ҳамма автомобилларни дадил бошқаришни ва ёнғин ўчириш автомобилларидаги махсус агрегатларда ишлашни билиш;

-автомобилларни тартибли сақлаш ва техник хизматини ташкил қилиш;

-ҳайдовчилар таркиби билан ёнғин ўчириш автомобилларининг тузилиши, ишлатиш ва таъмирлашни ўргатиш бўйича машғулотлар ўтказиш;

-ёнғин ўчириш автомобилларини фалокатга учрашиш ва ишда тўхтаб қолишини олдини олиш, ёнилғи, мой ва бошқа фойдаланиш материалларини тежаш тадбирларини олиб бориш.

Таянч коменданти

-ҳисоб-китобга қарашли ёнғин ўчириш автомобилларини ва асбоб-ускуналари, мол-мулкларининг ҳолати ва сақланишига моддий жавобгар шахс ҳисобланади;

-хўжалик бўлимидан (ЁХБдан) ўз вақтида жадвалда белгиланган кийим-кечак ва асбоб-ускуналарни олади ва шахсий таркибга беради;

-келган ёнғин ўчириш техник қуролларни ва бошқа мулкларни қабул қилади;

-қимматли материалларни тартибли ҳисобга олади, борлигини ва тартибли фойдаланишини қаттиқ назорат қилади;

-қисмдаги ҳамма хоналарда ва таянч масканига қарашли майдонда тозалик сақланишини назорат қилади;

-иситгич асбоб-ускуналарни ўз вақтида таъмирлаш ишларини олиб бориш, бинода санитар ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилишни назорат қилади;

-ёнилғи ва мой материалларини қабул қилади ва мулкларнинг ҳисобини олиб боради.

46. Ёнғин хавфсизлиги қисми ёнғин ўчирувчиларининг бошланғич тайёргарлиги /2/

Ёнғин хавфсизлиги қисмларига оддий ходим ва кичик бошлиқлар таркиби лавозимига қабул қилинган ҳамма шахслар, хизмат вазифаларини мустақил бажаришларига қадар бошланғич тайёргарликдан ўтишади.

Машғулотлар ўқув журналида қайд қилинади.

Бошланғич тайёргарлик кетма–кет икки босқичда ўтказилади:

- биринчи босқич – хизмат жойларида якка тартибда ўқитиш.
- иккинчи босқич – ИИВ, ИИБ ёнғин хавфсизлиги ўқув марказларида курс тайёргарлиги.

Агар лавозимга қабул қилинган кундан ўқув бўлинмаларида навбатдаги гуруҳни ўқитиш бошланишига 9-10 кун қолган бўлса, курс тайёргарлигига якка тартибда тайёргарликни ўтмай туриб юборишга рухсат этилади.

Якка тартибдаги тайёргарликни бошқариш ёнғин хавфсизлиги гарнизонлари, қисмлари бошлиқларига ва улар томонидан тайинланган устозларга, курс тайёргарлиги бўйича эса ўқув бўлинмалари бошлиқларига юклатилади.

Ёнғин ўчирувчиларни якка тартибда тайёргарлиги лавозимга тайинланган кундан бошлаб курс тайёргарлигига жўнатилгунга қадар олиб борилади ва қуйидагиларни назарда тутади:

- ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг иш фаолияти ва ташкилий асослари, хизматни ўташ тартиби, лавозим ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, хизмат йўналиши бўйича асосий меъёрий амалиёт ҳужжатлари, ички тартиб ва кийим кийиш қоидалари, ҳимояловчи газниқоблар билан танишишни;
- техника хавфсизлиги қоидаларини ўрганишни;
- ёнғинларни ўчиришда ва хизмат ўташда асосий вазифаларни бажаришни амалий ўрганишни.

Якка тартибдаги тайёргарлик ёнғин хавфсизлиги қисмида 10 кун мобайнида 6 соатдан ўтказилади, шундан сўнг ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги хизматига янги қабул қилинганлар 10 та, касбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги хизматига янги қабул қилинганлар эса 7-8 марта смена навбатчилиги мобайнида тажрибадан ўтадилар. Бу даврда янги қабул қилинганлар ёнғин ўчиришга чиқмайдилар, ҳамда ҳимояловчи газниқобда ишлашга ўргатилмайдилар.

Хизмат жойларида якка тартибдаги тайёргарлик қисм бошлиғи томонидан тасдиқланган ўқув дарс жадвали ва мавзувий режа (1-илова) асосида белгиланади. Машғулотларни қисм бошлиғи ва унинг ўринбосарлари, муҳандис – инспекторлар таркиби, смена бошлиқлари ҳамда тажрибали экипаж бошлиқлари ўтказадилар.

Хизмат жойларида якка тартибдаги тайёргарликни ташкил қилишда ёнғин хавфсизлиги гарнизон ва қисм бошлиқлари жавобгардирлар ва улар қуйидагиларни бажаришлари шарт:

- ишга қабул қилинган шахсни шахсий таркибга таништириши, мураббий бириктирилганлиги ҳақида буйруқни эълон қилиши;
- ишга қабул қилинган шахсни лавозим вазифалари билан таништириши ва бажарадиган ишларини белгилаб бериши;
- амалдаги буйруқларга асосан тайёргарлик вақтидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништириши хамда ўқув жараёни шароитлари ва тартибини тушунтириши;
- хизмат жойида якка тартибдаги тайёргарлик мавзувий режасини тасдиқлаши ва мураббийга йўриқнома бериши ҳамда бажарилишини мунтазам назорат қилиб бориши;
- ўрганаётган шахснинг ахлоқий ва ишчанлик қобилиятини ўрганиши.

Хизмат жойларида якка тартибдаги тайёргарлик тугагандан сўнг ўрганаётган шахслар ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, бўлими (бўлинмаси) қошида тузилган комиссияга хизматни ўташ ҳамда ёнғин ўчириш вақтида хавфсизлик техникаси қоидаларини билишлари бўйича ўргатилган материаллар ҳажмида синов имтиҳонини топширадилар. Синов имтиҳонлари натижаси асосида баённома тузилади (8-илова).

Баённома асосида қисм бошлиғи хизмат жойида якка тартибдаги тайёргарликни якунлаган шахсларга ёнғин ўчириш вақтида мустақил жанговар ҳаракат қилишларига рухсат бериш ҳақида буйруқ чиқарадилар (баландликларда ва нафас олишга яроқсиз муҳитлардаги ишлардан ташқари).

Ёнғин ўчирувчилар ЎзР ИИВ, ИИБ тақсимотига асосан белгиланган муддатларда, аммо лавозимга тайинланган ва хизмат жойида тайёргарликни якунлаган кундан 6 ойдан кўп вақт ўтмасдан ўқув бўлинмаларига курс тайёргарлигига юбориладилар.

Ўқув бўлинмасига бир вақтнинг ўзида хизмат жойларида якка тартибдаги ва курс тайёргарлигидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (9-илова) га тегишли боблари тўлдирилган ҳолда юборилади.

Курс тайёргарлигига юбориладиган шахслар машғулотлар бошланиши арафасида ўқиш жойларига йил фаслига қараб кийинган ҳолда (ўқув машғулотлари муддатини ҳисобга олиб) етиб келишлари шарт. Ёнғин ўчирувчи лавозимига янги қабул қилинганлар ҳимояловчи газниқобларида ишлашга тайёргарликдан ўтадилар. Уларга газ ва тутундан ҳимояловчи варақалари юритилади. Тайёргарликни тугатганларга шахсий варақалари ўз қўлларига топширилади.

Курс тайёргарлигини мазмуни ва муддати ЎзР ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси (ЁХББ) томонидан тасдиқланадиган мавзувий режа ва дастурлар билан белгиланади.

Курс тайёргарлигини тамомлаган шахслар хизмат жойларига қайтариб юборилади. Тайёргарликни тамомлаганлиги тўғрисидаги гувоҳнома битирувчининг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига қўшиб қўйиш учун, уларни юборган ички ишлар идорасига жўнатилади.

Ёнғин хавфсизлиги қисмига етиб келгандан сўнг ёнғин ўчирувчи 5 марта смена навбатчилиги давомида бириктирилган мураббий бошчилигида амалий тажрибадан ўтади. Амалий тажриба тугагандан сўнг қисм бошлиғи буйруғи билан унга навбатчи сменанинг жанговар ҳисобида мустақил хизмат қилишга рухсат берилади.

47. Ёнғин хавфсизлиги қисми диспетчерлар (радиоалоқачилар)нинг бошланғич тайёргарлиги /2/

Ёнғин хавфсизлиги хизматига диспетчер лавозимига янги ишга қабул қилинган шахслар ҳамда навбатчи смена таркибидан диспетчерларни вақтинча алмаштириб турувчи ходимлар хизмат жойларида якка тартибда бошланғич тайёргарликдан ўтишлари шарт.

Тайёргарлик 15 кун давомида 6 соатдан қисмда ёки 15-25 кишидан иборат гуруҳ тузиш имкони бўлса ўқув бўлинмаларида ўтказилади.

Тайёргарлик вилоят (республика) ёнғин хавфсизлиги марказий диспетчерлик хизмати (МДХ) да, қисм диспетчерлик хизмати (ҚДХ) да, ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларига қабул қилинганлар учун 10 та, касбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларига қабул қилинганлар учун 7-8 та навбатчилик давомида амалий тажрибадан ўтиш билан якунланади.

Тайёргарлик ва амалий тажрибадан ўтиш мазмуни ИИВ, ИИБ ЁХБ томонидан тасдиқланган мавзувий режа, бошланғич тайёргарлик дастури (3-илова) ва ёнғин

хавфсизлиги қисм бошлиғи (ўқув бўлинмаси) томонидан тасдиқланган машғулотлар жадвали асосида белгиланади.

ИИВ, ИИБ ЁХБ бошлиқларига жойлардаги шароитдан келиб чиққан ҳолда умумий соатлар сонини қисқартирмаган ҳолда дастурга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга рухсат этилади.

Масканларни ёнғиндан муҳофаза қилувчи ёнғин хавфсизлиги отрядлари, қисмлари бошлиқларига диспетчерларни муҳофаза қилинаётган маскандаги ёнғиндан хабар берувчи ва ёнғинни ўчирувчи автоматик қурилмаларни мукаммал ўрганишлари учун дастурда кўрсатилган соатларни кўпайтиришларига рухсат этилади.

Тайёргарлик муддати тугагандан сўнг диспетчерлардан ўтилган дастур мавзулари ва хавфсизлик техникаси бўйича ЁХБ ҳамда ёнғин ўчириш штаби ходимлари таркибидаги ҳайъат аъзолари томонидан имтиҳон олинади. Бундан ташқари, улар МДХ ва ҚДХ да мавжуд қурилма ва асбоб- ускуналар билан амалий ишлаш бўйича ҳам синов имтиҳонлари топширадилар. Натижалар синов имтиҳонлари баёни билан расмийлаштирилади. Ёнғин хавфсизлиги отряд (қисм) бошлиқлари баёнга асосан диспетчерларни мустақил ишлашига рухсат этиш тўғрисида буйруқ чиқарадилар.

Бошланғич тайёргарликдан ўтмаган ёки дастур материалларини ўзлаштира олмаган шахсларга ҚДХ да ишлашга рухсат этилмайди.

Бошқа ёнғин хавфсизлиги қисми (гарнизони) га ўтказилган диспетчерлар шу қисмнинг чиқиш ҳудудини (муҳофаза қилинаётган масканни), чиқиш жадвалини ҳамда қисмдаги ёнғин ўчириш автомобилларининг асосий тактик-техник кўрсаткичларини ўрганиб, синов имтиҳонлари топширганларидан кейин мустақил хизматга қўйиладилар.

48. Ёнғин ўчириш автомобили ҳайдовчиларини, экипаж командирлари ва кичик инспекторларнинг бошланғич тайёргарлиги /2/

Ёнғин ўчириш автомобиллари ҳайдовчиларининг бошланғич тайёргарлиги

Ёнғин хавфсизлиги қисмларига ҳайдовчилик лавозимига қабул қилинган шахслар қисмда бор ёнғин ўчириш автомобилларида ишлашларига рухсат бериш учун тайёргарликдан ўтишлари лозим.

Тайёргарлик 16 кун давомида 6 соатдан қисмда ёки 15-25 кишидан иборат гуруҳ тузиш имкони бўлса, ўқув бўлинмаларида ўтказилади.

Машғулот ўтказиш учун катта ҳайдовчилар ва тажрибали бошлиқлар таркибидаги шахслар жалб қилинади.

Ўқув мавзуларининг мазмуни бўлим, бўлинма (ўқув бўлинмаси) бошлиғи томонидан тасдиқланган бошланғич тайёргарлик дастури (4-илова) машғулотлар жадвали билан белгиланади.

ИИВ, ИИБ ЁХБ бошлиқларига маҳаллий шароитни ва гарнизонда бор ёнғин ўчириш техникаларини ҳисобга олиб, умумий соатларни қисқартирмаган ҳолда дастурга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга рухсат этилади.

Ҳайдовчиларни ёнғин ўчириш автомобилларининг махсус агрегатларида ва ёнғин ўчириш асбоб-ускуналарида ишлаш маҳоратини ошириш амалий машқ ва машғулотларда ўтказилади.

Бошланғич тайёргарликни тугатгандан сўнг ҳайдовчилар бўлим, бўлинма (ўқув бўлинма)ларидаги шаҳодат комиссиясига синов имтиҳонлари топширадилар. Шундан сўнг улар ИИВ, ИИБ ЁХБ га синов имтиҳони топшириш учун юборилади.

Ёнғин ўчириш автомобилларида ишлаш ҳуқуқини берувчи, ёнғин ўчириш автомобили ҳайдовчиси малакасини ошириш бўйича имтиҳонлар ИИВ, ИИБ ЁХБларда тузилган комиссиялар томонидан қабул қилинади.

Имтиҳонлар ҳайдовчи ишлайдиган ёнғин хавфсизлиги қисмидаги ёнғин ўчириш автомобилларининг русумларига мувофиқ равишда қабул қилинади.

Малака бериш комиссияси баёни асосида бошланғич тайёргарлик бўйича имтиҳонларни муваффақиятли топширган шахсларга ИИВ, ИИБ ЁХБ буйруғи билан ёнғин ўчириш автомобили ҳайдовчиси малакаси берилади ва уларга ёнғин ўчириш автомобилларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома топширилади.

Ҳайдовчига навбатчи сменада ёнғин ўчириш автомобилида мустақил ишлашга отряд ёки қисм бошлиғининг буйруғи асосида қисмнинг чиқиш ҳудудини, унинг сув таъминотини ўргангандан сўнг, сменада 10 та навбатчилик давомида шогирд-ҳайдовчи сифатида синалгандан ва унга ёнғин ўчириш автомобили бириктирилгандан сўнг рухсат этилади.

Бошланғич тайёргарликдан ўтмаган ёки синов имтиҳонларини топшира олмаган ҳайдовчиларга ёнғин ўчириш автомобилларида ишлашга рухсат этилмайди.

Экипаж командирлари ва кичик инспекторлар тайёргарлиги

Ёнғин ўчириш экипажи командири ва кичик инспектор лавозимларига тайинланаётган шахслар ўқув бўлинмаларида ИИВ, ИИБ тақсимотига асосан белгиланган муддатларда, лекин лавозимга тайинланган кундан 6 ойдан кўп вақт ўтмасдан, бошланғич тайёргарликдан ўтишлари лозим.

Машғулотлар қанча вақт давом этиши ва мазмуни ЎзР ИИВ, ИИБ ЁХБ томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурлари билан белгиланади.

49. Бошланғич тайёргарликка якун ясаш тартиби /2/

Хизмат жойларида якка тартибдаги тайёргарлик тугагандан сўнг ўрганаётган шахслар ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, бўлими (бўлинмаси) қошида тузилган комиссияга хизматни ўташ ҳамда ёнғин ўчириш вақтида техника хавфсизлиги қоидаларини билишлари бўйича ўргатилган материаллар ҳажмида синов имтиҳонини топширадилар. Синов имтиҳонлари натижаси асосида баённома тузилади (ИИВнинг №82 сонли буйруғи 8-илова).

Баённома асосида қисм бошлиғи хизмат жойида якка тартибдаги тайёргарликни якунлаган шахсларга ёнғин ўчириш вақтида мустақил жанговар ҳаракат қилишларига рухсат бериш ҳақида буйруқ чиқарадилар (баландликларда ва нафас олишга яроқсиз муҳитлардаги ишлардан ташқари).

Ўқув бўлинмасига бир вақтнинг ўзида хизмат жойларида якка тартибдаги ва курс тайёргарлигидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ИИВнинг №82 сонли буйруғи 9-илова) га тегишли боблари тўлдирилган ҳолда юборилади.

Курс тайёргарлигини тамомлаган шахслар хизмат жойларига қайтариб юборилади. Тайёргарликни тамомлаганлиги тўғрисидаги гувоҳнома битирувчининг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига қўшиб қўйиш учун, уларни юборган ички ишлар идорасига жўнатилади.

50. Ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари шахсий таркибининг касб тайёргарлиги /2/

Ёнғин хавфсизлиги қисмларида касб тайёргарлиги сменаларда хизмат ўташ вақтида ўтказилади ва бунда қуйидагиларни таъминлайди:

- аҳоли яшайдиган жойларда, муҳофаза қилинаётган корхоналарда ёнғинни олдини олиш ва ёнғин ўчириш бўйича назарий ва амалий билимларини узлуксиз ошириб боришни, хизматни ҳушёрлик билан олиб бориш ҳамда ёнғин ўчириш техникасидан унумли фойдаланишни;

- смена ва экипажларнинг мукаммал, аниқ ҳаракат қилишларини машқ қилдиришларини, уларнинг ҳар қандай шароитларда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғин ўчириш техникасидан тўғри фойдаланишларини.

Касб тайёргарлиги - ушбу дастур асосида ташкил қилинади ва ўтказилади.

Ўқув йили 10 январ кунидан бошланиб, 15 декабр куни якунланади.

Ўқув йили 2 даврга бўлинади: 1-давр 10 январдан 20 июнгача, 2-давр 1 июлдан 15 декабргача. Ҳар бир ўқув даври тугагандан сўнг кейинги давр бошлангунгача бўлган муддат ўқув ярим йиллигига якун ясаш, кейинги ярим йиллик учун касб тайёргарлиги режасини тузиш, яхши ўзлаштирилмаган мавзулар бўйича қўшимча машғулотлар ўтказиш, тезкорлик режалари ва варақалари устида амалий ишлаш, оммавий спорт машғулотлари ўтказиш, ўқув моддий-техник базасини тайёрлаш ва такомиллаштириш, навбатчи сменаларнинг шахсий таркибига келгуси турмуш шароитларида қулайликлар яратиш учун ажратилади.

Касб тайёргарлиги машғулотлари навбатчи смена шахсий таркиби билан кунига 3-4 соатдан ўтказилади. Машғулотлар ўқув журналига қайд қилиб борилади. Ўқув машғулотлари вақти 45 дақиқа.

Отряд ва қисм бошлиқларига муҳофаза қилинаётган корхоналарда хизматни бўшаштириб юбормаган ҳолда зарур бўлиб қолса, навбатчи сменаларда машғулотлар соатини кўпайтиришга ёки ўтказиш вақтини ўзгартиришга рухсат этилади.

Байрам кунлари касб тайёргарлиги машғулотлари ўтказилмайди. Қисм ва смена бошлиқлари бу кунлари аҳоли яшайдиган жойларда, муҳофаза қилинаётган корхоналарда хизматни кучайтиришлари, оммавий спорт мусобақалари ўтказишлари лозим.

Ёнғин ўчириш автомобилларига техник хизмат кўрсатиладиган кунлари қисм чиқиш ҳудудида (корхонада) ўтказиладиган амалий машғулотлар режалаштирилмайди.

Дастурда фанлар бўйича соатлар тахминан берилган. Зарурият бўлганда отряд ва қисм бошлиқлари амалий машғулотларни қисқартирмаган ҳолда уларни ўзгартиришлари мумкин.

Мавзуларни ўтиш навбати ва уларни ўтиш соатлари (амалий ўргатиш) қисмларнинг олдида турган вазифаларга, муҳофаза қилинаётган шаҳар, туман ва корхоналарнинг алоҳида хусусиятларига, мавжуд ёнғин ўчириш техникаси ва шахсий таркибнинг тайёргарлигига қараб белгиланиши керак.

Машғулотлар жадвалига кўрсатилган вақтда, ҳар куни машғулот соати мобайнида ёнғин ўчириш ва саф тайёргарлиги меъёрлари бўйича амалий машқлар режалаштириш ва ўтказиш керак.

Ёнғин ўчириш ва саф тайёргарлиги меъёрлари бўйича рўйхати ёнғин ўчириш қисмларининг смена бошлиқлари томонидан шу кунда шахсий таркиб бажарган жисмоний оғир ишларни ва уларнинг тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Амалий машғулотлар натижалари ўқув журналига қайд қилиб борилади, бунда амалий машқни бажариш вақти кўрсатилади. Ҳар чорак охирида машғулотларга якун ясалади ва энг яхши смена, экипаж, ёнғин ўчирувчи аниқланади.

Ёнғин ўчириш техникасининг янги турларини, қисмга келадиган буйруқлар, кўрсатмалар, йўриқномаларни ўрганиш бўйича машғулотларни ўтказиш режаси

соатлар сонининг умумий ҳисобидан тааллуқли фанлар бўйича олиб бориладиган машғулотларга киритилади ва ўқув журналига қайд қилиб борилади.

Масканларни, шу жумладан электр станцияларини, энергетика корхоналарини муҳофаза қилаётган қисм шахсий таркибини махсус тайёргарлиги ушбу дастурнинг ўргатиладиган фанлар бўйича берилган услубий кўрсатмаларида баён қилинган.

Ёнғин хавфсизлиги қисмлари шахсий таркибини катта ёнғинларни ўчириш таянч масканларидаги ёнғин ўчириш техникасида ишлашга ўргатиш, шу жумладан махсус ёнғин ўчириш автомобилларининг жанговар ҳисобини тайёрлаш ИИВ, ИИБ ЁХБ томонидан ишлаб чиқиладиган дастур ва меъёрлар асосида ўтказилади.

Ёнғин хавфсизлиги гарнизонлари шахсий таркибининг касб тайёргарлиги асосини ёнғин ўчириш амалий тактик машқлари (машғулотлари) ташкил қилиб, бу машқларда гарнизон ёнғин хавфсизлиги қисмлари (қайси ташкилотга қарашли бўлишидан қатъий назар) ва кўнгилли ёнғин ўчириш жамоалари (ёнғин ўчириш қоровуллик хизмати) жалб қилинади.

Ёнғин ўчириш амалий машқлари ўтказиш даври ИИВ, ИИБ ЁХБ бошлиғи томонидан белгиланади. Амалий машғулотлар сони бир йилда 12 тадан кам бўлмаслиги керак. Бунда муфассал ёнғин-техник назорати ўтказиш жадвали эътиборга олиниши, улар якунлангандан сўнг машқлар ўтказишни назарда тутиш зарур.

Ёнғин ўчириш амалий машқини:

- ИИВ, ИИБ ЁХБ бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари жанговар тайёргарлигини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўлими (бўлинмаси) ҳамда ёнғин ўчириш штаби бошлиқлари ҳар йили камида 1 марта;

- гарнизон (республика, Тошкент ш., вилоятлардан ташқари) бошлиғи, отряд бошлиғи, ёнғин ўчириш штаблари (ҳар бир тезкор гуруҳ, тезкор навбатчи) ярим йилда камида 1 марта;

- бошқа шахслар – ИИВ, ИИБ ЁХБ бошлиғи кўрсатмасига биноан ўтказадилар.

Амалий машқлар кундузи ва тунда гарнизонлар ҳисобидаги куч ва воситаларнинг имкони борича кўп қисмини жалб қилиб, ёнғин ўчириш тезкор штабини кучайтириб, ҳар бир сменанинг тенг қатнашишини ҳисоблаган ҳолда ўтказилади.

Ёнғин ўчириш амалий-тактик машғулотини:

- ёнғин ўчириш штаби ходимлари – гарнизон бошлиғи белгилаган миқдорда, ҳар бир қисм бошлиғи ва унинг ўринбосари йил мобайнида камида 1 марта, смена бошлиқлари камида 2 марта ёнғин ўчириш раҳбари вазифасида қатнашишларини ҳисобга олиб;

- қисм бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари – ҳар бир смена билан чоракда бир марта (тунда);

- бошқа шахслар – ИИВ, ИИБ ЁХБ бошлиғи кўрсатмасига биноан ўтказадилар.

Ёнғин ўчириш амалий-тактик машқи ва машғулоти ёнғин хавфсизлиги гарнизонларини, бўлинмаларини текшираётган шахслар томонидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Ёнғин хавфсизлиги қисмлари навбатчи сменаларининг ҳимояловчи газниқоблари бор шахсий таркиби 1 ойда камида 2 марта амалий машғулотда қатнашишлари керак. Шулардан 1 чоракда камида бир марта – нафас олишга яроқсиз муҳитда (иссиқ тутунхоналарда), қолганлари – тоза ҳавода ёнғин ўчириш ва саф тайёргарлиги ёки ёнғин ўчириш тактик тайёргарлиги машғулотларида ўтказилади.

ИИВ, ИИБ ЁХБ, бўлим (бўлинма), отряд ва қисмларнинг ҳимояловчи газниқоб билан таъминланган катта ва ўрта бошлиқлар таркиби бир чоракда камида 1 марта

алоҳида жадвал бўйича ёнғин ўчириш штаби раҳбарлиги остида иссиқ тутунхоналарда амалий машғулотдан ўтишлари керак.

Шахсий таркибни руҳий тайёрлаш барча машқ ва машғулотларда амалга оширилади. Машқ ва машғулотларда ҳар томонлама хавфсизликни таъминлаган ҳолда, шароит ҳақиқий жанговар ҳолатга яқинлаштирилади, тайёргарлик амалиётига кескинлик, кутилмаганлик ва хавф-хатар элементлари киритилади (7-илова).

Оловли йўлакда шахсий таркибга олов ва тутун таъсир эттирмасдан машғулотлар смена бошлиқлари ва уларнинг юқори бошлиқлари бошчилигида, олов ва тутун таъсир эттириб эса қисм бошлиқлари (отряд) ёки уларнинг ўринбосарлари, отряд навбатчилари, ёнғин ўчириш штаби ходимлари ёки улардан юқори бошлиқлар раҳбарлигида ўтказилади.

Ёнғин ўчириш тезкор режа ва варақаларига бошлиқлар таркиби ходимлари томонидан ҳар йили ёнғин-техник назорати, ёнғин ўчириш тактикаси, ёнғин ўчириш ва саф тайёргарлиги машғулотлари ўтказилганда тузатишлар киритилади.

Ёнғин хавфсизлиги қисмларида ёнғин ўчириш тезкор режа ва варақаларини амалий ўрганиш машқлари ёнғин ўчириш тактикаси, ёнғин ўчириш ва саф тайёргарлиги, ёнғинни олдини олиш машғулотларида ҳамда бошқа ҳолатларда ўтказилади. Бунда ҳар бир смена шахсий таркиби давлат муассасаларининг, инсонлар гавжум бўладиган жойларнинг, маданий-маиший корхоналарининг, юқори қаватли биноларнинг ва бошқа

масканларнинг ўзига хос тезкор-тактик хусусиятларини билиб олишлари ва уларни ҳисобга олишлари керак.

Айрим ҳолларда ёнғин ўчириш тезкор режа ва варақаларини амалий ўрганиш машғулотлари жанговар ёйилмасдан ўтказилиши мумкин, аммо корхонага яқин сув тармоқларини сув билан таъминланиш имконияти текширилади ва очиқ сув ҳавзаларидан сув тортиб олиш машқлари бажарилади.

Ёнғин ўчириш тезкор режа ва варақаларини амалий ўрганиш машғулотлари натижалари ва тузатиш киритишлар режа ва варақаларда хамда касб тайёргарлиги журналида белгилаб борилади.

Шаҳарни муҳофаза қилаётган қисмлари биттадан кўп бўлган ёнғин хавфсизлиги гарнизонларида навбатчи сменаларнинг амалий машғулотларга (ёнғин ўчириш тактикаси, ёнғин ўчириш ва саф тайёргарлиги, ёнғин ўчириш тезкор режа ва варақаларини амалий ўрганиш машқлари ўтказиш) чиқиш куни ва вақти дарс жадвалида кўрсатилиши керак.

Гарнизонларда амалий машғулотларга бир вақтнинг ўзида навбатчи сменаларнинг энг кам миқдори чиқишига рухсат этилади.

Махсус ёнғин ўчириш автомобилларидаги ёнғин ўчириш асбоб-ускуналарида ишлашга гарнизон ёнғин хавфсизлиги қисмларининг барча шахсий таркибини ўргатиш зарур. Бу машғулотлар умумий ўқув соати ҳисобидан гарнизон бошлиғи тасдиқлаган жадвал асосида ўтказилади.

Жисмоний тайёргарлик машғулотлари йилига 100 соат ҳисобидан режалаштирилади, ундан 12 соати касб тайёргарлиги машғулотлари вақтида, қолган 88 соати кун тартибида белгиланган оммавий-спорт ўйинлари вақтида ўтказилади.

51. Касб тайёргарлигининг асосий вазифалари /2/

Касб тайёргарлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- шахсий таркиб ўзининг конституцион бурчини ва бажараётган ишлари давлат миқёсидаги асосий вазифа эканлигини ҳамда ёнғин хавфсизлигини

таъминламаслик давлатнинг стратегик манфаатига зид бўлишини, иқтисодиёт хавфсизлигини таъминлашга хавф солувчи сифатида кўриб чиқилишини билиши;

- бошлиқлар ва оддий ходимлар таркиби онгида юқори жанговар ва ахлоқий сифатларни, жамоатчилик ва биродарлик ҳис-туйғуларини ҳамда бажарилаётган ишга шахсий жавобгарликни ҳис қилиш ва ёнғин ўчириш техникасига эҳтиёткорлик билан қарашни шакллантириш;

- шахсий таркибни мураккаб иш шароитларида ўзини бошқара олишга, матонатли ва руҳан мустаҳкам бўлишга ўргатиш;

- шахсий таркибни хизмат ўташ ва ёнғин ўчириш вақтида жанговар ишларни бажаришда ўз вазифаларини қўлланмалар, низомлар ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда бажаришга ўргатиш;

- бошлиқлар таркибида тобе ходимларни ўргатиш ва тарбиялашни ташкил этишдаги тажрибаларини такомиллаштириш;

- ёнғин хавфсизлиги гарнизонлари ва қисмлари шахсий таркибининг жанговар тайёргарлигини ташкил қилиш ва олиб боришда илғор тажрибаларни ўрганиш ва қўллаш;

- ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари ва гарнизонларини мураккаб ҳолатларда жанговар ҳаракатларни тезкорликда, тартиб билан моҳирона амалга оширишга ҳамда бошқа хизматлар билан ҳамкорликда ҳаракат қилишга тайёрлаш.

Касб тайёргарлиги вазифаларини бажариш қуйидагича амалга оширилади:

- доимий ва аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган тарбиявий ва ташкилий ишлар орқали;

- касб тайёргарлигини исботланган ва чуқур ўйланган ҳолда режалаштириш ҳамда бажарилишини доимий назорат қилиш орқали;

- машғулот олиб борувчилар тайёргарлигини юқори даражада ташкил қилиш;

- бошлиқлар таркибининг машғулотлар ўтказилишини ташкил қилишда ва ўтказишда шахсан иштирок этиши орқали;

- машғулотларни юқори назарий ва амалий даражада ўтказиш орқали;

- шахсий таркибнинг ўз билимларини ошириш устида ишлаши ва ўқув материалларини тушунган ҳолда ўзлаштириб олиши орқали;

- ўқув жараёнини моддий – техник базасини такомиллаштириш ва шулардан тўғри фойдаланиш орқали;

- ўқув жараёнига руҳий тайёргарлик элементларини жорий қилиш билан;

- ёнғин ўчириш ва саф тайёргарлиги меъёрларини ўрганиш бўйича мунтазам машғулотлар ўтказиш орқали.

52. Касб тайёргарлигини режалаштирувчи асосий ҳужжатлар /2/

Касб тайёргарлигини режалаштирувчи асосий ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

- ИИВ, ИИБ ЁХБ да (гарнизонда, отрядларда) ёнғин ўчириш тактик машғулотларни (машқ), шахсий таркибни оловли йўлда руҳий тайёрлашни ва ҳимояловчи газниқобларда машқ қилдиришни, тезкорлик режалари ва варақалари бўйича амалий машғулотларни ўтказишни, махсус асбоб-ускуна ва ёнғин ўчириш қуроллари билан ишлашни, муҳофаза қилинаётган туман (корхона) ларни амалий-тактик равишда ўрганишни, гарнизонларда, ёнғин хавфсизлиги қисмларида касб тайёргарлиги машғулотлари ўтказишни назорат қилишни, йиғилишлар, суҳбатлар ва амалий синовдан ўтказиш ҳамда касб тайёргарлигини бошқа масалаларини ўз ичига олган касб тайёргарлиги режа-жадвали (йиллик);

- ёнғин хавфсизлиги қисмида – фанлар бўйича вақтлар тақсимланган ва ўтказилиш ойлари белгиланган йиллик режа, ИИВ, ИИБ ЁХБ томонидан тасдиқланган касб тайёргарлиги ўқув йилига мавзувий режаси 1 ойлик дарс

жадвали режалаштирилган ва текширув ёнғин ўчириш амалий машғулотлари ўтказиш (тунда ва кундузи), шахсий таркибни тутунхоналарда ҳимояланган газниқобларда машқ қилдириш, тезкорлик режалари ва варақалари бўйича амалий машғулот ўтказиш, муҳофаза қилинаётган ҳудуд (корхона)ларни амалий-тактик равишда ўрганиш режа-жадвали, ўқув машғулотлари жадвали (10-илова).

Тайёрланадиган ҳужжатлар тегишли раҳбарлар томонидан тасдиқланиши ва бир йил давомида сақланиши лозим.

Касб тайёргарлиги бўйича ишлаб чиқиладиган ҳужжатларнинг сифатига ва муддатига:

- ИИВ, ИИБ ЁХБ да ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари жанговар тайёргарлигини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўлими бошлиқлари;
- бўлим (бўлинма), отряд, қисм ва ўқув бўлинмалари бошлиқлари жавобгардирлар.

Касб тайёргарлигини ташкил қилиш учун қарор қабул қилишдан олдин буйруқлар, кўрсатмалар, режалар ўрганилади, касб тайёргарлигининг ўтган давридаги якунлари таҳлил қилинади, ютуқ ва камчиликлар аниқланади, касб тайёргарлигининг асосий чора-тадбирлари белгиланади.

53. Ёнғин хавфсизлиги қисми диспетчерлар (радиоалоқачилар)нинг касб тайёргарлиги /2/

Ёнғин хавфсизлиги қисмларида диспетчерларни тайёрлаш машғулотлари хизмат мажбуриятлари ҳисобланадиган билим ва тажрибаларни такомиллаштиришни назарда тутиши керак. Хизмат мажбуриятларини ўрганиш хизматдан бўш вақтда мустақил ҳамда бирлашган қисмларда ҳар чоракда 4 соатдан ўтказиб борилади ва касб тайёргарлиги бўйича якун ясалаётганда синов имтиҳонлари қабул қилинади.

Диспетчерларнинг билим ва тажрибаларини янада такомиллаштириш ҳар йил ИИВ, ИИБ ЁХБ бўлинмаларида 3 кунлик йиғинларда ўтказилади, йиғиннинг ўқув дастури шу ерда ишлаб чиқилади.

Шунга ўхшаш йиғинларни ИИВ, ИИБ ЁХБ билан келишган ҳолда халқ хўжалиги корхоналарини муҳофаза қилаётган ёнғин хавфсизлиги отрядлари, қисмлари ўтказишларига рухсат этилади. Бунда ўқув дастурини отряд бошлиқлари мустақил ишлаб чиқадилар.

54. Ёнғин ўчириш автомобили ҳайдовчиларининг касб тайёргарлиги /2/

Ёнғин ўчириш автомобиллари ҳайдовчиларининг касб тайёргарлиги навбатчи сменалар шахсий таркиби билан биргаликда ўтказилади.

Ҳайдовчиларнинг махсус тайёргарлиги хизмат ўташ ва хизматдан бўш вақтларда мустақил равишда ҳамда махсус тайёргарлик дастури бўйича қисмларда ойига 4-5 соатлик машғулотларда ўтказилади (5-илова).

Ҳайдовчиларнинг махсус агрегатларда ишлаш тажрибаларини мукаммаллаштириш махсус тайёргарликнинг амалий машғулотларида ҳамда жанговар ҳолатга яқинлаштирилган шароитларда ёнғин ўчириш амалий тактик машқ ва машғулотлари жараёнида амалга оширилади.

Қисмларда касб тайёргарлигига якун ясалаётганда ёнғин ўчириш автомобиллари ҳайдовчиларидан ўтилган мавзулар, йўл ҳаракати қоидалари ҳамда чиқиш тумани кўчаларининг жойлашишини ва корхоналарга ўтиш йўлларини, қисм муҳофаза қиладиган туман (корхона)нинг ёнғинга қарши сув таъминотини, ёнғин ўчириш жиҳозларини ва улар билан ишлашни билиши бўйича ҳар чоракда бир марта синов имтиҳонлари қабул қилинади, баҳолари ўқув журналида қайд этилади.

Гувоҳнома кучининг 3 йиллик муддати тугагандан сўнг ҳайдовчилар ИИВ, ИИБ ЁХБлари малака бериш ҳайъатига имтиҳон топширишга ва қайтадан шаҳодатдан ўтишга юборилади, бу тўғрида ёнғин ўчириш автомобилларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномага қайд этилади.

Ёнғин ўчириш автомобиллари ҳайдовчиларининг техник даражасини ошириш ва йўл ҳаракати қоидалари ҳамда хавфсизлиги бўйича билимларини орттириш мақсадида улар билан уч йилда бир марта 10 кунгача давом этадиган йиғинлар ташкил этилади, бунда ИИВ, ИИБ ЁХБ лари малака бериш ҳайъатлари ёнғин ўчириш автомобилларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома кучи муддатини узайтириш учун имтиҳонлар қабул қиладилар.

55. Экипаж командирларининг касб тайёргарлиги /2/

Экипаж командирларининг тайёргарлиги касб тайёргарлиги дастури бўйича оддий ходимлар таркиби билан биргаликда ҳамда ҳар ойда 4 соатдан улар учун ташкил этиладиган йўриқнома услубий машғулотларида ўтказилади, бунга хизматдан бўш барча экипаж командирлари жалб қилинади.

Экипаж командирлари учун ташкил этиладиган машғулотларда қуйидагилар ўрганилади:

- низом, қўлланмалар, буйруқлар ва бошқалар;
- шахсий таркиб билан ишлашнинг илғор усуллари;
- экипажларнинг ёнғин ўчириш вақтида газ ва тутундан ҳимоялаш экипажларининг нафас олишга яроқсиз жойларда ишлашларини ташкил қилиш;
- ёнғинни олдини олиш масалалари;
- технологик жараёнларнинг, қурилма ва асбоб-ускуналарнинг ҳамда моддаларнинг ёнғин хавфи;
- чиқиш туманидаги (корхонадаги) ёнғин ўчириш сув тармоқларини ва бино-иншоотларнинг тезкор-тактик хусусиятлари;
- янги ёнғин ўчириш техникалари;

шахсий таркиб билан машғулот ўтказиш усуллари.

Машғулотларнинг ҳажми ва мазмуни қисм бошлиғи томонидан тасдиқланадиган мавзувий режа ва дарс жадвали билан белгиланади.

Экипаж бошлиқларининг маҳоратларини ошириш мақсадида 5 йилда 1 марта 30 кунгача муддатга ИИВ, ИИБ ЁХБ ишлаб чиққан дастур бўйича ўқув йиғини ўтказилади.

56. Кичик инспекторларнинг касб тайёргарлиги /2/

Кичик инспекторларни тайёрлаш хизмат вақтида ўтказиладиган машғулотларда, кеча-кундуз давомида хизмат қиладиган шахслар билан эса хизматдан бўш вақтида бир ойда 4 соатдан ўтказилади.

Машғулотларда қуйидагилар ўрганилади:

- ёнғинни олдини олиш ишларини белгиловчи асосий қўлланма ҳужжатлари;
- ички ишлар ва ёнғин хавфсизлиги буйруқ ва низомлари;
- ёнғин-техник назоратини ташкил қилиш ва ўтказиш усуллари;
- аҳоли турар жойларидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўрганиш, ишчи ва хизматчилар билан ёнғинга қарши йўриқнома ўтказиш тартиби;
- содир бўлаётган ёнғинлар сабаблари ва корхонанинг ёнғинга қарши ҳолати таҳлилидан келиб чиқиб, амалий чора-тадбир кўриш тартиби;
- очиқ ёнғин билан боғлиқ ишларни назорат қилишни ташкил этиш;
- корхонадаги ёнғинга қарши тузилма ва жамоатчилик билан ишлаш усуллари;
- ёнғинга қарши меъёр ва қоидалар;

- технологик жараёнларда ёнғин чиқиш хавфи ва уларни камайтириш чора-тадбирлари;
- корхонадаги ёнғин ўчирувчи автоматик қурилмалар ва шу кабилар.

Бу машғулотларда тажриба алмашиш бўйича суҳбатлар жорий қилиш зарур.

Ёнғин хавфсизлиги қисмлари бошлиқларига кичик инспекторларни қизиқтираётган мавзулар бўйича катта ва ўрта бошлиқлар таркиби билан ўтказиладиган хизмат тайёргарлиги машғулотларига жалб қилишга рухсат этилади.

Кичик инспекторлар бир сектордан иккинчи секторга ўтказилганларида 6 кун давомида муҳандис-инспекторлар таркиби бошчилигида амалий синов давридан ўтадилар. Амалий синов даври дастурини кичик инспектор хизмат қилаётган қисм бошлиқлари ишлаб чиқадилар ва уни ташкил қилишни ички ишлар идораларининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибини мутахассислиги бўйича тайёрлаш қўлланмаси талаблари асосида олиб борилишини таъминлайдилар.

Кичик инспекторларнинг малакаларини ошириш учун 5 йилда камида бир марта 2 ойгача муддатда ўқув йиғинлари (ишдан ажралган ҳолда) ўтказилади.
Йиғинлар иложи борича ёнғин хавфсизлиги қисмлари муҳофаза қилаётган корхоналар технологик жараёнларининг бир бирига яқинлигини ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади.

Йиғинлар дастурлари ИИВ, ИИБ ЁХБ томонидан жойларнинг хусусиятлари, тингловчиларнинг тайёргарлиги ва тажрибаларига қараб ишлаб чиқилади.

Халқ хўжалигининг нефт-кимё ва бошқа ёнғин чиқиш хавфи кучли бўлган корхоналарни муҳофаза қилаётган ёнғин хавфсизлиги қисмлари бошлиқлари кичик инспекторларни технологик жараённи ўрганишлари учун корхона маъмурияти томонидан ташкил қилинадиган машғулотларга ишдан ажратмаган ҳолда юборишлари мумкин.

57. Жанговар ва касбий тайёргарликни бошқариш тартиби /2/

Ёнғин хавфсизлиги гарнизонлари, отрядлари, қисмлари шахсий таркибини касб тайёргарлигини бошқариш уларнинг бошлиқларига юклатилади. Умумий бошқариш ИИВ, ИИБ ЁХБ томонидан амалга оширилади.

ИИВ, ИИБ ЁХБ тайёргарликни таҳлил қилади, ўрганади, умумлаштиради, тайёргарлик ва тарбиялашни янги шаклини ва усулларини жорий қилади, шу билан бирга ёнғин хавфсизлиги қисмлари шахсий таркибини касб тайёргарлигини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади. Касб тайёргарлиги жараёни ўқув йили давомида таҳлил қилиб борилади.

Тайёргарликни бошқариш қуйидагиларни ўз ичига олади:
- касб тайёргарлигини чуқур мулоҳаза қилиб режалаштиришни;
- бошлиқлар таркибини ўз билимларини ошириши устида доимий ишлашларини;
- машқ ва машғулотларга тайёргарлик кўришни назорат қилишни таъминлашни;
- касб тайёргарлигини боришини доимий назорат қилишни ва қўл остидагиларга амалий ёрдам кўрсатишни;
- касб тайёргарлигига ўз вақтида ва холисона якун ясашни;
- шахсий таркибни ўқитиш, ўргатиш ва тарбиялаш жараёнига илғор тажрибаларни ўрганиб, умумлаштириб жорий қилишни;
- ўқув моддий-техник базасини доимий такомиллаштириб бориш ва улардан тайёргарлик жараёнида унумли фойдаланишни.

ИИВ, ИИБ ЁХБ, гарнизон бошлиқлари ёнғин хавфсизлиги отряд, қисм бошлиқлар таркибига ёнғин ўчиришни ташкил қилиш масалаларини ўргатишни, ёнғин хавфсизлиги қисмлари шахсий таркибини катта ва мураккаб ёнғинларни ўчиришга тайёрлашни шахсан ташкил қиладилар ва бошқарадилар.

Отряд, қисм бошлиқлари:
- шахсий таркибни касб тайёргарлиги режасини ўз вақтида аниқ тузишни таъминлашлари;
- бошлиқлар таркибининг машғулот ўтказишга қандай тайёрланганликларини текшириб режа-кўчирмаларини тасдиқлашларини;
- шахсан машғулот ўтказишлари;
- ўтказилаётган машғулотлар сифатини шахсий таркиб ўрганганлигини, смена ва экипажларнинг жанговар тайёргарлигини доимий назорат қилиб боришлари, улар ҳолатини таҳлил қилиб боришлари, уларни яхшилаш учун чора-тадбирлар белгилашлари;
- смена ва экипажларда касб тайёргарлигига якун ясалишини бошқаришлари лозим.

Смена бошлиғи машғулот жадвали асосида шахсий таркиб билан машғулот ўтказишни ташкил қилади ва ўтказади, шу билан бир қаторда смена шахсий таркибини тарбиясига ва касб тайёргарлигига жавобгардир.

Экипаж командири экипажининг уюшқоқлик билан ишлашига ва ҳар бир ёнғин ўчирувчининг касб тайёргарлигига жавобгар, ҳамда экипажда шахсан ўзи режалаштирган дарси асосида машғулот ўтади. У ҳар бир ёнғин ўчирувчининг шахсий хусусиятини, билим даражасини, жанговар тайёргарлигини билиши шарт.

Ҳар бир бўлинмада ёнғин хавфсизлиги отрядлари жанговар тайёрлигини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўлими бошлиқлари, ёнғин ўчириш штаби, гарнизонлари, қисмлари ва смена бошлиқлари томонидан уларга тобе бошлиқлар таркибининг машғулотлар ўтказишга тайёргарлигини текширишнинг, уларни ташкил этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатишнинг ҳамда режа ва баёнларни тасдиқлашнинг маълум тартиби ўрнатилган бўлиши керак.

Бўлинма бошлиқларига амалий хизмат хусусиятидан келиб чиқиб, чиқиш ҳудуди, техника ва ўқув моддий техника базаси, ёнғин хавфсизлиги қисмлари сони, экипаж ва қисмларни шахсий таркиб билан таъминланганлиги ва тайёргарлиги, уларнинг бажарадиган ишларини ҳисобга олган ҳолда дарс ўтиш соатларига, дарс мавзуларига ва ёнғин ўчириш амалий-тактик машқ ва машғулотлари ўтказиладиган корхоналар рўйхатига ҳамда бу машқ (машғулот)лар сони (муддати)га (уларнинг умумий сонини ўзгартирмасдан) ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади. Энергетика корхоналарини муҳофаза қиладиган қисмларни, шу билан бирга электр станциялари ва Энергетика вазирлиги тармоқларида хизмат қилувчи ходимларни ва энергетика корхоналарини муҳофаза қилувчи ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмлари шахсий таркибини тайёрлаш Дастурининг талаблари ҳисобга олинади.

58. Касб тайёргарлигига якун ясаш /2/

Касб тайёргарлигига сменаларда - ҳар ойда (смена бошлиғи томонидан), қисмларда ҳар чоракда, ҳар бир ўқув даврига ва йилига (ҳайъат томонидан) якун ясалади.

Ўқитиш фанлари бўйича баҳолаш мезонлари:

Ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари ходимига умумий баҳо белгиланган меъёрларни (амалий ишлар) бажарганлигига ва дастурдаги белгиланган саволларни билишига (назарий) қараб қуйидагича аниқланади:

«Аъло»	«Яхши»	«Қониқарли»
Белгиланган меъёрларни бажарганлигига (амалий ишлар) олган баҳоси «аъло», ўқув саволлари бўйича (назарий) олган баҳоси «яхши» дан кам бўлмаса.	Белгиланган меъёрларни бажарганлигига (амалий ишлар) олган баҳоси яхшидан кам бўлмаса, ўқув саволлари бўйича (назарий) олган баҳоси эса «қониқарли» дан кам бўлмаса.	Иккала баҳоси «қониқарли» дан кам бўлмаса.

Ёнғин ўчириш ва саф тайёргарлиги бўйича белгиланган меъёрларни бажарганлигига бериладиган баҳо қуйидагича аниқланади:

«Аъло»	«Яхши»	«Қониқарли»	«Қониқарсиз»
Ўргатилаётган 1, 8, 15 меъёрларини аълога, 4, 5, 9, 13, 16, 17, 19 меъёрларни эса яхши ва ундан юқорига бажарса.	Ўргатилаётган 1, 8, 15 меъёрларини яхшига, 4, 5, 9, 13, 16, 17, 19 меъёрларини эса қониқарли ва ундан юқорига бажарса.	Ўргатилаётган 1, 4, 5, 8, 9, 13, 15, 16, 17, 19 меъёрларини қониқарли ва ундан юқорига бажарса.	Ўргатилаётган 1, 4, 5, 8, 9, 13, 15, 16, 17, 19 меъёрларидан учтасини қониқарсизга бажарса.

Жойлардаги шароитлардан келиб чиқиб, шу билан бирга бажариладиган хизмат вазифаларининг ўзига хос алоҳида томонларини ҳисобга олган ҳолда, ИИВ, ИИБ ЁХБ бошлиқлари бажарилиши шарт бўлган меъёрлар рўйхатига ўзгартириш киритишлари мумкин.

Дастурнинг ўқув (назарий) саволларига берган жавобига баҳо бериш қуйидагича аниқланади:

«Аъло»	«Яхши»	«Қониқарли»
Ўргатилаётган дастурдаги мавзуларни чуқур билса, аниқ ва мантиққа мувофиқ тушунтириб бера олса, назарий билимларини амалий иш вақтида моҳирлик билан қўллай олса.	Ўргатилаётган дастурдаги мавзуларни яхши ўзлаштирган бўлса, мантиққа мувофиқ тушунтириб бера олса, саволларга жавоб бераётганда муҳим бўлмаган ноаниқликларга йўл қўйса, назарий билимларини амалий иш вақтида тўғри қўллай олса.	Қўйилган саволлар бўйича умумий тушунчага эга бўлса, аммо алоҳида саволларни чуқур ўзлаштирмаган бўлса, саволларга жавоб бераётганда қўпол хатоларга йўл қўймаса, айрим ҳолларда ёрдамчи савол бериш зарур бўлса, жавобларига аниқлик керак бўлса.

Агар ўргатилаётган шахс қўйилган саволларга жавоб беришда қўпол хатоларга йўл қўйса, билимларини амалий иш вақтида қўллай олмаса, унда «қониқарсиз» баҳо қўйилади.

Ўргатилаётган шахснинг алоҳида фанлар бўйича билимига берилган баҳо қуйидагича аниқланади:

- ёнғин ўчириш тактикаси фани бўйича баҳо икки йўналиш йиғиндиси қўшилишидан келиб чиқиб қўйилади. Дастурдаги назарий саволларни ва ёнғин хавфсизлиги низомларининг асосий қоидаларини билиши, шу билан бирга ёнғин ўчириш амалий машқ ва машғулотларида ҳамда ёнғин ўчириш вақтида амалий ҳаракат қилишини баҳолаш 12.2.1., 12.2.4. бандлари асосида чиқарилади;

- ёнғин ўчириш техникаси фани бўйича баҳо икки йўналиш йиғиндиси қўшилишидан келиб чиқиб қўйилади. Дастурдаги назарий саволларни билиши ва билимларини ёнғин ўчириш техник қуроллари билан ишлаётганда амалий қўллай олиши, шу билан бирга бириктирилган
техника ва ҳимояловчи газниқобини сақлаши бўйича баҳолаш 12.2.1., 12.2.4. бандлари асосида чиқарилади;
- «Ёнғин ўчириш ва саф тайёргарлиги» фани бўйича баҳо икки йўналиш йиғиндиси қўшилишидан келиб чиқиб қўйилади. Назарий саволларни ва ёнғин ўчириш техник қуролларида ишлаш вақтида техника хавфсизлиги қоидаларини билиши, шу билан бирга машқни амалий бажариши. Агарда ўргатилаётган шахснинг ёнғин ўчириш ва саф тайёргарлиги меъёрларини бажариш бўйича хамда ёнғин ўчириш ва саф тайёргарлиги фани бўйича олган умумий баҳоси «қониқарсиз» бўлса, унда баҳолаш 12.2.1., 12.2.2., 12.2.4. бандлари асосида амалга оширилади;
- «Ёнғинни олдини олиш» фани бўйича баҳо назарий саволларни билиши ва бириктирилган жойда, секторда, цехда, аҳоли яшайдиган жойларда ёнғинни олдини олиш ишлари қандай ҳолатдалигига қараб 12.2.1., 12.2.4. бандлари асосида чиқарилади;
- Жисмоний тайёргарлик» бўйича баҳо 3 та ва ундан кўп машқларни бажариш бўйича олган баҳосига ҳамда ёшига қараб чиқарилади;
- агар олган баҳоларнинг 50 ва ундан кўп фоизи «аъло», қолганлари «яхши» бўлса – «аъло»; 50 ва ундан кўп фоизи «яхши», қолганлари эса «қониқарли» бўлса – «яхши»; агар битта баҳоси «қониқарсиз», қолганлари «қониқарли» бўлса – «қониқарли» баҳо чиқарилади;
- фуқаро муҳофазаси ёнғин хавфсизлиги хизмати бўйича баҳо икки йўналиш йиғиндиси қўшилишидан келиб чиқиб қўйилади. Дастурдаги назарий саволларни билиши ва белгиланган меъёрларни бажариши, бириктирилган ҳимоя воситаларини сақлаши ҳисобга олиниб 12.2.1., 12.2.4. бандлари асосида чиқарилади.

Изоҳ: *баъзи бир ҳолларда дастурдаги саволларни билишлари текширилмаса, баҳо белгиланган меъёрларни (амалий ишларни) бажаришга қараб чиқарилади. Фақат назарий билимлари текширилаётганда баҳо худди юқоридагига ўхшаб чиқарилади.*

59. Ўрта ва катта бошлиқлар таркиби билан хизмат тайёргарлиги ўтказишнинг асосий вазифалари /2/

1. Ёнғин хавфсизлиги хизмати бошлиқлар таркиби билан хизмат тайёргарлиги машғулотлари ўтказишдан мақсад қуйидагилардан иборат:

- муҳофаза қилинаётган туман (корхона) ни ёнғинга қарши ҳолатини яхшилаш ишларини ташкил қилиш учун назарий ва амалий билимларини такомиллаштириш;
- хизматни ташкил қилиш, ёнғинни олдини олиш ва жамоа билан ишлаш бўйича билим ва маҳоратларини ошириш;
- ёнғин ўчириш техникасини билишлари ва улардан ёнғин ўчириш вақтида жанговар фойдаланишларини таъминлаш учун техник билимларини юқори даражага кўтариш;
- шахсий таркибни ўқитиш, ўргатиш ва ёнғин ўчириш вақтида экипажларига раҳбарлик қилиш бўйича услубий маҳоратларини ошириш.

2. Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг бошлиқлар таркиби билан машғулот ўтказишнинг асосий шакллари маърузалар, ўз устида ишлаш, ўқув-гуруҳ машғулотлари, семинар машғулотлари, назарий ва амалий машғулотлар ҳисобланади.

Маърузалар гарнизон, отряд ёки бир қанча қисмлар бошлиқлар таркиби учун назарий ва амалий ишларни умумий масалалари бўйича ўқилади.

Ўз устида мустақил ишлаш - бошлиқлар таркибини муҳофаза қилинаётган туман ва корхоналарнинг, бино ва иншоотларнинг тактик хусусиятларини, ишлаб чиқариш технологик жараёнини ўрганишни, ёнғин ўчириш сув тармоқларини, ёнғин ўчириш техникасини, ёнғинни олдини олиш бўйича амалий меъёр ҳужжатларини, қоидаларини, йўриқномаларини ўрганишни назарда тутади.

3. Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг бошлиқлар таркиби билан хизмат тайёргарлиги машғулотлари 80 ўқув-соати ҳажмида режалаштирилади ва ноябр-март ойларида (хар ой 4 марта 4 соатдан) ўтказилиши ташкиллаштирилади.

Ў Қ У В Й И Л И					АПРЕЛ – МАЙ ОЙЛАРИ	
2 0 0 _ йил		2 0 0 _ йил			Якуний текширув	Якуний натижаларни чиқариш, янги ўқув йили учун тайёргарлик кўриш.
Ноябр	Декабр	Январ	Феврал	Март		
16 соат	16соат	16 соат	16 соат	16 соат		

4. Бошлиқлар таркиби билан хизмат тайёргарлиги машғулотлари ўтказиш йиллик мавзувий режа асосида режалаштирилади. Мавзувий режалар ИИВ, ИИБ ЁХБ томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

5. Алоҳида туркумдаги бошлиқлар таркибининг малакасини ошириш мақсадида маълум даврларда ўқув йиғинлари ўтказилади. Ўқув йиғинлари ЁХБ талаб-эҳтиёжларига асосан ўқув бўлинмаларида ўтказилади.

Махсус-тактик тайёргарлик «Ёнғин хавфсизлиги хизмати бошлиқлар таркибини ёнғин ўчириш тактикаси тайёргарлигини ташкилий-услубий кўрсатмалари» асосида олиб борилади.

6. Ўқув йили тугагандан сўнг ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг бошлиқлар таркибидан ЁХБ комиссияси томонидан синов имтиҳонлари қабул қилинади.

Хизмат тайёргарлиги якуни ва уни яхшилаш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар бошлиқлар таркибининг хизмат мажлисларида муҳокама қилинади.

60. Катта ва мураккаб ёнғинларни ўчириш таянч маскани ҳисобидаги ёнғин хавфсизлиги қисми шахсий таркиби билан касб тайёргарлиги машғулотлари ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари /2/

Катта ёнғинларни ўчириш таянч масканлари ва улар таркибида ташкил қилинган ёнғин хавфсизлиги қисмлари шахсий таркибини касб тайёргарлиги асосий вазифалари ушбу дастурда талқин қилинганлар билан бир қаторда:

- таянч масканининг захирадаги асосий ва махсус ёнғин ўчириш техникасини тез ишлатишни таъминловчи чора-тадбирларни амалга ошириш;
- таянч масканидаги мавжуд ёнғин ўчириш техникасининг тактик имкониятларини ва улардан фойдаланиш усулларини таянч маскани шахсий таркиби томонидан ўзлаштириш;
- таянч масканининг хизмат майдонини ўрганишдан иборатдир.

Таянч маскани шахсий таркиби махсус ёнғин ўчириш техникасини ва уларни ишлатиш усулларини ёнғин ўчириш ва саф тайёргарлиги, ёнғин ўчириш тактикаси ҳамда ёнғин ўчириш техникаси тайёргарлиги машғулотларида ўрганадилар.

Махсус ёнғин ўчириш техникасини ва уларда ишлаш усулларини ўргатишга ажратиладиган соатлар бу техниканинг мавжудлигига ва шахсий таркибнинг тайёргарлигига қараб таянч маскани бошлиғи томонидан белгиланади.

Таянч масканининг бошлиқлар таркиби махсус ёнғин ўчириш автомобилларининг асосий қисмларини ва уларда амалий ишлаш усулларини

хизмат бўйича тайёргарлик машғулотларида ҳамда мустақил ўрганиб синов имтиҳонлари топширадилар.

Таянч масканлари бошлиқлари ҳар чоракда камида бир марта хизмат майдонига қарашли туман ва шаҳарларни амалий-тактик ўрганиш юзасидан: асосий транспорт йўллари, халқ хўжалигининг муҳим корхоналари, ёнғинга қарши сув тармоқлари ва бошқалар бўйича назарий машғулотлар ўтказишлари шарт. Бу машғулотларга экипаж командирлари, ҳайдовчилар, диспетчерлар ва таянч масканининг барча бошлиқлар таркиби жалб қилинади.

Таянч маскани хизмат кўрсатувчи ҳудудда жойлашган ёнғин хавфсизлиги қисмлари шахсий таркиби билан махсус ёнғин ўчириш техникасида ишлаш бўйича таянч маскани бошлиғи ҳар ўқув йилига махсус автомобил жанговар ҳисоби ва шу қисм навбатчи сменалари билан биргаликда машғулот ўтказиш учун жадвал тузиб, уни ИИВ, ИИБ ЁХБ да тасдиқлатиши шарт.

Жадвалда белгиланган кунлари махсус ёнғин ўчириш автомобиллари қисм бошлиқлари ихтиёрига юборилади. Қисм бошлиқлари ўз навбатида машғулот ўтказишни ташкил қиладилар (2-3 соат) ва ўтказиладиган машғулотлар сифатига жавобгардирлар.

Таянч масканининг куч ва воситаларини ёйган ҳолда ёнғин ўчириш амалий тактик машқлари ИИВ, ИИБ ЁХБ томонидан ярим йилда камида бир марта ўтказилади.

61. Жанговар ва касбий тайёргарлик амалий машғулотларини ўтказиш мобайнида риоя қилиниши лозим бўлган хавфсизлик техникаси қоидалари /5/

Ёнғин ўчириш, машғулот ўтказиш ва амалий машғулотларни ташкил қилиш ёнғин хавфсизлиги хизмати жанговар низомининг иш бажаришда хавфсизликни таъминлаш қисми талабларига мос равишда ўтказилади.

Хизматни ўташ даврида шахсий таркиб хавфсиз шарт-шароитларда ишлаши мақсадида, ёнғинни ўчиришда, машғулот ўтишда (ҳалокатларни ва табиий офатларни бартараф қилишда) ёнғинни ўчириш штаби ходимлари, ёнғинни ўчириш раҳбарлари, ёнғин хавфсизлиги гарнизони, отряд ва қисмлари бошлиқлари:

а) меҳнат талаб қиладиган ишларини механизациялаш ва меҳнат шароитини енгиллаштириш учун чора-тадбирлар кўриши;

б) ёнғинни ўчиришда (ҳалокатда, табиий офатда) ишлаётган ва қатнашаётганларга оғир шароитда ишлаш қоидалари тўғрисида йўл-йўриқлар кўрсатишни таъминлаши;

в) шахсан, ёки смена ва жанговар участкалар бошлиқлари ҳамда экипаж командирлари орқали шахсий таркибнинг ҳаракатларини доимий кузатиш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга доир чоралар кўриши;

г) узоқ давом этадиган ёнғинларни ўчиришда ишлатаётганларни ўз вақтида алмаштиришни уюштириш, уларга озиқ-овқат, ичимлик суви ва дам олишларини таъминлаши;

д) жароҳатланганларга тезда ёрдам кўрсатиши мажбурийдир

62. Ёнғин ўчириш штабининг асосий вазифалари /6/

ЁЎШнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

-ёнғин хавфсизлиги гарнизонлари навбатчи смена хизматининг жанговар ҳолатини назорат қилиш;

-ёнғин хавфсизлиги гарнизонларининг тезкор вазиятини доимий равишда назорат қилиш, ундаги ўзгаришни ўрнатилган тартибда ўз вақтида ҳал қилиш, куч ва воситаларни тезкорлик билан бошқариш;

-ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларига ёнғин ўчиришда ёки табиий офат ва фалокат асоратларини бартараф этишда раҳбарлик қилиш;

-содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин, фалокат ва табиий офатларни бартараф этишга қаратилган тезкор-тактик тадбирларни ишлаб чиқиш ва бажариш;

-бўлинмалар жанговар тайёргарлигини назорат қилишни таъминлаш ва уларга керакли ёрдам кўрсатиш. Жой шароитига қараб корхоналарда ёнғин хавфсизлиги посбони, кўнгилли ёнғин ўчириш дружинаси, ёнғин ўчириш гуруҳи, ёнғин ўчириш ва соқчилик таркибидаги техникаларни чиқиш тартибини назорат қилиш;

-шахсий таркибни касбий , руҳий ва жанговар тайёргарлигини такомиллаштириш;

-жойлардаги ёнғин хавфсизлиги хизматларининг бошқа махсус хизматлар билан ҳамкорликдаги ҳаракатларини, ёнғин ўчириш, хизматни ташкил қилишни аниқлайдиган ҳужжатларини тузиш ҳамда тузатиш киритиш ва амалда ишлаб чиқиш;

-газ ва тутундан ҳимоялаш хизматидан унумли фойдаланишда амалий тадбирлар ишлаб чиқиш ва машғулотлар ўтказиш;

-ёнғин ўчиришни ташкил қилиш масаласида ёнғин хавфсизлиги марказий диспетчерлик хизматига раҳбарлик қилиш;

-хизмат ва ёнғин ўчиришни ташкил қилишда илғор иш тажрибаларини умумлаштириш ва амалда жорий қилиш;

-гарнизон ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг касбий, жанговар тайёргарлиги ва хизмат ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш, ҳамда уларни такомиллаштириш тадбирларини тузиш.

ЁЎШнинг асосий иш фаолияти қуйидагилардир:

-юқори жанговар қобилият, чуқур ва ҳар томонлама тезкорлик билан вазиятни билиш;

-давлат ва хизмат сирларини аниқ бажариш;

-раҳбарлик ҳужжат талабларини аниқ бажариш;

-фуқароларга хушмуомалали ва эътиборли бўлиш.

63. Ёнғин ўчириш штабининг ишини ташкил қилиш /6/

ЁЎШ ва ЁЎГларининг ишини ЁХБ бошлиғининг хизмат бўйича ўринбосари ва штаб бошлиғи Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББнинг 2001 йил 20 декабрдаги №50 сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ёнғин ўчириш штабларини ташкил қилиш ҳақидаги Низом» талабларига мувофиқ ташкил қилади. ЁЎШнинг штатдаги ходимларига таътил бериш алмаштиришга доир масалаларини белгиланган тартибда ҳал қиладилар. ЁЎШга янги тайинланган ходим хизмат вазифасини мустақил бажаришдан олдин лавозимига мувофиқ 15 кунлик шахсий тайёргарликдан кейин навбатчи гуруҳ таркибида 3 маротаба амалий тажрибадан ўтади. Тайёргарликлар якуни бўйича (синов) имтиҳонларини топширадилар ва мустақил ишга тушиш учун рухсатнома ҳужжати расмийлаштирилади.

Лавозимга тайинланган ходимнинг тайёргарлигини ташкиллаштириш, хизмат фаолиятини ўргатиш ЁХБ бошлиғининг хизмат бўйича ўринбосари ва штаб бошлиғига юклатилади.

ЁЎГ навбатчи ходимларини алмаштириш фақат штатдаги штаб ходимлари, айрим ҳолларда эса ЁХБ бошлиғи рухсати билан тактик жиҳатдан яхши тайёрланган ЁХБ бошлиқлар таркибининг ёнғин ўчириш захира гуруҳи таркиби билан алмаштирилиши мумкин.

Навбатчи ЁЎГнинг хизмати 24 соатдан 3 сменада ташкил қилинади. Тунги вақтда 4 соатгача дам олишга рухсат берилади. ЁЎГнинг смена алмашув вақтини

гарнизон бошлиғи белгилайди. Навбатчиликдан сўнг гуруҳга дам олиш учун вақт берилади.

Навбатчиликни топшириш ва қабул қилиш вақтида топшираётган гуруҳ гарнизон бўйича навбатчи ўрнини эгаллаётган гуруҳга тезкорлик ҳолатни, бир кеча-кундузда гарнизондаги ҳодиса, камчиликлар тўғрисида ва ўтказилган тадбирлар билан батафсил таништиради.

Навбатчиликни қабул қилаётган гуруҳ топшираётган гуруҳдан ҳужжат, мулк ва анжомларни кўрсатилган тартибда қабул қилади, қабул қилаётган навбатчи гуруҳ ҳамма камчиликлар тўғрисида маълумотномани режага ёзади (буйруқ 50, илова 4).

Навбатчиликни қабул қилиш ва топшириш, кеча-кундузда содир бўлган ёнғинлар, ҳодисалар ва кўрилган чоралар тўғрисидаги ахборотни навбатчилар штаб бошлиғи билан ЁХБ бошлиғига, унинг йўқлигида эса ўринбосарларига берадилар.

Штабга юклатилган вазифаларни бажариш учун керакли хизмат хоналари (МХД билан бир бинода) ажратилади:

-хизмат, дам олиш, кийиниш-ечиниш ва жанговар кийимларни қуритиш хоналари;

-газ ва тутундан ҳимоялаш хизмати пости;

- овқат тайёрлайдиган ва истеъмол қиладиган хона.

жадвалга мувофиқ автотранспорт, техник воситалар (алоқа, ёритувчи, камида 2 соат ҳимоялайдиган кислородли ҳимоя газниқоблари, жиҳозланган штаб столи) , жанговар кийим ҳамда хизмат ҳужжатлари билан таъминланади.

Ёнғин, фалокат ва табиий офатга чиқиш тартибини, гарнизондан ташқарига чиқиш радиусини, жойнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда гарнизон бошлиғи аниқлайди, штабнинг навбатчи гуруҳи гарнизондан ташқарига чиққан вақтда унинг вазифасини ЁХБнинг бошлиқлар таркибидан шу мақсадда тайёрланган ёнғин ўчириш захира гуруҳи бажаради.

64. Ёнғин ўчириш гуруҳларида хизмат вазифаларининг тақсимланиши /6/

ЁЎШ ходимларининг хизмат вазифалари гарнизон хусусиятини, жойдаги шароитни ҳисобга олиб тузилади ва навбатчи гуруҳлар ўртасида баробар бўлинади (1-илова).

Тезкорлик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари штаб навбатчи гуруҳлари ўртасида тақсимланади:

Биринчи навбатчи гуруҳнинг вазифалари:

-Гарнизонда газ ва тутундан ҳимоялаш хизматини ташкил қилиш;

-катта ва мураккаб ёнғин ўчириш таянч масканлари ишини ташкил қилиш, ҳамда ЎзР ИИВнинг Ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари шахсий таркибини тайёрлаш Дастури асосида машғулот ўтишни ташкил қилиш;

-гарнизонда меҳнатни ҳимоялаш, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитария тадбирларининг ўтказилишини назорат қилиш;

-ёнғин ўчириш техника ва анжомларининг синовдан ўтказилишини ташкил қилиш;

-ёнғин ўчириш автомобилларида ёнғин ўчириш техник анжомларини жойлаштириш, сонини ва ҳолатини назорат қилиш.

Иккинчи навбатчи гуруҳнинг вазифалари:

-ёнғин ўчириш бўйича ҳужжатларни биргаликда ҳаракат қилиш кўрсатмаси, ёнғин ўчириш тезкор режалари ва варақаларни тузишни назорат қилиш, тузиш ва ўзгартириш киритиш, жанговар ҳаракатни таҳлил қилиш ва ёнғин ўчириш бўлинмаларининг жанговар тайёргарлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш;

-жойларда ёнғинга қарши сув хўжалигини такомиллаштириш ишларини ташкил қилиш, сув манбаларининг ишлатилиши ва ҳолатини назорат қилишнинг;

-бўлинмаларнинг ёнғин ўчириш сув узатгичлари ва сув ҳавзаларини ҳисобга олувчи ҳужжатлар билан таъминлаш, сув манбаларининг планшетини ва маълумотномасини тузиш ва ўзгартириш киритиш, сув манбаларини кўрсаткичлар билан таъминланганлигини назорат қилиш;

-ёнғин ўчириш ташқи сув таъминотини техник соз ҳолатда сақлаш масалалари бўйича сув хўжалиги хизмати ва бошқа корхоналар билан биргаликда ҳаракатда бўлиш;

-бўлинмаларда ёнғин ўчириш енгларини таъмирлаш, сақлашни назорат қилиш ва фойдали ишлатишни ташкил қилиш;

-ёнғин ўчириш ва тайёргарлигини мукаммаллаштириш, хизматни ташкил қилиш масалаларида илғор иш тажрибаларини ўрганиш ва амалда жорий қилиш;

-ўта тез таъсир этувчи заҳарли радиоактив ва портловчи моддалар ишлатиладиган корхоналарда ва баланд қаватли биноларда ёнғин ўчиришни ташкил қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш, махсус бўлинмаларни ҳисобга олиш ва тайёрловни ташкил қилиш ҳамда ЎзР ИИВ "Ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари шахсий таркибини тайёрлаш Дастури" асосида машғулот ўтишни ташкил этиш.

Учинчи навбатчи гуруҳ вазифалари:

-ёнғин хавфсизлиги гарнизонларида оддий ва бошлиқлар таркиби билан жанговар тайёрловни ташкиллаштириш ва назорат қилиш;

-гарнизон ва смена хизматини ташкил қилиш ва уни такомиллаштириш тадбирларини тузиш;

-гарнизон бошлиқлар таркиби билан штабда ва ёнғин хавфсизлиги МДХ қошида тажриба ўрганишни ташкил қилиш;

-бошлиқлар таркибига даража малакасини бериш ва ёнғин ўчириш раҳбари, штаб бошлиғи, таъминот бошлиғи, ёнғин хавфсизлиги МДХ алоқа воситалари бўйича катта омилкори вазифаларини бажаришга рухсат бериш учун имтиҳонларни (синов) қабул қилиш, керакли ҳужжатларни расмийлаштириш;

-гарнизонларда ёнғин хавфсизлиги МДХни такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалда жорий қилиш;

-шахсий таркиб билан руҳий тайёргарлик, ёнғин ўчириш саф меъёрларини бажариш тадбирларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

Доимий ҳаракатдаги тезкорлик маҳоратни ошириш мақсадида семинар ишларини ташкил қилиш ва олиб бориш;

Штаб бошлиғининг сафарбарлик ишлари бўйича ўринбосари

Штаб бошлиғининг сафарбарлик ишлари бўйича ўринбосари ҳамда штаб бошлиғининг ўринбосарининг ўзи дала алоқа масканининг бошлиғи ҳисобланади ва тинчлик ва ҳарбий ҳолатда ўз хизмат вазифаси бўйича сафарбарлик ишларида алоҳида режа бўйича иш олиб боради.

65. Биринчи даражали ёнғин ўчириш гуруҳи ходимларининг хизмат вазифалари /6/

Гуруҳ бошлиғи:

1. Навбатчи тезкор гуруҳнинг жанговарлиги ҳамда уларнинг хизмат вазифасини бажаришига жавоб беради. Навбатчи тезкор гуруҳ ишини режалаштиради ва уларнинг ишига раҳбарлик қилади.

2. Жойларда газ ва тутундан ҳимоялаш хизмати (ГТХХ) ишига жавоб беради.

3. Газ ва тутундан ҳимоялаш экипажлари ва бўғинларининг иш тажрибаларини таҳлил этиш ва ўрганиш асосида ГТХХ шахсий таркибини тайёрлов ва қуроллантиришни мукаммаллаштириш тадбирларини ишлаб чиқади, ташкил ва назорат қилади. Янги ташкил қилинган ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларида ГТХХ ни ташкил қилишни таъминлайди.

4. Гарнизонда газ ва тутундан ҳимояловчиларни тайёрлов усулини мукаммаллаштиради. ГТХХ экипажлари ва бўғинларини сифатли тўлдирилиши, шахсий таркибни ўз вақтида тиббиёт текширувидан ўтишини назорат қилади.

5. Газ ва тутундан ҳимояловчиларнинг ўқув марказида бошланғич тайёргарлик ва бўлинмалардаги кейинги тайёргарлик ишларини назорат қилади. Гарнизон бўйича шахсий таркибнинг кислородли ҳимояловчи газниқобдаги машқ-режа жадвалини тузади ва бажарилишини таъминлайди. Навбатчи смена шахсий таркибидан хавфсизлик жойига соқчи тайёрлашни ташкил қилади.

6. Энг яхши жиҳозланган, қуролланган ГТХХ базаси ва постининг кўрик-танлов конкурси Низомини ишлаб чиқади ва ўтказади.

7. Қозон назорати (котлонадзор) билан ҳамкорликда ГТХХ устасини юқори босим аппаратида ишлаш ҳуқуқига эга бўлиш тайёргарлигини ташкил қилади.

8. Гарнизон бўйича ГТХХ базаси ва постларида олиб борилаётган ишларни ташкил қилади ва назорат олиб боради.

9. ГТХХ ни мукаммаллаштириш масаласида рационализаторлик ишини ташкил қилади, рационализатор ва ихтирочилик таклифларига хулоса беради ва уларни амалга жорий қилади.

10. ГТХХ автомобили, тутун сўрувчи, сўзлашиш қурилмалари ва шу кабиларни амалда ишлатилишини назорат қилади.

11. Кислородли ҳимояловчи газниқобнинг (КХГН) ўз вақтида, сифатли текширилишини назорат қилади.

12. Бўлинмаларда газ ва тутундан ҳимояловчиларни ҳисобга олади; жумладан:

- қисмларда КХГН кислород баллончалари ва тикловчи қутилар сони;
- ГТХХ базаси ва постларининг керакли асбоб ва анжомлар билан таъминланиши;
- тутун сурувчи, сўзлашиш қурилмалари ва бошқаларнинг сони;
- КХГН да тоза ҳавода ва тутунхонада амалий машғулотлар ўтилиши;
- ёнғин ўчиришда ГТХХ жанговар иши ва шу кабилар. Техника бўлимига керакли миқдорда кислород, кимёвий тозалагич олиш учун талабномаларни беради ва гарнизон базаси, постларини ўз вақтида таъминланишини назорат қилади.

13. Гарнизонда байрам ва дам олиш кунлари ГТХХ усталарининг навбатчилик рўйхатини тузади ҳамда назорат қилади.

14. Гарнизонда иссиқ тутунхона қурилиши ва асбоб-анжомлар билан таъминланиши, тутун сўриш ускунасини, ГТХХнинг текшириб куйиб юборадиган постини тайёрлаш, уларни керакли асбоб ва анжомлар билан таъминлаш, улар турадиган жой ва уларга ёнғин ўчиришга олиб бориш тартиби бўйича техника бўлимига тавсиянома беради.

15. Ёнғин ўчиришга чиққанда смена шахсий таркибининг, смена бошлиғи ва ёнғин ўчириш раҳбари, жанговар майдон бошлиғи мансабига тайинланган шахсларнинг жанговар ишига баҳо беради.

16. Ҳар чоракда ёнғин ўчиришда қатнашган навбатчи сменанинг шахсий таркиби иштирок қилган ёнғин ўчириш ишларини таҳлил қилади ва натижасини смена, экипаж бошлиқлари билан дарсда, шахсий таркиб билан мажлисда кўриб чиқади.

Гуруҳ бошлиғининг ўринбосари:

1. Ёнғин ўчириш таянч маскани ишини бевосита назорат қилади. Махсус ёнғин ўчириш техникасини ишлатиш зарурати бўлганда, уни шахсий таркиб билан тўлдириш тартибини аниқлайди.

2. Таянч масканининг жанговар ишлаши ва уни қуроллантириш бўйича чоралар ва тезкор ҳужжатларини ишлаб чиқади. Шахсий таркибни махсус техникада ишлаш тайёргарлигини ташкил қилади.

3. Электростанция, подстанция ва кабел тоннелларида, ҳаракатдаги темир йўл транспортида содир бўлган ёнғинларни таҳлил қилади, ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари учун тавсияномалар ишлаб чиқади.

4. Гарнизон қисмларида меҳнатни муҳофазалаш ва хавфсизлик техникасини яхшилаш чораларини ишлаб чиқади ва татбиқ этади.

5. Ёнғин хавфсизлиги қисмларида хавфсизлик техникаси қоидаларини ўрганишни ташкил қилади, бошлиқлар таркибидан синов қабул қилади, ҳамда шахсий назорат қилади.

Ёнғин ўчириш фаолиятини таъминлаш муҳандиси:

Ёнғин ўчириш моддий техник таъминот бўлими (бўлинмаси, гуруҳи) билан ҳамкорликда

1. Ёнғин ўчириш қуролларининг синовдан ўтказиш ишларини ташкил қилади, гарнизонда бу қуролларни ўз вақтида синовдан ўтишини назорат қилади.

2. Янги таъмирланган ёнғин ўчириш техникасини жанговар ҳисобга қўйишни ўрнатилган тартибда назорат қилади.

3. Штаб автомобили ҳолатини назорат қилади, унга жиҳозлар тайёрлашда иштирок этади.

4. Ёнғин ўчириш автомобилларини таъмирлаш жадвалига биноан ёнғин ўчириш қуроллари билан таъминланишини, уларни тўғри ишлатилишини назорат қилади.

5. Асосий ва махсус автомобил экипажлари учун жанговар ҳисоб рўйхатини ишлаб чиқади.

6. Бўлинмалар кўрсатилади.

66. Иккинчи даражали ёнғин ўчириш гуруҳи ходимларининг хизмат вазифалари /6/

Гуруҳ бошлиғи:

1. Навбатчи гуруҳнинг жанговарлиги, ҳамда уларнинг хизмат вазифасини бажарилишига жавоб беради. Навбатчи тезкор гуруҳ ишига раҳбарлик қилади ва ишларини режалаштиради.

2. Ёнғин ўчиришни тўғри ташкил қилиш тадбирларини ишлаб чиқади.

3. Жойларда марказий диспетчерлик хизмати учун ёнғин ўчириш бўйича ҳужжатлар тузади ва унга ўзгартиришлар киритади.

4. Жойларда бошқа хизмат ва корхоналар билан ёнғин ўчириш масалалари бўйича чоралар ишлаб чиқади, сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш бўлими, алоқа бошқармаси, электр тармоқ корхоналари, газ хўжалиги бошқармаси, ҳарбийлаштирилган тоғ-кон қутқарув қисмлари штаби, фуқаролар муҳофазаси бошқармаси, тайёрагоҳ ва темир йўлнинг соқчилик бўлими ва бошқалар. Ёнғин ўчириш масалаларини ташкил қилиш бўйича қарорлар тайёрлайди ва назорат қилади.

5. Корхона ёнғин ўчириш гуруҳи ва кўнгилли ёнғин ўчириш дружинаси, ёнғин ўчириш ва соқчилик хизмати жанговарлигини ошириш бўйича чоралар ишлаб

чиқади, уларни жанговарлигини текширишни ташкил қилади, куч ва воситаларни жалб қилиш режаларини қайта ишлаб чиқади.

6. Ёнғин ўчириш тезкор режалари ва варақаларини тузиш жадвалини ишлаб чиқади, ташкил қилади ва тузатишлар киритади. Ўз вақтида сифатли ишлатилишини назорат қилади.

7. Катта, мураккаб ёнғинни таҳлил қилади, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар ишлаб чиқади ва уларни бажарилишини назорат қилади.

8. Ҳар чоракда навбатчи смена шахсий таркибининг жанговар ишларини таҳлил қилади.

9. Гарнизондаги ҳарбийлаштирилган, касбийлаштирилган натижаларни мажлисда муҳокама қилади ва корхона ёнғин хавфсизлиги қисмларининг жанговар ҳаракатини таҳлил қилади. Таҳлил асосида ёнғин ўчириш масалаларини мукаммаллаштириш бўйича чоралар ва тавсияномалар ишлаб чиқади, корхона ва хизмат идоралари орқали ҳал қилиш учун таклифлар тайёрлайди ва уни бажарилишини назорат қилади. Бўлинмалар шахсий таркиби билан содир бўлган ёнғинларни таҳлил қилишни ташкиллаштиради.

10. Ўта тез таъсир этувчи заҳарли, радиоактив ва портловчи моддалар ишлатиладиган корхоналарда ва баланд қаватли биноларда ёнғин ўчиришни ташкил қилиш тадбирларини ишлаб чиқади, махсус экипажларни ҳисобга олади ва жанговар тайёргарлигини ташкил қилади.

Ёнғин ўчириш фаолиятини таъминлаш муҳандиси:

1. Ёнғин ўчириш енглари ишини ҳисобини, сақлаш ва таъмирлашни, бўлинмаларга ва ёнғинга олиб бориш тартибини, ишлатилишини ташкил қилади. Ёнғин ўчириш автомобили (шу билан бирга захирадаги автомобил) керакли миқдорда жадвалга биноан тўлдириш бўйича чоралар кўради.

2. Шу бино ва қурилмаларда ёнғин ўчиришни ташкиллаштирилишини таҳлил қилади ҳамда вилоят ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари учун ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари учун ёнғин ўчиришни такомиллаштириш тавсияномасини ишлаб чиқади ва қисмларда жорий қилинишини таъминлайди.

3. Жойлардаги баланд қаватли биноларни таърифини ва ҳисобини олиб боради.

4. Жанговар, тайёргарлик ва ёнғин ўчириш масалаларида илғор иш тажрибаларини ўрганади ва жорий қилишни ташкил қилади.

67. Учинчи даражали ёнғин ўчириш гуруҳи ходимларининг хизмат вазифалари /6/

Гуруҳ бошлиғи:

1.Навбатчи тезкор гуруҳнинг жанговар тайёргарлигига ҳамда уларнинг ўз хизмат вазифаларини тўла-тўкис бажаришларига жавоб беради. Навбатчи тезкор гуруҳ ишига раҳбарлик қилади ва режалаштиради.

2.Гарнизон ва смена хизматини мукаммаллаштириш тадбирларини атрофлича ишлаб чиқади ва хизматини жорий қилади.

3.Навбатчиликдаги навбатчи штаб ходимларига қисмлардаги навбатчи сменада хизматни ташкиллаштирилишини текшириш жадвалини тузади.

4.Янги лавозимга тайинланган бошлиқлар таркиби билан тажриба ўрганишни ташкил қилади, керакли расмий ҳужжатларни тайёрлайди ва улардан имтиҳон (синов) қабул қилади. Бу ҳақда ҳисоб-китоб ишларини олиб боради.

5.Руҳий тайёргарлик йўлакларини асбоб-анжомлар билан таъминлашни ташкил қилади.

6.Бўлинмалар шахсий таркиби руҳий тайёргарлигини ва ёнғин ўчириш саф тайёргарлиги меъёрлари машғулотларини ўтказишни ташкил этади ва назорат қилади.

7.Ўта тез таъсир қилувчи, радиоактив ва портловчи моддалар ишлатиладиган корхоналарда ёнғинни ўчириш бўйича қўлланма ва тавсияномалар ишлаб чиқади. Шу ёнғинларни ўчириш учун махсус бўлинмалар тузади ва тайёргарлик ишларини ташкил этади.

8.Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларида кўпик, кукун газ ва бошқа махсус ёнғин ўчириш воситаларини ишлатиш бўйича ишни ўрганади ва таҳлил қилади шунга асосланиб улардан унумли фойдаланишни янада яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқади.

9.Бўлинмалар кўрсатилади.

Ёнғинни ўчириш фаолиятини таъминлаш муҳандиси

1. Гарнизонда алоқа воситалари катта омилкори, диспетчер, радиотелефонист ва раҳбар ходимларни бошланғич тайёргарлигини ташкил этади ва назорат қилади.

2. Навбатчи марказий диспетчерлик хизмати ва уларни олдига қўйилган вазифаларни бажарилишини назорат қилади, диспетчерлик хизматини яхшилаш йўналишида чора-тадбирлар ишлаб чиқади.

3. Марказий диспетчерлик хизматида куч ва воситаларни бошқаришни таъминлайдиган техник воситаларни тайёрлашни ва ишлатишни ташкил қилади.

4. Ёнғин ўчириш штаби ва марказий диспетчерлик хизмати қошида тажриба ўрганиш учун жадвал ва мавзу режаларини тузади, синовга чақириқ тайёрлайди, уларни бажариш даражасини назорат қилади, натижаси бўйича штаб бошлиғига ахборот беради.

5. Гарнизон мансабдор шахсларининг ёнғин ўчириш раҳбари сифатида қатнашишларини ҳисобга олади. Шахсий варақаларни тўлғазиб боради.

6. Бўлинмалар кўрсатилади.

68. Ёнғин ўчириш штабининг тезкор-хизмат ҳужжатлари /6/

1.Ёнғин ўчириш, хизмат ва тайёргарликни ташкил қилишни белгилайдиган раҳбарлик ҳужжатлари (хизмат низоми, буйруқ, дастур, қўлланма. кўрсатма, таҳлил ва шу кабилар).

2.Ёнғин ўчириш бўлинмаларининг вазирлик ва идоралар билан биргаликда ёнғин, фалокат ва табиий офат оқибатларини бартараф қилишда ҳамкорликдаги ҳаракат йўриқномаси.

3.Гарнизонда навбатчиликда турган жанговар ҳисобдаги ёнғин ўчириш автомобиллари, газ ва тутундан ҳимоялаш хизмати шахсий таркиби сонини кўрсатадиган тахтача.

4.Барча ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг жойлашиши, катта ва мураккаб ёнғинларни ўчириш таянч масканининг ёнғинга чиқиш чегаралари, табиий сув манбалари, автомобил ва темир йул магистраллари, ўта муҳим корхоналарни жойлашишини кўрсатадиган харита.

5.Шаҳар, шох кўча, кўчалар ва вилоят (республика) автомобил йўллари маълумотномаси.

6.Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг чиқадиган туман ва корхона ҳудудидаги сув манбалари маълумотномаси ва планшетлари.

7.ЁХББнинг навбатчилик қисми, ЁХБнинг марказий диспетчерлик хизмати, қисм алоқа тармоғи радиостанцияларининг чақириқ номлари ҳақида ёнғин ўчириш автомобил ва ЁХБ раҳбарлари (бўлим, отряд ва қисм бошлиқлари) чақириқ номлари.

8.Ўта муҳим ва хавфли ёнувчи корхоналар, одамлар оммавий йиғиладиган ташкилотлар ва шу кабиларнинг ёнғин ўчириш тезкорлик режалари (рўйхат билан), аҳоли яшайдиган қишлоқларнинг тезкор ёнғин ўчириш варақалари.

9.Гарнизон шахсий таркибини жанговар тайёргарлик жадвали (иссиқ-тутун хонасида ва очиқ ҳавода машғулотлар ўтказиш, режалаштирилган ва текширув жанговар тайёргарлик машқларини, ўта муҳим хавфли ёнувчи корхоналарни амалий ўрганишни ташкиллаштириб ўтказиш).

10.Штаб иш режалари (чорак ва йиллик).

11.Штаб, отряд, қисм ходимлари навбатчи сменалар билан ёнғин ўчириш машқлар ва машғулотлар ўтказишни, корхоналарни мустақил ўрганишни қайд дафтари.

12.Маҳаллий ҳукумат, ИИВ-ИИБ навбатчи хизмати, милиция ва ёнғин хавфсизлиги хизмати назорат бўлинмалари, гарнизондаги туман, шаҳар (корхона) ёнғин ўчириш қисмлари, ҳарбий комендант ва шу кабиларнинг телефон маълумотномаси.

13.Ҳисобга олиш қайд дафтари гарнизондаги, тумандаги, барча куч ва воситалар ҳисоби (жанговар ҳисобдаги техника, шахсий таркиби, идора ва кўнгилли тузилмалар сони).

14.Бир кеча-кундузда ёнғин ўчириш бўлинмаларнинг ёнғинга чиққанлиги ҳақидаги рўйхат тўплами. (3-илова).

15.Ёнғин ўчириш гуруҳининг маълумот-режаси. (4-илова).

16.Қисм, отряд ва штаб ходимлари навбатчи смена шахсий таркиби билан ўтказилган амалий тактик машқ ва машғулотларини қайд қилиш ва ҳисобга олиш дафтари.

17.КХГНнинг 1 ва 2-сонли текширув қайд дафтари. ГТХХ аъзоларининг шахсий варақалари (ЁХБ бошлиқлар таркиби учун).

18.Ўта тез таъсир этувчи заҳарли, радиоактив ва портловчи моддалар, шу кабилар ҳажми ҳамда ишлатиладиган корхоналар рўйхати.

69. Моддий бойликларни сақлаш ва уларни ҳисобга олиш тартиби /8/

Моддий бойликларни ҳисобга олиш ва сақлашга зарур шароит яратувчи омиллар бу ҳужжатларни юргизиб бориш ва йўқлама қилишни (инвентаризация) ўз вақтида олиб боришдир.

Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларидаги моддий техник анжомлари, ёнғин ўчириш техника ва жиҳозлари катта қийматга эга бўлади. Шу сабабли улар ўз вақтида ҳисобга олиниши тоза ва соз ҳолатда сақланиши ҳамда тўғри фойдаланилиши талаб этади. Моддий бойликларни нотўғри сақланиши ёки ишлатилиши оқибатида уларни яроқсиз ҳолатга келиб қолишига сабабчи бўлган шахслар интизомий ва моддий жавобгарликка тортиладилар. Моддий бойликларни яроқсиз ҳолга келиб қолишига сабабчи бўлган шахслардан ушбу анжомларни нархининг бир неча бараваригача ушлаб қолинади.

ЁХҚларидаги техника , ёнғин техник анжомларини, жиҳозларини ва бошқа анжомларни ҳисобга олиш учун ҳисобга олиш журнали юргизилади.

ЁХҚларида моддий бойликларни миқдори уларнинг созлиги ва сақланишини текшириш учун ҳар йили йўқлама қилиш (инвентаризация) ўтказилади. Бунинг учун қисм бошлиғи 3 кишидан иборат комиссия тайинлайди.

Ҳисобга олиш журналида кўрсатилгандек моддий бойликларни миқдори келтирилган йўқлама қилиш қайдномаси (инвентаризационные ведемости) тузилади. Йўқлама қилиш (инвентаризация) натижаси бўйича комиссия таркиби йўқлама қилиш қайдномаси илова қилинган ҳолда далолатнома тузади.

Ушбу далолатномада барча комиссия аъзолари ва моддий жавобгар шахслар имзо қўйган бўлиши керак. Комиссия далолатномаси қисм бошлиғи томонидан тасдиқланади. Тасдиқланган далолатнома йўқлама қилиш қайдномаси билан бирга ЁХБга, отрядга жўнатилади.

Хизмат муддати тугаши ёки ишдан чиқиши натижасида яроқсиз ҳолга келиб қолган жиҳозларга, қуролларга ва анжомларга ЁХБ бошлиғи тасдиқлаган далолатномаси тузилади. Далолатнома тасдиқлангандан кейин унда номлари кўрсатилган анжомлар ҳисобдан чиқарилади.

Агар анжомлар, жиҳозлар нотўғри сақланиши ёки ишлатилиши натижасида яроқсиз ҳолга келиб қолган бўлса уни ҳисобдан чиқарилади, лекин айбдорлар жавобгарликка тортилади.

Йиллик йўқлама қилиш (инвентаризация) дан ташқари моддий бойликларни мавжудлиги ва сақлаш жойини тўсатдан текшириш амалга оширилади.

Қисм бошлиғи буйруғи билан ҳар бир ҳолат учун 3 кишидан иборат ички текширув комиссияси тайинланади. Ушбу комиссия таркибига моддий жавобгар шахслар кирмаслиги керак.

70. Гарнизон ва смена хизматини текшириш /1/

Гарнизон хизматини текширишда:

-ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари сменаларида хизматни ташкил қилиш даражасини, уларнинг жанговарлик ҳолатини, жанговарлик ва хизмат тайёргарлигини, тарбия ишларини ҳамда тартиб-интизомни;

-гарнизон шахсий таркибининг ихтисослик тайёргарлиги даражасини, тезкор-хизмат вазифаларини бажара олиш қобилиятини;

-гарнизон хизматларига юклатилган вазифаларни бажариш даражасини аниқлаш керак.

Смена навбатчилик хизматини текширишда:

-смена хизматини тўғри ташкил қилинганлигини;

-смена навбатчиларини ёнғин ўчириш бўйича жанговар ҳаракатларга тайёрлигини, бўлинмаларни, жанговар ҳисобда ўзаро ҳамжиҳат ва аниқ ҳаракат қилишларини;

-ёнғин ўчириш техникасини, ёнғин ўчириш техник қуролларини, ҳимояловчи газниқобларни, алоқа ва хабарлаш воситаларини сақланишини ҳамда ишга яроқлилигини;

-ёнғин ўчирувчилар, диспетчерлар ва бошлиқлар таркибини ўз хизмат вазифаларини пухта билишини;

-смена навбатчиликларида ўтказилаётган жанговар тайёргарлик, хизмат тайёргарлиги ва маданий-оммавий ишларнинг ҳолатини;

-навбатчи сменанинг хизмат ҳужжатларининг борлиги ва уни сифатли юритилишини;

-хизмат хоналари ва қисм ҳудудини тозалигини, уларнинг техника ҳамда ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига жавоб беришини аниқлаш керак.

Республика ИИВ ёнғин хавфсизлиги хизмати сменаларини текшириш ҳуқуқига қуйидагилар ҳақлидирлар:

-Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ва унинг ўринбосарлари;

-Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари;

-Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси бўлим, бўлинма бошлиқлари ва бош мутахассислари.

Фақат ўзларига бўйсунувчи ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг смена хизматини текшириш ҳуқуқига қуйидагилар ҳақлидирлар:

-Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар, транспорт ИИБ бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари;

-ИИВ, ИИББ, ИИБ ЁХБ бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари;

-ИИВ, ИИББ, ИИБ ЁХБларининг бўлим, бўлинма бошлиқлари;

-шаҳар, туман ИИБ бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари;

-шаҳар, туман (маскан) ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими, отряд командири, қисм бошлиғи ва уларнинг ўринбосарлари;

-ёнғин ўчириш штаби ходимлари (тезкор навбатчилар);

-Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг, ИИВ ЁХББ бошлиғининг, ИИБ-ИИББ бошлиқларининг, ИИВ, ИИББ, ИИБ ЁХБ бошлиқларининг ёзма кўрсатмалари бўлган бошқа лавозимли шахслар.

Объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминловчи ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари навбатчи сменаларининг фаолиятини ушбу объектнинг раҳбари текширишга ҳақлидир. Отряд командири, қисм бошлиғи ва ўринбосарлари, катта муҳандис, муҳандислар соқчи ва кузатувчиларнинг хизмат ўташларини смена бошлиғисиз текширишлари мумкин.

Мазкур Низомнинг 7.2.3. бандида кўрсатилганлардан ташқари бошқа шахслар соқчи ва кузатувчилар хизмат фаолиятини қисм бошлиғи, ўринбосари ёки смена бошлиғи ҳамроҳлигида текширадилар.

Соқчи ва кузатувчиларнинг хизмат фаолиятини назорат қилувчи шахслар қуйидагиларни мукаммал текширишлари шарт:

-ҳудуд, соқчилик ва кузатиш жойларининг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини, ёнғин ўчириш, алоқа ва хабарлаш воситаларини созлигини ҳамда уларда соқчи ва кузатувчилар ишлай билишини;

-соқчи ва кузатувчи ўз хизмат вазифаларини, муҳофаза қилинаётган объектнинг хусусиятларини яхши билишини.

Қисм бошлиғи ва унинг ўринбосарлари, катта муҳандис, катта инспектор ва смена бошлиғи смена хизматини текшириш натижаларини смена хизматининг вазифа варақасига ёзадилар. Қолган бошқа шахслар текшириш натижаларини хизмат китобининг махсус бўлимига ёзадилар.

Текширувни тугатгач, текширувчи бўлинма фаолиятига ҳаққоний ва атрофлича баҳо бериши, бошлиқлар таркиби билан текширув натижаларини муҳокама қилиши, аниқланган камчиликлар ва сабабларни тўла кўрсатиши, камчиликларни бартараф қилиш учун аниқ чоралар ва тугатиш вақтини белгилаши керак. Белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши доимий назорат қилиниши керак.

Гарнизон смена хизмати ташкил қилинишининг назорати гарнизон бошлиғи ёки унинг топшириғига биноан бошқа шахс, ёнғин ўчириш штаби тезкор навбатчиси ва бўлинма бошлиқлари томонидан уларнинг олдига қўйилган вазифаларни бажарилишини ҳар хил босқичларда кундалик натижасини ҳисобга олган ҳолда доимий амалга оширилади. Бўлинмаларни текшириш даври, тартиби ва усули бўлинма фаолиятидаги ҳолат ва шарт- шароитдан келиб чиқиб, гарнизон бошлиғи томонидан белгиланади.

71. Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларида текширув натижаларини ҳужжатлаштириш тартиби /1/

Қисм бошлиғи ва унинг ўринбосарлари, катта муҳандис, катта инспектор ва смена бошлиғи смена хизматини текшириш натижаларини смена хизматининг вазифа варақасига ёзадилар. Қолган бошқа шахслар текшириш натижаларини хизмат китобининг махсус бўлимига ёзадилар.

Текширувни тугатгач, текширувчи бўлинма фаолиятига ҳаққоний ва атрофлича баҳо бериши, бошлиқлар таркиби билан текширув натижаларини муҳокама қилиши, аниқланган камчиликларни ва сабабларини тўла кўрсатиши, камчиликларни бартараф қилиш учун аниқ чоралар ва тугатиш вақтини белгилаши керак. Белгиланган чора-тадбирларни бажарилиши доимий назорат қилиниши керак.

Гарнизон смена хизмати ташкил қилинишининг назорати гарнизон бошлиғи ёки унинг топшириғига биноан бошқа шахс, ёнғин ўчириш штаби тезкор навбатчиси ва бўлинма бошлиқлари томонидан уларнинг олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ҳар хил босқичларда кундалик натижасини ҳисобга олган ҳолда доимий амалга оширилади. Бўлинмаларни текшириш даври, тартиби ва усули бўлинма фаолиятидаги ҳолат ва шарт шароитдан келиб чиқиб, гарнизон бошлиғи томонидан белгиланади.

72. Ёнғинларни ўрганишнинг асосий вазифалари /7/

1.Ёнғинларни ўрганиш - ёнғин хавфсизлиги назоратининг текширув ишларининг сифатини ва ёнғинни ўчириш ташкилий ишларининг савиясини кўтаришда , бўлинмаларнинг жанговар тайёргарлик савиясини оширишда шахсий таркибнинг тайёрлов сифатини кўтаришда муҳим аҳамиятга эгадир.

2. Ёнғинларни ўрганиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

-содир этилган ёнғинларни текшириш;

-ёнғин назорати ишлари ва бўлинмаларнинг жанговар ҳаракатларини таҳлил қилиш

3. Содир этилган ҳар бир ёнғин унинг ҳажмидан, ўчириш пайтида иштирок этганлар ҳисобидан ишлатилган куч ва воситалар ҳамда ёнғин келтирган зарардан қатъи назар текширилади (ўрганилади).

Содир бўлган ёнгинни текширишни энг яхши тайёргарлик кўрган шахсга, яъни ўрта ва катта бошлиқлар таркибига кирувчи аппарат ёки бўлинма ходимига юклатилади. У ходим ёнғинни ўчиришда қатнашмаган ва ёнғин содир бўлган жойни назорат қилмаган бўлиши керак.

Зарур бўлган пайтда ёнғинни ўрганиш (текшириш) учун илмий муассасалардан, ИИВ ўқув ва илмий муассасаларидан ҳамда халқ хўжалиги тармоқларидан муҳандис-техник ходимлар ва мутахассислар жалб этилади.

4. Фожиали ёнгинлар ва бир гуруҳ (5 ва ундан кўп) одамлар ҳалок бўлса, ҳамда муҳим аҳамиятга эга бўлган биноларда, хоналарда содир бўлган ёнғинлар таҳлили илмий ва ижобий қизиқиш уйғотса, унда ИИВ, ЁХББ, ИИБ, ЁХБ, бошлиқлари ўрганади ва ўрганиш тафсилотини тузади (ЁХББнинг №53 буйруғи, 1 илова)

Тафсилот 20 кун ичида тузилади, ёнғинни текширувчилар томонидан тафсилотга қўл қўйилади ва ИИВ, ЁХББ, ИИБ, ЁХБ, бошлиқлари томонидан тасдиқланади. Кўрсатилган вақтда бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББга жўнатилади.

5. Ёнғинни текширув натижаларига асосан ёнғинни ўчириш учун битта навбатчи сменадан кўп жалб қилинган бўлса, белгиланган вақтдан 10 кундан ошмаслиги керак, ИИВ, ИИБ, ЁХБ бошлиқлари фикрига (ихтиёрига) биноан ёнғин

тафсилоти ёки жанговар ҳаракат варақаси тузилади (ЁХББнинг №53 буйруғи, 2-илова)

6. Ёнғинни тўла ва холис ўрганиш (текшириш) жавобгарлиги ИИВ, ИИБ ЁХБ ва ёнғин хавфсизлиги қисм бошлиқларига юклатилади.

73. Ёнғинни текшириш тартиби /7/

Ёнғинни текшириш асосан ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг етиб келган пайтидан ва ЁЎР ва бошқа мансабдор шахсларнинг ашёвий далилларини имкони борича сақлаб ўз вақтида йиғишдан, ёнғинни кўрганлардан ва бошқа ҳодисалар қатнашчиларидан маълумот тўплашдан бошланиши кераклиги ҳисобга олинади.

Ёнғинни текшириш қуйидаги мақсадга эга:

-корхонанинг ёнғинга қарши ҳолатини баҳолаш ва ёнғиннинг сабабини аниқлаш;

-ёнғин содир бўлган корхонада ёнғинни олдини олиш бўйича текширув ишларининг сифати ва бажарилишини таҳлил қилиш;

-ёнғинни бартараф этиш даврида ёнғинни ўчиришнинг ташкил қилинишини, ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари ва кўнгилли ёнғин хавфсизлиги посбонларининг ҳаракатини, корхона маъмурияти ва ишчи-хизматчиларнинг ишлашини таҳлил қилиш;

-ёнғиннинг кучайиш ҳажмини ва жараёнини, оловнинг ва тутуннинг тарқалиши сабаблари ва шарт-шароитларини , иморатларнинг ёнғин пайтидаги ҳолатини ҳамда материалларнинг ва ишлаб чиқариш ускуналарининг ёнғин давридаги ҳолатларини ўрганиш;

-одамларни қутқариш ишлари, ҳайвонларни ва мол-мулкларни бехатар жойга олиб чиқишни ташкил қилинишини ҳамда одамларнинг бахтсиз ҳодисага учрашининг сабабларини ўрганиш;

-ёнғин ўчириш техникаси, ёнғин ўчириш ва алоқа воситаларининг ишлаш самарасини баҳолаш;

-ёнғин хавфсизлиги бошқармалари ва бўлинмаларининг ёнғинни олдини олиш бўйича, содир бўлган ёнғинларни ўчириш, доимий жанговар ҳолатини таъминлаш ҳамда тезкор штабининг ёнғин вақтида ишлаши учун чора-тадбирлар кўриш.

Ёнғинни ўрганиш ишлари қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

-ёнғинни ўчириш вақтида барча ҳодисаларни фактларни, кўринишларни содир бўлган вақтида қайд қилиш;

-ёнғин бўлган жойни батафсил текшириб, керакли ўлчовлар ўтказиш, суратга олиш ҳамда режа ва тасвирий чизмасини олиш;

-ёнғинни кўрган ва ёнғин тўғрисида ёнғин хавфсизлиги қисмига хабар берган ҳамда ёнғинни ўчиришда иштирок этган шахслар билан суҳбатлашиш;

-ИИВ тергов идоралари ва прокуратура ходимлари билан суҳбат ўтказиш;

-ишлаб чиқариш технологик жараёнини, қурилиш иншоотларини, қутқариш йўллари ҳолатини, ёнғинга қарши ҳолатини, ўрнатилган ёнғин ўчириш воситаларини, алоқа ва хабарловчи воситаларни, бинога кириб-чиқиш жойларини ўрганиш;

-аналитик ва синов, тажрибасини ўтказиш.

Ёнғин ўчиришга тааллуқли амалий ҳужжатларни ўрганиш:

-ёнғин ўчиришга чиқиш жадвалини, куч ва воситаларини жалб қилиш жадвалини, ёнғин ўчириш тезкор режасини, навбатчи шахсий таркибига йўриқномани ва бошқа хизмат турлари ходимлари билан ўзаро ҳаракат қилиш йўриқномасини, тезкор штабнинг ҳужжатларини, сурат ва видеоматериалларни,

навбатчи смеаларнинг ҳамда раҳбарият таркибининг ёнғинни ўчиришга чиққан вақтини, ёнғин содир бўлган жойдан маълумотларни ва бошқаларни.

-Ёнгин хавфсизлиги хизматининг кўрсатмаларини, корхоналарнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ёнғин содир бўлган тумандаги ёнғин хавфсизлиги отряд, бўлим, бўлинмалари ва ёнғин хавфсизлиги қисмининг фаолиятини охирги маротаба текширилганлиги тўғрисидаги маълумотларни, хизматни, ёнғин ўчиришни ва назорат ишларининг қандай ташкиллаштирилганлигининг таҳлили.

-Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларнинг қанча вақт ичида ёнғин содир бўлган жойга етиб келганлиги ва жойлашишини, ЁЎРларининг ҳаракат қилганликлари, ёнгинни ўчиришда қатнашган куч ва воситаларнинг тактик имкониятларини баҳолаш.

74. Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг жанговар ҳаракатлари таҳлили /7/

Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг ёнғин ўчиришда жанговар ҳаракатлари ҳар чоракда барча ёнғин хавфсизлиги қисмларида ва ҳар ярим йилда бир марта гарнизонда тузилади. ЁХБ республика ва вилоят ЁХҚ жанговар ҳаракатлари таҳлилини камида бир йилда бир марта тузади.

Таҳлилни ишлаб чиқараётганда Ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари ва қисмларининг ёнғин ўчириш давридаги жанговар ҳаракатини аниқлашда ёнғинни ўрганиш даврида тузилган ҳужжатлар асосий маълумот ҳисобланади (катта ва ўхшаш ёнғинларнинг тафсилоти, навбатчи смеаларнинг ёнғиндаги жанговар ҳаракат варақаси, ёнғин тўғрисидаги далолатнома, ёнғинларнинг ҳисоб варақалари). Шулар асосида жамланган ёнғинни ўчириш ҳисобот жадвали тузилади

Кўрсатилган ҳужжатлар таҳлили ва йиғма жадвал асосида аввалги таҳлиллар кўрсатилган маълумотларга солиштириб кўриб, қисқа хулоса тузилади, бунда бўлинмаларни тайёрлашдаги хизматни ташкил этиш ва ёнғинни ўчириш ишларини ижобий ва салбий томонлари келиб чиқади, қисмлар ва бўлинмаларининг жанговар тайёргарлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади, ёнғинни ўчириш яхши ташкил этилади. Бу чора-тадбирлар айни пайтдаги ва келгуси режаларга киритилади.

Таҳлил натижалари хизмат кенгашларида , ёнғинни таҳлил қилишда муҳокама қилинади, ҳамда ЁХБ томонидан маълумот ишлаб чиқишда, кўрсатма беришда, ёнғин ўчиришни ташкил этиш, ўчириш ва бошқа хизмат ҳужжатларини ишлаб чиқишда ишлатилади.

АДАБИЁТЛАР

1 Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2003 йил 20 апрелдаги №117 сонли буйруғи. «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги хизмати фаолиятини ташкиллаштириш низоми»

2 Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2002 йил 5 апрелдаги №82 сон буйруғи. «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бўлимлари шахсий таркибини бошланғич ва касб тайёргарлиги дастури».

3 Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 1992 йил 25 декабрдаги № 467-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида катта ва мураккаб ёнғинларни ўчириш таянч маскани ва унинг белгилаб қўйилган ёнғин ўчириш техникасини, асбоб-ускуна ва материаллар билан таъминлаш жадвали ҳақидаги Низом» тасдиқлаш тўғрисида

4 Ўзбекистон Республикаси ИИВ нинг 2003й 30 июндаги №196 сонли буйруғи «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги алоқа хизматининг Йўриқномасини тасдиқлаш ҳақида»

5 Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 1994 йил 18 октябрдаги №266 сон буйруғи «Ёнғин хавфсизлиги хизматида техника хавфсизлиги қоидалари.

6 Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББнинг 2001 йил 20 декабрдаги №50 сонли буйруғи. «Ёнғин ўчириш штабларини ташкил қилиш ҳақидаги низом».

7 ЎзР ИИВнинг Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармасининг 2001йил 29 декабр кунидаги 53 сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ёнғинларни текшириш ва уларнинг тафсилотларини сифатли тузиш бўйича қўлланмаси».

8 А.Ю.Поповский «Организация службы и подготовки в пожарной охране» М. Стройиздат, 1972.

1.3. ДАВЛАТ ЁНҒИН НАЗОРАТИ

«Давлат ёнғин назорати» фани бўйича якуний давлат аттестацияларига тайёргарлик кўриш учун мўлжалланган ушбу услубий қўлланмани ўзлаштириш натижасида ҳар бир тингловчи:

қуйидаги тассавурларга эга бўлиши лозим:

- ДЁН органларида бошқарув қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга ошириш;
- маҳаллий ДЁН органларининг иш фаолиятини таҳлил қилиш ва амалий ёрдам кўрсатиш

қуйидагиларни билиши ва бажара олиши зарур:

- ўта муҳим корхоналарнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини комплекс текшириш асосларини билиши ва унда иштирок эта олиши;
- Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўргатиш принципларини;
- Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартибини;
- Кўнгилли ўт ўчириш жамоа ташкилотларини ташкил қилиш ва улар иш фаолиятининг асосларини;
- ДЁН аппаратларининг ишини ташкиллаштириш асосларини;

қуйидаги кўникмаларни эгаллаши зарур:

- халқ хўжалиги объектларининг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини мустақил равишда текшира олиши;
- маҳаллий ДЁН органларининг иш режаларини туза олиши;
- халқ хўжалиги объектларининг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини яхшилаш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқишни;
- маҳаллий ДЁН органларининг фаолиятини таҳлил қила олиши ва баҳолай олиши ва бошқалар.

1. Давлат ёнғин назоратининг тузилиш тизими /3; 6/

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Марказий ДЁН органи - ЎзР ИИВ ЁХББ

Ҳудудий ДЁН органлари - Вилоятлар, ҚР ва Тошкент шаҳар ИИБ-ИИББларининг ЁХБлари

Маҳаллий ДЁН органлари - Туманлар, шаҳарлар ва шаҳар туманлари ИИБларининг ЁХБлари ва уларнинг инспектор-муҳандислари

2. ДЁН органларининг мақсади, ҳуқуқлари ва вазифалари /3/

Ўзбекистон Республикасида ёнғин назорати ёнғин чиқиши мумкин бўлган нуқсонларни ўз вақтида аниқлаш ва ёнғинга қарши аҳволни яхшилаш бўйича асосли тавсиялар бериш ҳамда Республика шаҳарлари, аҳоли пунктлари ва ҳалқ хўжалиги объектларида ёнғин хавфсизлигини зарур даражада сақлаш мақсадида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида ёнғин назоратини амалга оширувчи органлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги тизимига кирадилар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қиладилар.

Ёнғин назоратининг вазифалари.

Ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда шаҳарлар, Аҳоли пунктлари ва ҳалқ хўжалиги объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишларини такомиллаштириш.

Қайси идорага қарашлилиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар, муассасалар,

ташкилотлар, қўшма корхоналар, хорижий фирмалар, объектлар ҳамда фуқаролар томонидан ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ёнғинлар ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузилишига оид ишлар юзасидан суриштирув ўтказиш.

Вазирликлар ташкилотлар ва объектлардаги ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг жанговар тайёргарлигини назорат қилиш ҳамда уларнинг қайси идорага қарашлилигидан қатъи назар, ёнғинларни ўчиришга, авариялар, табиий офатлар оқибатларини бартараф қилишга жалб этиш.

Лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотлари томонидан корхоналар, бинолар ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуриш вақтида назарда тутилган андазалардаги ёнғинга қарши талабларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш. Ер майдонларини ажратиш ва корхоналар, бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш комиссиялари ишида иштирок этиш.

Ёнғин хавфсизлиги талабларини белгиловчи андазалар, меъёрлар ва қоидаларини ҳамда ёнғин хавфсизлиги бўйича меъёрлар ва қоидалар мавжуд бўлмаган объектлар қурилиши учун лойиҳа ечимларини келишиш.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ишчилари, хизматчилари, муҳандис-техник ходимлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ва мактаб ўқувчиларининг ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича тайёргарлигини ташкил этиш ва унинг сифати устидан назоратни амалга ошириш.

Ёнғин назоратининг ҳуқуқлари.

Қайси идорага қарашлигидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, қўшма корхоналар, хорижий фирмалар ва турар жойларда Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органларининг ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича амалдаги қонунлари, қарорлари, қонун ҳужжатлари, фармойишларининг қандай бажарилаётганлигини назорат қилишни амалга ошириш.

Давлат ташкилотларида исталган вақтда, хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат асосида маъмурият вакиллари билан биргаликда, турар жойларда эса уй эгаси, квартирани ижарага олган шахснинг розилиги билан кундуз куни ёнғинга қарши талаблар, андазалар, меъёрлар ва қоидаларнинг бажарилишини текшириш.

Ёнғин хавфсизлиги қоидалари, андазалар, техник шартлар ва иш тартиблари бузилганлиги аниқланган ҳолларда, объект (корхона, муассаса, иншоот, бино ва бошқалар)ни қуришда, қайта қуришдан лойиҳада ёки лойиҳалаш меъёрларида назарда тутилган ёнғинга қарши талаблар бажарилмаган тақдирда корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарларига, бошқа мансабдор шахсларга ҳамда фуқароларга аниқланган бузилишларни бартараф этиш ва ёнғинларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар бериш.

Тезликда бартараф этилмаслиги ёнғин келиб чиқишига, ёйилишига ёки ёнғинни ўчиришни қийинлаштиришга олиб келиши мумкин бўлган ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилиши аниқланган ҳолларда материаллар ва буюмларни тайёрлашни, ишлаб чиқаришни ва улардан фойдаланишни тақиқлаш, ёнғин назорати бўйича қолган давлат инспекторлари эса – агар бу умуман корхонанинг ишдан тўхтатишига олиб келмаса алоҳида бинодан фойдаланишни тақиқлаш, ишлаб чиқариш участкаси ёки агрегет ишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эгадирлар.

Вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, қўшма корхоналар ва хорижий фирмалардан ёнғин хавфсизлиги

ҳолатини тавсифловчи зарур материалларни, ёнғинлар тўғрисидаги маълумотларни, ёнғин чиқариши мумкин бўлган материаллар ва маҳсулотлар ҳақидаги техник ҳужжатларни талаб қилиб олиш.

Вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, қўшма корхоналар ва хорижий фирмалар томонидан ёнғин хавфсизлиги ҳолатига баҳо бериш бўйича экспертизалар ўтказилишини, ёнғинларнинг сабабларини аниқлаш, технологиялар, фойдаланиладиган ва ишлаб чиқариладиган асбоб-ускуналар, буюмлар, моддалар ва материалларнинг тез ёниб кетишига, уларнинг меъёрлар, қоидалар, андазалар ва техник шартларга мувофиқлигини аниқлаш бўйича назорат синовлари ўтказилишини тайинлаш. Атроф-муҳитни ёнғин хавфини текшириб назорат қилиш; ёнғиндан ҳимояловчи тизимларни ва воситаларни текшириш; маҳсулотларни ва хизмат кўрсатиш ишларини ёнғин хавфсизлигини сертификатлаштириш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминловчи ускуналарни ва маҳсулотларни ёнғин хавфини сертификатлашни ташкиллаштириш.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига ва айрим ходимларига, шунингдек, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини, андазалар талаблари ва меъёрларини бузишда айбдор бўлган ёки уларни бажармаган фуқароларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий жазолар бериш.

Вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарларига андозалар, ёнғин хавфсизлиги меъёрлари ва қоидаларини мунтазам равишда бузувчи ёки ёнғин назорати органларининг ёзма кўрсатмаларини бажармаётган шахсларни белгиланган тартибда эгалаб турган лавозимларидан бўшатиш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

Ёнғин назорати мажбуриятлари.

Ёнғинга оид вазиятни ҳамда ёнғиннинг олдини олиш ишларининг аҳволини ўрганиб чиқиш асосида аҳоли пунктлари ва ҳалқ хўжалиги объектларини ёнғин хавфидан муҳофаза қилишни кучайтириш бўйича асосли тавсияларни ишлаб чиқиш.

Манфаатдор ташкилотларнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда биноларни қуриш, қайта қуриш ва улардан фойдаланиш вақтида ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда ёнғин хавфига қарши ишларни бажариш.

Объектларда ва аҳоли пунктларида ёнғин хавфсизлигини ташкил этиш масалаларини ҳал этишда иштирок этиш.

Объектлар ва аҳоли пунктларида ёнғин хавфсизлигининг аҳволи, юз берган ёнғинлар, назорат фаолиятининг натижалари тўғрисида белгиланган тартибда жамоатчиликни хабардор қилиш.

Ёнғинга қарши кураш масалалари бўйича тарғибот ишларини амалга ошириш, белгиланган тартибда ёнғин — техника адабиёти, плакатлар, эсдалик хатлари нашр этишни, ёнғинга қарши мавзуларда кинофильмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича қонун ҳужжатларининг қўлланиш амалиётини умумлаштириш, уни такомиллаштириш бўйича тегишли органларга таклифлар киритиш.

Ёнғин назорати мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда Ёнғин назорати юқори органига ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

Ёнғин назорати мансабдор шахслари ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришдан бош тортганликлари ёки бажармаётганликлари учун Ўзбекистон

Республикасида ҳаракатдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда жавобгардирлар.

3. ДЁН иш фаолиятини белгиловчи қонуний ва меъёрий ҳужжатлар

1. ДЁН тўғрисида Низом
2. Давлат ёнғин назорати фаолиятини ташкиллаштириш ҚЎЛЛАНМАСИ.
3. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги ЎзР Қонуни
4. ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси
5. ЎзР Жиноят Кодекси
6. ЎзР Жиноят - процессуал Кодекси
7. ЎзР ИИВ ДЁХХ фаолиятини ташкиллаштириш Низоми
8. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 июндаги 243-сон Қарори
9. Ёнғин хавфсизлиги қоидалари.
10. Қурилиш меъёр ва қоидалари
11. Электр жиҳозларини ўрнатиш қоидалари
12. Ёнғинларни ҳисобга олиш қоидалари
13. Технологик лойиҳалаш меъёрлари

4. Давлат ёнғин назорати органларининг турлари / 6 /

Давлат ёнғин назорати (ДЁН) қуйидагиларга бўлинади:

Марказий давлат ёнғин назорати – Ўзбекистон Республикаси ИИВ нинг Ёнғин хавфсизлиги Бош Бошқармаси.

Ҳудудий давлат ёнғин назорати – Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар, Тошкент шаҳар ИИБ – ИИББларнинг Ёнғин хавфсизлиги бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ахлоқ тузатиш ишлари бўйича бошқармаси ёнғин назорати инспекцияси; транспорт, темир йўл воситалари ички ишлар бошқармаси ёнғин назорати инспекцияси, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармасига бевосита бўйсундирилган бўлимлар.

Маҳаллий давлат ёнғин назорати – шаҳар, аҳоли турар жойлар ва нохиялар марказидаги, ҳалқ хўжалиги корхоналарида жойлашган ҳарбийлаштирилган, умумий ўт ўчириш қисм ва отрядлари, шаҳар, туман, шаҳарлардаги туманлар ички ишлар бошқарма ва бўлимларининг давлат ёнғин назорат бўлинмалари.

Марказий ва ҳудудий ёнғин назорати иш фаолиятида иложи борича маҳаллий ёнғин назоратининг ишини кайтармасликка, майда ишлар билан шуғулланмасликка қаратишлари, маҳаллий ёнғин назоратининг масъулиятини ва мустақиллигини кўтаришлари лозим.

Маҳаллий ДЁН иш фаолиятини ташкилий – методик раҳбарлигини яхшилаш, уларнинг касб даражасини кўтариш билан бир қаторда, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоят ИИБ ва Тошкент шаҳри, ИИББлари Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси Республика ҳалқ хўжалиги масканлари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш ташкилий масалаларини ҳал этишга катта эътибор бермоқ керак.

5. ДЁН органларининг мансабдор шахслари /3; 6/

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ёнгиндан муҳофаза қилиш бошқармасининг бошлиги лавозимига кўра бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикасининг ёнғин назорати бўйича Бош давлат инспектори ҳисобланади, унинг ўринбосарлари эса - Ўзбекистон Республикасининг ёнғин назорати бўйича Бош давлат инспекторининг ўринбосарлари ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармаси бўлимларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикасининг ёнғин назорати бўйича Бош давлат инспекторининг катта ёрдамчилари ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармаси таркибий бўлинмаларининг бош мутахассислари, бош муҳандислари, муҳандислари, катта инспекторлари, инспекторлари ва ходимлари Ўзбекистон Республикасининг ёнғин назорати бўйича Бош давлат инспекторининг ёрдамчилари ҳисобланадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармалари ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармалари ва бўлимларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармасига бевосита бўйсунувчи ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлимларининг бошлиқлари, лавозимига кўра, бир вақтнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва объектларнинг ёнғин назорати бўйича Бош давлат инспекторлари ҳисобланадилар, уларнинг ўринбосарлари эса – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва объектларнинг ёнғин назорати бўйича бош давлат инспекторларининг ўринбосарлари ҳисобланадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар, Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармалари ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқарма ва бўлимлари бошликлари ва уларнинг ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида лавозимларига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси , вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ёнғин назорати бўйича бош давлат инспекторларининг катта ёрдамчилари ҳисобланадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар, Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармалари ёнгиндан муҳофаза қилиш бошқарма ва бўлимлари таркибий бўлинмаларининг бош мутахассислари, катта муҳандислари, катта инспекторлари, муҳандислари, инспекторлари ва ходимлари, шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари ва ҳалқ хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш бўйича ҳарбийлаштирилган ёнғиндан муҳофаза қилиш отрядлари ва қисмларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ахлоқ тузатиш ишлари бошқармаси, транспорт ички ишлар бошқармалари, бўлимларининг, шаҳарлар, туманлар, шаҳарлардаги туманлар ички ишлар бўлимлари Давлат ёнғин назорати бўлинмалари, инспекцияларининг бошлиқлари – ўзлари хизмат кўрсатаётган шаҳарлар, туманлар ва объектларнинг ёнғин назорати бўйича катта давлат инспекторлари ҳисобланадилар.

Ҳарбийлаштирилган ёнғиндан муҳофаза қилиш отрядлари ва қисмларининг, Ўзбекистон Республикаси ахлоқ тузатиш ишлари бошқармасининг, транспорт ички ишлар бошқармаси ва бўлимларининг шаҳарлар, туманлар, шаҳарлардаги туманлар ички ишлар бўлимлари Давлат ёнғин назорати бўлинмалари ва инспекцияларининг катта муҳандислари, катта инспекторлари, муҳандислари ва инспекторлари, шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари ва ҳалқ хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш бўйича ёнғиндан муҳофаза қилиш отрядлари ва қисмларининг бошликлари – ўзлари хизмат кўрсатаётган шаҳарлар, туманлар ва объектларининг ёнғин назорати бўйича давлат инспекторлари ҳисобланадилар.

6. ДЁН органларининг мансабдор шахсларига берилган ҳуқуқлар

/ 3 ; 6 ; 13 /

Тезликда бартараф этилмаслиги ёнғин келиб чиқишига, ёйилишига ёки ёнғинни ўчиришни қийинлаштиришга олиб келиши мумкин бўлган ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилиши аниқланган холларда Ўзбекистон Республикасининг ёнғин назорати бўйича Бош давлат инспектори, унинг

ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси , вилоятлар, Тошкент шаҳрининг ёнғин назорати бўйича бош давлат инспекторлари ва уларнинг ўринбосарлари корхоналарнинг айрим ишлаб чиқаришларнинг ишини қисман ёки бутунлай тўхтатиб қўйиш, бинолар, иншоотлардан фойдаланишни тақиқлаш; хатти ҳаракатларни тўхтатиб қўйиш ёки ишларни бажаришга берилган рухсатларни бекор қилиш; ёнғин чиқариш хавфи бўлган моддалар, материаллар ва буюмларни тайёрлашни, ишлаб чиқаришни ва улардан фойдаланишни тақиқлаш, ёнғин назорати бўйича қолган давлат инспекторлари эса – агар бу умуман корхонанинг ишдан тўхташига олиб келмаса алоҳида бинодан фойдаланишни тақиқлаш, ишлаб чиқариш участкаси ёки агрегат ишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эгадирлар.

Қайси идорага қарашлигидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, қўшма корхоналар, хорижий фирмалар ва турар жойларда Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органларининг ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича амалдаги қонунлари, қарорлари, қонун ҳужжатлари, фармойишларининг қандай бажарилаётганлигини назорат қилишни амалга ошириш.

Давлат ташкилотларида исталган вақтда, хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат асосида маъмурият вакиллари билан биргаликда, турар жойларда эса уй эгаси, квартирани ижарага олган шахснинг розилиги билан кундуз куни ёнғинга қарши талаблар ва андазалар, меъёрлар ва қоидаларнинг бажарилишини текшириш.

Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик ва бошқа хорижий ваколатхоналар эгалаб турган бинолар ва иморатларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашни назорат қилиш ёнғин назорати органлари томонидан фақат шу муассасаларнинг расмий вакилларининг илтимоси ҳамда ёзма рухсатномаси асосида ўтказилади.

Ёнғин хавфсизлиги қоидалари, андазалар, техник шартлар ва иш тартиблари бузилганлиги аниқланган ҳолларда, объект (корхона, муассаса, иншоот, бино ва бошқалар)ни қуришда, қайта қуришдан лойиҳада ёки лойиҳалаш меъёрларида назарда тутилган ёнғинга қарши талаблар бажарилмаган тақдирда корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарларига, бошқа мансабдор шахсларга ҳамда фуқароларга аниқланган бузилишларни бартараф этиш ва ёнғинларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар бериш.

Тезликда бартараф этилмаслиги ёнғин келиб чиқишига, ёйилишига ёки ёнғинни ўчиришни қийинлаштиришга олиб келиши мумкин бўлган ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилиши аниқланган ҳолларда алоҳида бинодан фойдаланишни тақиқлаш, ишлаб чиқариш участкаси ёки агрегат ишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ёнғин назорати хизматининг ёзма кўрсатмалари ва қарорлари мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир. Бу қарор ва ёзма кўрсатмалар ўз ваколати доирасида уларни чиқарган ёнғин назорати бўйича инспектори ёки ёнғин назоратининг юқори органи ёхуд суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, қўшма корхоналар ва хорижий фирмалардан ёнғин хавфсизлиги ҳолатини тавсифловчи зарур материалларни, ёнғинлар тўғрисидаги маълумотларни, ёнғин чиқариши мумкин бўлган материаллар ва маҳсулотлар ҳақидаги техник ҳужжатларни талаб қилиб олиш.

Вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, қўшма корхоналар ва хорижий фирмалар томонидан ёнғин хавфсизлиги ҳолатига баҳо бериш бўйича экспертизалар ўтказилишини, ёнғинларнинг сабабларини аниқлаш, технологиялар, фойдаланиладиган ва ишлаб чиқариладиган асбоб-ускуналар, буюмлар, моддалар ва материалларнинг тез ёниб кетишига, уларнинг меъёрлар, қоидалар, андазалар ва техник шартларга мувофиқлигини аниқлаш бўйича назорат синовлари ўтказилишини тайинлаш. Атроф-муҳитни ёнғин хавфини текшириб назорат қилиш; ёнғиндан ҳимояловчи тизимларни ва воситаларни текшириш; маҳсулотларни ва хизмат кўрсатиш ишларини ёнғин хавфсизлигини сертификатлаштириш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминловчи ускуналарни ва маҳсулотларни ёнғин хавфини сертификатлашни ташкиллаштириш.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига ва айрим ходимларига, шунингдек ёнғин хавфсизлиги қоидаларини, андазалар талаблари ва меъёрларини бузишда айбдор бўлган ёки уларни бажармаган фуқароларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий жазолар бериш.

Вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарларига андозалар, ёнғин хавфсизлиги меъёрлари ва қоидаларини мунтазам равишда бузувчи ёки ёнғин назорати органларининг ёзма кўрсатмаларини бажармаётган шахсларни белгиланган тартибда эгалаб турган лавозимларидан бўшатиш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

Давлат ёнғин назорати органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллашга Давлат ёнғин назорати органининг қуйидаги мансабдор шахслари ҳақлидирлар:

Ўзбекистон Республикасининг ёнғин назорати бўйича Бош давлат инспектори ва унинг ўринбосарлари:

– фуқароларга энг кам иш ҳақининг 5 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 10 бараваригача миқдорда;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, объектлар ёнғин назорати Бош давлат инспекторлари ва Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати бўйича Бош давлат инспекторининг катта ёрдамчилари:

– фуқароларга энг кам иш ҳақининг 4 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 8 бараваригача миқдорда;

Ўзбекистон Республикасининг ёнғин назорати бўйича Бош давлат инспекторининг ёрдамчилари:

- фуқароларга энг кам иш ҳақининг 3 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 5 бараваригача миқдорда;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ёнғин назорати бўйича Бош давлат инспекторининг катта ёрдамчилари:

- фуқароларга энг кам иш ҳақининг 2 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 3 бараваригача миқдорда;

Хизмат кўрсатилаётган шаҳарлар, туманлар ва объектларнинг ёнғин назорати бўйича давлат катта инспекторлари:

- фуқароларга энг кам иш ҳақининг 1 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 2 бараваригача миқдорда;

Хизмат кўрсатилаётган шаҳарлар, туманлар ва объектларнинг ёнғин назорати бўйича давлат инспекторлари:

- фуқароларга энг кам иш ҳақининг 1/2 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 1 бараваригача миқдорда;

Маъмурий жазо чораларини қўллаш учун асос маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатини аниқланиши, муайян шахс томонидан қоидаларни бузилиши бўлади. Бундай ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисида баённома тузиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс томонидан баённома тузилади.

7. Давлат ёнғин назорати органларининг ишини режалаштириш / 6 /

Режалаштириш бу хўжалик юритишнинг асосий усулларидан бири ҳисобланади. Давлат ҳокимиятчилигида ҳамда давлатни бошқаришда ҳам режалаштириш асосий функцияларидан биридир.

Давлат бошқаруви органлари умумий тизимига кирувчи Ички ишлар Вазирлиги ёнғин хавфсизлиги хизматининг аппаратлари ҳам ёнғинларга қарши курашиш ишларини режа асосида олиб боришлари керак.

Марказий ва ҳудудий ёнғин назорати иш фаолиятида иложи борича маҳаллий ёнғин назоратининг ишини қайтармасликка, майда ишлар билан шуғулланмасликка қаратишлари, маҳаллий ёнғин назоратининг масъулиятини ва мустақиллигини кўтаришлари лозим.

Маҳаллий ДЁН иш фаолиятини ташкилий – методик раҳбарлигини яхшилаш, уларнинг касб даражасини кўтариш билан бир қаторда, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоят ИИБ ва Тошкент шаҳри, ИИББлари Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси Республика ҳалқ хўжалиги масканлари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш ташкилий масалаларини ҳал этиш керак.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ иш режасини ИИВ раҳбарияти, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ ЁХБларининг иш режаларини эса ҚР ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ раҳбарияти тасдиқлашади. Ёнғин хавфсизлиги бирикмалари ва қисмларининг иш режаларини туман (шаҳар) ЁХБ бошлиқлари, туман (шаҳар) ИИБ ЁХБ иш режаларини эса ИИБ бошлиқлари тасдиқлайди. Режа тасдиқланганидан сўнг у ҳар бир ижрочигача етказилади ва ундаги тадбирларнинг барчасининг сўзсиз бажарилиши шарт.

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг аппаратлари ва бўлинмалари учун иш **режаларининг қуйидаги турларини** тавсия қилиш мумкин:

- республика, вилоят, шаҳар ёки туман ҳалқ хўжалигининг ривожланишини (тараққиётини) эътиборга олган ҳолда кўп йиллик перспектив режалар;
- йиллик ёки кварталга мўлжалланган жорий иш режалари;
- ёнғин хавфсизлиги хизмати аппаратлари ва бўлинмаларининг бошлиқлар таркиби учун шахсий (тезкор) иш режалари.

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг иш йўналиши бўйича перспектив режалар икки йўналишда ишлаб чиқилади – тармоқлар ва ҳудудлар бўйича. Тармоқлар бўйича ишлаб чиқилган иш режаларини республика ёки вилоят ИИБ раҳбарияти тасдиқлашади.

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг тармоққа оид истиқболли (перспектив) иш режаси ИИВ ёки ИИБнинг иш режаларига мос келиши керак. Унинг **биринчи** бўлимида ҳалқ хўжалиги соҳалари тараққиётининг тавсифи келтирилади, шаҳарнинг кенгайиши кўрсатилади, янги қурилаётган иншоотлар, ҳалқ хўжалигидаги кескин ўзгаришлар ва яқин келажакда амалга оширилиши кўзда тутилган бошқа тадбирлар кўрсатилади.

Перспектив режанинг **иккинчи** бўлимида ДЁХХ бошқармалари ва жойлардаги маҳаллий ДЁН бўлинмаларининг олдида турган бош вазифалар кўрсатилади.

Перспектив режанинг **учинчи** бўлимида ДЁХХ аппаратлари ва бўлинмалари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича тармоқ тадбирлари белгиланади. Бу бўлим ўз навбатида қуйидаги бир нечта бўлинмалардан иборат бўлиши мумкин. ДЁХХ таркибий бўлинмаларини мустаҳкамлаш ва ёнғин хавфсизлиги хизмати органларини бошқаришни такомиллаштириш бўйича ташкилий чоралар; давлат ёнғин назорати соҳасида кўриладиган чоралар; ёнғинларни ўчиришни, давлат ёнғин хавфсизлигида хизматни ва шахсий таркибнинг тайёргарлигини яхшилаш юзасидан кўриладиган чоралар; ўт ўчириш техникаси, алоқа ва автоматика соҳаларида кўриладиган чоралар; кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, ўқитиш ва тарбиялаш бўйича қилинадиган ишларни янада яхшилаш; хўжалик-молия фаолияти соҳасидаги тадбирлар.

Режа тасдиқланганидан сўнг бўйсундирилган ДЁН бўлинмаларига назорат қилиш учун режадан кўчирмалар жўнатилади.

Бир йиллик иш режалари Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ томонидан тузилади ва унда ҳалқ хўжалигининг тармоқлари ва аҳоли пунктларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган комплекс текширишлар ва бошқа тадбирлар режалаштирилади.

Ҳудудий ДЁН органларида ярим йиллик иш режалари ишлаб чиқилади. ДЁН бўлимлари (бўлинмалари), бирикмалар ва қисмларда эса кварталга мўлжалланган иш режалари тузилади.

ДЁН бўлинмалари инспекторларининг шахсий иш режалари бўлиб уларга бириктирилган масканларнинг ёнғин хавфсизлигига қаратилган ишларини текшириш бўйича ойлик иш жадвали ҳисобланади.

Ҳар бир давлат ёнғин назорати органларида, уларнинг шахсий таркиби ҳисобга олинган холда туман моҳиятлари (шаҳар, посёлка, темир йўл қисми) ва унда жойлашган ҳалқ хўжалиги масканларидан келиб чиққан холда, хизматчиларнинг функционал вазифалари аниқ кўрсатилган бўлиши лозим.

Хизматчиларнинг функционал вазифаларини, унга бириктириладиган масканлар ва хизмат кўрсатиш бўлимлари чегараларини аниқлаш ДЁН органи бошлиғи томонидан, хизматчиларни тайёргарлиги, касбий тажрибаси ва ўтказиладиган ишлар ҳажмини ҳисобга олган тартибда амалга оширилади. ДЁН органи бошлиғининг функционал вазифалари эса юқори ташкилот томонидан тасдиқланади.

ДЁН органларининг таркибида 5 ва ундан ортиқ назоратчилар бўлса, шаҳар , туман давлат ёнгин назорати бўлим ва бўлинмаларида масканларни бириктиришни (давлат ёнғин назоратини амалга ошириш учун) тармоқли кўрсаткич бўйича олиб бориш мумкин.

Кичик назоратчи ва инструкторларга турар жойлар ва умумий маиший-хизмат масканлар бириктирилади.

ДЁН хизматчилари ойига камида 15 кун халқ хўжалик масканларида профилактика ишини ташкил этишлари лозим.

Ёнғин хавфсизлиги бошқармасида вазифаларни бўлиниши ҳудудий зоналар, ҳалқ хўжалиги тармоқлари (тармоқлар гуруҳи), ҳамда давлат ёнғин назорати органларининг махсуслаштирилган йўналишлари бўйича олиб борилади.

ИИВ-ИИБ ЁХ бошқарма ва бўлинмалари ходимларига давлат аҳамиятига эга бўлган халқ хўжалик, корхона ва муассаса ва йирик қурилишлар бириктирилади. Бундан масканлар рўйхати ИИВ, ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

ИИВ, ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқарма ва бўлим ходимлари бириктирилган ҳудудий зоналарда (вилоятлар, туманлар, шаҳарлар) назорат ёнғин ўчириш хизмати

ходимларининг ҳамма йўналишлари бўйича амалий ёрдам бериш ишларини амалга оширадилар.

Вилоят, шаҳар ёнғин хавфсизлиги бошқарма ва бўлимларида ярим йиллик иш режаси тузилади.

Шу ярим йиллик иш режаси асосида туманлардаги бирлашма, қисм, ДЁН бўлинмаси ва инспекцияси уч ойлик иш режаси тузишлари лозим.

Маҳаллий ДЁН хизматчиларининг хар бир ходими ойлик иш режасини тузади ва бу режа бошлиқ томонидан келгуси ойнинг биринчи кунига қадар тасдиқланган бўлиши лозим.

Масканларни текширишни маҳаллий шароитлар, муҳимлиги ва ёнғин хавфини ҳисобга олган холда йил давомида бир маромда олиб боришни режалаштириш лозим.

Ҳудудий ДЁН хизматлари асосий ёнғин – профилактик тадбирларини қўллаш мақсадида йиллик календар-режа тузадилар, унда аҳоли турар жойлари; ҳалқ хўжалиги тармоқлари масканларини комплекс текшириш; ёнгин-техник текширувни бригада усулини қўллаш; вазирлик, идораларнинг хизматлари билан биргаликда масканларда даврий тезкор текширув ўтказиш; ёнғин техник конференциялар ташкил этиш; инспекциялар кенгашида қатнашиш ва шунга ўхшаш тадбирлар кўзда тутилади. Кўрсатилган режа маҳаллий ДЁН хизматларига юборилади.

Иш режасини бажаришни назорат қилиш шахсан ДЁН хизмат раҳбарларига юклатилади.

8. Давлат ёнғин назорати ходимларининг функционал вазифаларини тузиш тартиби /6; 15/

Ёнғинларни профилактика қилиш борасидаги ДЁХХ бўлинмаларининг умумий вазифалари ЎзР ИИВнинг 1993 йил 22 сентябр кунидаги 344- сонли буйруғи «ДЁН органларнинг иш фаолиятини ташкиллаштириш қўлланмаси» ҳамда 117 сонли буйруқларида кенг белгилаб берилган. ДЁН ходимларининг конкрет хизмат вазифалари қўлланма ва жойларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда бўлинмалар раҳбарлари томонидан ишлаб чиқилади ва ўрнатилган тартибда тасдиқланади.

Туман ёки шаҳарлардаги маҳаллий ДЁН бўлимининг (бўлинмасининг) ходимлари ДЁН органларига юклатилган вазифаларни тўлиқ ҳажмда амалга оширадилар.

Маҳаллий ДЁН органларининг бажарадиган ишлари асосан туман ёки шаҳар ҳудудида ёнғинларнинг олдини олиш ва уларни муваффақиятли ўчириш борасидаги тадбирларни амалга оширишга қаратилган.

Улар туман ҳалқ хўжалиги масканларидаги КЎЎДнинг бошлиқларининг, жамоат хўжаликларидаги КЎЎД ҳайдовчиларининг ўқув тайёргарликларини ташкил қилишади. Уларнинг хизмат вазифаларига аҳолини яшаш жойларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ўргатиш ишлари, ҳалқ хўжалиги масканларида ёнғинга қарши тарғибот ишлари ва ёнғинларнинг олдини олиш бўйича аҳоли орасида оммавий тушунтириш ишлари, ҳамда ёнғинларни ҳисобга олиш ва уларни таҳлил қилиш ишлари киради.

Кам сонли ДЁН бўлинмаларида хизмат вазифалари ҳудудий кўрсаткич бўйича тақсимланади. Бу ҳолатда ҳар бир ходимга бўлинма бошлиғи томонидан профилактика ишларини амалга ошириш учун маълум бир ҳудуд (участка) бириктирилади.

Бириктирилган ҳудудда инспектор ўрнатилган тартибда масканларнинг ёнғин хавфсизлигига қаратилган ишларини текшириш ишларини олиб боради

Бириктирилган ҳудуддан ташқари инспекторга ДЁН ишининг тармоққа оид бир ёки икки йўналиши ҳам бириктирилади. Бу меъёрий – экспертиза, маъмурий амалиёт, ёнғинларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш, аҳоли орасида ёнғинга қарши оммавий – тушунтириш ишларини олиб бориш ва бошқалар бўлиши мумкин.

5 ва ундан ортиқ бўлган маҳаллий ДЁН органларида ходимлар орасида хизмат вазифаларини ходимларнинг маълум бир тармоққа ихтисослашганлигига қараб тақсимлаш ҳам мумкин. Ҳудудий принципни сақлаб қолган ҳолда, шу билан биргаликда инспекторлар таркибига қўшимча равишда маданий-томоша муассасалари, савдо ташкилотлари, мактаблар, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқа соҳаларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишлари юклатилади.

9.Кўнгилли ўт ўчириш ташкилотлари. Уларнинг вазифаси ва мақсади /4/

Кўнгилли ўт ўчириш ташкилотларининг мақсади Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолини ёнғин хавфсизлиги қоида талабларига ўргатишда Давлат ёнғин назорати хизматига амалий ёрдам бериш**.**

Кўнгилли ўт ўчириш дружиналари

Кўнгилли ўт ўчириш жамоа ташкилотлари (КЎЎД,) ўз иш фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 июндаги 243-сон Қарорининг талабларига асосан «Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмаларнинг саноат корхоналари ва бошқа объектларида Кўнгилли ўт ўчириш жамоа ташкилотлари Низоми»га асосан амалга оширилади. Уларнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) объектда ёнғинга қарши тартиб-қоидаларнинг қандай бажарилаётганини ва унга қандай риоя этилаётганини назорат қилишни амалга ошириш;

б) ишчилар ва хизматчилар ўртасида объектда ёнғинга қарши тартиб-қоидаларга риоя қилиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш;

в) ёнғин ўчириш техникасининг, ёнғин ўчириш дастлабки воситаларининг соз ва жанговар ҳолатдалигини назорат қилиш;

г) ёнғин чиққан ҳолларда ўт ўчириш командасини чақириш ва одамларни хавфли жойдан кўчириш ҳамда объектдаги мавжуд ўт ўчириш воситалари билан ёнғинни ўчиришга оид шошилинч чоралар кўриш;

д) зарур бўлган ҳолларда кўнгилли ўт ўчириш дружинаси аъзоларининг ўт ўчириш машиналарида, мотопомпаларида ва ўт ўчиришнинг бошқа кўчма ва турғун воситаларининг жанговар гуруҳларидаги ишларда қатнашиш, шунингдек, ўта зарур ҳолларда, цехлар ва бошқа объектларда навбатчиликда туриш;

е) объектнинг ёнғин-техник комиссияси ва ёнғинларни аниқлаш, олдини олиш ҳамда ўт ўчиришнинг янги усулларини жорий этувчи давлат ёнғин назоратининг маҳаллий органлари билан ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш.

Ёш ўт ўчирувчилар дружиналарининг (ЁЎЎД) асосий вазифалари:

а) ўқувчиларни тарбиялашда, уларни ҳар томонлама камол топтиришда, уларда фаол ҳаётий нуқтаи назарни шакллантиришда мактабга фаол ёрдам бериш;

б) давлат мулкини, фуқаролар ҳаёти, соғлиги ҳамда мол мулкини ёнғинлардан сақлашда катталарга амалий ёрдам кўрсатиш ;

в) ўт ўчириш ишининг асосларини, ёнғиннинг олдини олиш ва уни ўчириш, ёнғиндан жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш кўникма ва малакаларини эгаллаш;

г) ўт ўчириш амалий спорти бўйича спортчилар захираларини тайёрлаш;

Ёнғин-техник комиссияларининг (ЁТК) асосий вазифалари:

а) ишлаб чиқариш технология жараёнлари, агрегатлар, қурилмалар, лабораториялар, устахоналар, омборлар, бозорлар ва шу кабилар ишидаги ёнғин,

портлаш ёки аварияга олиб келиши мумкин бўлган бузилишларни аниқлаш ва бу бузилишларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

б) корхоналарнинг ёнғиндан сақлаш хизматига ёнғин-профилактика ишларини ташкил этиш ва ўтказишда, ишлаб чиқариш, омборхона, маъмурий ва бошқа бино ҳамда иншоотларда қаттиқ ёнғинга қарши тартибни ўрнатишда кўмаклашиш;

в) ёнғин хавфини камайтириш ва объектнинг ёнғинга қарши ҳимоясини яхшилашга оид рационализаторлик ва ихтирочилик ишини ташкил этиш.

г) ишчилар, хизматчилар ва муҳандис-техник ходимлар ўртасида ёнғинга қарши қоидаларга ҳамда ёнғинга қарши ўрнатилган тартибга риоя қилиш масалалари бўйича оммавий тушунтириш ишларини олиб бориш.

10. Ўзбекистон Республикасида ёнғинлар ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш тартиби /7/

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ёнғинларни ҳисобга олиш давлат ёнғин назорати органлари томонидан маъмурий туманлар бўйича ЎзР ИИВнинг 128-сонли буйруғи билан 2003 йилнинг 23 апрелида тасдиқланган «Ёнғинларни ҳисобга олиш қоидалари» асосида амалга оширилади.

Ёнғинларни ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёнғинлар оқибатида етказилган моддий зарарни ҳисобга олиш учун ва қуйидаги мақсадларда амалга оширилади: давлат, кооператив, хусусий ва бошқа мулк шаклларини ёнғинлардан сақлаш учун тадбирлар ишлаб чиқиш; ёнғинларнинг келиб чиқиши ва тарқалишига сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш; ёнғиндаги бошқа оқибатларнинг олдини олиш.

Ёнғинлар қаерда содир этилганидан ва келтирган оқибатидан қатъи назар, ҳаммаси ҳисобга олинади.

Ёнғин оқибатларига қуйидагилар киради:

- одамлар ҳалокати;

-тана аъзоларининг (баданнинг) куйиши, жароҳатланиши ва одамларнинг заҳарланиши;

- ҳайвонлар ва одамларнинг ўлими;

- бинолар, иншоотлар, моддий бойликлар, ускуналар, ҳужжатлар, санъат асарлари ва уй жиҳозларининг нобуд қилиниши ёки шикастланиши.

Ўрнатилган тартибга кўра ёнғин ўчирилгандан сўнг, бир кун давомида, ўт ўчиришни бошқарган ёки давлат ёнғин назорати ходими бошчилигида тузилган комиссия (ҳайъат) томонидан ёнғин содир бўлганлиги ҳақида 2 нусхадан иборат далолатнома тузилади. Агар ёнғинга ўт ўчириш қисмлари чиқмаган бўлсалар, ёнғин ҳақидаги маълумот давлат ёнғин назорати органига жабрланувчилардан, милициядан. Суғурта идораларидан ёки бошқа жойдан тушган бўлса, ёнғин содир бўлганлиги ҳақидаги далолатнома худди шундай комиссия таркибида маълумот тушган пайтдан бошлаб 2 сутка давомида тузилади. Далолатноманинг бир нусхаси комиссия аъзолари томонидан имзо қўйилганидан сўнг, маҳаллий давлат ёнғин назорати органида қолади, иккинчи нусха эса ёнғин содир бўлган корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ёки хонадон эгасига топширилади.

Корхона, муассаса, ташкилот, кооператив ва бошқа хўжаликлардаги ҳамда аҳоли яшаш жойларидаги содир бўлган ёнғинлар ҳисобини қуйидагилар олиб борадилар:

- Ўзбекистон Республикаси ИИВ ДЁН органлари (Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегара Қўмитасига қарашли масканлардан ташқари);

- ёнғин рўй берган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан ҳамда уларнинг юқори турган вазирликлари, қўмиталари, концернлари, уюшмалари ва бирлашмалари томонидан.

Соғлиқни сақлаш муассасалари билан таққослаш пайтида аниқланган ёнғинлар касалларнинг касаллик тарихидан олинган кўчирма асосида ва унга асосланиб тузилган далолатномага таяниб, одам ҳалок бўлган ҳолларда эса – тергов ишларининг якуний натижаларига асосан ҳисобга олинади.

Ёнғин оқибатида етказилган моддий зарар унинг қопланишидан қатъи назар тўлиқ ҳисобга олинади.

Ёнғин оқибатида айланма фонд нобуд қилинганда етказилган моддий зарар қуйидагича аниқланади:

- ишлаб чиқариш жараёнида – хом ашё, материалларни сотиб олишга ва уни қайта ишлашга кетган харажатлар тан нархи бўйича;

- базаларда – савдо чегирими, устама харажат ва табиий чиқимлар норма (меъёр)ларини ҳисобга олган нархлар бўйича;

- сотувда – амалдаги таннархи бўйича;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нобуд бўлишича – транспорт ва омборхоналарда сақлаш харажатларини ҳисобга олган ҳолда, маҳсулотларни тайёрлаш ва сотиб олишга кетган харажатлар асосида;

- тайёр маҳсулотлар бўйича – амалдаги таннархи бўйича.

Давлат ёнғин назорати органлари етказилган моддий зарарнинг миқдорини ёнғин содир этилган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, суғурта муассасалари раҳбарияти тақдим этган маълумотнома асосида ҳисобга олишади.

Маълумотномада алоҳида қилиб қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

-умумий зарар;

-бино ва иншоотлар бўйича етказилган зарар;

-ускуналар бўйича;

-жиҳозлар бўйича.

Маълумотномада кўрсатилган моддий зарар миқдорининг ишончлигига, унга ўз имзосини қўйган раҳбарлар жавоб беришади.

11. Кўнгилли ўт ўчириш жамоалари аъзоларини тайинлаш ва уларнинг моддий таъминланишини ташкиллаштириш /4/

Кўнгилли ўт ўчириш дружинасининг сони объект (цех) раҳбари томонидан белгиланади, лекин у 4 кишидан кам бўлмаслиги керак.

Кўнгилли ўт ўчириш дружиналари ихтиёрийлик асосида объект (цех) ишчилари ва хизматчиларидан ташкил этилади.

Кўнгилли ўт ўчириш дружинаси аъзолигига 18 ёшга тўлган шахслар қабул қилинади.

Кўнгилли ўт ўчириш дружинасига кирувчи барча шахслар объект раҳбари номига ёзма ҳолда ариза беришлари лозим.

Кўнгилли ўт ўчириш дружинаси таркибига қабул қилиш ва ушбу таркибдаги кейинги ўзгартиришлар объект (цех) бўйича буйруқ билан эълон қилинади.

Ёнғин чиққан ҳолларда Кўнгилли ўт ўчириш дружинаси аъзоларининг ҳаракатлари тўғрисидаги жанговар гуруҳ табели цехнинг кўринадиган жойига осиб қўйилади.

Ҳар бир кўнгилли ўт ўчириш дружинаси ва бўлимга ёнғинга чиқиш ҳоллари ёки авария ҳолати учун жанговар гуруҳ тузилади.

Кўнгилли ўт ўчириш дружинаси аъзолари билан ўқув машғулотлари объект (цех) раҳбари томонидан тасдиқланган жадвалга кўра, ишдан бўш вақтларда, ойига кўпи билан 4 соат ўтказилади.

Кўнгилли ўт ўчириш дружинаси аъзоларини ишдан ташқари вақтда ёнғин соқчилиги бўйича навбатчиликка жалб қилиш тартиби объект раҳбари ва давлат ёнғин назоратининг маҳаллий органлари томонидан белгиланади.

Кўнгилли ўт ўчириш дружинаси бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг вазифалари

Кўнгилли ўт ўчириш дружиналарининг бошлиғи:

а) объект (цех)даги ёнғинга қарши тартиб-қоидаларга қандай риоя этилаётганини назорат қилишни амалга ошириш;

б) объект (цех)даги мавжуд барча дастлабки ўт ўчириш воситаларининг ишга тайёрлигини мунтазам равишда текшириб бориш ва улардан бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик;

в) ишчилар ва хизматчилар орасида ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш;

г) Кўнгилли ўт ўчириш дружинаси шахсий таркиби билан машғулотлар ўтказиш (айрим ҳолларда машғулот ўтказиш учун объектнинг идорага қарашли ёнғин соқчилиги жалб қилиниши мумкин);

д) Кўнгилли ўт ўчириш дружинаси бўлинмалари бошлиқлари ишига раҳбарлик қилиш ва цех жанговар гуруҳларининг ишга тайёргарлигини текшириш;

е) объект (цех)да ўт ўчириш қисмлари етиб келгунга қадар ёнғинни ўчиришга раҳбарлик қилиш;

ж) объект (цех) раҳбариятини ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлиги тўғрисида хабардор қилиш;

з) давлат ёнғин назорати инспекторлари кўрсатмасига кўра уларнинг ёзма кўрсатмаларининг бажарилишини назорат қилиш;

и) авария ҳолатлари рўй берганда Кўнгилли ўт ўчириш дружинаси аъзоларининг навбатчилигини ташкил қилиш.

Кўнгилли ўт ўчириш дружинаси бошлиғининг ҳуқуқлари

Кўнгилли ўт ўчириш дружинасининг бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) объект раҳбаридан ўзига юкланган вазифаларини бажармаган шахсларни Кўнгилли ўт ўчириш дружинаси аъзолигидан озод этиш тўғрисида илтимос қилиш;

б) ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлиги тўғрисида баённома тузиш ва уни чора кўриш учун давлат ёнғин назорати органларига албатта бериш;

в) объект (цех)да ёнғинга қарши тартиб-қоидаларни яхшилаш юзасидан оғзаки ёки ёзма шаклда тавсиялар бериш;

г) портлаш ёки ёнғин чиқишига сабаб бўлувчи ёнғин хавфи бўлган ишларни ва бошқа ишларни, уларни объект маъмурияти ёки давлат ёнғин назоратининг маҳаллий органлари томонидан кўриб чиқилгунга қадар, ўтказишни тақиқлаш.

Кўнгилли ўт ўчириш дружинасини маблағ билан таъминлаш

Кўнгилли ўт ўчириш дружиналарини маблағ билан таъминлашга оид барча харажатлар улар ташкил этилган объектлар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўт ўчириш автомобиллари ва мотопомпалардаги жанговар гуруҳлар таркибига кирувчи Кўнгилли ўт ўчириш дружинаси аъзолари корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳисобидан махсус кийим-бошлар тўплами (брезент курткалар, шимлар ва қўлқоплар, пахталик нимчалар ва шимлар) ҳамда чарм ёки кирза этиклар билан ҳарбийлаштирилган ўт ўчирувчи қисмлари учун белгиланган муддатга таъминланадилар.

Кўнгилли ўт ўчириш дружинаси аъзоларининг иш вақтида ёнғинни ўчириш ёки аварияни бартараф этишда қатнашган пайтдаги меҳнатига ҳақ тўлаш меҳнат қонунчилиги нормаларига мувофиқ ишлаб чиқаришдаги ўртача ойлик иш ҳақи ҳисобидан амалга оширилади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳисобига Кўнгилли ўт ўчириш дружиналарининг бутун шахсий таркиби ёнғин ёки аварияни бартараф этиш ишлари натижасида содир бўлган ўлим ёки шикастланиш ҳоллари учун ҳар бир дружина аъзосига 50 (эллик) та энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида суғурта қилинади, бунда жабрланувчига етказилган зарар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сон қарорида назарда тутилган миқдорларда қопланади.

Кўнгилли ўт ўчириш дружинасининг энг фаол аъзолари давлат ёнғин назорати ҳудудий ва маҳаллий органларинг илтимосига биноан корхона томонидан мукофотланишлари мумкин.

12. Ёнғинга қарши тарғибот тушунчаси, вазифаси ва мақсади /3; 6/

ДЁН ходимлари ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 227 - сонли қарори билан 1993 йилнинг 17 майида тасдиқланган "ДЁН тўғрисидаги Низом" ва ЎзР ИИВ нинг 344 - сонли буйруғи билан 1993 йилнинг 22 сентябрида тасдиқланган "ЎзР да ДЁН нинг иш фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисидаги Қўлланмаси " талаблари асосида ёнғинга қарши тарғибот ишларини олиб боришлари лозим.

Ёнғинга қарши тарғибот ДЁН органлари профилактика хизматининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади ва у аҳолининг турли қатламлари ва гуруҳларига таъсир ўтказишнинг замонавий воситалари ва усулларига таянган ҳолда амалга оширилади.

Ёнғинга қарши тарғиботнинг вазифалари қуйидагилар:

- кўп тарқалган ва ўзига хос (характерли) сабаблардан келиб чиқувчи ёнғинларнинг олдини олиш;
- фуқароларда ёнғинлардан одамлар ҳаётини ва моддий бойликларни сақлаб қолиш жавобгарлиги ҳиссини тарбиялаш;
- корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ишчи ва хизматчиларни, аҳолини (яшаш жойларида), ўрта мактабларда ва турли ўқув даргоҳларида ўқувчиларни ва бошқа шахсларни ёнғин хавфсизлиги қоидалари билан таништириш ва ўргатиш, зарурат туғилганда (ёнғин чиққанда) тўғри ҳаракатлар қилиш кераклиги борасидаги кўникмаларни бериш;
- ишлаб чиқаришнинг асоси бўлган ва атрофимизни ўраб олган технологик жараёнларда, асбоб-ускуналарда, жиҳозларда, агрегатларда ва буюмларда яширинган ёнғин чиқиш хавфига (эҳтимолига) билимли кўз билан қарашни ва ёндашишни тарбиялаш;
- ёнғиндан сақлаш хизмати ва кўнгилли ўт ўчириш жамоат ташкилотларининг фаолиятини оммалаштириш, фуқароларнинг ёнғинларни ўчиришда, инсонлар ҳаётини сақлаб қолишда кўрсатган жонбозликларини, қаҳрамонликларини ва бошқа ижобий сифатларини ибрат тариқасида кенг омма орасида ёйиш;
- кенг жамоатчилик орасида ёнғин хавфсизлиги хизматига нисбатан бўлган ҳурмат даражасини кўтариш ва бу хизмат атрофида позитив фикрлар ҳосил қилиш;
- ёнғинларнинг олдини олиш ва уларни ўчириш соҳасида мавжуд бўлган илғор тажрибаларни ва илмий-техник ютуқларни ёритиш ва бошқалар.

Ёнғинга қарши тарғиботнинг стратегик ва тактик мақсадлари мавжуд.

Ёнғинга қарши тарғибот олдига ҳозирги пайтда тактик мақсадларга қуйидагилар киритилиши керак:

- ёнғинлар билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг (айнан муаммоларнинг, балки алоҳида ҳолатларнинг эмас) мавжудлигини одамлар онгига сингдириш;
- ушбу муаммонинг ҳар бир жиҳатини тушунтириб бериш (умумий қилиб ва алоҳида мисоллар орқали);
- Аҳоли онгида хавф-хатарни сезиш ва жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш;
- ёнғин хавфсизлиги хизмати ва кўнгилли жамоат ташкилотлари соҳаларидаги барча касб эгаларининг обрўсини ошириш, касбнинг ижобий томонларини тарғиб қилиш;
- ёнғин хавфсизлиги талабларининг бошқа соҳалардагига нисбатан устунлиги даражасини янада кўтариш;
- болаликдан бошлаб (ва бутун ҳаёти давомида) ёнғинларга нисбатан бўлган ижобий шаклланган маънавий ва ижтимоий урф-одатларни тарбиялаш;
- ёнғинлар сони жуда кам, уларнинг содир этилиши бир тасодифий ҳол ёки бир бахтсиз ҳодиса (воқеа), деб қараладиган ва шаклланган субъектив (ёлғон) фикрларни режа асосида аста-секинлик билан камайтириш ёки имкон қадар йўққа чиқариш.

13. Ёнғин техник текширувига тайёргарлик кўришнинг асосий элементлари /6/

ДЁН органи томонидан қайдга олинган ҳар бир маскан йилда бир марта ҳар томонлама ва қайта текширилади. Бу текширишлар эса ўз навбатида босқичма босқич амалга оширилади.

1.Ёнғин хавфсизлигига қаратилган ишларни текширишни амалга оширишга тайёргарлик кўриш. У ўз ичига қуйидаги элементларни қамраб олади:

текширилиши назарда тутилган масканнинг ёнғин хавфсизлигига оид техник адабиётларни, жумладан ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни, меъёрлар, қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ўрганиш;

масканнинг умумий чизма-режаси билан танишиб чиқиш;

ёнғинга қарши сув таъминоти чизмасини;

охирги 2-3 йилда масканда бўлиб ўтган ёнғинлар ҳақидаги маълумотлар

олдинги текширишларга оид ҳужжатларни ўрганиб чиқиш.

2. Масканда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича қилинган ташкилий ишларни текшириш.

3. Маскан ҳудудини, бинолар ва иншоотларни, ишлаб чиқариш дастгоҳлари ва ускуналарини текшириш.

4. Ишчилар, хизматчилар ва деҳқонларга ёнғин чиққан пайтда қандай ҳаракатлар қилишлари кераклиги ҳақида йўриқномалар бериш ва уларга тушунтириш.

5. Корхона раҳбари ҳузурида текширишлар натижаси бўйича мажлис уюштириш.

6. Текширишлар натижаси юзасидан ҳужжатларни расмийлаштириш:

7. Таклиф қилинган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш,

14. ДЁН органларининг фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари /6/

1. Давлат ёнғин назоратининг фаолиятини ташкиллаштириш

Маҳаллий давлат ёнғин назорати – шаҳар, аҳоли турар жойлар ва туманлар марказидаги, ҳалқ хўжалиги корхоналарида жойлашган ҳарбийлаштирилган,

умумий ўт ўчириш қисм ва отрядлари, шаҳар, туман, шаҳарлардаги туманлар ички ишлар бошқарма ва бўлимларининг давлат ёнғин назорат бўлинмаларининг ишлаш шароитларини яхшилаш.

2) Ёнғин хавфсизлигига қаратилган ишларни текшириш.
3) Меъёр амалиёти ишлари йўналиши.
4) Маъмурий - ҳуқуқ фаолияти.

15. Аҳолига ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўргатишни ташкиллаштириш, шакллари ва усуллари /6/

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 25 июнда қабул қилган 267-44-сонли «Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш» тўғрисидаги Қарорида уй-жойдан фойдаланиш ташкилотлари, маҳалла фуқаролар йиғини қошида – аҳолини ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ўргатиш ишларини ташкиллаштириш алоҳида белгилаб берилган.

Биринчи босқич аҳолини ўқитишнинг ташкилий масалаларини ҳал этиш, дастурлар ишлаб чиқиш, ўқитиш муддатлари ва ўқитишнинг аниқ шаклларини аниқлашни ўз ичига олади. Аҳолини ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ўқитиш бўйича тайёргарлик кўриш ва амалга ошириш давлат ёнғин назорати аппарати ва тегишли ёнғинга қарши кураш жамиятининг иш режаларига киритилади.

Иккинчи босқич жамоатчилик инструкторлари номзодларини танлаш, уларнинг рўйхатини тасдиқлаш ҳамда уларни қандай тайёрлаш, бунда бу ишларни ўз хоҳишига кўра амалга ошириш тамойилига риоя қилиш зарур. Инструкторлар, ўт ўчирувчилар, ёнғинга қарши кураш жамиятининг ходимлари, яхши тайёрланган ва фаол назоратчилар, маҳалла посбонлари, комендантлар, маҳалла қўмиталарининг фаоллари, жамоат ва давлат хўжаликларининг кўнгилли ўт ўчириш дружиналари бошлиқлари, давлат хўжаликларининг меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги бўйича муҳандислари, умумтаълим мактаб, коллеж, лицейлар, олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларининг ўқитувчилари, телевизор тузатиш устахоналарининг мастерлари ва бошқалар бўлиши мумкин.

Аҳолига ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўргатувчи жамоатчи инструктор Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ томонидан ишлаб чиқилган дастур ҳажмида ўқув тайёргарлигидан ўтиши керак.

Учинчи босқичда бевосита аҳолига ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўргатиш тадбирлари амалга оширилади.

Аҳолини яшаш жойларида ўқитишнинг қуйидаги шакллари мавжуд: асосий шакл сифатида иккита-учта оиладан таркиб топган гуруҳга якка тартибда машғулотлар ўтказиш; гуруҳлар билан йўриқ бериш шаклида суҳбатлар ўтказиш; янги кўчиб келганларга ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқлар бериш.

Якка тартибда йўриқ бериш усулида ўқитиш имкони бўлмаган оилаларнинг аъзоларини гуруҳларга бўлиб йўриқ бериш учун уй-жойдан фойдаланиш ташкилотлари ва уй-жой бошқармаларида кўргазмали қуроллар, брошюралар, плакатлар, фотосуратлар билан жиҳозланган хона ёки бурчаклар ташкил қилиш тавсия этилади.

Жамоатчи инструктор суҳбатларни ўтказишда фуқароларда қизиқиш уйғота олиши керак. Ҳар бир жамоатчи инструктор қуйидаги материалларга эга бўлиши керак: Аҳоли турар жойлари учун ёнғин хавфсизлиги қоидалари, ўқитишнинг намунавий дастури бўйича мавзулар ёритилган эслатма, суҳбатлар матнлари, ёнғин оқибатлари акс эттирилган фотосуратлар ва уларга берилган изоҳ, уйлар учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларидан иборат плакатлар тўплами, диафильм ва магнитофильмлар, тарғибот материаллари (буклет, эслатма ва бошқалар).

16. Комплекс текширувларни тайёрлаш ва ўтказиш /6/

ДЁН тўғрисидаги Низом ЎзР ИИВ ёнғин хавфсизлиги хизмати органларига ҳалқ хўжалиги масканларини текшириш ва мансабдор шахсларга бажарилиши шарт бўлган ёзма кўрсатмалар тақдим этиш ҳуқуқини белгилаб берган. Низомда белгилаб қўйилган ДЁН органларининг асосий вазифаларидан бири - ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда шаҳарлар, аҳоли пунктлари ва ҳалқ хўжалиги объектларида ёнғин чиқиш хавфсизлигини таъминлаш ишларини такомиллаштириш. Ҳалқ хўжалиги масканларининг комплекс текширишлари Қўлланма талабига кўра ЎзР ИИВ ЁХББ, ҚР ИИВ ЁХБ, вилоятлар ИИБ ва Тошкент шаҳри ИИББ ЁХБларининг режалари асосида ўтказилади. Бу текшириш давомида ҳалқ хўжалиги тармоғининг барча масканлари текширилади.

Шаҳар, туман ва қишлоқ ҳудудлари ёнғин хавфсизлиги ҳолатининг комплекс текшируви эса ИИВ ва ИИББ (ИИБ) ЁХБларининг йиллик календар режалари асосида ўтказилади.

Текширув ИИВ ва ИИБ ЁХБ раҳбарларининг ёки уларнинг таркибий бўлим (бўлинма) раҳбарларининг бошчилигида тузилган комиссия томонидан амалга оширилади. Комиссия таркибига текширилаётган ва бошқа туманлар ДЁН бўлинмалари ходимлари ҳам киритилади.

Тегишли ташкилот раҳбарлари билан келишилган ҳолда комиссия таркибига маҳаллий ҳокимият, бошқа назорат органлари, айрим соҳага оид ташкилотлар кўнгилли жамоат ташкилотлари, ҳалқ хўжалиги соҳаларининг мутахассис вакиллари ҳам киритилади.

Текширишлар жараёнида ёнғин-тактик машқлари ўтказилади ҳамда КЎЎДларнинг жанговар ҳолати аниқланиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилади. Қишлоқ жойларини режалаштириш ва қуриш масалалари ҳам кўриб чиқилади, ёнғинга қарши сув таъминоти масалалари ҳам кўриб чиқилади.

17. Қишлоқ туманларида ёнғинларни олдини олиш ишларини ташкиллаштириш /6/

Қишлоқ хўжаликлари бошқармалари, деҳқон-фермер хўжаликлар уюшмалари ва техника таъминоти уюшмалари билан биргаликда ишларни ташкил этиш.

ДЁН органлари қишлоқ жойларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузаётган шахсларга нисбатан чора қуриш учун юқори ташкилотлар орқали ҳаракат қилиши лозим.

Жамоа хўжаликларига тааллуқли капитал ёнғинга қарши тадбирларни бажарилиши ва ёнғин ўчириш техникалари сотиб олиш учун юқори ташкилотлар орқали маблағ ажратилишини ташкил этиш,

Масканларнинг ёнғинга қарши ҳолати бўйича ҳар турли кўрик танловлар ташкил этиш.

КЎЎД бошлиқларини ўқитиш бўйича барча чораларни кўриш,

Шундай қилиб қишлоқлардаги саноат корхоналари ва аҳоли турар жойларидаги ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидаги комплекс чора тадбирлар кўрилиши лозим

1. турар жой ва оммавий бинолар қурилишида қийин ёнувчан материалларни ишлатишни ташкил этиш,
2. Уй жойларни қуришни режалаштирилган холда амалга оширилишини талаб қилиш,
3. Мавсумий даврларда ёнгинларни олдини олиш учун огоҳлантирувчи чораларни кўриш,
4. КЎЎДларни ташкил этиш

5. Хўжаликларда ёнғинга қарши курашувчи ташкилотларни асосини ташкил этиш
6. Ёнғин ўчириш учун режалаштирилган техникаларни тезликда жамлаш ишларини кўриш,
7. Ўт ўчириш техникаларининг мослаштирилган турларини ташкил этиш, ёнғинга қарши йўриқномалар ва ҳамда аҳолини ёнғинга қарши ишларга ўқитиш,
8. ЁТКларни ташкил этиш ва улар ёрдамида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш.
9. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги Ҳокимият қарорини тайёрлаш ва тасдиқлаш Қарорини чиқариш керак .
10. Қўшма отрядларнинг ишини ташкиллаштириш.
11. Ўт ўчириш техникаларини қўшимча ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш.
12. Содир бўлган ёнғинларни ўчиришни ташкиллаштириш

18. Корхоналарнинг ёнғинга қарши ҳолатини текширишнинг бригада ва якка тартибдаги усуллари /6/

Литерли (ўта муҳим) корхоналарни текшириш бир гуруҳ (бригада) ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади ва бу гуруҳга ушбу корхона бириктирилган ДЁН ходими ҳам киритилади. Ушбу текшириш услублари кўпинча корхонанинг ўзига хослигига ва ишлаб чиқаришнинг ёнғин хавфсизлиги даражасига боғлиқдир.

Бино ва иншоотларни бригада усулида текшириш жараёнида тасдиқланган текширишни ўтказиш режасининг муҳлатларига риоя қилиш муҳим рол ўйнайди. Бригада аъзолар сони ва унинг ишини амалга ошириш муддати иш режасида белгиланади. Уни ўтказиш муддати, қоида сифатида, 5 кундан ошмаслиги керак. Текшириш тугаганидан сўнг яна 5 кун давомида эса олинган барча маълумотлар қайта ишланган бўлиб, корхона маъмурияти билан якуний мажлис ўтказилади, ёзма кўрсатма расмийлаштирилади ва у тақдим этилади. Шундай қилиб, йирик корхоналарни бригада усули билан текшириш, қоида сифатида, 10 кунда амалга оширилади. Амалиёт тажрибаси шуни кўрсатадики, текшириш муддатини чўзиб юбориш тезкорликни ва иш унумдорлигини пасайтириб юборади.

Корхонанинг тавсифига кўра текшириш учун бригада таркибига кирувчи бир неча ишчи гуруҳлар тузилади ва улар параллел йўналишларда кўздан кечиришни амалга оширадилар. Ўт ўчириш автоматик воситаларини текшириш учун махсус мутахассислар жалб этилади.

Тайёргарлик кўриш жараёнида иш режаси пухта ишлаб чиқилади ва унда текшириш муддатлари, гуруҳлар ва иш йўналишларига бўлинган бригада аъзолари, ёнғин-тактик машқининг ўтказилиш пайти ва жойи, бригада ишига якун ясаш тартиби ва унда кўриладиган масалалар кўрсатилади.

Бригада таркибига киритилган ДЁН ходимлари тайёргарлик кўриш жараёнида корхона ишлаб чиқаришини ва биноларини тавсифловчи техник ҳужжатларни ва махсус техник адабиётларни, амалдаги ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларини ўрганиб чиқадилар.

Илгари тақдим этилган ёзма кўрсатмалар, ўт ўчириш режаси, корхонада бўлиб ўтган ёнғинлар ҳақидаги маълумотномалар билан танишиб чиқадилар. Бригада ишини бошлашга 2-3 кун қолганда бригада раҳбари ҳар бир ходимнинг қайси даражада тайёргарлик кўрганлигини шахсан текшириб чиқади.

Ёнғин хавфсизлигига қаратилган ишларни текширишни амалга оширишдан камида 1 ой олдинроқ корхона раҳбари бу ҳақда хат орқали огоҳ қилинади. Бригаданинг барча аъзоларига автоматика тизимининг иш ҳолатини текшириш услуби бўйича махсус эсдаликлар берилади.

ЁХБ бригадаси томонидан таклиф этилган тадбирларнинг бажарилиши - комбинатнинг ёнғинга қарши ҳолатини яхшилаш ва ёнғин чиқиш хавфини пасайтириши зарур.

19. Аҳоли кўп йиғиладиган жойларда ёнғин назоратни ташкиллаштириш /12/

Ёнғин чиққан пайтда одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аҳоли кўп йиғиладиган масканларда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш орқали унга эришилади:

1. Қутқарув йўлларининг ҳажмий-режавий ва конструктив жиҳатдан ўз ечимларини тўғри топганлиги, хоналарнинг рационал жойлашганлиги, одамларни қутқаришга мўлжалланган йўналишларнинг пухта ўйлаб танланганлиги.

2. Олов ва ёниш маҳсулотлари тарқалишининг олдини олишга, ёнғинни тезда ўчиришга қаратилган муҳандислик ечимлар орқали (ёнғинга қарши тўсиқлар, тутундан ҳимоялаш тизимлари, ўт ўчириш ва хабар берувчи автоматика воситалари ва бошқалар).

3. Одамлар ҳаракатланаётган йўлаклар ва хоналарда (холлар, коридорлар, зиналар ва шу кабилар) безаш учун ёнувчан материаллар, шунингдек оловнинг юза бўйлаб тез тарқалиши эҳтимоли бўлган материалларни қўллашни чеклаш.

4. Ёнғин чиққан пайтда ёки бошқа фалокат юз берган ҳолатларда одамларни тез ва муваффақиятли қутқаришга хизмат қилувчи қутқариш йўлаклари ва махсус ускуналарни доимий равишда соз ҳолатда тутиш.

5. Одамларнинг доимо мавжуд бўлиши эҳтимоли бўлган жойларда, шунингдек, биноларнинг ертўлаларида портловчи моддаларни, ёнувчан газли баллонларни, енгил ёнувчан ва ёнувчан суюқликларнинг захираларини, ёнғин хавфи бўлган бошқа материалларни сақлашни тақиқлаш (мактабларнинг физика ва кимё кабинетларида, даволаш муассасаларининг лабораториялари ва дорихоналарида ёнғиндан хавфли моддаларни сақлаш меъёрлари ва тартиби алоҳида қоидалар орқали белгиланади).

6. Хизматчиларнинг ёнғин чиққан пайтда ҳамда одамларни қутқариш чоғида қандай ҳаракатлар қилиш учун қайси даражада шай эканликлари (ўт ўчириш хизматини ўз вақтида чақириш, ўт ўчириш воситаларидан тўғри фойдалана олишлари, ялпи қутқариш пайтида одамларга ёрдам бера олишлари ва бошқалар).

7. Масканнинг маъмурияти томонидан хизматчиларнинг ёнғин хавфсизлиги режимига, таъмирлаш ва электр-газ билан пайвандлаш ишларини амалга ошириш чоғида, электр ускуналаридан фойдаланиш, шунингдек, иситиш приборлари, электр ускуналари, телевизорлар ва махсус ускуналардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишларини доимий назорат остига олиш.

20. Якка тартибда одамларни қутқариш ишларини ташкиллаштириш тартиби /12/

Алоҳида хоналардан қутқариш учун мўлжалланган схематик режаларда қуйидагилар кўрсатилиши зарур: одамларни қутқаришга мўлжалланган зина катаклари, лифтлар, лифт холлари ва хоналар; балконлар, ташқи зиналар, шунингдек, бинодан ташқарига чиқишга мўлжалланган ва қутқарув йўлларида жойлашган эшиклар.

Қутқарув режаси қайси хона учун мўлжалланган бўлса, умумий режада ўша хонага «Сизнинг хонангиз» деб ёзиб қуйиш керак. Қаватнинг режасида шартли белгилар ёрдамида қуйидагиларнинг қаерда жойлашганлиги кўрсатилади:

- ёнғин ҳақида хабар берувчи мосламаларнинг кнопкалари;
- қават бўйича навбатчи ходимнинг телефони;
- ўт ўчириш жўмраклари ва воситалари.

Шартли белгилар режада яхши кўринадиган ҳолда бажарилади.

Якка тартибдаги қутқарув режаси хонанинг кўзга кўринарли жойида осиб қўйилади.

Масъул навбатчи меҳмонларни қайдга олгунга (хоналарга жойлаштиргунга) қадар уларга ўт ўчириш воситалари ва қутқарув йўлларининг жойлашувини таништириб чиқиши керак.

Масканларнинг раҳбарлари ва хизмат кўрсатувчи ходимлари ёнғин чиққан пайтда қуйидагиларни амалга оширишга мажбурлар:

а) бу ҳақида дарҳол маҳаллий ўт ўчириш хизматига хабар бериш ва муассасанинг ходимларини ва кўнгилли ўт ўчириш дружинасини оёққа турғизиш;

б) одамларни ва моддий бойликларни қутқариш учун барча чораларни кўриш;

в) бир вақтнинг ўзида муассасада мавжуд бўлган бирламчи ўт ўчириш воситалари ёрдамида ёнғинни ўчиришга киришиш;

г) етиб келган ўт ўчириш хизмати ходимларини кутиб олиш ва уларга ёнғиннинг жойи ва бинода қанча одамларнинг мавжудлиги ҳақида хабар бериш мақсадида маъмурият ходимларидан бирортасини тайинлаш.

Маҳаллий ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари бу эслатмалар ва қутқарув режаларининг мавжудлиги ва уларнинг қанчалик тўғри тузилганлигини текширибгина қолмасдан, балки муассаса маъмуриятига ва бошқа ходимларига бу ҳужжатларнинг тўғри тузилишига, амалда уларни синаб кўришга (машқлар ўтказишларига) амалий ёрдам беришлари зарур.

Хусусан, «Яшаш уйлари, меҳмонхоналар, ётоқхоналар, маъмурий муассасалар бинолари учун ёнғин хавфсизлиги Қоидалари» талабларига асосан меҳмонхоналар ва ётоқхоналарнинг барча яшаш хоналарида қуйидагилар кўзга кўринарли жойларда осиб қўйилиши керак:

- ушбу хонанинг рақами ҳамда қутқариш эшиклари ва унга олиб борадиган йўллар, шунингдек қисқача тушунтириш матни мавжуд бўлган ўт ўчириш воситалари ва хабарловчи воситаларнинг жойлашуви кўрсатилган якка тартибдаги қутқарув режа-схемалари;
- одамларнинг ёнғин пайтида қандай ҳаракатлар қилиши зарурлиги ҳақидаги эслатмалар;
- меҳмонхона ва ётоқхона яшовчилари томонидан бажарилиши шарт бўлган ёнғин хавфсизлиги қоидалари ҳақида қисқача эслатмалар.

Хориждан келган меҳмонлар яшашига мўлжалланган меҳмонхоналарда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва ёнғин пайтидаги уларнинг бўлажак ҳатти-ҳаракатлари ҳақидаги эслатмалар бир неча чет тилларида бажарилган бўлиши керак.

21. ДЁН органлари томонидан олиб бориладиган тарғибот ишларини ўтказиш йўллари шакллари ва услублари /6/

Аҳоли орасида ёнғинга қарши тарғибот қуйидагича амалга оширилади:

оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиб (рўзнома, телевидение, радиоэшиттириш); ёнғинга қарши қаратилган кинофильм, видеофильм, диафильм, диапозитивларни кўрсатиш; ёнғин хавфсизлиги тадбирларини ёнғинга қарши адабиёт, брошюра, бюллетен аниқ тасвирий материаллар (плакат, альбом,

буклетлар) орқали оммалаштириш; лекция, суҳбат, нутқ, консультациялар ўтказиш; тарғибот ва ташвиқот марказ ва кўргазмаларида саёҳатлар уюштириш; оммавий тадбирлар, кўриклар, ёнғинга қарши фильмларни намойиш этиш ойликлари (ҳафталикларини) ташкил этиш; ёнғин хавфсизлик мавзусини асос қилувчи бадиий асарлар яратиш.

Аҳоли орасида оммавий тушунтириш ишини ҳар бир давлат ёнғин назоратчиси ўтказиши керак.

Аҳоли олдида, ўқув юртлари, меҳнат жамоалари олдида чиқишлар, аҳоли турар жойларида ёки ҳалқ хўжалиги масканларидаги ёнғинларнинг тезкор ҳолатини ҳисобга олган холда, ойига 1 мартадан кам бўлмаган холда ўтказиш керак.

Суҳбат ва лекциялар ўтказиш вақтида ўзига хос ёнғинлар, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш сабабларига асосланиб, ёнғинни олдин олиш ва ўчиришдаги омилкор ишларни мисол тариқасида кўрсатиш даркор.

Ҳудудий давлат ёнғин назорати хизмати ёнғин хавфсизлиги ҳақида намунали суҳбат ва лекциялар тайёрлаб уларни маҳаллий давлат ёнғин назорати хизматларига юборадилар, жойларда улар мисол ва асослар билан тўлдирилади.

Давлат ёнғин назорати ходимлари ёнғин хавфсизлигини таъминлаш саволлари билан турли мажлис, жамоа хўжаликлари, ишчи ва хизматчилар йиғинлари, ҳокимият йиғилишлари, Кўнгилли ўт ўчириш жамият ва бошқа жамоат, активлар йиғилишларида иштирок этиб, маъруза этишлари керак.

Ҳудудий ёнғин назорат хизматлари ёнғинга қарши қаратилган фильмларни Республика, вилоят ва шаҳарлар бўйича йиллик ҳаракат жадвалини тузадилар ва уларнинг нусхаларини маҳаллий давлат ёнғин назорат хизматларига етказадилар. Маҳаллий ДЁН жадваллар асосида киноижара ва маданият сарой ва уйлари, клуб ва бошқа жойларда ёнғинга қарши қаратилган фильмларни намойиш этиш ойлик репертуар режаларини тузадилар, ҳамда намойиш этишни назорат қиладилар.

22. Кўнгилли ўт ўчириш жамоаларининг фаолиятини белгиловчи асосий ҳужжатлар /4/

ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 243 - сонли қарори билан 1995 йилнинг 29 июлида тасдиқланган

Кўнгилли ўт ўчириш дружиначилари тўғрисидаги Низоми.

Ёш ўт ўчирувчи дружиначилари тўғрисидаги Низоми.

Ёнғин - техник комиссиялари тўғрисидаги Низоми.

ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган «ЎзР Ёнғинга қарши кураш жамиятининг Низоми»

23. Аҳоли кўп йиғиладиган жойларда ёнғинга қарши профилактик ишларни ташкиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари /12/

Ёнғин чиққан пайтда одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аҳоли кўп йиғиладиган масканларда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак.

1. Қутқарув йўлларининг ҳажмий-режавий ва конструктив жиҳатдан ўз ечимларини тўғри топганлиги, хоналарнинг рационал жойлашганлиги, одамларни қутқаришга мўлжалланган йўналишларнинг пухта ўйлаб танланганлиги.

2. Олов ва ёниш маҳсулотлари тарқалишининг олдини олишга, ёнғинни тезда ўчиришга қаратилган муҳандислик ечимлар орқали (ёнғинга қарши тўсиқлар, тутундан ҳимоялаш тизимлари, ўт ўчириш ва хабар берувчи автоматика воситалари ва бошқалар).

3. Одамлар ҳаракатланаётган йўлаклар ва хоналарда (холлар, коридорлар, зиналар ва шу кабилар) безаш учун ёнувчан материаллар, шунингдек, оловнинг юза бўйлаб тез тарқалиши эҳтимоли бўлган материалларни қўллашни чеклаш.

4. Ёнғин чиққан пайтда ёки бошқа фалокат юз берган ҳолатларда одамларни тез ва муваффақиятли қутқаришга хизмат қилувчи қутқариш йўлаклари ва махсус ускуналарни доимий равишда соз ҳолатда тутиш.

5. Одамларнинг доимо мавжуд бўлиши эҳтимоли бўлган жойларда, шунингдек, биноларнинг ертўлаларида портловчи моддаларни, ёнувчан газли баллонларни, енгил ёнувчан ва ёнувчан суюқликларнинг захираларини, ёнғин хавфи бўлган бошқа материалларни сақлашни тақиқлаш (мактабларнинг физика ва кимё кабинетларида, даволаш муассасаларининг лабораториялари ва дорихоналарида ёнғиндан хавфли моддаларни сақлаш меъёрлари ва тартиби алоҳида қоидалар орқали белгиланади).

6. Хизматчиларнинг ёнғин чиққан пайтда ҳамда одамларни қутқариш чоғида қандай ҳаракатлар қилиш учун қайси даражада шай эканликлари (ўт ўчириш хизматини ўз вақтида чақириш, ўт ўчириш воситаларидан тўғри фойдалана олишлари, ялпи қутқариш пайтида одамларга ёрдам бера олишлари ва бошқалар).

7. Масканнинг маъмурияти томонидан хизматчиларнинг ёнғин хавфсизлиги режимига, таъмирлаш ва электр-газ билан пайвандлаш ишларини амалга ошириш чоғида, электр ускуналаридан фойдаланиш, шунингдек, иситиш приборлари, электр ускуналари, телевизорлар ва махсус ускуналардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишларини доимий назорат остига олиш.

24. ДЁН ёзма кўрсатмасини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар. Ёзма кўрсатмани бажарилиши юзасидан назорат ўрнатиш /6/

Ёнғинга қарши ҳолат текширув натижаси бўйича корхона, муассаса, ташкилот раҳбарларига, бошқа жавобгар шахсларга ёнғин хавфсизлиги юклатилган шахслар ва айрим фуқароларга меъёрни, ёнғин хавфсизлигига қаратилган қоида ва стандартлар бузилганлиги бўйича бартараф этилиши керак бўлган тадбирлар, ёнғин чиқмаслигига қаратилган чора-тадбирларни бажариш ҳақида ёзма кўрсатма берадилар.

ДЁН ходимлари ёнғинга қарши ҳолат текшируви вақтида аниқланган ёнғин хавфсизлиги камчиликларини бартараф этиш мақсадида маъмурият ходимларига керакли чора қўллашлари лозим.

Кўрсатмаларга бошқа асосланган тадбирлар хам киритилади, шулар қаторида бино ва иншоотлар, ёнғинга қарши ҳолати таҳлили, содир бўлаётган ёнғинлар, фойдаланишга топширилган қоида, меъёрларни ўзгартириш ва қўшимча киритилган чора-тадбирлар.

Олдинги текшириш натижалари бўйича кўрсатмалардаги бажарилмаган тадбирлар янги кўрсатмаларга қўшилади. Бу тадбирларни бажариш янги муҳлати кўрсатилмайди, тадбирлар бажарилиши лозимлиги тавсия этилган йили кўрсатилади.

Кўрсатма икки нусхада тайёрланади:

1-чи нусха текшириш тугагандан сўнг 5 кун ичида кечиктирилмай фақат корхона раҳбарларига, агар корхона раҳбари йўқ бўлса вазифасини ўтаётган шахсга қўл қўйдириб бажаришга топширилади.

2-нусха ДЁН хизматида назорат учун қолади.

Литерли объектлар учун кўрсатма 3 нусхада тайёрланади, 3-нусха кўрсатма корхона раҳбарига топширилгандан кейин, ИИВ-ИИБ ёнгин хавфсизлиги бошқарма ва бўлимларига юборилади.

Кўрсатмага текширув ўтказган ДЁН ходими қўл қўяди.

Литерли объектлар текшируви натижаси бўйича кўрсатмага бригада раҳбари қўл қўяди, агарда кўрсатмага қўшимча тадбирлар қўшиш керак бўлса, давлат ёнғин назоратчиси кўрсатмага алоҳида қўшимча киритади ва бу ҳақда бригада раҳбарига маълум қилади, у йўқ бўлган тақдирда ИИВ-ИИБ ёнгин хавфсизлиги бошқарма ва бўлим бошлиқларига маълум қилади.

ДЁН ёзма кўрсатмаси, бу ҳар бир ДЁН ходими ишининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. «Давлат ёнғин назорати тўғрисидаги Низом» талабаларига асосан аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун корхона, муассаса ташкилот, раҳбарларига мансабдор шахслар ва бошқа масъул шахсларга ҳамда алоҳида фуқароларга кўрсатмалар ёзма равишда берилади.

Давлат ёнғин назорати ёзма кўрсатмаси 3 қисмдан иборат қилиб ёзилади.

1-Аниқлаштирувчи қисм. Назорат органи номи, объект раҳбари Ф.И.Ш., текширувчи ва қатнашган шахсларнинг Ф.И.Ш.лари, текширув ўтказилган жой ва санаси кўрсатилади.

2- Ёнғинга қарши тадбирлар қисми. Бу ерда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун белгиланган тадбирлар Ёнғин хавфсизлиги қоида талабларининг бандлари билан тасдиқланган холда ёзилади.

Тадбирлар икки қисмда ёзилади.

2.1. Аввалги ёзма кўрсатмадаги бажарилмаган тадбирлар.

Бу ерда бажарилмаган тадбирлар янги муддат белгиланмай қайта бажариш учун таклиф этилади. Тадбирлар қачондан бери бажарилмаётганлиги кўрсатилади. Бажарилиши шарт деб белгиланади ва янги муддат берилмайди.

2.2. Янги аниқланган камчиликлар қисми. Текширув давомида янги аниқланган камчиликлар Ёнғин хавфсизлиги қоида талабларининг бандлари билан тасдиқланган холда ёзилади. Бажарилиши учун муддат берилади.

3. Қайта назорат текширувлари натижаси қисми.

Ўтказилган қайта назорат текширувлари натижаси ёзилади. Белгиланган графаларда бажарилмаган тадбирларнинг тартиб рақами кўрсатилади. Инспектор ва вакилнинг имзолари билар тасдиқланади.

25. Ёнғин – техник минимум тизимида муҳандис техник ходимларга ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларини ўргатиш тартиби /12/

Саноат корхоналарининг ва қурилишларнинг ишчилари ва хизматчилари билан ёнғин-техник минимуми ва ёнғин хавфсизлиги йўриқномалари бўйича ўтказилиши шарт бўлган машғулотлар дастурида барча ишчи ва ходимларнинг ишга жойлашиш пайтида ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича дастлабки йўриқнома, кейинчалик бевосита иш жойида эса - такрорий йўриқнома олиш тартиби ёритилган бўлади. Агар ишга энди жойлашган ходимлар йўриқномалар олмаган бўлсалар, уларга ишга киришиш рухсат этилмайди.

Ёнғин-техник минимумига камида 12-15 соат ажратилиши керак.

Ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқномаларда ишчилар ва хизматчилар қуйидаги маълумотлар билан танишадилар:

- корхонадаги мавжуд ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва йўриқномалари билан;
- ёнғин чиқиш хавфи юқори бўлган ишлаб чиқариш участкалари ва чекиш, олов билан ишлаш тақиқланган жойлар билан;
- ёнғин чиқариш эҳтимоли бўлган сабаблар билан ва уларнинг олдини олиш йўллари билан;
- ёнғин чиққан ҳолларда қандай амалий ҳаракатлар қилиш зарурлиги билан (дастлабки ўт ўчириш воситаларини ишлатиш, Ёнғин хавфсизлик қисми ёки

дружинасини ёрдамга чақириш тартиби, технологик ускуналарни тўхтатиш, электр ускуналари ва шамоллатиш тизимини ўчириш, моддий бойликларни қутқариш тартиби).

Ишлаб чиқаришни ўрганиш тартиби бўйича чиқарилган буйруқда корхона раҳбари ёнғин-техник минимумини ўрганиши шарт бўлган ишчилар ва хизматчилар тоифасини кўрсатиб ўтади.

Ёнғин чиқиш хавфи бўлган корхоналарнинг ишчилар ва хизматчиларининг ёнғин-техник минимуми бўйича ўтказиладиган машғулотлар дастурига қуйидаги мавзулар киритилиши мақсадга мувофиқ:

Масканда ёнғин хавфсизлиги чоралари

Цехда ва иш жойида ёнғин хавфсизлиги чоралари

Ўт ўчириш хизматини чақириш

Ўт ўчириш воситалари ва улардан фойдаланиш тартиби

Ёнғин пайтидаги ҳаракатлар

Ёнғин-техник минимуми дастурини ўрганиб бўлгандан сўнг ишчилар ва хизматчилар синовлар топширишади. Ёнғин чиққан пайтида қандай ҳаракатлар қилиш кераклигини, дастлабки ўт ўчириш воситаларини ишлата олишини билмаган шахслар қайта ўқишга жўнатилади.

Бир цехдан бошқасига ўтказилган ишчилар ва хизматчилар ҳам янги ишлаб чиқаришнинг ёнғин хавфсизлигига хос бўлган ёнғин-техник минимумларини ўрганишга юборилади. Ишчилар ва хизматчилар такрорий ёнғин хавфсизлиги йўриқномасини ҳар 2-3 йилда оладилар ёки ёнғин-техник минимуми бўйича дастурни ўрганадилар.

26. Литер объектларни комплекс текширувини ўтказиш учун тайёргарлик кўриш тартиби /6; 12/

Ўта муҳим корхоналарни текшириш бир гуруҳ (бригада) ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади ва бу гуруҳга ушбу корхона бириктирилган ДЁН ходими ҳам киритилади.

Бригада усулида текшириш жараёнида текширишни ўтказиш тасдиқланган режасининг муҳлатларига риоя қилиш муҳим. Бригада аъзолар сони ва унинг ишини амалга ошириш муддати **иш режаси**да белгиланади. Уни ўтказиш муддати, қоида сифатида, 5 кундан ошмаслиги керак. Текшириш тугаганидан сўнг яна 5 кун давомида эса олинган барча маълумотлар қайта ишланган бўлиб, корхона маъмурияти билан якуний мажлис ўтказилади, ёзма кўрсатма расмийлаштирилади ва у тақдим этилади.

Корхонанинг тавсифига кўра текшириш учун бригада таркибига кирувчи бир неча ишчи гуруҳлар тузилади ва улар параллел йўналишларда кўздан кечиришни амалга оширадилар. Ўт ўчириш автоматик воситаларини текшириш учун махсус мутахассислар жалб этилади.

Тайёргарлик кўриш жараёнида иш режаси пухта ишлаб чиқилади ва унда текшириш муддатлари, гуруҳлар ва иш йўналишларига бўлинган бригада аъзолари, ёнғин-тактик машқининг ўтказилиш пайти ва жойи, бригада ишига якун ясаш тартиби ва унда кўриладиган масалалар кўрсатилади.

Бригада таркибига киритилган ДЁН ходимлари тайёргарлик кўриш жараёнида корхона ишлаб чиқаришини ва биноларини тавсифловчи техник ҳужжатларни ва махсус техник адабиётларни, амалдаги ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларини ўрганиб чиқадилар.

Илгари тақдим этилган ёзма кўрсатмалар, ўт ўчириш режаси, корхонада бўлиб ўтган ёнғинлар ҳақидаги маълумотномалар билан танишиб чиқадилар. Бригада ишини

бошлашга 2-3 кун қолганда бригада раҳбари ҳар бир ходимнинг қайси даражада тайёргарлик кўрганлигини шахсан текшириб чиқади.

Ёнғин хавфсизлигига қаратилган ишларни текширишни амалга оширишдан камида 1 ой олдинроқ корхона раҳбари бу ҳақда хат орқали огоҳ қилинади. Бригаданинг барча аъзоларига автоматика тизимининг иш ҳолатини текшириш услуби бўйича махсус эсдаликлар берилади.

ЁХБ бригадаси томонидан таклиф этилган тадбирларнинг бажарилиши - комбинатнинг ёнғинга қарши ҳолатини яхшилаш ва ёнғин чиқиш хавфини пасайтириши зарур.

27. Ёнғин келтирган моддий зарарларни аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби /7/

Ёнғин оқибатида етказилган моддий зарар унинг қопланишидан қатъи назар тўлиқ ҳисобга олинади.

Моддий зарарнинг миқдорини ҳисоблаш чоғида ишлаб чиқариш жараёнининг тўхтаб қолиши, савдо ишларининг узилишлари, транспорт воситалари ҳаракати жадвалининг ўзгариши ва бошқа фойдали имкониятларнинг бой берилиши ҳолатлари ҳисобга олинмайди.

Моддий зарарни ҳисоблаш чоғида қуйидаги икки тушунча мавжуд. "*нобуд қилинган* ва "*шикаст етказилган* (шикастланган). Моддий бойликни (буюмни) таъмирлаш орқали илгариги (дастлабки) ҳолатига қайтариб бўлса ва у ўзининг аввалги вазифасини таъмирдан кейин ҳам бажара олса – у ҳолда бу буюм шикастланган деб қаралади, қолган ҳолатларда эса у нобуд қилинган деб ҳисобланади.

Ёнғин оқибатида айланма фонд нобуд қилинганда етказилган моддий зарар қуйидагича аниқланади:

- ишлаб чиқариш жараёнида – хом ашё, материалларни сотиб олишга ва уни қайта ишлашга кетган харажатлар тан нархи бўйича;
- базаларда – савдо чегирими, устама харажат ва табиий чиқимлар норма (меъёр)ларини ҳисобга олган нархлар бўйича;
- сотувда – амалдаги таннархи бўйича;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нобуд бўлишича – транспорт ва омборхоналарда сақлаш харажатларини ҳисобга олган ҳолда, маҳсулотларни тайёрлаш ва сотиб олишга кетган харажатлар асосида;
- тайёр маҳсулотлар бўйича – амалдаги таннархи бўйича.

Давлат ёнғин назорати органлари етказилган моддий зарарнинг миқдорини ёнғин содир этилган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, суғурта муассасалари раҳбарияти тақдим этган **маълумотнома** асосида ҳисобга олишади.

Маълумотномада алоҳида қилиб қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

- умумий зарар;
- бино ва иншоотлар бўйича етказилган зарар;
- ускуналар бўйича;
- жиҳозлар бўйича.

Маълумотномада кўрсатилган моддий зарар миқдорининг ишончлигига, унга ўз имзосини қўйган раҳбарлар жавоб беришади.

Ташкилотлар, корхоналар ва муассасаларнинг суғурта қилинган асосий фондлари ва бошқа жиҳозларига етказилган моддий зарар миқдорини, шунингдек фуқароларнинг суғурта қилинган мулки бўйича зарар миқдорини суғурта ташкилотлари томонидан ҳисобланган миқдор бўйича аниқланади.

Фуқароларнинг суғурта қилинмаган уй жиҳозларига етказилган моддий зарар миқдорини, агар унинг ҳақиқий миқдорини аниқлаш имкони бўлмаса, суғурта

қилинган уй жиҳозларига етказилган моддий зарарнинг ўртача статистик миқдорида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича) ҳисобга олинади. Фермерлар ва деҳқонларнинг хусусий ишлаб чиқарилган, суғурта қилинмаган паррандалари ва чорва моллари бўйича эса - ўртача бозор нархлари бўйича.

28. Ёнғинларни таҳлил қилиш учун уларни асосий гуруҳларга бўлиниши /7/

Ҳудудлар бўйича:
- шаҳарлар;
- туман марказлари;
- қишлоқ жойлари;

Ёнғин содир этилган вақт бўйича:
- сутка соатлари;
- ҳафта кунлари;
- ойлар;
- кварталлар;
- йиллар

Келиб чиқиш сабаблари бўйича
- олов билан эҳтиётсизликда муомала қилиш;
- болаларнинг шўхлиги;
- электр ускуналари;
- иситиш приборлари
- қасддан ўт қўйиш ва бошқалар;
- олов билан эҳтиётсизликда муомала қилиш;
- болаларнинг шўхлиги;
- электр ускуналари;
- иситиш приборлари

қасддан ўт қўйиш ва бошқалар

Ҳалқ хўжалиги соҳалари (тармоқлари) бўйича
- саноат;
- ижтимоий-маданий муассасалар;
- қишлоқ хўжалиги корхоналари;
- омборлар, базалар, дўконлар;
- яшаш уйлари;
- янги қурилаётган иншоотлар;

Вазирликлар, қўмиталар ва тармоқлар бўйича
Вазирликлар ва тармоқлар объектлари
Ўт ўчириш қисмлари бўйича
- ҲЁХҚлар қўриқлаётган объектлар;
- КЁХҚлар қўриқлаётган объектлар;
- КЎЎДлар қўриқлаётган объектлар;
- ҲЁХҚлар қўриқлаётган шаҳарлар;
- КЁХҚлар қўриқлаётган шаҳарлар;

Моддий зарар миқдори бўйича
- Унчалик катта бўлмаган зарар;
- Анча миқдордаги зарар;
- Катта зарар;
- Ўта йирик зарар.

29. Ёнғинларни статистик ҳисоботи ва таҳлили /7/

Ёнғинларни ҳисобга олиш давлат ёнғин назорати органлари томонидан маъмурий туманлар бўйича ЎзР ИИВ нинг 128-сонли буйруғи билан 2003 йилнинг 23 апрелида тасдиқланган "Ёнғинларни ҳисобга олиш қоидалари" томонидан тасдиқланган махсус Йўриқнома асосида амалга оширилади.

Ёнғинларни турли хил ёки бир хилдаги кўринишларига қараб гуруҳларга бўлиш – **таҳлилий ишлар** деб аталади.

Статистик гуруҳланишнинг биринчи турига **топологик** гуруҳлаш киради. Топологик гуруҳлашнинг асосий вазифаси бўлиб, ҳисобга олинаётган барча ёнғинлар сонидан бирон-бир кўрсаткичи бўйича бир хил таркибга эга бўлган ёнғинларни ажратиб олиш хизмат қилади.

Статистик гуруҳлашнинг иккинчи тури **вариация**ли гуруҳлаш деб аталади ва у бирор-бир кўрсаткичи бўйича бир хил таркибга эга бўлган статистик материални таркибий қисмларга бўлади (топологик гуруҳни). Вариацияли қатор сифатида бирор-бир вилоятда бир йил давомида болаларнинг олов билан ўйнашлари оқибатида рўй берган ёнғинни таркибий қисмларга бўлишни келтириш мумкин

Вариацияли гуруҳни одатда икки қатор кўринишида тасвирлашади: биринчи қатор биз ўрганаётган кўрсаткичнинг вариантини ёки ифодасини тавсифлаб беради; иккинчиси эса – ушбу ифоданинг такрорланиши частотасини (даврини) кўрсатади. Шунинг учун ҳам биринчи қатор **ифодалар** (вариантлар) **қатори**, иккинчиси эса – **частоталар қатори** деб аталади.

Статистик гуруҳлашнинг учинчиси **аналитик** (таҳлилий) гуруҳлаш бўлиб, унинг асосий мақсади - ўрганилаётган ҳодисаларнинг орасида ўзаро боғлиқликни аниқлаш. Қуйида келтирилаётган 4 та расмда ёнғинларнинг асосий гуруҳланиши, шунингдек уларнинг келиб чиқиш сабаблари, ёнғин содир этилган жойлар, ёнғинни ўчиришга сарфланган вақт, инсонларнинг ҳалок бўлиши ва ўт ўчириш факторлари бўйича тақсимланиши келтирилган.

Ёнғинлар таҳлили фақат рақамлардан иборат бўлган кўрсаткичларга эришиш ва фактларни уқтириб ўтиш дегани эмас, албатта. Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати фаолиятига нисбатан қўллаган ҳолда ёнғинларни статистик таҳлил қилишни қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

а) маълумотларни ўзида мужассамловчи асосий миқдор ва сифат кўрсаткичлари (ёнғин ҳақида далолатнома, ёнғинни ҳисобга олиш варақаси, катта ва ўзига хос ёнғинларнинг баёни ва бошқа ҳисобот ҳужжатлари) бўйича ёнғинларни гуруҳлаш; ёнғинларнинг таркибий тузилиши ва динамикасини тавсифловчи чизмалар, жадваллар, графиклар ва хариталарни тузиш; ёнғинларнинг келиб чиқиш ва тарқалиши сабабларининг демографик, иқтисодий ва бошқа факторларга боғлиқлиги;

б) статистик таҳлил жараёнида олинган сонлар, рақамлар ва ўзаро боғлиқликларни тушунтириб бориш; ёнғинларга таъсир қилувчи ижобий ёки манфий факторларни (омилларни) аниқлаш ва уларни баҳолаш; ёнғинлар етказган моддий зарарнинг ўсишига ёки камайишига таъсир қилувчи сабаблар ва ҳодисаларни аниқлаш; профилактика ишлари ва ўт ўчириш қандай ташкил этилганлигининг унумдорлигини баҳолаш; давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмаларининг илғор иш усуллари эътиборли жиҳатларини аниқлаш ва уларни кенг ёйиш ва татбиқ қилиш;

в) ёнғинлар билан курашиш, уларнинг сонини камайтириш ва улар етказаётган моддий зарарлар миқдорини камайтиришга қаратилган жорий ва истиқболли характерга эга бўлган тадбирларни, таҳлилий маълумотлар асосида ишлаб чиқиш; профилактика ишларини яхшилаш ва ўт ўчиришни

такомиллаштириш учун статистик таҳлиллар билан асосланган ташкилий ва техник тавсифга эга бўлган тезкор чораларни қўллаш.

Статистик таҳлилда таққосланаётган кўрсаткичларнинг битта ҳудудга, битта вақт оралиғига ва битта вазирликка тегишли бўлиши жуда муҳимдир, масалан, январ ойидаги барча содир бўлган ёнғинлар сонини апрел ойидаги билан таққослаб бўлмайди, чунки бу ойларда турлича об-ҳаво шароитлари бўлиб, - у турли тавсифга эга бўлган ёнғинларнинг содир этилишига шарт-шароит яратиб беради.

30. Қишлоқ туманларидаги ДЁН органларини ишини ташкиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари /12/

Аграр секторда ДЁН ишларини ташкиллаштириш масалалари. Қишлоқ хўжаликлари бошқармалари, деҳқон-фермер хўжаликлар уюшмалари ва техника таъминоти уюшмалари билан биргаликда ишларни ташкил этиш.

Мавсумий (ғалла ўрими, пахта терими) қишлоқ хўжалик ишлари даврида ДЁН ишларини ташкиллаштириш

ДЁН органлари қишлоқ жойларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузаётган шахсларга нисбатан чора кўриш учун юқори ташкилотлар орқали ҳаракат қилиши лозим.

Жамоа хўжаликларига тааллуқли капитал ёнғинга қарши тадбирларни бажарилиши ва ёнғин ўчириш техникалари сотиб олиш учун юқори ташкилотлар орқали маблағ ажратилишини ташкил этиш,

Масканларнинг ёнғинга қарши ҳолати бўйича хар турли кўрик танловлари ташкил этиш.

КЎЎД бошлиқларини ўқитиш бўйича барча чораларни кўриш,

Шундай қилиб қишлоқлардаги саноат корхоналари ва Аҳоли турар жойларидаги ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидаги комплекс чора тадбирлар кўрилиши лозим

Турар жой ва оммавий бинолар қурилишида қийин ёнувчан материалларни ишлатишни ташкил этиш,

Мавсумий даврларда ёнғинларни олдини олиш учун огоҳлантирувчи чораларни кўриш,

1. КЎЎДларни ташкил этиш
2. Хўжаликларда ёнғинга қарши курашувчи ташкилотларни асосини ташкил этиш
3. Ёнғин учириш учун режалаштирилган техникаларни тезликда жамлаш ишларини кўриш,
4. Ўт ўчириш техникаларининг мослаштирилган турларини ташкил этиш, ёнғинга қарши йўриқномалар ва ҳамда Аҳолини ёнғинга қарши ишларга ўқитиш,

ЁТКларни ташкил этиш ва улар ёрдамида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чораларининг кўрилишини ташкил этиш.

Қишлоқ жойларда ёнғинларни ўчиришни ташкил этиш

- Куч ва воситаларни жалб этиш режасини тузиш
- Ҳокимият томонидан тасдиқлаш
- Мавжуд техникаларни ҳисобга олиш,
- Хабарлаш йўлининг аниқ қилиб белгилаш,
- Ўт ўчиришнинг якка раҳбариятини ташкил этиш,
- Автоуловлар учун энг қисқа йўлларни аниқлаш ҳамда ёнғинларни ўчириш учун захира сув ҳавзаларини ташкил этиш.
- Аҳолини ёнғин ҳақида хабарлаш тармоғини юзага келтириш.

Инспекция бошлиғи томонидан аввал машинаси бор ташкилотлар аниқланади.

Шундан сўнг режа тузилади. Туман харитасига барча белгилар қўйилади. Йўллар, ариқлар, кўприклар ва паромлар ҳисобга олинади. Харитага туман телефон алоқаси тарҳи туширилади. Ушбу режа туман ИИБ ЙПХ хизмати билан келишилади.

Режада ёнғин хавфсизлиги хизмати етиб келгунга қадар раҳбарлик қилиш тартиби кўрсатилади.

31. Маҳаллий ДЁН органларининг иш фаолиятини текшириш ва амалий ёрдам кўрсатиш /6/

Ҳудудий ДЁН хизматлари, уларга бўйсундирилган бўлинмаларда ҳалқ хўжалиги масканлари ва Аҳоли турар жойларнинг ёнғинга қарши қаратилган масалаларини ҳал этишда амалий ёрдам берадилар, давлат ёнғин назорат ходимларининг ишини ташкиллаштиришни кўтарадилар, ҳалқ хўжалиги масканлари ёнғинга қарши ҳимояси ва амалий фаолиятида фан-техника ютуқлари ва ижобий иш тажрибаларини татбиқ этишга қаратадилар.

Амалий ёрдам кўрсатиш учун вилоят, шаҳар туманларга чиқиш ёнғинлар билан боғлиқ бўлган вазиятни кескинлашиши, ДЁН хизматларидаги тезкор-хизмат фаолиятини, ҳамда илгариги текширувлар хулосаси асосида амалга оширилади.

Амалий ёрдам бўйича бригада таркиби ва унинг аниқ вазифаларини ИИВ, ИИБнинг Ёнгин хавфсизлиги бошқарма ва бўлим бошлиқлари, ДЁНнинг транспортдаги хизматчилари учун эса ТИИБни раҳбарлари аниқлайди.

Бўйсундирилган ДЁН назорат фаолиятини текшириш қуйидаги мақсадда олиб борилади. Вилоят, шаҳар ва туманлардаги ёнғинларга қарши қаратилган ишлар аҳволини ўрганиш; талабларни аниқ бажарилишини таъминлаш профилактик ишларнинг ижобий форма ва услубларини аниқлаш ва татбиқ этиш; текширилаётган хизматлар ишидаги камчиликларни бартараф этиш, ҳамда уларга хизмат вазифаларини ҳал этишда амалий ёрдам бериш, ДЁН хизматлари ходимларини ёнғинларга қарши қаратилган қоида, меъёр, стандарт, давлат ва маҳкамаларнинг меъёрий актлар ҳақидаги билимларини текширишга қаратилади.

Маҳаллий ДЁН хизматларига амалий ёрдам қуйидагича берилади.

Ёнгинлар ҳолати кескинлашган алоҳида аҳоли турар жойларини комплекс текширишни ташкил этиш ва ўтказиш; ёнғин чиққанда ўт ўчириш бўлинмалари куч ва воситаларини чақириш (жалб қилиш) туман режаларини ишлаб чиқиш ва тузатишлар киритиш; ҳалқ хўжалиги масканларини танлаб олиш билан текшириш; ДЁН хизматларининг фаолият йўналишлари бўйича ёнғин-профилактикаси тадбирларини ишлаб чиқиш.

Текширувлар, туман Аҳоли пунктлари ва ҳалқ хўжалиги масканларида ДЁН вазифаларини амалга оширишда маҳаллий ходимларни алмаштирмаслик керак.

Текширув даврида текширувларда топилган камчиликларни бартараф этиш учун қўлларидан келадиган ҳамма чораларни қўллаш керак ва текширилаётганларга хизматдаги хатоларини кўрсатишлари шарт.

32. Аҳоли турар жойларида ёнғинларнинг олдини олиш ишларини ташкиллаштириш тартиби /12/

Давлат ёнғин назорати ва жамоат ташкилотларининг фаолиятида Аҳоли яшаш жойларида ёнғинларнинг олдини олиш ишларини олиб бориш борасида комплекс услуб ва шаклларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. Юқори қаватли ва ёнғин чиқиш хавфи юқори бўлган паст қаватли яшаш уйларининг (ётоқхоналар, ёнғинга чидамлилик даражаси V бўлган икки қаватли

уйлар, ертўласида хўжалик хоналари мавжуд бўлган уйлар ва бошқалар) ёнғинга қарши ҳолатларини текширишни режа асосида ўтказиш.

2. Аҳоли турар жойларида ёнғинлар билан боғлиқ вазият кескинлашган даврлар (қишки иситиш мавсуми, ёз ойлари) бошланишидан олдин уй-жой фондининг ёнғинга қарши ҳолатини текширишни ёнғин хавфсизлиги қисмларининг барча шахсий таркибини, кўнгилли ўт ўчириш дружиналари, уй-жойдан фойдаланиш ташкилотларининг ходимларини кенг жалб қилган ҳолда текшириш.

3. Ижарачилар, хусусий хонадон, дала ҳовлиларнинг эгалари ҳамда уларнинг оила аъзоларига ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўргатиш.

4. Шаҳарларда, маҳаллаларда яшаш уйларининг ёнғинга қарши ҳолатининг кўрик танловини ўтказиш.

5. Аҳоли яшаш жойларида ёнғин хавфсизлиги қоидалари акс эттирилган варақалар, эслатмалар, буклетлар брошюраларни кўп нусхаларда чоп эттириб аҳолига тарқатиш.

6. Маҳалла қўмиталари ва уй-жойдан фойдаланиш ташкилотлари қошида жамоатчи ёнғин хавфсизлиги посбонлари фаолиятини ташкиллаштириш, посбонларни танлаш ва уларни ўқитишни амалга ошириш.

7. Маҳаллаларда, шаҳарларда, туманларда ва уй-жой хўжаликларида ёнғин-техник пунктларини (ёнғин хавфсизлиги хоналари ва бурчаклари) ташкил этиб, Аҳоли орасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишни тарғиб қилиш.

8. Аҳоли турар жойларида ўтказилган ёнғин-техник текширувлари натижаларини хонадон эгалари ва уларнинг оила аъзолари билан муҳокама этиш, ушбу масалаларни фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш ташкилотларида кўриб чиқиш, шунингдек, турар жойларида содир бўлган ёнғинлар ва уларнинг оқибатларини аҳолига етказиш.

9. Шаҳарларда, туманларда, Аҳоли яшаш пунктларида оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда (кино, видео, телевидение, радио, рўзномалар, тарғибот машиналари) фуқароларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ялпи ўргатиш.

10. Ёнғин хавфсизлиги бошқармаларида, кўнгилли ўт ўчириш жамиятларининг пленумларида шаҳарларда ва туманларда Аҳоли яшаш жойларининг ёнғинга қарши ҳолатини таъминлаш борасидаги ишларининг ҳолатини давлат ёнғин назорати органлари ҳамда кўнгилли ўт ўчириш жамиятларининг фаоллари иштирокида муҳокама этиш.

11. Аҳоли турар жойларида ёнғинлар вазиятини барқарорлаштиришда фаол қатнашиб, яхши кўрсаткичларга эришган кўнгилли ўт ўчириш дружиналари бошлиқлари ва ёнғин хавфсизлиги инспекторларини моддий ва маънавий рағбатлантириш усулларидан кенг фойдаланиш.

13. Юқори қаватли яшаш уйлари, ётоқхоналар, меҳмонхоналарнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муаммолар бўйича амалий конференциялар ҳамда ўз-ўзини бошқариш ташкилотларининг йиғинларини ўтказиш.

33. Ишлаб чиқариш корхоналарида ёнғинларни олдини олиш ишларини ташкиллаштириш /12/

Саноат корхоналарининг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:

- бино ва иншоотларни автоматик ўт ўчириш воситалари билан жиҳозлашда уларга кундалик техник хизмат кўрсатиш ишларини амалга ошириш;

- деталларнинг, агрегатларнинг ва тайёр маҳсулотларнинг устини тозалаш ва уларни мойсизлантириш участкаларида ушбу мақсадда фойдаланилаётган ёнувчан суюқликлар ўрнига ёнғиндан хавфсиз техник ювиш воситаларини қўллашни йўлга қўйиш;
- технологик жараёнда қўлланаётган материаллар ва воситаларнинг ёниш ва портлаш параметрларини (кўрсаткичларини) аниқлаш ва хоналарда ишлатилаётган электр мосламаларини ишлаб чиқариш хоналарининг ёнувчанлик ва портловчанлик синфларига қараб танлаш;
- ишлаб чиқариш хоналарида ва ҳавони ҳайдаш (шамоллатиш) тизимларида ёнғин тарқалишининг олдини олиш мақсадида ёнғинга қарши тўсиқлар, тез ҳаракатга келувчи тўсувчилар, клапан-шиберлар ва заслонкаларни қўллаш;
- бино конструкциясининг оловга чидамлилигини ошириш, ёнғиндан хавфли жиҳозлар ва агрегатларни бинонинг алоҳида хоналарига ажратиб қўйиш ёки уларни ташқаридаги очиқ майдончаларга олиб чиқиш;
- эвакуация йўлларида безаш учун турли ёнувчан материаллардан фойдаланишни тақиқлаш;
- ёнғиндан хавфли ишлаб чиқариш биноларида тутунга қарши тизимлардан фойдаланишни ва илгари ўрнатилган тутунни ҳайдаш тизимларининг доимий ишлаб туришини таъминлаб беришни йўлга қўйиш;

цехлар, лабораториялар ва омборхоналарни хавфсизлик белгилари билан жиҳозлаш, олов билан боғлиқ бўлган ишларни тартибга солиш ва ҳоказолар.

34. Ёнгин-техник текширувларнинг турлари, мақсадлари ва ўтказиш вақтлари. Ёнгинларни олдини олишда унинг тутган ўрни /6/

Ҳалқ хўжалиги объектларининг ёнгин хавфсизлигига қаратилган ишларни текшириш давлат ёнгин назорати органларининг текширишларни ўтказиш жараёнида куйидаги масалаларни комплекс равишда ечиш керак булади:

- ёнгиннинг келиб чиқишига асос бўлувчи сабабларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш;

-ёнғин пайдо бўлган тақдирда унинг тарқалишини чеклаш ва уни муваффақиятли ўчириш, инсонлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;

-ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар ва бошқаларга ёнғин хавфсизлиги қоидалари ҳақида ва ёнғин чиққан пайтда уларнинг қандай ҳаракатлар қилишлари кераклиги борасида йўриқномалар бериш.

Давлат ёнғин назорати ишининг энг мураккаб жойи бу - ёнғин чиқишга олиб келиши мумкин бўлган конкрет камчиликни аниқлаш ва ушбу камчиликларни тезда бартараф этишни ташкиллаштириш. Бу ёнғин хавфсизлигига қаратилган ишларни текширувининг бош мақсадидир, демак ДЁН ходимларнинг ҳам асосий мажбуриятларидан биридир.

Ёнғин хавфсизлигига қаратилган ишларни текширишни уларнинг тавсифига **қараб ҳар томонлама тўлиқ ва қайта текширишларга** бўлиш мумкин. ДЁН органи хизмат кўрсатган маъмурий ҳудудда жойлашган барча корхоналар, жамоат муассасалари, яшаш уйлари ва бошқа бино ва иншоотлар бундай текширишлардан ўтказилади. Текширишларни тартибга солиш ва қулайликлар туғдириш мақсадида барча ҳалқ хўжалиги масканлари қуйидагиларга бўлинади: 1-чи хавфли гуруҳга кирувчи, 2 ва 3-чи хавфли гуруҳга кирувчи масканлар, ҳар бир масканга маълум бир ДЁН ходими бириктирилади ва унга ушбу масканнинг ёнғин хавфсизлиги сифатини назорат қилиш вазифаси юклатилади. Бириктирилган ходим бир йилда икки мартадан кам бўлмаган **(ҳар томонлама ва қайта)** текширишларни амалга

оширишга мажбурдир. Назорат қилиш вазифаларини амалга ошириш учун масканларни аниқ ҳисобга олиш мақсадида маҳаллий ДЁН органида масканларни қайдга олиш маҳаллий ДЁН бўлинмасидаги ягона «Профилактик ишлар дафтари»нинг 2-бўлимида белгиланади.

35. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан маъмурият томонидан тузиладиган ҳужжатлар турлари ва уларнинг мазмуни /12/

Корхона маъмурияти томонидан Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қуйидаги ҳужжатлар тузилади:

1. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида буйруқ.
2. Корхонадаги ёнғинга қарши режим тартиби.
3. КЎЎДларни тузиш ҳақидаги буйруқ.
4. Ёнғин хавфсизлиги йўриқномаси.
5. ЁТКларни тузиш ҳақидаги буйруқ ва унинг иш режаси
6. Корхонадаги ёнғин хавфсизлиги ҳолатини муҳокама қилиш

36. Лойиҳалаштирувчи ташкилотлар томонидан лойиҳалаштириш даврида ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларини бажарилишини назорат қилиш тартиби / 6 /

Лойиҳа ҳужжатларини кўриш.

Қуриладиган иморат ёки иншоотнинг лойиҳа смета – ҳужжатлари хизмат кўрсатиладиган территорияларида ёнғинга қарши меъёр ва қоида талабларига мос келиши синчиклаб текширилади.

Бу иш қурилиш майдони (йўналишни) танловчи комиссия томонидан хам, бевосита қурилиш майдонида, текширув мобайнида, лойиҳа, қурилиш ёки буюртмачи корхоналарда, эксперт-техника, шаҳар қурилишининг мажлисларида, шаҳар қўрғон, қишлоқларда ва саноат бирлашмалари бош планларини кўриш вақтида амалга оширилади.

Йирик, техник жиҳатдан мураккаб корхоналарда давлат ёнғин назорати лойиҳачи ёки буюртмачилардан лойиҳа смета ҳужжатларини бевосита кўриш учун талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ва ҳудудий органлар қурилаётган корхоналарнинг ёниш хавфидан, аҳамияти, мураккаблигидан, ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган материалларнинг хусусиятига қараб, чет эл фирмалари томонидан ускуналар билан жиҳозланган корхоналар лойиҳалари ҳужжатларини кўриб чиқадилар. Шу қурилиш корхоналари ва уларни назорат қилувчи шахслар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси тасдиқлайди.

Ёнғин хавфсизлиги талабларини бажарилиши лойиҳанинг хар бир бўлимида кўрилади.

Зарурият туғилган холларда лойиҳалаштирилаётган ёки қурилаётган корхонанинг ёнғин хавфсизлиги талаблари бўйича ҳисоб маълумотлари талаб қилиб олинади, ўтга чидамлилик, олиб чиқиш йўллари; тутунга қарши осон очилувчи қисм; хоналарнинг ёнғин хавфсизлиги бўйича бўлиниш; оловли синовлар; илмий текширув ишлари.

Илова: Корхона ва муассаса электр тақсимлаш, электр подстанцияларини лойиҳалаш меъёрларига мос келиши жиҳатидан кўрилади.

Текшириш мобайнида аниқланган лойиҳадан оғиш ва меъёр талабларининг бузилиши бўйича асосий лойиҳачига ёзма кўрсатмалар берилади ва нусхалари буюртмачи асосий қурувчига хабардор бўлиш учун берилади.

Лойиҳаларга кўриб чиқилганлиги ҳақида штамп ёки ёзувлар ёзиш ман этилади қаламда бажарилган чизмалар бўйича оғзаки маслаҳатлар берилади.

Намунали лойиҳаларнинг Ўзбекистон Республикасида қўлланиши мавжуд лойиҳалаш меъёрларига мос келишини назорат қилиш.

Лойиҳалаштириш ва қурилиш мобайнида ўтга чидамли конструкциялар, ёнмайдиган ва қийин ёнадиган материалларни, ёнғиндан хабар берувчи ва ўчирувчи автоматик ускуналар, тутундан сақлаш системаларининг илғор лойиҳа қарорларини биноларда ўрнатилиши ва у ердаги одамларнинг ёнғиндан сақлаш тадбирларининг бажарилишини назорат қилиш.

Республикада жойлашган лойиҳа ташкилотлари ишлаб чиқарган лойиҳалардан танлаб олган холда назорат қилиш.

Давлат ёнғин назорати органининг вакили танланган лойиҳаларни текшириш чоғида аниқланган камчиликлар бўйича ёзма кўрсатма тузиб, лойиҳа ташкилотининг раҳбарига тақдим этиши керак.

Таклиф этилаётган ҳар бир тадбир амалдаги меъёрий ҳужжатнинг ёки қоидаларнинг тегишли бандлари билан асосланиши керак. Агар айрим талабларни меъёрий ҳужжатлар билан асослашнинг имкони бўлмаса, унда бу тадбирларни мавжуд ёнғин хавфининг таҳлили натижалари билан асослаб берилади.

Лойиҳа ташкилотини текшириш натижаси бўйича текширувчи муҳандис-техник ходимлари таркиби билан йиғилиш ўтказади.

Корхоналар, шаҳарлар, Аҳоли пунктлари ва ўзига хос алоҳида йирик иншоотларнинг бош режалари ёнғин хавфсизлиги деполарини қуриш, бинолар ва иншоотлар орасида ёнғин хавфсизлиги оралиқларини ўрнатиш каби масалаларни ўз вақтида ечиш мақсадида «лойиҳа» жараёнида назорат қилиш тавсия этилади.

37. ДЁН органларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлиги

(ЎзР ИИВ нинг махсус буйруқлари)

Жиноят қидирув ва иқтисодий ҳуқуқбузарликка қарши курашиш бошқармаси билан:

1. Катта товар моддий бойликларини сақлаш жойларида биргаликдаги текширувлар.
2. Ревизия ва бошқа тафтиш ишлари олдидан текширувлар ўтказиш

Пост патрул хизмати билан биргаликдаги ишлар:

Патрул йўналишларидаги масканларнинг кундалик ёнғинга қарши ҳолатини назорат қилишни топшириш.

1. Йўналишлардаги ёнғинга қарши сув манбаларининг ҳолатини назорат қилиш
2. Йўналишлардаги, маҳаллалардаги, кўп қаватли уйлар орасидаги автомобил йўлларида ўрнатилган сунъий тўсиқларни аниқлаш ва уларни олиб ташлаш бўйича ишларни ташкил этиш.

Профилактика инспекторлари «Участка милиция вакиллари» билан биргаликда амалга ошириладиган ишлар:

1. Аҳоли уйларини биргаликда текширишни ташкил этиш.
2. Маҳаллаларда учрашувлар ташкил қилиш
3. Маҳалла фаоллари билан ёнғинни олдини олиш борасида таянч гуруҳларини ташкил этиш

4. Маҳалла фаоллари билан маҳалла уйларининг ёнғинга қарши ҳолати ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларини бузаётган фуқароларни муҳокама қилиш
5. Маҳалла фаоллари таркибидан жамоатчи инспекторлари ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўргатувчи жамоатчи ўқитувчиларни тайёрлаш.

38. ДЁН фаолиятида ёнғинларнинг олдини олиш бўйича ахборот – услублар таъминоти

Давлат ёнғин назорати органлари ўзларининг олдига қўйилган вазифаларни юксак даражада бажаришлари учун ҳалқ хўжалиги барча тармоқларининг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини тавсифловчи қуйидаги ахборотлар ҳар томонлама тўлиқ, ихчам ва ҳаққоний бўлиши керак: содир этилган ёнғинлар тўғрисидаги, янги техникалар, бино ва иншоотларни ёнғинлардан ҳимоя қилишнинг замонавий усуллари тўғрисидаги, профилактика ишларининг илғор формалари ва усуллари тўғрисидаги ва бошқалар.

ДЁН тизимидаги бошқарув асосан ёнғин хавфсизлиги бошқармалари ва туманлардаги (шаҳарлардаги) маҳаллий ДЁН бўлинмалари орасидаги ўзаро узлуксиз ишбилармонлик, техникавий, статик ахборотлар алмашинуви орқали амалга оширилади. Шундай қилиб, ахборот – бу бошқарилувчи ва бошқарувчи тизимлар орасидаги доимий ишбилармонлик алоқаларини боғлашдир. Бошқарманинг вазифаси бошқарув қарорларини барча бўйсундирилган бўлинмаларга ўз вақтида етказиш, муҳими шуки, берилган буйруқни бажарганлиги ҳақида қуйи бўғин юқорига тўғри ва ишончли ахборот берсин. ДЁН иш фаолиятида ахборотнинг уч хилдаги кўринишини алоҳида ажратса бўлади:

- бошқарилувчи объектга келадиган бошқарув буйруғи ёки бошқарувчи ахборот. Бунга Ўзбекистон Республикаси ИИВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ, ҚР ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБларининг буйруқлари, фармойишлари, кўрсатмалари ва ахборотномалари;
- ҚР, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бошқармаларига келиб тушаётган ва юқори бўғинларга улардан келган буйруқларни бажарганликлари ҳақида берилиши керак бўлган ҳисоботлар борасидаги таништирувчи ёки ички ахборот. Ахборотнинг бу тури ўз ичига ҳалқ хўжалиги масканларининг ёнғин хавфсизлиги ҳолати тўғрисидаги маълумотномаларни, ҳисоботларни, содир этилган ёнғинлар ҳақидаги маълумотларни ва ДЁН ёзма кўрсатмаларини ўз ичига қамраб олади.
- ДЁН органлари аппаратларига турли вазирликлар ва тармоқлардан, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотларидан келиб тушувчи ташқи ахборот. Ёнғин хавфсизлигини яхшилаш бўйича давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларидан келиб тушган ташқи ахборотлар барча ДЁН аппаратлари учун буйруқ характерига эгадир.

ДЁН тизимидаги бошқарув меҳнати – бу энг аввало турли ахборотларни ДЁН органларининг ўзидан, тармоқлар, ташкилотлар ва муассасалардан олиш, қайд этиш, тўплаш, қайта ишлаш ва узатишдир. Ахборотни қайта ишлаш, шу асосда режа, буйруқ, ахборотнома, умумлаштирувчи хат, маълумотнома ва билдирги каби кўринишдаги бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш жараёни ҳар қандай ДЁН аппарати ишининг асосий бўғини бўлиб хизмат қилади.

Давлат ёнғин назорати органларидан чиқадиган ахборотларга бир қатор талаблар қўйилади: тўпланган материалларнинг ишончлилиги, уларни ўз вақтида қайта ишлаб, керакли жойларга дарҳол узата билиш, баён этилаётган ахборотнинг қисқа ва лўндалиги, масалани конкрет ҳолда қўйиш. Давлат ҳокимияти органларига

жўнатиладиган ахборотлар ёнғинлар билан боғлиқ бўлган тезкор ҳолатнинг таҳлилига асосланган бўлиб, унда хулоса ва таклиф қисмлари ҳам мавжуд бўлиши зарур. Ҳокимият органларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш, фақат ДЁН органи ўзига берилган ҳуқуқлардан тўла фойдалангандан кейин ҳам кутилган натижа бермаса, шу ҳолдагина тавсия этилади.

39. Давлат енгин назоратининг асосий йўналишлари /6/

Ўзбекистон Республикаси ИИВ 1993 йил 22-сентябр куни тасдиқланган 344-сонли буйруғи.

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йилнинг 17 май куни тасдиқланган 227-сонли Қарори «Ўзбекистон Республикасида Давлат ёнғин назорати тўғрисидаги Низом» асосида ишланган.

Ўзбекистон Республикасида давлат ёнғин назорати ёнғин чиқиши мумкин бўлган нуқсонларни ўз вақтида аниқлаш ва ёнғинга қарши аҳволни яхшилаш бўйича асосли тавсиялар бериш ҳамда Республикада шаҳарлар, аҳоли пунктлари ва ҳалқ хўжалиги объектларининг ёнғин хавфсизлигини зарур даражада сақлаш мақсадида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида давлат ёнғин назоратини амалга оширувчи органлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги тизимига кирадилар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қиладилар.

Давлат ёнғин назоратининг фаолиятини ташкиллаштириш

Давлат ёнғин назорати (ДЁН) ёнғиннинг олдини олиш ишларини олдиндан режалаштирган холда олиб борадилар. Режаларнинг перспектив, йиллик, ярим йиллик, чорак ва ойлик турлари мавжуд.

Ёнғин хавфсизлигига қаратилган ишларни текшириш.

Ёнгинларни олдини олишга қаратилган текширувларни ўтказиш давлат ёнғин назорати ходимларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб, текширув жойларда, ҳалқ хўжалиги, корхона ва ташкилотлар ёнғин хавфсизлигига қаратилган норма ва стандартларга риоя қилиш, ёнгинни муваффақиятли ўчириш, ёнғин чиққанда инсонлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида олиб берилади.

Комплекс текширишларни ташкиллаштириш.

Ҳалқ хўжалиги тармоқлари, шаҳар ва қишлоқ ҳудудларини комплекс текшириш ёнғинлар билан бўлган шароит ва вазиятни оғирлашишига олиб келиши, ёнғинларга қарши кечиктириб бўлмас чора-тадбирларни ўз вақтида бажармасликни олдини олиш, Аҳоли турар жойлар, ҳалқ хўжалиги масканларини ёнғинга қарши ҳимояси даражасини оширишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни татбиқ этишга амалий ёрдам бериш, юқори ташкилотларда ҳал этиш учун тегишли таклифлар киритиш мақсадида ўтказилади.

Меъёр амалиёти ишлари.

Меъёр амалиёти ишлари давлат ёнғиндан сақлаш назорати томонидан ёнғинга қарши тадбирларнинг ҳаракатдаги меъёр (кейинчалик лойиҳалаш меъёрлари) ва қоидаларининг лойиҳа, янги қурилиш, корхоналарни таъминлаш ва қайта техник жиҳозлаш (кейинчалик қурилиш), янги қурилиш майдонларида ёнғиннинг олдини олиш ва ўчириш ишларини такомиллаштириш, ҳалқ хўжалиги масканлари ва турар жойларининг қурилиши мобайнида ёнғинга қарши тадбирларнинг тўла-тўкис бажарилиши, лойиҳалаш даврида содир бўлган ёнғинларнинг таҳлили асосида лойиҳалаш меъёрларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқиш мақсадида олиб борилади.

Ёнғинга қарши тарғибот.

Аҳоли орасида ёнғинга қарши тарғибот қуйидагича амалга оширилади, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиб (рўзнома, телевидение, радиоэшиттириш); ёнғинга қарши қаратилган кинофильм, видеофильм, диафильм, диопозитивларни кўрсатиш; ёнғин хавфсизлиги тадбирларини ёнғинга қарши адабиёт, брошюра, бюллетен аниқ тасвирий материаллар (плакат, альбом, буклетлар) орқали оммалаштириш; лекция, суҳбат, нутқ, консультациялар ўтказиш; тарғибот ва ташвиқот марказ ва кўргазмаларида саёҳатлар уюштириш; оммавий тадбирлар, кўриклар, ёнғинга қарши фильмларни намойиш этиш ойликлари (ҳафталикларини) ташкил этиш; ёнғин хавфсизлик мавзусини асос қилувчи бадиий асарлар яратиш.

Ёнғинга қарши автоматика.

Давлат ёнғиндан сақлаш ходимлари ёнғинга қарши автоматикаларни ишлаб чиқаришда ва ҳалқ хўжалик масканларида қўлланилишида ёрдам кўрсатади; ёнғинга қарши ускуналарни лойиҳалаш ва ўрнатиш ишларида меъёр қоидалар ва (стандартлар) андаза талабларига жавоб беришини назорат қилади; техник ҳолатини текширади; таъмирлаш ва техник ҳолатини созлаш муассасаларини назорат қилади, уларни қабул қилиш комиссияларида иштирок этади, маскан мутахассисларига ёнғинга қарши автоматикаларни жорий қилишда, фойдаланишда, лойиҳалашда ва бошқа (норматив) керакли ҳужжатларни тайёрлашда маслаҳатлар беради.

Кўнгилли ўт-ўчириш дружиналари, ўт-ўчириш командалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг ишларига раҳбарлик қилиш.

Амалдаги қонунлар асосида ишлаб чиқариш корхоналари, қурилиш, омборхоналар, давлат жамоа хўжаликлари ва бошқа масканларда кўнгилли ўт ўчириш дружина ва командалари ташкил этилиб, уларга ёнғинларни олдини олиш ва ўчириш вазифалари юклатилади.

Ёнғинларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш.

Ёнғин ва уларнинг оқибатини ҳисобга олиш давлат ёнғин назорати хизматлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ тасдиқлаган ёнғинни ҳисобга олиш Қоидасига асосан бажарилади.

Ёнғинларни текшириш.

ДЁН хизматларида хар бир содир бўлган ёнғин бўйича муфассал текширув ишлари олиб бориб, текширувнинг асосий мақсади ёнғин чиқиш сабабини, айбдор шахсларни ва жиноий ҳаракатнинг бор-йўқлигини аниқлашдан иборат.

Ёнғин бўйича текширув ва тергов ишлари Ўзбекистон Республикасининг жиноий-процессуал Кодекси асосида олиб борилади.

Маъмурий - ҳуқуқ фаолияти.

ДЁН хизматларининг маъмурий – ҳуқуқ фаолияти ёнғинга қарши қаратилган меъёр, қоида ва стандартлар бузилишини олдини олиш ва огоҳлантиришга қаратилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишларни олиб бориш ДЁН хизматлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги қонун талаблари асосида амалга оширилади.

Жарималар миқдори Республиканинг маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги қонуни билан аниқланади.

Бўйсундирилган ДЁН хизматларининг ишини текшириш ва амалий ёрдам кўрсатиш.

Ҳудудий ДЁН хизматлари, уларга бўйсундирилган бўлинмаларда ҳалқ хўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларнинг ёнғинга қарши қаратилган масалаларини ҳал этишда амалий ёрдам берадилар, давлат ёнғин назорат

ходимларининг ишини ташкиллаштиришни кўтарадилар, ҳалқ хўжалиги масканлари ёнғинга қарши ҳимояси ва амалий фаолиятида фан-техника ютуқлари ва ижобий иш тажрибаларини татбиқ этишга қаратадилар.

Амалий ёрдам кўрсатиш учун вилоят, шаҳар туманларга чиқиш ёнғинлар билан боғлиқ бўлган вазиятни кескинлашиши, ДЁН хизматларидаги тезкор-хизмат фаолиятини, ҳамда илгариги текширувлар хулосаси асосида амалга оширилади.

Амалий ёрдам бўйича бригада таркиби ва унинг аниқ вазифаларини ИИВ, ИИБнинг Ёнғин хавфсизлиги бошқарма ва бўлим бошлиқлари, ДЁНнинг транспортдаги хизматчилари учун эса ТИИБни раҳбарлари аниқлайди.

40. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш қоидаларини ишлаб чиқариш, стандарт лойиҳалари, техник шартлар ва бошқа меъёр-амалиёт ҳужжатларини кўриб чиқиш тартиби

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш қоидалари тармоқ ва республикага оид бўлиши мумкин ёнғин хавфсизлиги қоидаларини республика ёки тармоққа оидлигини Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси ҳал этади.

Ҳалқ хўжалиги тармоқ масканларида ёнғин хавфи хусусиятлари ва ишлаб чиқаришнинг ўзига хос фазилатини ҳисобга олган холда, тармоқ ёнғин хавфсизлигига қаратилган қоидалар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси билан келишилган амалий топшириқ асосида вазирлик ва маҳкамаларнинг лойиҳалаштириш ва илмий текширув ташкилотлари томонидан ишлаб чиқарилади.

41. Ёнғин техник комиссияларининг ҳуқуқлари /4/

Ёнғин-техник комиссиялари Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 июндаги 243-сон Қарорининг 3-иловасига асосан ташкил қилинади. Бу иловада «Саноат корхоналари ва бошқа объектлардаги ёнғин-техник комиссиялари тўғрисидаги Низом» келтирилган.

1. Саноат корхоналари, муассасалар ва ташкилотларнинг муҳандислик-техника ходимларини. Хизматчиларини ёнғинга қарши профилактика тадбирларни ўтказишда қатнашишга жалб қилиш, объектларда, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, ёнғинга қарши ҳимояни яхшилаш мақсадида ёнғин-техник комиссиялари ташкил этилади.
2. Ёнғин-техника комиссиялари маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, шунингдек, давлат ёнғин назорати органлари таклифига кўра саноат корхоналари, янги қурилаётган йирик объектларда, илмий-тадқиқот институтлари, ўқув юртлари, даволаш, соғломлаштириш, маданий-томоша муассасаларида, меҳмонхоналар, телерадиоузатиш марказларида, йирик алоқа тармоқларида, аэропортлар ва темир йўл вокзалларида, жамоа хўжаликларида, қишлоқ хўжалиги корхоналарида ва бошқа объектларда ташкил этилади. Ёнғин-техника комиссиялари таркибига, одатда, бош муҳандиси, ёнғиндан сақлаш (дружинаси) бошлиғи, муҳандис-техник ходимлар ва корхона раҳбари хоҳишига кўра бошқа шахслар киритилади.

   Комиссия таркибига касаба уюшмаси ташкилоти вакили киритилади.
3. Ёнғин-техника комиссиялари давлат ёнғин назорати маҳаллий органлари билан доимо алоқада бўлишлари керак.
4. Ёнғин-техник комиссиялари ўз иш фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилаётган қонунлар ва ушбу Низом асосида юргизади.
5. Ёнғин-техника комиссиялари корхоналар, муассасалар, ташкилотларда шу объект раҳбари буйруғи билан ташкил этилади.

42. Ёнғин-техник комиссиялари ишини ташкил этиш тартиби /4/

Ёнғин-техник комиссиялари ўз ишини иш вақтида ташкил этади ва уни корхонанинг барча иш сменаларида олиб боради. Фавқулодда ҳолатлар (ёнғин, ҳалокат, авария, авария ҳолатлари ва шу кабилар) да ёнғин-техник комиссияси аъзолари объект раҳбарининг буйруғи билан куннинг исталган вақтида масалаларни ҳал этишга жалб қилинадилар.

Йирик саноат корхоналарида, умумобъект ёнғин-техник комиссияларидан ташқари, цех ёнғин-техник комиссиялари ташкил этилиши мумкин. Бу ҳолатда умумобъект ёнғин-техник комиссияси цех комиссиялари ишини назорат қилади ва уларга бошчилик қилади, бутун корхонанинг ёнғинга қарши аҳволини яхшилаш масалаларини ҳал этади ва ёнғин чиқиш хавфи кучли бўлган участкалар ҳамда ишлаб чиқариш технология жараёни қурилмаларида ёнғиннинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади.

Умумобъект ёнғин-техник комиссияси, қоидага кўра, ўз ишини қуйидаги ихтисослашган секциялар бўйича ташкил этади:

а) ишлаб чиқариш технология жараёнида ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарида ёнғин чиқиш хавфини камайтириш секцияси;

б) рационализаторлик ва ихтирочилик иши секцияси;

в) электр тармоқлари ва электр асбоб-ускуналаридан хавфсиз фойдаланиш секцияси;

г) ёнғинга қарши автоматика ва алоқа секцияси;

д) ёнғинга қарши сув таъминоти секцияси;

е) янги қурилиш ва реконструкция қилишдаги қурилиш нормалари ҳамда қоидаларида ёнғинга қарши талабларга риоя қилиш секцияси;

ж) вентиляция ва тутун чиқариш тизимларида фойдаланишда ёнғинга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш секцияси;

з) турар жой секторида ёнғинга қарши чора-тадбирлар секцияси;

и) ёнғинга қарши тарғибот ва ташвиқот секцияси.

Объектни ёнғинга қарши намунали ҳолатга келтирганликлари учун ёнғин-техник комиссиялари аъзолари давлат ёнғин назорати ҳудудий ёки маҳаллий органнинг тақдимномасига биноан объект раҳбари томонидан рағбатлантирилиши мумкин.

43. ЎзР ИИВнинг ХЁХК ва КЁХКлари томонидан қўриқланаётган масканларда ёнғин назоратининг фаолиятини ташкиллаштириш /8/

ЎзР ИИВ ЁХББнинг 17 - сонли буйруғи билан 2002 йилнинг 12 март кунида тасдиқланган «ДЁХХнинг бўлинмалари томонидан қўриқланаётган масканларда ёнғинни олдини олиш ишларини ташкиллаштириш Қўлланмаси» талаблари асосида амалга оширилади. Бу вазифалар қуйидагича:

- қўриқлаётган Ёнғин хавфсизлик қисмининг профилактика ходимлари ва навбатчи қоровулнинг жанговар ҳисоби кучларидан фойдаланиб корхона ва унинг алоҳида хоналарининг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини кундалик текшириб туриш ҳамда таклиф қилинган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш;
- ёнғиндан хавфли ишларнинг ўтказилишини, янги қурилаётган биноларда ҳамда цехларни, омборхоналарни ва бошқа хоналарни реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлаш чоғида ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрлари талабларининг бажарилишини доимий назорат қилиб туриш;
- автоматик ва бирламчи ўт ўчириш воситаларининг, ёнғинга қарши сув таъминоти ва ёнғин ҳақида хабар берувчи тизимларининг иш ҳолатини ва уларга тўғри хизмат кўрсатиш қандай ташкил қилинганлигини текшириб туриш;

- ишчилар ва хизматчилар (шунингдек бошқа корхоналардан вақтинчалик келган ишчилар ҳам) билан ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича йўриқномалар, суҳбатлар ва махсус машғулотлар ўтиш ва ёнғинга қарши тарғибот бўйича бошқа тадбирларни амалга ошириш;
- профилактика ишларини амалга ошириш ва пайдо бўлиш эҳтимоли бўлган ёнғинларни ўчириш учун кўнгилли ўт ўчириш дружинасининг шахсий таркибини тайёрлаш;
- корхонанинг ёнғин хавфсизлигига қаратилган ишларини ёзма кўрсатма тақдим этиш орқали йиллик текширишни (қоида тариқасида, бригада усулида) амалга ошириш ва унинг бажарилишини назорат қилиш;
- цехларда, ускуналарда (дастгоҳларда), омборхоналарда, алоҳида агрегатларда ва хоналарда ёнғин автоматикаси мосламалари ва тизимини жорий қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш (қўриқланаётган корхона маъмурияти орқали).

Қўриқлаётган масканда профилактика ишларини амалга ошириш учун ёнғин хавфсизлиги қисмининг бутун шахсий таркиби жалб этилади. Ўт ўчириш қисмининг профилактик шахсий таркиби эса корхона технологик жараёнининг, ишлатилаётган ва тайёрланаётган маҳсулот ва моддаларнинг ёнғин чиқиш хавфини, ҳамда бино ва иншоотлар қурилиш конструкцияларининг ўзига хос жиҳатларини, сув таъминоти тизимининг ва шу каби масалаларнинг муҳим томонларини билишлари шарт.

Навбатчи қоровул ва КЎЎД шахсий таркибини ўт ўчириш воситаларининг ҳолатини, электр иситиш воситаларидан корхонада қандай фойдаланаётганликларини, ҳамда алоҳида хоналарни кутилмаганда текшириб қолиш каби ишларга тез-тез жалб этиб туриш тавсия этилади. Бунақанги ёппасига текширишларни қишки мавсумга ўтиш чоғида ёки байрам олди кунларида ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Янги қурилаётган, реконструкция қилинаётган ва амалда ишлатилаётган саноат корхоналарини текшириш чоғида меъёрий ҳужжатларда назарда тутилмаган ва ҳар хил ўйлаб топилган камчиликларнинг бажарилишини талаб қилмасдан, балки тасдиқланган ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларининг бажарилишини риоя қилишни назорат қилиш керак.

44. Ёш ўт ўчирувчилар дружиналари. Ҳуқуқлари ва мажбуриятлари /4/

Ёш ўт ўчириш дружиналарининг иши Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 июндаги 243-сон Қарори 2-иловасига асосан амалга оширилади. Бу қарорда «Ёш ўт ўчирувчилар дружиналари тўғрисидаги Низом келтирилган.

Ёш ўт ўчирувчилар дружиналари – ўқувчиларда жасурлик, Ватанга содиқлик, тадбиркорлик, жамоатчилик ва ижодкорликни тарбиялаш, шунингдек, уларни жисмоний чиниқтириш, касбга йўллаш мақсадида ташкил этиладиган ўқувчиларнинг бирлашмасидир.

Ёш ўт ўчирувчилар дружиналари билан ишлашнинг асосий йўналишлари

Ёш ўт ўчирувчилар дружиналари билан ишлаш қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олади:

а) ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ва ёнғин пайдо бўлган тақдирда қандай ҳаракат қилишни ўргатиш, дастлабки ўт ўчириш воситаларини ўрганиш ва ўт ўчириш техникаси, ўт ўчириш техника анжомлари, алоқа воситалари, автоматик ўт ўчириш, ёнғин ва ёнғиндан сақлаш сигнализацияси тизимлари билан танишиш;

б) мактаблар, болалар боғчалари, мактабдан ташқари муассасалар ва турар жойларда тарғиботнинг техник воситалари, мактабларда радио тармоқлари, деворий газеталар, фотомонтажлар, «чақмоқлар» ва ёш ўт ўчирувчилар бурчакларидан фойдаланиб болаларнинг ўт билан ўйнашишларидан келиб чиқадиган ёнғинларнинг

олдини олиш ва ёнғин- профилактика ишлари бўйича оммавий -тушунтириш ишларига жалб қилиш;

в) ўт ўчириш-амалий спорт машғулотлари ва мусобақалари, ёнғинга қарши танловлар, олимпиадалар, викториналар, слётлар ўтказиш, ташвиқот бригадалари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, болалар кинотеатрлари ташкил этиш, мусобақалар, экскурсиялар, походлар, рейдлар, дозорлар, ҳарбий-спорт ўйинлари ва ёшлар фестивалларида қатнашиш;

г) ўт ўчириш қисмлари, кўнгилли ўт ўчириш жамоалари, ўт ўчириш техника мактаблари, ўқув марказлари, ўт ўчирувчиларнинг жасоратлари ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмалар, музейлар ва унутилмас жойларда бўлиш, ёнғин соқчилиги ва кўнгилли ўт ўчириш ташкилотлари тарихи ҳамда ходимлари тўғрисида янги материаллар тўплаш, мактаб музейлари ҳузурида шон-шуҳрат экспозицияларини ташкил этиш, ёнғиндан сақлаш ва кўнгилли ўт ўчириш жамиятларининг хизмат кўрсатган ходимлари ҳамда фахрийлари ўт ўчириш амалий спорт чемпионлари ва усталари билан учрашувлар уюштириш;

д) болалар техника ижодиётини ривожлантириш, ўт ўчириш- техник моделлаш, ёш ўт ўчирувчилар тўгаракларини ташкил этиш.

Ёш ўт ўчирувчилар мажбуриятлари ва ҳуқуқлари.

Ёш ўт ўчирувчилар қуйидагиларни бажаришга мажбурдир:

а) ўқувчиларнинг барча қоидаларини бажариш, виждонан ўқиш, мактабда ва унинг ташқарисида намунали интизомни намоён қилиш;

б) ёш ўт ўчирувчи обрўси ва номини қадрлаш, дружина ишларида фаол қатнашиш, дружина сардори ва штаби топшириқларини ўз вақтида ҳамда аниқ бажариш;

в) ўт ўчириш ишини ўрганиш ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишда ўрнак бўлиш;

г) тенгқурлар ва кичик ёшдаги болалар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш;

д) ёнғиндан сақлаш ва кўнгилли ўт ўчириш жамиятлари мутахассислари раҳбарлигида турар жой сектори, болалар мактаби муассасаларида – ҳосилни, пичанзорларни қўриқлаш бўйича ёнғин-профилактика ишларини ўтказишда қатнашиш ва бошқалар;

е) ўз спорт маҳоратини ошириш, ўт ўчириш-амалий спорт билан шуғулланиш.

Ёш ўт ўчирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

а) ёш ўт ўчирувчи дружинаси раҳбар органларига сайлаш ва сайланиш;

б) дружина фаолиятига оид барча масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш ва тегишли таклифлар киритиш;

в) ёнғин хавфсизлигига масалалари бўйича ёнғиндан сақлаш маҳаллий органларига ва кўнгилли ўт ўчириш жамиятлари ташкилотига ёрдам ва маслаҳат сўраб мурожаат қилиш;

г) дружинадаги фаол иши учун кўнгилли ўт ўчириш жамиятлари ташкилотлари, ҳалқ таълими, ёнғиндан сақлаш органлари томонидан ёрлиқлар, кўкракка тақиладиган нишонлар, қимматбаҳо совғалар, йўлланмалар билан тақдирланиш, ёш ўт ўчирувчиларнинг вилоят, республика ва халқаро слётларига юборилиш;

д) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги ўт ўчириш-техника ўқув юртларига ва ўт ўчириш мутахассисларини тайёрловчи бошқа ўқув юртларига ўқитишга юборилиш;

е) ёнғинни ўчириш, одамларни қутқариб қолиш, жониворлар ва моддий бойликларни эвакуация қилишдаги мардона ҳамда қатъи ҳаракатлари учун белгиланган тартибда ҳукумат мукофотлари билан тақдирланишга тавсия этилиши мумкин.

45. Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг қуйи тизимларини текширишни ташкиллаштириш. Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг қуйи тизимларига амалий ёрдам кўрсатиш /6/

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг қуйи тизимларини текширишни ташкиллаштириш ИИВнинг махсус буйруқлари талаби асосида амалга оширилади.

Ҳудудий ДЁН хизматлари, уларга бўйсундирилган бўлинмаларда ҳалқ хўжалиги масканлари ва Аҳоли турар жойларнинг ёнғинга қарши қаратилган масалаларини ҳал этишда амалий ёрдам берадилар, давлат ёнғин назорати ходимларининг ишини ташкиллаштиришни кўтарадилар, ҳалқ хўжалиги масканлари ёнғинга қарши ҳимояси ва амалий фаолиятида фан-техника ютуқлари ва ижобий иш тажрибаларини татбиқ этишга қаратадилар.

Бўйсундирилган ДЁН назорат фаолиятини текшириш қуйидаги мақсадда олиб борилади, вилоят, шаҳар ва туманлардаги ёнғинларга қарши қаратилган ишлар аҳволини ўрганиш; ушбу қўлланмани талабларини аниқ бажарилишини таъминлаш профилактик ишларнинг ижобий форма ва услубларини аниқлаш ва татбиқ этиш; текширилаётган хизматлар ишидаги камчиликларни бартараф этиш, ҳамда уларга хизмат вазифаларини ҳал этишда амалий ёрдам бериш, ДЁН хизматлари ходимларини ёнғинларга қарши қаратилган қоида, меъёр, стандарт, давлат ва маҳкамаларнинг меъёрий актлар ҳақидаги билимларини текширишга қаратилади.

Амалий ёрдам кўрсатиш учун вилоят, шаҳар туманларга чиқиш ёнғинлар билан боғлиқ бўлган вазиятни кескинлашиши, ДЁН хизматларидаги тезкор-хизмат фаолиятини, ҳамда илгариги текширувлар хулосаси асосида амалга оширилади.

Амалий ёрдам бўйича бригада таркиби ва унинг аниқ вазифаларини ИИВ, ИИБнинг Ёнғин хавфсизлиги бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари, ДЁНнинг транспортдаги хизматчилари учун эса ТИИБ ва ИИБТни раҳбарлари аниқлайди.

Маҳаллий ДЁН хизматларига амалий ёрдам қуйидагича берилади.

ёнғинлар ҳолати кескинлашган алоҳида Аҳоли турар жойларини комплекс текширишни ташкил этиш ва ўтказиш; ёнғин чиққанда ўт ўчириш бўлинмалари куч ва воситаларини чақириш (жалб қилиш) туман режаларини ишлаб чиқиш ва тузатишлар киритиш; ҳалқ хўжалиги масканларини танлаб олиш билан текшириш; ДЁН хизматларининг фаолият йўналишлари бўйича ёнгин-профилактикаси тадбирларини ишлаб чиқиш.

Текширувлар, туман аҳоли пунктлари ва ҳалқ хўжалиги масканларида ДЁН вазифаларини амалга оширишда маҳаллий ходимларни алмаштирмасликлари керак.

Текширув даврида текширувларда топилган камчиликларни бартараф этиш учун қўлларидан келадиган ҳамма чораларни қўллаш керак ва текширилаётганларга хизматдаги хатоларини кўрсатишлари шарт.

46. Қўриқланаётган масканлар ёнғин хавфсизлиги қисмларининг профилактика ходимларининг мажбуриятлари /8/

ДЁН нозири хизмат қилаётган корхонани, ишлаб чиқариш жараёнининг ёнғин хавфсизлиги даражасини ва бино конструкцияларининг муҳим жиҳатларини яхши билишга бурчлидир. Ундан ташқари, у қуйидагиларни амалга ошириши керак:

- цехлар, омборхоналар, хизмат ва маъмурий биноларини, клуб ва болалар муассасаларининг ёнғин хавфсизлиги даражасини текшириб туриши ҳамда аниқланган камчиликларни тезда бартараф этиш учун чоралар кўриши;
- иситиш приборлари ва электр мосламаларидан фойдаланиш, ёнғиндан хавфли моддалар ва материалларни сақлаш чоғида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни назорат қилиш, ўт ўчириш техникасини ўз вазифаси бўйича ишлатмасликнинг олдини олиш;
- ишчилар ва хизматчиларни ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ўргатиш ва уларга йўриқномалар бериш, корхонада ёнғин хавфсизлиги бўйича кўргазмали ўқув қўлланмалари мавжуд бўлган ўқув хоналарини ташкил қилиш; кўнгилли ўт ўчириш дружинаси аъзолари билан машғулотлар ўтиш;
- ёнғинга қарши сув гидрантлари қопқоқларини қордан, муздан ва бошқа нарсалардан тозалаб туришларини, ўт ўчириш воситалари ва автоматика тизимининг ҳолатини кузатиб туриш;
- цех раҳбарияти ва очиқ олов билан боғлиқ ишларини олиб борувчи бошқа шахслар томонидан «Ҳалқ хўжалиги корхоналарида пайвандлаш ва очиқ олов билан боғлик бошқа ишларни амалга ошириш чоғидаги ёнғин хавфсизлиги қоидалари» талабларига риоя қилишларини назорат қилиш;
- ёнғин-техник комиссияси билан биргаликда ишлаб чиқариш ҳолатини текшириш, технологик жараёнининг ёнғин хавфсизлигини пасайтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишда қатнашиш ва ЁТК комиссияси раисини белгиланган тадбирларнинг бажарилиши ҳақида хабардор қилиб туриш;
- ўт ўчириш автоматикаси воситаларини амалда қўллаш, ёнғинга қарши сув таъминотини яхшилаш, биноларнинг ёнғинга чидамлилигини ошириш бўйича истиқбол (перспектив) таклифларини ишлаб чиқиш ва уларни корхона раҳбарияти томонидан кўриб чиқиш учун тақдим этиш.

ДЁН ходимлари корхона ҳудуди, бинолари ва иншоотларининг ёнғин хавфсизлиги даражасига назоратни таъминлаб бериш учун шахсан жавобгардирлар.

47. ДЁН хизмат фаолиятидаги ҳисоботлар турлари

(ЎзР ИИВ махсус буйруқлари)

Ойлик ҳисоботлар

ПО-Тезкор Тумандаги ёнғинлар вазияти ҳақидаги ҳисобот; Ҳар ойнинг 2 кунига юборилади. 15 банддан иборат. Мазмуни ёнғинлар вазиятини, содир бўлган ёнғинларни (ўсиб борган холда) сони, моддий зарар, тан жароҳати олиш ва ҳалок бўлганлар ҳақида маълумот, содир бўлган ёнғинлар сабаблари ҳамда ёнғин содир бўлган жойлар ҳақидаги ахборотлардан иборат бўлади

ДЁНнинг иш фаолияти ҳақида ҳисобот.

Участка милиция вакиллари билан амалга оширилган ҳақида ҳисобот.

Чорак ҳисоботлар- 4-ПО чорак

ДЁНнинг Тармоқлар бўйича ёнғинларнинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлари хакида ҳисобот.

ДЁНнинг Вазирликлар бўйича ёнғинларнинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлари хакида ҳисобот бўлиб, хар чоракда ўсиб борган холда тузилиб борилади.

Йиллик ҳисоботлар

1-АП Маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича кўрилган чоралар, жарималар тўғрисидаги ҳисобот бўлиб, ҳар 6 ойда Статистика бошқармаси ва ВИИБга топширилади.топширилади. МЖТКнинг 84,124,211 моддалари бўйича аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича тузилган баённомалари, қабул қилинган

қарорлар ва кўрилган маъмурий чоралар ҳақида ёки баённомалар юборилган жойлар ҳақида маълумот берилади

4-ПО чорак

ДЁНнинг Тармоқлар бўйича амалга оширилган ишлари ҳақида ҳисобот бўлиб, ҳар чоракда ўсиб борган холда тузилиб борилади.

Аҳоли турар жойлари ва масканларда ёнғинларнинг олдини олиш борасида участка милиция вакиллари билан биргаликдаги олиб борилган ишлар ҳақида ҳисобот ДЁН томонидан амалга оширилган ёнғинга қарши тарғибот, Кўнгилли ёнғин хавфсизлиги жамоа ташкилотларини тайёрлаш ва ўқитиш ишларини ташкиллаштириш, ишлаб чиқариш корхоналаридаги ёнувчан ювиш материалларини техник ёнмайдиган ювиш моддаларига алмаштириш борасидаги амалга оширилган ишлар ҳақида.

48. Ёнғинга қарши йўриқнома. Ёнғин – техник минимумларини ўтказиш тартиби /12/

Саноат корхоналарининг ва қурилишларнинг ишчилари ва хизматчилари билан ёнғин-техник минимуми ва ёнғин хавфсизлиги йўриқномалари бўйича ўтказилиши шарт бўлган машғулотлар дастурида барча ишчи ва ходимларнинг ишга жойлашиш пайтида ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича дастлабки йўриқнома, кейинчалик бевосита иш жойида эса - такрорий йўриқнома олиш тартиби ёритилади.

Ёнғинга хавфли корхоналар ишчилари ва хизматчилари учун ёнғин хавфсизлиги йўриқномаларига нисбатан мураккаброқ бўлган ёнғин-техник минимуми киритилган. Агар йўриқномага (бирламчи ва такрорий) 2 соатдан ҳам камроқ вақт ажратилган бўлса, ёнғин-техник минимумига камида 12-15 соат ажратилиши керак.

Ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқномаларда ишчилар ва хизматчилар қуйидаги маълумотлар билан танишадилар:

- корхонадаги мавжуд ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва йўриқномалари билан;
- ёнғин чиқиш хавфи юқори бўлган ишлаб чиқариш участкалари ва чекиш, олов билан ишлаш тақиқланган жойлар билан;
- ёнғин чиқариш эҳтимоли бўлган сабаблар билан ва уларнинг олдини олиш йўллари билан;
- ёнғин чиққан ҳолларда қандай амалий ҳаракатлар қилиш зарурлиги билан (дастлабки ўт ўчириш воситаларини ишлатиш, Ёнғин хавфсизлик қисми ёки дружинасини ёрдамга чақириш тартиби, технологик ускуналарни тўхтатиш, электр ускуналари ва шамоллатиш тизимини ўчириш, моддий бойликларни қутқариш тартиби).

Йўриқнома бериш ўт ўчириш ва алоқа воситаларини кўрсатиш билан баравар олиб борилиши керак. Бунинг учун махсус ўқув хонаси ташкил қилиниб, унда ўқув қўлланмалари, ўт ўчириш воситаларининг намуналари, алоқа воситалари ва цехлардаги мавжуд бошқа воситаларнинг намуналари бўлиши керак. Ушбу синфда айрим электр ускуналарининг ўқув экспонатлари, алоҳида ёнғиндан хавфли ишлаб чиқариш ускуналарининг макетлари, ёнғиндан хавфли эритувчилар, лаклар, бўёқлар, тайёр маҳсулот ёки хом ашё намуналари бўлиши ҳам тавсия этилади.

Ишлаб чиқаришни ўрганиш тартиби бўйича чиқарилган буйруқда корхона раҳбари ёнғин-техник минимумини ўрганиши шарт бўлган ишчилар ва хизматчилар тоифасини кўрсатиб ўтади. Ёнғин-техник минимумини ўрганиши шарт бўлган мутахассислар бўлар электриклар, электргазпайвандчилари, кимё корхоналарининг

аппаратчилари, нефтни қайта ишлаш корхоналарининг операторлари, нефт маҳсулотлари сақланадиган жойларнинг ишчилари ва шу кабилар.

Ёнғин чиқиш хавфи бўлган корхоналарнинг ишчилар ва хизматчиларининг ёнғин-техник минимуми бўйича ўтказиладиган машғулотлар дастурига қуйидаги мавзулар киритилиши мақсадга мувофиқ:

Масканда ёнғин хавфсизлиги чоралари

Цехда ва иш жойида ёнғин хавфсизлиги чоралари

Ўт ўчириш хизматини чақириш.

Ўт ўчириш воситалари ва улардан фойдаланиш тартиби

Ёнғин пайтидаги ҳаракатлар

Ёнғин-техник минимуми дастурини, ҳафтасида 2-4 академик соатдан иборат бўлган 1-2 машғулотдан кам бўлмаслиги керак. Шундай қилиб, жамланган гуруҳ ишчилари бутун ўқув дастурини 1,5-2 ой мобайнида ўтиб бўлишади. Гуруҳларни тузиш пайтида ҳар бир гуруҳнинг таркибига бир хил мутахассисликка эга бўлган (ёки ўхшаш мутахассисликлар) ходимлар киритилишига ҳаракат қилиши керак.

Ёнғин-техник минимуми дастурини ўрганиб бўлгандан сўнг ишчилар ва хизматчилар синовлар топширишади. Ёнғин чиққан пайтида қандай ҳаракатлар қилиш кераклигини, дастлабки ўт ўчириш воситаларини ишлата олишини билмаган шахслар қайта ўқишга жўнатилади.

Бир цехдан бошқасига ўтказилган ишчилар ва хизматчилар ҳам янги ишлаб чиқаришнинг ёнғин хавфсизлигига хос бўлган ёнғин-техник минимумларини ўрганишга юборилади.

Ишчилар ва хизматчилар такрорий ёнғин хавфсизлиги йўриқномасини ҳар 2-3 йилда оладилар ёки ёнғин-техник минимуми бўйича дастурни ўрганадилар.

49. Ёнғинга қарши автоматика лойиҳа ҳужжатларини текшириш тартиби /6; 13/

Давлат ёнгин хавфсизлиги ходимлари ёнғинга қарши автоматикаларни ишлаб чиқаришда ва ҳалқ хўжалик масканларида қўлланилишида ёрдам кўрсатади; ёнғинга қарши ускуналарни лойиҳалаш ва ўрнатиш ишларида меъёр қоидалар ва (стандартлар) андаза талабларига жавоб беришини назорат қилади; техник ҳолатини текширади; таъмирлаш ва техник ҳолатини созлаш муассасаларини назорат қилади, уларни қабул қилиш комиссияларида иштирок этади, маскан мутахассисларига ёнғинга қарши автоматикаларни жорий қилишда, фойдаланишда, лойиҳалашда ва бошқа (норматив) керакли ҳужжатларни тайёрлашда маслаҳатлар беради.

Ёнғинга қарши автоматика ускуналарни ва лойиҳа ҳужжатларини текширишда ҳаракатдаги меъёрлар, андозалар ва қоидалар талабларига жавоб бериш учун қуйидагиларга аҳамият бериш керак:

Ҳалқ хўжалик масканларини ёнғиндан сақлаш учун бугунги куннинг талабига жавоб берадиган замонавий ёнғиндан сақлаш ускуналарини ишлатиш керак.

Ёнғиндан хабар берувчи мосламалар доимий навбатчи бўладиган хонага (марказий пункт, диспетчер хонаси) ўрнатилиши керак.

Ёнғиндан хабар берувчи мосламалар алоҳида бошқа (соқчилик) мосламалар (системасидан) тармоғидан ажратилган холда «Ёнғин» деган ёзув билан белгиланиши ва ҳар доим тармоққа уланган ҳолатда бўлиши керак.

Ёнғинга қарши автоматиканинг техник ҳолатини хар доим ишга яроқлилигини таъминлаб турувчи корхоналар билан келишиш варақаси тузилганлигини ҳамда нечта мутахассис жалб қилинганлиги аниқланиши керак.

Давлат ёнгин назорати ходимлари текширишлар мобайнида ёнғинга қарши автоматикани ишлатилиши ҳамда техник ҳолатини назорат қилиши билан бирга эскирган, яроқсиз ҳолга келган ёнғинга қарши ускуналарни замонавий ускуналар билан алмаштирилиши ҳақида ўз фикрларини билдирадилар; навбатчиларнинг, ускуналарни қабул қилиш ва назорат қилиш ҳамда амалда ишлатиш учун керакли билимларини ҳамда ёнғин хавфсизлиги қисмлари ва бошқа тезкор хизмат ишчиларини, корхона раҳбарларини тезкор ҳолатда чақирилиши ёки ёнғиндан хабар бериш тармоқлар ишга тушиши билан қандай амалий ишлар олиб борилишини амалда текширадилар.

Ёнгин назорати ходимлари йил сайин ёнғинга қарши автоматика ускуналарининг ишини ўрганиб ва уларни қайси даражада яхши ишлаши тўғрисида аниқ таклифлар киритиши, ҳамда шу ёнғинга қарши автоматика ускуналарининг ҳисобини олиб бориш лозим.

Ёнғинга қарши автоматика қурилмаларини техник текшириш пайтида давлат ёнғин назорати ходимлари, қоидага биноан, қўриқлаш бошқармаси, махсус автоматика вакиллари, ўрнатувчи, созловчи, техник ҳолатини тузатувчи идора ходимлари билан биргаликда иш олиб боришлари керак.

Зарур холларда, ёнғинга қарши автоматикани ишлаш қобилиятини ва унинг қай даражада наф келтиришини, ҳамда қайси сабаблар билан ишламай қолиш натижасини аниқлашда давлат ёнгин назорати ходимлари томонидан, керакли мутахассисларни бошқа идоралар томонидан жалб қилиб техник-ёнғин экспертизаси тайинлаш ҳуқуқига эга.

Ёнғинга қарши автоматикани иншоот ёки биноларни ёнғинга қарши ҳимоя қилиш учун белгиланган қурилмалар (системасини) тармоқлари (тутун ҳайдаш тармоқлари, тамбурлардаги ҳаво босими, ёнғинга қарши клапанлар, қопқонлар, тўсинлар ва х.к.) билан биргаликда текширилиши керак.

50. Республика ёки тармоққа тааллуқли ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ишлаб чиқиш тартиби /6/

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш қоидалари тармоқ ва Республикага оид бўлиши мумкин ёнғин хавфсизлиги қоидаларини республика ёки тармоққа оидлигини Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси ҳал этади.

Ҳалқ хўжалиги тармоқ масканларида ёнғин хавфи хусусиятлари ва ишлаб чиқаришнинг ўзига хос фазилатини ҳисобга олган ҳолда, тармоқ ёнғин хавфсизлигига қаратилган қоидалар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси билан келишилган амалий топшириқ асосида вазирлик ва маҳкамаларнинг лойиҳалаштириш ва илмий текширув ташкилотлари томонидан ишлаб чиқарилади.

Маҳаллий шароит, хусусият ва бошқа фазилат масалаларини ҳисобга олган ҳолда Республикага оид ёнғин хавфсизлигига қаратилган қоидалар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси томонидан манфаатдор вазирликлар (идоралар), маҳаллий ДЁН хизматларининг қатнашуви тартибида ишлаб чиқилади.

Тармоққа оид ёнғин хавфсизлигига қаратилган қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Республикага оид ёнғин хавфсизлигига қаратилган қоидалар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси томонидан тасдиқланади ва тегишли Республика вазирликлари (идоралари) ва профессионал иттифоқлар кенгаши билан келишилади.

Республика ва тармоққа оид ёнғин хавфсизлигига қаратилган янги қоидаларни ишлаб чиқиш ва ҳаракатдагиларга ўзгартириш киритиш Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси режаси асосида, вазирлик, маҳкама, ҳудудий ДЁН хизматларининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ўрнатилган тартибда тасдиқланган ёнғин хавфсизлигига қаратилган қоидалар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармасида рўйхатга олинади.

Республика ёки тармоққа оид стандартлар лойиҳаси бўйича хулосани Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси тайёрлайди.

Ўт ўчириш техникасининг ҳамма категориялари учун стандарт ва амалий шартлар лойиҳалари фақат Ўзбекистон Республикасининг ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси билан келишилади.

Стандартизация ва метрология марказларида ёки стандарт ва амалий шартлар давлат фонди томонидан рўйхатга олинадиган амалий шартлар лойиҳаси бўйича хулосани фақат Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси беради.

Ҳудудий ДЁН хизматлари, стандарт ва ўлчов техникаси устидан давлат назорати олиб борувчи лабораторияларида рўйхатга олинадиган амалий шартлар лойиҳаларига хулоса беришлари мумкин.

51. Лойиҳаларни кўриб чиқиш усули /6/

Экспертиза қилиш чоғида лойиҳани кўриб чиқиш қуйидаги босқичларга бўлинади:

- лойиҳани кўриб чиқишга тайёргарлик кўриш;
- лойиҳани кўриб чиқиш;
- экспертиза натижаларини расмийлаштириш (ёзма кўрсатма тузиш, қисқача маълумотнома тузиш ёки хат тайёрлаш, ДЁХХ аппарати раҳбарияти номига билдирги тайёрлаш ва лойиҳа ташкилотининг раҳбарига тақдим этиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлаш).

Лойиҳа ҳужжатларини дастлабки кўриб чиқиш пайтида қурилиши мўлжалланаётган ташкилот, муассаса ёки иншоотнинг тавсифи ҳам аниқланади. Текширилиши зарур бўлган масалалар аниқлаб олинади. Кейинчалик зарур адабиёт манбалари ва меъёрий ҳужжатлар танланади.

Лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш жараёнида ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг талаблари бузилганлиги аниқланади, аниқланган камчиликларни қайд қилиш учун иш ёзувлари олиб борилади, тегишли меъёрий ҳужжатлардан кўчирмалар қилинади ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун талаблар қўйилади.

Лойиҳаларни қуйидаги тартибда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ:

-бош режа ва қурилиш бош режаси;

-технологик қисми (ишлаб чиқариш технологияси, технологик жараёнларнинг автоматлаштирилганлиги);

-қурилиш қисми (меъморий-қурилиш ечимлари, ички режалаштириш, қутқарув йўллари, қурилиш конструкциялари, ёнғин хавфсизлиги тўсиқлари);

-сантехника қисми;

-электр-техник ва лойиҳанинг бошқа қисмлари.

Лойиҳанинг технологик қисмини экспертиза қилиш - технология жараёнининг ёнғин хавфини, ишлаб чиқаришнинг портлаш, портлаш-ёнғин ва ёнғин хавфи тоифаларини аниқлаш имконини беради.

Лойиҳанинг қурилиш қисмини экспертиза қилиш – бинонинг ҳақиқий ёнғинга чидамлилик (оловга бардошлик) даражасини ва бинонинг ҳажмий-режавий ечимларининг меъёрий ҳужжатларга мос келишини аниқлаш имконини беради. Бинонинг келажакдаги фаолияти йўналиши ва ишлаб чиқаришнинг ёнғин хавфи бўйича тоифасини аниқлагандан сўнг унинг керакли ёнғинга чидамлилик даражасини, неча қаватдан иборат бўлиши лозимлигини, ёнғинга қарши деворларнинг зарурлигини, қутқарув йўлларининг узунлигини ва қутқариш учун зарур бўлган максимал вақтни аниқлашади.

Бундан кейин исталган кетма-кетликда иситиш тизими, ҳавони шамоллатиш ва салқинлаштириш тизимлари, сув қувурлари ва канализация, электр-техник ускуналари кабиларнинг, лойиҳа ҳужжатлари кўриб чиқилади. Фақат лойиҳани экспертиза қилишнинг ўзи етарли эмас, негаки ишчи чизмаларни тайёрлаш жараёнида лойиҳа ташкилоти ўз ташаббуси билан, буюртмачининг ёки ҳужжатларни тасдиқловчи ташкилотнинг талабига кўра у ёки бу қарорларга ўзгартириш киритилиши мумкин.

52. Қурилиши тугалланган объектларни қабул қилиш /6/

Қурилиши тугалланган корхоналарни, биноларни ва иншоотларни қабул қилиш – ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни назорат қилишнинг якунловчи босқичи ҳисобланади. Қурилиши тугалланган объектларни қабул қилиш тартиби ҚМҚ III-3-81 «Қурилиши тугалланган объектларни ишлатишга қабул қилиш. Асосий қоидалар» орқали белгиланади.

Ушбу меъёрий ҳужжатнинг талабига кўра тасдиқланган лойиҳа бўйича қурилган ва ишлатишга тайёрланган барча объектлар буюртмачи (қурувчи) томонидан давлат қабул комиссиясига топширилиши керак.

Қурилиши тугаган объектни давлат қабул комиссиясига тақдим этилгунга қадар буюртмачи (қурувчи) томонидан ишчи комиссия тайинланади.

Ишчи комиссия таркибига давлат ёнғин назорати органи вакилининг киритилиши шарт ва бу вакилга лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзланган ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган барча тадбирларнинг тўлиқ бажарилганлигини, жумладан стандартлар, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига риоя қилинганлигини текшириш вазифалари юклатилган.

Ишчи комиссиянинг объект ишлатишга тайёр эканлиги ҳақида чиқарилган хулосасидан сўнг давлат қабул комиссияси тайинланади.

Давлат қабул комиссияси таркибига аъзо сифатида қуйидагилар киритилади: буюртмачининг вакили; бош қурувчи; бош лойиҳачи; санитария назорати, давлат ёнғин назорати, касаба уюшмаларининг техник инспекцияси ва буюртмачи касаба уюшмаси ва объектни ишлатувчи корхонанинг вакиллари; шаҳар (туман) ҳокимияти, маблағ билан таъминловчи банк вакиллари ва бошқалар.

Давлат қабул комиссияси объектнинг тавсиф ва мураккаблигига қараб олдиндан тайинланади, лекин ишлаб чиқариш билан банд бўлган объектларни қабул қилиш учун - уч ойдан кечикмасдан, яшаш бинолари учун эса – 30 кундан кеч бўлмаган муддатда.

Ишчи ва Давлат қабул комиссиясининг ишига аъзо сифатида топширилган объектга келажакда профилактика хизматини кўрсатадиган ДЁН ходими киритилиши тавсия этилади.

Агар қурилиши тугалланган объектларда жиддий камчиликлар аниқланса, лойиҳа ва меъёрий ҳужжатларда (ГОСТ, ҚМҚ, Техник шартлар) белгиланган ёнғин хавфсизлиги тадбирлари бажарилмаган бўлса, унда ДЁН органининг вакили давлат қабул комиссиясининг раиси номига ёзма равишда ўзининг муҳим фикрини

билдириши ва далолатномага қўл қўйишдан бош тортиши мумкин, бу ҳақда эса у дарҳол ўзининг юқори раҳбарига хабар беради. Бу ерда шуни эслатиб ўтиш жоизки, амалдаги қонунчилик талабларига асосан қурилиши тугалланган объектларни қабул қилиш қоидаларини бузган давлат қабул комиссиясининг раиси ва аъзолари, шунингдек жиддий камчиликлари мавжуд бўлишига қарамай комиссия аъзоларини қўл қўйишга мажбур қилган мансабдор шахслар маъмурий, интизомий ёки жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

53. ДЁХ органларининг маъмурий мажбурлов чораларини қўллаш бўйича ваколатларининг манбалари. Уларнинг мазмуни /3; 6;13 /

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 17- майдаги 227 – сонли Қарори “Ўзбекистон Республикасида Давлат Ёнғин Назорати тўғрисидаги Низом»нинг 18 банди асосида корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг мансабдор шахсларига, ходимларига шунингдек ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларни бузишда айбдор бўлган ёки уларни бажармаган фуқароларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий жазо чораларини қўллаш ҳуқуқи Давлат ёнғин назорати органларининг мансабдор шахсларига берилган.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодекси 249-моддасида Давлат ёнғиндан сақлаш назорати органларига Кодекснинг махсус қисмини 84 (ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш) 124 (транспортда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш) 211 (корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда, жамоат жойларида, шунингдек, тегишли объектларни лойиҳалаштириш, қуриш ва қайта қуриш чоғида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш ёки ёнғинга қарши инвентарлар, ускуналар, ёнғинни аниқлаш ва ўчиришнинг автомат воситаларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш қоидаларини бузиш) моддалари бўйича назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Давлат ёнғин назорати органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллашга Давлат ёнғин назорати органининг мансабдор шахслари ҳақлидирлар

54. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишнинг вазифалари. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик тўғрисида баённома тузиш ваколатига эга бўлган шахслар /3; 6; 13 /

Маъмурий жазо чораларини қўллаш учун асос маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатини аниқланиши, муайян шахс томонидан қоидаларни бузилиши бўлади. Бундай ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисида баённома тузиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс томонидан баённома тузилади.

Маъмурий баённомани тузишга қуйидаги шахслар ваколатли:

1. Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг барча шахсий таркиби.
2. Кўнгилли ўт ўчириш дружинасининг бошлиғи, унинг ўринбосари ва аъзолари.
3. Ёнғин техник комиссиялари аъзолари.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда 16 ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларга нисбатан вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар тўғрисидаги Низомда назарда тутилган чоралар қўлланилади.

55. Маъмурий иш юзасидан қарор чиқариш. Қарорни эълон қилиш ва топшириш тартиби. Қарорни ижро этиш муддати /3; 6; 13/

Орган (мансабдор шахс) маъмурий жазо чорасини қўллаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда сабабини албатта кўрсатиб туриб, Кодекснинг махсус қисмидаги назарда тутилган энг кам жазодан ҳам енгилроқ жазо чорасини қўллаши мумкин.

Маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб 2 ойдан кечиктирмай қўлланиши мумкин.

Маъмурий иш аниқ бир жойда кўриб чиқилиши керак. Ишни кўриб чиқиш вақтида МЖТКнинг 308 моддаси асосида баённома тузилади. Баённомада белгиланган чора кўрсатилади.

Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тўхтатилган бўлсаю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 1 ойдан кечиктирмай қўлланиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида келтирилган зарарни қоплаши шарт.

Агарда ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарар белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан кўп бўлмаса, орган (мансабдор шахс) жазо қўллаш пайтида айбдор зарарни қоплаши тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этишга ҳақлидир.

56. Маъмурий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор устидан шикоят бериш ва протест билдириш тартиби. Билдирилган шикоят ёки протестни кўриб чиқиш муддатлари /13/

Маъмурий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор устидан шикоят бериш ва протест билдириш тартиби МЖТКнинг 315 моддасида кўрсатиб ўтилган. Шикоят қарор устидан юқори турувчи ташкилот, орган ёки судга арз этилиши мумкин. Шикоят келиб тушган кундан бошлаб 3 (уч) кун муҳлат ичида ушбу моддага асосан шикоятни кўриб чиқишга ваколатли шахсга юборилади.

Билдирилган шикоят ёки протестни кўриб чиқиш кўрсатиб ўтилган. Ушбу моддага асосан шикоятни кўриб чиқишга ваколатли шахс 10 кун ичида кўриб чиқадилар ва қуйидаги керакли қарорни (МЖТКнинг 316 моддаси) қабул қиладилар.

1. Қарорни ўзгартиришсиз қолдириш.
2. Қарорни бекор қилади ва қайта кўришга юборади.
3. Қарорни бекор қилади ва ишни тугатади.
4. Жазо чорасини кучайтирмасдан қонунда белгиланган доирада ўзгартиради.

57. Турар жойларда ёнғин–техник текширувларни ўтказишнинг тартиби ва ўзига хос хусусиятлари /12/

Турар жой фонди бизнинг давлатимизда хусусий мулк ҳисобланади. Ҳар бир фуқаронинг турар жойга эга бўлиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан кафолатлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва турар жойлар тўғрисидаги қонунларда белгилаб қўйилганидек, фуқаролар яшаш хоналарини асраб-авайлашлари, техник жиҳозлардан эҳтиёткорлик билан фойдаланишлари, маданий-

маиший объектларга, уй олди ҳовлиларига эътибор беришлари, яшаш уйларидан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя этишлари керак.

Фуқаролар, агарда уларнинг айби билан уй-жойларга, ёрдамчи биноларга, шунингдек уй жиҳозларига, зинапоя, лифт, болохоналарига, кўкаламзорлаштирилган майдонларга, болалар ҳамда спорт майдончаларидаги нарсаларга зарар етказилса - моддий жавобгар бўладилар. Яшаш хоналари ва улардаги жиҳозларга зиён етказилиши оқибатларида келтирилган моддий зарар қиймати қонун билан белгиланган тартибда, уй-жойлардан фойдаланиш ташкилоти маъмурияти томонидан жамоатчиликни жалб этган ҳолда тузиладиган баённома орқали ундириб олинади. Уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотларининг раҳбарлари турар жой фондини техник жиҳатдан соз ҳолатда бўлишини, яшаш уйлардаги техник жиҳозлар ва қурилмаларни доимий равишда ишлашини таъминлашлари белгиланган муддатларда капитал ва даврий таъмирлаш ишларини амалга оширишлари, санитар-техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишини таъминлашлари лозим.

Турар жойларни ўз вақтида ва қониқарсиз таъмирланишида, яшаш уйларидан, уй олди ҳовлилардан фойдаланиш қоидаларини бузилишда айбдор бўлган уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотларининг мансабдор шахслари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Турар жойларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлашга амалдаги меъёрий ҳужжат ва қоидаларга кўра яшаш уйларини асраб-авайлаш борасидаги тадбирларнинг ажралмас таркибий қисми сифатида қаралади. Шунинг учун турар жойларда хоналарни қайта лойиҳалаштириш, кенгайтириш, ажратиш ҳамда лойиҳада назарда тутилмаган қўшимча қурилишлар қилиш тақиқланади. Бундай ишларни амалга ошириш фақатгина тегишли ташкилотларнинг рухсати билангина бажарилиши мумкин. Давлат ёнғин назорати органлари бир томонлама тартибда уйларнинг ички қисмини ҳамда қутқарув йўлакларини ўзгартиришга рухсат бериш ҳуқуқига эга эмас. Бу талаб қишлоқ жойлардаги уй жойларни кенгайтиришга ҳам тегишли бўлиб, бу ишни амалга ошириш учун ҳокимият ёки фуқаролар йиғинининг рухсати бўлиши шарт.

58. Назорат органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни текширишни мувофиқлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар /10 /

1.Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишни тартибга солиш тўғрисида ЎзР Президентининг 2114 сонли фармони 1998 йил 19 ноябр.

2.Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида ЎзР ВМнинг 27.11.1998 йил 496 Қарори

3 Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги Қонун.

4. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни 241 прим. Моддаси.

5.Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш (НҚОФМ) Республика кенгашининг иш Регламенти. НҚОФМ Республика кенгаши томонидан 1999 йил 8 январда тасдиқланган.

6.Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом. НҚОФМ Республика кенгаши томонидан 2006 йил 11 мартда 06-01-01 рақами билан тасдиқланган.

7.Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ЎзР ВМнинг 2005 йил ноябр ойидаги 3665 ва 3694 сонли қарорлари.
8. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида ЎзР ВМнинг 2001 йил 347 сонли Қарори.
9. ЎзР ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасининг 2005 йил 21 ноябрдаги 64-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг хўжалик юритувчи субъектларда ўтказиладиган чорак ва йиллик текширувлари режа-жадвалларини тузиш тартиби тўғрисидаги Низоми».

59. Назорат органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни текширишни мувофиқлаштириш тартиби /10/

Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомга кўра 10 сентябргача НҚОФМ Республика кенгашининг туман ишчи органига текширувлар ўтказиш учун режа-жадвал лойиҳаси юборилади. Ушбу кўрсатмага асосан Маҳаллий ДЁН органлари ўзлари хизмат кўрсатаётган ҳудудда жойлашган масканларни ушбу рўйхат асосида хизмат кўрсатилишини белгилаб масканлар рўйхатини тузадилар. Тузилган буюртма 10 сентябр кунигача тасдиқлаш учун киритилади. Республика кенгаши томонидан тасдиқланган режа-жадвал туман ишчи органлари орқали ДЁН бўлимларига 25 декабргача келиб тушади.

Таянч сўзлар, атамалар ва тушунчалар

ДЁХХ (Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати) – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан (2001 йил 25 июнда 267-44-сонли Қарор билан тасдиқланган) у Ички ишлар Вазирлиги Ёнғиндан сақлаш бўлинмалари базасида ташкил этилди.

Тоифаланган ёки тоифаланмаган шаҳарлар ва туманлар – ёнғин чиқиш хавфи вазияти, даражасини, ёнғин ва портлаш хавфи бўлган ўта муҳим объектлар миқдорини, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, стратегик ва мудофаа аҳамиятини, шунингдек, Аҳоли сонини ҳисобга олиб, туманлар ва шаҳарларга қуйидаги тоифалар белгилаб қўйилган: ***тоифаланмаган*** туманлар ва шаҳарлар, ***биринчи*** ва ***иккинчи*** тоифадаги шаҳарлар ва туманлар.

Ҳудудида ҳаётий фаолиятни таъминлаш учун муҳим бўлган объектлар (нон заводлари, сув тозалаш иншоотлари), вилоят аҳамиятига эга саноат объектлари бўлган туманлар ва шаҳарлар – ***биринчи*** тоифа қаторига киради, қолган барча шаҳарлар ва туманлар эса – ***иккинчи*** тоифа қаторига киради.

Ёнғин хавфсизлигига қаратилган ишларни текшириш – Ўзбекистон Республикасида Давлат ёнғин назорати тўғрисидаги Низомга асосан барча ҳалқ хўжалиги объектларида ДЁН органлари томонидан олиб бориладиган текшириш.

Ёзма кўрсатма – ДЁН органлари томонидан корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ҳамда хонадонларнинг ёнғин хавфсизлигига қаратилган ишлари текширилганидан сўнг 5 кун муддат ичида аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун корхона раҳбарларига (хонадон эгаларига) тақдим этиладиган ҳужжат.

Комплекс текширишлар – ҳалқ хўжалиги тармоқлари, шаҳарлар ва бошқа Аҳоли пунктларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ишларни текширишга айтилади. Бу текширишлар ЎзР ИИВ ЁХББ, ҚР ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ ЁХБларининг иш режалари асосида ўтказилади.

Меъёр-амалиёт ишлари – бу ишлар ДЁН органлари томонидан ёнғинга қарши тадбирларнинг амалдаги лойиҳалаш меъёрлари ва қоидаларининг лойиҳалаш, янги қурилиш, таъмирлаш ва қайта техник жиҳозлаш, қурилаётган майдонларда ёнғинларнинг олдини олиш ва уларни ўчириш ишларини такомиллаштириш, ҳалқ хўжалиги масканлари ва турар жойларининг қурилиши мобайнида ёнғинга қарши тадбирларнинг тўла-тўкис бажарилиши, лойиҳалаш даврида содир бўлган ёнғинларнинг таҳлили асосида лойиҳалаш меъёрларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқиш мақсадида олиб борилади.

Ёнғинларни текшириш – ДЁН хизматида ҳар бир содир этилган ёнғинни тўлиқ ўрганиш ишларига айтилади. Текширувнинг асосий мақсади ёнғин чиқиш сабабини, айбдор шахсларни ва жиноят таркибининг бор-йўқлигини аниқлашга қаратилади. Ёнғин бўйича текширув ва суриштириш ишлари ЎзР Жиноят-процессуал кодексининг талаблари асосида 10 кун муддат ичида амалга оширилади.

Маъмурий-ҳуқуқий фаолияти – ДЁН органларининг маъмурий-ҳуқуқий фаолияти ёнғин хавфсизлиги қоидалари, қурилиш меъёрлари ва қоидалари, стандартлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг бузилишининг олдини олиш ва огоҳлантиришга қаратилган. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишларни олиб бориш ДЁН ходимлари томонидан ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс талаблари асосида амалга оширилади.

Ёнғин хавфсизлиги қоидалари - масканларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бир қатор тадбирлар тўплами. Ёнғин хавфсизлиги қоидалари республикага ёки тармоққа оид бўлиши мумкин. Бу қоидалар манфаатдор вазирликлар томонидан ЎзР ИИВ ЁХББ иштирокида ишлаб чиқилади ва ЎзР ИИВ томонидан тасдиқланади. Тармоққа оид қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ЎзР ИИВ ЁХББ томонидан тасдиқланиши ҳам мумкин.

Ўзбекистон Ёнғинга қарши кураш жамияти – Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 1996 йилнинг 26 июлида рўйхатдан ўтган, 142п-сонли гувоҳнома. Жамиятнинг раҳбар органи – Қурултой, Кенгаш. Фаолиятининг асосий мақсади республика ҳалқ хўжалиги ва турар жойларда ёнғиндан сақлашни таъминлаш учун аҳоли кенг қисмини ёнғиндан сақлаш ва унга қарши курашиш борасидаги амалий ёрдам берувчи ташкилот.

Ёнғин – моддий зарар етказадиган, махсус ўчоқдан ташқаридаги назорат қилиб бўлмайдиган ва инсонлар ҳаётига хавф солувчи ёниш.

Ёнғин хавфсизлиги – объектда ёнғин чиқиш эҳтимоли истисно бўлган ҳолат, агар ёнғин чиқадиган бўлса, унда ёнғиндаги хавфли факторларнинг одамларга таъсирининг олди олинган ҳамда моддий бойликларнинг ҳимояси таъминланган бўлади.

Ёнғинни бартараф этиш тизими – ёнғиндаги хавфли факторларнинг одамларга таъсирини бартараф этишга ва унда кўриладиган моддий бойликларнинг зарари миқдорини чеклашга қаратилган ташкилий тадбирлар ва техник воситаларнинг мажмуи.

Ёнувчанлик – модда, материал, аралашма, конструкциянинг мустақил ёниши эҳтимолининг мавжудлиги.

АДАБИЁТЛАР

1 Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августдаги IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

2 «Национальная программа подготовки кадров». Закон Республики Узбекистан, принятый IX сессией Олий Мажлиса 29 августа 1997 года. Т. , «Ўзбекистон», том 6, стр. 245-266, 1998 год.

3 ЎзР ВМ нинг 17.05.1993 й «Ўзбекистон Республикасида Давлат ёнғин назорати тўғрисида»ги 227-сонли Қарори.

4 ЎзР ВМ нинг 29. 06. 1995 й «Кўнгилли ёнғин ўчирувчилар дружинаси (КЁЎД), Ёш ёнғин ўчирувчилар дружиналари (ЁЁЎД), Ёнғин – техник комиссиялари (ЁТК) Низомларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 243-сонли Қарори.

5 ЎзР ВМнинг 2001 йил 29 июн кунидаги «Ўзбекистон Республикаси ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги 267-44 сонли Қарори.

6 Давлат ёнғин назорати фаолиятини ташкиллаштириш қўлланмаси. ЎзР ИИВ нинг 22. 09. 1993 йил 344- сонли буйруғи.

7 Ёнғинларни ҳисобга олиш қоидаси, ЎзР ИИВ нинг 2002 йил N:128 сонли буйруғи.

8 ИИВнинг ҳарбийлаштирилган ва касбийлаштирилган бўлинмалари томонидан қўриқланаётган масканларда ёнғинни олдини олиш ишларини ташкиллаштириш қўлланмаси.

9 Ўзбекистон Республикаси Ёнғинга қарши кураш жамиятининг Низоми.

10 Назорат органларининг мувофиқлаштириш масалалари бўйича Қўлланма.

11 Ёнғин назоратини ташкиллаштириш фанидан маърузалар матни тўплами.

12 А.Д.Худоев ва бошқалар. Ёнғин хавфсизлиги қоидалари тўплами. ЎзР ИИВ ЁХОТМ.

13 Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси.

14 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

15 Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги хизмати фаолиятини ташкиллаштириш Низоми» Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 20 апрелдаги №117 сонли буйруғи.

16 И. А. Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», Т. , «Ўзбекистон», т. 1, 8-11 бет. , 1996 йил.

17 Савельев П. С. Ҳалқ хўжалиги масканларида ёнғинларни олдини олиш ишларини ташкиллаштириш. – М. : Стройиздат, 1985, 360 с.

18 Сборники правил пожарной безопасности.

19 Действующие строительные нормы и правила.

20 Авдеев Г. Методика определения ущерба нанесенного пожарами. – Т. ВПТШ МВД УзР, 1992.

21 Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги Қонун.

22 Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низом. нқофм республика кенгаши томонидан 2006 йил 11 мартда 06-01-01 рақами билан тасдиқланган.

23 ЎзР ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасининг 2005 йил 21 ноябрдаги 64-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг хўжалик юритувчи субъектларда ўтказиладиган чорак ва йиллик текширувлари режа-жадвалларини тузиш тартиби тўғрисидаги Низоми».

АДАБИЁТЛАР

1 Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августдаги IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

2 «Национальная программа подготовки кадров». Закон Республики Узбекистан, принятый IX сессией Олий Мажлиса 29 августа 1997 года. Т. , «Ўзбекистон», том 6, стр. 245-266, 1998 год.

3 ЎзР ВМ нинг 17.05.1993 й «Ўзбекистон Республикасида Давлат ёнғин назорати тўғрисида»ги 227-сонли Қарори.

4 ЎзР ВМ нинг 29. 06. 1995 й «Кўнгилли ёнғин ўчирувчилар дружинаси (КЁЎД), Ёш ёнғин ўчирувчилар дружиналари (ЁЁЎД), Ёнғин – техник комиссиялари (ЁТК) Низомларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 243-сонли Қарори.

5 ЎзР ВМнинг 2001 йил 29 июн кунидаги «Ўзбекистон Республикаси ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги 267-44 сонли Қарори.

6 Давлат ёнғин назорати фаолиятини ташкиллаштириш қўлланмаси. ЎзР ИИВ нинг 22. 09. 1993 йил 344- сонли буйруғи.

7 Ёнғинларни ҳисобга олиш қоидаси, ЎзР ИИВ нинг 2002 йил N:128 сонли буйруғи.

8 ИИВнинг ҳарбийлаштирилган ва касбийлаштирилган бўлинмалари томонидан қўриқланаётган масканларда ёнғинни олдини олиш ишларини ташкиллаштириш қўлланмаси.

9 Ўзбекистон Республикаси Ёнғинга қарши кураш жамиятининг Низоми.

10 Назорат органларининг мувофиқлаштириш масалалари бўйича Қўлланма.

11 Ёнғин назоратини ташкиллаштириш фанидан маърузалар матни тўплами.

12 А.Д.Худоев ва бошқалар. Ёнғин хавфсизлиги қоидалари тўплами. ЎзР ИИВ ЁХОТМ.

13 Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси.

14 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

15 Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги хизмати фаолиятини ташкиллаштириш Низоми» Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 20 апрелдаги №117 сонли буйруғи.

16 И. А. Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», Т. , «Ўзбекистон», т. 1, 8-11 бет. , 1996 йил.

17 Савельев П. С. Ҳалқ хўжалиги масканларида ёнғинларни олдини олиш ишларини ташкиллаштириш. – М. : Стройиздат, 1985, 360 с.

18 Сборники правил пожарной безопасности.

19 Действующие строительные нормы и правила.

20 Авдеев Г. Методика определения ущерба нанесенного пожарами. – Т. ВПТШ МВД УзР, 1992.

21 Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги Қонун.

22 Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низом. нқофм республика кенгаши томонидан 2006 йил 11 мартда 06-01-01 рақами билан тасдиқланган.

23 ЎзР ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасининг 2005 йил 21 ноябрдаги 64-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг хўжалик юритувчи субъектларда ўтказиладиган чорак ва йиллик текширувлари режа-жадвалларини тузиш тартиби тўғрисидаги Низоми».

1.4. ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

«Хизмат фаолиятининг ҳуқуқий асослари» фани бўйича якуний давлат аттестацияларига тайёргарлик кўришнинг асосий мақсади бу – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари хизматининг ҳуқуқий ҳолатини ва фаолиятини белгилаб берувчи қонун ости ҳужжатларини ўрганишдан ва тингловчилар томонидан уларни хизмат фаолиятида тўғри қўллай олишни таъминлашдан иборатдир. Унинг асосий вазифаси бўлиб эса қонунчиликнинг моҳияти ва унга риоя этилишини Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ таркибий бошқарма ва бўлимларида таъминлаш усулларини ҳамда ички ишлар идораларининг хизмат фаолиятида қонунчиликка риоя этилишини назорат қилишнинг шакллари ва усулларини тингловчилар томонидан мукаммал билишларини таъминлаш ҳисобланади.

Ушбу услубий қўлланмани ўзлаштириш натижасида ҳар бир тингловчи:

қуйидаги тасаввурларга эга бўлиши лозим:

- ички ишлар идораларидаги хизматнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида;
- Ўзбекистон Республикаси ИИВда мавжуд бўлган хизматлар, уларнинг таркибий тузилиши ва асосий вазифалари ҳақида;
- ички ишлар идораларининг махсус шароитлардаги фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида;

қуйидагиларни билиши ва бажара олиши зарур:

- ички ишлар идораларида хизматни ўташ тартибини белгиловчи меъёрий ҳужжатларни ва уларнинг моҳиятини;
- Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати билан ҳамкорлик қилувчи бошқа хизмат тизимлари тўғрисидаги маълумотларни;
- Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мақсади ва вазифаларини;
- фавқулодда вазиятларда ички ишлар идоралари хизмат фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини;
- фавқулодда вазиятларда ички ишлар идоралари босқичма-босқич бажарадиган вазифаларни;

қуйидаги кўникмаларни эгаллаши зарур:

- ички ишлар идоралари хизматида қўлланиладиган ҳужжатлар тўғрисида умумий тушунчага эга бўлиши ва расмийлаштира олиши;
- ички ишлар идоралари фаолиятидаги таҳлилий ишларни, қарорлар тайёрлаш, қабул қилиш ва ижросини ташкил қилишни билиши;
- ички ишлар идораларида кадрлар билан ишлашни уюштириши;
- фавқулодда вазиятларда ички ишлар идоралари томонидан тузиладиган ҳужжатларни расмийлаштира олиши;

1. Ички ишлар идораларида хизматни ўташ тартибини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар, уларнинг мазмуни ҳамда ички ишлар идораларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида тушунтириб бериш /1; 2; 6; 8; 9/

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йиллардаёқ ҳали ёш мустақил ватанимизнинг ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳукуматимиз олдида долзарб масала бўлиб қолди. Бу масалани Республика Ички ишлар идораларини хизматни онгли равишда, ўз хоҳиши билан ўзига касб қилиб олган, ватанига ва халқига жон-дилдан хизмат қилишни муқаддас бурчи деб ҳисоблайдиган Республика фуқаролари билан жамлаш орқалигина ҳал этиш мумкин.

Шуларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 8 январ куни «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идораларида хизматни ўташ тўғрисидаги вақтинчалик Низом»ни тасдиқлаш тўғрисидаги 16 – сонли Қарорни қабул қилди. Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 1993 йил 26–январдаги 25–сонли буйруғи билан эълон қилиниб, амалга киритилган. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 1993 йил 26–январдаги 25–сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идораларида хизматни ўташ тўғрисидаги вақтинчалик Низом» га мувофиқ ички ишлар идораларига хизматга 18 ёшга тўлган, лекин 30 ёшдан ошмаган, ўзларининг хулқ-автори, ишчанлик қобилияти, соғлиги ва маълумотига кўра ички ишлар идораларининг олдига қўйилган вазифаларни бажаришга лаёқатли Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари қабул қилинадилар. Ички ишлар идораларининг саф бўлинмаларига бўйи 170 сантиметрдан кам бўлмаган эркаклар ва 165 сантиметрдан кам бўлмаган аёллар қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси ИИВ тасарруфидаги олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларига ўрта маълумотга эга бўлган республика фуқаролари 17 ёшдан 23 ёшгача қабул қилинадилар. Ички ишлар идораларида хизматни ўтаётган ходимлар эса 25 ёшгача қабул қилинадилар. Аввал жиноят содир этиб, жиноий жавобгарликка тортилган шахслар, ҳамда турар жойидан, иш жойидан ёки ўқиш жойидан қониқарсиз тавсифнома берилган шахслар Ички ишлар идораларига ишга қабул қилинмайдилар. Сафдорлар ва кичик бошлиқлар таркибига тегишли лавозимлар ҳарбий хизматни ўтаган шахслар билан контракт асосида жамланади. Шунингдек, амалдаги қонунларга мувофиқ ушбу лавозимлар ҳарбий хизматни ўтамаган шахслар билан ҳам жамланиши мумкин. Сафдорлар ва кичик бошлиқлар таркибига тегишли лавозимлар захирадаги офицерлар билан жамланишига йўл қўйилмайди.

Ички ишлар идораларидаги хизматнинг асосий хусусиятлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

махсус қасамёд қабул қилиш кўзда тутилган;

махсус унвонлар жорий этилган;

белгиланган муддатларда шаҳодатдан ўтказиш назарда тутилган;

хизмат таътили алоҳида тартибда берилади;

махсус кийим-кечак жорий этилган;

хизмат интизоми ўрнатилган;

Ўрта, катта ва олий бошлиқлар таркибидаги шахслар қўйидаги ҳолатларда захирага чиқариладилар:

а) ёшига қараб:

подполковник унвонига қадар – 50 ёшда;

полковник – 55 ёшда;

олий бошлиқлар – 60 ёшда;

б) касаллиги туфайли – ҲТКнинг хулосаси асосида;

в) штат қисқартирилганлиги муносабати билан;

г) соғлигининг чегаралангани туфайли ҲТКнинг хулосаси асосида;

д) шаҳодатлаш хулосасига кўра хизматга нолойиқ деб топилганда;

е) бошқа вазирликка ёки қўмитага ишга ўтиб кетганда;

ё) шахсий илтимосига кўра;

ж) синов муддати давомида хизматга яроқсизлиги аниқланса;

Оддий ва кичик бошлиқларнинг истеъфога чиқиши қўйидаги асосларга кўра амалга оширилади:

а) ёшига қараб;

б) касаллиги туфайли;

в) соғлиғининг чегаралганлиги сабабли;
г) хизмат шартномаси муддатининг тугаганлиги сабабли;
д) шаҳодатлаш хулосасига кўра хизматга нолойиқ деб топилганда;
е) ИИОнинг интизомий низомида кўрсатилган тартибларни бузганда;
ё) шахсий илтимосига кўра;
ж) штатлар қисқартирилганлиги муносабати билан;

Оддий ва раҳбар ходимларни хизматдан бўшатиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) хизматдан бўшатилаётган ходим ЎзРнинг қонунларида белгиланган ёшга етмаган бўлса ва маълум унвони бўлиб соғлиги туфайли ҳарбий хизматга яроқли бўлмаса, ҳарбий ҳисобга қўйиш билан захирага чиқарилади;

б) хизматдан бўшатилаётган ходим ЎзРнинг қонунларида белгиланган ёшга етмаган бўлса, ҳарбий тиббий комиссия хулосасига кўра соғлиги туфайли ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилса, маълум ҳарбий унвони бўлганда ҳам ҳарбий ҳисобдан чиқариш билан истеъфога чиқарилади.

2. Ички ишлар идораларининг кадрлари қандай мезонлар бўйича таснифланадилар ва уларга қандай талаблар қўйилади? /2; 4; 5; 6; 9/

Ички ишлар идораларининг кадрлари қуйидаги мезонлар бўйича таснифланадилар:

а)қайси касбга мансублиги бўйича (юристлар, педагоглар, муҳандислар, шифокорлар ва ҳ.к.);

б)шахснинг объектив белгилари (жинси, ёши, маълумоти, иш стажи кабилар) бўйича;

в)лавозим мавқеи бўйича (бошлиқлар, уларнинг ўринбосарлари, оператив вакиллар, инспекторлар, муҳандислар, шифокорлар ва ҳ.к);

г)бошқарув тизимида тутган ҳуқуқий мавқеи бўйича (мансабдор шахслар, ҳокимият вакиллари ҳамда уларга мансуб бўлмаган ходимлар);

Ички ишлар идоралари ходими жавоб бериши керак бўлган талабларнинг қуйидаги уч гуруҳини ажратиш мумкин:

а)ишчанлик хислатлари – унга махсус маълумотининг ва амалий иш тажрибасининг мавжудлиги, ташкилотчилик, ташаббускорлик, янгиликни ҳис этиш қобилияти, амалдаги қонун ҳужжатлари, Ўз.Р. ИИВ буйруқлари ва бошка ҳужжатларини билиши ҳамда уларга оғишмай риоя этиш, оператив ва криминалистик техникани ишлата олиш, хизмат ҳужжатларини тўғри тузиш ва расмийлаштира олиш ва ҳ.к.;

б)шахсий хислатлар - унга одамлар билан алоқа ўрната олиш, аҳолининг турли қатламлари билан мулоқот қила олиш, жасурлик, бардошлилик, қатъият, топқирлик, энг мураккаб вазиятларда ўзини тута олиш қобилияти, шахсий интизомлилик, танқидга ҳурмат, ҳалоллик, виждонлилик, хушмуомалалик, принципиаллик, муҳтожларга кўмаклашишга тайёрлик ва ҳ.к.;

в)махсус касбий хислатлар - унга махсус билимлар, кўникмалар ва уқувларга эга бўлиш, шунингдек ходимга эгаллаб турган лавозими – жиноят қидирув бўлимининг оператив вакили, профилактика инспектори, терговчи, йўл ҳаракати хавфсизлиги йўл-патрул хизматининг инспектори каби лавозимлар бўйича хизмат вазифаларини муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган муайян шахсий хислатлар киради;

Ички ишлар идоралари ходимларига ҳар қандай турдаги тадбиркорлик билан шуғулланиш, иш ташлашларга қатнашиш ва уларни ташкил қилиш,

қариндошлик асосида ишлаш ман этилади. Илмий, ижодий ва педагогик фаолият бундан мустасно.

3. Ўзбекистон Республикаси ИИВ да қандай хизматлар мавжуд, уларнинг таркибий тузилиши ва асосий вазифалари тўғрисида тушунтириб беринг /4; 5; 6; 8; 10/

Ички ишлар идоралари тизимида қуйидаги хизматлар мавжуд:

- жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш хизмати – унинг асосий кучи Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш Бош бошқармасидир. У қуйидаги йўналишларда ишлайди: уюшган жиноятчилик ва шахсга қарши жиноятларга, жумладан, барқарор жиноий тузилмалар ва ўта хавфли жиноятларга қарши кураш; хорижий фуқаролар билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш; мулкка қарши жиноятларга қарши кураш; наркотикларга қарши кураш; қидирувни ташкил этиш (жиноятчиларни, бедарак йўқолганларни қидириш, жасадларнинг шахсини аниқлаш);
- патрул-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизмати – унинг таркибида қуйидаги бўлинмалар мавжуд: хизмат бўлими (бўлинмалар: патрул-пост хизмати ишини ташкил қилиш бўлими, оммавий тадбирлар ўтказилаётган ва аҳоли миграцияси пайтида жамоат тартибини сақлаш бўлинмаси, рухсат бериш тизими бўлими); қўриқлаш-карантин тадбирларини таъминлаш бўлими; ИИИ махсус муассасаларининг ишига раҳбарлик бўлими; дипломатик ваколатхоналарни қўриқлаш ишларини ташкил қилиш бўлими;
- хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик паспорти хизмати – унда паспорт бўлими энг катта тузилма ҳисобланади, бундан ташқари қуйидаги бўлимлар мавжуд: хорижий фуқароларни ҳисобга олиш ва қайд этиш бўлими; Ўзбекистон Республикасига келиш ва хорижга чиқиш бўлими; «Тошкент» аэропортида хорижий фуқароларни ҳисобга олиш ва қайд этиш бўлими; оператив ҳисоб бўлими; «Шимолий» темир йўл вокзалида хорижий фуқароларни ҳисобга олиш ва қайд этиш бўлими; ташкилий-таҳлил бўлинмаси; девонхона;
- ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш хизмати – унда қуйидаги бўлимлар мавжуд: профилактика участка вакилларининг ишига раҳбарлик бўлими; ижтимоий ахлоқ соҳасидаги қонунбузарликларнинг олдини олиш бўлими; вояга етмаганлар ва ёшлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлимлари. Айтиб ўтилган бўлимлар таркибида ихтисослашган бўлинмалар мавжуд;
- йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати – унда қўйидаги бўлимлар мавжуд: йўл-патрул хизмати; йўл ҳаракатини ташкил этиш; техник назорат; тарғибот ва ташвиқот; маъмурий амалиёт; қидирув ва суриштирув; ташкилий-таҳлил бўлими ва девонхона;
- тергов хизмати – унда қуйидаги тузилмалар мавжуд: назорат-методик бўлим; йўл ҳаракати ҳодисалари, ёнғинлар ва ўт қўйишлар бўйича жиноятлар терговини ташкил қилиш бўлинмаси; умумий тусдаги жиноятларни тергов қилиш бўлими; иқтисодиётдаги ўта хавфли ва оғир жиноятларни тергов қилиш бўлими; коррупция ва уюшган жиноятчилик билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўлими; девонхона ва суриштирув бўлими;
- ижтимоий ва молиявий таъминлаш хизмати – ушбу хизматнинг етакчи бўлинмаси Молия-иқтисод бошқармасидир, у ИИВнинг барча молиявий ишларини юритади, лойиҳалар ва сметалар экспертизасини ўтказади, назорат-тафтиш фаолиятини амалга оширади, меҳнатга иш ҳақи, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи масалаларини ҳал қилади;

- хўжалик хизмати – ушбу хизмат ички ишлар идораларини автотранспорт, моддий техника, қуроллар билан таъминлаш ва ички ишлар идоралари ходимларининг коммунал-маиший ишлари, мактабгача тарбия ва болалар муассасаларининг хизматини бажариш билан шуғулланади;

- тиббиёт хизмати – ушбу хизмат ички ишлар идоралари шахсий таркибига даволаш-профилактика ёрдами, санатория, курорт даволашини ташкил қилади, судланганларга тиббий хизмат кўрсатади;

- давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати – ушбу хизмат давлат ёнғин хавфсизлиги назоратини, ёнғинга қарши ташвиқотини, ёнғин хавфсизлиги бўйича ташвиқот ва таҳлилни амалга оширади;

- шахсий таркиб билан ишлаш хизмати – ушбу хизмат ички ишлар идоралари ходимларининг хизматни ўташларини назорат қилади, уларни касбий ва жисмоний тайёрлашни амалга оширади, спорт мусобақаларини ташкил қилиш, шахсий таркибнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш масалалари билан шуғулланади, ИИВ тасарруфидаги ўқув муассасаларини назорат қилиб боради;

Бундан ташқари вазирликда шахсий хавфсизликни таъминлаш, ҳарбий-сафарбарлик ва фуқаро муҳофазаси ва эксперт-криминалистика бўлимлари мавжуд.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 25 июндаги 267/44-сонли қарорининг моҳиятини тушунтириб беринг. /1; 2; 3; 4; 10; 11/

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғиндан сақлаш бўлинмалари базасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 25 июндаги 267/44-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ташкил этилди. Ушбу хизматнинг таркибий тузилиши қуйидагича:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси;

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармалари;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бўлимларининг ёнғин хавфсизлиги бўлимлари (бўлинмалари);

Ёнғин хавфсизлиги отрядлари (қисмлари);

Мазкур бўлинмаларнинг асосий вазифалари қилиб қуйидагилар белгилаб берилган:

- аҳоли пунктлари, стратегик аҳамиятга эга бўлган объектлар, ижтимоий-маданий, саноат, ўзга объектлар ва алоқа коммуникацияларининг ёнғинга қарши ишончли ҳимоясини таъминлаш;

- ёнғинга қарши хавфсизликни таъминлаш борасида самарали профилактика ишларини ташкил этиш, аввало, мураккаб ва узоқ ёнадиган, мамлакат хавфсизлиги ва иқтисодиётига жиддий зарар етказишга лаёқатли бўлган ёнғинларнинг келиб чиқишига таъсир этувчи сабабларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш;

- ишлаб чиқариш ва бошқа объектларда ёнғин хавфсизлигига қаратилган текширувларни амалга ошириш;

- аввало, стратегик муҳим объектлардаги, шу жумладан қўпорувчи-террорчилик ҳаракатлари ва ўзга жиноий тажовузлар, табиий ва техноген хусусиятга эга бўлган фавқулодда вазиятлар оқибатида келиб чиққан ёнғинларнинг тарқалишига йўл қўймаслик ва ўз вақтида уларнинг йўқ қилинишини таъминлаш;

- ички ишлар идораларининг жиноят қидирув ва террорчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликка қарши кураш, давлат бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг авария-қутқарув хизматлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг «Маҳалла посбони» тузилмалари билан ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишида ўзаро ҳамкорлик қилиш;

- ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг самарали норматив-ҳуқуқий базасини яратиш, бу соҳада юқори малакали ёнғин-техника экспертизаси, лицензиялаш ва сертификациялашнинг барқарор тизимини ташкил этиш;

- ўз вақтида ёнғинларнинг олдини олиш, тарқалишига йўл қўймаслик ва уларни бартараф этиш борасида ташкилий, маъмурий-ҳуқуқий, профилактик, режимли ва бошқа чораларнинг амалдаги тизими самарадорлигини таҳлил қилиш, уларни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш орқали чоралар ишлаб чиқиш;

- замонавий компьютер воситалари ва технологияларидан фойдаланиш орқали хизмат кўрсатиладиган ҳудудларда, ёнғин хавфсизлиги бошқармалари бўлинмаларида самарали диспетчерлик хизмати ва ахборот-компьютер тизимини ташкил этиш;

- ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари шахсий таркибининг юқори жанговар тайёргарлиги ва маънавий-ахлоқий тарбиясини таъминлаш;

- ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш тартибларини такомиллаштириш.

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг намунавий ташкилий-штат тузилмалари қарор билан тасдиқланган, шунингдек туман ички ишлар бўлимларининг бошлиқлари ўзларига бириктирилган ҳудудлардаги аҳоли яшаш жойлари, объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилган.

5. Фавқулодда вазиятлар қандай ҳодисалар туфайли юзага келиши, фавқулодда вазиятларда ички ишлар идораларининг босқичма-босқич бажарадиган вазифалари /3; 4; 5; 8; 11/

"Фавқулодда вазият" тушунчаси фалокат, хавфли табиий ҳодиса, ҳалокат, табиий ёки бошқа офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган, одамлар қурбон бўлишига, кишиларнинг соғлиги ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, катта моддий йўқотишлар ва одамлар ҳаёт фаолиятининг шароитлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолат сифатида талқин этилади. Фавқулодда вазиятлар эҳтимол тутилган душманнинг замонавий қуроллардан фойдаланиши натижасида ҳам юзага келиши мумкин. Келиб чиқиш хусусиятига кўра, фавқулодда вазиятлар олдиндан мўлжалланган ва мўлжалланмаган турларга бўлинади. Фавқулодда вазиятлар ижтимоий, табиий, техноген ва экологик хусусиятга эга бўлган ҳодисалар туфайли келиб чиқиши мумкин.

Ижтимоий хусусиятга эга бўлган ҳодисаларни криминал ва нокриминал хусусиятга эга бўлган ҳодисаларга ажратиш расм бўлган. Криминал ҳодисаларга оммавий тартибсизликлар; давлат объектлари ва бошқа муҳим объектларни босиб олиш, транспорт алоқа йўлларини кесиб қўйиш; жиноятчиларнинг қочиши; одамларни гаровга олиш; террорчилик ҳаракатлари ва бошқалар киради.

Нокриминал ҳодисаларга оммавий сиёсий, спорт, маданият, дин ва бошқа нарсалар билан боғлиқ тадбирлар киради.

Табиий хусусиятга эга бўлган ҳодисаларга геологик, гидрологик ва метеорологик сабабларга кўра келиб чиққан ҳодисалар киради. Ўзбекистон Республикасида улардан зилзилалар, сув тошқинлари, ўпирилиш ва кўчкилар, бўронлар ва қуюнлар, қор уюмлари ва кўчкилари, селлар, табиий ёнғинлар, қурғоқчилик, шунингдек ўта хавфли оммавий эпидемия, эпизоотия ва эпифитотиялар энг катта хавф туғдиради.

Техноген хусусиятга эга бўлган ҳодисаларга транспорт, саноат объектларида атроф муҳитни зарарланмасдан ҳам, кимёвий ва биологик жиҳатдан хавфли, шунингдек радиоактив моддаларни атроф муҳитга чиқариш хавфи билан ёки чиқариш билан ҳам кечадиган фалокат ва ҳалокатлар киради.

Экологик хусусиятга эга бўлган ҳодисаларга қуруқлик, ер атмосфераси, гидросфераси, биосфераси ҳолати ва хоссаларининг хавфли даражада ўзгариши киради. Улар экологик офат – атроф табиий муҳитнинг, аҳоли соғлиғининг жиддий ёмонлашуви, табиий мувозанатнинг бузилиши, табиий экологик тизимларнинг барбод бўлиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига путур етишига олиб келган қайтарилмас чуқур ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин.

Фавқулодда вазиятларда ички ишлар идоралари босқичма-босқич бажарадиган вазифалар қуйидагича:

Фавқулодда вазият ҳақида хабар келганида чора кўриш босқичи ички ишлар идорасининг навбатчилик қисмига дастлабки ахборот келиб тушган пайтдан бошланади. Аниқлаштирилган ва текширилган ахборот дарҳол ички ишлар идорасининг раҳбарига, унинг кўрсатмаси бўйича эса давлат ҳокимияти идораларига ҳамда фавқулодда вазиятлар чоғида бошқариладиган махсус ваколатли идораларга етказилади. Ички ишлар идорасининг раҳбари ушбу ахборотни олгач, оператив навбатчига қуйидагилар ҳақида топшириқ беради: оператив штаб аъзоларига ва бошқа ходимларга хабар бериш схемалари ҳамда рўйхатлар бўйича уларни хабардор қилиш; фавқулодда вазият юз берган ҳудудда жойлашган бўлинмалар билан барқарор алоқа ўрнатиш ва уни сақлаб туриш; фавқулодда вазият юз берган ҳудуддаги ўз қарамоғидаги бўлинмалардан зарур маълумотларни олиш; манфаатдор идоралар, муассасалар ва ташкилотлар билан доимий алоқада бўлиш.

Ҳодиса натижасида юзага келган вазиятни баҳолаш босқичида ички ишлар идорасининг раҳбари қуйидаги ишларни бажаради: қарамоғидаги бўлинмаларнинг раҳбарларидан фавқулодда вазиятга оид ахборотни аниқлаштириш учун маълумотлар олади ва уларга тегишли топшириқлар беради; фавқулодда вазият зонасидаги оператив шароитнинг аҳволи ҳақида, шароитни барқарорлаштириш юзасидан кўрилган ва таклиф этилаётган чоралар ҳақида давлат ҳокимияти идоралари ва юқори турувчи ички ишлар идорасига оғзаки хабар беради. Зарур маълумотлар билан алмашади ҳамда ички ишлар идорасининг бошқарув гуруҳига йўл-йўриқ кўрсатиб, уни фавқулодда вазият юзага келган ҳудудга юборади.

Қарор қабул қилиш босқичида ички ишлар идорасининг раҳбари шароитни баҳолаш асосида қуйидаги қарорларни қабул қилади: ички ишлар идорасининг муайян куч ва воситаларини фавқулодда вазият зонасига юбориш ҳақида; жабрланганларга зарур кечиктириб бўлмас тиббий ёрдам кўрсатиш ҳақида; ички ишлар идораларининг маҳаллий ва жалб этиладиган кучларини барча зарур моддий таъминот ва маҳсулотлар, коммунал-маиший ва тиббий хизмат кўрсатиш билан ҳам тўлиқ таъминлаш учун қўшимча тадбирлар ўтказиш ҳақида; фавқулодда вазият зонасида ички ишлар идораларининг куч ва воситаларини, жалб этиладиган ва захирадаги кучларни қўллашга тайёрлик ҳолатини сақлаб туриш ҳақида.

Қабул қилинган қарорни амалга ошириш босқичида ички ишлар идорасининг раҳбари санаб ўтилган тадбирларнинг бажарилишини уюштиради, ўз

ҳаракатларининг манфаатдор идоралар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳаракатлари билан мувофиқлаштирилишини таъминлайди, вазият ва унинг ривожланишини, ўтказилаётган ҳаракатлар ҳамда вазиятни барқарорлаштириш ва нормал шароитни тиклашга оператив таъсир кўрсатишни назорат қилади.

Эвакуация босқичида аҳолини фавқулодда вазият ҳудудидан олиб чиқиб кетиш ҳақидаги қарорни ушбу ҳудудда фаолият кўрсатувчи бошқарув идорасининг вакили қабул қилади, қарорни ички ишлар идорасининг раҳбари оператив штаб аъзоларига етказади, айни вақтда куч ва воситаларни эвакуацияга тайёрлаш ҳақида топшириқ беради.

Якуний босқич – инқироздан кейинги даврда, жумладан, фавқулодда вазият қурбонлари дафн этилаётган вақтда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақланишини ташкил қилиш. Ушбу босқичда шахсий таркиб билан унинг ҳаракатлари юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилади, махсус режаларга тузатишлар киритилади, вазият юз берган воқеаларнинг оқибати, кўрилган чоралар ва фаолият натижалари ҳақида якуний ахборот тайёрланади ва раҳбариятга юборилади.

6. Оммавий тартибсизликлар, авиация ҳалокатлари, катта ёнғинлар шароитида ички ишлар идораларини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари. /2; 3; 5; 9; 10/

Оммавий тартибсизликлар натижасида катта моддий зарар етказилади, умумий жиноий вазият кескин ёмонлашади. Оммавий тартибсизликларга қарши самарали кураш олиб бориш учун, уларнинг миқёси ва хусусиятидан келиб чиқиб, оддий шароитларга хос бўлмаган ташкилий, оператив хизмат, психологик, жиноят-процессуал, маъмурий, моддий-техникавий ва бошқа тадбирлар йиғиндисини амалга ошириш зарур. Оммавий тартибсизликларни бартараф этиш учун кучлар гуруҳларидан фойдаланилади. Унинг таркиби, аъзоларининг сони ва функционал вазифалари ЎзР ИИВнинг норматив ҳужжатларида белгиланган бўлади. Куч ва воситалар асосий, вақтинчалик ёки захирадаги пунктлардан туриб бошқарилади. Оператив штаб раҳбари оломон чақириқларга кўнмаётганлиги ва вазият кескинлашаётганлигига ишонч ҳосил қилганидан кейингина куч ва воситаларни ишга солиш ҳақида қарор қабул қилади. Ушбу вазиятда раҳбарнинг диққати оператив штаб ва шахсий таркибни тўплашга, уни керакли воситалар билан таъминлашга, йўл-йўриқ кўрсатиш ва керакли жойга етиб боришини таъминлашга қаратилмоғи керак.

Авиация ҳалокатлари ҳам катта хавф туғдиради. Улар юз берадиган жойлар одатда катта майдонга чўзилади ва мураккаб рельефга эга бўлади, бу эса ички ишлар идораларининг фаолиятини қийинлаштиради ҳамда улардан ҳалокат юз берган жойдаги ўз фаолиятининг айрим хусусиятларини инобатга олишни талаб қилади. Авиация ҳалокатлари чоғида ўраб олиш ҳудуди ва доирасини оператив штаб белгилайди ва буни авиация ҳалокатини тергов қилиш комиссиясининг раиси билан келишиб олади. Ички ишлар идораларининг кучлари, ҳодиса юз берган жойни ўраб олиш билан бир қаторда шикастланган ҳаво кемасини фалокат натижасида бўлиб қолган ҳолатда сақланишини ташкил қилади. Айни пайтда одамларни, уларнинг мулкини қутқариш, моддий бойликларнинг сақланишини таъминлаш чоралари кўрилади. Қидирув гуруҳларининг сони, уларнинг таркиби ва улар таъминланадиган воситалар, кўздан кечириш доирасини оператив штаб, терговчи ҳамда авиация ҳалокати бўйича хизмат текшируви ўтказадиган комиссия белгилайди.

Катта ёнғинлар чоғида ички ишлар органлари бошқарувини ташкил қилишнинг хусусиятлари шундан иборатки, куч ва воситалардан фойдаланиш ҳақида қарор қабул қилиш учун вазият баҳоланаётганида объектнинг технологик жараёнига хос хусусиятлар, унда кучли таъсир этувчи заҳарли моддаларнинг мавжудлиги ва бошқа омиллар инобатга олинади. Бундан ташқари, жамоат тартибини сақлашни кучайтириш, ёнғин чиқишига алоқадор бўлган шахсларни

қидириб топиш ва ушлаш ишларини ташкил қилиш, шунингдек аҳолини хавфли ҳудуддан олиб кетиш чоралари кўрилади.

АДАБИЁТЛАР

1 И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», Т., «Ўзбекистон», т. 1, 8-11 бет. , 1996 йил.

2 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

3 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 25 июндаги «Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида» ги 267/44- сонли Қарори.

4 «Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари» В.А. Миренский, А.Х. Рахмонқулов, Х.Ж. Чинибаев. Ўз.Р. ИИВ Академияси. - Тошкент-2004й.

5 «Ички ишлар органларида Бошқарув Асослари» Ю.С.Пўлатов, И.У.Исмаилов, А.Қурбонов. Ўз.Р. ИИВ Академияси. -Тошкент-2004й.

6 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 8-январдаги 16–сонли Қарори «Ўзбекистон Республикаси ИИИ да хизматни ўташ тўғрисидаги вақтинчалик Низом» ни тасдиқлаш тўғрисида.

7 «Давлат ва ҳуқуқ асослари» Саидов А., Тожихонов У.-Тошкент – 2002 йил.

8 «Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати чизмалар альбоми» Х.Р.Алимов, А.А.Махмудов, Н.Т.Исмоилов Ўз.Р. ИИВ Академияси. - Тошкент-2002 йил.

9 «Ўзбекистон Республикаси ИИИ да хизматни ўташ тўғрисидаги вақтинчалик Низом» ни тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 1993 йил 26–январдаги 25-сонли буйруғи.

10 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилдаги 112–сонли «Ёнғин хавфсизлиги хизматини ташкил этиш тартиби» тўғрисидаги Қарори

11 «ЎзР ИИВ Ёнғин хавфсизлиги хизматини ташкиллаштириш Низоми»ни тасдиқлаш тўғрисидаги ЎзР ИИВнинг 2003 йил 20 апрелдаги 117 - сонли буйруғи.

1.5. ДАВЛАТ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИДА БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

«Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматида бошқарувни ташкиллаштириш» фани бўйича якуний давлат аттестацияларига тайёргарлик кўриш учун мўлжалланган ушбу услубий қўлланмани ўзлаштириш натижасида ҳар бир тингловчи:

қуйидаги тассавурларга эга бўлиши лозим:

- Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳасида ДЁХХ нинг ўрни ва роли ҳақида;
- ДЁХХнинг иш фаолиятида асосий муаммолар ва уларнинг иш усуллари тўғрисида;
- Аҳоли пунктларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштириш ва бу соҳада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ҳақида;

қуйидагиларни билиши ва бажара олиши зарур:

- ЎзР ИИВ ЁХББ ва унинг таркибий бўлинмаларининг ташкилий-структуравий тузилишини ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлиги тартибини;
- йирик халқ хўжалиги масканларида ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларини ташкил қилиш тартибини;
- Ўзбекистонда ёнғин хавфсизлиги соҳасида фаолият юритувчи барча субъектларнинг тузилиши ва фаолиятининг мазмунини;

қуйидаги кўникмаларни эгаллаши зарур:

- аҳоли пунктларига хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган ёнғин ўчириш автомобиллари сонини меъёрий ҳужжатлар орқали ҳисоблаш;
- аҳоли пунктларига хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган ёнғин хавфсизлиги қисмлари сонини меъёрий ҳужжатлар орқали ҳисоблаш;
- аҳоли пунктларининг ёнғинлар билан боғлиқ бўлган тезкор ҳолати ҳақидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда уни олдиндан айтиб бериш бўйича ҳисоблар қила олиши ва бошқалар.

1. Ёнғин ўчириш деполар сонини аниқлаш формуласи ва меъёрий ҳужжатларини ёзиб, кўрсаткичларни тушунтириб беринг /5; 7; 9; 10/

Шаҳар учун етарли ёнғин ўчириш деполари сонини аниқлашда ШНҚ 2.07.01–03 «Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш»дан фойдаланилади, ундан $R_{хизм.кўрс.} < 3км$ ни аниқланади ва шаҳардаги қисмлар сонини қуйидаги формуладан аниқлаш мумкин:

$$N_{ЁУД} = \frac{S_{шах.}}{S_{хизм.}};$$

бунда $S_{шах.}$- шаҳар майдони, км^2; $S_{хизм.}$ – битта ёнғин ўчириш депосини хизмат кўрсатиш зонасининг майдони, км^2 .

Битта ёнғин ўчириш депоси хизмат кўрсатиш зонасининг шаклини шартли равишда тўғри олтибурчак деб қабул қилиш мақсадга мувофиқ, унда $S_{хизм.}$ юзаси қуйидагича бўлади:

$$S_{хизм.} = \frac{3\sqrt{3}}{2} R_{хизм}{}^2 \approx 2{,}6 \cdot R_{хизм.}{}^2 \approx 2{,}6 \cdot 3^2 \approx 24км^2 \text{ унда}$$

$$N_{ЁУД} = \frac{41{,}7}{24} = 1{,}7 \approx 2депо$$

Ёнғин ўчириш депосининг хизмат кўрсатиш зонаси шакли бошқача геометрик шакл бўлиши ҳам мумкин, у аҳоли пунктининг реал майдони ёки унинг шаклидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади.

2. Мавжуд меъёрлар асосида асосий ёнғин ўчириш автомобиллар сонини ҳисоблаш усулларини, меъёрий ҳужжатини ва кўрсаткичларни тушунтириб беринг / 5; 7; 9; 10/

Керакли сондаги ёнғин ўчириш автомобиллари сонини ҳисоблаш мавжуд меъёрлар асосида ва оммавий хизмат кўрсатиш назарияси ёрдамида амалга оширилади.

ШНҚ 2.07.01–03 “Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш” нинг 8.17. б. ва 3.2. жадвалига асосан ҳар бир 5 минг аҳолига битта ёнғин ўчириш автомобили керак, лекин иккитадан кам бўлмаслиги керак.

ШНҚ 2.07.01–03 дан кўчирма

3.2. жадвал

Муассаса ва корхона, ўлчаш бирлиги	**Ҳисобий сон**	**Участкалар юзаси**
Шаҳар муҳандислик хизматлари, объектлар (шу билан бирга сан.тозалаш, шаҳар ирригация, шаҳар кўкалам хўжалиги) Ёнғин ўчириш деполари, ёнғин ўчириш автомобиллари сонлари ҳамда аҳоли жойларида аҳоли сони билан, минг.киши	Лойиҳалашга топшириқ бўйича	0.2÷1.5 га
1 гача	1	0.6÷0.8 ҳар бир объектга
1÷5 гача	ҳар 5 минг кишига 1та	0.8÷1.2 объектга
5÷20 гача	ҳар 5 минг кишига 1та	1.2÷1.5 объектга
21 ÷ 50 гача	ҳар 5 минг кишига 1та	1.5÷3 объектга
51÷100 гача	ҳар 6 минг кишига 1та	1.5÷3 объектга
101÷200 гача	ҳар 7 минг кишига 1та	1.5÷3 объектга
201÷500 гача	ҳар 8 минг кишига 1та	1.5÷3 объектга
500 дан юқори	Лойиҳалашга топшириқ бўйича	–

1) Аҳоли сони бўйича

Мисол учун аҳолиси N=104 минг киши ва қурилишлари 3 қаватдан юқори бўлган шаҳар учун:

$N_{ён.\ авт}$ = 104000 : 7000 =15 ёнғин ўчириш автомобили зарур бўлади.

2) Сув сарфи бўйича

Асосий ёнғин ўчириш автомобилларининг сонини тахминан ташқи ёнғин ўчиришнинг (КМК 2.04.02 – 97 «Сув таъминоти. Ташқи тармоқ ва иншоотлар» 2.12, 2.13 бандлар ва 6,7 жадваллар) сув сарфи бўйича аниқлаш мумкин.

$$N_{ЁНГ.АВТ}^{АСОСИЙ} = \frac{Q \bullet в}{q};$$

бунда Q - шаҳардаги ташқи ёнғин ўчиришдаги сув таъминоти л/с;

в - ҳисобий бир вақтдаги ёнғинлар сони;

q – сув сарфи, бошқа турдаги ишларни ҳам бажарган ҳолдаги битта автомобилдан бериладиган сув миқдори - 14 л/с

Мисол учун ҚМҚ-2.04.02-97 «Сув таъминоти. Ташқи тармоқ ва иншоотлар» 2.12. банди ва 6 жадваллар бўйича

Q=40л/с; в=3; q=14 л/с бундан

$$N_{ён/авт}^{асосий} = \frac{Q \bullet B}{q} = \frac{40 \bullet 3}{14} = 9$$ та ёнғин ўчириш автомобили

Асосий ёнғин автомобиллар сонини аниқлашда мавжуд талабларга мос равишда, захирада 100 фоиз ёнғин ўчириш автомобиллари бўлиши керак.

3. Ёнғин хавфсизлиги хизматлари фаолиятини баҳолашдаги тавсифловчи омиллар. ДЁН аппаратлари фаолиятини тавсифловчи омиллар. Бўлинмалар фаолиятини натижаларини тавсифловчи омиллар. Ёнғин ўчириш қисми фаолияти натижаларини тавсифловчи омиллар / 2; 3; 9/

ДЁН аппаратлари фаолиятини тавсифловчи омиллар :

1. Объектларни ёнғин-техник текшириш режасининг бажарилиши;
2. ДЁН талабларининг бажарилиш даражаси;
3. Автоматик равишда ёнғин ўчириш қурилмалари ва ёнғиндан огоҳлантириш воситаларининг халқ хўжалиги масканларида қўлланилиши;
4. Текширув идораларининг иши;
5. Кўнгилли ўт ўчириш дружиналари, ёнғин-техник комиссиялари ва ёш ўт ўчирувчилар дружиналарни тузиш ишларини ташкил қилиш;
6. Ёнғинга қарши тарғибот ишлари.
7. Объектларнинг ёнғинга қарши намунали ҳолатда бўлиши ҳаракатида бўлинмаларнинг иштироки;
8. Меҳнат интизомининг ҳолати.

Бўлинмалар фаолиятини натижаларини тавсифловчи омиллар:

9. Моддий зарар;
10. Йирик ёнғинлар;
11. Ёнғинлар;
12. Кўп одам ишловчи масканлардаги ёнғинлар;
13. Кўнгилли ўт ўчириш дружиналари, ёш ўт ўчирувчилар дружиналарини ва аҳоли томондан ўчирилган ёнғинлар;
14. Ҳосил йиғиш давридаги ёнғинлар;
15. Турар-жойлардаги ёнғинлар.

Ёнғин ўчириш қисми фаолияти натижаларини тавсифловчи омиллар:

16. Ёнғиндан кўрилган зарар;
17. Йирик ёнғинлар;
18. Қисм шахсий таркиби кучлари текширувидан ўтган шахсий уйлардаги ёнғинлар;
19. Кўп одам ишловчи масканлардаги ёнғинлар;
20. Аҳоли турар-жойлардаги ёнғинлар.

4. Ёнғин хавфсизлиги гарнизонлари фаолиятини комплекс баҳолаш. Ёнғин хавфсизлиги хизматининг фаолиятини умумий баҳолашда асосий кўрсаткичлар ва унинг умумий формуласи

/ 2; 3; 9/

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматини бошқариш жараёнида ёнғин хавфсизлиги гарнизони, ДЁН идоралари, отрядлар, қисмлар, сменалар ва алоҳида ходимларнинг фаолиятини баҳолаш талаб қилинади.

Ёнғин хавфсизлиги хизматининг фаолиятини умумий баҳолаш ишдаги энг асосий йўналишларни аниқловчи тизим кўрсаткичлари кўринишида келтирилади. Бундай кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

1.Минг аҳолига тўғри келадиган ёнғинлар сони, х.
2.Умумий ёнғинлардаги йирик ёнғинларнинг солиштирма миқдори, у.
3.Киши бошига тўғри келадиган зарар, с.
4.Битта ёнғинга тўғри келадиган ўртача зарар, S.
5.Умумий ёнғинлар сонидаги ёнғинларнинг солиштирма миқдори, Q.
6.Умумий ёнғинлар сонидаги кўнгилли ўт ўчириш дружиналари ва аҳоли томонидан ўчирилган ёнғинларнинг солиштирма миқдори, Z.
7.Маъмурий ҳудуднинг умумий аҳолисидан ёнғинда ҳалок бўлганлар сони, К.
8.Маъмурий ҳудуднинг ёнғин хавфи коэффициенти, По.

Еттинчи ва саккизинчи кўрсаткичлар ёнғин хизмати имкониятлари ва ташкилий-бошқарув фаолиятнинг савиясини ифодалайди. Бу кўрсаткичлар (К ва По) қанча кичик бўлса, шунча профилактик ва оператив ишлар яхши олиб борилган бўлади. По хар бир маъмурий ҳудуд учун мос формула билан аниқланади.

Ёнғин хавфсизлиги гарнизонлари фаолиятининг комплекс баҳоси (П) қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$П = 100 - \frac{2{,}5x + 100y + 5c + 0{,}002S + 4Q + 3Z + 100К}{По}$$

5. Сув сарфи бўйича ёнғин ўчириш автомобилларни ҳисоблаш усуллари. Меъёрий ҳужжат, формуласи ва асосий кўрсаткичларни тушунтириб беринг / 3; 9; 10/

КМК-2.04.02–97 «Сув таъминоти. Ташқи тармоқ ва иншоотлар» 2.12, 2.13 бандлар ва 6,7 жадвалларига биноан асосий ёнғин ўчириш автомобилларининг сонини тахминан ташқи ёнғин ўчириш сув сарфи бўйича аниқлаш мумкин.

$$N^{АСОСИЙ}_{ЁНГ.АВТ} = \frac{Q \bullet в}{q};$$

бунда Q - шаҳардаги ташқи ёнғин ўчиришдаги сув таъминоти л/с;
в - ҳисобий бир вақтдаги ёнғинлар сони;
q – сув сарфи, бошқа турдаги ишларни ҳам бажарган ҳолдаги битта автомобилдан бериладиган сув миқдори - 14 л/с

Мисол учун ҚМҚ -2.04.02- 97 «Сув таъминоти. Ташқи тармоқ ва иншоотлар» 2.12. банди ва 6 жадвали бўйича

Q=40л/с; в=3; q=14 л/с бўлса, бундан

$$N^{АСОСИЙ}_{ЁНГ.АВТ} = \frac{Q \bullet в}{q} = \frac{40 \bullet 3}{14} = 9$$ та ёнғин ўчириш автомобили

6. Халқ хўжалиги объектларида ИИВ ДЁХХни ташкил қилиш тартиби. Меъёрий ҳужжати ва тузиладиган ҳужжатлари

/ 3; 4; 9 /

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳарбийлаштирилган ва касбийлашган ёнғин хавфсизлиги саноат ва бошқа ёнғинга муҳим давлат аҳамиятига эга ёки ёнғинга ва портлашга хавфли объектларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20 март 1996 йилдаги 112-сонли Қарори билан тасдиқланган «Объектларда, шаҳарларда, шаҳар туридаги аҳоли яшайдиган жойларда, туманлар марказларида ва бошқа Ўзбекистон Республикасининг аҳоли яшайдиган жойларда Ички Ишлар вазирлигининг ёнғин хавфсизлигини ташкил қилиш тартиби»га асосан ташкил қилинади.

Ҳарбийлаштирилган ва касбийлашган ёнғин хавфсизлигини (ХЁХ,КЁК) корхонада, объектда қарор асосида ташкил қилиш учун объектларининг раҳбарлари идоралараро комиссиясининг далолатномасини тузадилар.

Идоралараро комиссия таркиби келишилган ҳолда ИИВ (ИИБ) идора бошлиқлари билан аниқланади.

Идораларда комиссия далолатномасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- корхонанинг (объектнинг) тўлиқ номи, унинг қайси вазирликка ёки идорага мансублиги, жойлашган ери;
- корхона (объект) ҳудудининг юзаси ва қурилиш юзаси;
- ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ёнғин хавфсизлиги;
- саноат ва бошқа бинолар ва хоналар, уларнинг конструктив хусусиятлари ва оловга чидаш қобилияти даражаси;
- хом ашё ва тайёр маҳсулотларнинг ёнғин хавфи;
- ёнғинни ўчириш мақсадлари учун сув таъминоти ва алоқа воситалари билан таъминланганлиги;
- автоматик ёнғин ўчириш воситалари ва билдиргиларнинг борлиги;
- ёнғин ҳодисаси рўй берганда корхонага кириш йўллари ва ундаги йўлларнинг ҳолати;
- корхона, объектдан қанча масофада ёнғин ўчириш бўлинмалари жойлашган ва ёнғин ҳодисаси рўй берганда уни жалб қилиш мумкинлиги;
- хизмат ва маиший хоналарнинг борлиги, керак бўлганда уларга шахсий таркиб ва ёнғин техникасини жойлаштириши;
- ХЁХ, КЁХ га керакли одамлар сони, уни сақлаш учун харажатлар (ойлик иш ҳақ фонди билан бир йил ҳисобида).

Эслатма: Керакли шахсий таркибни (жанговар гуруҳ учун) лойиҳаланаётган ёнғин техникасини ҳисобга олган ҳолда (у лойиҳада кўрсатилади) назарда тутиш керак. Корхонада ёнғин ҳимоясининг борлиги, сони ва сақлаш қиймати (ойлик иш ҳақи фонди билан бир йил ҳисобида).

Далолатномада ХЁХ, КЁХ ташкил қилишда бошқа керакли маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Далолатномага қуйидагилар илова қилиниши керак: тушунтирув хати билан ишловчилар сонини лойиҳаси, участкалар (секторлар)нинг жойлашиши, корхонани ҳимоя қилаётган нозирлар (кичик нозирлар) ҳамда кўзда тутилган бўлса постлар ва дозорлар.

Идоралараро комиссия далолатномаси, постлар ва дозорлар жойлашиши корхоналар раҳбарияти ва ИИВ-ИИБ билан тасдиқланиши керак.

Кўрсатилган ҳужжатлар етарлича сонда тузилиши ва соҳа вазирликлари ҳамда иккита нусхада Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХБ га жўнатилади.

ЎзР ИИВ ёнғин хавфсизлигини ҳимоялаётган объектлар маъмурияти, бошқа вазирликлар ва бошқармалар ёнғин хавфсизлиги (ўзларининг корхоналарида ёнғин ҳимояси бўлган)нинг ўзаро муносабати давлат меъёрий далолатномалари, ўзаро идоралараро меъёрий ҳужжатлар (буйруқлар, низомлар, йўриқномалар) ҳамда давлат ёнғин назорати низоми билан тартибга солинади.

Ёнғин хавфсизлиги идоралари вазирликлар ва бошқармалар билан (ўзларида ёнғин ҳимояси бўлган) келишилган ҳолда уларнинг ёнғин ҳимоясини, ёнғинларни ўчириш, табиий офатлар ва йирик ёнғинлар оқибатларига барҳам бериш ҳамда ўзаро таъсир тартибини аниқлашади.

7. Халқ хўжалиги масканларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш билан боғлик бўлган асосий илмий-тадқиқот ишлар йўналишлари / 1; 2; 3; 4; 9 /

Илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик ишларининг асосий йўналишлари қуйидагилардан ташкил топади:

- ёнғинда одамлар хавфсизлигини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш, саноат ва жамоат биноларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш;
- янги ёнғин ўчириш техникасини яратиш;
- янги автоматик замонавий ёнғин ўчириш қурилмаларини яратиш;
- қурилиш материалларининг ёнғинга чидамлигини текшириш;
- қурилишнинг лойиҳалашдаги ёнғин хавфсизлиги меъёрларини асослаш;
- янги ёнғин ўчириш воситаларини яратиш;
- ёнғин жойига ёнғин ўчириш воситаларини беришнинг тактик йўллари ва усулларини ишлаб чиқиш;
- янги қўриқлаш воситаларининг турларини ва ёнғиндан хабарлаш даракчиларини яратиш;
- ёнғин хавфсизлиги соҳасида стандартлаш;
- ёнғин хавфсизлиги хизматини ташкил қилиш ва бошқариш назарияларини яратиш;
- ёнғин хавфсизлигини таъминлашда унинг иқтисодиёти;
- сув транспортида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш.

Фаолиятнинг муҳим йўналиши бу ёнғин техник лабораториясининг фаолиятига илмий-услубий раҳбарлик қилиш бўлади.

Ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги илмий-тадқиқотлар ўтказишда ЎзР ИИВ ИИВ ЁХОТМ ходимлари фаол қатнашмоқдалар. ЁХОТМда ёнғин хавфсизлиги муаммолари бўйича илмий марказ 25 июн 2001 йилда ўз ишини бошлаган. Илмий текширувлар ва уларнинг натижаларини жорий қилиш мактаб профессор-ўқитувчилари ва магистрлари томонидан йиллик илмий ишлар режалари асосида олиб борилади ва ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг илмий асосларини яратишда уларнинг хизматлари жуда катта. Бу ишларнинг ҳаммасини мактаб илмий-текшириш ишлар бўлими мувофиқлаштиради.

Республиканинг жуда катта гарнизонларида, ёнғинларда содир бўлган ҳодисаларни ўрганиш ва хулосалар чиқариш учун ёнғин техник лабораториялари ташкил қилинган.

Ёнғин техник лабораторияси ёнғин хавфсизлиги хизматининг махсус тезкор илмий тадқиқот ва текширув техник хизмати ҳисобланади. Лабораторияларда одатдагидек иссиқлик физикаси (теплофизик), кимёвий, электротехник ва кино лабораториялар фаолият кўрсатади, шу билан бирга тезкор автомобил-кўчма лабораториялар ҳам бўлади. Лаборатория ўзининг ҳар доим ёнғин хавфсизлиги

хизматига бевосита ёрдам кўрсатишидан ташқари, тематик ишларни ҳам бажаради. ЁТЛларига услубий раҳбарлик ва уларнинг бажараётган тематик ишларининг сифатини текширишни ЎзР ИИВ ЁХББ амалга оширади.

Ўзларининг амалий фаолиятида ёнғин техник лабораториялари қуйидагилар билан шуғулланишади:

- ёниш ҳодисаларини ўрганиш қурилиш конструкциялари ва материалларнинг ёнғиндаги ҳолати, ёнғинда оловнинг тарқалиш хусусиятлари;
- ёнғинларда ёнғин ўчириш воситалари ва ёнғин қарши сув таъминотини қўллаш шартларини ва самарадорлигини ўрганиш;
- ёнғин ўчириш техникаси, алоқа, техникавий аслаҳалар, асбоблар ва махсус ёнғинлардаги ёнғин хавфсизлиги хизматларида жанговар фойдаланишнинг хусусиятларининг таҳлили;
- ёнғин шароитида одамларни ва мулкни эвакуация қилиш ҳамда одамлар билан бўладиган бахтсиз ҳодисалар сабабини текшириш саволлари билан;
- ёнғинларни содир бўлиш сабабларини текшириш;
- ДЁХХ бўлинмаларига текширишларни амалга оширишда, ёнғин ўчириш воситаларини текширишда, кўпик ҳосил қилувчи моддалар ХКП учун кимёвий юткичлар, ёнғин жойидан олинган ашёвий далилларни таҳлилида ёрдам кўрсатиш;
- янги ишлаб чиқариш технологик жараёнларининг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини текширишга ва уларнинг хавфсизлигини пасайтиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш;
- янги моддалар, қурилиш материаллари, саноатда ишлаб чиқарилаётган конструкцияларнинг ёнғинга чидамлилигини аниқлаш каби ёнғинга хавфсизликнинг олов синови орқали баҳолашни ўтказиш ва синовлар асосида хулосалар бериш;
- кўтарувчи конструкцияларнинг тайёрлашда керакли оловга чидамлилик чегарасини таъминлаш нуқтаи назардан техник шартларни (ТШ) бажарилишини текшириш;
- алоҳида турдаги ёнғин ўчириш техникасини текшириш, синаш ҳамда автоматик ва ярим автоматик ёнғин ўчириш тизимларининг самарадорлигини ва техник ҳолатини аниқлаш;
- ИИВ ЁХББ режаси бўйича илмий тадқиқот, конструкторлик ва синов ишларини ўтказиш;
- янги тавсифли ёнғинларнинг кино фотоларини ва ДЁХХ шахсий таркибининг ишини тавсифловчи, ёнғин ўчириш техника ва воситаларининг кино фотоматериалларини йиғиш;
- корхоналар ва алоҳида шахсларга ёнғин-техник сабабларидан консультациялар ташкил қилиш;
- ЁХББ, ЁХБларни ДЁХХни амалиётида пайдо бўладиган инженер-техник саволларига ечим топиш.

8. Ёнғин хавфсизлиги хизмати муаммолари бўйича тадқиқотлар ўтказувчи илмий муассасалар тузилиши. Илмий тадқиқотларни ёнғин хавфсизлиги хизматида кимлар олиб боради, қайси меъёрий ҳужжатда ўз аксини топган, республикада нечта ёнғин техник лабораториялари мавжуд?

/ 1; 3; 4; 9 /

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 25 июндаги «Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги 267-44- сонли Қарорига асосан саноат ва қишлоқ

хўжаликларининг ёнғин хавфсизлигини яхшилаш йўналишида, муаммолари бўйича илмий изланишлар Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ ёнғин техник лабораториясида (ЁТЛ) ва ЎзР ИИВ ЁХОТМнинг илмий марказида олиб борилади.

Бундан ташқари, ёнғин техник лабораториялар Навоий ва Фарғона вилоятлари ИИБ ЁХБларида мавжуд бўлиб, уларнинг ҳам асосий йўналишлари ёнғинларнинг олдини олиш, содир бўлган ёнғинни батафсил ўрганиб чиқиб – хулосалар бериш ва шу кабилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош Бошқармаси марказий аппаратининг тузилиш бўлинмаси ҳисобланиб, давлатни аҳоли яшаш жойларини ижтимоий маданий, саноат объектлари ва коммуникациялари ҳамда стратегик объектларининг ёнғин хавфсизлигини таъминловчи ҳудудий ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг фаолиятига услубий раҳбарликни ва мувофиқлаштиришни таъминлайди.

ЎзР ИИВ ЁХББ ЁТЛ (ёнғин техник лаборатория)нинг асосий вазифаси лицензиялаш, маҳсулотларни сертификатлаш ва хизмат кўрсатиш соҳасида:

- ёнғин хавфсизлиги соҳасида лицензиялаш ва сертификатлаш саволларини меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- қурилиш материаллари ва жиҳозларнинг ёнғин хавфсизлиги бўйича сертификация текшириш ишларини ўтказувчи тадқиқот марказларини аккредитация ишларини ташкил қилиш;
- ёнғин техник лабораторияларининг фаолиятини ташкил қилиш ва ёнғин сабабларини текшириш, сертификацион ишларини ўтказишни мувофиқлаштириш.

Ёнғинларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш янги услуб ва техник воситаларини ишлаб чиқиш соҳасида:

- ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаб билан барча ёнғиннинг олдини олиш янги услуб ва техник воситаларини яратиш бўйича текширишлар ўтказиш, технологик жараёнлардаги ёнғинни топиш ва бартараф қилиш, қурилишда ёнувчанлигини пасайтириш, пардозлаш ва бошқа материалларни яратиш ҳамда ёнғин техникасини, ёнғин техника жиҳозларини ва шахсий таркибни индивидуал ҳимоя воситаларини замонавийлаштиришни ташкил қилиш;
- қурилиш конструкциялари ва материаллар, асбоблар ва жиҳозлар ҳамда ташқи давлатлардан келтирувчиларнинг меъёрий ҳужжатларга-ёнғин хавфсизлиги талабларга мос келишини (ҚМҚ, стандартлар, техник шартлар ва бошқаларни) назорат қилиш;
- ёнғин хавфсизлиги муаммолари бўйича давлат, илмий техника дастурларини амалга оширишда қатнашиш;
- қурилиш конструкцияларини, модда ва материалларни, саноат жиҳозларни ёнғин хавфсизлиги меъёрларга тўғри келишини аниқлаш мақсадида сертификацион текширишлар ўтказиш;
- корхоналар ва ташкилотлар ишлаб чиқараётган ҳамда ташқаридан олиб келинаётган маҳсулотларни мавжуд ёнғин хавфсизлиги ва меъёр стандартларига мослигини билиш учун терма назорат қилиш.

9. Ёнғин хавфсизлиги хизматларида бошлиқ ва ходимларнинг ишларини режалаштириш ва ташкиллаштириш

/2; 3; 4; 9; 12 /

Шахсий режалаштиришнинг шакллари ходим бажарадиган ишларнинг тавсифига ва ҳажмига боғлиқ. Шу билан биргаликда шуни ҳам унутмаслик керакки, режалаштириш учун ходимнинг кўп вақти сарфланмаслиги керак. Ходимлар ўзининг шахсий иш режаларини бир ойга, бир ҳафтага ёки бир кунга мўлжаллаб

тузишади. Бошлиқлар таркибининг шахсий режалаштириш шакли ДЁХХ аппарати раҳбари белгилаб беради.

Шахсий режалаштириш ва бажарилган тадбирларни қайд қилиб боришда энг қулайи бўлиб жадвал усули ҳисобланади.

ДЁН бўлинмалари инспекторларининг шахсий иш режалари бўлиб, уларга бириктирилган масканларнинг ёнғин хавфсизлигига қаратилган ишларини текшириш бўйича ойлик иш жадвали ҳисобланади. Жадвал инспектор томонидан бажарилиши лозим бўлган тадбирларнинг яққол кўзга ташланарли жиҳатидан, бажарилган ишларни белгилаб туришда ва уларнинг бир текисда тақсимланишида ва таҳлил қилишга жуда қулайликлари жиҳатларидан афзалликларга эга. Бу жадвалда кутилмаган тадбирларни бажариш учун захира вақт ажратиш имкони ҳам мавжуд.

ДЁН идораларида раҳбарнинг ролини олганимизда Бош бошқарма, бошқармалар, бирикмалар, бўлимлар (бўлинмалар) ва қисмлар тажрибали ва чаққон раҳбарлар билан, яъни давлат сиёсатини ва Ички ишлар вазирлиги қўйган барча вазифаларни амалда татбиқ қила оладиган раҳбарлар билан жамланиши керак. ДЁН идораси раҳбари ички ва ташқи алоқаларнинг кўп қиррали бўлган ва ахборот оқимининг ниҳоятда жуда юқори бўлган бир пайтида, меҳнатнинг илмий томондан бошқариш усулларидан ва уни илмий ташкил қилиш кўникмаларидан фойдалана олиши керак.

Раҳбарнинг ишида асосий элемент – қарор қабул қилиш, таъсир чорасини белгилаш, юклатилган вазифани бажариш учун масъул шахсларни тайинлаш. Фармойишлар, кўрсатмалар ва тавсиялар фақат техник ёки тезкор тавсифга эга бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам, ижро этиш қарорини қабул қилишдан олдин, ушбу масала бўйича директив ахборот кўрсатмасининг мазмунини билиб олиш, масаланинг ҳуқуқий томонини ва техник манбаларини ўрганиш, қўйилган вазифани бажариши керак бўлган аппаратларнинг имкониятларини аниқлаб олиш керак. Ундан кейингина қарор ҳужжат кўринишида расмийлаштирилади. Пухта ўйланмаган ва нотўғри қарорлар нафақат раҳбарнинг ҳурматини (авторитетини) тушириб юборади, балки бутун аппарат жамоасининг шаънига доғ туширади.

Раҳбарнинг кейинги бошқарув элементи – бу бошқарилувчи тизимлар, яъни давлат ёнғин назоратининг қуйи бўғинларига ижро этиш учун берилган ахборотнинг бажарилишини назорат қила олиш қобилияти.

Раҳбар ходим ўзининг меҳнатини ташкил қилишда энг асосий шахс ўзи эканлигини ва бу ишда энг асосийси - ўзи ва ёрдамчилари орасида мажбуриятларни тўғри тақсимлаш кераклигини тушуниб етиши керак. Ушбу тақсимлашни шундай амалга ошириш керакки, унинг билими, шахсий иштироки ва ҳурматини (авторитетини) талаб қиладиган айрим қарорларни қабул қилишда ўзи, масъулияти нисбатан пастроқ бўлган қарорларни қабул қилишда эса, ваколатларига қараб, унинг ўринбосарлари ва ёрдамчилари томонидан қабул қилиниши керак.

Бошқарма, бирикма, бўлим (бўлинма) ва қисмларнинг раҳбарлари ўзларининг иш кунларини тўғри ташкил қилишлари, қўл остидаги ходимларнинг хизмат вазифаларини ўзаро тўғри тақсимлай олишлари, уларни ўзининг шахсий хулқ-атвори мисолида тарбиялай олиши шартдир. Лекин, бу талабларга жавоб бериш учун бошқарма раҳбари хизмат кўрсатаётган ҳудудни яхши билиши, жойлардаги тезкор ҳолатдан хабардор бўлиб туриши керак. У 50% дан кам бўлмаган иш вақтини корхоналарда, ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларида, шаҳарларда ва туманларда хизмат сафарларида ўтказиши керак.

Кенг ва яхши фикрлашни, муаммони ҳал қилишда тўғри йўлни танлашни, умумлаштиришни ўрганиш учун фақат истак ва хоҳишнинг ўзи етарли эмас.

Бошқаришнинг ва меҳнатни илмий ташкил қилишнинг, шунингдек, ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари ва кўнгилли ўт ўчириш жамоат ташкилотларини бошқаришнинг замонавий усулларини мукаммал билиш керак. Бошқарма бошлиғи қўл остидаги ходимларнинг ишини фақат улар билан яқиндан мулоқотда бўлгандагина тўғри баҳолай олади. У энг малакали ходим сифатида шаҳарда, туманда ёки корхоналарда керакли амалий ёрдам кўрсатиши мумкин, шу билан биргаликда у ерда керакли ахборотни бевосита олади.

Давлат ёнғин назорати аппаратининг раҳбари туманларда ёки масканларда бўлган чоғида содир этилган ёнғинларнинг сабабини аниқлаши, маслаҳатлар бериши, ёнғинларга олиб келувчи камчиликларни жойида бартараф этиш учун чоралар кўриши, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузувчи шахсларга нисбатан эса маъмурий жазо чораларини қўллаши шарт. У тарбия усулларини ходимларга иродавий таъсир кўрсатиш ва хизмат юзасидан итоаткорликка мажбурлаш усуллари билан уйғунлаштиришни ўрганиши керак. Раҳбар ўз қўл остидаги ҳар бир ходимнинг сиёсий ва ишбилармонлик сифатлари билан унга юклатилган вазифаларни ечишга мос келишини эришишга интилиши керак. Қўл остидаги ходимларнинг ишини раҳбар доимий назорат остига олиши керак, чунки назорат интизомли бўлишга ундайди, хатоларнинг олдини олади ва масъулиятни оширади. Лекин текшириш ва назорат қилишда майда кузатишларга айланиб қолмаслиги керак.

Раҳбар учун асосий вазифалардан бири қўл остидаги ходимларда юқори масъулият ҳиссини, эгаллаган касбидан ғурурланиш каби жиҳатларни тарбиялашдир. Ходимларни тарбиялашдаги яна бир ўзига хос томонларидан бири – бу инсонни ўз вақтида қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, унга маслаҳат бериш ва тушкунликка учраган пайтида унинг кўнглини кўтариш.

Ҳар бир раҳбар бутун қўл остидаги жамоанинг ишига, вилоятда, туманда ёки шаҳардаги масканларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатига шахсан жавобгардир. Бошқаришдаги қаттиқ қўллик тамойили - касбдошлик ва жамоанинг фикрини эшита олиш тамойиллари билан уйғунлашиши керак.

10. ДЁХХда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш

/ 3; 4; 9; 11 /

Бугунги шароитда назорат идоралари ишининг самарадорлиги борган сари бошқарув фаолиятининг сифатига боғлиқ бўлиб бормоқда, бу сифат эса, ўз навбатида, кадрларнинг тайёргарлик даражаси ва ишбилармонлик малакасига боғлиқ.

Кадрларни танлашда, жой-жойига қўйишда ва тарбиялашда биринчи навбатда уларнинг ишбилармонлик сифатлари ва сиёсий онги жиҳатларини эътиборга олган ҳолда, ёш, интилувчан, ташаббускор ва яхши тайёрланган мутахассисларни тавсия этиш керак. Мустақил топшириқларни бажариш билан боғлиқ бўлган лавозимларга тайёргарлиги паст бўлган, ишбилармонлик сифатлари етарли даражада бўлмаган ва суст ходимларни танлаш ва тайинлаш орқали ишда жиддий хатоларга ва узилишларга йўл қўйиш мумкин.

Қоида сифатида, ДЁН аппаратлари ёнғин-техник тайёргарлиги ва махсус маълумоти бўлган ходимлар билан жамланади. ЁХБ аппаратининг ходимлари, бирикмалар, қисмлар ва бўлимлар (бўлинмалар)нинг раҳбарлари муҳандис ва инспекторлик таркиби олий муҳандислик маълумотларига (муҳандис малакасига) эга бўлишлари керак.

Ички ишлар идораларида махсус билим юртларини (олийгоҳларни) энди битириб келган, лекин иш тажрибасига эга бўлмаган ёш ходимларни тарбиялашга

катта эътибор беришади. Туман ЁХБ ёки қисмларга тайинланаётган ёш мутахассис, қоида сифатида, вилоят ЁХБда йўриқномадан ўтади, агар лозим топилса, тажрибали инспектор ёнида қисқача амалиётдан ҳам ўтилганидан сўнг иш жойига жўнатилади. Бевосита иш жойида унга мураббийлик вазифасини маҳаллий ДЁН идорасининг раҳбари шахсан ўзи бажаради ва тажрибали ходим сифатида керакли маслаҳатлар беради. У ёш ходимни аста-секинлик билан хизмат вазифалари доирасига бошлаб боради, мураккаб масалаларни ечишда маслаҳатлар беради ва амалий ёрдам кўрсатади.

ДЁН ходимининг дунёқараши жуда кенг бўлиши ва биринчи навбатда қуйидаги соҳаларда маълум бир билими бўлиши керак: саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, савдо тармоқлари ва омборхоналари, мактаблар, болалар, даволаш ва маданий-томоша муассасаларига оид ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билиши; ёнғин ўчириш автомобили ёки мотопомпалар билан ишлашни билиши ва корхоналарнинг ёнғин хавфсизлигига қаратилган ишларини тўғри текшира олиши; ёнғин ўчириш тактикаси ва шахсий таркибни ўргатиш услуби бўйича минимум билими бўлиши; технология жараёнларининг, кимёвий ва нефт маҳсулотларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлай олиши; қурилиш ишларининг, сув таъминоти ва электротехника асосларини билиши ва бошқалар. Халқ хўжалигининг барча жабҳаларига замонавий фан ютуқларининг кириб келиши, уларни кимёлаштириш ва автоматлаштириш, қурилишларда янги ашёларнинг қўлланилиши, электроника соҳасининг жадал ривожланиши каби ўсишлар ёнғин хавфсизлиги хизматининг ходимларидан ҳам ўз билимларини такомиллаштиришни, ўз устида мустақил ишлашни ва билимларини кенгайтиришни талаб қилади.

Давлат ёнғин назоратининг ҳар бир инспектори ўзининг сиёсий-мафкуравий онгини ва ишбилармонлик малакасини ошириш юзасидан доимо изланиши зарур, қонунчиликка қаттиқ риоя қилиши ва ўз иш фаолиятида илғор тажрибалардан фойдаланиши керак. Кундалик иш жараёнида фуқаролар билан бўлган мулоқотларда ўзининг юқори маданиятини ва хушмуомалалигини кўрсата олиши, ҳуқуқий-тартибот қоидаларига риоя қилиши, ички ишлар идораларининг ходими деган юқори номга доғ туширмасликка ҳаракат қилиши каби хусусиятлар ҳам ходимда мужассам бўлиши керак. Савияси юқорилик, меҳнаткашлик ва интизомлилик каби хусусиятлар эса ҳар бир инспекторнинг ажралмас сифатларидан бўлиши зарур.

Кадрларга қўйиладиган талаблар «Ички ишлар идоралари ходимларининг касб одобномаси» да батафсил келтирилган. Инспекторлар орасида «энг яхши инспектор» номига сазовор бўлиш мақсадида вилоятлар миқёсида ва республикада мусобақалар ва танловлар уюштирилади. Ёнғинларни олдини олиш ишларида ва ўзининг хулқ-одоби билан энг яхши кўрсаткичларга эга бўлган ходимларга бу унвон тантанали равишда топширилади ва бошқа ходимлар орасида бу ишлар тарғиб қилинади.

Давлат ёнғин назоратининг кадрлар таркибини яхшилашга қаратилган ишларидан бири – бу ИИВ буйруқлари билан белгиланган ва ички ишлар идораларининг барча ходимлари учун мажбурий бўлган навбатдаги ва навбатдан ташқари уюштириладиган хизмат шаҳодатлари. Шаҳодат варақасини тўлдираётган бевосита бошлиқ шаҳодатдан ўтаётган ходимнинг хизматда эришган ижобий томонларини ва хизматдаги ҳамда хулқидаги камчиликларини ҳам кўрсатиб ўтади. Шаҳодат комиссиясининг хулосалари натижасига биноан ходимнинг хизмат поғонаси бўйича кўтарилиши тавсия этилади ёки унинг айрим камчиликлари бартараф этилиши уқтириб ўтилади. Ҳар бир ДЁН ходимининг қобилияти ва билим

савияси даражасига қараб ижодий ўсиши ва янада масъулроқ иш жойларига кўтарилиши учун кенг имкониятлар яратилиши керак.

11. Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматида режалар тизими. Меъёрий ҳужжати, турлари ва ким томонидан тузилади

/2; 3; 4; 9; 11; 12/

ЎзР ИИВнинг 22 сентябр 1993 йилдаги 344-сон буйруғи билан тасдиқланган «ЎзРда ДЁНнинг иш фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисидаги қўлланмаси»га асосан Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматида уч турдаги режалар тузилади: ярим йиллик, чорак ва ойлик.

Ярим йиллик иш режалари Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ томонидан тузилади ва унда халқ хўжалигининг тармоқлари ва аҳоли пунктларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган комплекс текширишлар ва бошқа тадбирлар режалаштирилади.

Ҳудудий вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаларида ярим йиллик иш режалари ишлаб чиқилади. Туман ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлимлари (бўлинмалари), бирикмалар ва қисмларда эса чоракка мўлжалланган иш режалари тузилади. Туман ИИБ ЁХБларида ёнғинларнинг олдини олиш бўйича инспекторлар ойлик режалар тузишади.

ДЁХХ бошқармалари иш режаларини тузишни жорий йилнинг 10 декабрига қадар тугатишлари керак. Режага перспектив режадаги тадбирлар, шунингдек, ёнғинлар билан боғлиқ бўлган тезкор ҳолатнинг таҳлили натижасини ҳисобга олган ҳолда ИИВнинг юқори ташкилотлари томонидан қўйилган вазифаларни ечишга қаратилган тадбирлар киритилади. Бўйсундирилган бўлинмалар режадаги тадбирларни сўзсиз бажаришлари учун режа нусхаларга кўпайтирилади ва уларга бажариш учун жўнатилади.

Ярим йиллик ва чоракка мўлжалланган тармоқ режалари иккита асосий бўлимлардан иборат: режалаштирилган давр ичида ечилиши керак бўлган вазифалар; халқ хўжалиги масканларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ва ёнғинларни ўчиришни ташкил қилишни яхшилаш бўйича қилиниши керак бўлган конкрет тадбирлар. Режанинг кириш қисмида олдинда турган асосий вазифалар билан бир қаторда республика, вилоят, шаҳар ёки туманда ёнғинлар билан боғлиқ бўлган тезкор ҳолатнинг қисқача таҳлили ҳам келтирилади. Жорий тавсифга эга бўлган тадбирлар таркиб жиҳатдан ёнғин хавфсизлиги хизматининг асосий йўналишларига қараб бўлинади.

Маҳаллий ДЁН идораларининг иш режаларида шаҳар ёки тумандаги давлат ҳокимияти органларига халқ хўжалиги масканларининг ёнғин хавфсизлиги ҳолати тўғрисида маълумотлар бериш масалалари ҳам ўз ўринларини топмоғи керак. Иш режаларига ёнғин хавфсизлигига қаратилган ишларни текшириш тадбирлари ва уларнинг сифатини ҳамда таъсирчанлигини ошириш масалалари ҳам киритилади. Чоракка мўлжалланган иш режаларида ёнғин хавфсизлиги хизматининг шаҳар ва тумандаги соғлиқни сақлаш, халқ таълими, савдо ва бошқа соҳалари муассасалари билан ҳамкорликда ўтказиладиган тадбирлар ҳам кўрсатилади.

Маҳаллий ДЁН бўлинмаларининг чоракка мўлжалланган иш режаларига ёнғинларни профилактика қилишдан ташқари яна қуйидаги учта бўлим киритилади: шаҳар ёки туман миқёсида бажарилиши мақсадга мувофиқ бўлган ташкилий тадбирлар; хизматни, тайёргарликни ва ёнғин ўчиришни яхшилашга қаратилган тадбирлар; хўжалик-молия фаолиятига боғлиқ масалалар. Ҳар бир тадбирнинг

бажарилиши муддатлари ва уларнинг бажарилишига жавобгар шахслар ҳам кўрсатилади.

Иш режаларининг бажарилишини назорат қилиш – ҳар бир ДЁН аппаратининг бирикма ва қисмлар бошлиқларининг мажбуриятлари ҳисобланиб, уларнинг бажараётганлигидан ҳар куни хабардор бўлиб туришлари лозим.

Ярим йиллик режалар ЁХБларида тузилади. Ярим йиллик режаларга кўпинча маълум ташкилий тадбирлар (тезкор вазиятни таҳлили асосида), юқори ташкилотлар қарорлари, мавсумий воқеаларни олдиндан кўришлар асос бўлади ва бу режа бўлинган ҳолда чорак ва ойлик режаларга киритилади.

Режа қандай бўлмасин уни тузишда қуйидаги босқичлардан ўтилади: маълумотни йиғиш ва уни таҳлил қилиш; муаммоли вазиятни аниқлаш ва мақсадни шакллантириш; танлаш рўйхатини тузиш ва ундан хулоса қилиш; режа вариантлари ичидан энг яхшисини танлаш ва уни амалга ошириш.

Режа кўпинча жамоа ижодининг маҳсули бўлади. Уни ишлаб чиқишни ҳар хил босқичларида кўп ходимлар қатнашадилар. Мисол учун ЁХБнинг ярим йиллик иш режасини тузишда ҳар бир ходим ўз таклифини беради, бошқарма раҳбарияти эса уларни умумлаштириб аввал ҳаммасини, ундан кейин режанинг охирги вариантини тузади.

Таянч сўзлар, атамалар ва тушунчалар

ДЁХХ (Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати) - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан (2001 йил 25 июнда 267-44-сонли Қарор билан тасдиқланган) у Ички ишлар Вазирлиги Ёнғиндан сақлаш бўлинмалари базасида ташкил этилди. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси;
- Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар Ички ишлар бошқармалари ёнғин хавфсизлиги бошқармалари;
- Ўзбекистон Республикаси ИИВ туманлар (шаҳарлар) Ички ишлар бўлимларининг ёнғин хавфсизлиги бўлимлари (бўлинмалари);
- *Ёнғин хавфсизлиги отрядлари ва қисмлари (**ЁХО, ЁХҚ**);*
- Ҳарбийлаштирилган ва касбийлашган ёнғин хавфсизлиги хизматлари ёки қисмлари **(ҲЁХХ, КЁХХ ёки ҲЁХҚ ва КЁҲҚ).**

Ёнғин – моддий зарар етказадиган, махсус ўчоқдан ташқаридаги назорат қилиб бўлмайдиган ёниш.

Ёнғин хавфсизлиги *– объектнинг ёнғин чиқиш эҳтимоли истисно бўлган ҳолати, агар ёнғин чиқадиган бўлса, унда ёнғиндаги хавфли факторларнинг одамларга таъсирининг олди олинган ҳамда моддий бойликларнинг ҳимояси таъминланган бўлади.*

Ёнғин хавфсизлиги қоидалари, қурилиш меъёр қоидалари ёки шаҳар меъёр қоидалари *- Ёнғин хавфсизлиги қоидалари республикага, шаҳар ёки тармоққа оид бўлиши мумкин. Бу қоидалар манфаатдор вазирликлар томонидан ЎзР ИИВ ЁХББ иштирокида ишлаб чиқилади ва ЎзР ИИВ ёки тармоққа оид вазирликлар томонидан тасдиқланади. Тармоққа оид қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ЎзР ИИВ ЁХББ томонидан тасдиқланиши ҳам мумкин.*

АДАБИЁТЛАР

1 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 25 июндаги «Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида» ги 267-44- сонли Қарори.

2 «Ёнғин хавфсизлиги», А.Д.Худоев таҳрири остида Тошкент, ЎзР ИИВ ЁХОТМ. 2000 й., 317 б.

3 Семиков В.Л. «Основы НОУиТ в пожарной охране», - М.: ВИПТШ МВД СССР, 1979 год, 222с.

4 Касымов Б.Э. «Организация управления пожарной охраной», М.Стройиздат, 1981 год.

5 «Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмат фаолиятида бошқарувни ташкиллаштириш» фанидан курс ишини бажариш бўйича услубий қўлланма. С.М.Махмудов, Т., ЎзР ИИВ ЁХОТМ, 2006 йил.

6 ҚМҚ 2.04.02 – 97 «Водоснабжение. Наружные сети и сооружения».

7 ШНҚ 2.07.01–03 «Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш».

8 М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев «Менежмент», «Меҳнат нашриёти»Т.-2000 йил, 559 б.

9 «Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати фаолиятида бошқарувни ташкиллаштириш» фанидан маъруза матнлари тўплами, Махмудов С.М. - Т., ЎзР ИИВ ЁХОТМ, 2004 йил.

10 «Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати фаолиятида бошқарувни ташкиллаштириш» фанидан амалий машғулотлар ўтиш учун услубий кўрсатма, Махмудов С.М. - Т., ЎзР ИИВ ЁХОТМ, 2005 йил.

11 ЎзР ИИВнинг 22 сентябр 1993 йилдаги «ЎзРда ДЁНнинг иш фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисидаги қўлланмаси» 344-сон буйруғи.

12 Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 24 июн 1996 йилдаги «Ички ишлар идораларида ахборот-таҳлил ишини, режалаштиришни ва ахборот-маълумот фондини ташкил этиш тўғрисида»ги 146-сон буйруғи.